

# № 205 ЖСахон АДАБИЕТИ



## МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

1997 йил шундан  
чиқа бошлаган

№ 6

2014 йил, июнь

**Бош муҳаррир:**

*Шухрат РИЗАЕВ*

**Жамоатчилик кенгаши:**

*Эркин ВОҲИДОВ*  
*Абдулла ОРИПОВ*  
*Омонулла ЮНУСОВ*  
*Муҳаммад АЛИ*  
*Муҳаммадjon ҚУРОНОВ*  
*Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ*  
*Иброҳим ҒАФУРОВ*  
*Низом КОМИЛОВ*  
*Шухрат СИРОЖИДДИНОВ*  
*Муҳаммадjon ХОЛБЕКОВ*  
*Хуришид ДЎСТМУҲАММАД*

**Таҳрир ҳайъати:**

*Омонулла РИЗАЕВ*  
*(масъул котиб)*  
*Амир ФАЙЗУЛЛА*  
*Назира ЖЎРАЕВА*  
*Музаффар АҲМАД*  
*Дилдорхон АЛИЕВА*  
*Алимурод ТОЖИЕВ*  
*Шаҳноза НАЗАРОВА*  
*Севара АЛИЖОНОВА*

## МУНДАРИЖА

Алишер НАВОЙЙ. **Шоҳбайтлар**.....3

### НАСР

**Ф.КЛИНГЕР. Фауст ҳаёти, аъмоли ва жаҳаннамга қулаши.** Роман. *(Рус тилидан Маҳкам Маҳмудов, Абдунаби Абдулқодиров тарж.)*.....4  
**У. ЭДЕМОВА. Ойдин кечада.** Роман. *(Қрим-татар тилидан Миразиз Аъзам тарж.)*.....51  
**Ж. ОСТИН. Андиша ва ғурур.** Роман. *(Рус тилидан Муҳаббат Исмоилова тарж.)*.....93

### ГЛОБУС

#### ИТАЛИЯ РЕСПУБЛИКАСИ

**Италия. Умумий мақола**..... 153  
**Италия шеърляти** ..... 167  
**Италия насри**.....162  
**Италия драматургияси**.....173  
**Унутилмас сиймолар**.....194

### ДРАМА

Сэмюэл БЕККЕТ. **Годони кутиш** *(Рус тилидан Жаббор Эшонқул тарж.)*.....125

#### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Абдулла ОРИПОВ. **Пушкин.**  
ПУШКИН. Поэмалар.....45  
Абдулла ШЕР. **Азобларнинг бахтли келини.**  
Анна АХМАТОВА. Шеърлар.....86  
Жаҳон болалар шеърляти.....147

#### АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

У.ЭКО. **Кўнгиловлар адабиёт.** *(Рус тилидан Гўзал Бегим тарж.)*.....190

**Тарихда бу кун**.....201  
**Муқовамизда** .....204  
**Тақвим**.....205



## НАВОИЙ ШОҲБАЙТЛАРИ

\* \* \*

*Виқор гавҳарию ҳилм маъдани бўлакўр,  
Десангки, қилгай итоат санга гадо ила шоҳ.*

\* \* \*

*Кўнгулда доғи майлини асрама,  
Ки кўнглунгни доғи ҳамул ранг этар.*

\* \* \*

*Кўп келур вақту оз келмакинг эмгатти мени,  
Оз келур вақтда кўп келмак ила ўлтурма.*

\* \* \*

*Киши зуҳд ичра майдин тавба айлаб,  
Нашот андин хаёл айлаб емак банг.*

\* \* \*

*Кўнглунг ичра нафас кабидур роз,  
Қайтмас, кимсадин чу чиқти нафас.*

\* \* \*

*Жавоҳирни термак анга саъб эса,  
Эрур сочмамаглиг худ осон мунга.*

\* \* \*

*Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуг ишдур буким,  
Олам аҳли барча бўлгай бир тараф, сен бир тараф.*

\* \* \*

*Гарчи қуёштин парвариши олам юзига оmdir,  
Саҳрода қумзоғу тикан, бўстонда савру гул бутар.*

\* \* \*

*Чу тугмоқдур ўлмак учун, бас не яъни,  
Улардин бурун ҳар дам ўлтурмак ўзни.*

\* \* \*

*Ки қилмади гул иси бирла тоза руҳ жуал,  
Кўёш чарогига парвона бўлмади хуффош.*



Фридрих КЛИНГЕР

ФАУСТ ҲАЁТИ,  
АЪМОЛИ ВА ЖАҲАННАМГА ҚУЛАШИ

Роман<sup>1</sup>

ТЎРТИНЧИ КИТОБ

1

Тўғри, ўша даврларда Франция халқи ҳозиргидай қувноқ эмасди, бунга кейинроқ эришди. Хукмдорнинг ва замона зўрларининг ўзбошимчаликларига бўйсуниб, итоаткорлик билан яшаш ҳали одат тусига кирмаган, халқ ҳаётида чуқур илдиз отмаганди. Улар ўз мусибатларини турли қочирим ва пичингларга жойлаб, кўча-кўйларда қўшиқ қилиб куйлаб юришар, шу тариқа ўч олиш улар учун етарли эди.

Фауст билан Иблис бу ерга келганларида, мамлакатни Людовик XI бошқарди. Бу қўроқ, маккор, золим шоҳ халққа жабр-зулм ўтказиб турсада, ўзини дунёда “энг масиҳий”<sup>2</sup> қирол деб эълон қилганди.

Иблис атайлаб Фаустга бу мамлакат ҳақида гапирмади, унинг мақсади аста-секинлик билан Фаустга барча разилликларни кўрсатиб, дилини вайрон қилиш эди. Ҳаётни чуқурроқ билган сари, Фаустнинг ҳафсаласи пир бўлиб, фалак қилмишидан норозиликлари кучаярди.

Иблис охирги зарбани аста-секинлик билан тайёрлаб борарди. У, инсон ақлига қўйилган чегараларга қаноат қилмасдан, ғайритабиий кучларга эга бўлмоқ мақсадида исён кўтарган Фаустнинг бошига мисли кўрилмаган балоқазо ёғдирсинки, адои тамом бўлсин. Аслида, инсон ҳулқ-атворида бунинг учун етарли омиллар мавжуд. Фаустдан ҳам ақлироқ бўлган доно инсонлар, Шайтоннинг ёрдамисиз ҳам, ҳалокатга дучор бўлганлар, чунки улар инсонга қўйилган биринчи талаб *тақдирга бўйсунини* эканлигини унутиб қўйганлар. Турмушга озми-кўпми маъно киритиб турган яхши ва муруватли одамлар ҳам шундай тўсиқлар қурбони бўлганлар. *Инсонни ғамга ботирувчи, уни заҳарловчи омиллардан бири – ҳис-туйғуларининг даҳрийлигидир.* У давосиз бир дард, чунки уни шу қўйга солувчи сабаблар етарли: ахлоқий ва табиий оламида зиддиятлар тўлиб ётипти, бунга жавобан қалбида қарама-қаршилиқлар юзага келади – кайфияти ҳам, туйғулари ҳам шунга боғлиқ. Безгак тутгандек, ақл-онгини ҳам ишдан чиқаради. Ақл-онг даҳрийлиги унинг олдида ҳеч гап эмас, чунки ақл фикрлашга ундайди, қилмишларини тарозига солади, сабабларни қидиради, оқибатда инсон ожизлигига тан беришдан бошқа иложи қолмайди, қисмат унинг учун зимистон бўлиб қолаверади. Ахлоқий дунёда ҳам, сиёсий дунёдаги каби қарама-қаршилиқлар бўлиши керак. Дохийлар ўз таълимотини мажбуран қабул қилдирмайди, лекин таълимот қурбонлари, инсон қадриятларидан четга чиқмасликни маслаҳат беради... Фауст Франция қироли ҳақида, ўзини “энг масиҳий” деб эълон қилганлигини-ю, барча феодаллارни ўзига бўйсундириб, ягона тож-тахтга эга бўлганлигидан бошқа нарсани билмасди. Европанинг барча қироллари ундан кўрқишини, у ният-

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонларда.

<sup>2</sup> Қиролга берилган лақаб.

мақсадига етишиш йўлида ҳеч нарсадан тоймаслиги, бирор марта ваъдаси устидан чиқмаганлигини биларди. Фауст унинг мақсадга эришиш йўлидаги воситаларини билиш истагида юрарди.

Иблис олдинроқ юборган айғоқчи шайтонлари орқали билдики, қирол укаси бўлмиш Беррий герцогининг ер-мулкларини ўзига қўшиб олиб, ундан қутулиш мақсадида давлат тўнтаришига тайёргарлик кўраётган экан. Иблис фурсатдан фойдаланиб, Фаустни бу воқеалар гувоҳи бўлишига имконият яратди. Улар атрофи боғ билан ўралган қандайдир қаср ёнидан ўтишаркан, дуолар китобига муккасидан кетган роҳибга кўзлари тушди. Иблис хурсанд бўлиб кетди, чунки роҳиб Биби Марямга сажда қилиб, мушкулларини осон қилишни, аббат топшириғи бўйича бажараётган муҳим иши яхши якунланиши, уни турли бало-қазолардан асрашини тилаб турганлигини юзидан билиб олди. Роҳиб ҳазрат Фавр Везуа бўлиб, қирол укасининг руҳоний ота-хони экан. Иблис уни чалғитмасликни лозим топиб, Фауст билан қалъага жўнади. Уларни яхши кутиб олишди. Ўзларини чет эллик аслзодалардан деб таништиргач, шахзодага ҳурмат юзасидан келганликларини билдирди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ шахзода, ўз севгилиси Монсоро хоним билан беташвиш, шод-хуррам бўлиб яшарди. Унинг хушмуомалалиги Фаустга ёқди, чунки подшо хонадонидагилар одатда такаббур бўлиб, сохта тантанаворликдан нарига ўтмасди. Бир неча кун ўйин-кулги, сайр-томоша ва ов билан ўтди. Шахзоданинг илтифот кўрсатишлари Фаустни тобора ўзига яқинлаштирарди. Унга фақат шахзоданинг ўз руҳий отахонига бўлган яхши муомаласи ёқмасди. Шахзода унга саховат кўрсатиб, совға-саломларга кўмиб ташлар, айтганларини сўзсиз бажарар, роҳиб эса иккиозламачилик билан қабул қиларди, Фауст эса бу риёкор, мунофиқ билан нега шахзода бундай муомала қилаётганлигини тушунмасди. Бу муаммони унга Иблис ечиб берди ва шахзода билан Монсоро хоним ўртасидаги сирдан уни воқиф қилди. Шахзоданинг унга бўлган севгиси дўзах даҳшатидан кучлироқ, асло кам эмасди. Монсоро хонимнинг эри ҳали тирик бўлиб, шахзоданинг аҳволи қалтироқ эди. Шахзода ундан воз кечолмас, айни пайтда дўзах азобларидан ҳам кўрқарди. Шунинг учун у барчага маълум бўлган сўқмоқдан фойдаланди. Ғараз мақсадлари ва манфаатлари йўлида, диндан воз кечмаган ҳолда, динни сотиб олиш йўлига ўтган Рим роҳибларидан ўрнак олиб, шу йўлдан кетди. Бўлғуси дўзах азобларидан кўрққан шахзода тавба-тазаруни пулга сотиб ола бошлади ва ўзини бироз тинчлантиргандек бўлди. Бу дунёнинг лаззатларидан баҳраманд қилиб, у дунё азоби кўркувидан халос қилиб турган одамга яна қанақа йўл билан миннатдорчилик билдириш мумкин?

– Одамлар динни нимага айлантириб юборганликларини кўриб турибсан, Фауст, – деди Иблис. – Шунга эътибор бергинки: ҳар бир жиноят ва қабихликларда дин муҳим ўрин тутмаса-да, ёвузларга таскин бериб, юпатиб туришти.

Иблиснинг бу гаплари, осонгина виждонидан воз кечган Фаустнинг шахзода ҳақидаги фикрларига ижобий таъсир қилмаган бўлса-да, охириги айтган сўзлари қалб тубидан жой олди. Фауст бўлиб ўтаётган воқеаларга аралашмасдан, вақт оқимига қараб, кўнгилхушлик қилиб юрарди.

Бир куни Фауст кечкурун дастурхон устида яхши кайфиятда ўтирарди. Иблис кулгили воқеалардан ҳикоя қиларди. Фауст эса қувноқ бир француз қизини қармоғига илинтириш билан овора эди. Барча хурсанд бўлиб, кулиб ўтирганда ажал чанг солди. Бенедикт роҳиби десертга шафтоли буюрган экан, шунини олиб келишди. Роҳиб эса яхшисини танлаб олиб, одоб билан табассум қилганча уни шахзодага узатди. Шахзода шафтолини иккига бўлиб, ярмини севгилисига узатди. Шубҳани ҳаёлига ҳам келтирмай еб юборишди. Роҳиб сохта мулойимлик билан “*Gratias tibi*” (“Худога шукур”) дуосини ўқиди ва бирдан йўқ бўлиб қолди. Иблис эндигина янги латифа айтишга чоғланганди, тўсатдан Монсоро хоним оғриқдан бақириб юборди. Шу ондаёқ

юзи қийшайиб, лаблари кўкариб кетди, ранги мурдадек оқарди. Шахзода унга ёрдам бермоқчи бўлганди, аммо унга ҳам захар таъсир қилиб, ёнига йиқилди ва қўлларини кўкка чўзганча хитоб қилди:

– Ноламни эшит! Бу акамнинг қилмиши. Лаънати қотил роҳиб қўли билан жонимдан жудо қилди! Акам отамни ҳам очдан ўлдирган эди, захарлаб қўйишларидан кўрқиб овқат емасди, энди роҳибни ўзига оғдирипти.

Фауст роҳибни ушлаш учун югурди, аммо у яширинишга улгурганди. Боғ четида бир неча отлик уни кутиб турган бўлиб, улар билан биргаликда қочибди. Фауст қуп-қуруқ қайтиб келди. Ажал ўз ишини қилиб улгурганди, ҳар иккаласига ўлим тамғаси босилганди. Фауст билан Иблис қалъани тарк этиб, йўлларига давом этди.

**Иблис:** Нима деб ўйлайсан, Фауст, дўзахдан Иблисни чакириб олишга хожат бормикан, ахир ёвузлик ер юзида кезиб юрипти-ку, яна роҳиб либосига ўралиб олганини айтмайсанми? “Энг масихий” бўлган қирол буйруғини бажариб юрган роҳибнинг қилмишларига нима дейсан?

**Фауст:** Нимасини айтасан, ўйлашимча, қалбимизга жаҳаннамнинг энг ёвуз руҳлари кириб олган бўлса керак, биз эса улар кўлида курулмиз, холос.

**Иблис:** Туф-е! Бундай шубхали бадбашара маҳлуқ қиёфасида юрадиган бўлсак, аҳволимиз нақадар аянчли! Сўзларимга ишон: гарчи Иблис бўлсам-да, ғурурим бор; иллат ва гуноҳларга ботган дўзахий қиёфасидаман, деб керилиб юрган маҳлуқдан кўра, балчикка ботган чўчка қиёфасида юрган афзалроқ эмасми?

**Фауст:** Лаънати! Инсоннинг кадрини ерга уришга, камситишга қандай ҳақдинг сиғди?

**Иблис:** Хафа бўлма, эй инсон! Ўша сен мақтаётган юксак ахлоқий кадрятларингизни ким кадрлайди? Ўргилдим ўша кадрятларингдан! Ўша роҳиб динсиз эмасди-ку? Уни шу ишга йўллаган аббат ҳам художўй, диёнатли эмасмиди? Шахзодани улар кўли билан ўлдирган “Энг масихий” қирол энг яхши биродарларингдан эмасми? Иблис шунақа диёнатлиларнинг қиёфасига кирсинми?

**Фауст:** Шунчалик оғир гуноҳни бўйнига олиб, дўзах азобларига дучор бўлишга уни нима мажбур қилди экан?

**Иблис:** Тавба-тазарру – нақд, кўлида, дўзах азоб-уқубатлари эса – насия, ҳали-вери кўринмайди. Қотиллик учун муқофотлар – ер-мулк, бойлик манбаи. Аббатнинг монастири ихтиёридаги, кўлга киритган ер-сув уни янада бойи-тади, бу атрофда энг қудратли монастирга айланади. Илгари дўзахга бирорта осий банда тушиб қолармикан, деб жонимиз халак эди, роҳиблар динни айнитиб юборгандан бери эса гуноҳкорларнинг кети узилмаяпти. Одамларни йўлдан оздирмаслик учун бирорта чора топишдими улар?

Бу сўзлар Фаустни илондек чакиб олди. У жим бўлиб қолди. Инсон ҳақида, унинг бурч-вазифалари, оламнинг ахлоқий тартиб-қоидалари ҳақида, улар орасидаги зиддиятлар ҳақида ғамгин фикрларга берилди. Кўз ўнгида бўлиб ўтаётган воқеалар зардасини қайнатар, одамларга бўлган нафратини оширар, аста-секинлик билан бутун борлиғини вайрон қиларди.

Фауст билан Иблиснинг Франциядаги саёҳати давом этарди. Кўп саргузаштларни бошдан кечиришди. Фаустнинг ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлишига қайғули фикрлари ҳали унчалик ҳалал бермасди. Ҳамма жойда кўрқок қиролнинг ёвуз қилмишлари асорати қолганди. Буларни кўрган Фауст қалб жароҳатларига даво сифатида Иблиснинг бойликларини совурарди.

## 2

Кўп воқеаларни бошдан кечиргач, улар ниҳоят, Парижга етиб келишди. Шаҳарда қандайдир безовталиқ бўлаётганини сезишди. Оломон фақат бир томонга қараб юрарди. Улар кетидан эргашган Фауст билан Иблис бозор майдонидан чиқиб қолишди. У ерда бинога туташ қилиб ўрнатилган тахтасура

қора мато билан ўраб қўйилганди. Фауст суриштириб кўрса, бой-бадавлат Герцог Немурли ҳозир шу ерда қатл қилинармиш.

– Нима учун қатл қилишмоқчи? – деб сўради Фауст.

– Қиролнинг буйруғи шу. Айтишларича, герцог қирол оиласига душман бўлиб қолганмиш, шахзодани ўлдирмоқчи экан. Қирол тайинлаган одамлар уни камоқда яширин тарзда суд қилишганмиш, анигини ҳеч ким билмайди, – деб жавоб беришди.

Шу орада кимдир қичқирди:

– Қиролга унинг бойлиги керак, дея қолинг. Миллат равнақи ва шон-шуҳрати баҳонасида янада қудратлироқ бўлмоқчи, шу мақсадда аслзодаларимизни йўқ қилмоқчи, агар уни маъқулламасак, бизни ҳам қўшиб гумдон қилмоқчи.

Иблис отларни карвонсаройга жўнатиб, Фауст билан оломон орасини ёриб ўтди. Мардонавор герцогни вояга етмаган болалари билан бирга қора мовут тўсилган хонага олиб ўтишганини кўришди. Бу ерда руҳоний маҳкумнинг сўнгги тавба-тазаррусини қабул қилиш учун кутиб турарди. Ота ўз болаларига тикилар, тавбага ҳам мажоли етмасди. Тавбадан сўнг болаларини бағрига босди, бўзлаётган ўғиллари бошини силаркан, кўкка боқди:

– Эй, Худойим! Ғаразгўй ва золим қирол мени ноҳақ ўлдирмоқда, мендек бебахт отанинг дуоларидан болаларимни бенасиб қолдирма, бегуноҳ фарзандларимга бахт ато қил! Лекин (шу ерда у бироз тин олди), меросхўрларим бўлгани учунгина улар ғам-қайғуда яшайди... Шу армон билан ўлиб... – у сўзларини охирига етказма олмади, уни мажбуран кундага олиб кетишди.

Қирол буйруғига асосан тайёрланган бу қатл совуққонлик ва эҳтиёткорлик билан ташкил қилинган бўлиб, ҳаммаси олдиндан ўйлаб қўйилганди. Болаларни отасидан ажратиб, сачраган қонга белатиш учун, уларни шундоққина жаллод кундаси ёнига ўтказишди. Шу пайт ота кўксидан ҳайқириқ отилиб чиқди ва оломон қалбини даҳшат қоплади, фақат қиролнинг яқин одами бўлмиш, минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлган жаллод Тристангина жилмайганча болтанинг ўткирлигини текширарди. Бу ҳайқириқ фазоларни тешиб ўтиб, Яратганга етиб борар, хўрланган инсон учун у қасос олса керак, деб ўйларди Фауст. У ғазаб билан кўкка тикилди, гўё бу ёвузликда Парвардигорнинг ҳам қўли бордек нафратини нигоҳига жамлади. Шу лаҳзада Иблисни ишга солиб, герцог билан болаларини жаллод қўлидан кутқармоқчи ҳам бўлди, лекин хиралашган онги бунга йўл бермади, ўзига бу нияти аҳмоқона туюлди. У яна кўкка бир марта тикилди-да, ўзига-ўзи гапирди:

– Уларнинг ғамини ейиш менинг ишим эмас. Бу дунёнинг ишлари шунақа бўлса, қирол бундан ҳам даҳшатли жиноятларга қўл ураверсин, менга нима?

Герцог тиз чўкди. Кунда ёнида турган болаларининг дод-фарёди эшитилди. Нариги дунёга уни шу йиғи-сиғилар кузагиши керак. Мақтул шармандалари ўлимини ҳам эсдан чиқариб, бебахт болаларининг мусибатлари ҳақида ўйлади. Киприкларида кўз ёшлари йилтирарди... Лаблари титрарди... Жаллод болтаси кундага тушди, титраб турган болалар ота қонига беланди. Болаларни тахтасупага олиб чиқиб, отасининг танидан жудо қилинган бошини кўрсатишди, кейин камоқхонага олиб кетишди. Аста-секин қийналиб ўлишлари учун, таги тор қилиб тўқилган саватга жойлаб қўйишди. Қийноқ азобини кучайтириш мақсадида вақти-вақти билан тишларини биттадан суғуриб туришди.

Даҳшатли томошадан юраги эзилган Фауст меҳмонхонага қайтди ва Иблисга буйруқ бериб, жазосиз қолган бу ёвуз қиролдан қилмишига яраша ўч олишни тайинлади.

**Иблис:** Йўқ, Фауст, уни ўлдирмайман, дўзахнинг тартиб-қоидаларига ҳам тўғри келмайди бу. Нима учун бу ёвузликларга айнан Иблис чек қўйиши керак экан, ахир барчани ўз паноҳида асровчи Парвардигор ҳаммасини кўриб-билиб турипти-ку? Подшоликка кўтарилган одамга шундай ҳуқуқ бериб қўйилган бўлса, демак, ер юзидаги ахлоқий тартиб-қоидалар ҳам шундай бўлиши

керак-да. Жаҳл устида айтганларингни бажараверсам, буям қасос олиш-ку, ўч олишнинг чегараси борми ўзи?

**Фауст:** Янги чиққан Геркулесга ўхшаб Европани бундай махлуқлардан тозалашни мақсад қилиб қўйсам, мақтовларга сазовор бўлмайманми?

**Иблис:** Кўзингни шира босдим, ахир шундай золимлар бўлишининг ўзиёқ аслида бузук эканлигингизга далил эмасми? Агар ҳар бир шунга ўхшаш одамдан ўч олинавερса, хунрезлик қиёматгача тугамайди. Халқлар бир-бирига душман бўлиб, ўзаро уруш бошлайди, қирғин бўлади. Шу мамлакатнинг ўзида миллионлаб одам, уни ёвуз деб атасалар-да, чидаб юришипти-ку. Ёвузликларига тоқат қилиб, ҳеч ким ўч олишга ундамаяпти. Герцогни қатл қилишаётганда, худди қўй сўйишаётгандек, бепарво қараб туришди-ку. Балки бу фожеали воқеадан азият чекиб роҳат олишгандир?.. Халқ шундай қисматга лойиқ эканлигига далил эмасми бу? Ундан яхшисига арзимайди. Қул эканликларини ўзлари билиб туришипти, аслидаям шундай эмасми? Агар шахватпарастлигинг миянгни айнитиб қўймаган бўлса, мактабда ахлоқ ҳақида олган сабоғингни эслаб кўр: сизларни ўраб турган зулматни тарқатиш менинг вазифам эмас. Бу масиҳий қиролни ўлдиришга қўлим бормайди, чунки у бизнинг фойдамизга ишлаб, дўзахни тўлдириб турипти, қолаверса, мендан ҳам қудратлироқ зот, Франция халқини асоратда ушлаб туришига қўмак бериб турипти.

**Фауст:** Иблисда инжиқлик қаёқдан пайдо бўлиб қолди? Олмон ҳукмдорига нисбатан буйруғимни осонгина бажарган эдинг! Француз сенга қадрлироқми?

**Иблис:** Олмон герцоги “Энг масиҳийман” деб мактанмаган, қирол ҳам эмасди, шунчаки дўзахга фойда келтирар, деб ўйлагандим. Вақти келиб бунини тушуниб оларсан. Нега энди мен ўз маконимга зарар келтиришим керак экан? Ахир бу қирол адолатсиз тузумнинг асосчиси бўлса. Орадан асрлар ўтиб бу тузумда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузликлар кўпаяди, шунга яраша сонсаноксиз осийлар дўзахдан жой олади. Бу тузумнинг барча амалдорлари, конхўр золимлари жаҳаннам қаърига қулашларини, нахотки тушунмасанг? Сен бўлсанг тузум асосчисини ўлдир дейсан! Дўзахнинг энг қудратли иблис-бошиси Франция қироли бўлганида ҳам, ҳозиргидек ёвузлик асосини барпо қила олмасди. Сабр қил! Ҳали уни жаҳаннамда учратасан, азоб-уқубатлари умрбод давом этиши учун, унга узок умр тилайсан.

### 3

Орадан бирмунча вақт ўтгач, Фауст бир дилкаш, эс-хушли зодагон билан танишиб қолди. Фауст билан Иблис ҳам унга ёқиб қолиб, уларни шаҳар яқинидаги ер-мулкига таклиф қилди. У ерда хотини ва ўн олти ёшли гўзал кизидан иборат оиласи билан яшар экан. Фауст кизни кўриб, унга мафтун бўлиб қолди, қалбида соф муҳаббатга ўхшаш нозик ҳиссиёт уйғонди. Бу ҳақда Иблисга айтганда, Фаустнинг ҳар қандай ёвуз ишларини қўллаб-қўлтиқловчи Иблис уни маъқуллади. Иблис унга дарҳол ўз ёрдамини таклиф қилди ва қилиқларидан кула бошлади. Қалбимни юксак ҳис-туйғулар эгаллади, деб ўйлаган Фауст, меҳмондўст зодагоннинг юзига оёқ қўйишни истамади. Фаустнинг иккиланиши Иблиснинг кулгисини кучайтирди:

– Қўйсанг-чи, Фауст, агар зодагоннинг розилигини олмоқчи бўлсанг, мен тайёрман, чунки бир ўқ билан икки қуённи ураман. Розилигини олишга кафилик бераман. Унинг ҳақида фикринг қанақа?

**Фауст:** Уни ҳалол одам деб ҳисоблайман.

**Иблис:** Аттанг, ўша олмон роҳиб – физиогномистидан озгина ўрганмаган экансан-да, Фауст. Демак, сен бу зодагонни ҳалол деб ҳисоблайсан? Тўғри, бутун Париж аҳли ҳам шундай деб ҳисоблайди, лекин мен унинг иблисона моҳиятини яна бир кўрсатиб қўйсаммикан... Нима деб ўйлайсан, энг яхши кўрган нарчаси нима бўлиши мумкин?

**Фауст:** Ўз кизи-да.

**Иблис:** Ундан-да, кадрлироқ нарсасини биламан.

**Фауст:** Масалан?

**Иблис:** Бойлик! Унинг кучини сен кўп марта синагансан. Мен туфайли битмас-туганмас бойликка эга бўлдинг. Орқа-олдига қарамай, ўйламасдан сарфлаб ётибсан, қаёқдан келаётгани билан ишинг йўқ. Зодагонга нега пул ютказиб қўйдинг?

**Фауст:** Уни санаб юрган одам билади.

**Иблис:** Бу ўғри пул санашни мендан ҳам яхши билади.

**Фауст:** Уғри!

**Иблис:** Нима деб ўйлагандинг? Сен билан илгари ўйнамаган, синамасдан, билмасдан ўйнамаса керак? Пулни ўйламасдан совраётганингни кўрган, шунга қараб режа тузган. Бу курумсоқ бекордан-бекорга тўкин дастурхон ёзиб меҳмонларни (сени талайдиган шерикларини) сийлаяпти, деб ўйлаяпсанми, бекор гап, у сенинг бойлигингга тузоқ қўйган. Бу уйда бизга қадар тўйиб овқат емаганлар. Хайрон бўлганинг, доимо исрофгарчилик қилиб келганингдан далолат беради. Бойликка ўчлик қанақа бўлишини тушунмайсан. У дилинг-даги барча истаклар ўрнини эгаллаб олади, ҳатто табиий эҳтиёжларингни ҳам. Кетимдан юр!

Улар зинадан пастга тушишди ва бир неча ерости йўлакларидан ўтиб, темир эшик қаршисида тўхташди. Иблис:

– Энди калит тешигидан қара! – деди.

Хирагина чироқ ёритиб турган ертўладаги темир сандиқ ёнида тимирскиланиб турган зодагонга Фаустнинг кўзи тушди. Сандиқда тилла солинган халталар бўлиб, зодагон Фаустдан ютиб олганларини биттама-битта қўлга олиб меҳр билан боқар, қўлида чамалаб кўриб, силаб-сийпаб ўпиб, халтасига соларди. Хузур қилганча бир неча марта санаб чиқди, мўлжалига етмаганлиги уни бироз хафа қилиб, ух тортиб қўйди. Иблис Фаустга шивирларкан:

– Етмаганларига қизини сенга сотади. – Фаустнинг ишонгиси келмасди. Иблиснинг жаҳли чиқди, асабийлашганча деди:

– Бойлик инсон дилини қанчалик аросатга солиб қўйганини кўрсатсам, нима деган бўлардинг? Айни пайтда, шу ерга яқин дарахтзорда бир неча ота-она қирол вакиллари билан музокара олиб боришяпти. Оқибатини била туриб ўз чақалоқларини сотишмоқчи. Бемор қирол чақалоқлар қонини ичса тузалиб, янада ёшариб кетаркан.

**Фауст** (дахшатга тушиб): Демак бу дунё ҳам дўзахга айланибди-да, жон-жон деб бу дунёдан кетаман. Нахотки қирол била туриб шуни ичса?

**Иблис:** Қирол табиби шу орқали бойиб кетди, руҳоний эса олий ҳазратларининг соғлиги учун шу нарса зарур бўлса, ҳечқиси йўқ, деб фатво берди.

Фауст билан Иблис дарҳол дарахтзорга бориб, буталар орқасига яшириндилар. Қирол вакиллари билан шаҳарликлар ва оқсоқол ўртасидаги гап-сўзлар эшитилиб турарди. Кўкатлар устида тўртга чақалоқ ётар, биттаси юракни эзадиган даражада йиғларди. Онаси уни бағрига босиб, юпатиб эмизмоқчи бўлди, қолганлари эмаклаб, гулларга чалғиб юришди. Айни пайтда оталари қирол вакилдан пул олишди, оқсоқол ҳам ўз улушини олди, кейин болаларни қирол хизматкорлари олиб кетишди. Бечора болаларнинг қичқириви, оналарининг йиғиси анчагача эшитилиб турди, оталари бўлса:

– Йиғини бас қилинлар, бойлик-ку бу! Юринлар, қовоқхонага кетдик, май ичамиз! Қўрқманлар, яна болалик бўламиз. Айтишларича, қирол уларни ер экан. Катта бўлганларида терисини шилиб олиш ёки қопга тикиб дарёга ташлагандан кўра шуниси маъқулроқ. Улғайиб, мусибат чекиб юргандан кўра, чақалоқлигида ўлиб кетгани яхши. Кичкиналигимизда отамиз ҳам шу ишни қилганида, бизгаям яхши бўларди.

Шундай деб улар қовоқхонага йўл олишди, бир қисмини ичкиликка сарфлашди, қолганини қиролга солиқ тўлаш учун сақлаб қўйишди.

Иблис Фаустга масҳараомуз қараб қўйди:

– Зодагон ўз қизини сенга сотишига ҳалиям шубҳаланаёсанми, ахир сен уни еб қўймасанг керак?

**Фауст:** Ҳозирги воқеаларга таққослаб кўрсам, дўзах бунинг олдида жаннат эқан, қасам ичаманки, бундан буён истақларимни жиловлаб ўтирмайман. Йўлимда учраганни ҳалокатга йўлиқтириб, ҳамма нарсани яксон қиламан, шундай махлуқларни Яратганга ўхшаб, ўзимни-ўзим овутаман. Югур, эй Иблис, зодагоннинг қизини сотиб ол, ўткинчи дунёдаги барча одамлар каби бу қиз ҳам бир куни ўлиб кетади...

Фаустнинг бундай кайфиятга тушишини Иблис анчадан бери орзу қиларди. Инсонни жирканч махлуқ деб ҳисоблаган Иблис, унга қулдек хизмат қилавериш кўнглига тегиб, тезроқ мақсадга эришишга интиларди. Шу куни кечкурун у зодагоннинг пинжига кириб, яқинда кетмоқчи эканликларини айтиб, кўнглини овлай бошлади. Эрталаб сайр қилишаркан, зодагонга тилла қармоқ ташлаб кўрди. Хасис дастлаб унга ёпишмоқчи бўлди, кейин йўқ, деб туриб олди, одатдагидек эзгуликлар, юксак қадриятлар ҳақида сохта фикрлар айтди. Ҳар гал сохта эътироз билдирганида Иблис қизнинг нарҳини оширар ва ниҳоят, баҳоси шу даражага етдики, бекорга шунча пулни совураётган Иблис устидан зодагон ичида қулиб қўйди. Ниҳоят, шартнома келишилди. Бўлажак куёв қизига сепни қай йўл билан топганини билиб ўтириптимми, деган ҳаёлга борган зодагон, қизининг хонасига Фаустни ўзи етаклаб келди. Қизнинг айна етилган даври эди. Аёлларни йўлдан уришга устаси фаранг бўлиб кетган Фауст, қизга отаси бу ишга розилик берганини исботлаб берди.

Айни пайтда зодагон бир қўлида тилла солинган ҳалта, бир қўлида чирок ушлаганча, ўзигагина маълум бўлган ертўлада юрарди. Етмаганларининг ўрни тўлди, деган фикр уни қувончга тўлдирди. У биров кўриб қолишидан кўркувга тушиб, эшикни ёпди-ю, аммо калит ташқарида қолиб, беркилиб қолди. Эшик куч билан ёпилганидан чироғи ўчиб, ҳалтаси қўлида қолди. Ертўладаги оғир ҳаводан нафас олиши қийинлашди. Шундагина калит ташқарида қолганлиги ёдига тушиб, кўрқиб кетди. Сандикни топиб, унга тиллани яхшилаб жойлашга ҳам қурби етмай, аранг иложини қилди. Кейин эмаклаб эшикка яқинлашди, аммо уни тақиллатиб, ёрдам сўрашга журъат этмади. У иккиланарди: ё бойлигини ошкор қилиши керак ёки бу сирни гўрига олиб кетиши керак. Бақирганда ҳам ҳеч ким эшитмаган бўларди, чунки тиллаларини яширган жойини ҳеч ким билмас, яшаш жойидан анча олисда бўлиб, ҳеч кимга сездирмасдан келарди. Қутулишга имкон тополмай, ўз ичинини ўзи еди. Бир-биридан ваҳимали фикрларга берилди, димикиб қолгани уни ақлдан оздирди. Сандикнинг олдида судралиб борди-да, уни қучоқлаганча жазавага тушди. Ота ўлим талвасасида ётаркан, покиза қизининг иффагини нафсига қурбон қилганини англади. Орадан бир неча кун ўтгач, хизматкорлардан бири тасодифан ертўлага тушиб, хожасининг ўлигини топди. Қорайиб, расвоси чиққан зодагон бойлигини қучоқлаганча ётарди. Очлик устун келиб ўз қўлларини ўзи ғажиб ташлаганди. Парижга кетаётиб Иблис йўл-йўлакай Фаустга бўлган воқеаларни сўзлаб берди. Гуноҳкор жазоланганини Фауст биринчи марта кўриши эди.

## 4

Парламентда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган иш кўриб чиқилишини билиб олган Иблис, бу кенгашда Фауст қатнашиши лозим, деган хулосага келди. Воқеа бундай бўлганди.

Кунлардан бир кун аллақайси жарроҳ содиқ хизматкори билан Париж яқинидаги йўлда кетиб борарди. Бирдан қандайдир одамнинг азоб-уқубат чекиб, тортаётган ноласини эшитиб қолган. Бориб қарасаки, бир котил тириклигича чархпалакка тортилиб, Худога нола қилганча, ўлимига рози бўлиб ётганини кўрган. Жарроҳ кўрққанидан ортига тисланиб, бироз ўзига келгач, бечорага ёрдам бермоқчи бўлган. Хизматкори билан гаплашгач, уни

аравасига ётқизиб, даволаш учун уйига олиб кетган. Муолажа қилиб, оёкка турғазган. Бир неча кун ётгач, жарроҳга маълум бўлишича, парламент ўша қотилни кутқарган одамни топиш учун юз фунт мукофот пули эълон қилган. Қотил билан хайрлашар экан, жарроҳ бу ҳақда уни огоҳлантириб, Парижда қолмасликни уқтиради ва уйигача етиб олиши учун пул ҳам беради. Бу аблаҳ эса ваъда қилинган юз фунтни олиш учун парламентга боради ва халоскорини сотади. Анча-мунча нарсага парво қилмайдиган судьялар кириб келган одам ўша қотил эканлигини, парламент уни жиноят содир этган жойида чархпалакка тортиш ҳақида ҳукм чиқарганини унинг ўзидан эшитиб, мурдадек оқариб кетадилар. Жарроҳни чақиртиришган, айни пайтда Иблис ҳам Фаустни шу ерга олиб келган, аммо уни бўлиб ўтган воқеадан огоҳлантирмаган. Суд табибга айби нимада эканлигини тушунтирди, лекин хизматқори содик эканлигига ишонган шифокор айбини бўйнига олмади. Яхшиси, бўйнингга ол, акс ҳолда гувоҳлар тасдиқлаб беради, деб маслаҳат беришди. Аммо шифокор кўнмади ва гувоҳларни чақиритиларини илтимос қилди. Шу пайт қотил кириб келиб, жарроҳга безбетларча тикилиб, гувоҳлик берди.

– Вой аблаҳ-е, яхшиликка ёмонлик қилишга сени нима мажбур қилди? – дея қичқирди табиб.

**Қотил:** Уша сиз айтган юз фунт. Оёқ-қўлим тузалди, деб кетаверишим керакмиди? Қотилликни ўттиз фунт эвазига содир этганман, юз фунт учун чақимчилик қилсам нима бўпти?

**Жарроҳ:** Кўрнамак! Оҳ-воҳларинг раҳмимни келтирганди. Аҳволингни кўриб кўрқиб кетдим, азоблардан кутқардим, уйимга олиб кетдим, даволадим, уйингга етиб олиш учун керагидан ортиқ пул бердим, фойдангни кўзлаб, суд хабарини етказдим. Худои таоло ҳаққи қасам ичаман, шум ниятингни билганимда, бор нарсамни сотиб бўлсам, сенга юз фунт топиб берган бўлардим, яхшиликни билмаган нонкўрнинг жирканч башарасини одамлар кўрмай кўя қолса яхши бўлмасмиди! Суд жаноблари, иккимизни ҳам суд қилинг! Айбимни бўйнимга оламан.

**Раис:** Инсон шаънини поймол қилганлиги учун қонуний ҳукм қилинган бир жиноятчини кутқармоқчи бўлиб, судни ҳақорат қилдингиз. Бу гал сизни одил судлов эмас, инсонийлик суд қилсин. Сизга юз фунт мукофот берилади, қотил эса иккинчи марта чархпалакка тортилади.

Сўроқ пайтида тишини ғижирлатиб, ўзини босиб ўтирган Фауст “Офарин” дея қичқириб юборганди, залдагилар уни қўллаб, чапак чалиб юбордилар. Бу таассуротлар олдингиларини ювиб кетмасин, дея хавотирга тушган Иблис Фаустни дарҳол бу ердан олиб кетди.

## 5

Бир неча файласуф, жарроҳ – тиббиёт докторлари, табиатшунослар маҳфий жамият тузган бўлиб, инсоннинг асаб тизимлари, руҳияти жисми билан боғлиқлиги, ўзаро таъсирини ўрганиш бўйича тажриба олиб боришган. Шу мақсадда жарроҳлар камбағал, бечораҳол одамларни тузоғига илинтириб, шаҳар ташқарисидаги маҳсус уйга олиб келишарди. Уйнинг устки қаватини ичкари ва ташқаридан жиҳозлаб, ичкарида юз бераётган воқеаларни ҳеч ким кўрмаслиги олди олинган. Алданган бечораларни узун столга маҳкам боғлаб, оғизларига латта тикиб, терисини қаватма-қават шилиб, худди ўликни ёргандек, ички аъзоларини текшириб, тажриба олиб борганлар. Тажрибалар аниқроқ бўлиши учун, уларни мажбурлаб овқатлантиришган, улар азоб-укубатлари чўзилиб, қийналиб ўлганлар. Бу воқеани Фаустга кўрсатиш учун, Иблис олимлар жам бўлишини кутди, кейин унга қарата:

– Инсонийлик қилибми ёки касбига бўлган ҳурмати юзасиданми чархпалакка тортилган қотилга ёрдам берган жарроҳни кўрдинг. Энди инсоният етиб бора олмайдиган сир-асрорларни ечишга бел боғлаб, тирик одамларнинг терисини шилаётган табиатшуносларни сенга кўрсатиб қўймоқчиман.

Шубҳаланааяпсанми? Юр, ўзинг кўриб амин бўласан. У ерга шифокор кўринишида борамиз.

У Фаустни ўша четдаги уйга олиб борди. Қуёш нури тушмайдиган гум-базли лабораторияга киришди. Табиатшунослар бир бечорани нимта-нимта қилаётганларига кўзлари тушди. Суякдан ажратилган гўшт титраб турар, абжағи чикқан кўкраги ҳалиям нафас оларди. Гап арзимас нарса устида кетаётгандек, жарроҳлар тажрибани муҳокама қилишар, баҳслашишарди. Ишга муккасидан кетганлари сабабли Иблис билан Фауст кириб келганини ҳам сезишмади. Фаустнинг асаблари қакшаб кетди. Ташқарига югуриб чиқиб, пешонасига бир урди-да, уйни таг-туғи билан ёқиб, ёвузларнинг бошига кулатишни Иблисга буюрди, токи бу аблахлардан асар ҳам қолмасин.

**Иблис:** Фауст, ақлингни еб қўйдингми? Маънавий оламда қилаётганингни моддий оламда ҳам қилмоқчимисан, тушунмаяпсан шекилли? Улар тирик танни кесишяпти, сен бўлсанг, қудратимдан фойдаланиб, дунёни остин-устин қилмоқчисан.

**Фауст:** Лаънати! Юрагим тошга айланган, деб ўйлаяпсанми? Бу бечораларни тилка-пора қилаётганлари сенга ёқдими? Қани, бошла! Фақат қасос ўтигина қалбимда, онгимда тошиб келаётган ғазаб ва ҳаяжонни боса олади. У бечораларнинг азоб-уқубатларини ўйласам, вужудимни титроқ босади. Уларнигина эмас, инсониятни ўйласам, қалбим тилка-пора бўлаяпти. Ақлсизлик эканини тушунаман, лекин нима қилай, уларга ёрдам бера олмасам, дардларига малҳам бўла олмасам, ҳеч бўлмаганда шу ёвузлардан ўч олай. Қани, бошла! Тездан уларни йўқ қил! Бирортаси ҳам тирик қолмасин! Шошил ёки ғазабимга ўзинг дучор бўласан!

Иблис жон деб Фаустнинг буйруғини бажаришга киришди, бино пойдеворини тебратди. Бино гумбурлаганча қулаб тушиб, аблахларни босиб қолди. Дарғазаб бўлган Фауст, Иблис сўзларини ўйлаб ҳам кўрмасди, у шошилинч Парижга қайтди.

## 6

Масихий динидаги қирол шубҳали ва хавфли одамларни қамаш учун ясаган қафаслар ҳақида Фауст кўп эшитганди, шуларни ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлди. Иблис бажонудил бунга рози бўлди. Улим хавфи остида бу қалъага кириш қатъий ман қилинган бўлса-да, Иблиснинг сўзамоллиги, кўзни қамаштирувчи тиллалари ўз кучини кўрсатди, йўл топилди. Темир панжаралардан ясалган қафасга базўр битга одам сиғарди. Қафасдаги бечора маҳбусларнинг оёқлари оғир кишанларга занжирбанд қилинган бўлиб, қатта чўян шарлар ҳам осиб қўйилганди. Назоратчининг гапига қараганда, қирол соғ юрган пайтларида бу ерга тез-тез келиб сайр қиларкан, маҳбусларни булбулларим деб атаб, фарёд, нолаларини эшитиб, ҳузур қиларкан. Фауст бир нечталардан қамалиш сабабларини сўраганди, қалбини ларзага солувчи воқеаларни эшитди. Шу савол билан бир кекса маҳбустга мурожаат қилганида, у мунгли овозда жавоб қайтарди:

– Ким бўлсангиз ҳам қисматимга шерик бўлманглар, бу золимнинг зулмидан эҳтиёт бўлинглар. Бу даҳшатли қафаслар ҳақида қиролга маслаҳат берган ўша бебахт Верденли епископ мен бўламан. Дастлабки қафасни душманларимдан бири учун буюртиргандим. Аммо қирол шунақа қафаслардан иккитасини буюртирган, биринчисига мени тикди. Мана ўн тўрт йилдирки, гуноҳим учун азоб чекаман, Худодан ўзимга ўлим тилайман.

**Фауст:** Хо-хо-хо! Демак, ҳазратлари янги чикқан Периллга ўхшаб, ўзларига Фаларида топибдилар-да. Бу воқеани биласизми? Йўқ, демоқчи бўлаяпсиз. Хўп, майли! Ҳикоя билан вақт ўтказамиз.

Перилл (айтиби кўйай – у епископ ҳам, масихий ҳам бўлмаган) бронзадан бука ҳайкалини ясаган, санъат намунаси сифатида уни золим Фаларидга кўрсатган. Унга тушунтиришича, буқанинг ичига одамни тушириб, таги-

дан олов ёкса, бука хақиқийсига ўхшаб бўкираркан ва бундан олийҳазрат завкланаркан. Бунга жавобан Фаларид: “Хурматли Перилл! Санъат намунасини ўзи ясаган одам синаб кўрсатса яхши бўларди”, деган. Шундан сўнг, Перилл бука ичига тушишга мажбур бўлган, остидан олов ёкишгач, хақиқатан ҳам букадек бўкирган. Шундай қилиб, минг йил олдин ўтган Фаларид қилмишини масиҳий қирол сизда синаб кўрипти-да, хурматли епископ Вердений.

**Епископ:** Эҳ, бу воқеани олдинроқ билганимда эди! Эҳтиёт бўлардим.

**Фауст:** Шунақа, зоти олийлари, тарихдан сабоқ олиш епископларга ҳам фойдадан ҳоли эмас. Қамокда зерикиб қолманг. Одамлар бу бебахтларга ачинсалар, сизнинг устингиздан куладилар.

## 7

Энди Фаустда француз қиролини ўз кўзи билан кўриш истаги туғилди. Қиролнинг разил қилмишларидан қаттиқ ҳаяжонга тушган Фауст, уни инсон қиёфасида тасаввур қилиши қийин эди. Кўрқоклик ва васвасанинг асирига айланган қирол ўзининг Плесси дю Парк қалъасига яқинлари: шахсий шифокори, руҳонийси, дўсти бўлмиш жаллод Тристан ва бир нечта мунажжимларидан бошқа ҳеч кимни кўймасди. Иблис у ерга оддий кўринишда кириб бўлмаслигини айтди.

**Фауст:** Унда қиёфамизни ўзгартирамиз!

**Иблис:** Яхши! Қиролнинг икки шахсий соқчисини гумдон қиламан, улар ўрнида хизмат қилаверамиз. Ўшанда биз қиролни яқиндан кузата оламиз, уни билиб оламиз. Ҳозир айна пайти, Дўзах кўрқувидан кўра, ажал даҳшати бу ёвузнинг жонини тезроқ олади. Улим ҳақида кечаю-кундуз ўйлагани-ўйлаган, ўзича ўлимга чап бермоқчи, ажал бўлса кетидан соядек эргашиб юрипти. Умидсизликка тушганини сенга кўрсатиб қўяй.

Ҳаммаси Иблис айтганидек бўлди. Соқчилар қиёфасида қалъага киришди. У ерда қабристон сукунатию, ажал сояси ҳукмрон эди. Миллионларни титратган одам энди ўлим даҳшатидан ўзи титради. Бегуно қурбонларнинг қариндошлари қасосидан кўрқиб, шу ерга яширинганди. Ўз ўғлидан бобосининг ўчини олишидан кўрқарди. Ўзгалар нигоҳидан яшириниши мумкин бўлса-да, дил азоблари, дард қийноқлари уни тарк этмасди. Худога нола қилар, азиз-авлиёларга ва черковга катта микдорда хайр-эхсон қилар, табаррук жойлардан келтирилган ёдгорликларни тумордек осиб юрар, лекин на дили ором топар, на дарди шифо топарди. Миясига ўрнашиб қолган, “Сен ўлишинг керак”, деган фикр тинчлик бермасди. У, ташқарига чикмас, ўз соясидан ҳам кўрқарди. Мабодо тоза ҳаводан нафас олиш учун чикқудек бўлса, қилич-қалқон тақар, дармонсизлигини ошқор қилмаслик учун ясаниб-тусаниб кийиниб чиқарди. Уни узоқроқдан кўриб қолиш мумкин эди. Душман бостириб келмаяптимики, деган хавотирда кечаю-кундуз минора туйнугидан кузатгани-кузатганди. Тўрт юзта соқчи тиним билмасдан бу шафқатсиз чолни кўриқлар, ҳар соатда уч мартадан қичқириб, бир-бирларини огоҳлантириб туришарди. Отлик аскарлар қиролга хужум уюштиришлари олдини олиб, қалъа атрофига қопконлар қўйиб ташланган, ичкаридан эса оғир шарлар тақилган кишанлар осиб қўйилган, арзимаган хатолари учун хазматкорларни уларга боғлаб жазолашарди. Қалъа ташқарисига дорлар тикиб ташланган, қиролнинг ягона садоқатли дўсти бўлмиш жаллод Тристан янгидан-янги қурбонлар излаб топиш билан овора бўлар, ҳар бир ўлим жазоси қирол душманларини камайтиради, деб ҳисобларди. Қирол баъзан яширинча келиб, кишандагиларнинг нолаларини эшитиб, роҳатланиб кетар, шу билан гўё ўз азобларини унутгандек бўларди. Бошдан-оёқ туморлар осиб олган, шляпасини Биби Марям тасвири безаб турарди. Чакалоқлар қонини ичиб юрган қиролни табиби ҳам қийноққа солар, табибга ҳар ойда ўн минг тилла маош тайинлаганди. Ҳар гал соат занг

урганда ўлим билан олишар, оҳ-нолалари азиз-авлиёларнинг ҳам жонига текканди. “Ўлим” сўзини тилга олиш, давлатга қарши жиноят деб ҳисоблаб, таъқиқлаб қўйилди.

Фауст кирол Людовикни учратганда у шундай ахволда эди. Киролнинг ажал соя солиб турган юзига қараркан, Фауст мамнун бўлди. Унинг мусибат чекиши, оғир хўрсинишлари дилини енгиллаштиргандай бўлди. Фауст бу ердан жўнамоқчи эди, Иблис уни огоҳлантириб, яна бир кун сабр қилса, ажойиб бир воқеанинг гувоҳи бўлишлигини айтди. Айтишларича, кирол сицилиялик деҳқон бўлмиш – Марторилло исмли зоҳид ҳақида эшитган. Бу тентақ ўн тўрт ёшидан қирқ ёшигача тоғ-тошларда рўза тутиб, жону танини кийноққа солиб яшаганмиш, кейин авлиёлани бўйнига олиб, нафақат оддий халқни, ҳатто ҳукмдорларни ҳам тиз чўктириб, тавба-газарруларини қабул қилаётганмиш. Шу авлиёдан нажот топиш ниятида, Людовик Сицилия киролига мурожаат қилиб, авлиёни ўз ҳузурига чақиртирган. Собик деҳқон Марторилло папанинг рухсати билан йўлга чиқиб, киролга суртиш учун муқаддас Реймс мойидан ҳам олиб келаётган бўлган, Людовикнинг ўлимдан қутулиш умиди шундан экан. Зориқиб қутилган кун келгач, кирол уни қалъа дарвозаси олдида кутиб олиб, оёғига бош урди, ўзига узоқ умр тилади. Зоҳид ўз ролига шунчалик киришиб кетган эдики, бу майнавозчиликни кўрган Фауст хаҳолаб кулиб юборди. Тристан ёрдамчилари билан Фаустни ушламоқчи бўлганди, буни сезган Иблис дарҳол уни олиб учиб кетди. Парижга қайтишгач, Фауст Иблисга деди:

– Бу иродасиз, кўрқок, хурофотга берилган махлуқ олдида Франциянинг манаман деган одамлари титраб турса-я. Ҳатто ўлимига ҳам рози бўлиб, қаршилиқ қилмаганлар. Ахир у ялтироқ кийимларга ўралган қуп-қурук скелет-ку, “Яшашни истайман” дейишга ҳам мажоли йўқ-ку. Бутун мамлакатни тиз чўктириб турса-я! Ҳатто ўлаксахўр йиртқичлар ҳам, шер кучкуватдан қолганини билиб, олдидан бемалол ўтишади, масҳара қилишади.

**Иблис:** Одамлар ўйламасдан иш қилишади, ўз истагининг қулига айланишади, амалга ошган истаклари яна янгиларини келтириб чиқаради, шуни тушунасанми, йўқми? Сиз, одамлар, амалга ошмайдиган орзу-истаклар кетидан қувасизлар, ҳолбуки бу орзуингиз хомхаёл, сизлар шунга маҳкумсизлар.

Табиатан қулсифат қилиб яратилганларинг етмагандай, чексиз истакхоҳишларингиз қулига ҳам айланасиз. Озодлик истаги деб бир-бирингизни ғажиб ташламаслигингиз учун тепангизда қаҳри қаттиқ зот кузатиб туради. Худо сизларни золим ҳукмдорга тобе қилиб қўйган, истайсизми-йўқми, унга сўзсиз бўйсунасиз, ҳақми-ноҳақми, тан олишдан бошқа иложингиз йўқ. Шунинг учун у зулми янада кучайтиради, ҳеч ким унга қарши бош кўтара олмайди. Агар қилмишимиз учун Ярагanning қаҳрига учрадик, шунга яраша бизга золим ҳукмдорни юборди, деб ўйласанлар, у ҳолда қарши фикр билдира олмайман, демак, шунга лойиқсизлар.

**Фауст:** Ким қандай ўйласа, шундай тушунаверсин! (У пешонаси ва кўкрагига муштлади) Кўрганларим, эшитганларим, ҳис қилганларим дилим ва онгимни зиддиятларга тўлдирди. Аллақандай тушуниб бўлмас фикрлар миямда ғужғон ўйнайди, юрагим зардобга тўлди. Маънавий-ахлоқий оламни ҳам қандайдир ёвуз кучлар бошқараётгандай, ҳеч қандай қонун-қоида мавжуд эмас, нима учун одамлар қурбон бўлаётганларини ҳеч ким билмайди.

Шу тарзда хаёл суриб ўтирган Фаустнинг тасавури ва ҳис-туйғулари даҳшатли тус олди. Иблисга эса айнан шу нарса керак эди. Бундай ҳиссиётларни янада чуқурлаштириш мақсадида у Фаустга саёҳатни давом эттиришни таклиф қилди.

Парижни тарк этаётиб, Иблис деди:

– Бу гуллаб-яшнаётган шаҳар бошига бало-қазолар ёғилишини сезиб турибман.

У, Кале йўлидан кетаётиб, тез-тез такрорлади:

– Тез орада бу ерларни жангда ҳалок бўлганларнинг жасадлари босиб

кетади. Дин учун, манфаатлар учун қирғинбарот урушлар бўлади, асирлар бўйи давом этади. Руҳонийлар золимларга зулм пичоғини қайраб беради, ёвузликлар авж олади.

## 8

Канал устидан учиб ўтган Иблис билан Фауст тез орада Лондонга кириб келишди. Уша куни ярамас герцог Ричард Глостерий (Ричард III) ўзини қиролликнинг регенти (гўдақ қирол номидан давлатни бошқарувчи) деб эълон қилганди. У нима қилиб бўлса-да тож-тахтни ўз жиянидан – марҳум қиролнинг ўғлидан тортиб олмоқчи эди. Герцог ўз акасини заҳарлаб ўлдиргач, ниятини сезиб қолган қиролича болаларини олиб, Вестминстер аббатлигига қочиб кетди. Аммо Ричард қироличанинг ўн тўрт ёшли тахт вориси бўлмиш ўғлини ва унинг укаси Йорк герцогини онасидан тортиб олди. Уларнинг қайғули такдирини олдиндан сезган қиролича йиғлаб-сиқтаб қолаверди. Регентнинг буйруғи билан доктор Шоу черковда ваъзхонлик қилиб, қиролича бу болаларини жазманидан орттирган, қирол оиласида регент Ричарддан бошқа тож-тахтга даъво қиладиган одам йўқ, деб халққа эълон қилганини Фауст ўз қулоғи билан эшитди. Ричардни қўлламаган аслзодалар дорга осилганини кўрди. Англия қиролининг ҳақиқий ворисини ва унинг укасини Тауэр қалъасига олиб келишди. Улар шу ерда ўлдирилиши керак эди. Иблис Фаустни тунда шу ерга олиб келганди. У, парламентнинг қўрқоқлик билан сохта қиролга итоат этишига, аблаҳ золимга тож кийдириш маросимларига гувоҳ бўлди. Қиролича ўз болаларининг қотили билан келишиб олганини, саройда ўз мавқесини сақлаб қолиш мақсадида унга катта қизини бермоқчи бўлганини эшитди. Айни пайтда қиролга қарши бош кўтарган вассаллар орқали, ундан ўч олмоқчи бўлиб юрган граф Ричмонд билан ҳам алоқа боғлаганлигини билди. Кўрганлари Фаустнинг ғазабини кўзгатди. Фаустнинг жон-дили бўлмиш гўзал инглиз аёллар ҳам уни ушлаб қололмади: у Англияни тарк этди. Кетар чоғи, бундай совуққонлик ва раҳмсизлик билан жиноят содир этганларни ҳеч қачон кўрмаганлигидан нафрати янада ошди. Фауст ҳали Римда бўлмаган эди. Кемага ўтиришар экан, Иблис деди:

– Фауст, бу халқ ҳали кўп вақтлар золимнинг зулмидан азоб чекади, лекин бир кун келиб озодлик йўлида қиролини ҳам қурбон қилса керак. Вақти келиб тож-тахт ворисларига турли унвонларни пуллашади. Қисқаси, бу халқнинг илллати фазилатидан кўпроқ, булар дўзахийларини кўпайтирди, улар тез орада Худого эмас, фақат олтинга сажда қилишади.

Кўп ўтмай Иблис Фаустни Миланга олиб келди. Бош черковда авлиё Стефан хотирасига герцог Галеаццо Сфорцци қатл қилишаётганларини кўришди. Қотиллар авлиёга илтижо қилиб, бу хайрли ишда мадад сўраганларини эшитишди.

Қадимий музалар қароргоҳи бўлмиш Флоренцияда юрт раҳнамоси бўлган буюк Козимонинг жияни қурбон қилингани устидан чиқиб қолишди: У “Санта репарата” черкови меҳробида бир руҳоний Исонинг ҳайкалинини – хочни баланд кўтарган вақтида ўлдирилди. Бу Флоренциянинг архиепископи Салвиатининг махфий ишораси бўлиб, қотиллар шуни кутиб турган эдилар. Рим папаси жияни орқали архиепископ Салвиатини ўзига оғдириб, жиноятни ташкил қилган ва шу орқали Медичилар сулоласини йўқ қилиб, Италияга ягона ҳукмдор бўлмоқчи эдилар.

Испанияда эса ҳамма ёқда такводорлик ниқоби остида алдов ва икки-юзламачилик ҳукмрон эканлигининг гувоҳи бўлишди. “Худо йўлида” деб алдаб, одамларни гулханда куйдиришганини кўришди. Буюк инквизитор Торквемада риёкор малика Изабелла билан мунофиқ қирол Фердинанд олдида ялтоқланиб, саксон минг гумондорни муқаддас трибунал – ҳакамлар ҳайъати суд қилганлиги, булардан олти мингтаси гулханда ёқилганлиги ҳақида мақтаниб гапирганини эшитишди. Кенг майдонда ясан-тусан кийиниб олган

хонимлар жазманлари билан тўпланганлигини кўрган Фауст, бирор байрам бўлса керак, деб ўйлаганди. Черковдан чиқиб келаётган маросимни, кетидан нола қилиб йиғлаётган бечора халқни кўрган Фауст, диний мутаассиблик инсонни энг ёвуз махлуққа айлантириб юборишига амин бўлди.

Инсон зотини лаънатларкан, Фауст бу дунёнинг лаззат ва қувончларидан ҳам воз кечмади. У Англия, Флоренция ва Испаниянинг сохибжамол аёллари билан майишат қилишдан бўшмади. У ёвузлик инсон табиатига хос экан, йирткич ҳайвонлар ҳам бир-бирининг гўштини ейди, кучи етса, рақибини тилка-пора қилади, кучи етмаса, ўзи қурбон бўлади, деган хулосага келди.

## 9

Бундай воқеаларни кўрган сари Фаустнинг фиғони фалакка чиқиб, ғазаби тошиб бораётганини, маънавий-ахлоқий ҳиссиётлари эса ўтмаслашиб бораётганини билган Иблис, томошанинг энг қизиқ жойини – Папа саройи ҳангомаларини энг охирида кўрсатмоқчи бўлди. Ватикан диний маҳкамаси иллатлар макони эканлигини, энг мудҳиш жиноятлар шу ерда бошланиб, христиан оламининг бошлиғи берган фотиҳаси билан бутун Европага тарқалишини у яхши биларди.

Иблис Фаустга қарата:

– Киrol саройларида кўп бўлгансан, бошқариш усулларини кўргансан. Энди Римга жўнасақ ҳам бўлади, черковларни, бошқарув усулларини кўрамиз, балки буларнинг бошқаруви бошқаларникидан яхшироқдир, – деди.

Маккор иблис, Фаустга нисбатан ўйлаб қўйган ёвуз ниятини амалга оширишда уч қарра тождор, жаннат ва дўзахнинг калити ўз қўлимда, деб юрган папа Александр VI дан фойдаланмоқчи эди. У тезроқ Фаустни жаҳаннамга кулатиб, ундан кутулишни ўйларди. Фаустга кул бўлиб жаҳонгашталик қилиш Иблиснинг жонига тегади. У минг йиллардан бери одамларнинг ёвуз қилмишлари нима билан яқунланишини яхши биларди. Бир хил нарсаларни кўравериш Иблисларнинг ҳам меъдасига тегади. Бундай пайтларда иблислар ҳам зулматни зиёдан афзал деб билади, одамлар ҳақида-ку, айтмасаям бўлади, қилмишларининг деярли ярмига шу янгиликка интилишлар сабаб бўлади, янгиликни севиб, жиноятга қўл уришади.

Рим йўлида улар бир-бирига қарши турган икки ҳарбий қароргоҳга дуч келишди. Қўшинлардан бирига Малатеста да Римини, иккинчисига Папа Александрнинг кардинал-генерали бошчилик қиларди. Александрнинг маккорона сиёсатига кўра, дастлаб у ўша пайтда ёш бўлган Франция қиролини алдаб, Италияга чақиртирган, кейин эса ҳайдаб юборган. Энди эса заҳар ёрдамида зимдан қотиллик уюштириб, гоҳо очикчасига жанг қилиб, Европанинг майда ҳукмдорларини йўқ қилиб, уларнинг ер-мулкларига эга бўлиш, янги князликлар ташкил этиб, уларни ноқонуний орттирган болаларига бўлиб беришни мақсад қилган эди. У ишни ожизроқ рақибдан бошлади ва Малатеста да Римини мулкни талаш учун кичикроқ қўшин юборди. Катта йўлдан боришаркан, Фауст билан Иблиснинг кўзи папа қароргоҳига яқин жойдаги тепаликда яккама-якка олишаётган икки рицарга тушди. Фауст қизиқсиниб уларга яқинлашди, кетидан Иблис ҳам келди. Қарашсаки, бу қизғин олишувда бири ўлмагунча иккинчиси тинчимайди. Бериқроқ тасмалар билан безатилган бир оқ эчкини қуролбардор бепарвогина ушлаб турганлиги Фаустга қизиқ туюлди, кўринишидан у ғолибга аталгандек эди. Бу олишувни тепаликка тўпланган кўп рицарлар томоша қилар, гўё натижаси уларни қизиқтирмасди. Фауст улардан бирига яқинлашиб, олмончасига очик-ойдин савол берди:

– Наҳотки рицарлар шу эчкини деб жанг қилишаётган бўлса?

Жангчилар қисқача тин олган пайтларда, гўё мадад сўрагандек, эчкига қараб-қараб қўйганларига Фауст эътибор берди.

Итальян совуққонлик билан жавоб қайтарди:

– Ҳа, шунақа. Кардинал ўз рақибини жаҳаннамга равона қилади, деган умиддаман. Кардинал душман қароргоҳини кузатишга чиққанидан фойдаланган рицар, унинг қўл остида бўла туриб, чодиридан дунёдаги энг чиройли эчкини ўғирлашга ботинибди.

Бунини эшитган Фауст, тушимми ёки ўнгимми деб, хайрон бўлиб, ўзини орқага олганча бош чайқаб қўйди. Бир неча лаҳзадан сўнг саросимадан чиққан Фаустнинг қулоғига Иблис алланарсаларни шивирлади. Агар Иблис айтган гапларни қоғозга туширадиган бўлсак, оқ қоғоз ҳам булганиб, қизариб ёниб кетган бўларди. Бу орада олишув кизгин давом этди. Ниҳоят, кардинал рақибини қиличдан ўтказди, қонга беланган рицар ерга қулаб тушди. Ҳони узиларкан, эчкига боқиб, севгилиси билан видолашаётгандек бўлди. Ийғилганлар кардинални ғалаба билан олқишлади, қуролбардор эса унинг ёнига оқ эчкини етаклаб келди, кардинал эчкини силаркан “*mia cara*” (“азизам”) дея эркалаб қўйди.

Фауст ғазабиниям, кулгисиниям боса олмасдан бу ердан жўнаб кетди. Иблис деди:

– Фауст, шу кизиқарли олишувда кардинални таниб олдинг. Унинг рақибини ҳам эътиборга лойиқ одам, ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса ҳам, шу оқ эчки учун курашди. Кардиналнинг мақсади тезроқ меросга эга бўлиш, ахир у шу ниятда иккала хотинини ҳам ўлдирди: бирини захарлади, иккинчисини бўғиб ўлдирди. Иккаласи ҳам Италиядаги энг асилзода оила қизлари эди. Энди учинчисига уйланмоқчи, унияма тақдирини олдингиларига ўхшаса керак. Умуман олганда, иккала рицарь ҳам “художўй” одамлар: черковларда маросимлар ўтказишарди, хайр-эҳсон улашади, ибодат қилишади. Нима деб ўйлайсан, ҳақиқат ким томонда бўлиши керак?

Ғазабдан Фаустнинг юзи буришиб кетди, маккорона берилган саволни жавобсиз қолдирди.

Инсоннинг ахлоқий қадриятларини кўкларга кўтаргани учун Фаустдан ўч олмоқчи бўлиб юрган Иблис, папа кардиналининг истаклари ва инсон бузуқликлари устидан захархандалик билан мазах қилишдан ўзини тийиб тура олмайди, бундай қабихликларга гувоҳ бўлган Фауст эса Иблиснинг саволларига жавоб ҳам топа олмайди.

## 10

Қадимги римликларнинг қудратли руҳидан дарак берувчи пойтахт ва унинг муҳташам ҳаробалари Фаустда кучли таассурот қолдирди. У тарихни яхши биларди, бу халқнинг саркардалари эришган буюк ғалабалар, диктаторларга, тиранларга қарши курашлар руҳи ҳақидаги хотиралардан ўзининг ҳам руҳи юксалди. Аммо, бир замонлар жаҳонга ҳукмронлик қилган бу улуг шаҳарнинг ҳозирги одамлари майдалашиб кетганини кўриб, Фаустнинг дили хиралашди. Иблис ва Фауст ўзларини Римнинг улугворлигини кўришга келган германиялик икки зодагон қилиб кўрсатдилар, буларнинг аслзодаларга хос либослари, мулозимлари, саховатини кўрган римликлар уларнинг оддий одамлар эмаслигини тушуниб қолдилар.

Аббатлар ва аслзода хонимлар, қўшмачи эркаклар ва аёллар, шарлатонлар ва найрангбозлар буларнинг атрофида парвона бўлишидан хабар топган, турли иллатларни, зино ва бузуқликни авжига чиқарган зотлар ҳам азиз меҳмонларга қизиқиб қолдилар. Келганларни уйларига таклиф қилиб, бири ўз синглисини, бошқаси ўз қизларини, хотинлари ва қариндошларини таништира бошладилар. Улар ўз яқинларининг гўзаллигини, фазилатларини шунақа кизгин ширинсўзлик билан мактар эдиларки, Фауст танишувни кимдан бошлашни билмай, эсанкираб қолди. Бу римликлар шунақа сўзга уста эдиларки, бузуқликларини ҳам худонинг берган ноз-неъматини, савобли иш деб, диний таълимотдан ҳам моҳирлик билан фойдаланар эдилар. Фауст шундай фикрга келдики, римликлар ўзларининг золимлиги, ёвузлиги, шафқатсизлиги,

бузуклиги, лаззатпарастлигини ҳам “худо йўлида”, “савоб учун” дер эканлар.

Келганларининг эртасига Рим Отаси – Папасининг никоҳсиз туғилган ўғилларидан энг қобилиятлиси кардинал Чезаре Боржиа меҳмонларни ўз боғига таклиф этди ва ноз-неъматларга тўлиб-тошган дастурхон ёзди. У, меҳмонларни Рим папаси Александрнинг хузурига бошлаб боришга ваъда берди. Эртасига башанг кийинган меҳмонлар кўпдан-кўп мулозимлари билан Ватиканга бориб, Рим папаси билан танишдилар. Иблис Рим Отасининг туғлисини ўпиш шарафига эришди. Ва ичида, “Агар папа Иблислигимни билганда менинг оёғимни ўпар эди”, деб ўйлади.

Расмий қабул маросимидан сўнг Рим Отаси меҳмонларни “Бемалол, ёзилишиб ўтирамыз” деб, ўз уйига таклиф қилди. Бу ерда меҳмонлар Рим Отасининг бошқа фарзандлари машҳур қизи Лукреция, Хандия герцоги Франческо Боржиа ва бошқалар билан танишдилар.

Рим Отасига Иблиснинг жўшқин суҳбатлари ёқиб қолди ва улар тез тил топишдилар. Фауст кўпроқ кардинал Чезаре Боржиа билан суҳбатлашди. Кардинал суҳбат чоғида шундай шахвоний лаззатлар ҳақида таъриф-тавсиф қилдики, Фауст ўзини Ватиканда эмас, қандайдир Венера қасрида ўтиргандай ҳис қилди. Кардинал Фаустни ўзининг гўзал синглиси, Арагония герцоги Алфонсонинг умр йўлдоши Лукреция билан яқиндан таништирди. Фаустни бу нозанин ширин сўзлари, ноз-ишвалари билан мафтун қилиб қўйди.

## 11

Бир неча кун ичида Фауст билан Иблис Рим папаси оиласига яқин одамлар бўлиб қолдилар. Бир оқшом меҳмонларни Ватикан театрида ўйналаётган бир спектаклни кўришга таклиф қилдилар. Ўша куни олийжаноб мутафаккир Никкола Макиавелли ёзган “Мандрагола” деган энгил-елпи бир асар ўйналаётган экан. Макиавеллининг мақсади бу руҳонийларнинг энгилтаклиги, бузукликларини фош қилиш эди. Аммо, олий руҳонийларга асарда тасвирланган энгилтаклик, шўхликлар маъқул келиб, шундай бўлиши керак дердилар. Бечора Макиавелли ўзи билмаган ҳолда олийнасаб руҳонийларни бузукликка чакирувчи асар ёзган бўлиб чиқди. Ҳолбуки, у “Ҳукмдор” асарида киноя билан золим раҳбарларни фош қилмоқчи эди. Италиядаги кичик давлатларнинг золим ҳукмдорлари Макиавеллини золимликни мақтовчи мутафаккир дея алқай бошладилар. Макиавелли ўз асари билан золим ҳукмдорларга қакшатқич зарба бериб, уларни ҳалок этмоқчи эди. Аммо, золим раҳбарлар бу асарни ёзган одамнинг ўзи қотилларга хизмат қилади, деб халқни алдадилар. Халқ бу алдовларга ишониб, ўз ҳалоскорларини қотил деб лаънатлай бошлади.

“Мандрагола” асарини ҳам шундай талқин қилдилар. Рим Отаси ва мансабдорлари ўзларини фош этувчи ва кулгили асарни завқ билан кўриб, чапак чалдилар. Ҳатто, ўта нобақор қадимги Рим императорлари ҳам саҳнада кўришга йўл қўймайдиган ифлосликларни Рим руҳонийларининг кўраётгани Фаустни ажаблантирди. Аммо, у Ватикан руҳоний мансабдорларининг ҳаёти билан яхшироқ танишгач, бундай саҳналарга ажабланмай қўйди. Рим Папаси Александр ва унинг фарзандларининг қилган ишларини қадимги Рим императорлари ҳам қилмаган эдилар.

– Бундай разил махлуқ қандай Рим Отаси бўла олади? – деб уф тортиб кўяр эди Фауст.

Иблис Александр VI папаликка қандай сайланганини яхши биларди. Ўша сайловда дўзах амирларидан бири қатнашган ва Иблисга айтиб берган эди. Аввалги вақтларда Рим папаси муовинларидан бири – вице-канцлер бўлган Александр ўз тарафдорларига катта-катта ваъдалар берган. Аммо, у папалик тахтини эгаллаб олгач, ваъдаларини бажармаган. Норозилик билдирганларни вазифасидан бўшатган, баъзиларни турли баҳоналар билан айблаб, шафқатсиз қатл этган.

**Фауст:** Уни сайлаб овоз берганлар ҳам ўзидай ифлос одамлар эканлигини

тушунаман, аммо сайланганидан сўнг унинг жабр-зулмига қандай чидаб туришларини тушунолмайман.

**Иблис:** Римда уни яхши кўрадилар. У гоҳида камбағалларга ғамхўрлик қилади. Бадавлат амалдорларни ўлдиради ё мол-мулкени тортиб олади. У жиноятлари билан ўз тахтини мустаҳкамлайди.

## 12

Рим Отаси (папа Александр VI) олий руҳонийлар кенгаши – консистория фармони билан тўнғич ўғли Франческони Муқаддас тахт вориси қилиб тайинлади. Бунга ҳасад қилган кардинал Цезаре Боржиа ўз куч-қудрати ва шон-шухратини кенгроқ оламга ёйиш учун, зудлик билан акаси Франческони ўлдириш пайига тушди. Кардиналнинг онаси Ванесса ўғлига “Отанг майда князликларни бирлаштириб, Боржиа хонадони қудратини ошириш билан боғлиқ кенг кўламли ишларини йўлга қўйишни аканг Франческога топширган, деди. Кардинал Цезаре шу заҳоти ўз хизматида бўлган юзлаб ёлланма котиллардан бирини – содиқ одами Миколеттони чақириб, бундай деди:

– Шоввозим Миколетто, отамнинг Рим руҳонийларининг тахтига ўтирганига мана беш йил бўлиб қолди. Шу вақт ичида мен ўз мавқеимни кўтариш учун тузукроқ бир иш қилмадим. Тўғри, отам мени аввал епископликка, сўнг кардиналлик мансабига кўтарди. Аммо, улуғвор мақсадларни кўзловчи мендай одамга бу мансаблар арзимасдир. Ҳозир олаётган даромадларим ўз майшатимга зўрға етади, менга сидқидилдан хизмат қилаётган кишиларга яхшироқ совға-саломлар беришга етмайди. Масалан, мен учун шундай ишлар қилгансанки, муносиб равишда сенга миннатдорчилик билдиришга умрбод қарздорман. Наҳотки олдимизда шундай улуғ ишлар турганида сен билан биз лалайиб ўтираверсак? Мендай одамга олий ҳайъат аъзоси ва черков епископи бўлиб юравериш ярашадими? Наҳотки, мен шунақа поплик ишлари билан чалғиб юрсам? Акам Франческони табиат мендан аввал туғдиргани, ундан ёшроқ эканимга мен айбдор эмасман-ку? Агар мен аввалроқ туғилганимда ҳамма ишлар бошқача бўларди. Содиқ дўстим Миколетто, сен ҳам ҳозиргидан анча бой-бадавлат, катта одам бўлиб кетардинг. Акам эгаллаб турган олий мансабларидан фойдаланишни билмайдиган бир сўтак. Ана шу мансаблар менда бўлганидами? Номим бутун Европага машҳур бўлиб кетарди. Менинг табиатимда қахрамонлик бор, акам эса заиф, тегманозик бир лаванг. Тақдирнинг бу лаънати хазилини ё хатосини биз тўғрилашимиз керак, шунда биз табиатимизга мос улуғвор ишлар қила оламиз. Иккаламизни ёнма-ён қўйишса, ҳеч ким бизни ака-ука демайди. Хўп, отамиз бир экан, Франческо менга ака экан, нима қилибди? Мен ўзимнинг улуғвор мақсадларимга етиш учун отам экан, акам экан, деб ўтирмайман. Ҳамманинг устидан ҳукмронлик қилишни истаган одам қариндош-уруғчилик, меҳр-оқибат деган нарсаларни бир қақага олмайди. Эркакмисан, мақсадинга етиш учун кўлингни қонга ботиришга ҳам тўғри келади. Тарихда барча буюк зотлар шу йўл билан ҳокимиятга эришган. Буюк Рим империяси асосчиси (Ромул) ҳам ўз акасини (Ремни) ўлдирган. Рим буюк салтанатга айланиши учун акани йўқотиш зарур эди. Бу тарихий зарурат. Цезаре Боржиа буюк ишлар қилиши учун акаси ўлиши керак. Мен Римни яна буюк империяга айлантираман, отам мен юксалишим учун нарвон бўлиб туради.

Шундан сўнг мен Авлиё Пётрнинг тахтини ҳам ағдараман, чунки Пётр алдов, фирибгарлик билан бу тахтга ўтирган. Мен халқимизни руҳонийларнинг шармандали кишанларидан озод қиламан, бу халқ яна ҳақиқий эркакларга ва қахрамонларга айланади. Мана шу улуғ мақсад йўлида ғов бўлиб турган акам ўлиши керак. Ана ўшанда биз бутун дунёга кимлигимизни билдирамиз!.. Бу ишни кеча қоронғулигида ўзим қилсам ҳам бўлади. Лекин мен бу шарафли ишни сенга ишониб топшираман. Шунда сен келажагимиз, бахту иқболимиз порлоқ бўлишига буюк ҳисса қўшган бўласан. Эртага мен Неаполга, қиролга

тож кийдириш маросимига бораман. Онам Ваносса менинг кардиналлардан бири бўлиб, қолиб кетишимни сира истамайди. Онам мени қахрамонликларга руҳлантиради. Бугун кечкурун онам зиёфатга боради. Унда мен ва акам, яна баъзи дўстларимиз бўлади. Ярим кечаси акам бир паривашнинг уйига боради, уни иккаламиз таниймиз. Сен бор экансан, Франческо ўша ерда гум бўлиши, саройга келмаслиги керак. Агар шундай бўлмаса, азизим Миколеттони мен танимай қоламан. Мен ҳам Цезарман, ё ҳукмдор бўламан, ё ҳеч ким бўлмайман.

Севиниб кетган Миколетто кардиналнинг қўлини қўш қўллаб қисиб, бу нозик ва шарафли ишни унга ишониб топширганидан боши осмонга етганлигини билдирди ва бу ишга шерикларини тайёрлаш учун шошиб кетди.

Кардинал Чезаренинг онаси берадиган зиёфатга Фауст ва Иблис ҳам таклиф этилган эдилар. Меҳмондорчиликда шўхлик, хурсандчилик бўлди. Олий мансабга мушарраф бўлган Франческо бу кеча укаси кардинал Чезарегга янада илтифотли бўлди, лутф-карам қилди. Аммо, Чезаре акасини ўлдириш қароридан қайтмади. У онаси билан хайрлашиб, Рим папасининг сўнгги буйруқларини билиш учун Ватиканга йўл олди. Франческо уни қўйиб юборгиси келмай, яна бир оз ушлаб қолди. Сўнг уни кузатиб чиқди. Фауст ва Иблис ҳам уларнинг орқасидан чиқдилар. Франческо укаси билан хайрлашар экан, унинг қулоғига шивирлаб: “Мен ўзинг билган ўша хонимнинг уйига кетдим”, деди. Кардинал акаси билан кучоқлашиб хайрлашди, унга омад тилади. Сўнг Ватиканга бориб, ишларини битирди. У ердан қайтиб, тайинли жойда уни қотиб турган қотиллар билан учрашиб, қандай иш қилишларини тушунтирди.

Фауст Римда бир князнинг синглиси қошига борди. Воқеа нима билан тугашини билган Иблис шундай қилдики, Фауст иккаласи ярим кечаси Тибр дарёси ёқасига бориб қолдилар. Худди шу ерда Миколетто ўз ходимларига Франческонинг ўлигини дарёга улоқтиришга буйруқ берганини эшитдилар. Фауст қотилларни ушлаш учун югураётган эди, Иблис уни тўхтатиб:

– Аралашма, уларга яқин борма, сени таниб қолишмасин. Римда бунақа қотиллар жуда кўп. Сен кузатиб турганингни билиб қолишса, Иблис ёнингда бўлса ҳам, улар сени йўқ қиладилар. Сувга улоқтирилган жасад – Франческо Боржиа, қотил – унинг укаси. Сен кўриб турган бу воқеа яқин орада содир бўлажак жинойтларнинг бошланиши. Дўзахий гуноҳкорлар ҳам буларнинг олдида ип эшолмайдилар.

Иблис унга бу фитна ўчоғини, кардинал Чезаренинг акаси ҳақида Миколетто билан суҳбатини айтиб берди. Кутмаганида Фауст бу ишга совуққонлик билан қарагани учун Иблис шундай деди:

– Бундай ишларга дўзах аҳли хайрон қолар, аммо мен ажабланмайман. Рим папаси ўзини бегуноҳман, Худонинг ер юзидаги сояси – ўринбосариман, деб билади. Мен, Фауст, черков томонидан Рим папасига таъзим қил, деб буюрилган одам бу ҳақда нима ҳам дея оламан? Бундан кейин, эй Иблис, дунёда инсон зотини мақтайдиган одамни кўрсам, ёлғончи дейман ва унга ёввойи хайвондай ташланиб, таъзирини бераман. Ухлашга кетдик. Руҳонийлик либосидаги бу махлуклар олдида, сен Иблис, оддий бир тентакка ўхшаб қолар экансан. Оҳ, нима учун мен бахтиёрлар ўлкаси Арабистонда туғилмадим, у ерда хурмо бошимга соябон, табиат менга меҳрибон бўлур эди!

Хандия герцоги Франческонинг ўлгани ҳақидаги хабар Римга ва бутун Италияга жуда тез тарқалди. Рим Отасининг қалби ларзага тушиб, шундоқ эзилдики, уч кун туз тотмади, емади, ичмади. Франческонинг жасади Тибр дарёсидан топилгач, Папа қотилларни қаерда бўлса ҳам тез топишга фармон берди. Папанинг қизи Лукреция қотил кимлигини билиб қолди ва бу ҳақда отаси Родриго (Александр VI) нинг жаҳл устида қандай фармон берганлигини онаси Ванессага хабар қилди. Қотилнинг онаси Ватиканга югурди. Бундай мотам кунлари Рим папасининг оромгоҳига Иблисдан бошқа ҳеч бир бегона

кира олмас эди. Иблис Папага яқинлиги имкониятидан фойдаланиб, оромгоҳга киргач, Ванессанинг келганини кўриб, Фаустни ҳамдардлик билдираётган жойидан тезда топди ва папа оромгоҳининг эшиги олдига олиб келди. Фауст шу ерда туриб, эр-хотиннинг куйидаги суҳбатини эшитди:

**Папа Александр:**

– Кардинал Чезаре – акасининг қотили, сен эса қотилнинг онасисан, гўё Орсини ёки Колонна хонадони ахлидан бирортаси ўлгандек менга бу хабарни шундай хотиржам айтмоқдасан. Оғасини ўлдириш билан ўғлинг ўзининг пок ва муборак номини булғганини тушунмайдими? Бу қотиллиги билан у, оиламиз ёрдамида тикланаётган мухташам давлат қасрини ҳам вайрон қилди. Аммо ўша ботиринг менинг жазоимдан ва қасосимдан қочиб қутилолмайди!

**Ванесса:**

– Сени Рим папаси деб иззат-хурмат қиламиз. Рим ва барча христианлар олами сенинг номингни эшитса, қалтирайди, тиз чўқади, сени бегуноҳ деб ўйлашади. Кўрдингми, баланд мартабали одам жинойт қилса, жинойт дейилмайди. Мен иккала фарзандимнинг онасиман, Родриго, шундай бўлса-да, Чезаре акаси Франческони ўлдиришини билардим.

**Рим Отаси:**

– О, жирканч, шарманда!

**Ванесса:** Ҳа, мен шунақаман, аммо мени бундай бўлишга сен ўргатгансан, бу сенинг тарбиянг. Совуққон, ланж ва бўшанг Франческо серғайрат, оташин Чезарега ўрнини бўшатиб бериши керак эди. Франческо фақат роҳиб бўлиш учун туғилган, Чезаре эса, қаҳрамон, у Рим папасининг тахтига ўтириб, сен тузган буюк режаларингни амалга ошира олади. Мен олдиндан башорат қилиб, унга Цезар номини берганман. Фақат Чезаре Италиянинг кичик ва катта тиранларини супуриб ташлаб, буюк давлат тожини эгаллай олади. Шу йўл билан Боржиа хонадони бутун Италиянинг ҳукмронига айланади. Ё сен буни хохламайсанми? Ё сен фақат Франческони деб, сон-саноксиз арбобларни захарлаб ўлдирганмидинг? Сен ўтиб кетганинда бўшанг Франческо эмас, онасининг арзандаси Чезарегина бизни химоя қила олади. Франческо эса сенинг химоянда бўлгани учун мени, онасини яхши кўрмас эди. Чезарега эса мен қаҳрамонлик, мангу шон-шухрат йўлини кўрсатдим. У буни яхши билди ва қадрлайди. Узингни бос, тинчлан, Родриго, сен яхши билган, Франческони ўлимга юборган жасоратли руҳ соҳибаси, давлат фойдасига қилинган қотилликни фош этишга уринган одамни ҳам йўқотишга кучи етади.

**Рим папаси:** Сенинг қудратли руҳинг, Ванесса, менга ҳам юқаяпти. Айни вақтда кўрқитаяпти ҳам. Франческо энди йўқ. Чезаре – бор. Майли, у бор бўлсин, менинг ўринбосарим бўлсин! Қисматига буюклик ёзилган экан, у буюк бўла қолсин!

Папа кўнгирак чалиб, хизматкорини чақирди, кечки овқатга нимани пиширишни айтди. Ташвиши ариб, кўнгли очилди.

**Фауст:** Иблис, бу аждаҳони йўқот, дунёни кутқар! Акс ҳолда унга бўлган нафратим сенинг бошингга ёғилади.

**Иблис:** Сен, лойдан бўлган жонзод, яна бемаъни гапларни айтдинг. Сен бу папанинг кимлигини унутдингми, у Худонинг Ердаги ноиб-ку. Мен уни йўқотишга кучим етмайди. Менинг имкониятларим ва ҳақ-ҳуқуқларим чеklangан, буни унутдингми?

**Фауст:** Сен уни йўқ қилавер!

**Иблис:** Эс-хушингни йиғиб ол, Фауст, яхшиси, кўнглингни овла. Эҳтимол, бу савобли ишинг қиёматда, сўроқ вақтида сенга асқотиб қолар.

Франческони эсан чиқаришди. Энди Рим папаси ўғли Чезаренинг жасур, қудратли руҳига, куч-ғайратига муносиб соҳа қайси экан, деб боши қотди.

Чезаре акасини ўлдирган кўллари билан Неапал қиролига тож кийдирди.

Қирол Фридрих ундан гумонсираб, кўнгли ғаш бўлиб қолди. Кўп ўтмай, гумонлари тўғри бўлиб чиқди.

Иблис бу найрангларни Фауст ўз кўзи билан кўриши учун шароит яратди. Қотил Неаполдан қайтаётганида Римда барча аслзодалар, Венеция ва Испаниянинг барча мамлакатлардаги элчилари уни тантанали кутиб олдилар. Цезаренинг қайтиши шарафига онаси Ванесса мотам либосини ташлаб, Римнинг барча арбобларини (элчиларни ҳам) зиёфатга таклиф қилди. Фауст ва Иблис ҳам таклиф этилган эдилар.

Зиёфатдан сўнг кўп ўтмай, Цезаре медресига теккан кардиналлик шляпасини улоқтирди ва белига шамшир осиб, тантанали равишда Рим папаси тожу тахтининг бош посбони – гонфалоньери мансабини қабул қилди.

Фауст кўнглидаги аламли ўйларни чалғитиш учун тинимсиз роҳат, айшу ишратга берилди. Иблис бу оқил банданинг тобора тубанлашиб (Худонинг жазосини ўйламай) расвогарчиликка берилганини кузатиб, севинаяр эди.

Энди Фауст одамлар бир-бирига дўст ва биродар эмас, балки бир-бирига бўри экан, деган хулосага келди. Иблис унинг бу хулосасини мустаҳкамлаш учун шу қадар ғалати фикрларни билдирдики, кейинчалик (Европада) машҳур файласуфлар шулар асосида бутун-бутун фалсафий таълимотларни тўқиб чиқардилар.

Иблис ҳар ёқлардан турли хазиналарни топиб келиб, Фаустга бериб, уни Римдаги деярли барча қизлар ва хонимлар билан айш-ишрат қилишига йўл очди. Фауст энди инсоният шу кетишда ҳеч қачон ўнганмайди деган фикрга келган эди. Шу сабабли у тубан инсонлардан шу йўл билан ўч ола бошлади. У аввал ҳам одамлардан нафратланар эди, энди бунинг устига улардан жиркана бошлади. Иблиснинг уқдиришича, аҳмоқларгина одамларни ҳурмат қиладилар, оқил ва донолар эса одамлардан нафратланиши ва жирканиши керак эмиш.

Фауст шундай фикрга келдики, Худо одамзодни яхши ниятлар билан яратган (уларни фаришталардан ҳам афзал кўрган), аммо одамлар унинг ишончини оқлай олмаганидан сўнг, улардан юз ўгириб, ўз ҳолига ташлаб қўйган.

Энди Фауст билсаки, дунё бўронли, долғали, пўртанали уммон экан, одамлар тушган кемаларнинг кўпчилиги ўзини бошқаролмай, қоятошларга урилиб парчаланаяди, фақат баъзи одамларгина омон қолиши мумкин. Бояги парчаланиб, ҳалокатга учраган кемаларнинг рули омонат, заиф ёғочдан ёки бузилгандир? Кемани яхши бошқаролмагани учун дарғалар ҳали қиёматда жавоб беришлари керак.

## 15

Рим Отаси – папа Александр VI Остия ўрмонига, шикорга отланди. Унга эргашиб мулозимлари, кардиналлар, епископлар, хонимлар ва роҳибалар ҳам боришарди. Шикор кунлари базм, зиёфатлар кўнгилахушлик билан қойилмаком ўтиши учун хонақоҳлар – монастирлар (ибодатхоналар)дан энг ёш ва чиройли роҳибалар танлаб олинарди. Иблис доимо Рим папаси ёнида эди. Фауст эса гўзал Лукрециядан ажралмасди. Остияда ҳар ким истаганча кўнгилахушлик қилар, Рим императорлари Тиберий ва Нерон ҳам буларнинг олдида ип эшолмас эдилар. Иблис истагандай, Фауст бу ерда инсонлар тубанлиги ва разолатини энг шармандали, авж нуқталарида кўрди. Рим папасининг бу ерда тузган маккорона режалари бузуқликдан ҳам бадтар иблисона эди. Бу режалар махфий равишда муҳокама қилинаётганида Иблис ва Фауст ҳам буларни эшитиб турган эдилар. Рим папаси ва қотил ўғли Цезаренинг режасига кўра, Неапол қироли Альфонсо Арагоний (Лукрециянинг эри) ўлдирилиши керак эди. Бу билан Рим папаси Франция қиролига Сицилия тожу тахтини эгаллашига ёрдам бераётганди. Папа Александр ёрдамида (Альфонсо ўлиши кераклигини эшитган) француз қироли Людовик XII кўшинлари Италияга бостириб киришни бошлади. Рим Папаси қизи Лукрецияга эрини ўлдириш вазифасини топширди.

Шундан сўнг, Рим папаси ва ўгли Чезаре бутун Италия шаҳарларини эгаллаб, энг бадавлат ва кучли ҳокимларни ўлдириб, уларнинг мулкларини ва хазиналарини тортиб олдилар. Кейинчалик буларнинг авлодларидан бирортаси отасининг мулкани даъво қилмаслиги учун, уларнинг барча фарзандларини ва невараларини ўлдиришади. Урушадиган қўшинни боқиш учун Рим папаси ва Чезаре захарланиб ўлиши керак бўлган бадавлат кардиналлар ва прелатлар – папа вакилларининг рўйхатини Лукрецияга бердилар. Ўлганларнинг мол-мулклари Ватикан хазинасига ўтар эди.

Мана шу хуфия машваратдан сўнг кечки базмгоҳга шошилдилар. Рим папаси зўр режаларни тузганидан боши осмонда, уларни тезлик билан амалга ошириш мумкинлигидан хурсандчиликка чунонам берилди. Айни вақтда папа Александр давлат ишларини ҳам унутмай, ўткир май таъсирида, юзи қизариб, яқинларига папа давлатининг даромадларини кўпайтириш учун, яна бир неча салиб юришлари ўтказиш учун нималар қилиш зарурлигини тушунтирди. Шу масала бўйича турли-туман таклифлар ўртага ташланди. Патрия епископи, черков мансабларини кимошдига қўйиб сотувчи, содик вазири Ферара де Моден яқин орада Рим туркларга қарши уруш очиш учун индулгенцияларни<sup>1</sup> бутун Европа мамлакатларида сотишни таклиф қилди. Мазкур молиячи вазир гуноҳкорларни аҳмоқ қилаётганларини ҳам яширмай:

– Гуноҳлари кечирилди деб ёзилган васиқа билан кечириш мумкинлигига одамларнинг лаққа ишониши даромадларимизнинг энг ишончли манбаидир, – деди.

**Чезаре:** Муқаддас ота, бунини кардиналларга ва папа элчиларига қўйиб беринг. Улар янги-янги қилган гуноҳкорларни жуда яхши биладилар.

Патрия вилояти епископи Ферара де Моден қалин дафтарини очиб, котибликни ўз зиммасига олди.

Кардиналлардан бири: Яхши, муҳокамани мен бошлаб берақолай. Ёз, Ферара. Бойишнинг биринчи манбаи – ҳар қандай руҳоний мансабдор монастирда ё ундан ташқарида қилган гуноҳини кечириш ва янги диний лавозимларни эгаллаш ҳуқуқини сақлаб қолиши учун папа хазинасига тўққиз олтин тўлаши керак.

**Папа Александр:** Ажойиб! Яшавор! Епископ, ёзавер: тўққиз олтин. Сизлар, эй, яхшилар, қадахларни кўлга олинг, тўққиз олтин тўлаб, гуноҳлари кечириладиган руҳонийлар учун ичамиз!

Барча меҳмонлар қадахларини тўлдириб, папага жўр бўлдилар:

– Жуда тўғри! Гуноҳлар кечирилади! Бегуноҳмиз!

**Чезаре Боржиа:** Отажон! Фауст одам ўлдирувчи қотилларни чўчитиб юбормаслик учун уларга камроқ жарима қўймоқда.

**Папа Александр:** Ундай бўлса, майли.

**Иблис:** Тўхтанглар, жаноблар! Сизлар фақат мулкдор, бойларнинг гуноҳларини кечиришни ўйлаяпсиз. Камбағаллар гуноҳ қилса – кечирилмайдами? Бечораларнинг бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам гуноҳи кечирилмай, дўзахга кетаверадими?

**Жўр овозлар** (хохолаб куладилар): Олтини йўқлар ўлиб кетаверсин! Камбағалларни черков кечирмайди, улар васиқасиз тўғри дўзахга равона бўладилар!

**Чезаре:** Эшитинглар! Яна бир даромаднинг кони – агар ўғри, у хатто черков мулкани ўғирласа ҳам, ўғирланган бойликнинг учдан бирини Ватикан хазинасига топширса, гуноҳи кечирилади, руҳи нажот топади.

**Жўр овозлар:** Яшасин черковни таловчилар ва ҳар қандай ўғрилар – молнинг учдан бирини черковга қайтарувчилар!

**Папа Александр:** Чезаре, сен битмас-туганмас тилла конини топдинг. Ёзавер, епископ! Мажлисимиз ажойиб ўтмоқда!

**Фауст:** Жаноблар, давом этамиз! Агар кимдир сеҳр-жоду билан

<sup>1</sup> Индулгенция – фалончининг фалон гуноҳи кечирилди, деб ёзилган васиқа.

шуғулланиб, Иблис билан тил бириктирса, бу гуноҳни кечириш учун қанча тўланади?

**Папа Александр:** Сен, бўтам, бундай иш билан папа хазинасини бойитолмайсан. Иблисга сендан нима фойда? Чақирганинг билан у бари бир келмайди.

**Фауст:** Сиз Иблисни оқлаб ўтирманг, бундай гуноҳни кечириш нарҳини айтаверинг.

**Папа Александр:** Бундай иш камёблиги сабабли – юз олтин!

**Фауст:** Мана, юз олтин, эҳтимол, чақирсам – Иблис келиб қолар, менга васиқа беринг ва жўр овозда тасдиқлатинг!

**Жўр овозлар:** Иблис билан тил топганлар кечирилсин!

Епископ Ферара буни ёза бошлади.

**Яна бир роҳиба:** Муқаддас епископимиз, модомики, сеҳр-жоду гуноҳини кечирувчи васиқа ёзар экансиз, менга ҳам ёзинг, менинг гуноҳим ҳам шунга ўхшайди, буни ўзингиз биласиз. Манави садафли тасбеҳимни олинг, у ўн беш олтинга тенг, худо ҳаққи.

Епископ Ферара Фаустга васиқа ёзиб берди. Папа, тасдиқлаб, имзо чекди.

**Иблис:** Олий ҳазратлари, бу парча қоғозга Иблис ишонади, деб ўйлайсизми?

Буюк инквизитор (гуноҳқорни гулханда ёқувчи) жаҳл билан ўрнидан туриб кетди ва дудукланиб кичқирди:

– Бу нимаси?! Куфр гапни ким айтмоқда? У нобакор даҳрийни менга кўрсатинг!

Папа шундай деб, бош бармоғи билан Иблиснинг оғзини тўсиб, шивирлади:

– Эй, шоввоз, васиқага ҳеч ким ишонмайди. Бу – давлат сири. Бу ҳақда гапирсанг ҳалок бўласан, ҳатто мен, папа ҳам сени кутқариб қололмайман.

Меҳмонлар ҳаммаси гуноҳлари учун кечирим васиқаси олиш ва папанинг кўнглини олиш учун, ҳамёнларини очиб, тилла тангалар чиқардилар. Ферара яна бир неча котибни ёрдамга чақирди. Васиқалар ёзиб бўлинди. Ҳар ким ўз гуноҳига яраша кечирим васиқаларини олдилар.

Эртасига Епископ Ферара рўйхатни оққа кўчирди, уни китоб қилиб, нашр этдилар ва яширин равишда халққа тарқатдилар.

## 16

Чезаре Боржиа синглисига берган ваъдасини бажарди: унинг эрини (ўз поччасини) Гонфалоньер (епископлар ва кардиналларнинг бошлиғи) саройида (Чезаренинг саройида) берилган зиёфат вақтида ўлдиришди. Чезаре ўзи тузган бу режасига кўра унинг ҳозирги ва келгуси зафарлари улуғланиши керак эди.

Шундан сўнг Чезаре лашқарини бошлаб, (Италиядаги кичик давлатларни ва уларнинг раҳбарларини йўқ қилиш учун) жанг майдонларига йўл олди. Бир неча ойдан сўнг Чезаре Рим папасига қилган ишлари, эришган зафарлари ҳақида мактуб юборди. Иблис бу мактубни папанинг чўнтагидан ўғирлаб олиб, Фаустга берди. Чезаренинг мактубида Фауст қуйидагиларни ўқиди:

“Муқаддас ота! Сиз олий ҳазратларининг оёғини ўпаман. Юрган йўлимда бахт-саодат ва ғалабалар ёр бўлди. Бахту ғалабалар – менинг қулларимга айланди. Шу ғалабаларим сабабли, умид қиламанки, Цезар деган улуғ номимни оқладим. Мен ҳам “Veni, viki, vidi” (“Бордим, кўрдим, енгдим!”) дея оламан. Урбино герцоги мен қўйган тузокқа тушди. Сиз ҳазрати олийлари менга юборган ёрлик фармон ёрдамида, Папа душманларига қарши курашда ёрдам берар экансиз, деб, унинг артиллериясини – замбаракларини сўраб олдим. Герцог гапимга ишониб, бир зодагон орқали менга розилик хатини бериб юборибди. Шу тариқа, Урбинога мингта солдатимни юбордим. Булар замбараксиз қолган мудофаачиларни қириб ташладилар ва пойтахтни, бутун мамлакатни эгалладилар. Афсуски, герцогнинг ўзи бу воқеа ҳақида хабарни эшитгач, қочиб қолибди. Герцогни қочириб юбординг, деган баҳона билан

хавфли рақибимиз (мамлакатнинг энг бой хонадони) Монфельтерони ва оиласининг барча аъзоларини нариги дунёга жўнатдим.

Шундан сўнг Камеринода мактубимни ўқиб алданган Вителоццо ўз лашкари билан келиб қўшилди. Кейин Камерено мулкини талашга рухсат бераман, деган хабар билан Чезаре ди Варанони алдадим. У қўшини Камеринони қамал қилиб, таслим бўлганлар билан сулҳ тузиш ҳақида музокара олиб бораётган вақтда унинг иккала ўғлини бўғдириб ўлдирдим. Афсуски, бу хабарни эшитган отаси қочиб қолди. Умид қиламанки, иккита шердай ўғлининг ўлимига чидай олмай, ўзи ҳам ўлиб кетса керак. Шундан сўнг Камеринодан чиқдим.

Паоло Орсино, Вителоццо ва Оливеретто ўз қўшинлари билан фармонимга кўра Синигалани эгаллашга кетдилар. Улар шаҳарга ҳужум қилиб турган вақтда ортларидан бордим. Улар менга ҳурматларини билдириш учун, қўшинларини орқада қолдириб, хузуримга келдилар. Мен уларни олқишлар билан кутиб олиб, ичкарига таклиф қилдим. Менинг Миколеттом ва икки содиқ дўсти ҳар бири биттадан душманимни қамокқа олдилар. Уччаласи шу тарика менинг маккорона тўкиган тўримга тушдилар.

Уларнинг бошлиқсиз қолган қўшинларини менинг қўшинларим қириб ташладилар. Эртасига ярим кечада Миколетто ва шериклари менинг буйруғим билан асирларни бўғиб ўлдирдилар.

Кейинчалик Миколетто менга кулиб айтиб беришича, асирларнинг каттаси Вителоццо тиз чўкиб ундан илтимос қилибдики, ўлиמידан олдин Рим папаси гуноҳларини кечириш васиқасини ёзиб берсин, деб.

Одамларга ҳукмдорлик қилиш катта санъат эканлигини менга яна бир бор намоиш қилдим. Сиз жаноби олийлари Орсини ва унинг тарафдорларини бирёқлик қилганингиздан сўнг, мен бу ёқда Гравино герцоги Паголани, сўнг бошқаларини нариги дунёга жўнатаман.

Ҳазрати олийлари, умид қиламанки, бу жасоратли ва оқилона ишларим билан тожу тахтга муносиб бўлсам керак. Аввалроқ, Фаэнцани эгаллаб олганимда унинг ёшгина, хушрўй ўсмир подшоҳи Асторни ҳам эгаллаб олдим. У билан кўнгилхушлигим қанча давом этса, у шунча яшайди. Агар Юпитер (Зевс) ҳозиргача ҳаёт бўлганида соқийси Ганимедга нисбатан менинг Асторим минг чандон чиройли эканлигини кўриб, хавфли ва кучли рақибимга айланарди. Йўлда яна генерал Каррачиолининг соҳибжамол хотини ҳам қўлимга тушган эди. Энди мен оғир ишлардан сўнг дам оламан.

Эшитишимча, соҳибжамолнинг венециялик генерал эри шовкин кўтариб, мендан ўч олмоқчи экан. Генерал жаҳлдор одам, у айтганини қилмаслиги учун ўзини бирёқли қиламан. Венецияликлар мен билан нари-берига бермаслик учун уни йўқ қиладилар.

Уруш, жангу жадал орасида синглимнинг бахтини ҳам унутганим йўқ. д’Эсте герцогининг катта ўғли синглимга уйланиш учун ўз вакилини юборибди. Никоҳ шартномаси тузилаётганида ўзим қатнашаман.

Шундай қилиб, биз Колонна, Орсини, Салвиати, Вителоццо ва бошқа энг хавфли рақибларимиздан қутулдик. Энди навбат д’Эсте ва Медичини йўқ қилишга келди. Франция қироли Людовик XII ўз кучларини Италияда сарфлаб тугатади. Шундан кейин жаҳонда Боржиа сулоласига қарши тура оладиган бирорта куч топилармикин? Ҳазрати олийларининг оёғини ўпаман ва ҳоказо ва ҳоказо.

*Чезаре Боржиа, гонфальонер (епископлар ва кардиналлар бошлиғи)*

Фауст бу мактубни ўқиб, руҳи ларзага тушди ва осмонга қараб, ҳасрат билан хитоб қилди:

– Ё худованди карим, Рим папаси – сенинг Ер юзидаги ноибинг, ҳамма насронийлар унга сиғинади, гуноҳларини кечиришни (Сендан эмас) ундан тилайдилар. У эса, (кечириш ўрнига) барчасини қатл этади. Қотил ва зинокор руҳонийлар пешвоси наҳотки Сенинг ноибинг бўлса? Сен яратган халқларни жуда кўп тиранлар – золимлар бўғиб, алдаб қийнамоқда ва ўлдирмоқда, Сен

халқларнинг отаси бўла туриб уларнинг қирилаётганига парво қилмай, ухлаб ётибсанми? Сен лаънатлаб қўйган Ер юзида наҳотки золимларнинг жазосини беришга кучи етадиган оташин инсонлар қолмаганми? Ёки самовий ўчоғингда олов ўчиб қолган бўлса? Аввалги замонларда (Содом ва Умуррода) зинокорлар бошига оловли ёмғир ёғдириб, жазо берган эдинг-ку! Наҳотки, Сен энди бутун инсониятдан юз ўтирган бўлсанг? Наҳотки Сен учун золимларни жазолаш ва яхшиларни омон сақлаш аҳамиятсиз бўлиб қолган бўлса?!

Фаустнинг бу мотам нутқини эшитган Иблис мазза қилиб кулди ва ғазабнок дўстини Ватиканга олиб борди. У ерда Папа ўз куралининг ғалабасидан қувониб, кўнгли яйраб ўтирганини кўрдилар. Рим Папаси бадавлат, Орсиниларнинг омон қолган охириги уруғлари Алвиано билан Санта-Крочени, норозилик билдирган кардиналларни ва епископларни алдаб, тузокқа туширди. Энди унга байрам яқин эди. Римнинг барча зодагонлари уни ғалаба билан табриклашга гурра-гурра келаётган эдилар. Папа Ватиканга келганлардан ўз рақибларини дарҳол ҳибсга олдирди, ҳар бирини алоҳида қоронғу зиндонларга ташлатди, ярим кечаси яширин равишда барчаси қатл этилди.

Фақат кардинал Орсини асирликда бир неча кун ушлаб турилди, сабаби, у бебаҳо дур-гавҳари қаердалигини ҳали айтмаган эди. Соддадил онаси ҳам, ўғлини қутқариш мақсадида эркакча кийиниб, бебаҳо гавҳарни папанинг қўлига топширди. Папа ўнг қўли билан гавҳарни олиб, чап қўли билан зиндонда ётган асирни ўлдиришга ишора қилди.

Бу ёвузлик тафсилотини эшитган Фауст ғазабланиб, Иблисга папани ўлдиришни, Ватиканга ўт қўйишни буюрди. Иблис эса ҳали бунинг фурсати етмаганлигини, унинг жонини нима учундир Худо асраётганини билдирди.

Фауст “Ватиканни ва Боржиа сулоласини кириб ташла!” деб буюрганида, Иблис бундай деди:

– Мен шунга ҳаракат қилдим, Аммо, у ўлмай қолди.

**Фауст:** Ҳа, у тасодифий фалокатдан омон қолди.

**Иблис:** Йўқ, бу тасодифий эмас. Папани ўлдириш учун мен бу тасодифни ташкил қилган эдим. Сен аввал ҳам менга “Папани йўқот!” деб буюрган эдинг. Мен ҳаракат қилдим. Яқинда бутун шаҳарни ларзага солган бўрон ва яшин-чақин, дўл ёғилиб, томларнинг устини вайрон қилган эди. Мен ана шу бўронга миниб, Ватикан саройининг синиб кетган мўрисидан ичкарига кирдим. Қарасам, хос хонанинг шифти пачоқланиб, оғир бир тўсин папанинг бошига тушаётган эди. Мен папа ҳозир ҳалок бўлишини кўрмоқчи эдим. Лекин оғир тўсин нимагадир, ўргимчак тўридай омонат ипга осилиб қолди. Мен бу ишни эплай олмаганимга уялганимдан ер ёрилмади, мени ер ютмади.

**Фауст:** Эҳ, сенинг бу чала ишинг учун қандай жазоласам экан-а? Менинг кўнглимни чўктириш учун сен бу ҳикояни ўйлаб топдингми?

**Иблис:** Майли, жазолайвер. Мен рози. Папанинг омон қолиши Худонинг қандайдир режаси учун керакдир, мен қаердан билай? Эҳтимол, Ул зот папанинг жинойатларини яна-да кўпайтирмоқчидир?

**Фауст:** Яхши одамлар азоб тортаверсинми?

**Иблис:** Уларга мен азоб бераётганим йўқ. Сиз мутафаккирларнинг хатонингиз шундаки, барча ёмонликларни менга тўнкайсизлар. Йўқ, мен ҳам бу розолатлар уясини яхши кўрмайман. Хотиржам бўл, яқин орада бу папани асфаласофилинга жўнатаман.

Иблис турли мантикий далиллар билан Фаустга тушунтирар эдики, золимларга, ёвузларга жазо бериш унинг ихтиёрида эмас, Худонинг ихтиёрида. Папанинг дўзахий қилмишлари учун Худо эҳтимол каттароқ жазони тайёрлаб қўйгандир?

Иблис бу мавзуда шундай ажойиб маҳоратини ишга солдики, натижада Фаустнинг кўнгли анча тинчиди. Фауст энди Худонинг золимларга жуда қаттиқ жазолаш учун уларга кўпроқ ёмонлик қилишга йўл бераётганига ишониб қолди. Фақат у энди золимларга қарши курашмай, барча машаққатларга сабр-тоқат қилаётган азиз-авлиёларни аҳмоқ одамлар деган хулосага келган

эди. Шунга қарамай, фалокат вақтида золим папани олий кудрат асраб қолгани ҳақидаги ҳикоя Фаустга қаттиқ азоб берар эди.

Шу орада Рим папаси барча ёвуз режаларини амалга оширди. Буни эшитган Чезаре вақтинча ушлаб турган барча асирларни, ёшгина Асторни ҳам қатл этди ва шон-шуҳратга бурканиб, Римга тантанавор кириб келди. У, босқинчилик ва талончилик қилиб олган барча бойлик, ўлжаларини Папа билан бўлишиб олди.

## 17

Кўп ўтмай, Лукрециянинг тўйи осиеликларга хос дабдаба билан бошланди. Тўй-ҳашамини ошириш учун ҳар бир римлик зодагон ўз улушини қўшди. Никоҳ ўқиладиган вақтда барча ибодатхоналарнинг қўнғироклари бир-бирига жўр бўлиб янгради. Авлиё Фаришта тепалигида замбараклардан ўқ отилди. Бука уриштириш ташкил этилди, театр сахналарида комедиялар қўйилди. Шодликдан маст-аласт бўлган халқ Ватикан давозасига келиб: “Александрга шон-шарафлар! Яшасин Лукреция, герцог хоним д’Эсте!” деб кичкирар эдилар. Кичкирганлар орасида Фауст ҳам бор эди.

– Яшасин Папа, яшасин Лукреция! – деган кичкириқлар билан бирга ўлаётган айбсиз маҳбусларнинг дод-фарёдлари осмони фалакка етиб борса, Яратган эгам қайси бирига эътибор берар экан?

Бу саволга Иблис жавоб тополмай, лол бўлиб қолди.

Никоҳ тўйи тантаналарининг якунида Лукрециянинг розилиги билан папа Александр тузган сценарий бўйича ғаройиб бир томоша кўрсатилди. Муҳташам ёритилган залда баҳмал диванда қизини эркалатиб ўтирган Рим папаси томошани бошлаш ҳақида ишора қилди. Саҳна ичкарасидаги эшик очилиб, деярли элликта нозанин қиз-жувон маҳбубалар най садолари остида рақс бошладилар.

Рақс тугаши билан кимўзарга танлов бошланди. Рим папаси ғолибга аталган қимматбаҳо соврин – тилла қадаҳни ушлаб турарди. Холис баҳоловчи римликлар охири Фаустни ғолиб деб топдилар.

Бу ғалаба Фаустга анча қимматга тушди, у ана шу ғалабани деб сўнгги маънавий фазилатларидан ҳам айрилди. Иблис шундан сўнг Фаустга охириги, қақшатғич зарбани бериш вақти етди, деган қарорга келди ва ғолибни шодона хайкириб табриклади.

## 18

Лукрециянинг тўйини янада ҳашаматли қилиш учун Папа бой-бадавлат вакиллари – зодагонлардан бир нечта янги кардиналларни “сайлади”. Папа шу муносабат билан ўз чорбоғида берган зиёфати вақтида Чезаре яқинда бошланадиган босқинчилик юришига маблағ ундириш учун шу янгилардан бир нечасини заҳарлаб, нариги дунёга жўнатишга қарор қилди.

Папа, қизи Лукреция, ўғли Чезаре, (аслзода меҳмонлардан) Иблис ва венецияликнинг хотини виллага аввалроқ бориб, зиёфат режасини муҳокама қилдилар.

Рим папаси ҳақиқий иблисни кўрганидан суюниб, хурсандлик билан саломлашди:

– Хуш келибсиз, Иблис жаноби олийлари! Мен сизни кўришни умр бўйи орзу қилардим. Сизнинг куч-қудратингиздан қандай фойдаланишни мен жуда яхши биламан! Хо-хо-хо! Бундай қиёфада Сиз менга яна-да ёқасиз! Ҳазилни ҳам қойиллатдингиз. Яхшиси, бир иш қилайлик. Мен Сизни кардиналлик мансабига кўтараман, фақат Сиз мени олий мақсадларимга етказа оласиз. Душманларим устидан ғолиб чиқишимга ёрдам берасиз. Италиядан фарангларни ҳайдайсиз, улар менга энди керак эмас. Ахир бу Сиз учун бир зумлик иш-ку. Фақат, бу қиёфада ўғлим Чезарегга кўринманг. Бу ёвуз махлуқ Сизнинг

ёрдамингизда мени ўлдириб, ўзи ҳам папа, ҳам Италия қироли бўлиб олади.

Кўрқинчли қиёфаси ҳам Рим папасига таъсир қилмаганидан ҳафсаласи пир бўлган Иблис, бу гапларни эшитиб кулиб юборди. Папанинг бу режаси дўзахдаги гуноҳлар рўйхатида ҳам ёзилмаган эди.

Иблис папага жиддий гапирди:

– Папа Александр! Қадим замонда Иблислар бошлиғи пайғамбар Исо Масихга кўриниб, “Агар менга сажда қилсанг, бутун дунё хазиналарини оёғинг остига ташлайман, деб таклиф қилган, Исо рози бўлмаган эди.

**Папа:** Гапингни тушундим. Лекин Исо бизнинг Худомиз, у мол-дунё ва мансабга мухтож эмас эди. Агар у оддий одам бўлганида, ҳатто папа бўлганида ҳам у таклифга рози бўлар эди.

Шундай деб, папа тиз чўкиб, Иблисинг оёғига бошини қўйиб, сажда қилди.

Иблис нафратланиб, ғазаб билан папанинг башарасига шундай қаттиқ тепдики, бутун вилла ларзага келди. Эшиклар табақаси очилиб кетди. Фауст, Лукреция, Чезаре, венециялик аёл папанинг дахшатли қиёфадаги Иблисга сажда қилган ҳолатда кўрдилар. Иблис ғазабнок қаҳ-қаҳа билан:

– Иблисга сажда қилувчи папа Александрга минг лаънат! Сендай разил Папа худди мана шу ҳолатида дўзахга равона бўлишинг нақадар гўзал! – деб Папани бўғиб ўлдирди. Чезаре бу дахшатни кўриб, хушидан кетди. Сўнг оғир дардга учраб, ётиб қолди. У ва отаси қилган жиноятлар Боржиа оиласига мутилган ҳосилларни бермади. Аммо, бу жиноятлар кейинги Рим папалари мавқеини, ҳокимиятини мустаҳкамлади.

Бўғилиб ўлган ва башараси хунук жасадни иззат-хурмат билан Папаларнинг ҳашаматли хилхонасига дафн қилдилар. Тарихчилар эса (асл ҳақиқатни билмагани учун) Папанинг фожиали ўлими ҳақида бир чўпчак тўкидилар: эмишқи, Чезаре баъзи кардиналларга атаган заҳарли май қадахларини янглишиб, ота Александр ва ўғли ичиб қўйибди, ўзлари қазиган чоҳга ўзлари тушиб кетибдилар. Бу чўпчакда, ўйлаб кўрилса, ҳақиқат зарралари ҳам борга ўхшайди.

## БЕШИНЧИ КИТОБ

### 1

Сўнгги кунларда Фаустнинг кўрганлари: Рим папасининг Иблисга сиғиниб, ялтоқилик қилиши, унинг шармандали ўлими, Иблисининг дахшатли қиёфаси (Фауст уни доимо улуғвор қиёфада кўрарди) – ҳаммаси бир бўлди, унинг руҳини ларзага солиб, ҳаётдан кўнглини совутди. У вилладан тез чиқиб, Римга кетди, лаш-лушларини йиғиштириб, отига ўтирдию, бу ердан узоқлашди.

Фауст илгари Тангри билан бахшлаша оладиган даражада кудратли руҳ соҳиби эди, энди бўлса, у Тангри лаънатлаган Иблисининг ҳам кўзига қаролмай қолди. Ҳолбуки, Иблис ҳамон унинг асири эди. Одамлардан нафратланиш ва жирканиш, ишончсизлик, атрофида бўлаётган воқеаларга қўл силташ, ўзининг жисмоний ва маънавий кучларининг чекланганини англаш – бутун умр қуйиниб излаб топгани шулар бўлди. Аммо, Фаустнинг ақли ҳали таслим бўлмаган, у топганларим фақат шу аччиқ ҳақиқатлар эмасдир деб, изланишларини давом эттиришни ўйларди. Фауст фикрича, иккидан бири – ё инсоният билан Тангри ўртасида алоқалар узилган, ё Тангрининг яширин ҳикматларини, илоҳий сир-асрорни билишга инсонларнинг ақли етмайди. Фауст бошқаларнинг тоғдай-тоғдай гуноҳларини кўриб, ўзининг гуноҳлари уммондан бир томчи, деб ўйлар эди.

Иблис энг ақлли одамларни ҳам шундай фикрга солиб кўяр эди. Иблис кўрдикки, Фауст ҳар қандай синов, бало-офатларни енгиб ўта олар, аммо у инсонларга хос самимиятини йўқотиб, истаганча айш-ишратга берилар эди. Фауст бундай ҳаёт оқибатда ўзига ҳам, яқинларига ҳам бахтсизлик келтиришини ўйламай қўйди. Ҳар ҳолда унинг ақлига дарз кетди, қалбида

меҳр-мурувват қолмади, у инсоният феъл-атвори ҳақида фақат шахсий ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб, хулоса чиқарган эди. У бир ҳақиқатни – ҳар ким инсон табиатини ўз қаричи билан ўлчагини эсдан чиқарди. *Аслида соғлом фикрли инсонлар машаққатлар чекиб, ҳаётий тажрибаси ортса, яхши томонга ўзгаради, одамгарчилиги кўпаяди. Оқил одам ҳаётида ёмонликларни кўп кўрса, ўзининг яхшилигини англаб, бахтли эканлигини яхшироқ билади.* Фауст эса, кўп вақтлардан буён, оила, қариндош-уруғлар, дўстлар билан борди-келди қилмай қўйганди. У кейин ҳам яхши дўстлар топишга интилмади, маънавий тубанлашгани, фикр-ўйлари бошқа нарсаларда бўлгани учун дўстларни унутган эди. Шу сабабли у энди дунёда ёлғизликда қолганини тушуниб, ўзини қайиғиб бошлади. Шунда у Иблис билан шартнома тузганидан сўнг, нималарга эришганини ва нималарни йўқотганини ҳисоб-китоб қила бошлади. У, аввалги қилган ишларини кейинги қилган ишлари билан таққослаб, аввалги орзу-умидлари бошқача эканлигини эслаб, кейинги қилмишлари уни тўғри дўзахга олиб боришини тушуниб етди. Аммо, у ўжарлиги, мағрурлиги сабабли, ҳаёт сахнасидаги бу ролини охиригача бажаришга аҳд қилди. Чунки, энди у ёшлигидаги каби, ҳукмдорлар, золимлар, каззоблар, ёлғончилар кўл остида яшаётган минг-минглаб ожиз одамлар қаторидан ажралиб чиқиб, юксакка кўтарила олдим, деб ғурурланар эди (Мана шу ғурур Фаустнинг бошига етди).

Фауст бошқаларга қарамликдан, қулликдан қутулиб, ўз тақдирига соҳиб бўлди, илм-фанлар инсонни бахтли қилолмайди деб тушунди, шу сабабли яна ҳақиқат излашни давом эттиришга қарор қилди. Аввалги хомхаёллари устидан қулиб, янгича яшаш режасини тузди. Энди у Худо ҳақида, олам ва одам ҳақида чуқурроқ ўйлашга аҳд қилди. Шу йўл билан у инсонларнинг жисман ва руҳан камол топишига халақит бераётган муаммоларни ҳал этишга бел боғлади. У мана шу муаммоларни еча олган одам ёки уларни ечиш мумкин эмаслигини билган одамзод ўз тақдирига ўзи эга бўла олади, деган фикрга келди. Агар унинг вақти бемалол бўлганида ва ҳамроҳи Иблис бўлмаганида, Фауст ўрта асрларга хос беҳуда фикрлашдан, бизнинг маърифатли замонимизга етиб келар эди. Ҳар ҳолда Фауст фалсафа соҳасида кўзи фақат ёмонликни кўрадиган ва уни заҳарханда ва киноя билан, яхшиликни кўрса унга ишонмай, хунук қилиб тасвирлайдиган Волтернинг йўлига тушиб олган эди. Бир олийжаноб файласуф Волтер ҳақида: “У Шайтон борлигига ишонмайди-ю, аммо ҳамма жойда Шайтонни кўради”, деган эди.

Муаллиф (Клингер) шундай изоҳлайди: Камина кўпчилик Германия адиблари каби (хусусан, Лессинг ва Гёте – тарж.) буюк француз даҳосига тош отмоқчи эмасман. Шу сабабли унга тош отишни французларнинг ўзларига қолдираман. Бунга кўпроқ Руссо ҳақли эди. Унинг айтишича, Вольтер Худога ишонмай, Шайтонга сизинар эди. Маълум маънода Вольтер ҳам Фауст каби кайфиятда эди (У ҳам Иблис ёрдамига суянган бўлса ажаб эмас).

## 2

Италия чегарасидаги бир меҳмонхонада эрта тонгда Фауст ширин туш кўраётганди. Аммо, тушининг охири даҳшатга айланди. Денгизнинг асов тўлқинлари орасидаги бир яшнаган орол соҳилида Инсоният Даҳоси ташвиш билан у ёқдан-бу ёққа юрар эди. Денгиз долғаларида, қутурган тўлқинлар орасида жуда кўп қайиқларда дунёнинг барча томонларидан келган чоллар, эркаклар, йигитлар, қизлар бўрон билан олишиб, оролга интилар эдилар. Оролга етиб олганлар эса қайиқларидан қурилиш ашёларини тушираётган эдилар. Ҳамма қайиқлар оролга етиб келгач, Даҳо улар келтирган қурилиш ашёларидан баланд ва гўзал қаср қуриш учун лойиҳа тузиб берди. Янги келганлар ана шу бино қурилиши учун оғоч-тошларни олиб келиб, Даҳо айтган жойларга қўя бошладилар. Барча одамлар шод-хуррам ишлар эдилар.

Қаср биноси анча қад кўтариб қолганида, оролга уч томондан уч гуруҳ босқинчилар ҳужум бошладилар. Ҳар бир гуруҳнинг бошлиғи даҳшатли

киёфада бўлиб, биринчисининг бошида яркираган олтин тож, мис қалқонида Зўравонлик деб ёзилган, у ўнг қўлида давлат туғроси ушлаган, туғронинг учи Меркурийнинг темир таёғидаги каби, илон ва қамчи суврати бор эди.

Зўравонлик олдида бир ваҳший сиртлон оғзида китоб тишлаб борарди. Китобнинг ичида ҳеч ёзув йўқ, лекин муқовасига “Қонун” деб ёзилган эди. Унинг қўшини қилич, найза ва қийноқ қуроллари олиб келаётган эди. Иккинчи гуруҳ олдида келаётган Дин – улуғвор киёфадаги олижаноб хоним, келишган қадди-қоматини коҳина либосига яширган эди. Унинг ўнг тарафида бир қок суяк арвоҳ қўлида одам суякларидан ясалган камон, елкасида захарли ўқлар тўла ўқдон ва унда Хурофот деган ёзув бор эди. Хурофот хонимнинг сўл тарафида ғаройиб, ғалати ясаниб олган Фанатизм (Муросасизлик, Таассуб) қўлида ёнаётган машъала ушлаб келарди. Афт-башараси буришлаган Хурофот ва Фанатизм олижаноб Дин хонимни занжирлаб, асира қилиб олган эдилар.

Ҳамма гуруҳларнинг олдида бошига учта тож қўндирган, қўлида мисрий асо тутган Ҳокимиятпарастлик мағрур қадам ташлар, у кўксига Дин деган илоҳий сўзни ёпиштириб, ўзига никоб қилиб олганди. Қаҳр-ғазабдан юзлари тиришган Хурофот ва Муросасизлик қўлларидаги машъал билан “Қаерга ўт кўйайлик, қаерни ёндирайлик?” деб уч тожли Ҳокимиятпарастликдан ишора, буйруқ кутар эдилар. Бу тартибсиз, шовкин-суронли қўшин турли-туман кийинган, қўлларида қилич ва машъала тутган оломондан иборат эди.

Учинчи қўшин бошида эса донишмандлардай камтарона кийинган ва қўлида маст-аласт қилувчи ароқ тўла катта қадахни ушлаб олган доҳий, дадил ва мағрур қадам ташлаб келарди. Бу қўшинларнинг тўс-тўполони, шовкин- сурони денгиз мавжларининг шовқинини ва бўрон ғувурини ҳам босиб кетган эди.

Бу ваҳший гуруҳлар бирлашиб, қаср қурилишига яқинлашиб, доҳийларнинг фармони билан қасрга ўт кўйиб, қиличларини ишга солдилар. Қурувчиларнинг жасурлари болта, тешасини ташлаб, қиличларини қўлга олиб, боскинчилар билан олишга кетдилар. Бошқа қурувчилар бинони тезроқ битказиш учун янада тезроқ ишлар эдилар.

Тафаккур Даҳоси осмондан унинг қўлига тушган катта ялтироқ қалқон билан энг уста қурувчиларни ҳимоя қилар, аммо бу қалқон билан ҳамма усталарни ҳимоя қилиш имконсиз эди. Тафаккур доҳийси ваҳший галаларнинг қиличидан ва захарли ўқларидан ҳалок бўлаётган минглаб қурувчиларни кўриб, қайғуга ботди.

Келгиндилар баъзи усталарга ташналигингизни қондиринг, деб маст қилувчи ичимликларни бериб, уларни ишдан чиқарар эдилар. Маст бўлган қурувчилар ақлини йўқотиб, не машаққат билан ўзи қураётган бинони бузишга киришдилар. Ваҳшийлар қасрга яқинлашиб, машъалларини бинога ташлаб, қасрга ўт кўйдилар.

Тафаккур доҳийси ўлмай қолган усталарга далда бериб, қум, тош, сув билан ёнғинни ўчиришни, сабот, матонатли, буюк бинокор бўлишни ўргатар эди. Душманларнинг ҳужумлари даф этилиб, жангу жадал орқада қолди. Ўлмай қолган бунёдкорлар гўзал қасрни қуриб битказдилар. Бўронлар тиниб, яшнаган оролга яна тинчлик, осойишталик, роҳат-фароғат қайтиб келди. Тафаккур даҳоси яраддорларнинг жароҳатларини даволади, жасур бинокорларни мактаб, шарафлади. Ғалаба мадҳияси садолари остида у халқни улуғвор қаср ичига бошлаб кирди.

Енгилган ваҳший гуруҳлар улуғвор қасрга қараб, ҳасад ва ғазаб билан қайтиб кетдилар. Шу вақтда Фауст ҳам оролда бўлиб, улуғвор қаср атрофи ўлиқларга тўлиб кетганини кўрди. Булар эркаклар, аёллар, қариялар, ёшлар эди. Ўлиқлар орасида ароқдан маст-аласт бўлиб юрганлар эса, қасрга кири-тилмагани учун ўзларича бинонинг баландлигини, кенглигини, томонлари қай даражада мутаносиблигини ўлчаб, хато топишга уринар эдилар. Улар нақадар ўлчашга уста бўлсалар ҳам, хулосалари хато бўлиб чиқар эди. Фауст шуларнинг ёнидан ўтиб, қаср дарвозаси олдига келди ва дарвоза пештокида

бундай ёзувни ўқиди: “Эй, банда, агар бу қасрни қуришда сабот, матонат кўрсатиб ваҳший бузғунчиларга қарши дадил жанг қилган бўлсанг, ичкари кир ва дунёга не мақсадда келганингни англа!”

Бу сўзларни ўқиб, Фаустнинг дили равшанлашди, у азоб-уқубатли зулмат олампдан ёруғликка чиқишни яна умид қилди. У дадил юриб, оломон орасидан ёриб ўтиб, қаср зинапояларидан баландга кўтарилди.

Очиқ дарвозадан унга нафис пуштиранг туман ичидаги қаср кўринди, Тафаккур даҳосининг майин овози эшитилди. Фауст кирмоқчи бўлганида қаср дарвозаси гумбирлаб ёпилди ва у ўзини орқага ташлади. Пастдан қараганда у қасрнинг уч тоғ қоялари устига қурилгани кўринди. Бу метин қояларнинг номлари рамзий бўлиб, бири Бардош, иккинчиси – Умид, учинчиси Ихлос – Эътиқод деб ёзилганди. Қасрга кириш қийинлигини кўргач, Фауст ўжарлик билан киришга интилди. У қасрнинг сирини билишга яна-да қизиқиб қолди. Шу пайт у икки елкасида қанот пайдо бўлганини сезди ва парвоз қилди. Тез учиб, мис дарвозага боши урилди ва орқага, чоҳга кулаб тушди. Энди оёғи чоҳ остига етай деганида Фауст уйғониб кетди ва кўзини очиб, оқ кафанга ўралган отасининг арвоҳини кўриб, кўрқиб кетди. Арвоҳ кўл узатиб, қаравоти пардасини суриб, ўғлига қайғули оҳангда:

– Фауст! Фауст! Сендан кўра бахтсизроқ ўғил бу дунёда топилмаса керак, – деди. – Мен шу хулоса билан ҳозиргина ўлдим. Эндиги айрилигимиз абадий, энди сен билан бизни дўзах қаъри ажратади!

### 3

Башоратли туш ва отасининг арвоҳи Фаустнинг қалбини ларзага солди. У шартта ўрнидан туриб, нафаси бўғилгани учун деразани ланг очди. Қаршисида маҳобатли Алп тоғи, унинг куёш нурларида ёришган қоялари кўринди. Фауст бояги хосиятсиз тушида кўрганлари унинг сезгилари билан тақдирининг манзаралари эди. У, чуқур ўйга толди, мағрурлигининг ҳавойи қасри вайрон бўлди. Ёшлигидаги ёруғ орзуларини унутгани унинг азобига яна азоб қўшар эди. У ўз умрида руҳининг куч-қудратини эзгу ишларга эмас, дунёнинг ўткинчи майшатларига, айш-ишратларга сарфлаб, қаттиқ адашганлигини англади. Кечаги кўрган рўёларини ақл билан тушунишга интилар, лекин кўнгли уни яна зулматга бошлар эди.

Осий юраги уни қалтис саволларга тутарди:

– Инсоният маърифати қасрини яхши ният ва куч-ғайрат, завқ-шавқ билан қураётганларга қарши ваҳший гуруҳларни ким юборган? Олий ҳимматли меҳнатга тўсқинлик қилган, тинч ишлаётган одамларни ўлдирган жиноятчиларга ким ҳуқуқ берган? Ким бу жиноятларга йўл қўйган? Нима учун йўл қўйган? Мен тушимда кўрганларимни тўғри тушунган бўлсам, қасрнинг таянч устунлари, пойдеворларини самовий ҳукмдор – Тангри таоло пайдо қилган. Бу пойдеворларни йикитишга қасд қилганлар жазоланар экан, нима учун уларга бузғунчилик қилишга руҳсат берилган? Агар бу манзараларда илоҳий маъно йўқ, десак, бу ишларга Илоҳнинг ҳам алоқаси йўқ бўлиб чиқади-ку? Агар шундай бўлса, Тангри таоло ер юзидаги ишларга эътибор бермаса, мен ундан норози бўлишга ҳақли бўлиб чиқаман-ку? Агар бу оламни, еру осмонларни, ундаги мавжудотларни Худо яратган бўлса, нима учун биз ёмонликлар учун Унга норозилик билдиролмаймиз? Нима учун У биздан ўз сирларини беркитади? Нима учун У, ҳалиги ваҳший тўдалар минг-минг беғуноҳ одамларни ўлдиришига йўл қўяди? Тафаккур даҳоси нечун бунёдкорларнинг ҳаммасини ҳимоя қилолмади? Ёки баъзиларни ҳимоя қилишни хоҳламадимми? Нима учун асрлар давомида, бошқалар яшаши учун бошқалар ўзини қурбон қилиши керак? Балки мен ҳам ана шу қурбонлардан бирирдиман? Нима учун баъзилар Маърифат қасрига тантана билан кириши ва ором топиши учун бошқалар ўз ҳаётини қурбон қилиши керак? Шахид кетган бахтсизларнинг айби нимада? Ташналигини қондириш учун май қадахларидан

ичиб, захарланиб ўлганларнинг айби нимада? (Уларда айб йўқ-ку?)

Фауст шунақа осий саволлар, гумон, шубҳалар денгизида узоқ сузиб юрди ва бирдан отасининг арвоҳини, аллақачон унутган оиласини эслади. У, ўзи ташлаб кетган бечоралар ёнига қайтишга, касб-хунар билан шуғулланишга, зарарли Иблис ҳамроҳлигидан кутулиб, ҳалол яшашга қарор қилди. У хаёлан ватанига қайтди. Аммо яна ёшликдаги орзуларини даҳолик деб ўйловчи, бу дунёда буюк ишлари билан шуҳрат қозонишни даъво қилгучи одамлардан бирига айланди. Аммо, йиллар ўтиб, бу даъволар гулханидан озгина чўғлар ва куллар қолди, холос. Фауст яна аввалги бахтсиз ҳолатига – умр йўлининг бошланишига қайтди.

От устида Фауст шу адоқсиз ўйлар билан Иблис ҳамроҳлигида жимгина борар эди. Иблис унинг ҳалол меҳнат билан тинчгина яшашга қарор қилганини, аммо бунга у ҳеч қачон эришолмаслигини билиб, кулимсираб борарди. У энг оғир бахтсизликларга учраб, бор-йўғини йўқотганди. Шу сабабли Иблис унинг ўй-фикрларига халакит бермади. У билардики, яқинда Фаустни дўзахга, иблислар бошлиғи ҳузурига бошлаб боради. У ўша баҳслашувда Иблисга “Ғаройиб руҳий куч-қудратга эга бўлган Фаустни ҳеч қачон мағлуб қилолмайсан, бу иш Сенинг қўлингдан келмайди”, деб катта кетган эди. Энди Иблис унинг қўлига мағлуб Фаустни топширишни ўйлаб, севинарди. Чунки, Иблис қаршисида биринчи кўришувда ўта мағрур бўлган Фауст ўрнида ҳозир, гуноҳлари учун тавба қилаётган аянчли роҳибга ўхшаб, боши эгилган ожиз бандани кўраётган эди. (Нима учун Худо унга қарамайди, бунга қарамайди, демак, У жуда ожиз экан-да деб, мағрурланган) Фаустга нафрати зиёда бўлиб кетди. Узоқдан кенг сайхонликда қад кўтарган Вормс шахрининг бинолари, гумбазлари кўзга ташланганида Иблис севишиб кетди. (Чунки, бу ерда Фаустни даҳшатли манзара кутарди.)

#### 4

Улар катта йўлда борар экан, шаҳарга юз қадамча қолганида дорга осилган хушқомағ, чиройли бир йигитга кўзлари тушди. Окшомда эсаётган ғир-ғир шаббода ўлган йигитнинг пешонасига тушган сочларини тўзғитар эди. Фауст унинг чиройли юзига узоқ тикилди, кўзлари ёшланди ва титроқ овозда ачиниб, деди:

– Бечора йигит, дуркун ёшингда манфур дорга осилибсан? Қандай гуноҳ қилган эдингки, ёш жонингга шафқат қилмай осибдилар?

Иблис (жиддий ва тантанали овозда): Фауст, бу йигитчанинг ўлимига сен айбдорсан.

**Фауст:** Мен айбдорман? Қанақасига?

**Иблис:** Ҳа, фақат сен, айбдорга яхшилаб қара, ахир бу сенинг катта ўғлинг-ку!

Фауст жасадга яна тикилиб, ўғлини таниди ва ҳолсизланиб, йиқилди.

**Иблис:** Ҳали ўлишингга эрта, Фауст. Бунақада мен эккан уруғларимни ҳосилини ўролмайман. Бу ҳосил – ғам, қайғуларинг, ҳали холва. Йиғла, дод-фарёд қил. Кўзингни босган парда яқинда очилади. Сўзларимни эшит. Сен ҳаётингда ечолмаган чигал жумбоқларнинг қоронғу йўлларини мен бир нафасда сенга ёритиб бераман. Сенинг маънавий оламингни зулмат босган, сен бу зулматда нималар қилаётганингни билмагансан. Сен умр йўлингдаги тўсиқларни айланиб ўтишга уриндинг, бу тўсиқларни писанд қилмадинг. Энди, мен, Иблис, сендай бир чувалчангга ҳаётдаги ёмонликларнинг айбдори Худо эмас, балки ўзинг эканингни, бу ёвузликлар учун фалакни сўроқ қилишга ва улар учун кимдандир қасд олишга ҳеч қандай ҳаққинг йўқлигини исботлаб бераман. Қазо ва қадар чархпалагининг абадий ва оқилона айланишига тўсқинлик қилишга сира ҳаққинг йўқ. Сен қилган гуноҳ ишларнинг нақадар оғирлигини ва ўта ахлоқона эканлигини бирма-бир санаб кўрсатаман. Эсинг-

дами, иккаламиз Майнцдан чиқиб кетаётганимизда сен сувга чўкаётган бир йигитни қутқаришга мени мажбур қилдинг. Мен ўшанда сенга “Бу ишга аралашма!” деб огоҳлантирдим. Сен ўша чўкаётган ёмон одамни қутқарганинг сабабли ўғлинг дорга осилган. Сен кетганингдан кейин ўша қутқарилган йигит чиройли хотининг билан яқинлашди. Яхши кўргани учун эмас, балки сен хотинингга қолдирган тиллолар уни қизиқтирар эди. У ёш хотинингга ўзини яхши кўрсатиб, кўнглини олди. Ёш аёл бу йигитдан ҳеч нарсасини аямай, ҳаммасини бериб тугатди. Отанг ўша йигитнинг кўли эгрилигини билиб қолиб, унга қаршилик қилди. Аммо у йигит отангни шундай хор-зор қилдики, охири у боқувчисиз қолган қариялар уйига кўчиб ўтди. Яқинда отанг ғам-қайғуда вафот этди. Ўғлингга нон бермай, оч қолдиришди. Ўғлинг очдан ўлмаслик учун шу кунларда черковга хайр-садақа йиғиладиган товоқчадан уч-тўрт чақа ўғирлади. Аммо у аввал сира бундай иш қилмагани учун дарҳол тутилди-қолди. Бу шаҳарнинг доно магистри-мэри йигитнинг жуда ёшлигини эътиборга олиб, уни қийнамай, осиб қўя қолайлик, деб ҳукм чиқарди. Ўғлинг унга тўрт кундан буён оч юрганини айтса ҳам, у ҳукмини ўзгартирмади.

Кизинг эса Франкфуртда очдан ўлмаслик учун танасини сотиб кун кечиради. Иккинчи ўғлинг Рим папасининг бу ердаги вакилига хизматкор бўлиб қолган. Бу дин арбоби ёш ўғлинг билан... Эсингдами, Рим папаси менга ҳам шу ишни таклиф қилган эди? Ва бундай гуноҳни кечириш осон деб, паст нарх қўйган эди. Яна эсла. Иккаламиз бир дўстингни қашшоқлик, тиланчиликдан қутқариб, бой қилган эдик. Ўша одам олдига отанг ва болаларинг нон сўраб борганида, у сўкиб ҳайдади. Энди оилангни қандай аҳволга солганингни ўз кўзинг билан кўрасан. Сўнг сени мана шу ерга олиб келиб, орани очди қиламиз. Сен осон ўлим топмайсан, сўнгги нафасингда ҳам руҳинг қийноқларда қолади.

## 5

Иблис хўнграб йиғлаётган Фаустни кўлидан тутиб, она шахри Майнцга учириб олиб борди. Хотини ва тирик қолган икки фарзандини кўрсатди. Озиб-тўзиб кетган бу икки бола Франциск ибодатхонасининг роҳиблари еб бўлиб, ташлаб юборган саркитларни, нон бурдалари ва ғажилган суюкларни кутиб ўтирган эдилар. Аёл эрини дарҳол таниди ва болаларига қувониб кичқирди:

– Э, Худойим, отангиз Фауст келибди! У тирик экан!

Тиланчи аёл шундай деди-ю, хушидан кетди. Болалар йиғлаганича, Фаустнинг олдига югуриб бориб, енгига ёпишиб, нон сўрай бошладилар.

**Фауст:** Иблис, мени нима қилсанг қил, манави бечораларга бирор егулик топиб бер ва бундай шармандалиқдан қутқар! Майли, мени даҳшатли азоблар билан қийна!

**Иблис:** Мен сенга бу дунёнинг хазиначаларни топиб бердим, сен бу бойликларни оилангга, фарзандларингга раво кўрмай, ўзингни айш-ишратларинг учун сарфладинг. Нақадар аҳмоқлик қилганингни энди тушунгандирсан? Сен буларни шундай аянчли аҳволга солдинг. Энди сенинг барча авлодларинг, бирин-кетин мана шундай оч-яланғоч, тиланчилик билан кун кечиради. Сен бу фарзандларни дунёга келтириб қўйиб, нима учун уларга оталик қилмадинг? Нима учун сен ўз оиланг қолиб, нопок, гуноҳга, зинога ботган бадавлат нокаслар орасида бахтингни изладинг? Ахир нопоқлар, худобе-хабарлар, золимлар, қотиллар орасида бахт-саодат топган бирор одамни кўрганмисан? Хотининг ва болаларингга яна бир марта қараб ол. Энди улар билан дўзахда кўришасан. Улар дўзахда “Отамиз бизни шу аҳволга туширди”, деб сени абадул-абад қарғайдилар.

Хотини Фаустнинг тиззасини кучоқлаётганида Иблис унинг кўлидан тортиб, учириб, яна катта ўғли осилиб ётган дор остига, Вормсга олиб келди.

Атрофга қоронғулик чўқди. Фауст бахтсиз ўғлининг жасадига даҳшат билан қараб, ақлдан озишига сал қолди. Сўнг у афсус-надомат, қайғуга ботиб Иблисдан сўради:

– Менга рухсат бер, ўғлимнинг жасадини дафн қилай, кейин майли, жонимни ол, дўзахга олиб бор. У ерда энди, умуман, жасадли одамларни кўрмасам керак! Дунёда қанақа одамлар борлигини, одамзод ким эканлигини билдим. Мен улардан нафратланаман. Уларнинг порлоқ толеи, олами-ю, бу оламдаги ҳаётлари ҳам нафратга лойиқ экан. Мен одамларга яхшилик қиламан деб, бошимга шунча фалокатларни орттирдим. Эҳтимол, бу одамларнинг расво ишлари кимларгадир бахт-саодат келтирар? Ер юзидаги мана шу чалкаш-чулқаш, ақлсиз ишларда маъно нима қилсин! Иблис, кетдик бу ердан, бундан кўра дўзахда бирор тартиб-ҳақиқат бўлса керак. Бу ёруғ дунё зулматига нисбатан дўзахнинг қоронғулиги ёруғроқдир?

**Иблис:** Шошилма, Фауст! Сенга айтганим эсингдами? Ўзинг истаган вақтингда мен билан тузган шартномангни бекор қилишинг мумкин, деб? Мана энди шу вақт келди. Мени сеҳр-жоду билан қул қилиб, бўлмағур, номаъқул ишларни қилдирганинг учун сендан қасос оладиган вақтим келди. Энди мен сеҳр-жоду таёқчангни тортиб оламан. Энди сени чиқолмайдиган доира ичига қўяман. У ерда сен титраб-қақшаб, оҳ-воҳ қилиб, сўзларимни тинглайсан. Қилган ишларинг қандай даҳшатли оқибатларга олиб келганлигини биласан ва бу даҳшатлардан азобланиб, минг бор ўласан. Мен сендан ёлиб чиқдим, мен – бахтиёрман!

Сен, эй, Фауст, одамзодни билдим деб мақтанаяпсан. Одамзоднинг табиатини сен қаерда, қачон, қай даражада билдинг? Сен одамзоднинг табиати ҳақида дурустроқ ўйлаб ҳам кўрмагансан. Сен одамнинг ўзлиги, аслияти нимада-ю, унга бегона қандай хислатларни кўшиб олганини, у, аслиятидаги хислатлардан нималарни йўқотганини, бузганини биласанми? Одамнинг дилидаги, аслий хислатлари қайси, бузук тасаввур меваси бўлганлари қайси, бу нарсаларни ҳали равшан билмайсан. Сен инсонларнинг табиий эҳтиёжидан келиб чиққан истақлари қайсию, ёвузликдан туғилган сунъий истақлари қайси, буни ҳам билмайсан! Сен табиий ҳолатдаги инсоннинг ҳар бир самимий интилишларида унинг фазилатлари акс этишини ҳам кузатмагансан. Сен инсонларнинг асл юзини эмас, жамиятда хўжакўрсинга тақиб олган ниқобини кўргансан. Сен фақат бузук тасаввурли одамларнинг табиатини билдинг холос, сен кабилар ана шундай бузук одамларга бутга топингандай топинадилар. Сен фақат жамиятда баланд мавқеда бўлган, унвони, бойлиги, ҳокимияти ва билимлари бўлган одамларнинг охири дўзахга олиб борувчи қилмишларини кўрдинг. Сен инсон маънавияти нақадар юксаклигини кўрсатмоқчи бўлиб, аксинча, гуноҳларга ботган, ҳокимияти қудрати билан барчани қийнаётган золимларнинг қасрларига: Франциянинг кўроқ ва золим қироли, Англиянинг сохта қироли саройларига бошладинг. Нима учун биз ўз халқига оталарча ғамхўрлик қилувчи, софдил ва одил хукмдорларнинг саройларига кирмай, ўтиб кетдик? Мен, Иблис, сенга ўша яхши одамларни мажбурлаб кўрсатишим керакмиди? Яна менга одам асли мана шунақа (ҳаммаси ифлос) деб, ақл ўргатмоқчи эдинг. Сен яхшиларни эмас, ўзингдай мағрур ва такаббур, ишратпараст одамларни ёқтиргансан, шу сабабли сен ана ўша золим, кибор, бузук эркаларни, фахшга берилган аёлларни, динни ҳокимиятпарастлик ва таъмағирлик қуролига айлантирган попларни томоша қилдинг! Сен ҳаёт машаққатларидан эзилса-да, сабр-бардош билан, ёруғ кунларни орзу қилувчи софдил инсонларга қиё боқмадинг ҳам. Сен одамларга дўст, олижаноб, донишмандларни ва ёлғиз яшаётган, ҳалол, меҳнатсевар, ғайратли инсонларнинг фақирона кулбаларини изладингми? Чин инсонни топшига бирор марта ҳаракат қилиб кўрдингми? Ўзинг бузук, нопок одам бўлсанг, бузилмаган, софдил одамни топишга уринармидинг? Сен софдил

одамларни билмайсан ва сезмайсан. Сен ҳалол меҳнати билан нон топаётган, барча топган ҳалол бойлигини оиласига, фарзандларига жон-дили билан бераётган, сендайларнинг ғайритабиий нопок ишларингни номини ҳам билмайдиган, сўнгги нафасида машаққатли ҳаётида бирор ножўя иш қилмай, ҳалол яшагани учун севиниб ўладиган камтарин инсонларнинг кулбасига боқмай, мағрур ўтиб кетгансан.

Мабодо, шундай одамнинг кулбаси эшигини тақиллатиб, ичкари кирганида ҳам унда сенга хуш ёқадиган жасурлик ва қахрамонликни, нопок ва нозиктаъб одамлар орзусидаги нарсаларни кўрмас эдинг. У ерда ҳеч кимга кўз-кўз қилинмайдиган, сизларнинг қонли урушларингиз ва мунофиқ ҳукуматларингизда кадрланадиган жасоратдан кам бўлмаган, тақдирига қаноат қилувчи, бойлик ва мансабдан узок туришга жасорати етган инсоннинг рухий қудратини ва фазилатларини кўрган бўлардинг. Ҳа, Фауст, сен севган мағрур ва жасур “қахрамонлар” бўлмаганида, мунофиқ поплар ва сохта файласуфлар бўлмаганида дўзах эшиклари тез орада ёпилиб қолар эди. Сен чин инсонни нопоклар, гуноҳга ботган, зинокорлар, ишратпарастлар орасидан изладинг, у ерда чин инсон нима қилади?

Сен ўзинг қандай инсон эканлигингни биласанми? Мана шу сеҳр доирасида руҳингга чуқурроқ назар ташласам, қалбингдаги чўғни пуфлаб, аланга олдирсам, сен қилган ёлғон ишларнинг нақадар расво оқибатлар келтириб чиқарганини сўзлаб беришга мингта тилим бўлганида ҳам айтиб тугатолмайман. Сен келтирган бахтсизлик ва фалокатлар асрлар давомида, келажак насллар ҳаётини заҳарлашда давом этади. Сен эса, уларни арзимас хато деб ўйладинг. Сен ақлинг ўткирлигидан эмас, ақлсизлигинг сабабли буюк ишларга қўл уриб, кўр одам йўлбошчиликни даъво қилганидек, инсоният айбларини тафтиш қилувчи қози ва жазоловчи вазифасини зиммангга олдинг. Сенга ўхшаганлар, “Ҳаётимда қилган хато ишларим вақтлар ўтиб, унутилиб, изсиз йўқолади”, деб хато ўйлайдилар. Бу дунёда ҳеч бир ёмонлик ва яхшилик изсиз йўқолмайди. Жуда кўп томчилар йиғилиб, денгизга, уммонга айланади. Сен бу ҳаётнинг бошланиши қаерда, ўртаси қаерда, охири қаердалигини билмаганинг ҳолда, Абадият, қазо ва қадарнинг мустаҳкам занжирини узишга журъат қилдинг!

Кўзингни парда босган эди, мен шу пардани олиб ташлайман ва сен ҳақиқий аҳволни кўриб, ақлинг афсус-надоматга тўлади!

Фауст кўзларини қафтлари билан беркитди. Аммо изтироб кўнглини эзар эди.

**Иблис:** Умринг поёнига етмоқда. Экканларингни ўрасан энди! Эслайсанми, ҳар бир жиноий ишни қил деб буюрганингда, бу ишнинг оқибати ёмон бўлади, деб сени огоҳлантирганман. Сенинг қистовинг билан мен одамларнинг тақдирини ўзгартирдим. Бу гуноҳ ишларда менинг айбим йўқ, чунки буларни сенинг кўнглинг истади.

Роҳиба Кларани эслайсанми? Бу киз тушида гуноҳ иш қилган. Аммо, сен ўнгида уни гуноҳга бошладинг. Уни унутмаган бўлсанг керак. Кейин нима бўлганини сенга айтмай. Ёш роҳибани ҳимоя қилувчи епископ биз у ердан кетганимиздан сўнг вафот этган. Клара сендан ҳомиладор бўлиб, фарзанд кўрган ва бу барча руҳонийлар ва роҳибаларнинг нафратини келтирган. Роҳибани чақалоғи билан қамоққа ташладилар ва овқат бермадилар. Оч қолган Клара ташналигини қондириш учун ўз қонини ва чақалокнинг қонини ичган. Бу ишда Клара айбдорми? Йўқ, сен айбдорсан. Унинг вахшиёна жазоланишига сен айбдорсан. Руҳоний раҳбарлар Кларанинг боласини ўлдиришган. Сен шу жиноятнинг билан роҳиба қизни ҳам, руҳонийларни ҳам ёмонотлик қилдинг. Инграяпсанми? Шошмай тур! Мен сенга бундан бошқа даҳшатли ишларингни кўрсатаман.

Тўғри, княз-епископга сен яхшилик қилдинг. У, Ганс Рупрехтни дафн этишга фармон берди, оиласига хайр-саховат кўрсатди. Менинг сеҳр-жодуим билан княз-епископ хўппа семизликдан қутулиб, энг софдил, мурувватли

ҳукмдорлардан бири бўлди. Аммо у ўрнатган янги тартиблар, эркинлик берилиши сабабли халқи орасида товламачи, қаллоблар, ичкиликбозлар, дангаса-бекорчилар, қароқчи, талончилар оломони кўпайди. Уларни тартибга чақириб, жамиятни тозалаш учун кейинги епископ юзлаб оилаларнинг шўрини қуритиб, кўпларни қатл этиб, жаллодлик қилишига тўғри келди. Шу жазолардан кўрқиб қолган аҳоли ҳукмдорга итоат қиладиган бўлди. Янги ҳукмдор шу аҳволни ўнглаш учун, зарурат юзасидан, адолат ва қасос қиличини яна золим кишиларга бериб қўйдик, энди шу золимлар қўл остида халқнинг аҳволи яна оғирлашди. Аввалги маст-аластлар ва қароқчи, талончилар халққа бу қадар зулм қилмаган эдилар.

Озодлик учун кураш етакчиси бўлган доктор Робертус, ёшлигидан сенга ўхшаш иззатталаб ва мағрур эди, вазирнинг ашаддий душмани бўлган. Доктор Робертус эркин фикрлашининг сабаби – бахиллиги ва ҳасадгўйлигидан эди. Мабодо вазир ҳам унга ўхшаш эркинлик, мустақил фикрлаш тарафдори бўлганида унинг душмани доктор Робертус золимлик, ноҳақлик тарафдори бўлур эди. Аслини олганда вазир софдил бўлиб, доктор Робертус эса иззат-обрў ва шон-шухратга эришмоқ учун бутун оламини ёқиб юборишга тайёр эди. Қисман у бунга эришди ҳам. Сенинг буйруғинг билан мен уни ўлимдан қутқариб жуда кўп маблағ билан таъминладим. У сен берган ўша олтинлардан фойдаланиб, нима ишлар қилганини эшит: Халқ доктор Робертуснинг қамокдан йўқолиб қолиши мўъжизасидан таъсирланиб, унга меҳр ва ихлос қўйди. Доктор Робертус олтин ёрдамида халқни қуроллантириб, қатта кўзғолон ташкил қилди. Қуролланган деҳқонлар зодагонларни ўлдириб, бутун мамлакатни хонавайрон қилдилар. Сенинг эрқпарвар Робертусинг Германияда деҳқонлар урушини бошлаб, ҳамма ёқда хунрезлик, қотиллик, талончилик ва шаккокликни авж олдирди. Ақлдан озган, қутурган оломонга етакчи бўлган сенинг қахрамонинг бутун Германия заминини қабристонга айлантиришига оз қолди. Сен ўзинг ёмон кўрган одамларни адолатли жазо чангалидан қутқариб олган, ақлдан озган қахрамонинг кўли билан йўқотдинг. Биз, иблисларнинг бошлиғи ҳам атрофни сенчалик вайрон қилолмас эди. Ана энди экканларингни ўрмоқдасан!

Энди сен ҳақоратланган фазилятлар ва оёқости қилинган адолат учун шиддат билан қасос олган оломон ҳукмдорининг саройини эслайлик. Бу ҳукмдор ва унинг арзандаси мунофиқ, халқни алдовчи одамлар эди. Аммо, уларнинг алдови халқни бахтиёр қилар эди. Иккови ҳам фуқароларни рози қилиш ўзлари учун фойдали эканлигини яхши билар эдилар. Зилол булоқдан сув ичиб, ташналигини қондираётган одамлар бу сув баланд тоғлардан оқиб келаётганида айрим заҳарли маъданлар ҳам қўшилиб қолишини ўйламайдилар. Уларнинг ташналиги қонса бўлди. Бу мунофиқ, риёкор, алдамчи ҳукмдор сенга ёкмади, чунки у сенинг юксак талабларингга жавоб беролмас эди. Сен шу фикрларингни менга ҳам сингдиришга уриндинг. Сенинг буйруғинг билан мен уни ўлдирдим. Тахтга унинг норасида ўғилчаси ўтирди. Ҳукмдор болага васийлик қилувчи амалдорлар халққа жабр-зулм қилиб, эза бошладилар. Ҳолбуки, мунофиқ, алдамчи подшоҳ ўз халқини алдов билан бўлса ҳам хурматлар, бахтли қилар эди. Гўдак подшоҳ улғайди, аммо у золим васийлар кўлида қўғирчоқ бўлиб қолди. Васийлар қўғирчоқ шохни ҳам, халқни ҳам қулга айлантириб қўйдилар. Агар сен отасини ўлдиришга мени мажбур қилмаганингда, ота бу ўғлини яхши тарбиялаб, давлатни, халқни оқилона бошқаришни ўргатар эди. Сен битта маккор подшоҳни ўлдирмаганингда Германияда миллионлаб одамлар бахтли яшаётган бўларди. Сен дўзахийларни сунютирдинг: бир ёмонни йўқотгач, минг ёмон бош кўтариб, халқни эза бошлади. Эзилган, ғам-кулфат, жабр-зулм исқанжасида азоб чекаётган миллионлаб бахтсизларнинг, уларнинг фарзандларининг дод-фарёдлари, тўкилган қонларига сен жавобгарсан! Сен қатъий ҳукминг оқибатларини кўриб, балки гурурланарсан?!

Сендай аҳмоқнинг буйруғи билан мен золим графнинг саройини ўзи

йўқлигида ёкиб юбордим, графнинг хотини ва чақалоғи ёнғинда ҳалок бўлдилар. Аёли билан гўдагининг нима гуноҳи бор эди? Она қўлидаги чақалоқ бир лаҳзада кулга айланди. Сенинг бу дўзахийларча ишингдан мен кулдим. Граф бу ёнғинни кўшни бўлган сарой эгасидан кўрди ва унинг саройига ҳужум қилиб, айбсиз одамларни қириб ташлади. Энди бу икки графлик ўртасида иккаламизнинг айбимиз билан то қиёматгача душманлик, низо, қирғинлар давом этади. Германияда ҳозиргача бу ўзаро низо, қирғинлар давом этмоқда. Бир-биридан қасос олувчи одамларнинг қиличларидан минг-минг одамнинг боши узилди. Ҳар икки томон бу низо, жанжални давом эттириб, бир-бирини ҳолсизлантириб, бир-бирини йўқ қиладилар. Сен, ишратпараст аёллар лаззатиға ғарқ бўлган чувалчанг, адолат ўрнатиб ўч оламан деб, шу қонхўрликларни келтириб чиқардинг. Энди дод-фарёд қилганингдан фойда йўқ! Ҳали сенга бундан бадтар ёмон ишларингни эслатаман!

Франциядаги қилмишингни эсла. Сен бир хасис, олтинга очкўз бойнинг гўзал қизини йўлдан урдинг. Сен кетганингдан сўнг бу аёл Франция қиролининг жазманига айланди. Қирол бу аёл нимани истаса бажо келтирар эди. У қиролни Италияга қарши аҳмоқона уруш очишга қизиқтирди. Аёлнинг гапига кириб, қирол Италияга қўшин тортиб бориб, уруш бошлади. Бу истаги билан бебурд аёл ўз ватани Францияни хонавайрон қилди. Франциянинг гули бўлган асл йигитлар, бўлғуси қаҳрамонлар Италия тупроғида ўлим топдилар. Уларнинг жасадлари бегона ўлкаларда чириб ётибди. Қирол шармандаларча енгилиб, бор бойлигини йўқотиб, қайтиб келди.

Сен ҳамма жойда бахтсизлик, фалокат уруғларини сочдинг, бу уруғлар униб-ўсиб, асрлар давомида кўпайиб боради.

– Эсингдами, анатомиячи шифокорлар бир уйнинг иккинчи қаватида махфий равишда тирик одамларнинг терисини шилиб, мушаклари, пайлари, қон томирларининг қандай жойлашганини ўрганар эдилар. Сен бундан ғабландинг ва ўша махфий уйни, шифокорларни ёндириб, ҳалок эт дединг. Сўнг сенга бир гап айтдим:

– Мана шу анатомиячи шифокорлар фан учун қилаётган ақлга зид жиний ишларни сен маънавият соҳасида қилмоқдасан, – дедим. Ушанда сен бу сўзларимга эътибор бермадинг. Мана энди ўша сўзларимни ўйлаб кўр. Уша биз ёндирган уйнинг биринчи қаватида юқоридаги ишлардан хабарсиз бир оила яшар эди. Шу оила аҳли ҳам қуйиб кул бўлди. Сен, судия ва қасоскор, пастки қаватда яшовчи бир бахтиёр оиланинг ҳам ҳалок бўлишини ўйламадинг. Ўйлаб ўтирмай, тезлик қилганинг ёмон оқибатларга олиб келди. Қиёматда бундай шошқалоқ ишларинг – гуноҳларинг учун ҳам жавоб берасан. Ёмон, гуноҳ ишларда баъзи одамлар Иблисдан ҳам чакқонроқ, деганим эсингдами?

Сенинг истагинг билан мен самовий фаришта бўлган бир қизни – Анжеликанинг бахтини қаро қилдим. Бу қиз маъсумликда, покликда инсоният ва бутун Ер юзининг кўрки эди. Сен ўз ниятингга етдинг. Қиз бечора ўзига нима бўлганини ҳам билолмай қолди. Хушига келгач, уят ва хижолатдан фарёд чекиб, ватанини тарк этди. Одамлардан яшириниб, ёлғизликда, кимсасиз бир жойда фарзанд кўрди. Онаси ҳолсизлангани сабабли, бола ўлик туғилди. Утган-кетганлар бахтсиз онани топиб, чақалоқнинг қотили деб, қамоққа ташладилар. Уни қотилликда айблаб, қатл этдилар. Сўнгги лаҳзаларида унинг қони оқ либосига сачраганини кўрганингда эди!.. Мен, Иблис бўла туриб, бу даҳшатли ўлимни эсласам, раҳмим келади.

Фауст осмонга қараб, кўзларини катта очди ва дод-фарёд қилди.

**Иблис:** Осмон сенинг фарёдингни эшитмайди. Сен яна бир нарсанг билан гурурланишинг мумкин: Сен қилган даҳшатли ёмонликларни, гуноҳ ишларни иблислар ҳам қилолмайдилар! Инсоният абадул абад сени лаънатлаши ҳозирданоқ қулоғимга чалинмоқда. Кўзимдан Тақдири азалини тўсиб турган пардани олиб ташла, деб буюрган вақтинг эсингдами?

Гуноҳларингни номаи аъмолинга ёзиб борувчи фариштанинг ҳам нафрати

тўлиб-тошди. У ишини тугатди. У сени Тириклар дафтарида ўчирди.

**Фауст** (сақраб туриб): Лаънат сенга, Иблис! Менга ҳам лаънат, мени тукқанларга ҳам лаънат!

**Иблис**: Сен мени топганингда худди мана шу лаҳзалар келишини кутганман. Меҳнатларим зое кетмади. Сени мағлуб қилдим! Дўзах аҳли сенинг лаънатларингни эшитиб, севинмоқда. Узинг дўзахга борганингда бундан баттар қарғишларни айтасан! Эй, ақлсиз одам, сен ахир озод инсон бўлиб туғилган эдинг-ку? Барча одамлар каторида сенинг қалбингга яхши интилишлар ҳам, ёмон интилишлар ҳам бор эди. Сен Тангри таоло билан бахслашаман деб, ҳаётингни издан чиқардинг. Сенга яхшиликлар учун сарфла, деб берилган куч-қудратни Худога қарши қаратдинг. Ҳеч қачон ақлинг етмайдиган самовий қудрат билан олишмоқчи бўлдинг. Ер бағирлаб ўсадиган гуллар қуёшдан бахра оладилар, аммо улар ҳеч қачон қуёшга қарши бош кўтариб, парвоз қилмайдилар. Худо сенга марҳамат қилиб, ҳайвонлардан баланд қилди, яхшилик ва ёмонликни фарқласин деб, ўткир ақл берди. Истаган йўлингни ўзинг танла, деб эркинлик берди. Биз иблисларга бундай эркинлик берилмаган. Бизга фақат одамларга ёмонлик қилиш буюрилган. Агар ихтиёр берилса, биз ҳам ёмонлик йўлини танламас эдик.

Сиз инсонлар эркин туғилгансиз. Бутун коинот сизларга хизмат қилади. Сизлар коинот гултожисиз. Сизлар тақдирингизни ўзингиз бунёд қиласиз, келажагингизни ўзингиз танлайсиз. Худо сизларни яхшиликка буюрган. Биз шу афзаллигингиз учун ҳасад қиламиз, душманлик қиламиз, ақлингиз пастиги сабабли бир-бирингизга ёмонлик қилсангиз биз хурсанд бўламиз. Сизлар биздан фойдаланиб, бир-бирингиздан ўч оласиз, бир-бирингизни жазолайсиз.

Орангизда сизни ҳақ йўлга бошловчи бирор донишманд пайдо бўлса, дарҳол уни ҳалок этасиз. Сиз, инсонлар, маънавий ва жисмоний куч-ғайратингизни ёмонликка сарфлар экансиз, уларнинг оқибатлари асрларча давом этади. Сизлар ажодларингиз, ота-боболарингиз қолдирган яхшиликларни йўқ қилсангиз хурсанд бўласиз. Аввалги авлодлар, яъни ажодларингиз сизларга қолдирган муқаддас дин, илм-фан, давлат бошқаруви ҳақидаги таълимотларни сизлар жаҳолатга, бидъатга, жабр-зулм қуролига айлантирдингиз. Сен ҳам илм-фаннинг қудратли ва сеҳрли кучидан айш-ишрат учун, бузғунчилик учун фойдаландинг. Узини жиловлаш, чеклаш инсонларга бахт-саодат келтиради, Фауст. Агар сен аввалги ҳолатингга, софдил, камтарин, серғайрат олимлигингча қолганингга, иззатпарастлик, шон-шухрат, мағрурлик, лаззатпарастлик ва телбалик фалокатларига учрамаганингга, ҳалол касб-ҳунаринг билан чекланиб, тинчгина, бахтиёр яшаганингга, хотинингни, болаларингни боқиб, таъминлаб қўйганингга, оиланг, наслинг гуллаб-яшнарди, ҳозиргидай чиқиндилар, ахлатлар ичида хор-зор бўлмасди. Умринг охирида ҳам, ўз уйинг, ўлан тўшагингга, яқинларинг билан ризолашиб, тинч, хотиржам бу дунёдан кетар эдинг. Ушанда сендан кейин қолганларга йўлчи юлдуз бўлиб, йўлларини ёритардинг.

**Фауст**: Энди Иблис олдида гуноҳларимга тавба-тазарру қилиш қолганмиди, сенинг ваъз-насихатингга муҳтож эмасман.

**Иблис**: Ҳалол, пок яшаб, оилангга бахтли қилганингга сенга бундай насихат қилмаган бўлардим. Эй, бадбахт, Иблисдан насихат эшитиш сенга қулги бўлдимми? Агар мен айтган ҳақ сўзлар, тавба-тазарруга чақириқлар самодан янграганида ҳам сен эшитишни истамайсан.

**Фауст**: Бехуда алжирашларинг жонимга тегди, ақлимга таъсир қилмаса ҳам, кўнглимни эзади. Яхшиси, мени бўғиб ўлдира қол. Заҳарли сўзларингни оз-оздан ютиш мени аста-секин қийнаб ўлдиради. Фикрларинг шу қадар даҳшатлики, менга таъсир ҳам қилмай қолди. Қара, кўзимда бир томчи ёш йўқ. Кўнглим оғриқларига қарши ақлим ҳамон қураша олади. Уғлимнинг осилишини бари бир ноҳақлик дейман. Оиламнинг хор-зор қилиниши ҳам адолатсизлик. Бегуноҳ яқинларим шу ноҳақлик сабабли ҳали узоқ қийналадилар. Мен ҳамма жойда яхши одамлар оёқости, хору зор, ёмонлар,

золимлар иззат-хурматда эканлигини кўрдим. Мен бу дунёга келиб фақат қотилликларни, заҳарланиб ўлганларни, бузуқчиликларни кўрдим, холос.

**Иблис:** Эҳтимол, фақат шундайларни кўргандирсан. Бу кўрганларинг ҳам бари бир, одамзоднинг йўлдан адашишини, жаннатга муносиб эмаслигини билдиради. Сен ҳамон яхши ишлар қилдим, дейсан. Бу ишларни сен ўзинг қилолмай, менга буюргансан. Яхши ишларга ўзинг қўл ҳам урганнинг йўқ. Мен фақат сенинг истакларингни бажардим. Ўзинг яхшилик қилганигда, жонингни хатарга қўйиб, чўкаётган йигитни ўзингни сувга ташлаб кутқарганигда, у сени таниб олганида, балки сенинг оилангга ёмонлик қилмас, ҳимоячи, мададкор бўлиши мумкин эди.

**Фауст:** Сен, Иблис, виждонимни қийнашга устаси фарангсан. Аммо сендай бефаросат менинг шубҳа, гумонларимни даф этиб, муаммони ҳал қилиб беролмайсан ёки хоҳламайсан бунни. Утган умрим ҳам даҳшатли, келажаким ҳам даҳшатли эканлигини билганим, Худонинг ҳақлигига шубҳа, гумонларим менга бениҳоя азоб бермоқда. Инсон ҳаёти дард чекиш, гуноҳ ишларга берилиш, азоб-уқубат, мунофиқлик, қарама-қаршилик ва сохта фазилатларнинг қоришигидан иборат бир бўтқа эмасми? Инсоннинг қайноқ эҳтирослари ақлини маҳв этиб, денгиз долғалари кемани дарғасининг бакирикларини эшиттирмай, уни қоятошларга уриб, парчалаб ташлар экан, инсонга “озодлик”, “танлов ихтиёри”, “ирода”, “яхши-ёмонни фарқлаш фазилати” каби мақтов гапларнинг аҳамияти қолмайди-ку? Ёмонлик нима ўзи? Уни ким юборади. Худонинг тақдири азалида пешонимизда ёмонлик битилган бўлса, уни ким инкор эта олади? Бир инсон жуда кўп одамларнинг қалбидан, ҳеч бўлмаса ўз қалбидан ёмонлик илдизларини юлиб ташлаёладими? Мен бундай оламдан, бу оламдаги ҳар бир инсондан, ўзимдан ҳам янада нафратланаман. Мен агар азоб чекиб яшашга маҳкум бўлсам, нима учун менга бахтли яшашга кучли истак берилган? Қоронғуликда яшашга маҳкум одам нима учун нурга интилади? Қул нима учун озодликка интилади? Чувалчанг нима учун учишни орзу қилади. Нима учун инсон чекиз ҳаёлотга берилиб, тафаккури олий хилқатларни кашф этишга интилади? Озод инсон эмиш?! Мен шу аянчли ҳолатимда ҳам бундай бемаъни сўз устидан заҳарханда қилиб куламан. Ҳа, ўзим ҳам озодликка ташнаман, мен худди шу лаънати доира ичига тушиб қолганман. Бешиқдан қабргача тоғдай оғир зарурат, мажбурият бўйинтуруғини ортиб олган инсон озод бўлиши мумкинми? Хўкизнинг яғрини шилинмасин деб, бўйинтурукнинг остига кийиз ёпиштириб қўйилганидай, одамларга ҳам баъзи юпанчлар берилди. Худо бу билан одамларни аягани учун эмас, балки улар азоб-уқубат, машаққатлар юқини охирги манзилгача кўтариб борсин, ҳолсизланиб йикилсин, деб шундай қилади. Мен умр йўлининг охирига етдим, менинг дод-фарёдларим Уни қувонтирса керак. Эй, Иблис, гумон-шубҳалардан минг пора бўлган қалбимни олиб юрган жисмимни йўқ қил, жисмим қилган оғир гуноҳларни руҳим эсдан чиқарсин. Ана шунда руҳим фақат одамларга ёмонлик қилиш истаги билан яшайди. Эй, ажойиб дунё, сенда шуури кўр ва қул одамлар фақат оғир азоб-уқубатга учраганида ақли киради, бу дунё мусиқаси – бахтсиз мазлумларнинг оху фарёдлари, золимларнинг зафар тантаналари, умумий вайронлик ва бузгунчиликдир. Бу дунёга келган одам золимлар қўл остида азоб чекиб яшайди, салгина норозилик билдирган одамни айбдор қилиб эзиб-янчиб ташлайдилар. Оҳ, Иблис, кўксимга тиғ ур, юрагимнинг қайноқ қонига қаламингни ботириб, осмондаги қоп-қора булутга бояги айтган панд-насихатларингни ёзиб қўй. Уша ёзувни бирорта файласуф кўчириб олиб, донолик деб, одамларни лақиллатсин. Ахир Худо бу дунёни вайрон қилишни яхши кўради-ку, у шу дунёни кейинроқ вайрон қилиш учун яратган эмасми? Унинг шарафига қурбонлик манқалида менинг қайноқ қоним буғланиб турсин, гўё ақлсиз бутларга қурбонлик қилинганидай! Қанийди кучим етса, мен ўша манқалдаги қайноқ қонимни ҳовучлаб, самога, Тангри даргоҳи – Арши Аълога отсам!

Сен, Иблисга бундай мағрур сўзларни эмас, гуноҳларига тавба-тазарру қилувчи ожиз одамнинг дод-фарёдини эшитиш хуш ёқар эди. Шундай эмасми, эй Иблис? Сен одамзодни ҳали яхши билмас экансан! Ахир Худо суйиб яратган бандасини Иблис ёрдамида дабдала қилиб ташлаёлса, Яратган Эгам томоша қилиб тураверар экан-да. Демак, У бу дунёни бошқаролмас экан-да? Унинг адолати қаерда қолди? Шундай куфрона фикрловчи, оламни ва одамни шундай тушунувчи, ҳаётида минглаб одамларни бахтсиз қилувчи мен, Фаустдай бир одамни яратиб нима қилар эди? Нима учун менга берилган қобилиятлар ва ғайрат-шижоатлар яхши мақсадларга эмас, ёмонликлар учун яроқли бўлиб чиқди. Менинг табиатимда шундай расволиклар бор экан, Худо шундай бўлишимни истаган экан-да? Мени йўлдан адаштириш Худонинг истаги экан-да! Акс ҳолда у мени маънавият қонунларига бўйсундирган бўлар эди, руҳимни ҳам, танимни ҳам пок сақлар эди. Эй, Иблис, мени бу доирада ушлаб турган сеҳр-жодуингни бас қил, қафасдан чиқар, мен ҳеч қачон қочиб кетмайман. Қачон ҳам борар эдим. Ҳозир мени қиёнаётган азоблар дўзах азобларидан баттарроқ.

**Иблис:** Фауст, сенинг бу жасурлигинг, мағрурлигинг, куфрона сўзларинг мени хурсанд қилади. Самимий дод-фарёд, тавба-тазарру қилсанг, менга ёқмас эдинг. Сен Худо берган даҳолик, заковатинг билан жиннилик ва кофирлик даражасига етиб келганингдан ғурурланавер. Худди шунинг учун сени дўзахда азоблайдилар. Сенинг гапга усталигинг, лақмалигинг жонимга тегиб кетди. Кел, йўлга тушайлик. Сен бу дунё саҳнасида ўйинингни ўйнаб бўлдинг. Сен энди бошқа оламга йўлга тушасан, бу йўл мангу давом этади. Сеҳрли доирадан чиқ ва бахтсиз ўғлингни дафн қил. Шундан сўнг мен жонингни олиб, сен азиз қилган ҳорғин ва ҳолсиз танангни бурда-бурда қилиб, теварак-атрофдаги далаларга улоқтирай, токи ўтиб кетаётган йўловчилар сендан қўрқиб ва жирканиб ўтсинлар.

## 7

Фауст дор оғочига тирмашиб чиқиб, ўғлининг бўйинини арқондан бўшатди. Уни шудгорланган далага олиб бориб, йиғлаб-йиғлаб гўр қазиб, бахтсиз ўғлини дафн қилди. Сўнг Иблис олдига бориб, жаҳл билан:

– Умрим паймонаси тўлди, энди бу паймонага бир томчи ҳам ҳаёт сиғмайди. Лекин мен ўзимни ҳимоя қилишга ҳали ҳам кучим етади. Мен ҳожаси калтаклаб ўлдирадиган қул эмасман, озод инсонман. Кел, олишамиз, сен истаган қиёфанга кириб ол. Аслида озодликка эришаман деб, сени дўзахдан бу ёққа чақирган эдим. Янги, дахшатли манзилимга боргунимча яна бир марта кучимни синайман. Эсимга тушди, илк марта сени ўзим чизган сеҳрли доирага асир этиб, қамчи билан дўқ қилган эдим. Ҳозирги кўз ёшим ожизликдан ва ўжарликдан эмас, балки Яратганга норозиликдандир. Сен мени енгганинг йўқ, мен ўзимни ўзим вайрон қилдим! – деди.

**Иблис:** Мақтанчоқ олифта! Сен ҳалиям ўз ожизлигингни ниқоб билан беркитмоқдасан. Энди тананг билан бирга ниқобингни ҳам парчалайман, ана шу ниқобсиз охирги ҳолатда бадбашара, ожиз бир махлуқ эканлигинг кўринади. Қасос вақти келди! Бу қасоснинг номи – абадий азобдир!

Иблис шундай деб, Фауст олдида Дев қиёфасига кирди, кунботардаги шафақ каби кўзлари ёнди. Нафас олиши тоғ-даралардаги шамолга ўхшарди. Бундай шамол дарахтларни илдизи билан кўпориши мумкин эди. Қадамидан ер титрарди. Бошида айланган шамол унинг сочларини думли юлдуздай хилпиратарди. Фауст унинг оёғи остида чувалчангдай чангга беланиб ётарди. Бу дахшатдан Фауст сўнгги қувватидан ҳам айрилди. Иблис ёш бола пашшани эзгилаб ўйнаганидай, Фаустнинг танасини пора-пора қилиб, қонли парчаларини далага сочиб юборди ва руҳини олиб, дўзахга қараб учди.

Иблисбоши дўзахда барча жину шайтонларнинг бекларини йиғиб, мажлис курди. Мажлисда Папа Александр VIга қандай жазо бериш масаласи кўрилди. Папанинг гуноҳ қилмишлари шу қадар кўп эдики, ҳали дўзахда бундай разолатларга бериладиган жазоларнинг номини ҳам билмай, шайтонлар кийнаиб қолдилар.

Бу дунёда терговчилар, айбловчи судьялар камбағал айбдорларга қандай жирканиб қараса, дўзах ҳакамлари гуноҳкорга шундай қарар эдилар. Бундай нафратли қарашдан айбдор инсон бўлганига минг пушаймон қиларди. Шу орада Левиафан оломонни суриб-нукиб келиб, қўлидаги Фаустнинг арвоҳини Иблисбошининг оёғи остига ташлади.

– Мана Сизга Фауст! – деди у тантана билан.

Дўзах эгалари – жин ва шайтонларнинг шодона кийкириқларидан оловли ботқокларда азобланаётган гуноҳкорлар қалтираб кетдилар.

– Князь Левиафанга щон-шарафлар! Фауст келди! Фауст!

**Левиафан:** Ол уни! Узинг мақтаган мағрур қахрамонинг нақадар ожизлигини кўриб қўй! У мени роса қийнади. Чидадим, чунки, бу жинниликлари билан у дўзахдаги ўлжаларни кўпайтирди. Мени Ер юзига чиқариб, берган топшириқларингни аёло бажарганимдан хурсандирсан. Мукофоти учун бир нарса сўрайман: бир неча асрларгача мени Ер юзига чиқармагин. Одамларнинг иблисона қилмишларидан тўйиб кетдим. Мана бу одам охири кунлари ўзини анча яхши тутди, аҳволи оғирлашган, бошига мислсиз мусибатлар тушганида ҳам таслим бўлмади. Бу, аслида, сенинг хизматинг, у фалсафангни кўп ўқигани иш берди.

**Иблисбоши:** Миннатдорман сендан, князь Левиафан, майли, энди икки юз, уч юз йилгача сени дўзахда яшайсан, энг машхур ва энг мағрур зolim одамларга азоб берасан. Хўпми? Лекин, Фаустга қойилман, у бизбоп одам экан. Фауст инсонийлик хислатларининг баридан айрилган. Унинг қалбини алам ва исён, жасорат ва нафрат, қайғу ва ҳасад эгаллаб олган. У шу қадар мағрурки, ҳатто бизни ҳам, дўзахни ҳам писанд қилмайди. Фауст, нега индамайсан, тилдан қолдингми?

**Фауст:** Ҳа, лекин қўрқувдан эмас. Мен Сендан ҳам қудратлироқ Зотга қарши исён қилдим. Шу сабабли дўзахдаман.

**Иблисбоши:** Эй, шайтонлар, Фаустни оловли ботқокқа олиб бориб ташланг, ўтли қамчилар билан сийланг. Иззатли меҳмонимиз дўзах тартиблари билан бир оз танишсин.

Жинлар Фаустни оловли ботқокқа олиб кетдилар, орқасидан лак-лак жину шайтонлар эргашдилар.

**Левиафан** (Папа Александр VI ни кўриб): Ие, Сиз шу ердამисиз, Отaxon? Табриклайман! Сиз мени соқийбачча қилмоқчи эдингиз, бу истагингиз амалга ошмади.

**Папа Александр:** Афсуски, насиб бўлмади (хўрсинди).

**Иблисбоши:** Ха-ха-ха! Ер юзида ажойиб одамлар ҳукмронлик қилмоқда. Энди уларга Реформация – Қайта қуриш руҳини сингдирайлик, Янги дунёни кашф этсинлар<sup>1</sup>. Янги дунё – одамларнинг янги-янги гуноҳлари, жиноятлари, разиллик, тубанликлари учун яна бир катта майдондир! Энди кўрасиз, Ер юзи остин-устин бўлишини!

**Папа:** Афсуски, мен бу жиноятларда қатнашолмайман.

**Иблисбоши:** Папага хос афсусланиш.

**Папа Александр:** Олтин учун ҳар қандай жиноят қилса арзийди! Жин урсин! Муҳтарам Иблисбоши, билсангиз, мен Янги дунё китъасини Португалия ва Испанияга бўлиб берган эдим. Шунда олтинларнинг учдан бири менга қоларди.

Фауст бир гала шайтонлар қуршовида қайтиб келди.

<sup>1</sup> Америка қитъаси очилишига ишора.

**Иблисбоши:** Фауст, оловли ҳовузимизда чўмилиш сенга ёқдими?

**Фауст:** Ҳа-а, жуда... Ер юзида нопок одамларнинг қилган гуноҳлари учун бу ерда бегуноҳ одамларни жазолар экансизлар.

Иблис ва барча шайтонлар бу гапдан хахолаб кулдилар.

**Иблисбоши:** Яшавор, Фауст, бундай фикр фақат ажойиб одамлардан чиқади. Бунинг устига Сен яна бир ишинг – китоб чоп этишни кашф қилганинг учун дўзахда алоҳида мукофот оласан, чунки ёмон китоблар дўзахийларни кўпайтиради.

**Папа Александр:** Ие, Фауст оддий матбаачи экан-да! У Римда ўзини аслзода қилиб кўрсатган, менинг қизим Лукреция билан танишган.

**Фауст:** Жим бўл, Испаниялик олифта! Қизинг учун мендан қанча олтин олдинг? Агар яна кўпроқ олтин берсам, сен ўзингни ҳам сотардинг, аммо мен сендақалардан жирканаман, эй хайвон! Мен кашф қилган китоблар халққа папалардан кўра фойдалироқ эди. Авлиё Пётрдан бошлаб сенгача бўлган сохта рухонийларнинг пешволаридан кўра китоблар инсоният учун фойдалироқ, эй, хайвон!

**Иблисбоши:** Сен янглишдинг, Фауст. Биринчидан, сенинг китобни кашф қилганингни ҳеч ким билмайди, кашфиётингни бошқалар ўзлаштириб оладилар...

**Фауст:** Ох, энди бунинг азобини ҳам тортар эканман-да!

**Иблисбоши:** Эй, шайтонлар, мана бу одамга қаранглар, у бизнинг дўзахимиздаги азоблардан кўра, китоб кашф этиш шон-шухратидан, орзуларидан айрилиш азобини кучлироқ деб ўйламоқда. Дунёдаги ожиз бандалар ўзларини Яратганга тенглаштириб, китобни одамларнинг онгига захар тарқатувчи кашфиёт деганимизга, бизни лаънатламоқдалар. Ахир сен илм-фанлар фойдасиз эканлигини, ўшалар туфайли сен дўзахга тушганлигингни ўз тажрибангда синаб кўрдинг-ку. Яхшиси, бу ҳақда унинг ҳамроҳи – Иблис Левиафан айтиб бера қолсин. У сенга китобни кашф этганинг қандай ёмон оқибатлар келтириб чиқарганини, бу гуноҳинг қолган барча гуноҳларингдан ёмонлигини айтиб берсин. Мен, дўзах ҳукмдори, бу кашфиётингдан жуда кўп фойдаланаман, бунинг учун сени мукофотлайман. Агар сени ҳаётингда кўп қийнаган, сени бахтли қилмаган Яратган эгамни яна лаънатлайверсанг, сени дўзах азобларидан қутқариб, ўзимга ёрдамчи қилиб оламан, сен дўзах ҳукмдорлари билан тенглашасан.

**Папа Александр:** Азизим Иблисбоши, мени ўзингга биринчи ёрдамчи қилиб олақол, Фаустдан менинг мансабим баланд-ку, мен Рим папасиман.

**Иблисбоши:** Эй, шайтонлар, манави одамларни қаранглар, дўзахда ҳам амал-мансаб талашадилар. Булар биз шайтонларни ҳам орқада қолдирмоқчи, бизни шарманда қилмоқчилар. Эй, Папа, сен тириклигингда менинг ёрдамчим Иблисга сажда қилиб, ҳақиқий дўзахийлигингни кўрсатдинг. Фауст, сен танла!

Фауст олдинга чиқиб, бир лаҳза изтироб чекиб турди, сўнг тилга кириб, оламни Яратган Тангрини лаънатлай бошлади. Биз бундай ножоиз, ўта куфрона сўзларни такрорлаб ёзишдан бош тортамыз.

Бу сўзлардан дўзах иблислари ҳам даҳшатга тушдилар. Ҳали дўзах тарихида бунақа кўрқинчли жимлик чўкмаган, унда абадул-абад гуноҳкорларнинг дод-фарёдлари янграб эди.

Бу сукунатни Фауст бузди ва Иблислар бошлиғидан ваъдасини бажаришни талаб қилди.

**Иблисбоши:** Аҳмоқ экансан, Фауст. Ер юзидаги қудратли ҳукмдорлар ваъдасига вафо қилмайдилару, Иблислар ҳукмдори ваъдага вафо қиладими? Баъзи ҳукмдорларгина ваъдасини бажарганлар, агар ўзлари учун фойдали бўлса. Сен, Фауст, икки қарра аҳмоқсан. Фуқаролар манфаатини эмас, давлат манфаатини кўзлаш дўзахда ҳам олий қонундир. Биринчидан сен Одам, оддий бандасан. Иккинчидан, сен Иблисбоши ҳузурида турибсан. Сенинг Яратганга қарши ўта куфрона сўзларингдан менинг салтанатимда шайтонлар ҳам кўрқувдан ранглари ўчди. Ҳагто, мен ҳам ларзага тушдим. Ҳагто, бир

лахза сенга Яратганни лаънатлашни таклиф этиб, хато қилдим, деб ўйладим. Сени ёнимда бўлишинг менга зарар келтиради. Кўзимдан йўқол! Сен ўзингни иблислардан ҳам ёмонроқ эканингни исботлаб бердинг.

Бу нобакорни дўзахнинг энг зулматли қаърига ташланг, ёлғизликдан абадул-абад азоб чексин. У, сеҳр-жоду билан Иблисни чақириб, қудратли бўлган лахзани тоабат лаънатласин. Бирорта арвоҳ унга яқинлашмасин. Бор энди, куйиб кул бўлган, гиёҳ ўсмайдиган, соя топилмайдиган, яхшиликка умид ҳам йўқ, юпанч ҳам йўқ, уйқу ҳам йўқ, қизиган тоғу тошлар узра учиб юравер. Энди фақат ўтмишингни, қилган гуноҳларингни, ақлсиз қилмишларингни ўйлаб яшайсан.

Сиз одамлар, фахр ва ғурурга, хомхаёлларга берилиб, келажагим порлоқ деб ўйлайсизлар, Аммо сизлар охиратда ҳам манманлик қилиб, фақат ўз ташвишларингизни ўйлаб, ёмонлигингизни тушунмай, “Мен яхши одам эдим, ноҳақ азоблашмоқда” деб, қайғурасиз. “Менга бу мангу азобдан бошқа азоб йўқми?” деб илтижо қиласиз. Тирикликда қандай шаккоқ фикрлар айтган бўлсангиз, илоҳий сирларни биламан деб, ўзингизни ўтга-чўққа урган бўлсангиз, охиратда ҳам ана шу куфрона гумон-шубҳалар сизни қийнайди.

Аммо илоҳий сирлардан биронтасини билиш сизларга насиб этмайди. Тирикликда, Фауст, сен каби донишмандлар менга, Иблисбошига шогирд тушадилар. Тангри уларга алоҳида азоб-уқубатлар тайёрлаб қўйган. Шусиз ҳам дўзах гуноҳкорларга тўла. Сен бўлсанг, Фауст, табиий ҳаёт оқимини бузиб, Ер юзидаги гуноҳларни кўпайтирдинг. Эй, шайтонлар, уни кўзимдан нари олиб кетинг. Манови Папани ҳам олиб боринг, буларнинг иккисидай ашаддий дўзахий оламда йўқ.

Иблисбошининг бу сўзларидан сўнг, Фаустнинг арвоҳи қорая бошлади, бир парча коп-қора балчиксимон сассиқ теридай ўралди. Фауст яна норозилик билдириб, ҳаммани лаънатлай бошлади, қора балчикдан оловли учкунлар чиқа бошлади...

Энди Левиафан захрини сочди:

– Мени Ер юзига чиқариб, ўзига қул қилгани учун бундан яна ўчимни оламан. Ахир у мени ёмон кўрган дунёимга ва энг ёмон донолар ўлкасига боришга мажбур қилди!

Иблис Фаустни темир чангалига олиб, эзғилади. Қора балчикдан қулоқни тешиб юборгудай вахшийларча бақирик эшитилди. Агар бу бақирикни инсон зоти эшитганида юраги ёрилиб ўлар эди. Иблис уни олиб учиб кетаётганида ҳам Фаустнинг дод-войи эшитилиб турарди. Бундай даҳшатли фарёдни эшитиб, дўзах ахли ўз азобларини бир зум унутиб, ўзлари каби бир гуноҳкорнинг фарёдига раҳмлари келиб, ҳамдардлик билдирдилар. Иблис қўлидаги қора балчикни одам юрса оёғи, куш учса қаноти куядиган, қизиб ётган саҳролардан ўтиб, тубида чўғлари тутаб ётган чуқур жарлик узра кўтарилди-да, Фаустни пастга улоқтирди. У биқирлаб ётган балчик тубига кириб кетди.

Сирли олам ҳақиқатларини билишга интилган жасур тадқиқотчилар мана шу исёнкор руҳ каби самовий юксакликларга парвоз қилади, инсоний ожизликлари (шон-шухратга, айш-ишратга, мағрурликка берилиб, ўзини улуғ деб билиш) бундай руҳларнинг қанотини синдиради ва улар айлана-айлана тубанликлар оламига йқирилиб, дод-фарёд қиладилар.

Гуноҳларга ботган папалар, архиепископлар, епископлар ва аслзодаликка интилувчи аббатларнинг арвоҳларини назорат қилувчи фаришта Балиёл папа Александрнинг руҳини олиб борар экан, бу руҳнинг жирканч ва даҳшатли махлуқ киёфасига кирганлигини кўрган дўзах гуноҳкорлари кўркинчдан юраги ёрилгудай бўлиб, ўзларининг биқирлаб қайнаган сассиқ ботқоқликларига шўнғиб кетдилар.

Фауст ва Папа Александр олиб кетилгач, Иблисбоши уф тортиб, деди:

– Мана, инсонларнинг аҳволи. Яна улар жирканч махлуқларни тасвирламоқчи бўлсалар, шайтоннинг расмини тасвирлайдилар. Лекин, биз улардан мана шундай ўч оламиз. Энди биз ҳам икки оламдаги энг қулгили,

Энг шошқалок, энг сурбет, энг мағрур-мақтанчок, энг разилу, энг шафқатсиз, энг кўркоғу, бузуқ ва кўрнамак, ношукур, хуллас, энг шармандали ва тубан махлукни кўрсатмоқчи бўлсак, инсон сувратини чизамиз. Лекин, биз махлукни чизмасак ҳам бўлади. Чунки, инсонларнинг ўзлари бутун куч-ғайратини ва жасоратини, тафаккури ва қўшиқларини, орзу-армонларини ва тушлари – рўёларини серқирра инсонни тасвирлашга бағишлайдилар. Бу билан улар бизни ва содда одамларни алдаб, инсоннинг буюклигига, улуғлигига ишонтирмоқчи бўладилар. Лекин, мен баъзи ҳақиқатчи рассомларнинг истеъдодига қойил қоламан, кейинги вақтларда улар инсонларнинг энг жирканчларини, золимларини, хунукларини, жоҳилларини тасвирламоқдаларки, бу тасвирлар аслига яқинлашадилар<sup>1</sup>. Агар шу рассомлар янада ҳақиқатни тасвирлашга интиласалар, биз уларнинг расмларида бетакрор жирканч, золим, талончи, юлғич одамларнинг идеалини кўришимиз мумкин. Кулоқ солинг, эй шайтонлар, инсонларнинг фикр-ўйлари юксаклигини уларнинг тубан ҳиссиётли қилмишлари билан таққослаб кўринг! Мана шу тубан ишларини инсонлар ўзи улуғлаб, Яратган Тангрига ўхшашмиз, комил инсонмиз, деб даъво қиладилар. Яна биз туғилишдан лаҳадгача баркамолликка интиламиз, деб мақтанадилар. Яна улар ўтмишда қилган ёмонликларини яшириб, яхшиликларини ошириб, биз олижаноб эдик деб, ўз ёлғон тарихлари билан кейинги авлодларни алдайдилар. Лойдан бино бўлган бу инсонларнинг диллари ва ақллари, ўзларининг айтишича, маънавий олами хушомадгўйлик, ёлғончилик, мақтанчоқлик, манманлик, иззат-обрў, шуҳратпарастлик иллатлари билан заҳарланган. Улар ўз ақли билан қилган жиноятларининг оқибатларини кўриб, тажриба орттирсалар ҳам, яна унутиб, ёмонликларини давом эттираверадилар. Тўғри, инсонлар орасида айрим донолари, софдиллари ҳам бор. Улар халиги ёлғонларга ишонгандай кўринадилар, шундай демасалар уларни соғ кўймайдилар. Инсонларнинг баъзилари кўринган нарсаларнинг ҳаммасини сеҳрли тош ёрдамида олтинга айлантирмоқчи бўлган кимёгарга ўхшайдилар. Бундай “кимёгарлар” охири қозон тагида ўзлари сарфлаб тугатган бойликларининг куйиндиларини кўрадилар.

## ХОТИМА

Инсон машаққатларни сабр-тоқат, чидам билан енгсин, ношукур бўлиб, ҳаётининг тинчини бузмасин. Ақли етмаган олий сир-асрорни билай, деган уринишлар яхшиликка олиб бормайди. Баъзи инсонлар бошқа инсонларга жабр-зулм қилмасин. Қасос ҳукмини Тангри айтади, инсон эмас. Дунёнинг ишлари баъзан жаҳлингни чиқарса, ўзингни бос, шошқалоклик қилма. Тангри элга ёмонлик қилганларни ўзи истаган вақтида жазолайди. Сен ўзинг уларни жазолайман десанг, кучинг етмайди. Худога солиб қўявер. Одамзод ақли қоронғуликларда адашади. Инсон ўзи жумбоқдир. Ёруғ кунлар келади, деган умид билан яшайди. Умид қилганлар муродига етади. Тангри ўз бандаларини синаш учун кўп қайғу, кулфатларни бошига солади.

Ҳақиқий донишманд буни яхши тушунади ва тақдирга тан беради. Каминан бу китобни ёзаётганимда яхши ниятлар қилган эдим. Аммо китоб ёзувчи ҳам фарзанд кўрган одамга ўхшайди. Бирор ота ўз фарзанди қелгусида нима ишлар қилишини билмайди. Олмонларда бир мақол бор: “Йўлда аравадан тушиб қолган нарса йўқолади”. Мен чин кўнгилдан ёзувчиларга яхши ношир топилишини, ноширларга яхши ёзувчи топилишини, кўпчилик эса (китоб сотиб олиши учун) бой мулкдор бўлишини тилайман...

*Рус тилидан  
Маҳкам МАҲМУДОВ,  
Абдунаби АБДУЛҚОДИРОВ  
таржимаси*

<sup>1</sup> Гоя, Альбрехт Дюрер асарларига ишора (тарж.).



## ПУШКИН

*Биз ушбу ҳайкал пойида қанчадан-қанча нутқлар сўзламадик, бағишовлар ўқимадик. Мен бугун улуғ шоир ҳақидагина эмас, балки фуқаро А.С.Пушкин ҳақида бир оғиз сўз демоқчиман. Ватанпарвар, халқпарвар ёхуд маънавияти етук инсон бўлиши учун одам боласи шоир ёки давлат арбобига айланиши шарт эмас. Юқорида биз айтган фазилатлар ҳар қандай кишининг кундалик бурчи бўлмоғи шарт.*

*Шу маънода, жумладан, Ватан туйғуси бўлмаган ижодкорни мен осмонда учиб юрган дайди, бетайин астероидга, тошга ўхшатгим келади. У бирор шаҳар устига қулаб тушади ёки чексиз коинот қаърида йўқ бўлиб кетади.*

*Умуман, Ватан, халқ, миллат, адолат, орият тушунчалари ҳақиқий инсон фарзандининг қониди бўлмоғи шарт. Шу маънода, мен шоир А.С.Пушкинни етук шахс деб ҳисоблайман. Ахир унинг ўлими ҳам гоятда мардлик ва орият билан боғлиқ бўлди-ку. Ҳар ҳолда, ҳар қандай эркак ҳам оиласи номусини ҳимоя қилиб дуэлга чиқавермаса керак. Бундан ташқари, бу танги йигит ўзининг арабий қонидан ҳам тонган эмас.*

*Ҳа, Пушкин гоятда ориятли инсон эди. У турмуш қийинчиликлари туфайли одамлардан пул қарз олган, лекин ҳеч қачон ҳомийлар мурувватига кўз тикмаган. Ўз вақтида эркесвар шоирни қадрига етмаган Россия маъмурлари кейинги асрларда уни миллий ифтихор рамзига айлантирдилар. Бу ҳам тарихнинг ғалати ўйинларига киради.*

*Ёхуд, Пушкин Ватан ҳақида гапирганида ҳам сохта эҳтиросларга берилиб, “Ватан, Ватан!”, дея бақириб-чақирмайди. Унда мутлақо сохталик йўқ, унда фақат самимийлик мавжуд.*

*Жумладан, шоир Россияга тўхмат қилувчиларга жавобан ёзган шеърда Россияни – ўз Ватанини ажиб бир жасорат билан ҳимоя қилиб, ўтли сатрлар битади. Бундай шеърлар шоир ижодиди талай.*

*Умуман, кейинги асрда ҳаётда глобллашув – техник ахборот кучайгани туфайлимикан, инсиз, уясиз қушлар каби фикри мавҳум ижодкорлар кўпайиб кетди. Улар учун Ватан ҳам, халқ ҳам унинг ўз шахсидир. Бу эса инсоний қадриятларнинг тамомила обрўсизланишига олиб келади. Жумладан, айримларни Содом ва Гоморранинг қисмати кутяпти, десак янглишмаймиз.*

*Бироқ, инсоният доимо яхшиликни, эзгуликни орзу қилиб яшаган, гўзалликнинг тантана қилишига ишонган. Бунга улуғ Пушкиннинг ажиб ишончини ҳам далолат қилиб кўрсатиши мумкин.*

*Қўл билан тиклаб бўлмас  
Ҳайкал қўйдим ўзимга,  
Халқнинг келар йўлини  
Майса гиёҳ этмас банд...*

*Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири*

*2014 йил 6 июнь*

# Александр Сергеевич ПУШКИН

## ПОЭМАЛАР

### ҚАРОҚЧИ БИРОДАРЛАР

Зоғлар галасимас учиб келганди  
 Чирик суякларни гажииш комида,  
 Волга ортда, тунда, утлар ёнида  
 Абжирлар тўдаси тайёр бўлганди.  
 Не либослар, зотлар, халқлар, тиллар ҳам  
 Турли аҳволларнинг қуроғи бутун!  
 Кулбалар, хужралар, зиндонлардан жам  
 Бўлиб келишганлар юлмоқлик учун!  
 Давлат ва қонунсиз эркин яшамоқ –  
 Уларнинг мақсади шу дилларида.  
 Улар орасида кўринар қочоқ,  
 У жанговар Доннинг соҳилларидан,  
 Қора гажаклари бўлган яхудий  
 Ҳам чўл ўғлонлари – ёввойи, ваҳиший,  
 Қалмоқ, бошқирд – хунук афт-башарали,  
 Малла фин ва бекор яшовчи лўли,  
 У кўчиб юради истаган томон!  
 Ҳавф-хатар, хунрезлик, разолат, ёлгон –  
 Қўрқинчли оила ришталари шу;  
 Евузлик йўлларин босиб ўтишган  
 Ҳар бир тошбағирли кимсалари шу;  
 Кимлар совуқ қўли билан кесийган,  
 Бевани етим-ла қатл этишган,  
 Кимга болалар оҳ-зори кулгидир,  
 Ким авф этмас, кимдир қилмайди шафқат,  
 Кимга ўлдиришлар – қувонч ва лаззат,  
 Ёш йигитга висол они кабидир.

Барча жимиб қолди, энди оймома  
 Уларга ўз хира нурун ташлади,  
 Кўпикланган шароб тўла пиёла  
 Қўллардан қўлларга ўта бошлади.  
 Кимдир чўзилганча ётар нам ерга,  
 Ухлаб қолганда ҳам у эрур ҳушёр:  
 Ваҳимали тушилар айланиб учар  
 Унинг жинояткор калласи узра.  
 Бошқага суҳбатлар анча камайтар  
 Зимистон кечалар бекор соатин;  
 Барча жим – уларни андармон ётар  
 Янги келгиндининг қилган суҳбати,  
 Бутун атроф унга қўлоғин тутар:

“Унда мен ва акам эдик икковлон.  
 Бирга улгайгандик; бизларни ёшлик  
 Чоғи боққан эди бир ёт хонадон:  
 Болакайлар ўсдик, кўрмасдан шодлик;  
 Муҳтожлик амрини билгандик энди,  
 Бардош беришгандик аччиқ нафратга  
 Ва эртароқ бизни нотинч қилганди  
 Диллардаги газаб бор машаққатга.  
 Биз етимлар учун қолмади сира  
 На қашшоқ кулбалар ва на далалар;  
 Яшагандик ғамда, муҳтожлик ичра,  
 Жонимизга тегди бу тақдир баттар,  
 Рози бўлишгандик, қилиб маслаҳат:

### ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Синаб кўриши керак бошқача қисмат.  
 Уртоқликка танлаб олдик шуларни –  
 Пулат пичоқни ва зим-зиё тунни;  
 Унутдик кўрқув ва гам-гуссаларни,  
 Ҳайдадик узоққа инсоф-виждонни.

Эвоҳ, ёшлик, ёшлик, сенда жасорат!  
 У вақтда ҳар қалай яшай олардик,  
 Улиб қолмоқликка қилишиб нафрат,  
 Бор нарсаларни тенг ярим бўлардик.  
 Шундай бўлар эди. нақ ой чарогон  
 Порлаган чоғида мовий осмонда,  
 Ертўладан чиқиб, ўрмон томонга  
 Хатарли ўлжага бўлардик равон.  
 Дарахт орқасида ўтиришиб, биз  
 Кутардик: кечки йўл бўйлаб ногаҳон  
 Келарми бой жуҳуд ё поп нотавон, –  
 Барчаси бизники! барин талаймиз.  
 Қишда, жимжит тунда, шундай бўларди,  
 Уч нафар жасурни жойлаб қўярдик,  
 Куйлаб, ҳуштак чалиб, учардик шу дам  
 Қалин қор устида ўқ каби илдам.  
 Ким кўрқмаган эди бизга дуч келиб?  
 Овқат пули учун, шам кўриб қолиб –  
 Дарвозалар ёнга! эшик қоқардик,  
 Уй бекасин қаттиқ даъват этардик,  
 Кирардик – текин еб-ичиб олардик  
 Ва барно қизларни эркалатардик!

Не гап? гумаиталар қўлга тушишди;  
 Базм қилишмади улар кўп муддат;  
 Бизни ҳам ушлашди – кишан уришди  
 Темирчилар – бўлдик бирга занжирбанд,  
 Соқчилар зиндонга ҳайдашди сўнгра.

Укамдан гар беш ёш катта бўлсам-да,  
 Чидамлироқ эдим мен ундан кўра.  
 Кишанда, зиқ зиндон ичра турсам-да,  
 Мен соғ – у суллашиб қолди бечора.  
 Зўрға нафас олиб, гамдан қийналиб,  
 Унутишда, қайноқ бошин қийшайтиб,  
 Елкамга суяниб туриб, бедармон  
 Уларди у, айтиб доимо такрор:  
 “Менга оғир бунда... – иштаман ўрмон...  
 Сув, сув!..” – аммо, афсус, мен шунда бекор  
 Жафокашга сувни узатган эдим:  
 У яна чанқоқдан зорланган эди,  
 Вужуди тер билан қопланган эди.  
 Унда қон ва ўйлар қузгатган эди.  
 Оғули хасталик ҳароратини;  
 Мени таниёлмай қолганди энди  
 Ва ҳар лаҳза сайин чорлаётганди  
 Уз ёнига жўра ва улфатини.  
 У дерди: “Қаерга бўлгансан зойиб?  
 Махфий йўлингни сен қайга қаратдинг?  
 Нечун, оғам, мени қолдириб кетдинг,  
 Бу бадбўй зулматнинг ичига отиб;  
 Сен тинч далалардан эдинг, шекилли,  
 Келтиргандинг алдаб ўрмонга мени  
 Ва унда тун чоғи, зўр, ваҳимали,  
 Қотилликка илк бор ўргатган сенми?”

Кўндан эркинликда бўлиб, у менсиз  
 Мусаффо далада сайр этар ёлғиз,  
 Қароқчиликлари авжсида жуда,  
 Унутиб юборган энди у шаксиз  
 Қизганчли улушин дўст қисматида!..”  
 Гоҳ тагин довуллаб кетарди унда  
 Безор виждонининг дардлари бари:  
 Олдида бўларди жам арвоҳлари,  
 Ироқдан мушт билан дўқлашиб ҳали.  
 Ҳаммасидан кўпроқ бир чол тимсоли,  
 Бир вақтларки, сўйган эдик уни ҳам,  
 Унинг хаёлига шу чол келарди;  
 Бемор, қўл-ла қисиб кўзларин маҳкам,  
 Унинг учун менга нола қиларди:  
 “Кўз ёшларига қил шафқат, эй акам!  
 Сўймагин уни сен кекса ёшида...  
 Менга унинг қари доди даҳшатли...  
 Кўйиб юбор уни – у эмас хавфли;  
 Унда иссиқ қон йўқ бирор томчи-да...  
 Кулма, ака, унинг оқ сочларидан,  
 Қийнамагин уни... ўкинчларидан,  
 Балки, биз-чун худо қаҳрин юмиштар!..”  
 Тинглардим, даҳшатни енгганим қадар;  
 Ҳаста кўз ёшларин тиймоқ истардим,  
 Сохта сўз, тушларин қувмоқ истардим.  
 Қамоққа ўрмондан келган ўликлар  
 Қилишар наздида турли уйинлар.  
 Тингларди гоҳ улар шивир-шивирин,  
 Гоҳ ноҳос қувишлар дукур-дукурин.  
 Ҳам кўзлари ажиб йилтирар эди,  
 Тикка турган эди сочлар бошида,  
 Ҳам тани япроқдек қалтирар эди.  
 Гоҳ хаёл қиларди кўзин олдида  
 Майдонларда турган оломонни ҳам  
 Кўрқинчли йўлакни кундага томон,  
 Қамчи ва қаҳрли қотилларни жам...  
 Ҳушсиз, ваҳимага тўлиб уша он,  
 Кўксимга йиқилиб тушганди укам.  
 Шундай ўтказгандим мен куну тунни,  
 Ҳордиқ ололмасдан бир дақиқа ҳам,  
 Кўзларимиз эса кўрмай уйқуни.

Аммо қилган эди ёшлик ўз ишин:  
 Қайта тикланганди укам кучлари,  
 Утиб ҳам кетганди даҳшатли ойин  
 Ва у билан бирга хаёл тушлари.  
 Жонланиб қолгандик анча. Шунда боз  
 Эски қисматга зўр соғинч тугилди;  
 Қалб ўрмонлар ва эрк сари интилди,  
 Дала ҳавосига кўйди эҳтирос.  
 Қабиҳ эди бизга зимистон қаҳри,  
 Панжарадан тушган сўлгин тонг нури,  
 Соқчи хитоби ва кишидан овоз,  
 Учиб келган қушлар енгил чуғури.

Кишианда кўчалар кезиб, бир вақти,  
 Зўр бўлсин деб шаҳар турма майшати,  
 Биз хайр-садақа ҳақин тўплардик  
 Ва жимликда барча бўлганди рози –  
 Узоқ ният – қочиш гамин кўзлардик;  
 Яқиндан келарди дарё овози,  
 Биз унга – ва баланд қирғоқдан учиб,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

*Шан! теран мавжларда кетгандик  
сузиб.  
Умумий занжирни жаранглатдик биз,  
Мавжларни енгди дуст оёқларимиз,  
Кўриб қолдик нохос қумлик қиргоқча  
Ва, ёришиб жадал оқимни, барча  
У ерга интилдик. Орқамиздан тез  
Қичқиришар: “Тут, тут! кетиб  
қолишар!” –*


*Четдан икки соқчи сузиб келишар,  
Лек қиргоқда эдик биз аллақачон,  
Кишиларни тои-ла атардик вайрон,  
Сувдан оғир бўлган кийимларимиз,  
Ииртардик уларни, бурда қилишиб...  
Кўрдик, келишмоқда бизни қувишиб;  
Аммо жасур, тўлгин ниятларда биз  
Қутиб туришидик. Бир соқчи чўкарди,  
Гоҳ бўғиларди, гоҳ нола чекарди  
Ва, қўрғошин каби, ўзанга кетди.  
Иккинчиси қаърни сузиб ҳам ўтди,  
Қўлда милтиқ, қайсар сувни кечганди,  
Хайқиринларимга солмасдан қулоқ,  
Келаверди, аммо бошига шу чоқ  
Иккита тои тўпта-тўғри учганди –  
Ва мавжларга оқди тез шарқираб қон;  
У чўкиб кетганди – биз боз сув томон,  
Этишмади бизни қувишга журъат,  
Қиргоқларга етиб олдик ниҳоят  
Ва ўрмонга кетдик. Лек зариб укам...  
Заҳматлару қишининг аёзлари жсам  
Бўлиб, бор кучидан уни айирди:  
Хасталиклар танин боз мажруҳ этди,  
Ва баджаҳл тушилар таширф буюрди.  
Бемор роса уч кун гапирмай ётди,*

*Кўзларини юмиб мудрамади ҳам;  
Туртинчи кун эса нохуи таишвиш-гам  
Билан, афтидан, у ниқ тўлган эди;  
Мени чорлаб, қисди қулимни секин,  
Сўнган нигоҳлари ифода этди  
Уни енгаётган азоблар аксин;  
Қулим қалтиради, у бир оҳ тортиди  
Ва сўнгра кўксимда уйқуга кетди.*

*Уч кеча муз жасад бошида қолдим,  
Ундан ажралмасдан, қошида бўлдим.  
Кўп кутдим, деб: балки, ўлик очар кўз?  
Ва аччиқ зорландим. Охир олдим тез  
Белкуракни қўлга; дафн дуолари  
Уқидим укамнинг чоҳи устида  
Ва жасадни қўлдим ернинг остига...  
Шундан сўнг аввалги олғирлик сари  
Кетдим танҳо... аммо ўтган йилларни  
Кутмам энди: топиб бўлмас уларни!  
Базмлар, хушчақчақ тунаб қолишлар  
Ва бизнинг қутурган хужум*

*қилишлар –  
Барини укамнинг қабри олгандир.  
Судраламан маънос, яшиб сўққабош,  
Золим руҳим қотиб қолган гўё тои.  
Қалбда раҳмдиллик, аянч ўлгандир.  
Лек гоҳ ажсинларга этаман шафқат:  
Юрак бетламайди чол сўйишларга;  
Қулим кўтаришга этмайман журъат  
Ҳимоясиз қолган оппоқ бошиларга.  
Едимдадир хануз, золим қамоқда  
Хаста, кишиларда, мадордан қолган,  
Хушсиз, хотирасиз, чуқур қийноқда  
Акам менга чол-чун не нола қилган”<sup>1</sup>.*

1821-1822



<sup>1</sup> Поэманинг тўлиқ матни бизга номаълум сабабларга кўра А. С. Пушкин томонидан куйдириб юборилган, деган маълумотлар бор. Фақат ушбу парча муаллиф томонидан нашр этилган ҳолида бизгача етиб келган.

Бутун поэманинг сақланиб қолган мазмуни ҳақида куйидагича тасаввурга эга бўлиш мумкин:

1

Кечқурун бўйи етган гўзал қиз йиғлайди, қайта-қайта гапирди, барваста йигитлар сузиб кетишга тайёр; ясовул — бизнинг атаман қаердадир. — Улар сузишади ва куйлашади...

Астрахань остонасида; савдогарлик кемасини яксон қилишади; эркак ўзига бошқасини олади — у аёл ақлдан озади; янги хотин севмайди ва ўлади. Эркак барча ёвузликларга берилиб кетади. Ясовул уни сотиб қўяди.

2

I. Қароқчилар, икки ака-укалар тарихи. II. Атаман ва у билан қиз; атамanning совуқлиги ets; Волга устида қўшиқ. III. Савдогарлик кемаси, савдогарнинг қизи. IV. Ақлдан озади.

Пушкин 11 ноябрь 1823 йилда князь П. А. Вяземскийга ёзган эди: — “Мана сенга “Қароқчилар” ҳам. Бу парчани ёзишга менга ҳақиқий воқеа имкон берган эди. 1820 йилда, мен Екатеринбургда бўлган вақтимда, бирга кишанланган икки қароқчи Днепрни сузиб ўтишган ва қутилиб қолишган. Уларнинг қумлик оролчада дам олиши, соқчилардан бирининг сувга чўкиб кетиши мен томонимдан ўйлаб чиқарилмаган. Баъзи шеърин сатрлар “Шульон тутқуни”ни эслатади. Бу мен учун бахтсизликдир. Мен Жуковский билан беҳосдан келишиб олдим, менинг парчам 821 йилнинг охирида ёзилган”.

## ОНА АЙИҚ ХАҚИДА

## ЭРТАК

Иссиқ баҳор кунлар пайтида,  
Тонгинг оппоқ нури остида  
Қалин ўрмон ичидан қўнғир  
Она айиқ чиқиб келганди  
Азиз айиқ – болажонлари  
Билан сайр қилиш, яйрашга.  
Чўкди у оқ қайин тагига;  
Айиқчалар барра ўт узра  
Туришарди ўйнаб, агнашиб,  
Қураш тушиб, умбалоқ ошиб.  
Нохос қайдан келарди деҳқон,  
Узун найза ушлаб қўлида,  
Пичоғи бор унинг белида,  
Қопи ҳам бор эди эғнида.  
Она айиқ кўриб қолди-да  
Найза тутган деҳқонни, дарҳол  
Чақирди ёш болакайларин –  
Узин тентак айиқчаларин:  
Эҳ, болалар, жон айиқчалар,  
Бас қилингиз ўйин, агнашни,  
Қурашишу умбалоқлашни.  
Билинг, сизга деҳқон келмоқда.  
Бекинингиз туриб орқамда.  
Бермагайман деҳқонга сизни,  
Еб қўяман деҳқонни ўзим...

\* \* \*

Айиқчалар қўрқиб қолишди,  
Она ортга ўзни олишди,  
Она айиқ даргазаб бўлди,  
Оёқ тираб, тик туриб олди.  
Деҳқон эса идрокли эди,  
Ташиланди у она айиққа,  
Найза санчди айиқнинг киндик  
Ва жигари ораси ёққа.  
Айиқ қулаб тушди нам ерга,  
Деҳқон ёрди унинг қорнини,  
Қорнин ёриб, терисин шилди,  
Қонга солди айиқчаларни,  
Солди-ю, сўнг жўнади уйга.

\* \* \*

“Мана, сенга, хотин, совгача –  
Эллик сўмлик айиқ пўстини,  
Мана, сенга бошқа бир совга –  
Уч айиқча, ҳар бири – беш сўм”.

\* \* \*

Шаҳар бўйлаб шов-шув гап эмас,  
Хабар кетди бутун ўрмонга,  
Хабар етди қорамтир қўнғир  
Айиққаки, унинг бекасин  
Қорнин ёриб, шилиб терисин,  
Қонга солиб айиқчаларин  
Олиб кетган эмиш деҳқон, деб.  
Қайғурганди айиқ шу дамда,  
Бошин эгиб, увиллаганди,  
Эслаб ўзин бекажонини,  
Қора-қўнғир айиқ хотинин:  
“Оҳ, сен айиқ хоним, дунёда  
Мени кимга қолдириб кетдинг,  
Бева қолган гамгин, гарибни,  
Толеи паст мендек шўрликни?  
Энди сендек бойвуччам билан  
Шўх ўйинлар ўйнай олмайман,  
Болажонлар яратолмайман,  
Айиқчалар тебратолмайман,  
Тебратолмай, овутолмайман”.

Тупланишиди шунда ҳайвонлар  
Улкан боён-айиқ олдига,  
Келишганди йирик ҳайвонлар,  
Чопишганди майда жонворлар.  
Келди шунда бўри-оқсуяк,  
Тишлари-чи, узиб олувчи,  
Кўзлари-чи, ҳасад қилувчи.  
Келди меҳмон – савдочи қундуз,  
Қундузнинг-чи, қуйруғи семиз.  
Келишди сув сичқонча – бой қиз,  
Тўра бону олмахон – ой қиз,  
Келди тулки-котиба хоним,  
Котиба ва газначи ойим,  
Масхарабоз-оқсувсар келди,  
Чўл суғури – игумен<sup>1</sup> шунда,  
Суғур яшар хирмон ортинда.  
Чопиб келди қуёнча-авом,  
Оқ қуёнча, оми қуёнча.  
Етиб келди кирпи-майфуруш,  
Барибир-да, кирпи жунжикар,  
Барибир у хурпайиб турар<sup>2</sup>.

Рус тилидан  
Норали БЕРДИЕВ  
таржималари

<sup>1</sup> Игумен — эркаклар монастирининг бошлиғи.

<sup>2</sup> Тугалланмай қолган ушбу эртак 1830 йилда ёзилган деб тахмин қилинади.



## Урие ЭДЕМОВА

Урие Эдемова (Хурия Адхамова) 1938 йилда Қрим Автоном республикасининг Балаклава туманида туғилган. 1968 йилда Тошкент Давлат Университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетини битирган. Унинг “Қирмизи гул”, “Унаштирув узуги”, “Ёзмиш”, “Бир умр ёнимдасан”, “Сехрли кўзлар” каби қисса ва ҳикоялар тўпламлари нашр этилган.

Шўро тузуми даврида ватанидан ноҳақ қувғин қилинган ва Ўзбекистонда паноҳ топган кўпчилик қрим-татарлар қатори Урие Эдемова ҳам, ҳозирда, она-Ватани кучоғида тинч ижодий фаолиятини давом эттирмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҚРИМ-ТАТАРЛАР

Иккинчи Жаҳон урушининг энг оғир бир палласида, Ўзбекистоннинг йигитлари армияга олинган, фронт ортида фақат чол-кампирлар, аёллар ва болалар ишлаб, ҳам фронтни, ҳам халқни аранг боқиб турган бир замонда, 1944 йилнинг май ойида, қизил империя немислар босқини ва зулмидан аранг қутулган қрим-татарларнинг ерларини ва уй-жойларини тортиб олиб, ўзларини Ўзбекистон, Қозоғистон ва бошқа чет ўлкаларга сургун қилиб юборди. Айёрликда фашистларни йўлда қолдирадиган бу идора раҳбарлари қрим-татарларни ўзбек халқига “ватан хоинлари” деб, ўзбекларни қрим-татарларга “ёввойилар (туземлар)” деб таништирдилар. Ўзбекистонда бу сиёсат сохталигини тушунганлар ҳам бор эди, лаққа ишонганлар ҳам. Ҳар неки бўлмасин, қрим-татарлар Ўзбекистонда ёмон яшамадилар. Пахта етиштиришининг ҳамма машаққатларини биз билан бирга баҳам кўрдилар. Маҳаллий шароитда, сувсизлик ва иссиқда жон сақлаш, соғлиққа риоя, иқтисод каби соҳаларда ўзбеклар уларга ўрнак бўлди. Сабзавот етиштириши, қишлоққа кичик техникани қўллаш, ҳовли-жойларни маданийлаштириши соҳаларида улар ҳам ўзбекларга кўп нарсани ўратдилар. Бу икки халқ апоқ-чапоқ, қуда-анда бўлиб, қиз олиб-қиз бериб, мактаб, ўрта ва олий ўқув юртларида бирга ўқиб, бирга улгайдилар. Фақат уларнинг юракларида битта армонли туйғу бор эди. Улар ўзларининг туғилиб ўсган ватанларини соғинардилар. Ватан туйғуси эса илоҳий туйғу, бундай туйғу учун ҳеч кимни айблаб бўлмайди, аксинча, шарафланда...

1956 йилги Сталин шахсига сизгиниши кирдикорлари очилганда эса, Ўзбекистонга сургун қилинган халқлар, жумладан, чеченлар, болқорлар, кабардинлар қаровсиз, ҳувиллаб қолган юртларига қайтарилди. Қрим-татарлар қайтарилмади. Чунки уларнинг жойлари курорт зоналар эди. Уларнинг қайтишларига изн берилиши учун яна 30 йил, Адолат замонаси керак бўлди...

Қрим-татарлар бу йилларда Ўзбекистонда кўплаб ютуқларни қўлга киритдилар,

Пахтакорлар ичидан Сеитжон Тоиров каби меҳнат қаҳрамонлари чиқди. Олимлар, фан докторлари, атоқли шоирлар, ёзувчилар Ўзбекистонда донг таратдилар. Қалам аҳлларидан 25 киши ёзувчилар уюшмасининг аъзоси бўлди. Қрим-татар тилида республика газетаси ва “Йилдиз” журналы чиқарилди, Гафур Ғулوم нашриёти таркибида қрим-татар адабиёти редакцияси ташкил этилди.

Оқсоқол ёзувчилардан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Шомил Алядин урушдан кейинги йилларда Ёш томошабинлар театрига раҳбарлик қилди. Кейинчалик Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасида масъул котиб, Адабиёт Жамғармасининг бошлиғи ва “Йилдиз” журналининг бош муҳаррири бўлди. Бир қатор роман, қисса, ҳикоя ва очерклари эълон қилинди. Чирчиқ ишчилари ҳаётидан ёзилган “Агар севсанг” романи русчага таржима қилинди ва Бунуниттифок касабани

уюшмасининг мукофотига сазовор бўлди. Ёзувчилардан Эрвин Умеров, Эмил Амит, Айдер Осман, Урие Эдемова, Билял Мамбет, Энвер Селямет, Черкез Али, Решит Муратларнинг асарлари фақат қрим-татар тилида эмас, ўзбек тилида ҳам эълон қилинди. Урие Эдемованинг "Қирмизи гул" ва "Нишон узуги" қиссалари Ўзбекистон Ёшлар уюшмасининг мукофоти билан тақдирланди.

Қуйида биз атоқли қрим-татар адабаси Урие Эдемованинг "Ойдин кечада" романидан айрим парчаларни эътибориниғизга ҳавола қилаётимиз.

Таржимондан

## ОЙДИН КЕЧАДА

(Шу номли романдан боблар)

### БИРИНЧИ ҚИСМДАН

13

Ҳаво бирдан совуди. Тоғда ёш болалар тугул, эс-хуши бутун катта одамлар ҳам совуқдан жунжика бошладилар. Ут ёқиш қатъиян ёсоқ қилинди. Чунки хочли учоқлар кундузлари бу ерларнинг хидини ола бошлагандилар. Жанг қилишга ёши етмаган ўсмирлар ва қари одамлар душман келаётганини фаҳмлаб, тоққа, партизанликка чиққандилар. Аммо марказ билан алоқа боғланмади. Халқ қуролсиз. Тонготарга яқин немислар разведкаси бу ерларда бўлиб қайтипти. Бир ўсмирнинг айтишига қараганда, қасабага оқшом усти немислар келиб тўлган. Улар келиб бўлмасидан бироз олдин, қасабанинг сал-пал юришга қуввати бўлган қари одамлари тоққа хабар етказгани бир амаллаб етиб келгандилар.

“Душман бостириб келди. Унинг мақсади аниқ: ўрғалиқни ёқиб-йиқиш, инсонларни ўлдириб йўқ қилиш. Яна қандай хунар кўратишлари фақат Оллоҳга аён. Бу тоғ ичида қанчагача яшаш мумкин? Қиличини қайраб қора қиш ҳам келаётир. Аччиқ изғиринлар энди одамларнинг афти-ангорини емоқда. Сўнг ичига ҳам қиради, суякларни сирқиратади.. мажбур бўлиб, душманга, мана биз келдик, деб, бола-чақа билан уйларимизга қайтиб борамиз шекилли” – Она ўз хаёлларидан даҳшатга тушди.

Тонг ёришганда, ўша вақт бўлди, аммо атроф сукут ичида. Тоғ осмонини кўрғошиндай оғир, қуюқ булут қоплади. Алиманинг юраги бир бахтсизликни сезмоқда. Тоғ ичида болалар доимо катталардан аввал турар ва шовқинлай бошлардилар. Бугун уларнинг овози ҳам эшитилмайди.

Аҳволи нақадар аянчли бўлса-да, Алимага сигирни соғмоқ, болаларни тўйдирмоқ керак. Ёпинчиғини бошига ташлаб, сигир томонга кетаётганда гаплашиб ўтирган Абибулла оға билан кайнотасининг гаплари қулоғига чалинди:

– Немислар қишлоғимизда от сакратиб юрган эканлар. Ўғлоннинг айтишича, Алималарнинг уйига уларнинг штаби жойлашипти, – деди Абибулла оға паст овоз билан.

Чол сигарани устма-устига тортди. Абибулланинг сўзини тасдиқлагандай бошини силкиди.

Орадан кўп ўтмай, болалар ҳам туришди. Кун бўйи тоғ ҳаётида бирон ўзгариш бўлмади. Нонуштадан сўнг тоғ устида осилиб турган қора булутлар, очик денгиздаги кемалар каби сирт тарафга силжий бошладилар. Нонуштадан кейин кўтарилган шамол оқшомга яқин янада кучайди. Баланд дарахтларнинг тепа шохлари у ёққа – бу ёққа эгилди, шовуллади. Болалар яна ўз ётоқларига сингиб кетишди.

Тоғ ичида бирдан, одамнинг руҳини туширувчи бир инжик, кўрқинчли шовқин-сурон кўтарилди, Шовқиннинг сабаби ниҳоят Алимага ҳам етиб келди.

– Немислар, тоғдаги халкни, бир кишимизни ҳам қолдирмай кишлоққа хайдашаркан, – деб қичқирди қўшни хотин. – Бизларни бола-чақамиз билан кишлоқ ичида отиб ўлдирадилар...

Алиманинг бошидан қайноқ сув қуйилгандай бўлди. Ҳа, уйларига, ўз қасабаларига қайтиш, қашқирнинг оғзига тушиш демакдир. Йўк...

Шу асно бир хотиннинг:

– Йўк, ўз оёқларим билан, кичкинтойларимни у аблахларнинг ўқларига тутмай-ман. Мунда, тоғ ичида ўлишга тайёрман, – одамларнинг ич-этини кесган ойна каби кескин овози янгради.

Алима оёқларини қучоқлаб йиғлаётган Сарварчасига ёпишди. Уни бағрига босди.

– Йиғлама, жоним болам, мен сизларни ҳеч кимсага бермайман! – деди. Лекин ўзи қора қиш аёзида қолгандай қалтирамоқда эди.

– Сабр қил, келин. Бу ҳамирда бир қил борга ўхшайди. Қўрқинчли туш хайрли бўлади, дейдилар.. Иншооллоҳ, сўнги хайрлидир. У малъунлар халқни йўқотмоқчи бўлсалар, бу ишни мунда, шу тоғ ичида қила олардилар...

Қайнотасининг умид бағишловчи сўзлари ва ўзини хотиржам тутаётгани Алимага тасалли бахш этди. У, қадрли қайнотасига, нима қилайлик, ота, дегандай мўлтиради.

– Улар: “Қоронғилик тушгунча, тоғда бирон жон қолмасин. Ҳамма уй-уйига қайтсин. Бизни тингламай, тоғда қолганларни партизан ҳисоблаб отиб ўлдирамай” – деганлар.

– Демак нари-бери йўлга чиқишимиз керак, – деди Асан.

Тоғдагиларнинг ҳаммаси уларнинг ортидан бориш ғоят қийин бўлса ҳам, қоронғилик босишидан олдин, тоғдан тушишга тиришдилар. Энвер билан Камолнинг орқасида, бир кўрпага ўралган Сарварча талай ергача онасининг қучоғида эди. Ухлаб қолгандан сўнг, уни Жавоир олди. Ухлаган бола янада оғирлашган эди.

Оёқлар, кўллар толди. Алима тўхтаб, орқасига қаради. Тоғдаги хотин, бола-чақа ва қарияларнинг ҳаммаси, очик кўкда бир қаторга тизилиб, жанубга, иссиқ мамлакатларга кетаётган турналар каби келмоқда эди. Катта ойиси, яъни бувиси, Алиенинг қўлидан ушлаб кетди.

Турналар қарвони бир сафда мовий кўкда қанот қоқиб кетаётган пайтларида: “қурей, қурей... бизлар иссиқ мамлакатларга кетамиз, яхши қолинглар, насиб этса, ёзда яна келамиз” дегандай қувонч билан қичқирадилар, бўйинларини олдинга чўзиб, кўкнинг энг теран-теранларига учадилар.

Бу қарвон эса, ғам ва ҳасратга ғарқ бўлиб, уларни олдинда – ўз туғилган кишлоқларида, ўчоқларида нима кутаётганини билмай, ўлимнинг ноумид панжаларини ҳис этган ҳолда кетмоқдалар.

Қарвон кишлоққа яқинлашганда, саф бузилди. Одамлар тапир-тупур қилиб, ўзлари яшаган маҳаллаларга қараб йўл олдилар. Энг олдинда кетаётган Энвер билан Нозимни бир немис соқчиси тўхтатди. Бир нарсалар айтди. Болалар елкаларини қисдилар. Соқчи аччиқланди. Орқадан келаётган Жавоирнинг қулоғига “партизан” ва бир-икки таниш сўз чалинди. Опишиб олган болани оҳиста ерга туширди ва фашистнинг ёнига борди.

– Биз партизан эмасмиз. Шу кишлоқда яшаймиз.. Уйимизга келяпмиз, – деди мактабда ўрганган сўзларини битта-битта эслаган ҳолда.

Фашист юмшади. Фонарни Жавоирнинг юзига, кўзларининг ичига тўғри тутиб, мамнунлик билан қулимсиради.

– Шойне медхен – бораверишингиз мумкин, – деган маънода қўлини силтади.

– Гўзал қизчани олиб қолайлик, – деди унинг ёнига келган газанда.

Узун бўйли олмон тепага қарата бошини қоқди. Фонар ёруғида чорчаваси сариқ, чиройли кўзойнагининг ойналари кўзгуга ўхшаб йилтираб- йилтираб кетди.

– Уйингиз қаерда? – деб сўради Жавоирдан

Киз эсанкиради. Ўзлари яшаган юкори тарафни эмас, паст тарафдаги маҳаллани кўрсатди. Кўзойнакли, тушундим, дегандай бошини силкиди.

– Гут, гут, – деди, озгина ортга чекинди.

Бола-чака ва хотинлар ўтиб бўлишгунча жойидан қимирламади.

Олмонлар анча орқада қолгандан кейин, Жавоир одимларини секинлатди. Онасидан кўнгли нотинч бўлгандай, у билан ёнма-ён юрди.

– Яна тўхтатсалар, нима қиламиз, болам? – деди она хавотирланган ҳолда.

– Улар соқчилар. Биз энди қишлоғимизга кирдик, кўрқмасак ҳам бўлади, – деди, лекин ўзининг тизлари қалтирамоқда эди.

Энвер ҳам, кўрққаниданми йўқса опасининг фавкулудда бугун кўрсатган жасурлигига ҳайрон қолганиданми, тез-тез ортига, онасига ва Жавоирга қараб кўяр эди.

– Боланинг ўтини ёрди, тўнғизлар, – деди она ўзига ўзи гапиргандай.

Ниҳоят, улар кўп азоб ва машаққатлардан сўнгра, кадрдон маҳаллаларига етиб келдилар. Болалар ўзлари ўқиган мактабнинг олдидан ўтаётганда, бир бирларига қараб олдилар. Юзларида қандайдир мамнуният ҳосил бўлди. Бамисоли тезда кўлларида папкалари билан бу ерга ўқишга келадигандай. Лекин бу хом ҳаёл эди. Мактабнинг эшиги очилиб ичкаридан автоматли олмонлар чиқди. Югуриб бориб, мактабнинг сўл тарафида турган машинага ўтирдилар. Болалар бу ердан тезда узоклашиш учун одим суръатини оширдилар.

Жавоирнинг оёқ-кўллари кўрқувдан ва оғир юкдан ҳолсизланган эди, лекин ичидан қандайдир куч уни фақат олдинга тортмоқда. Тагин озгина юрсалар, уйда бўлажаклар.

– Она, энди бомбардимон қилиш у ёқда турсин, ўлдирсалар ҳам уйимиздан чиқмаймиз, – деди Жавоир. Она туғилган уйга бир қараб олди.

Уйга тезда етиб бормоқ учун ошиққан болалар ҳовли эшиги олдига келганда тўхтаб қолдилар. Уй ва ҳовлининг ичи кундуздай ёруғ эди. Бутун лампочкалар ёнмоқда, фашист аскарлари уйга кирар, чиқардилар. Алима ўз кўли билан кулфлаб кетган эшиклари ланг очик эди.

Энвер арқонидан тортиб, етаклаб келган сигир: “Мени нима учун тўхтатдинг?” дегандек бошини зарда билан қоқди. Кўранинг очик эшигидан ичкари кирмоқчи бўлди. Буни кўрган ҳовлидаги олмонлар хаҳолаб қулишдилар. Бир нафари чошиб келди. Кўрсатгич ва ўрта бармоғини тик кўтариб кўлини манглайига теккизди: – Мў-ў-ў-ў – деб кичкирди, сигирга қараб юрди. Бир нарсаларни айтиб кулди. Сигир унга “кет ёнимдан” дегандай жалласини чайқади. Яна ичкари ҳовлига киришга интилган эди, икки аскар чошиб келди.

– Сиз кимсизлар? – Узун бўйлиси рус сўзларини аранг талаффуз қилиб сўради.

– Биз шу ерда яшаймиз, бу менинг уйим, – деб жавоб берди Алима.

Олмон болаларга, Алимага ва Абибулла оғанинг кўрғонига, Асан қарияга бир-бир қараб олди.

– Уй буларники, – Абибулла оға олмоннинг минғир-минғирига кулок солмай, Алиманинг болаларини кўрсатди.

У кўлида ёш боласи бўлган Алимага ва совқотиб елкаларини қисиб турган болаларга, қария билан чолга диққат билан боқди. Сўнгра бошини тепасига қалқитти.

– Уларга бу ерга кириш мумкин эмас! – деди.

– Бўлмаса қаёққа боришади? – деди Асан қария хаяжонга тушиб. Олмон елкаларини қисди, ортига ўгирилиб, шошилиш суръатда уйга кирди. Тезда қайтиб чиқди.

– Қаерда туришни истасангиз, ўша ерга бораверинг, – деди дағаллик билан. – Бу бизнинг штабимиз. Бу ерда ёт одам туриши мумкин эмас!

Болаларни у ёққа-бу ёққа туртиб, Энвернинг кўлидаги сигир арқонини тортиб олмоқчи бўлди. Бола бермади. Аксинча, арқонни ўзининг белига боғлаб олди. Олмон бирдан йиртқичга айланди, кўзлари ўқрайиб, болага кутурган бўридай қаради.

– Болам, Энвер, бер, ўғлим! – деди Асан бобо.

– Нега берарканман? Нима учун? – деб йиғламсиради бола. – Бермайман!

Фашист узаниб, боланинг белидаги арқонни еча бошлади. Энвер яна қарши-лик кўрсатди. Олдинга эгилди, унга арқонни ечишга имкон бермасликка уринди. Немиснинг кучли қўллари бир-бирига ўтқазилган арқоннинг икки тарафидан торта бошлади. Энвернинг бели, ичаклари узилгудай сиқилди, чиройи девордай оқарди. Кўзлари ўлим дахшатидан тўғаракланди.

– Она, онажоним...

Нозим бирдан сапчиб фашистнинг билакларига ёпишди, унинг билакларидан Энверни қутқармоқчи бўлди. Лекин Нозим кучли қўлларга нисбатан тамом ожиз эди. Бир нарса қила олмаслигини англаганидан кейин тишларини унинг билагига ботирди. Олмон болани улоқтирмоқчи бўлди. Лекин Нозим бунга ҳам имкон бермади. Тишларини баттар чуқурроқ ботирди. Билагининг оғриғига чидай олмаган келгинди сўл қўлининг муштини қўтариб боланинг бошига туширди. Икки бола икки ёққа йиқилди. Бу воқеа шу қадар тез бўлиб ўтдики, она ва бобо ерда ётган болаларга боқиб эсанкираб қолди. Атрофдаги болалар эса бақириб қиёмат кўтардилар. Билагини сийпаб-сийпаб ҳовлига кирган фашистни кўрган дўстлари, ҳамон хохолаб-хохолаб куларди. Қовурилиб қолган икки болани бир амаллаб Абибулла оғанинг уйига олиб келдилар. Бир амаллаб тахта каравот устига ётқиздилар. Ҳамма Асан бобога қаради. Бамисоли қаршиларида болалар доктори турганидай.

Асан бобонинг маслаҳати билан Нозимнинг манглайига совуқ сувда ҳўлланган сочиқ қўйдилар. Лекин Энвернинг корнига нима қилиш мумкин? Белининг атрофларида арқоннинг изи кўм-кўк бўлиб кўкариб кетганди. “Бола бечоранинг буйраги эзилмаган бўлса яхши...” – Асан оға ҳаёлга толди.

Бу вақт Нозим ичи оғриганидан шикоят қилиб, қайт қила бошлади. Энвер эса қип-қизил қон сийди. Болалар ингиллаб-ингиллаб ухлаб қолдилар. Қатталар тонг отгунча ухламадилар. Жавоир Сарварча билан машғул бўлди. Ёниб, қовурилиб қолган онанинг қайнона, қайнотасига меҳрибонлик қилишга ҳам холи қолмаган эди.

Эрталаб болалар озгина ўзларига келгандай бўлди. Лекин Нозим кўзларининг атрофи кўзойнак шаклида кўкариб кетган эди. Буваси билан бувисининг пин-жиги тикилди.

Аёллар нима қилишларини билмай Асан бобога қарадилар. У ўйлаганча индамай турарди, сўнгра:

– Болаларни ўн-ўн беш кун жойларидан қимирлатиб бўлмайди, – деди буйруқ оҳангида. – Энди Энверга укроп (шивит) илдизи қайнатиб ичириш керак. Бир кунда уч маҳал... Нозим эса тинч ётсин. Бош оғриқ дорисини қаердан топсак бўларкин?

Понуштадан кейин қўшнининг ўғли дахшатли бир хабар эшитиб келди. Ўтган куни ярим кечаси ўзимизнинг учоқларимиз тоғни шундай бомбардимон қилибдики, тош устида тош қолдирмаганлар, дарахт қолдирмай ҳаммасини ёққан-йиққанлар. Агар одамлар ундан чиқиб кетмаганда эди, бир тирик жон қолмаган бўларкан. Кейинчалик маълум бўлишича, партизанлар тоғда оддий халқ эмас, немис аскарлари жойлашганлар, деб хабар беришган экан.

Кудуқдан сув тортаётган Жавоирни кўриб баланд бўйли, башанг олмон офицери кизнинг ёнига келди. Чехрасига, кўзларига диққат билан қаради. Хушнуд ҳолда кулимсиради. Сўнгра бирдан чиройини ўзгартирди, бужмайиб:

– Не хорошо! – деди Жавоирнинг пиджагига кўрсаткич бармоғи билан ишора қилиб. – Бу қадар чиройли кизга кир пиджак ярашмайди, – деди. Яна бир нималар деб ғудранди, ўз кўнглида кизни паришон қилиб, уялтирмоқчи бўлди.

Жавоир сувга Нозимнинг уй ичида кийиб юрадиган кир пиджаги билан

чиккан эди. У, сўзларнинг баъзиларини англади, баъзиларини эса фашистнинг қарашидан тушунди.

– Бошқаси йўқ, – деди офицернинг ўз тилида.

Қиздан буни умид қилмаган фашистнинг кўзлари қисилди:

– Нима учун? – деди.

– Улар уйимизда, – деди, кўли билан ўзларининг уйини кўрсатди.

Офицер унга, гўё ҳеч нарса тушунмаган одамдай қаради, ўйлади, сўнгра бошини ликиллатди.

– Тушундим, – деди. – Биз ўтирган бу уй сизларники, сенинг кийимларинг у ерда, шундайми?

Жавоир унинг сўзларини тасдиқлаб, бошини қокди.

– Юр! Кийимларингни ол! Ҳаммасини бераман! – деди олмон.

Жавоир олдинга индамади, бир зум ерга боқиб турди-да, кейин:

– Йўқ, керакмас, – деди.

– Кўрқасанми? Кимдан, менданми?

Қиз бошини кўтарди, махзунлик билан унинг кўзларига қаради.

“Не учун кўрқмай? Укаларим Энвер билан Нозим ҳали кўп курашадилар. Сен ҳомилали хотинни тепкилатдинг, қанчамизни оттирддинг, йирткич хайвондан нима фарқинг бор сенинг?” – дегиси келарди, кўрқди.

– Мендан кўрқма, – деди офицер, бургут расмли, баланд соябонли шапкасини ечиб, хушбўй сочларини сийпади. Сирли кўзларини қисиб кулимсиради. – Мен сени ўз синглига ўхшатдим, – деди. Ёнидан бир расм чиқариб, Жавоирга кўрсатди. Фотодан чиройли, ёш қиз кулимсираб, боқиб турарди.

“Бу қиз, оғасининг бу ерда гуноҳсиз одамларга нималар қилаётганини билса, бундай кулимсираб турармиди?” – деб ўйлади Жавоир. У, бир китобда чиройли одамнинг юраги ҳам, туйғулари ҳам чиройли бўлади, деган фикрни ўқиган эди. “Бу фикр тўғри бўлса, бу мараз Февзия Халиловнаниям оттирмас, укаларини ногирон қилмас, кўчада қолганимизни кўриб, уйимизни эгаллаб олмас эди”, – деб ўйлади.

Фашист энгашиб, ерга қараб турган Жавоирнинг юзига боқди.

– Нега индамайсан? – деди. Қиз:

– Синглинг чиройли, жуда чиройли, лекин менга эмас, ўзингга ўхшайди! – деди.

Офицер кулди.

Жавоир сув тўла пақирини олиб, жадал уйга кириб кетди.

– Сенга нима деяпти комендант, болам? – деди парда ортидан қудуқ олдидаги манзарани кузатган онаси.

– Синглиси менга ўхшармиш. Ўзинг чиройли бўлсанг ҳам, паришонсан, эгнинг кир, деб, мени ҳақорат қиляпти. Жавобимни эшитгач, овозини пасайтирди. Она, у менга: “кел, эгни-бошларингни олиб кет, бир ўзинг кўрқсанг, онаң биланми, отангми, ким у ердаги, ўша билан кел”, – деди.

– Ўйлаб кўриш керак, болам, бир нимани ўйлаган бўлиши мумкин, – деди она, хаёлга ботган ҳолда.

– Бориб олиш керак, – деди қайнотаси Асан қария бу гапни эшитганда. – Олдимизда қора қиш турипти.

Оқшом усти, “шўрбажи”<sup>1</sup> уйдалигида, Абибулла билан бирга Алима ва Жавоир (ҳалиям устида Нозимнинг кир пиджаги) ўз уйларига бордилар. Эшиқдан ичкари қираётганда, Алиманинг юраги дукурлай бошлади.

“Ўз уйига, ўз ўчоғига қираётганда, бунчалик ҳаяжонланиш нимаси...” – деб ўйлади она. У қизимга бир гап бўладими, деб кўрқётган эди. – Борганимизда, боламга бир чўчка-лик қилмасмикин у ифлос”, деган хаёлдан даҳшатга тушди.

Яқинроқ бориб, кичкина болалар билан ўзлари ўтирган хонага қираётганда, Алима тўхтаб ортига тисланди. Жаъфар билан Жавоирнинг олча ва яшил рангли янги атлас кўрпалари уйнинг остонасига тўшалган, “шўрбажилар”

<sup>1</sup> Шўрбажи – оила бошлиғи (киноя).

(комендант ва хизматчилари) кўрпалар устидан этиклари билан юрарди. Уларни қаршилаб олган, Анвар билан Нозимни калтаклаган, узун бўйли фашистнинг устида Алиманинг қахваранг жакети, оёқларида Жаъфарнинг янги шиппаклари. Устида ўзининг ҳарбий либоси бўлганда, озгина бўлса-да, ҳарбий одамга ўхшарди, энди Алиманинг жакети унга кенглик ва катталиқ қилгани шундоқ кўзга ташланиб турар, бамисоли боғ кўриқчисига кийдирилгандай эди.

У, “меҳмонларни” кўрганда, чиройи бирдан бузилиб:

– Ап, век! – деб хайқирди.

Унинг овозини эшитган бўлса керак, Жаъфарнинг хонасидан бош “шўрбажи” чиқди. Жавоирга боқиб, хушнуд ҳолда кулимсиради. Немисчалаб бир нарсалар деди. “Меҳмонларга” ўтиришга жой кўрсатди. “Шўрбажи” ҳалиям ўзига келолмаган Алимага:

– Гўзал қизингиз бу ердан барча кийимларини олавериши мумкин, энди совук, – деди, ўта назокатли одам каби табассум билан. Бориб ёндош хонадаги шифоньернинг эшикларини очди. Жавоир хонасининг тўридаги деворни бутунлай қоплаган бебаҳо гилам ерга тўшалган, унинг устида эски замонлардан қолган, ичи олтин каби ипак билан ишланган сандиқни болта билан чопганлар, ярмини ёққанлар, ярми эса шу ерда, гилам устида сочилиб ётарди. Бу ваҳший ишга урилган болта ҳам шу ерда. Хукмдор эса ҳеч нарса бўл-магандай, ўзини пайғамбар ҳис қилмоқда. Сандиқни очганда, онанинг қулоқлари тубида қадимий мақом такрорлангандай бўлди:

*Ускудардан энар эдим,  
Олди бир ёмгур,  
Котибанинг этаги лой,  
Кўзлари махмур...*

Бу сандиқни Алимага ўз отаси, тўйдан кейинги чарларда ҳадя этган эди. “Эҳ, иккинчиси, ичи сиёҳ тусдаги қутиси қаердайкин?” деб атрофга олазарак қаради. Ўз жойида турипти. Лекин қопқоғи очик. Ичида ҳеч нарса йўқ. Унинг ичида Жавоирнинг сарпоси турарди. Демак, “шўрбажи” уларни ўзининг Жавоирга ўхшаган синглисига лойиқ кўрган, унга ҳадя қилиб бериб юборган.

Бу манзарани кўрган Жавоир хона ўртасида тўхтади, хушиңи йўқотаёзди.

– Қайғурма, болам, офат жонга эмас, молга келсин. Ўзинглар соғ бўлсанглар, ҳаммаси топилади. Кийим-кечакларингни ол, тез кетайлик, – деди она. Ўзининг икки устлик қўйлаги ва юпка пальтосини топиб-йиғиштириб олди. Попукли қалин юнг рўмоли йўқ эди. Шифоньер ичида эрининг дублён-каси, ўғлининг тери ёқали пальтоси қозикда осиглиқ турганини кўргандан сўнг чидолмади, кўзёшлари ўз-ўзидан оқиб кетаверди. Уларни олиб, уйининг ичидан тез-тез чиқиб кетмоққа тиришдилар. Эшикдан чиқаётганда, Жавоир “шўрбажи”га, сен мени кир пиджак учун паришонлик ва тарбиясизликда айблагунча, бу қилган ишингдан уялсанг бўларди, деган маънода бокди.

Уйга бориб келгунча, оғзидан бир сўз ҳам чиқмаган Абибулла, нима дейишни билмаган одамдай, бошини чайқади.

– Худо кўзингга тарбия ва низом нималигини кўрсатсин, – деди.

## 16

Бу кунларда Окёردа<sup>1</sup> отишма товушлари ортти. Узоқдан урувчи оғир тўплар ота бошласалар, тўхташни билмайдилар. Қора хочли учоқларнинг ҳад-ҳисоби йўқ. Ҳаммаси Окёр устида.

Кираверишдаги даҳлизда Абибулла билан аллақайдан пайдо бўлган Асан чол гаплашиб ўтирардилар. Эшик олдида “шўрбажи”нинг қулоқчинли хизматчиси пайдо бўлди.

<sup>1</sup> Окёр – Симферополь.

- Сенга ким керак? – деди Абибулла эшикни қия очиб.  
 – Гўзал қизингиз, – Жавоирни шундай дейишарди улар.  
 Абибулла чолга қаради. Сўнгра фашистга ўгирилди:  
 – Қизчада кимнинг нима иши бор?  
 У ўнг қўлини манглайига теккизди, “шўрбажи” сўраганини англатди.  
 – У, укалари билан бирга тоққа, ўтин келтиришга кетди, – деди Абибулла.  
 Қулоқчинли ҳеч нарсага тушунмади. Абибулла амаки болта билан ўтин кўрсатди. Қўли билан тоққа ишора қилди.  
 У тушундим, дегандай бошини силкитди. Қайтиб кетди.  
 – “Шўрбажи” Жавоирни чақиртирган эмиш, – деди Абибулла асабий товуш билан. – Болалар уйда бўлгани яхши, Жавоирни эҳтиёт қилиш керак. Қулоқчинга ишонмай, энди яна бирини йўллайди.  
 Энвер билан Нозим кўпдан бери Асан чолнингуйида эдилар. Чолнинг бундай қилишига Нозим сабабчи бўлди. Бир кун чол келганда у кираверишдаги даҳлиз ичида сопқон (рогатка) ясаб ўтирар эди. Чолни кўриши билан, уни яширмоқчи бўлди. Лекин улгуролмади.  
 – Бекитма, Нозим, нима қилаётганингни кўрдим. Нима қиласан уни, кушларни отасанми? – деб сўради.  
 – Анави Тарашадан қасдимизни оламиз, – деди бир оз ўйлагандан сўнг. Чол индамали. Супага бориб ўтирди.  
 – Онанг қаерда? – деб сўради.  
 Нозим бош ҳаракати билан ичкарида ўтирганини англатди.  
 – Уғлим, бундай жиддий душманни сопқон бин кўрқитиб бўларканми? У сени йўқ қилиб ташлайди-ку! – деди.  
 – Кимни? – Нозим ер остидан чолга қаради. – Керак бўлса милтиқ ҳам топамиз. Тарашани ҳам, “шўрбажи”ни ҳам тинчитамиз. Жавоир опамнинг ўқитувчиларини ҳам у оттирди. Биз одам отиш нималигини унга кўрсатиб кўямиз.  
 Бу суҳбатдан сўнг, болаларни бу ерда тутиш хатарли, деб ўйлади чол.  
 У ўз невараларини ҳам олиб кетмоқчи эди, Абибулла рози бўлмади.  
 – У ердаги невараларингиз ҳам сизнинг уйингизда. Бу ерда уй бўшагандай бўлиб қолса, болалар ўрнига улар тикилиб олишлари мумкин. Шу ерда бўлиб туришлари зарур, йўқса, бошқа фашистлар уйни бўш қолдирмаслар, – деди.  
 Жавоир кийимларини бориб олгандан кейин ҳеч кимга кўринмасликка тиришар, олмоннинг соясини пайқаган захоти уйга кириб кетар эди. У бир ёққа жўнаб кетмагунча, даҳлизга ҳам чиқмайди. Қариялар бир дафъа сигара чекаётганларида ҳовли эшиги устидан ҳатлаб ўтган Тарашани кўрдилар. У қулоқчинли фашист каби эшикни тақиллатиб ўтирмади. Тўғри ичкарига кириб келди. Абибулла унга “яна нима керак?” деган гапини тақрорлади. Қиз йўқлигини айтди. У инонмади. Ҳар бир хонага кириб чиқди. Хотинлар ва болалар унга кўрқувли кўзлари билан боқдилар. Жавоир йўқ эканлигига амин бўлиб Абибулланинг қаршисига бориб тўхтади.  
 – Тоғдан келгандан кейин комендантга кирсин, – деди жиддий ҳолда. Эшикни тақ этиб уриб чиқиб кетди. Абибулла унинг ортидан нафрат билан қараб қолди.  
 – Нозим айтганидай, пешонасида ўк ейишга арзийдиган махлук, аммо... Асан қария унинг сўзини тасдиқлагандай бошини силкитди. Ичкаридан Алима чиқди.  
 – Боланинг бошига бир бало солсалар нима қиламиз, ота? – деб йиғламсиради.  
 – Узингни тут, келин. Болани ҳам кўрқитма. Менимча бироздан сўнг Абибулла билан бирга борарсизлар. Мақсади нима, билайлик. Балки бир иш қилдирмоқ учун чақиргандур. Шунга қараб ҳаракат қиламиз. Жавоир энди чордоқдан тушмасин. Боргандан сўнг анови мальвун, яна бир келиб уни кўриб қолса, ишлар чатоқ бўлади.  
 Кўшни ҳовлида қандайдир шовқин-сурон кўтарилди. Фришлар у ёққа,

бу ёкка чопкилашдилар. Қариялар дархол ичкарига киришди. Улар парда ортидан ҳовлини кузатдилар. “Шўрбажи” уйдан чошиб чиқди, бориб машинасига минди, кўз очиб юмгунча кўздан ғойиб бўлиб кетди. Абибулла тез-тез молхона ёнидаги замбилғалтакни унинг олдига олиб келиб қўйди. Ёнига икки-уч ёғоч ҳам қўйди. Бу ишни бошқа олмонларга сездирмай, эҳтиёткорлик билан қилди. Уйга кириб ҳам улгурмаганди, эшик олдига машина келиб тўхтади, ундан комендант тушди, Абибулла оғанинг уйига қаради. Бироз ўйлади. Сўнгра ичкарига кирди.

– Алима, Жавоир, туRINGлар, анави аблах келди, – деди Абибулла паст овозда. Асан қариянинг ранги ўчиб кетди. Азизанинг қўлида йиғлаётган Сарварга қаради. Индамади. Қулоқлари гаранг, кўзлари кўр одам каби, индамай турди. Қўлига таёғини олди. Ҳовлига чиқмоқчи бўлди, сўнгра тўхтади. У ёкка, бу ёкка назар ташлади.

– Нима қидираяпсиз, бува? – деди Азиза.

Бува ҳеч нарса демади, бориб кароват устига ўтирди. Ҳозиргина Алималар кирган эшикка қараб ўтирди. Негадир юраги санча бошлади, нафаси тутилди. Камзулининг ёқасини ечди, эркин нафас олмоқчи бўлди, лекин кўксидаги оғриқ унга имкон бермади. Яхшики, улар кўп ўралашмадилар. Эшикни Тараша очиб чиқди, унинг орқасида Жавоир кўринди. Сўнгра Алима билан Абибулла. Бува ён чўнтагидан дори олиб, тилининг тубига ташлади. Бир-икки дақиқа индамай ўтирди, сўнгра эшик ёнида унга бокиб безовта бўлаётган Азизага қаради. Бир нарса демади.

– Оқёрдан оғир ярали немис офицерларини келтирган эканлар, уларга қараб туриш учун ёрдам керак эмиш. Жавоирни ҳам у ерда... – деди Абибулла эшикдан кирганда.

– Ушаларнинг кўргилигини буларга ҳам кўргазсин, илоҳо, – деди бува нафрат билан.

– Бува, мен у ерга ўлдирсалар ҳам бормаيمان, – деди Жавоир. Қўлидаги комендант бериб юборган қоғозни гижимлаб отди. Бобосининг бўйнига осилиб йиғлади.

– Тўхта, болам, бирдан ундай дема, бир нарсалар қилиш керак...

Алиманинг оғиз очишга холи йўк, қаттиқ эсанкираган ҳолда ўтирарди.

– Бир-икки кун бориш керак бўлса, сен билан бирга ўзим ҳам бораман. Кейин бир нарса бўлар, – энгашиб ердаги қоғозни олди.

– Бу ҳали бизга керак бўлади, болам, – деб Жавоирга берди. Эртаси куни эрталаб жангдан олдин хастахона бўлган ерга Жавоир билан, кечкурун келишиб олганларидай, бобо ҳам борди. Касалхонанинг фақат биноси эмас унинг ҳовлиси ҳам ярадорлар билан тўла эди. Улар бошдан-оёқ бинт билан ўралган эдилар, ўлик каби чўзилиб ётардилар. Ҳамширалар уларга дори берар, яраларини тозалаб қайтадан боғлар, бу ерда Жавоир каби мажбуран келтирилган қизларга, тўхтамай буйруқ бериб турардилар.

– Ярадорни қайтадан боғлашга хозирла!

– Яраларни арт!

– Ифлос бинтларни олиб кет!

– Янгисини, янгисини келтир!

– Ўликни ҳовлига олиб чиқинглар!

Бошқа тарафдан ярадор офицерлар қичқирар эдилар.

– Эй киз, бошимни кўтар!

– Менга сув бер, ичим ёниб кетаяпди! – Врaчни чақир, ёнимда ўтир!

Қизлар бу ерда кўп, лекин бир-бири билан танишишга, гаплашишга имкон йўк. Жавоир билан Ойша бир палатанинг ярадорларига қарардилар. Ойша Жавоирнинг акаси Жаъфар билан бир синфда ўқиган эдилар. Жавоир улар бир-бирини севишларини сезар эди. У Ойшани ҳурмат қилар, вақти бўлса у билан гаплашишни хоҳлар эди. Лекин бош кўтаришга чоралари ҳам, фурсатлари ҳам йўк.

Уларнинг палатасига эрталаб келтирилган офицер алахсирамоқда эди.

Тўхта-май гапирар, онасини, отасини чакирар, қизларни нафас олишга қўймасди. Ёнига боргудай бўлса, қўлига ёпишар, қимирлашга қўймасди. Қўллари муз каби худди ўликка ўхшарди. Қорнидан ярадор бўлганди. Бир соатча олдин унинг ярасини очиб ювдилар. Ичаклари очилиб бир бирига аралашиб кетганди. Тиббиёт ходимларига ёрдам бериб турган Жавоирнинг боши айланиб, кўнгли айнади, пешонаси муздай эди. Безгак туган одамдай терлаб кетди. Чайқалди, йиқила ёзди. Ойша уни дарҳол коридорга олиб чиқди. Совуқ сув берди. Жавоир сал ўзига келганидан кейин, уни юпатди ва:

– Узингни тутишни бил, итга ит ўлими, уларни бу ерга ким чакирган?! – деди. – Улар бизнинг оғаларимизни, оталаримизни отмоқда, ўлдирмоқда, халқимизни хўрламоқда.

Жавоир кўзёшларини артди:

– Мен унга ачинмайман. Улар ачинадиган жониворлар эмас. Тунов куни ўқитувчи Февзия опамизни ўлдиришди. Менинг уларни кўришга тоқатим йўқ.

– Уларни кўришни истаган одам борми?!

Ойша Жавоирга қайғули назар ташлади.

– Нима қилиш мумкин?

Қизлар бир-бирига боққанча жим бўлиб қолдилар.

Урталиқ қоронғилашган маҳалда кўп бакираётган ярадорларга укол қилиб тинчлантирдилар. Шундан сўнг қизларга уйга қайтишга рухсат этилди.

## 19

Жавоир касал бўлиб олмон врачидан ишга чиқмасликка рухсат берувчи қоғоз олган кунининг эртасига ўзини бироз яхши ҳис этдими, йўқса қилар ишлари кўпмиди, неки бўлмасин, эрталаб вахлик турди. Онаси билан бирга бир финжон чой ичар-ичмас, қайгадир кетмакка ҳозирланди.

– Йўл бўлсин, болам, – деди Алима.

Қизнинг бошида бир-бирига зид келадиган минг турли фикрлар айланса-да, ўзини парвосиз қилиб кўрсатишга тиришди:

– Яхшиям эсимга тушди, мен бугун эрталабдан ҳақимга боришим керак эди.

Алима қизига синовчи назарлар билан қаради.

– Бир ўзинг борасанми? – деди безовталанган ҳолда.

– Албатта, бугун яхшиман, ундан сўнг, қўлимда олмон ҳақимининг ташҳиси бор. Менга яна нима керак?

– Кеча баланд ҳарорат билан қалтираб ётган хаста бир кечада саримсоқдай бўлди, десанг-чи? – Алима қизининг рангпар чиройига, ҳорғин кўзларига диққат билан боқди. – Тиззаларинг қалтираб, оёқ устида зўрға турибсан-ку, болам, бугун тонгда ҳам ўрнингда кимирламай ётган эдинг...

– Энди жуда талтайиб-ялпайиб ётадиган вақт эмас-ку, онажон, – деди Жавоир.

Алима қулайсизланди. Жавоир энди унга: “Боласини немисга хизматга бермай қочириб юборган ҳамда фашистларнинг қалтакларига лабларини чимириб ёнинг демай чидаган Хатижа опачалик бўлолмайсизми, онажон,” – дегандай туюлди. Кўзларини куйига олди.

– Касаллик билан ҳазиллашиб бўлмайди, болам, – деди ичкин сас билан.

Қиз кулимсиради, яқинлашиб онасини маҳкам кучоқлади.

– Ҳаммасини тушунаман, она, – деди қатъий овоз билан.

Алима қизининг ҳаракатидан ва охиригача айтилмаган сўзларидан: “Қилинадиган ишни барибир қилиш керак”, – деган маънони англади. Юрагини бирда ҳаяжон, бирда даҳшат қуршаб олди, лекин индамади. Турли чигал фикрлар остида қизининг чиқиб кетганини ҳам сезмади.

Қўлида олмонларнинг рухсатномаси бўлгани учун, Жавоир эшик ёни-

да турган хотиндан осонлик билан халат олиб, госпиталга кирди. Лекин хизмат қилиб юрган палатасига уни яқин йўлатмадилар.

– Сенинг дугонанг у ерда катта одамга қараяпти, – деди унинг ёнидан ўтиб кетаётган ёш, пўстал ёнокли, тўла мучали ҳамшира. – Сен-мен кабиларнинг у ерга кириш у ёқда турсин, яқин йўлашни ҳам ман қилганлар. Бекорга бунда кутиб, вақтингни ўтказма, – деди дағал товуш билан. Товонлари билан полни дуқуллаганча, узун коридор бўйлаб кетди.

Жавоир ортидан қараб қоларкан, кимнингдир:

– Ҳей қиз, бу ёққа кел, – деган овозини эшитиб, орқасига ўгирилди.

Амалиёт хонасини йиғиштираётган хотин. Жавоир уни яхши танийди.

Жавоирлар бу ерга келган илк куни, бир неча соат бирга ишлаган эдилар. Узун бўйли, йирик суюкли, билаклари эркакларники каби қучли хотиннинг манглайдан тер оқарди. Қўлида қонли бинт ва пахта тўла лаган, ўнг қўлтиғида ҳалигина кесиб олинган катта бир оёқ.

Жавоир тез-тез юриб, унинг ёнига борди.

Манов лаганни ол, оёқ оғир экан, – у афтини бужмайтирди. – Қаёққа кетаётганнинг билмасанг, шундай бўлади, оёғингни шарт кесиб оладилар, – мингирлади хотин. Сўнгра олазарак бўлиб у ёққа – бу ёққа бир қараб олди. – Ойшага келдингми? – деб сўради паст овоз билан.

Жавоир унинг қўлтиғи тубидаги оёққа қараб қўйди, даҳшатга тушиб ютқинди. Унинг сўзини тасдиқлагандай, бошини силкитди. Хотин орқалдига қарамай кетмакда эди.

– Келдим, аммо уни кўришнинг иложи бўлмапти негадир, – деди. Хотин, ҳеч гапни эшитмаган одамдай, индамади. Қаршидан келаётган жарроҳни кўриши билан одимларини тезлаштирди.

Қўлларидаги нарсаларни ҳовлининг бир четидаги катта темир яшикка отганда, хотин Жавоирга жиддий тикилиб қаради.

– Сен бугун Ойшани кўрмагунча, ҳеч ёққа кетма! – деди буйруқ берувчи сас билан. – Мен унга сенинг келганингни айтаман. Бояги ерда кутасан.

Нонуштагача Жавоирга бу яшик ёнига яна бир неча марта келди. Нонуштадан сўнг эса, бутунлай умидсизланди. Чунки бўлим мудирини унга бир палатанинг ярадорларига қараб туришни буюрган эди. У ерда иш кўп, бош кўтаришнинг иложи йўқ, Оғир ярадорлар эди. Иккитаси мурда каби чўзилиб қолганди. Бирининг оёғи кесилган, бошқасининг қўли, яна биттасининг кўкрак қафаси эзилиб кетган...

Палата ҳамшираси Жавоирнинг қўлига бир қоғозча тутқазди, катта ҳамширадан дори келтиришга юборди. Беш-олти шиша суюқ дорилар.. Қиз уларни қучоғига олиб кетаётганда, даҳлиз ичида, Ойша билан юзма-юз келиб қолдилар.

– Соғ-саломатмисан? – деди қайғули овоз билан Ойша, чехраси бирдан жиддийлашди. – Сени менга бугун Оллоҳ юборди.

Жавоир ҳеч нима демади, қизга диққат билан қаради.

– Қайтганда, мени ҳовли эшиги ёнида кут, – деди Ойша ва ўзининг палатасига кирди.

Жавоир, Ойша айтган ерга борганда, ўрталиқ қоронғилаша бошлаган эди. Ҳовли ичида бир пана жойда танҳо турди. Бу вақт қорни жуда оч бўлиб, тизлари қалтираётганини ҳис қилди. Эрталабдан бери оғзига бир лўқма олмаганини хотирлади. “Онам, ким билсин, қандай хавотирда ўтиргандир?” – деб безовта бўлди.

Тор йўлкада бири бирининг кетидан келаётган Ойша билан амалиётхона сохибаси пайдо бўлдилар. Ойшанинг қўлида ҳеч нарса йўқ. Хотин Жавоирни кўрган заҳоти сумкасини ўнг қўлидан сўл қўлига олди. Лекин иккиси ҳам тўхтамади. Унинг ёнидан бир сўз ҳам айтмай ўтиб кетдилар. Ҳовли эшигидан чиққандан сўнг, анча жойгача бир-бирига сўз котмадилар. Ойша билан хотин бирдан бурилиб, ўнг тарафдаги тор кўчага кирдилар. Жавоир уларнинг ортидан етишиб олишга ошиқди. Олдинда кетаётган Ойша одим-

ларини секинлаштириб, ўгирилиб ортига қаради. Сўнгра тўхтади. Хотин, яқинлашар-яқинлашмас, сумкасини очди, ичидан ўралган бир нарса чиқариб, қизнинг қўлига тутқизди. Ўзи яна йўлида давом этди.

Бутун ҳаракатлар жиддий бир иш қилинганини билдирар эди.

Жавоир бориши билан Ойша қўлидаги ўроғлиқ нарсани узатди:

– Бунинг ичида дорилар, тиббий воситалар, ашёлар бор. Бизнинг одамлар учун сув билан ҳаводай зарур нарсалар. Уйингга обориб кўй. Лекин ҳеч ким кўрмасин, – деди. У ўзи ҳам буни яхши англади. Дугонасига яна бир қараб олди. – Эртага ишга вақтлик кел, иш бор, – ўнг тарафга бурилди-да, ўзларининг уйлари тарафга кетди.

Бу воқеадан сўнг Жавоир билан Ойша олмон ярадорларига “садоқат билан” хизмат қилдилар. Жавоир уйига тез-тез шундай кичик-кичик бўҳчалар билан келадиган бўлди.

Алима биринчи кунлари қизининг госпиталга очик чеҳра билан кетишларидан жуда таажжубда ҳам хавотирда эди. Кейинроқ бунинг сабабини англади.

– Болам, ҳар бир қадамнингни билиб бос, – дерди у ҳар сабоҳ қизини ишга йўллаётганда.

Жавоир ишдан қайтиб келгунча, ичини қанчалар ит тирнаганини бир ўзи билади.

Ойша ҳафтада бир ё икки карра уларнинг уйида меҳмон бўлар ва оқшомлари Жавоир билан иккови бир-икки соат қайларгадир йўқ бўлиб кетардилар.

Кунларнинг бирида улар яна шундай, кечкурун, атроф қоронғилашиши билан, икки қиз айланишга кетаётгандай уйдан чиқиб кетдилар. Лекин тонггача қайтиб келмадилар. Ишларини шоша-пиша тамомлаган Алима эшикдан деразага, деразадан эшикка чопди. Ёнди, қоврулди. Лекин қизлардан хабар-мабар бўлмади. Тонг отди, офтоб туғди. Алиманинг уйи кўринмас олов ичида қолди.

Алима болаларини, уйдан ҳеч қаёққа чиқманглар, дея танбихлади. Қалин шол рўмолини елкалари устига олиб, балки, бир нарсалар эшитарман, деб, қуйи ма-ҳаллага йўл олди. Лекин у ерда бирон янгилик эшитмади. Ҳақто баъзи бировларнинг унга терс қараб ўтганларини сизди. У эсанкиради. Йўлнинг ўртасига чиқиб: “Одамлар, юртдошларим, менинг боламда ҳеч қандай гуноҳ йўқ, у биллурдай, топ-тоза. Бу келгиндиларга хизмат қилиш эмас, уларнинг ичига ўт кўйиш, уларни йиқитиш учун олиб борилаётган ҳаракат, қизим бу азиз тупроқ учун, сизлар учун ёш жонини фидо қилишга тайёр!” – деб кичқиргиси келди.

Дўстлари унга доимо: “Алима, сенинг табиатинг тоза, ҳар қандай вазиятда ўзингни тутишни биласан. Биз каби қизикқон эмассан. Ироданг пўлат каби”, – дер эдилар. Лекин, энди оёғи қалтираяпти. Ўзини тайғоқ муз устида тургандай ҳис қиляпти. Нақ бармоғинг тегса – йиқиладигандай.

Алима юқори ва пастки маҳаллаларни бир-бирдан айириб турган, кечакундуз тўхтамай оқиб ётадиган чашманинг ёнига борди. Ичидан чиқаётган оташ-оловни сўндиришга тиришгандай, қўш ҳовучлаб салқин сувдан ичди. Чеҳрасини хўл қўллари билан сийпади. Юраги озгина тасалли топгандай бўлди. “Қайнотамнинг уйига боришим керак”, – деб пичирлади дудоклари. Улар яшайдиган кўча томонга йўналди.

Қайнога-қайнона бундай вазиятда нима дейишар экан?

Иккисининг ҳам юзлари қорайди, кўкарди, нафаслари ичига тушди.

Юқори маҳаллага кетаётганда, бобо Ойшаларнинг уйига кирди.

Оташ тушган ерини ёқади. Ойшанинг онаси ҳам ёниб-қоврулиб қолган. Хаёли тарқоқ, ақлини йўқотган одам каби хуркиб-хуркиб боқар эди. У, бобони таниган захоти ўрнидан сакраб турди, қўшнисини бир четга тортди.

– Асан амакижон, болалардан бирон бир хабар келтирдингизми? – деди энтикиб. – Эрталабдан бери уйингизга ўн карра бориб келгандирман. Уйда болалардан бошқа ҳеч кимсани учратмадим...

Бобо ишнинг ғоят жиддийлашганини эндигина чукур англади. Тезроқ кетишга, чор атрофни излашга ошиқди.

Икки ёш қиздан шу куни оқшомгача хабар-мабар бўлмади. Гўё ер ёрилгану бу икки ёшни ютганми, дейсан.

Атофга қуюқ зулумот чўкканда, бошга бир бало тушиб, қора мотам ичида қолгандай, сукут ичидаги уйнинг ҳовли эшиги секингина, ғийқ этиб очилди. Дахлизда ўтирган одамлар бир-бирига қарадилар. Асан бобо таёғини олиб, ўрнидан турди. Лекин у ташқарига чиқиб улгурмади. Бўсага устида Жавоир пайдо бўлди. Сочлари чигал бўлиб кетган, камзули йиртиқ, кўзлари сўниккан, юзлари кўкарган...

## 20

Эшикда кўринган Азиза бирдан тўхтади, ичкари киришини ҳам, ортига қайтишини ҳам билмади. Кўзёшларини артаётган Алиманинқаршисида ўзини, нима учундир, айбдордай ҳис қилди. Унинг кўзёшини кўрмоқдан кўрқяптими? Йўқса... Азизанинқ эри ҳам, болалари ҳам ёнида. Бунинг сабаби бор, албатта. Болалари ҳали ёш, эри эса қийшайиб қолган хаста одам. Уч акаси эса жангда. Улардан хат-хабар йўқ эди. (Аслида эса уларнинг уччови ҳам Ватан учун жангларда қурбон бўлиб кетадилар. Ниёзий билан Козим Оқерда, Усейн эса Кавказда ҳалок бўладилар).

Алима уни кўриши билан ўрнидан турди, кўзёшларини артди.

– Кир, Азиза, – деди секин, бўсағада журъатсиз турган хотинга. – Юракларим қоғоздай юпқалашиб кетди...

Азиза бошини силкиди, нима деб унинг кўнглини олишни билмади.

– Жавоирга сут олиб келдим, иссиқ-иссиқ ичса, яхши бўлади.

– Кечагидан қолгани ҳали бор эди.

– Бу янги, ҳозир пиширдим.

Жавоир ётган жойидан кўтарилди, уларнинг иккисининг ҳам кўнглини олиш учун, сутни ичкиси келаётганини айтди.

Азиза Жавоирнинг оёқ учига – каравотга ўтирди. Касалнинг ҳолаҳволини сўради. Аслида нега кирганининг сабабини айтолмай, чайналди.

– Афу этинглар, – деди охир-оқибат чидаёлмай. – Мен Асан амакининг сўзидан сизларнинг мундан кетмоқчи бўлганингизни англадим. Қиш-қиёмат куни қаёққа ва нега кетмоқчи бўляпсизлар? – деди қизгин сас билан, ачинган ҳолда.

Алима Азизага боқди, чукур хўрсинди:

– Ҳозир билмайман, лекин мутлоқ кетиш керак. Анави малъун боламининг ёқасини қўйворадиганга ўхшамайди. – Азиза асли гап нимадалигини англади, индамади. Кеча оқшом олдин сепалай бошланган ёмғир энди кучланди, тун бўйи тўхтамади, тонгга яқин янада шиддатли тус олди. Унинг шовуллашидан уйғонган Алима анча вақтгача бўлар-бўлмас, даҳшатли хаёллар оғушида бўлди. Уғли Жаъфардан бор-йўғи биргина мактуб келди. Она бу мактубни кеча-кундуз кўйнида ўзи билан олиб юради. Мактубни шундай ёзганки, ўқиб, жангда эмас ёзлик таътилда, қавмдошларининг уйида дам оляптими, дейсиз. Ҳар жумласини “онажоним” сўзи билан бошлаган.

Эридан эса негадир хат-хабар йўқ.

Ерда, қариндошлари ёнида ётган Жавоирнинг уйқуси нотинч. Тўсатдан бир нималар дейди, бир ёнбошидан бошқа ёнбошига ағдарилади. Иссиқдан бўғилиб кетгандай кўрпасини четга уйиб ташлайди. Сўнгра, совуқ ейди шекилли, тўшагида ғужанак бўлади. Она ҳозир ҳам ўрнидан туриб, унинг устини ўради. Дераза ёнига бориб, ташқарига қаради. Тарновлардан сув оқмоқда. Кундуз ҳам шундай ёғса... Бола-чақа билан қаёққа кетишади? Қизи Жавоир – комендантнинг назарида. Илон инининг оғзида турган чумчуқ каби. Унинг ютишини кутиш керакми?..

– Она, сизга нима бўлди? Нега ухламайсиз? – Жавоир, кўрпага ўранган ҳолда, тўшагида ўтирарди.

Алима тезроқ ўзини қўлга олишга тиришди.

– Ёмғирнинг шар-шаридан уйғондим, – деди хирқироқ овоз билан. – Уйқум кочди... Дарвоке, турадиган вақт ҳам бўлди ўзи... Хонанинг ичи ёриша бошлаган эди. Болалар ҳам уйғонишди. Сарварчик сув истаб йиғлади. Хонанинг ичи совук бўлганини Алима болалар тургандан кейин ҳис қилди. Дарҳол ўчоққа ўт қалади.

Оила аъзолари дастурхон устида эрталабки чой ичаётганда, кўча эшиги қаттиқ-қаттиқ қоқилди. Алима довдираб, Жавоирга қаради. У елкаларини қисди. Сўнгра эшикка милтиқнинг кўндоғи билан урдилар.

– Ким? – деб кичкирди Абибулла.

– Оч! Тез бўл! – фашист яна бир нарсалар деди, сўкинди.

– Мунда ҳеч ким йўқ... – деди уй соҳиби ва қаттиқ-қаттиқ йўталди.

– Оч дейман сенга! – милтиқ отилди.

Эшик очилар-очилмас, икки олмон аскарари ичкарига суқилди. Қўлларида автоматлари.

– Бизга Жавоир билан онаси керак! – дедилар.

Алима каравот устида ўйнаб ўтирган боласига ёпишди. Баланд бўйли фашист болани онасининг қўлидан олиб, бўсаға ёнида қалтираб турган Азизага тутқазди.

– Бу бизга керакмас, қизинг билан икковинг юринглар! – деб жекирди.

Энвер, Камол, Алия дод-вой кўтариб, она ва опаларига ёпишдилар. Фашистлар уларни қўлларидан тутиб, хонанинг ўртасига иткитиб ташладилар. Шовқин-сурон ичида автоматлилар Жавоир билан онасини уйдан олиб чиқдилар.

Алима ўйлаганидай, улар қабристон томонга эмас, асфальт йўл бўйлаб қуйи маҳалла томон кетдилар. Бироз юргандан сўнг, иккисининг ҳам ёмғирда шишган юпқа эгниларидан пастга сув оқа бошлади. Иккисининг оёғида уй ичида кийиб юрган астари юнг билан қопланган махсилар. Иккиси ҳам совуқни туймади. Қулоқларида болаларнинг фарёдлари янграрди.

Уларнинг жонларига қасд этгандай, бу орада ёмғир шаррос қуя бошлади. Йўл-нинг икки четидаги чуқур-юза ариқлар сувга тўлиб-тошди. Текис йўлнинг устини ювиб тушган ёмғир суви ариққа бориб қуюлгач, шариллаб пастга чопқиллар эди. Она, табиатнинг хужумига, марҳаматсизлигига қулоқ осмас, икки кўзи қизида эди. У ҳозир, бир эмас, ўн жони бўлса ҳам, ҳаммасини қизига ва уйда қолган болаларига беришга тайёр. Фақат болалари соғ қолсайди...

Жавоирнинг устидаги ёмон яралари энди тузала бошлаган эди. Ҳозир эса тиззалари қалтираб, игна санча бошлади, мактаб биносига кираётганда, кўз ўнгини туман қоқлади. Уннга-сўлга чайқалди. Онаси елкаларидан тутди.

– Жавоир, ўзингни тут, жоним болам! – деб ёлворди она.

Яхшики, кўп юрмадилар, уларни қаршидаги кичкина бир хонага киритдилар.

Алима Жавоирни хона ўртасидаги ягона курсига ўтқазди. Қизининг пиджагининг чўнтагидан рўмолчасини олиб, унинг ҳўл сочларини, юзини артишни истади, аммо рўмолча ҳам жиққа ҳўл эди. Нима қилишни билмай, теварагига аланглаб турганда, ёндош хонадан оқ халатли, тўла вужудли, чиройли, аммо қарашлари қаттиқ бир хотин чиқди. “Меҳмонларга” тикилиб-тикилиб қаради. Ҳеч нарса демади. Ортига қайтиб, хонасига кирди. Икки-уч дақиқалан сўнг яна чиқди. Қўлидаги оқ, учбурчак рўмолни Алимага узатди. Узи, тилсиз одам каби, бир сўз ҳам айтмади. Дераза олдида бориб, ташқарига қараб турди.

Ён томондаги хонадан қандайдир инграган овозлар эшитилди. Жавоир билан онаси бир-бирларига қарадилар, индамадилар. Хонанинг ичи иссиқ, ҳавоси тоза. Қиз анчагина ўзига келиб қолган эди. Бу ерга онаси иккаласини

нима учун келтирганларининг сабабини билолмай хавотирда эди.

Эшик бирдан очилди. Ичкарига, бир соат аввал уларни бу ерга келтирган – фрицлар эмас, бошқа икки нимжон кирди. Бири кўринишидан ўттиз-ўттиз икки ёшларда, баланд бўйли, билаклари юнгли, ҳаракатчан, бутун умри бадантарбия билан чиниққанга ўхшарди. Кўзлари мовий, қараши ҳам совуқ. Она билан қизнинг гапларини эшитмагандай, дераза ёнидаги хотинга ўз тилида бир нималар айтди. Кўлларини кўкси устида чалиштириб турди. Иккинчиси ўрта бўйли, нимжонгина ўғлон. Мактаб боласига ўхшайди. Сочлари қуюқ, каштан тусда. Чиройи қочик. Ора-сира кўз кири билан она-болага қараб олади. Узун қошлари тугум-туғум...

Ичкаридан болаларни дарсга даъват этгандай, занг овози эшитилди. Баланд бўйли фриц бирдан Жавоир билан Алимага, олдимга тушинглар, дегандай автомат билан имо қилди.

Уларни кенг ва ёруғ хонага олиб кирдилар. Тўрдаги ўтирган йўғон гавдали фриц, кирганларга кулоқ солмай, бир нималар ёзишда давом этди. Алима қаршисидаги офицерга қаради. Унинг сочлари силлиқ таралган. Дазмоланган камзулининг кирралари бузилмаган...

Кўзлари ўнгида бундан тўрт-беш кун аввалги бўсаға устида, сочлари пахмайган, уст-боши йиртик, чехраси кўқарган ҳолда турган Жавоир, ундан кейин яқинда ҳол-аҳволини сўраб борган Хатижа пайдо бўлди. Унинг чехраси, бўйни тимдаланган, кўзларининг тублари кўқариб шишган, осилган. Лаблари ёрилган. Кўкрак қафаси эзик, нафас олишдан кўрқади. Шундай ҳолда бўлса ҳам, юрагининг туб-тубида мамнуният яшайди, юртдошига боқаркан, теран нафас олди.

– Соғ бўл, Алима, – деди босиқ овоз билан. Сен дуч келмаган бўлсанг, бирдан-бир ёлғиз болам нақ оташнинг ўртасига тушар экан...

– Офицер автоматлиларга ишора билан эшикни кўрсатди. Улар чиқиб кетган-дан сўнг, Жавоирга диққат билан ва узок тикилиб турди. Оҳиста ўрнидан турди. Кўлларини орқасига тугиб, хона ичида олдинга-орқага юрди, ниҳоят, девор ёнида турган қизнинг қаршисида келиб тўхтади.

– Нега госпиталга бормайсан? – деб сўради олмон тилида.

– Қасал эдим.

– Ёлғон!

Қиз индамади.

– Ёлғон! – деб жекирди яна бир марта. Йилтираган этиклари билан полни аяб босгандай, оҳиста-оҳиста яна олдинга-орқага юрди. Сўнгра тўхтади.

– Сен соппа-соғ эдинг. У куни тоғ эчкисидай чопдинг. Сал шошилмаганимизда, куз шамолидай, ўрмонга сингиб кетардингиз. Сенга янги хабарлар айттай, – у, мамнун ҳолда кўлларини шимининг чўнтақларига сукди. Кифтларини кўтарди. – Сизларни кутиб олишга келган йигитларни ер тишлатдик. Уликлари ҳалиям ўша ерда ётипти. Истасанг кўрсатишим мумкин. Қайтишни истамасанг, ўзинг ҳам у ерда қолишинг мумкин. – Шақиллаб кулди. – Лекин, афсуслар бўлсин, сени энди у ерга олиб боришга вақтимиз йўқ. – оҳиста-оҳиста юраркан, кутилмаганда ўгирилди. Қўнғироқчани олиб чалди.

Икки аскар усти-бошлари қонли икки хотинни олиб кирди.

Эшикдан биринчи Ойшанинг онаси Эмина, унинг ортидан таниш бўлмаган бир хотин кирди. Бу манзарани кўрган Аминанинг ва қизнинг юзлари тупроқ- ранг бўлиб кетди. Кийимлари йиртилиб, калтақдан билакларида соғ жойи қолмаган хотинларнинг оёқ устида туришга мажоллари бўлмагани учун, эшик ёнидаги курсиларни хонанинг ўртасига олиб, ўтиргизиб қўйдилар.

Эмина чайқалиб, йиқилаётганда, ёнидаги фриц елкасидан тутиб қолди.

– Буларни танийсизларми? – деб сўради офицер Алимадан ўз тилида.

У ҳеч нарса ни англамади.

Офицер Жавоирга жекирди:

- Сен сўра, у бу хотинларни танийдими?
- Немисчани мен ҳам яхши англамайман, – деди Жавоир.
- Офицер тик туриб ўнг тарафга қаради.
- Натани чакиринглар, – деб қичқирди.

Кимдир чошиб кетди. Бироздан кейин хонага гўзал кийимда Наташа кирди. Уни мундаги хотинларнинг ҳаммаси яхши танийди. Наташа уларнинг кишлокдоши, бир маҳаллада турардилар. Шаҳарда институтда ўқир эди. Отаси, қиз кичкиналигида қазо этганди. Яхши одам эди. Уни маҳалладошлари “аравачи Костя” дер эди. Онаси умр бўйи хасталикдан боши чиқмаган хотин бўлиб, қачон қарасанг, манглайи қийиқ билан боғлоғлиқ, кўзлари қизариб юргани-юрган эди. Алима унинг энсасига бир неча марта зулук ҳам қўйган эди.

– Бундай касалликка дучор бўлишимга Наташа сабабчи бўлди. Шаҳарда бебошларга қўшилиб кетди, уйда ойда-йилда бир бўлади. У пул учун... – деб йиғлаган эди урушдан бир мунча аввал.

Наташа энди немис офицери билан тил топишган, уруш тугаса, Олмонияга кетармиш. Ҳа, уларнинг ғалаба қозонишларига ишончи комил.

Офицер Наташага жиддий қаради.

– Ната, сўрагинчи, Жавоирнинг онаси буларни танийдими? – деди.

Наташа Жавоир билан Алимага кўз қири билан қаради, сўнгра офицернинг айтганларини қирим-татар тилига таржима қилди. Алима ёнма-ён ўтирган, энди бу дунё билан олди-бердилари қолмаган хотинларга қаради. Юраги оғриди.

– Таниймиз! – деди секин.

– Партизан бўлганини ҳам билармидингиз?

– Йўқ. Уйи ёш бола билан тўла хотиндан партизан чиқадими?

– Гап-сўзни кўпайтирманг. Бу сизнинг ишингиз эмас. Бу воқеалар озлик қилдими йўқса? – деб қаттиқ-қаттиқ силталади Наташа. Офицерга бир нималар деб тушунтирди. У яна нималарнидир сўради.

– Қизини ҳам танирмидингиз?

Она-бола, танирдик, дегандек бошларини лиқиллатдилар.

– У ит сендан ҳам чакқон экан.

Жавоир, ўзи ҳам билмаган ҳолда, беихтиёр офицернинг кўзларига қаради.

– Албатта, албатта, у қочиб қутулди. Анови икки анқов ўлди. Сен қопқонга туш-динг. Орқадан бошқа йўлинг қолмади. Ойша қочиб қутулди... Лекин унинг ўрнига энди бизга онаси жавоб беради...

Офицер Наташага бир нарсалар деди, дераза ёнига борди, сигара тутатди.

Қиз бошда ўтирганларга, сўнгра Жавоирнинг онасига қайғули ҳолда боқиб, эшик томонга юрди. Хонадан чиқар-чиқмас, ичкарига икки аскар кирди. Оғизларида тамаки япроғидан ясалган қалин сигаралари. Улар курсида ўтирган хотинларнинг ортларига ўтиб турдилар. Иккиси ҳам сигараларини уст-устига бир неча марта давомли-давомли сўрдилар. Учлари қип-қизил бўлгандан сўнг хотинларнинг кўкракларига босди.

Улардан сас-садо чиқмади. Хонанинг ичида қандайдир хид тарқади. Эмина, қишда бутоқ устида музлаган қуш каби, тап этиб полга йиқилди. Фашист унинг елкаларидан тутиб, оёққа турғазди, мушти билан қорнига бор кучи билан урди. Хотиннинг оғзидан қон оқди. Фашистнинг оёқлари тубида ғужанак бўлиб ётиб қолди. Иккинчи фашист қўшалок муштини таниш бўлмаган хотиннинг бўйни аралаш ўнг елкасига туширди. У ҳам ерга йиқилди. Икки фашист унга яна бир-икки тепки берди, қўлларидан тутиб, судраб олиб кетаётганда, офицер уларни тўхтатди.

– Уларни судраб юрманглар, олиб бориб отиб ташланглар. Ўз чуқурларини ўзлари қазисинлар, – деди қатъий сас билан.

Икки олмон офицери таажжубланиб боқдилар:

“Булар энди ярим ўлик бўлса, чуқурни қандай қазийдилар?” – демоқчи бўлдилар, шекилли.

Офицер кулимсиради.

– Булар жуда чидамли бўлишади. Уларга чукур казиш иш бўлиптими? – деди.

Офицер сигара ёкди. Уни бир неча бора сўрди. Кўзларини қисди. Ўтирган еридан ташқарига назар ташлади. Ёмғир обдан шариллаб ёғмоқда эди. Жавоирга ўтирилди.

– Бу мамлакатнинг одамлари жамоалаштиришни севади. Ёлғиз тириклари эмас, ўликлари ҳам бирликда ётсин! – деди офицер. Сўнгра аскарлардан бирисини ўзига яқин чақирди, унга пичирлаб бир нарсалар деди.

Эмина билан у хотинни арава устига ортдилар. Алима билан Жавоирни эса. қўлларида белкураклари, уларнинг ортидан яёв, кишлокнинг ичидан эмас, теграсидан олиб кетдилар.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### 1

Поезд бир қанча кундан бери кенг, унда-мунда қум тепалари уюрилиб ётган, кавшаниб турган туялар кўринган чўл бағрида сурғалиб борарди. Баъзан эса, у, йўлчиларга қимирламай, бир ерда тўхтаб қолгандай кўринди. Сўри устида, дарчадан қараб кетаётган болалар ва хотинлар, энди ёлғиз туялар эмас, эшаклар ҳам кўрина бошлаганини айтадилар.

Лекин Алима ва унинг болалари ҳеч нарса кўрмайдилар. Вагоннинг эшиги тагида, остонага ёпишиб ётадилар. Баъзан Энвер сўрига тирмашади, дарчадан қарагиси келади. Лекин оёқ кўйишига жой бўлмагани учун, у пастга қайтиб тушишга мажбур бўлади.

Тушдан кейин эшелон бирдан секинлай бошлади, кичкина бир бекатда тўхтади. Сокчилар кичкиришди, бақиринди. Ортдаги икки вагоннинг эшиклари данғир-дунғур очилди, кимлардир шоша-пиша ерга тушдилар:

– Сизлар келдингиз, бошқалар эса тагин кетишлари керак! – деган овоз эшитилди.

Одамлар кўп таажжубланмади. Чунки бу ҳол бир қанча бекатдан буён шундай такрорланиб келмоқда. Нима бўлаётганини англаш унчалик қийин эмасди. Демак, мақсад – бу халқни бир ерда бирга яшатиш эмас, чексиз-чегарасиз мамлакат ичида сочиб ташлашдан иборат эди.

Поезд бир зумда қочди, ортдаги вагон у ёққа-бу ёққа силкина-силкина, кўздан ғойиб бўлди. “Ўз маконларига” келган бахтиқаро одамлар жазирамада сарғайган, қурий бошлаган ўтлар устига ёйилдилар.

Кўзларида, юзларида кўркүв, жирканиш, ачиниш каби туйғулар қоришган ерли одамлар у ёқдан-бу ёққа юрардилар. Мусофирларни катта қора чўян(қозон)ларда қайнаган чойга таклиф қилдилар.

Ҳар ким, бири чойнак, бири коса олиб, қайноқ чой олишга ошиқди. Лекин кўп ўтмай, идишларга тўлдирилган чойлар, жазирамадан, сувсизликдан тарс-тарс ёрилиб ётган ерга тўкиб ташланди. Чунки чой шакарсиз, дам емаган, бунинг устига устак ёғ ҳиди келганидан оғизга олиб бўлмас эди.

Куёш, бутун дунёни-борликни ёндирмоқчидай, қиздирарди. Вагонлардан тушган одамлар бош суқишга жой тополмасдилар. Яқин орада дарахт деган нарса кўринмади. Бироздан сўнг унда-мунда бир отли, икки баланд гупчакли аравалар кўринди. Улардан бири, от устида мажолсиз ҳолда ўтирган Алима билан бир-бирига кўзларини липиллатиб қараб турган болаларнинг ёнига келиб тўхтади.

Кутилмаганда пайдо бўлган қуюқ мўйловли киши аравага қўли билан, буларни ол, дегандай ишора қилди, паст овоз билан бир нарсалар деди. Йигит арава устидан ерга сакраб тушди. Ҳалиги киши билан иккови болаларни кўтариб олиб, арава устига ётқиздилар.

Алима ҳам у кишининг айтганини қилишга тиришди, лекин қўлларида ва оёқларида заррача ҳам мадор йўқ эди. Юксак кўпчакни пастга босолмай

ёпишганча, ҳаракатсиз қолди. Жавоир иккинчи гупчакка тирмашди. Араванинг устига чикқандан сўнг, онасига ёрдам қилиш учун қўлларини узатди:

– Қўлингизни беринг, онажоним, – деди ғамгин товуш билан.

Она қизининг ёрдами билан аравага минган заҳоти кўзлари билан одамлар орасидан Абибулла оға ва унинг оила аъзоларини қидирди. У бу вақт бир ерли одам билан гаплашмоқда эди. Алималарнинг араваси кетишга тайёрланганда, Абибулла оға тез-тез юриб, уларнинг ёнига келди.

– Алима, безовта бўлма, жигар. Ҳаммамизни бир қишлоққа олиб боришаркан, – деди.

Қуёш ўз ётоғига яқинлашаётганда, кимсасиз чўл ичидан кетаётганларида, аравачи, нима учундир безовталана бошлади. Тўсатдан аравани чақир тошли йўлнинг сўл тарафидаги баланд ва зич ўсган қамишли канал бўйига олди-да, от жilовини куч билан тортди. Унинг ҳаракатларидан, қоронғи тушгунча, манзилга етиб олишга ҳаракат қилаётгани кўриниб турарди.

Алима ортиқ ўйлашдан маҳрум бўлгандай. Бамисоли дунё тамом бўлганга ўхшарди. Бу, ёқасиз оқ кўйлакли, почалари тор ва қисқа иштонли, мис одам буларни қаерга олиб кетаётир, ҳол-аҳволлари нима буларкин? Қаерда ва қандай яшашаркин? Ҳабибулла оғанинг айтганидай бўлса, яхши, аммо... Боргандан сўнг, уларни бошқа ёққа олиб кетсалар-чи?.. Ёнида уйкусираб кетаётган болаларга, даҳанини тиззаларига қўйган ҳолда, ўйга чўмиб ўтирган Жавоирга кўз кирини ташлади, кўксини тўлдириб чуқур нафас олди.

Нихоят, қуёш қизариб, уфққа энаётганда, арава тошли-шағалли йўлдан сўл тарафга бурилди. Тор ва икки тарафида қиёкли, баланд бўйли, учлари бўғим-бўғим қамишлар ўсган тупроқ йўл, бири-биридан хароб, унда-мунда, тарқоқ ҳолда, кичкина, пастқам уйчалар кўринди. Деворлар сувалмаган. Қалдирғоч уясини эслатарди.

Аравачи йигит бирдан қамчисини ўйнатди. Бир текис кетаётган от, олдинига бунга парво қилмагандай кўринди, лекин аравачининг қисталанг савашларидан сўнг, тез юришга мажбур бўлди. Узок кетмади, арава кичкина бир уйчанинг олдида, йўл чеккасидаги жийда дарахтининг тубида тўхтади. Баланд бўйли хотин аравачига бир нарсалар айтди. Унинг юзи яхши кўринмасди. Бошига кичкина боланинг қўйлагини ўраган (ерли хотинлар рўмол ўрнига кичкина болаларининг қўйлагини ўраб юрардилар), қикки ўрим, қора, ялтироқ сочлари бошига чамбарак қилиб боғланган эди. Йигит ҳам унга бир нималар деди. Хотин уйига чопиб кирди-да, ичкаридан бир бордоқ олиб чиқди. Уни аравачига узатди. Алима билан Жавоирга ҳадикли ва кийик назарлар билан қараб қўйди. Сўнгра бирдан терс ўгирилди.

Аравачи бордоқни Алимага узатди.

– Сувсагандирсиз, ичинг, қолганини болаларга беринг, – деди. Ўзи аравадан сакраб тушди. Отнинг орқасини сийпалади, хомутларини тузатди. Терс ўгирилиб турган хотинга нималардир айтди. Келиб, аравага тирмашиб миңди.

Йўлчилар, қаймоқдай қуюқ ва совуққина, лаззатли қатикни маза қилиб ялаб-юлқаб ичиб олдилар. Алима бўш бордоқни аравачига қайтариб берди. Унга катта раҳматлар айтди. Аравачи ўнг кўлини кўксига қўйиб, бир нарсалар деди, кулимсиради.

Арава беш-ўн метр юрар-юрмас, кичкина уйчанинг ортида, йўл чеккасида бир қанча хотин ва катта-кичик болалар пайдо бўлди. Уларнинг ҳаммаси, аравага индамай узокдан қараб турдилар.

## 2

Хотинлар япроқлари чанг-тўздан қалинлашиб, оғирлашган ва иссиқдан сарғайган, серновда тол дарахтларининг этагидаги ҳовуздан лойқа сув билан қўлларини, бетларини ювдилар. Сукут сақлаганча, хаёл сурганча, бир-бирларининг ортидан, қаршидаги кўра томонга кетдилар.

Бўлиб ўтган воқеалардан руҳан азият чеккан, бениҳоя чарчаган Жавоирнинг кимирлашга мажболи йўқ. Ариқ четида ўтирган ҳолда, кетаётган хотинларнинг ортидан боқди. Бугун ярим кечадан бери Хатижа, бир дақиқа ҳам тинч ўтирмай, ўзини ҳар ёнга урганди. Шунга қарамай, бошқа хотинларга нисбатан кўриниши у қадар ёмон эмас. Босганда, одамнинг оёқлари кўмилиб кетадиган, қайноқ, юмшоқ ун каби чанг-тупрокни босиб кетаркан, оёқлари куйганидан, тез-тез юришга тиришади. Унинг ортидаги икки ёш хотин (жувон) қайноқ тупрокни ҳам ҳис қилмай, тешик шиппакли оёқларини судраб-судраб босади. Улар учун ҳаётнинг маъноси йўқдай эди. Энвер, Нозим ва яна икки ўғлонни Жавоир мазорликдан чиққандан бери кўргани йўқ. У ерда ўғлонларнинг боқиш-лари ўта дахшатли, кўркувли эди. Қаёққа кетишди, худо билади?

Ийғлайвериб кўзлари қизариб кетган, қора силлик сочли, келишган қоматли Лейла, ўрнидан тураётганда, Жавоирга қаради, олдиларига бормайсанми, деган маънода бошини кимирлатди. Хотинларнинг ортидан оҳиста-оҳиста одимлади.

Бу хотин кун бўйи ҳеч ким билан бир оғиз ҳам гаплашмади. Атрофида хўрланган, ҳолдан тойган, иссиқдан ёнган-куйган, хасталанган одамларга кўркув, баъзан эса нафрат билан боқар эди. Бу оғир, аччиқ, ёндирувчи, инсонни ёқиб кул қиладақ фикрлар уни кеча-кундуз эзгани-эзган. Лекин ўйларини, фикрларини бир ерга жамлолмайди. Бир ерга жамлай деганда, яна симоб каби тиркираб, ёйилиб кетади. Лейла билан, Лейланинг халқи билан бўлиб ўтган воқеаларнинг сабабини билиш у ёқла турсин, юзларча, мингларча одамларнинг, нақ ярим дунё одамнинг ақли етадиган иш эмас бу ишлар.

Ўз уйида, ўз ватанида яшаган, ўз халқини, ватанини севган, шунинг учун ака-укаларидан, опасидан, отасидан айирилган хотинларни, бола-чақани, қари-ёшни беш дақиқа ичида ўзининг она-еридан, она-Ватанидан, бир вақо қолдирмай юлқиб олиб, мингларча километр узоқларга келтириб ирғитмоқ, сочиб юбормоқнинг сабабини англаб етиш учун қандай бош, қандай ақл керак?

Лейла бефойда ҳаёллардан, бош оғритишлардан чарчаб кетган, олдинда йилт этган бир ёруғлик кўрмасди. Бу офатларда қурбон бўлиб кетган ўғлини хотирлайди. “Менинг болагинам қайда, кимларнинг қўлидайкин? Хасталанса, унга кимлар қараркин? Жондан азиз, куч-қувватдан қолган шўрлик ота-онагинам қаерларда, нима қилишаётган экан?” – деб йиғлайди.

Бу ғариб хотиннинг кимлигини Жавоир энди яхши билади. Лейлалар янги рўзғор – ёш оила, аслида Окмачит шаҳрида яшар экан. Уруш бошланиши билан, эри фронтга кетган. Лейла эса икки яшар ўғилчаси билан шаҳар ташқарисидаги бир кишлоқчада – ота-онасининг уйида яшаган. Шаҳар душмандан озод бўлгандан кейин, хўжайинини ўз уйида кутиб олиш мақсадида, Лейла ўғилчаси билан аввал яшаган маконларига қайтган. У ерда бир уюм синган ва ёнган, кўкариб қолган ёғоч тахламларига дуч келган. Жувон – қурувчи муҳандис эди, шаҳарни янги тиклаш, қурилиш ишларига бел боғлаган. Ишдан кеч қайтгани ва бошқа бирон чора бўлмаганлигидан, ўғлини кеча-кундуз ишлайдиган боғчага беришга мажбур бўлган.

Икки-уч кун ўтар-ўтмас, тонгда, бутун қиримтатар халқи каби, уни ўрнидан автоматли аскарлар турғизганлар. Онага болалар боғчасидаги ўғилчаси ҳақида оғиз очишга ҳам қўймаганлар. Орқасига автомат тираб, вагонга олиб бориб тикқанлар. Шундай қилиб, бола у ёқда, боғчада қолган, она эса сургун қилинган.

Лейла Жавоирлардан бир неча вагон олдинда бўлиб, мундан анча узоқда бўлган, “Олтин водий” деб аталган ерга бориб тушган. Жавоирларга яқин кишлоқлардан бирида бўлган ота-онаси эшитган. Уларни қидириб, йўлга чиққан. Топа олмаган. Ҳолдан тойиб, хасталанган, вақтинча ўша ерда – Теракзор кишлоғида қолишга мажбур бўлган.

Шу тариқа, на ота-она бор, на бола бор, на уй-бошпана бор, на Ватан бор.

Хўжайини жангда. Жувон худди беданадай қайга борса, питпилдик бўлиб қолаверган.

Бир кеча Жавоир, кимнингдир ич-ичидан, қон йиғлаётганини эшитиб, уйғонди. Ётган жойида диққат билан қулоқ солди. Узун отқўранинг ичида ундан-мундан инграган товушлар, хир-хир овозлар, ёш болаларнинг бўғиқ, заиф йиғилари эшитиларди. Қиз бошини кўтарди, атрофга назар ташлади. Беш-ўн одим нарида ётган одамларнинг оёқлари учида чўнқайиб ўтирган хотинни кўрди. “У нега ухламай ўтирганийкин”, – деб ўйлади. Дераза ўрнига қолдирилган тешиқлардан ичкарига суқилган ой ёруғи қўранинг ичини ёритиб турарди. Жавоир ўрнидан турди, бировларнинг оёқларини босиб олмасликка тиришиб, эҳтиёткорлик билан хотинга яқинлашди.

Хотин уни на кўрди, на-да пайқади. Бош чаноғини тизларига теккизган кўйи ўтирган ҳолда, овоз чиқармай йиғлар эди.

– Кечирасиз, – деди Жавоир, хотинга ортиқ нима дейишни билмай, кейин жим бўлди.

Хотин бошини кўтарди, Жавоирга шошқин-шошқин қаради.

– Нега ухламаяпсиз? – деди Жавоир.

– Ухлаш учун ётиш керак. Менинг эса ётишга жойим йўқ. Шу ерга келганим-да шу жойгинага суқилган эдим. Ёнбошимдагилар мени сиқиб чиқаришди, – дея пичирлаб деди хотин.

Жавоир қўлини унинг елкасига қўйди:

– Сиз кимлар билан биргасиз? – деб сўради.

– Онам, ака-укаларим...

– Сизга жой топилар...

– Онангиз рози бўладими? – Хотин Жавоирга диққат билан боқди.

– Онам ҳамма нарсани тушунадиган инсон, юринг, – деди Жавоир, унинг билагидан тутди...

Шу тариқа, Лейлани бундаги тақдирдошлари, албатта, ични қорайтирадиган ҳасрат кўйнида ёлғиз қолдирмадилар. Қайғуларини пайлашмоққа (бўлишмоққа, баҳам кўрмоққа) тиришдилар. Жавоир билан онаси уни ёнларига олдилар.

Алима кўпинча унинг кўнглини олишга тиришар ва:

– Сабр қил, синглим, бу дунё бундай қолиб кетмас, бир кун келар, ўзгарар. Оллоҳ ўғилчангни ва ўзингни, ота-онангни соғ-саломат ўз паноҳида асрасин, худо хоҳласа, бир-бирини соғинганлар бир-бири билан топишар, – дейди.

Лейла кундуз кунлари далада ва оқшомлари Жавоирлар билан бирга бўлади. Йиғлаб-сиқташга вақт қолмайди. Кечалари тушида ўғилчасини кўради. Бола, чиройи бузуқ, онасига, нега мени ташлаб кетдингиз, дегандай сускин ҳолда боқиб туради ёхуд уйларида онасига чўзилиб, мени олиб кетинг, деб йиғлайди. Шундай вақтда кўра ичида, туннинг қок ярмида Лейланинг:

– Болам, зурриётим, сени қайдан топайин? – деган бўғиқ овози эшитилади.

Бояги хотинлар ишни бошлаб юборишган, шекилли, сўнгги йўқдай узун қўранинг олдида ҳеч кимса кўринмайди. Июл ойининг куёши ўрталикни обдан қиздирар, соғда-сўлда, орқада-олдинда яқин ерда уй деган нарса йўқ. Қаёққа қарасанг, иссиқдан сарғайган, ивирсиган, топталган, зич япрокли, чанг босган ўтлар. Ҳаво эса оқ олов бўлиб, секин-секин ёнаётганга ўхшаб кўринади.

Жавоирлар яшаган қўранинг ёнидаги қўрадан чиққан бир тўп от чопиб келиб, ховузга ўзларини отди. Боя тиниқ кўринган сувнинг устига қора суюқ балчиқ ялтираб чиқди. Отлар бўйинларини чўзиб, нуқул сувнинг чуқурроқ ерига чўммоққа тиришардилар. “Бу ерда отлар чўмилар экан, болалар бутун кун бу сувдан чиқмайдилар. Шунинг учун улар хасталанар ва ўлар экан-да”, деб ўйлади Жавоир.

Баъзида кримликлар яшаган қўрага ўрта бўйли, ранги захил, афти чечакдан чўтир бўлиб қолган қари раис икки-уч одам билан келиб қолади.

Мана, улар кўра ичида у ёқдан-бу ёққа юрдилар. Хаста ётган одамларни кўздан кечириб, ўзаро бир нималар дея гаплашдилар.

– Сизларни тездан, бир иложини топиб уйларга таркатамиз, – дедилар. Лекин кейинча уларда бундай имкон йўқлиги англашилди. Қишлоқ кичкинагина. Ерли одам оз. Қамишлар ичига кўмилган, ора-сира кўринган, босиқ, тупроқ томли кулбаларда яшаган одамлар “мусофирларни” кўрганда, бирдан довдирар, кўзлари кўрқувга тўлиб, қочиб қолишга уринардилар.

Хатижанинг айтишича, раис қишгача “бу ерда бир одамни ҳам қолдирмаяжак” экан. Ҳозир эса чидаш керак. Лекин одамлар чидай олмаётирлар. Иссиқдан ёнган-куйган болалар бутун кун ариқлар – булғоқ сувлар ичидан чиқмаётирлар, натижада безгак, иситма хасталигига учраб, пашшадай қирилаётирлар.

Жавоир анчагача киприк қоқмай ётди. Яна шу таниш, моғорли қамиш билан ва ўнг-терс кўйилган тол дарахтининг шох-шаббаларила ёпилган шипни, дераза ўрнидаги ойнасиз тешиқларни кўздан кечирди. Ортигача очиқ турган икки қанотли йирик дарвозадан ичкарига тонг ёруғи кирмакда. Лекин бу дарвозалардан ёлғиз ёруғ, озгина саринлик демаса, кечалари итлар, шоқоллар ҳам кирадилар. Шоқоллар бир нечта бўлса, болаларга ташланади. Уларнинг бошлари чўкич каби узун, кўзлари бир жуфт кичкина лампочкадай ёнади.

Одамлар шоқолларнинг ўзидан кўп ҳам кўркмайдилар. Лекин тун қоронғисида чўзиб улишлари қаттиқ ғаш қилади. Болалар эса бири бирини, улар одамларни чангаллаб ўлдиради, деб кўркитишади.

Бу дарвозанинг қоровули букур Усмон бўлганда, мундаги халқ ҳеч нарсадан кўркмас эди. Лекин энди у қария йўқ, уни икки кун аввал дафн этган эдилар. Уша кеча эса шоқоллар, худди ҳозиргидай, эрталабгача улиб чиққан эди. Узи мушукдан салгина катгароқ бўлса-да, зарарқунанда ва йирткич ҳайвон. Ичкарида ўлик борлигини дарҳол сезади. Кечалари, бошларини эгган ҳолда деворлар тагида тўдалашиб юрадилар. Баъзан эса, икки орт оёқлари устига ўтириб олиб, зарда билан, ўликни бу ёққа беринглар, дегандай олд оёқлари билан деворни ва ё дарвозани тимдалайдилар. Лекин қанчалик кўрқинчли бўлмасин, бу ерда дарвозаларни бекитиб қўйиш мумкин эмас, От ахлатининг хидидан ва иссиқдан нафас олишнинг иложи бўлмайди.

Шоқолларнинг ув-уви яна такрорланди. Пишилладилар. Жавоир шошилиб, белига кўтарилди, остидагн пичан шитирлади.

– Нима бўлди? Нима бўлди? – дейишди Алима билан Лейла, бирдан довдираб турган ҳолда.

– Анов ерда... – Жавоир қўли билан кўранинг тўрига ишора қилди.

Учқовлари оёқ учида, эҳтиёткорлик билан ўша ёққа юриб кетдилар. Кўранинг тўрига кетаверишда ерда ётган бир хотиннинг ўн олти яшар ўғли қайтиш бўлган эди.

Онасининг, бамисоли, юраги олов ичида ёнади, тўхтамасдан ўғлининг бошини-сочини сийпалайди.

– Эй жамоат, қондошларим, қаранглар бу йигитнинг бўй-бастига. Унга ўлим лойиқ эдими? Соппа-соғ болам офтоб уриб ўлди. Бундан икки кунгина олдин у ишда эди. Омоч ортидан юриб, холаларига осон бўлсин деб эгат ораларини юмшатар эди. Энди қаранглар унинг ҳолига. Мен бу азаматни, биргина фарзандимни қанаққилиб ерга кўяман, ё Раббин?! – хотиннинг овози зўрға-зўрға, паст ва синиқ эшитилади; лекин бу узундан-узун қилиб қурилган, одамни ғаш қилувчи жимжитлик ҳукм сурган кўра ичида, аросатда ётган одамларнинг устида тўлқинланади, тўхтайди. Уларнинг юракларига санчилади. Аста-аста ҳамма кўтарилди.

Мунда, бу кўра ичида, энди кўп жонлар нобуд бўлди. Олдинлари хотинлар бундай вақтда кичқириб, йиғлаб, қиёмат кўтарар эдилар. Энди, худди жанг майдонидаги каби, бу оғир сонияларни ғам, мотам ичида овоз чиқармаган ҳолда ўтказадилар.

Майитни қабристонга, аввал-азалдан одат бўлиб келганидай, катта кишилар эмас, бир қанча ўғил болалар ва хотинлар олиб бордилар. Чунки от араваининг ичида борадиган беш-олти қария бу қабристондан энди ўзларига

абадий макон топгандилар. Жавоирлар Абибулла оғанинг на ўлигини кўрди, на мозорини. У бечора одам умидсиз ўсал касалига учради. Ўзи шундоғам хаста-жон ва заиф одам бўлганидан, бир кеча-кундузда чехраси инжалашиб қолди. Доимо ўйчан ва сал-пал кулимсираб қарайдиган сирли кўзлари сўниклашди. Оёқлари ва қўллари жонсизланди. Узаниб қолди. Ожиз Азиза, устига бостириб келаётган балони сезгандай, қора ғам-ғуссага чўмди, имкон қидириб тўрт томонга югурди. Хотинлардан кимдир унга Абибулла оғани ўзлари яшаётган Теракзордан кўп узоқда бўлмаган касалхонага олиб боришни тавсия қилган.

Эрта билан тонгда, куёш чиқмасдан олдин, Абибулланинг бир қўлтиғига Нозим, иккинчисига Энвер кирди, Алима билан Азиза ҳаммалари бирга яёв касалхонага кетдилар.

Улар у ердан оқшом, кун қоронғилашаётганда, хастани қолдириб, ўзлари оч-наҳор, ҳорғин ҳолда қайтиб келдилар. Лекин, энг муҳими, рухлари тушқун эмасди.

Хаста кун бўйи бирқанча дориларни ичгандан сўнг, қорнининг оғриғи пасайди, иссиғи туша бошлади.

Алима билан Азиза, эрталаб яна келамиз, деб у билан хайр-хўшлашаётганларида, Абибулла белига кўтарилди:

– Болаларни ёлғиз қолдириб, йўллараро кўп юрманлар. Ишлар шундай кетса, мен икки-уч кунда уйда бўламан, – деди.

Лекин, афсуски, Алима билан Азиза эртаси куни эрталаб уни ўз палатасидан, умуман хастахонадан тополмадилар. У ердагиларнинг айтишига қараганда, у, кундуз жуда яхши экан, кечаси узилибди.

Ёнидаги каравотда ётган ўн-ўн уч ёшлардаги бир ўсмир кўрқиб, атрофга жовдиради.

Палатадагилар эшитмайдиган даражада паст овоз билан:

– Ота кечаси турди, ҳамширадан бир нималар сўради. У, шифокорни чақирди. Шифокор уйкусини бузганлардан жаҳли чиқди. Ҳамширага ўқрайиб-ўқрайиб боқди. Қўлини силқитди. “Унга дори бер”, – деди. Чиқиб кетди. Ҳамшира шифокорнинг айтганини дарҳол бажарди. Амакига ярим стакан сув берди. Шундан сўнг амаки тинчиб қолди. Тонгда эса, бизлар турганда, у жойида йўқ эди. Мен ҳам бу ерда қолишдан кўрқяпман, онам келса, уйимизга қайтаман... – деди.

Ўсмир, чиндан ҳам, кўрққанидан қалт-қалт қиларди. Алима билан Азиза бир-бирларига қарадилар, бу нимаси, дегандай елкаларини қисдилар. Абибулла оғанинг жасади қаерда, уни ким дафн этди, ҳеч кимса билмайди. Икки бечора хотин оқшомгача тинмай ҳар ёққа югурдилар. Лекин бу югур-югурлардан неғадир натижа чиқмади... Уларнинг ёниб-куйишларини кўрган бир хотин:

– Утган куни навбатчи бўлган қиз эртага яна келади. У, сизга нима бўлганини батафсил айтади, тушунтиради. Балки сизнинг одамингиз умуман ўлмагандир, соғдир. Балки, бошқа бўлимга ўтказгандирлар, – деди.

Бу сўз Алима билан Азизага умид бағишлади. Хотинлар эртасига эрталаб яна келмаса бўлмаслигини англаб уйларига қайтдилар. Лекин, таассуфлар бўлсин, уларнинг умидлари пуч бўлиб қикди. У ерда ҳамширани эмас, сочини юлиб йиғлаётган ёш хотинни кўрдилар.

– Қондошларим, кеча бу ерда мен, сизлар кетгандан сўнг, кеч келдим. Ишдан чиқиб келдим, албатта. Сизнинг одамингиз ўтгандан сўнг, менинг ўғилчам, фарзандим жуда кўрққан. Ойижоним! Мени бу кеча бу ерда қолдирманг, уйимизга олиб кетинг, – деди, ёлворди. Бўйнимга, қўлларимга, оёқларимга осилди, ёлворди. “Улар кечаси менга ҳам сув берадилар...” – деб йиғлади. Мен, оҳ, нима қилай, толеи қора, бадбахт, ақлсиз хотин. Боламга кулоқ солмадим. “Икки-уч кунгина ёт, ўғлим, бир яхши тузалиб ол, сўнг олиб кетаман”, – дедим. Уни жаллодларнинг қўлига топшириб кетибман. Энди на ўлиги, на-да тириги ... – Хотин фиғон кўтариб йиғлади. – Боламнинг қабри ҳам бўлмайди... – деб айтиб-айтиб йиғлади.

Мунда майитнинг қабрлари бор, лекин улар ўз қабрларида тинч ётолмай-

дилар. Уларнинг қабрларини шоқоллар осонгига қабаб оладилар, ўядилар, илма-тешиқ қиладилар. Баъзи қабрларнинг устларида янги кўл, оёқ суяклари тупроққа беланиб ётади.

От кўрасида ўтган умри давомида Букур Усмон эмас, Қоровул Усмон номини ташиган қариянинг ярми тешилган қабри ёнида каттакон бир калла ётади. У қариянинг калласими, ёки шоқоллар бошқа жойдан келтирганларми, Оллоҳ билади! У, куёшнинг кескин нуридан қуриб, қорайиб қолган.

Нозим ярми тешилган қабр ичига энгашиб қаради, бирдан четга чопиб кетди, чўккалади, қорнини ушлаб ўқчиди, йиғлади. Бошқа болаларнинг кўзлари олайиб, ранглари оқарди.

Лейла ортиқ чидай олмади, айтиб-айтиб йиғлай бошлади:

– Жамоат, у ерда уруш, қирғин дедик, бу ерда-чи, мингларча километр узокда, от кўралари ичида иссиқдан, иситмадан ўлаётганлар – бу фожиали ўлимларнинг охири борми?! Бу одамларнинг, ёш йигитчаларнинг нима гуноҳи бор эди, Оллоҳим? Бу адолатсизликни, бу ақлсизликни сен кўрмасанг, ким кўради, ё Раббим!!!

Хатижа, Лейлани, ўғлонларни тинчлантиришга тиришди.

– Тўхтанг, жамоат, тўхтанг. Бу ерда бақириб, қиёмат кўтарманглар! Ўзингизни кўлга олинг, ақлингизни йиғинг. Маййитимизни – бахти қароларни ўз маконига кўяйлик, – деди. Кўлига белкуракни олиб, қабр қазишга тутинди.

Энвер билаги билан кўзёшларини артди. Хатижанинг кўлидан белкуракни олди.

Улардан анчагина нарида, дала ичида, пахта суғораётган икки-уч эркак, куёш нуридан кўзгу каби йилтираётган кетмонларини елкага қўйиб, мазорликка келдилар. Аста хотинлар ва болаларнинг олдига яқинлашдилар. Чунки ерли халққа бу одамлар ҳақида жуда хунук ва даҳшатли сўзлар айтилган эди. Энг олдинда келаётган ёш, мўйловлари энди сабза урган, келишган йигитни Жавоир таниди. Уларни бир отлик, баланд гупчакли аравада бу ерга олиб келган эди. У танишга кўзи тушиши билан қизнинг ёнига келди. Бошини силкитиб салом берди. Титкиланган янги қабр-ларга боқаркан, қалин қора кошлари чимирилди.

– Сизлар қабр қазишни билмайсизлар. Умуман, хотинларга бу ишни қилиш гуноҳдир... – деди қатъий оҳангда.

– Буни ўзимиз ҳам биламиз, – деди Жавоир. – Лекин эркакларимизнинг ҳаммаси урушда.

– Биз-чи, биз, биз одам эмасми? Сизлар чақирдингиз-у, бизлар йўқ дедикми? – йигитча бурни тагидан минғирлади.

– Хатижа хола, булар бизга ёрдамга келишипти, – деди Жавоир.

Янги, илиқ тупроқли ва терли камзиллари баданларига ёпишган болалар чуқур ичидан оҳиста чиқдилар. Афтиларини билаклари билан артиб, бир четга ўтиб туришди.

Келган йигитлар ғайрат билан ишга киришдилар. Ишларини битирмагунча бир-бирига бир оғиз ҳам сўз қотишмади. Қабр тайёр бўлгандан кейин эса, унинг ўртасидан ёнга қараб дарахт ковагига ўхшатиб қазишаётганда, Энвер таажжубланди.

Хатижага, улар нима қилишяпти, дегандай эсанкираб уларга тикилди. Аслида, улар нега бундай қилишларини хотин ҳам илгари тушунмаган эди. Инсон кўп нарсани англамайди, билмайди, лекин уни тушуниб етишга, билишга, англашга тиришади. Бундай даражага етиш учун, болаларга нисбатан дунёнинг борди-келдисини олдин англаган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўпроқ тотган хотинга кўп имконлар бўлган эди. Демак, улар, бу ернинг шароитини назар эътиборга олиб, маййитларини шундай дафн этадилар.

– Маййит бундай ковак ичига қўйилса, уни ҳеч қанақа махлуқ безовта қила олмайди, – деди Хатижа Энверга.

Маййитни эҳтиёткорлик билан абадийлик маконига таслим этган йигитлар: “Жойи жаннатда бўлсин, омин!” – деб бетларига фотиҳа тортидилар.

Улар қайтаётганда Жавоирнинг таниши бир нарса айтмоқчи бўлди, лекин қизнинг ёнида турган Энверни кўриб, тўхтади. Бироз ўйланиб турди, сўнгра дўстларининг ортидан кетди.

Жавоир бу йигитни энди учинчи марта кўриши эди. Иккинча марта уни ўзлари ишлаган дала четигаги ариқ бошида учратган эди.

Йигит ўшанда белидаги қийғини (*у пайтларда йигитдар белларига қийғича эмас, оқ суруп рўмол боғлаб юришарди*) ечиб, бўйнига ташлаган. Ариқ бўйида юз-қўлини юваётган эди. Чопонининг олди очиқ, устида почалари тор иштон ва калта оқиш яктак. Муздаккина пахталик чопонининг қавиқлари шўрлаб кетган.

Жавоир бирдан тўхтади. Ортига қайтмоқчи бўлди. Қўлидаги челақка қараб қўйди. Бўш қайтиш мумкин эмас, уни у ерда – дала ичида, ғўза кўчатларини чопиқ қилаётган, сувсаб томоғи қақраган одамлар кутмоқда эдилар. Тор йўлкадан ариққа яқинлашишга журъат этмаган қизни кўриши билан, йигит ўрнидан сакраб турди.

– Мунда, бу ёққа келинг, мен сизга тиниқ жойидан олиб бераман, – деди хиёл жилмайиб.

Бу самимий сўзлар ва йигитнинг очиқ чехраси қизни жонлантирди, Жавоир яқинроқ келиб, унга қўлидаги челақни узатди. Қиз чекинмасин дегандай йигит унинг ўзига қарамасликка тиришди. Дархол челақни олиб, сувга тўлдирди. Уни эгасига бераётганда, бирдан:

– Ия, сизмисиз? – деди, таажжубланган ҳолда.

Жавоир унга қаради, лекин нима демокчи бўлганини англамади. Бу навқирон йигитни у ҳам таниган эди.

– Сиз мени танимадингизми, мен Аҳмаджонман.

– Аҳмаджон?

– Мен сизни, онангизни, укаларингизни темир йўл бекатидан бу ерга аравада олиб келган эдим. Ундан сўнг сизни кўришга отхонага бир-икки марта борган эдим. Отингизни билмаганим учун тополмадим. Бошқа қидириб ўтирмадим.

Жавоир кулимсиради

– Мен сизни танидим. Отингизни билмас эдим, – деди.

Кетиш тадоригида, қиз дархол бошидан рўмолни олиб, сувга эгилди. Йигит кутилмаганда унинг билагидан ушлади. Кўрққанидан Жавоирнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. У йигитга кийик-кийик қаради, Қўйвор биллагимни, деган маънода қўлини силкитди.

– Кечирасиз, – деди йигит қулоқларигача қизариб. Бундай иссиқда бошингизга ҳўл рўмол боғлаш мумкин эмас. Офтоб уради...

Жавоир юмшади.

– Куёш тегади, демокчимисиз?

Йигит елкаларини кисди, ҳа, дегандек бошини силкиди. Унинг чехраси мис рангидай товланар, оппоқ тишлари инжу каби йилтиради. Жавоир унинг чопонига қараб қўйди.

– Сиз ўзингиз нима учун одамни ақлдан оздирадиган бу иссиқда пахтали чопон кийиб юрибсиз? – деди таажжубини яширмай.

– Буми? – ўғлон чопонига қаради. – Бу инсонни иссиқдан сақлайди.

“Ҳар бир мамлакатнинг – ернинг ўз қонунлари, талаблари бўларкан, унга риоя этмасанг, охири – фожиа”, – деб ўйлади қиз.

Аҳмаджоннинг айтгани тўғри бўлиб чиқди. Бугун улар дафн этиб келган ўғлон соппа-соғ эди, Жавоирлар билан ишлаган, бир ориқ от зўрға тортадиган омов билан пахтазор жўяқларини юмшатар эди. Қачон қарасанг, рўмол-часининг тўрт учини тугунчак қилиб боғлаб, уни ҳўллаб, бошига кийиб юрар эди. Шундай ўғлон офтоб уриб, ўлиб кетди.

Жавоирнинг қулоқлари тагида Аҳмаджоннинг, сиз қабр қазишни билмайсиз, деган сўзлари такрорланди. Албатта, бу ишни умрида қилмаган ёшлар қаёқдан ҳам билсин?!

Улар ўликларни дафн этиб қайтар-қайтмас, оч шоқоллар қазиб чиқарадилар.

Оқишлари сезилмайдиган сувга боқиб турган қиз бирдан хаёлида бобосининг йўл четидаги ёлғиз қабрини кўргандай бўлди. Унинг ёнида акаси Жаъфар, отаси пайдо бўлди. Қизнинг юраги бир тутам бўлди. Урндан турмоқчи эди, тиззалари устидаги рўмоли сувга тушди. Кўз ўнгида қабр ҳам, одамлар ҳам турган ерида чайқалгандай бўлди, сўнг аллақаякка ғойиб бўлди. Жавоир қўллари билан юзини бекитди, аччиқ-аччиқ йиғлади.

Аллаким икки қўли билан унинг билакларидан тутди, охиста чехрасини очди.

– Сенга нима бўлди, болам? – деди ёниқ бир овоз. Бу – Жавоирнинг онаси Алима эди.

## 3

Жавоир анчагача бошини кўтармай ишлади. Тагин шу аҳволда узун, ғоят узун эгатнинг охирига чиққунча, ишини давом эттириши керак. Энди бошини кўтариб, эгатнинг сўнгига ва атрофига қарашга қўрқади. Бирга иш бошлаганларнинг кўпчилиги аллақачон эгатларининг у бошига етиб, ариқ четидаги дарахтлар тагида дам олаётгандилар.

Пахта чопиқ иши, хусусан, тушдан кейин, соат уч-тўртларда жуда оғирлашади. Иссиқдан нафас олишининг иложи бўлмай қолади. Эрталабдан куёш қиздириб, обдан сувсаган, иссиқдан холсизланган ғўза ҳам жондан айрилаётгандай кўринади. Жавоир сопол барқашдай катта ва оғир кетмонни бор кучи билан ерга ураркан, очик ёқасидан афтига иссиқ, дим ҳаво гуп этиб урилади. Гўё қизнинг бутун бадани оташ ичра ёнаётгандай. Баданидан тер селдай куйилади. Елкалари бозиллайди, қўллари, оёқлари мадорсизланади, бели узилгудай бўлиб оғрийди. Қиз тўхтади, шиппагини ечиб улоқтирди, тўзли, тупроқли оёғини ниҳоллар тубидаги намиққан ерга босди.

Баданига аллақандай енгиллик, роҳат таралди. Бутун вужудидаги оғрик охиста ерга синггандай бўлди. Қиз қўлидаги кетмонни отиб, инсонга роҳатлик бағишлайдиган ерга ўтиргиси, жўяк орасига чўзилиб ётгиси келди, лекин ундай қилмади. Акс ҳолда, бугунги чопиқни битиролмайди. Ажаб бир нарса, дунёда инсон доимо ўз истагига қарши ҳаракат қилишга мажбур. Лекин Жавоир янада оғирлашган кетмонини кўтара олмай, унга суюниб қолди. Чуқур нафас олди. Ҳозир у бешинчи эгатнинг ўртасида. Сўл тарафида яна уч эгат, қаршисида ўтиб бўлмайдиган туплар чангалзор ўрмон каби турибди. Оқшом эса жуда яқинлашиб қолди. Эгатларнинг баъзилари серўт, ери қаттиқ, баъзилари эса ўтсиз ва юмшоқ бўлади. Сенга қай бири келиши омадинга боғлиқ. Эрталаб бригадир хотинларга эгат санаб берганда, хамманики юмшоқ, ўтсиз бўлиб кўринганди. Жавоир эгатларнинг кўпи бостириб суғорилганидан, энди қуриб, қотиб қолганини кўриб, оғринди. Безътибор бўлсанг, кетмон тошга урилгандай атрофга сачрайди, пахта ниҳолларини кесиб кетиши мумкин.

Қиз бироз белини ростлади, ўздан олдинроқда омоч билан эгат ораларини юмшатаётган Энвер билан Нозимни кўрди. Нозим отда. Унда ҳам ер қаттиқ ва қатқалоқ бўлса керак, омочнинг тутқичларини маҳкам тутган Энвер гандираклаб кетди. Эскирган пайпоқларини кийишга кўзи қиймай, асраб қўйган эди. Қатқалоқ ерда ялангоёқ уришиб ётибди, деб ўйлади Жавоир. Унга юраги ачишди. Сўнг ўзини босиб олишга тиришди. Яъни бу эгатнинг охирига чиқиб, иккинчисига ўтганда, ўз навбати билан, отга Энвер минади, омоч ортидан Нозим кетади. Шунда у анчагина ҳордиқ чиқариб олади. Лекин Жавоир бундай бахтдан маҳрум. Унга на навбат бор ва на ҳордиқ чиқариш.

Нозим билан Энверни ёнига чақириб, оқшомгача чопиқни битириши керак бўлган уч эгатнинг, ҳеч бўлмаганда, биттасини юмшатиб беришларини сўрамоқчи бўлди. Одамлардан ийманди. Чунки бу икки бола оқшомгача

хар бир чопикчига икки эгат орасини юмшатиб беришлари керак эди. Бу ишни улар Жавоирга тушгача адо этдилар. Яна бир марта ўзи учун илтимос қилиш яхшимас. Улар ҳозир Шамсинурнинг эгатида. У эрка қиз. Бу ерга онаси билан яқинда келди. Кимларни қидириб юришгани Оллохга аён. Шамсинурнинг айтишича, отаси уларни урушдан аввал ташлаб кетган. У қиз баъзан Жавоир билан унча-мунча суҳбатлашиб турса ҳам, ўз ҳаёти, отаси ҳақида ҳеч нарса айтмайди, онасидан жуда кўрқади. Бирга бўлсалар, Жавоирга ниманидир айтаётганда, бехос ножўя сўз айтиб юбормадимми, дегандай, онасига қарайверади. У, жуда одамни сиқиб ташлайдиган аёлга ўхшайди, лекин кўпчилик қатори, у ҳам от кўрасида яшайди. Бу ерда унинг эркаликлари ўтмайди. Лекин қўшниларига кўпда кўшилмайди.

Жавоир Хатижага суқланиб қаради, у каби чакқон ва тоза иш қилолмаганига сиқилади, хўрсинади. Лекин Шамсинурнинг дунёни сел босса, тўпиғига чиқмайди. Ям-яшил ғўзаларнинг ичига кириб, йўқ бўлиб кетади. У ерда ёғадими, ухлайдими, ўтирадими, нима қилади, Оллох билсин?

Баъзида далада унинг онаси пайдо бўлиб қолади. Қизига ёрдам бериш учун келар экан. У ҳам кўп ишламайди, вақтини дарахтлар тагида, табелчи билан гап сотишиб билан ўтказиши. Миш-мишларга қараганда, у, Окёрда бир идорада бошлиқ бўлиб ишлаган экан. Қандай бошлиқ бўлгани, Оллох билсин?!

Хатижалар у хотинни севмайдилар.

Онасининг “доим тайёрлигидан” бўлса керак, оқшом бутун кун қилинган ишга “ҳисоб-китоб” қилинганда, Шамсинурнинг ҳеч кимдан кам ишламагани маълум бўлади, баъзи вақтларда ҳатто Хатижадан ҳам кўпроқ ишлаган бўлиб чиқади.

Бу, албатта, табелчининг ҳукми. У шундай ёзади. Уни ким буза оларди? Жавоирнинг ҳаёллари яна омочга келиб боғланди. Бир омоч билан бир от пахта чопиғи ишини ярми-ярмига осонлаштиради. Бир эмас, икки, уч омоч, уч отни ишга жалб қилишнинг иложи йўқмикин? Колхозда нима кўп, от кўп. Бутун қийинчилик шу темир омочдамикин? Омочлар далаларнинг четларида занг босиб ётибди. Улардан фойдаланса бўлмасмикин? Агар омочларнинг ҳаммасини ишлатсалар, у ҳолда барча эгатлар тезроқ юмшатилар эди. Бу ерда баъзи вақтларда “тир-тир” қилиб бир эски трактор ҳам пайдо бўлиб туради. Мотори шундай тариллайдики, ҳозир портлайди-ёв, деб ўйлайсан, киши. Лекин кабина ичида бемалол ўтирган, пахталик чопонли киши кўп ҳам жонини қойитмайди. Оғзи ҳар вақт ярим очик, икки-уч чириган жағ тиши кўринади, қошлари бароқ, сочлари чанг-тўз.

Кишининг тушлик овқатга келганини, сув ичганини, дам олганини ҳеч ким кўрмайди. Лекин трактори эгатнинг бошига чиқар-чиқмас, тарр-тарр қила бошлайди. Бундай зolim тракторга сув қуйишни Энверга ҳавола қилдилар. Бригадир бу ишга, бўйи баландгина деб Нозимни тайинламоқчи эди, тракторчи унга рози бўлмади.

– Бу турна каби бир нарса, нима унга бақа юттираманми, ёки... – деди. – Бўйи пастроқ бўлса ҳам, наригиси соғлом йигитча, – деб Энверни кўрсатди.

Энвернинг кўлидан челаги тушмайди. Келиб тўхташи билан, қуёшда қизиб кетган тракторга тирмашади. Суви қайнаётган радиаторнинг қопқоғини зўрға очади, баъзида уни кўлидан отиб юборади. Тракторчи: “Чай!” – деб қичқиради, ёмон сўзлар билан сўкинади.

Баъзида трактор эгатларнинг орасида тўхтаб қолади. Энвер каттакон сув тўла челак билан, бир тарафга қийшайганча, ғизиллаб кетади. Иш бу билан битмайди. Қаерларгадир бориш, эҳтиёт қисмлар ёки мазут келтириши керак бўлади. Уғлон яна челакни кўтариб чопади. Ҳали бундай ишларни ҳар ким тушликка ўтирганда, дам олаётганда қилиши керак бўлади. Тракторчининг айтгани-айтган, дегани деган.

Энвер трактор ишини севади. Шунинг учун ҳам унинг барча қийинчиликларига чидади. Лекин чарчоқ, жазирама иссиқ уни ҳолдан тойдиради.

Трактор яхши ишлаганда, эгатларга тушиши биланоқ сукунат остида уйқусираган далада унинг бир маромда таралаётган овозига ҳайдовчининг кўшиғи ҳам кўшилади:

*Қизил шапкачанг бор экан,  
Жазмонинг бўлай мен.  
Атрофингда айланиб  
Қурбонинг бўлай мен.*

Энвер оғир ишдан сўнг дам олишга ҳақли бўлиб, теракка суянади-да, ухлайди-қолади. Жавоир кетмонини қолдириб, дарҳол унинг ёнига чопади, укасини зўрга уйғотади, унга тушликни едиришга уринади.

Энвернинг бодом ковокли, доимо кулимсираб қарайдиган кўзлари сўниқдай кўринади. Жавоирнинг юраги ачишади. Бу ярамас трактор бу ердан тезроқ йўқола қолсайки, дейди.

Нимадир бўлди, шекилли, бир ҳафтадан бери унинг на ўзи кўринади, ва на овози эшитилади. Қаёққадир ғойиб бўлиб кетди. Балки, бошқа далада ишлаётгандир. Охирги марта бу ерда ишлаганда, тракторчи Энверга:

– Анваржон, сен машинани кўришни биласан, энди бошқа далада ҳам сен билан ишлайман, – деган эди. Лекин унга бригадир рози бўлмади, бу йигит ўзимга керак, деди. Яхшиям шундай қилди. Йўқса ўн икки, ўн уч ёшли Энвер у оғир ишга кўп-да чидолмас, хасталаниб, йиқилиб қолар эди. Укаси Энвер Жавоирнинг ёнида соғ-саломат юрса, кифоя. Ҳозир эса бу бир путли кетмонни баланд кўтариб, ерга чуқурроқ уриши керак, вассалом!

Ўза тубига жуда яқин ўсган қаттақон ажриқни илдиз-пилдизи билан узиб отмоқ учун, қиз ўнгидан, сўлидан кетмон солди, орсиз ўт, ерга баттар ёпишиб олаётгандай эди. Жавоир ҳозир бутун кучни тўплаб, кетмонни кўтаради ва бу ажриқ ўтнинг томирини чўрт узади, уни туб томиридан кесиш олади. Лекин бундай қилса, ўза ҳам кесилиб кетиши аниқ эди.

Ҳар куни эргалаб иш бошланганда, бригадир уларга:

– Эҳтиёт бўлинглар, ўзани чопиб юборманглар. Бу олтиндан ҳам қимматли ўсимлик. Худо кўрсатмасин, битта ўзанинг бурнини қонатсангиз, ота-онангиз билан хайрлашишга ҳам имкон бўлмайди, қамоқхонанинг тўри сизники бўлади. – дейди. Унинг айтганларини қилмаслик мумкин эмас. Қуёш тиккага қелганда, айникса қаттиқ қиздиради. Жавоир кетмонни бир четга қўйди. Утга икки қўли билан ёпишди, соғига-сўлига бураб тортди. Утнинг томирлари кўпорилди, лекин ўқ томирни жойидан қимирлатолмади ҳам. Аччиқ гаримдори чайнагандай аламини ичига ютди. Қиз бунга ҳам парво қилмай чўккалади. “Сени барибир суғуриб оламан, – деди. – Мени ким деб юрибсан ҳали?”. Лабларини тишлаб, ўтни торта бошлади. Йўқ, ҳеч бўладиган ишга ўхшамайди. Қўллари, оёқлари мадорсизланди. Утга қараб қолди. Кўз ўнгида от кўрасида укалари билан бирга қолган онаси келди. Ун кунча аввал Жавоир ишга кетаётганда, у:

– Болам, у ерда иш оғир, кун жуда иссиқ, чарчадинг. Икки-уч кун сенинг ўрнинга мен борайин. Ҳар не бўлгандаям, менинг суягим қотган, – деган эди. Онасининг айтганлари тўғри бўлиб чиқяпти. Хатижа, Лейла сингарилар ўз эгатларини бошидан сўнгигача бел букмасдан, чопиб чиқяптилар. Тушликка кетишда, оқшомлари Жавоирни дала ичида ёлғиз қолдирмаслик учун, унга ёрдам ҳам беришади. Қиз бундан безовта бўлади, ишини улар билан баравар битиришга тиришади, лекин бунинг уддасидан чиқмайди.

Шундай бўлса-да, барибир, Жавоир онасининг айтганларига рози бўлмади. Ҳозир бу заранг ерли эгатларнинг ўқ томирли ўти билан онаси олишаётган бўларди. У қилолмаётган ишни ғам-аламдан, кийинчиликлардан соғлиғини олдириб қўйган онаси қандай қилар эди?!

Албатта, онаси аслида бой одамнинг қизи эди, тўкин-сочинлик ичида ўсган, лекин шунга қарамай замонлар ўзгарган, у, турмуш қургандан сўнг,

устига ипак халат кийиб, беш-олти кенг, ёруғ хоналар бўйлаб, узаниб кетган даҳлизнинг бир бошидан иккинчи бошигача солланиб юрмади.

Уйини, хоналарни топ-тоза тутди. Ҳар бир мавсумнинг бошида хоналарнинг ашёларини даҳлизга чиқариб, деворларини кўк ранг қўшилган оҳак билан оқлар эди.

Олти болани едирмоқ-ичирмоқ ҳам осон эмасди. Лекин бутун бу ишларни онаси Алима, қишлоқдош хотинлар каби, колхоз даласида ишлашиб, ёинки тамаки дасталашдан келгандан сўнгра ва кечалари қилар эди.

Бу диёрга келиб тушган кунлари, чексиз-чегарасиз далаларда энди ўсиб, ернинг қорасини батамом қоплаган, гур япроқли, бақувват ўсимликларни кўрганда: “Бу ерда дуккакли экинлар жуда кўп сочилар экан-да”, дея эсанкираб қолдилар.

– Бунча ловияга тирговуч қўйилганми? – деган эди Алима.

Чапабайир қирларида Жавоирлар кўп ловия сочардилар. Уларни чопиқ қилмоқ унча қийин бўлмасди. Ер юмшоқ, чопа (қўлбола тешанинг катгароғи) кичкина ва енгил. Лекин сув масаласи қийинчилик туғдирарди. Эрталабдан кечгача экинзор атрофидаги чуқур қудуқдан икки челақлаб сув ташиб, ловияларни суғориш... Лекин бу ловияларнинг тури бошқа бўлса керак, япроқлари Чапабайирда ўсган ловияларникига ҳеч ўхшамайди, дер эди.

Бу ўсимликнинг ловия эмаслигини ва уларни чопиқ қилиш, ўстириш жуда оғир эканини халқ кейинроқ англаб етди...

Жавоир бутун кучини йиғиб, такрор илдизга ёпишди, лекин ўт қимирламади ҳам. У тупроқ ичида эмас, нақ бетон ичида қолганми, дейсан. Жавоир кафтларини бир-бирига ишқалади. Япалоқ ўтти илдизига яқин еридан тутди. Вужудидаги бор кучи билан тортди, бўлмади.

Жавоир ерга ўтирди. Икки оёғини ерга тиради. Яна ўтга ёпишди, тортди, тортди, лекин уни қимирлата олмади. Тўхтади. Юзидан оқаётган тер билан кўз-ёшлари қоришиб кетди. Тупроқли қўллари билан чехрасини артди. Ичин-ичин йиғлай бошлади.

Шу вақт қўшни далада ишлаётган ўзбек хотинларнинг бир текис куйлаётган ширин овозлари эшитилди:

*Шилдир-шилдир қамишга ё  
Сирғам тушди, ёр-ёр.  
Синамаган ерларга ё  
Синглим тушди, ёр-ёр.*

Жавоир йиғлашдан тўхтади. Қўшиққа кулоқ тутди. Бу қўшиқнинг оҳанги, сўзлари энди деярли Жавоирга таниш. Улар куёшнинг ёндирувчи иссиғига, ишнинг – кетмонларнинг оғирлигига кулоқ солмайдилар. Ҳам ғўза чопиғини қиладилар, ҳам жўрликда қўшиқ куйлайдилар. Ут босиб кетган жўяқларини чопиқ қилиб, бундай баланд, жўр овоз билан куйлашларига Жавоир ҳайратланди. Баъзида улар билан мусобақалашгандай, Хатижа ҳам ўзининг севган кўшиғи “Дардли най”ни куйлай бошлайди.

Унинг тиник, ширин, ойнадай тоза овози пахта даласи узра долғаланмоқда бўлган соғинчга бориб қўшилади, узокларга ёйилиб кетади. Бундай вақтда ўзбек қўшиқчилари ўз рақибларини тингласалар керакки, бирдан жим бўлиб қоладилар. Лекин бизникиларнинг кўпи бу қўшиқни кўз ёшларга ғарқ бўлиб тинглайдилар. Шунинг учун ҳам Хатижа куйламасликка тиришади.

У, соғлом мучали, дилбар хотин. Сочлари куюк ва пахмоқ. Иирик кўк кўзлари доимо кулиб боқади. Фалак ундан ҳеч нарсасини қизганмаган: гўзаллик ҳам, соғломлик ҳам – ҳаммаси жойида. Қишлоқда оқшомлари тамаки даласидан қайтаётганда куйласа, унинг хуш овозидан бутун қишлоқдошлари вужуди кулоққа айланиб тинглар эдилар. Хусусан, “Сайра, булбулим”ни айтганда Жавоир ва онаси Алима жуда ёқтирар эдилар.

Ховли эшиги олдида гаплашиб ўтирган хотинлар гап-сўзларини такка тўхтатиб, “Хатижа кўшиқ айтяпти!” деб, бир-бирига қарар эдилар. На камон даркор, на тор. Тотли овози бутун қишлоққа таралар эди. Байрам-сайронларда, бирон бир сабаб билан тинчлик бермас эдилар. Хатижа кўшиқ айтмаса, қишлоқдошлари ундан қаттиқ ранжир эдилар.

Кунларнинг бирида, дам олиш пайтида Чуку байирнинг ёнбағрида кўшиқ айтаётган Хатижанинг овозига най ҳам кўшилди. Бутун қишлоқ ахли уйдаги ишларни ташлаб, ховлидан кўчага чиқди. Бир-бирларига, бизнинг Хатижа ишқ савдосига йўлиқибди, дегандай қарар эдилар. Чунки унинг овозида шу кун бўлакча оҳанг ва жўшқинлик бор эди. Қишлоқ ахлининг ўйлагани тўғри бўлиб чиқди. Қиз кўшни қишлоқдан бир йигитга эрга тегди. Байдар ўз булбулидан айрилди. Қишлоқ ахли оқшомлари унинг гўзал овозини эшитишдан маҳрум қолдилар.

У вақтларда Қримга ишлашга келган украиналик қизлар далалардан доимо кўшиқ айтиб қайтар эдилар. Бундай вақтларда қишлоқ халқи Хатижани хотирлар эди.

Орадан талай йиллар ўтиб, у яна ўз қишлоғида пайдо бўлди. Бир ўзи эмас, эрига ўхшаган ўғилчаси билан бирга эди.

Қишлоқдошларининг айтишига кўра, эри, Хатижа болалик бўлгандан кейин, Оқёрга қатнай бошлаган. Унда қандайдир бир ресторанда чолғу тақимига кўшилган. Охир-оқибат хотинини ва ўғлини ташлаб кетиб, шаҳарлик хотинга уйланган. Хатижа далада ўзининг аввалги ишини давом эттирган. Аммо қишлоқдошлари унинг қуйлаганини унутдилар.

Бу очик кўнгилли, эпчил, ёш бева хотинни кўпчилик энгил табиатли ҳисоблар эди. Шунга қарамай, уйланиш учун кетига тушганлар кўп бўлди, у ҳеч бирига розилик бермади. Ўғлининг толеини ўғай отага ишонмади. Илло бир кун боламни инжитади, деб кўрқар эди.

Лекин ҳозир уларнинг кўшиғига ҳеч ким кўшилмади. Демак, Хатижалар ундан анча йироқда. Жавоир жойидан сапчиб турди. Баданида янги куч, ғайрат пайдо бўлгандай, яна қайсар ажриққа ёпишди. Уни бир неча марта у ёқ-бу ёққа силкитди, сўнгра ўзи томонга қаттиқ тортди. Қайсар ўт томири билан бирга анча тупрокни кўпориб чиқди. Жавоир тишларини қисди:

– Барибир чиқар экансан-у... – деди ух тортиб. Шу вақт кўзи ўтнинг чуқури ичида бир тарафга ёнбошлаб қолган ғўзага тушди.

Қиз ғўзани эҳтиёткорлик билан турғазди, тўғрилади, тубига тупрок уйди. Унга бир нарса бўлгандир, деган нарса хаёлига ҳам келмади. Ишини давом эттирди. Чунки вақт зик эди. Эгатнинг сўнгига чиқаётганда, ортидан табелчининг саросимали товушини эшитиб, тўхтади. Угирилиб қараб, табелчининг қўлидаги сўлиб қолган ғўза тупига кўзи тушди.

– Бу нимаси! – ўшқириб деди табелчи, қизнинг устига бостириб келаркан.

Жавоирнинг вужудидаги қон тўхтаб қолгандай бўлди.

Қиз бу ўттиз беш-ўттиз етти ёшлардаги, бадани мис рангли, дағал нигоҳли, ўрта бўйли, келишган, оқ кўйлагининг олди киндигигача очик, тор почали иштони тиззасидан бўлган табелчини кўрганда, доимо кўрқар эди.

Ҳозир шундай бўлди.

– Бир, икки, уч... – табелчи санаб, новдаларни Жавоирга отди. – Уч донасининг бошига етибсан. Бу уч йил, йўқ, ўн йил демакдир... Бутун ёш умринг қамоқхонада...

Бу ҳайқирмоқда бўлган ҳарифга кўрқувли кўзлари билан боқаркан, бошида, мени қамоққа тиксалар, ғариб онам, укаларим нима қилишади, деган фикр айланмоқда эди.

Табелчи тинмай ҳайқирмоқда, қўлларини соғга-сўлга солламоқда эди.

– Бу санга салқин дарахт соясида, пашшахона ичида, бой хонимлардай ялпайиб, тушликкача ухлаш эмас. Буни жиддий иш дейдилар. Ҳам озгина эрта бориб, уйғотмоқчи бўлсанг, минилмаган ажами от каби тепадилар.

Тепиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман мен сизларга, – деди табелчи ва кўз кири билан Жавоирга қараб қўйди.

Жавоир бундан икки кунча олдин бўлган қўнғилсиз воқеани эслади. Ярим кечаси бу шилқим табелчи дала канорида, юксак шохли тол тагидаги пашшахона ичида ухлаётган хотин-қизларнинг оёқ томонидан ичкари сукулди. Бирдан сесканиб уйғонган Жавоирга, у, дахшатли бир махлук бўлиб кўринди. Қиз аччиқ-аччиқ қичқирди. Хатижа “тунги меҳмонга” шундай бир тепки совға қилдики, у сўридан пастга ўмбалоқ ошиб тушди.

Қизларнинг икки тарафида ётган “соқчилар” – Энвер билан Нозим бу шовқинни эшитмадилар ҳам. Хатижа, Лейла ва бошқалари турганда, табелчи энди, сичқон тешиги минг танга, зувиллаб қочиб қолган эди. Сўри устида-гиларнинг баъзилари кулиша-кулиша, баъзилари эса қўрқувдан қалт-қалт титраб, ўз жойларига ётдилар.

Табелчи унга янада яқинроқ келди, сариқ, йирик тишларини ситиб иржайди ва киноя билан:

– Қамокхонада пашшахона, опаларинг бўлмайди, у ердаги соқчилар сени қўғирчоқдай ўйнайдилар. Ҳа, янглишмасам, ниятимга етиш вақти келган кўринади. – Шундай – қизга аччиқ билан қаради. Сўнгра қошларини баланд кўтарди. – Ё менинг айтганимга кўнасан, ёки қамокқа тушиб, соқчиларга ем бўласан! – деди қатъият билан.

– “Ё айтганимга кўнасан”, деганингиз нима? деди. Жавоир унга таажжуб ила қараб.

Табелчининг қулоқларигача кизаргандай бўлди. Лаблари қимтилди, Жавоирнинг кўзлари ичига тикилди. Бирдан қўл-оёғи бўшашиб кетди. “Кўзлари жуда чиройли экан”, – деб ўйлади. Жавоир унинг мақсадини англагандай, назарини пахта даласига ўгирди. Улардан беш-олти одим нарида бригадир келмокда эди. Уни кўришлари билан Жавоир ҳам, табелчи ҳам қотиб қолди. Лекин табелчи ўзини дарҳол қўлга олди. Тишлари орасидан четга чирт этиб тупурди.

– Вақтида келдингиз-да, Ўрмонжон ака, – деди жиддий оҳангда.

Уларнинг туришидан бир нарсалар эшитиб, сезиб келган бригадир олдин Жавоирга, нима бўлди, дегандай диққат билан қаради, сўнгра табелчига ўгирилиб:

– Тинчликми? – деди.

– Қанақа тинчлик! Бу эркангиз ғўзаларни босиб-янчиб чиққан...

Бригадир Жавоирнинг оёқлари тубидаги сўлиб қолган қўчатга қаради. Бундан хабардор одамдай, бир қошини манглайига кўтарди:

– Мен ҳозир Жавоир чопиқ қилаётган эгатлар ичидан келдим.. Бу ниҳол яғана қилинган. Бир донаси тагин у ерда қолган, – деди сир бой бермай.

Табелчининг қисик кўзлари баттар қисилди. “Айёр тулки. Сен уни химоя қилишга чора топдинг”, – деб ўйлади. Бригадир унинг гапига қулоқ солиб ҳам ўтирмади. Белидаги кийиғининг орасидан носқовоғини чиқарди, қоқиб-қоқиб чап қўлининг ҳовучига яшил ранг носдан тўқди, уни авайлабгина тилининг тагига отди. Дудокларини бир-бирига сиқиб, қизга хаёлчан боқди, чуқур тин олди.

– Уни кесиб юборган ерингда қолдиришинг керак эди. Сен қачон одамга ўхшаб ишлашни ўрганасан? – деди ачинганнамо.

– Уни бу ерга мен эмас, табелчи келтирди, – деди Жавоир қўрққанидан қалтираб.

Бригадир унинг сўзларига қулоқ осмади. Ғўзани кўлига олди.

– Бригадир амаки, сиз унинг ёлғонларига ишонманг. У, ўз жамоли билан хон саройини очиб юборадиган маликалардан, ғўза чопиғини хоҳламайди... Балки, бу ишни қилишга бу кишимнинг ғурурлари, ғўзалликлари йўл қўймаса керак.

Табелчи жуда ақлли гаплар айтган одамдай, сариқ тишларини кўрсатиб, “ҳи-ҳи”-лаб иржайди.

Бригадирнинг калта, қалин қошлари тугилди.

– Ҳар бир хўроз ўз ахлат уюмида подшоҳ. Сени уларнинг юртига тамаки асрашга йўллаган бўлсалар, қандай ишлар эдинг, ажабо? – деди, оғзида нос бўлгани учун, чучукланган ҳолда.

– Мени нега юборар эканлар, менга нима бор у ерда? Урушга юборилмаганимнинг сабабини ўзингиз биласиз, Ўрмонжон ака, – табелчи сўл оёғининг тизига шапатилаб урди.

– А, булар нима қилишипти? – Бригадир табелчининг кўзларига тикилди.

– Нима қилишганини ўзлари яхши биладилар. Ҳам, аслида, бу қизни ёлғиз ўзлари эмас, сиз ҳам, мен ҳам яхши биламиз. Ўз ватанини душманга сотган одам бизнинг пахтамизни севадими? Жудаям ишлар эди-ю, аммо, хоинлигига, сотқинлигига боради. Ҳаа десанг, эҳтиёт бўлмасанг, бу қутли ўсимликларни битта қўймай, чопиб-кесиб чиқади, – деб, табелчи қўлини силқитди. – Сиз унга бир чора кўрмасангиз, мен ўзим кўраман...

Ўрмонжон аканинг юзи бирдан оқарди. Бир ақлсиз сувга бир гавҳарни тушириб юборса, қирқ ақли уни топиб, чиқариб ололмайди. Бу ақлсиз ҳам районга бориб, у ерда тегишли ташкилотларга кириб, бир сўз айтса, кифоя. Йўқ, йўқ, итга талангунча чакалакни айланиб ўтиш керак, деб ўйлади. Уни “хўп-хўп” лаб тинчитишга қарор қилди.

– Ундоқ ёмон инсонлар экан, ярим кечаси уларнинг пашшахонаси ичида нима ишинг бор эди? – деб кулимсиради, сўзни бошқа ёққа буриб.

Табелчи ундан ҳозир бундай саволни кутмаган эди. Қисик кўзларини ола-кула қилди. Ўзини бир нарса билмаган одам қилиб кўрсатмоқчи бўлди. Чехраси тагин ҳам жиддийлашди. Қовоғи осилганча, нима қилишни билмай, ерга қараб турган Жавоирга бир назар ташлаб олди.

– Бу хонимларнинг ҳамма гапларига қулоқ солаверсангиз улар сизни ақлдан оздириб қўйишади. Ярим кечаси эмас, тонг вақти эди. Мен улар билан вақти хушлик қилишга эмас, ишга чақиргани борган эдим, – деди. Ўзи ҳам сезмаган ҳолда, йирик кафтлари билан жағини сийпади. – Сиз ҳозир менинг таъзимимни беришни эмас, аслида, буларни жазолашни ўйлашингиз керак эди. Анави Хатижа деган юртдоши, минилмаган ҳуркак от каби, жағимга бир тепки туширди. Ҳали ҳам ўзимга келолмаяпман.

Бригадир унинг чехрасига қаради.

– У жуда бакувват хотин, жағингни эзиш у ёқда турсин, жонингни суғуриб оларди ҳам, – деди.

– Менга қолса, ундай қилолмас эдилар, аммо сиздан ҳимоя топадилар. Сиз уларга дим ерда ётмасинлар деб сўри топиб келтирдингиз, пашшахона тикдирдингиз. Улар эса хонимзодаларга айланишди. На чивиндан кўрқадилар ва на чиркайдан. Оппоқ хонимлар, пашшахона ичида тушгача чўзилиб, сузилиб, кайф қилиб ётадилар. Раис уларнинг ким бўлганини билади, шунинг учун ҳам бизнинг одамларга қўшмайди. Мунда, кимсасиз дала ичида пес каби ёлғиз ўзлари ишлайдилар. Бу хонимлар жонларини койитмайдилар. Аксинча, бу ерда ўзларини курортда юргандай ҳис қиладилар. Ишга чиқариб борган одамни, олдидан борса тишлаб, орқасидан борганни тепадилар. Мен уларни яхши эгарлар эдим, аммо... – деб, табелчи тишларини сикди. – Уларга ҳам шундай қилган эканларми? – киноя билан кулимсиради.

– Қимга?

– Фашистларга!

– Набижон, ука, сен ховлиқа бошладинг. Ақлингни йиғ, – деди бригадир табелчига, ёлворган каби, юмшоқ овоз билан. Сўнг Жавоирга ўгирилди, сен бор, ишингни давом эттиравер, дегандек, қўлини қоқиб қўйди.

Жавоир чопик қилиш керак бўлган эгатнинг бошига кетди.

Бригадир анча вақтгача унинг ортидан сўзсиз боқиб турди, сўнгра табелчига ўгирилди:

– Набижон, бу бечора қизнинг отаси, акаси урушда, жанг майдонида, сен, мен кабиларнинг тинч ишлаши, яшаши учун қон тўкмоқда. Лейланинг,

Хатижанинг эрлари ҳам урушда. Хатижанинг ўгли хали мактаб бола экан. Кўнгилли бўлиб партизанликка кетибди. Сен эса, кечалари, тулки товук ўғирлашга киргандай, уларнинг пашшахоналарига суқилган. Биламан, сен, албатта, эркаксан. Чиройли қизлар қонингни қайната олади. Лекин, ука, сен, энг асосийси, табелчисан. Яъни раҳбарсан. Ҳам яхши ишлайдиган раҳбарсан. Мен сени ҳам яхши кўраман, ҳам ҳурмат қиламан, буни ўзинг ҳам яхши биласан. Биз иккимиз бир бўлиб, уларни ишлатишимиз керак. Олдимизда тоғ каби планимиз бор. Уни адо этишнинг йўлларини улар эмас, сен ва мен қидиришимиз, янада тўғрироғи, уларни яхши ишлатишни билишимиз керак. Бугундан сўнг ишнинг шуёғига диққат қилайлик, Набижон. Англадингми? – деди бригадир.

Бошлиғидан биринчи марта бу қадар юмшоқ, иссиқ сўзлар эшитган табелчи ёғ каби юмшади.

– Мен ҳам ишимизни, планимизни кўп ўйлайман, бригадир ака, – деди у.

– Шунинг учун ҳам улар билан ғовға қилиб юрма, уларни ишлатиш керак...

Бригадир бошидаги тақиясини чиқарди, тоза арчилган, пишган тухумдай тоза, силлиқ бошини кафтлари билан сийпади. Бу тентакни бироз тинчлантирдим, шекилли, деб ўйлади, чуқур тин олди..

– Набижон, мен бугун идорага эртароқ боришим керак, бу ердаги ишларга ўзинг қараб тур, – деб кетди.

Табелчи тепароқ ерга чиқиб, кенг пахта даласини кўздан кечирди. Ўрталик ёнаётгандай иссиқ бўлса ҳам, бошқа кетмончилар ва Жавоир бош кўтармай ишламоқда эдилар. У мамнун ҳолда кулимсиради. Руҳи бағоят кўтарилиб, қайларгадир йўқ бўлиб кетди.

Оғир кетмонини тўхтамасдан кўтариб эндираётган Жавоир, туриб-туриб, зимдан, табелчи томонга кўз ташларкан, устимизга бригадир келиб қолмаганда, бу шилқим яна қандай хунарлар кўрсатар эди, деб ўйлади.

Табелчи энди ўзига салкингина бир жой топади, яхшигина тўйиб ухлайди, дам олади, сўнг далага келади, эгатларни чўлоқ оёғи билан ўлчагандай, одимлаб чиқади, сариқ тишларини ситиб кулимсирайди: “Мошолло, қизлар, бугун яхши ишлабсизлар”, дейди. Кирдан чарм бўлиб қолган эшикка ўхшаш қалин дафтариனி очади, қаламининг учини оғзига теккизиб тупуклайди, одамларнинг фамилиялари қаршисига қийшик белги (птичка), эгри-бугри рақамлар ёзади. Яна хушнуд ҳолда кулимсирайди, эртага бундан ҳам яхши ишлайсизлар, дейди.

Бу жилмайишлар ортида қанақанги ёмонликлар бор, ширин сўзлар айтган тил илондай заҳарли эканини Жавоир яхши англайди.

У доимо кўрқиб, эҳтиёт бўлиб юрган бригадир эса, аксинча, бугун яхши, одамларнинг иши ва яшаш шароити учун оталарча ғамхўрлик қилаётган одам бўлиб чиқди.

Бу қуёш нури остида жим ётган дала, кайфланган (яйраган) ўсимликлар, кетмонларини эгатлар ичида қолдириб, нима бўлганини билиш учун бир-бирининг ортидан келаётган Хадича, Лейла, Шамсинур – ҳаммаси Жавоирнинг кўзи ўнгида тўхтаб қолгандай бўлдилар. У хаёллар дарёсига ғарқ бўлиб кетди. Набижон каби шилқимлар фақат яхши яшаб қолиш, одамларга ёмонлик қилиш учун керакмилар? Ё, бундайлар туғилмаса, ўсмаса, яхши одамлар билан бирга яшамаса, уларни нотинч қилмаса, дунё ботиб кетадими? Йўқса, улар дунёда, одамлар турли-туман бўлишини билдириш, кўрсатиш учун яшайдиларми? Дунёда яхши одамларнинг қадрини билдириш учун униб-ўсадиларми булар?..

... Далаларда иш бироз енгиллашиб, Жавоир, энди бемалол нафас олай деганда, қутилмаганда бир балога йўлиқди. Тушлик бошланиши билан,

ичига муз киради.. Бамисоли қорли бўронда қип яланғоч қолгандай, уни титрата бошлайди.

Хатижа ва Лейла неки топсалар, унинг усти-бошини ўраб қўядилар. Қиз эса нақ қорли-бўронли тоғлар ичида кетаётгандай. Кўзларини юмди дегунча, янги ўрилган беда устига курак-курак қор отишаётгандай туюлади. Қалтирашдан тиши тишига тегмайди. Жағлари қотиб қолгандай бўлади. Бели темир ҳалқа ичида сиқилади. Маълум бир вақт ўтгандан сўнг, устидаги нарсалар вудудини қайиштириб ташлайди. Оғзи-бурни қуриб, кўзлари кизарада, кизийди. Боши тарс ёрилгудай бўлиб оғрийди. Ётган ерида инграй бошлайди. Хатижа билан Лейла қизнинг боши теграсида айланадилар. Лекин, таассуф, нима қилишни, қандай ёрдам беришни билмайдилар. Укаси Энвер эса йиғлай бошлайди..

– Онамни чақириб келайми? – дейди.

Қизлар уни алдаб-сулдаб, ахдидан қайтарадилар.

Оқшом чоғи қизнинг аҳволи бироз тузалади. Ҳатто ёнидагилар билан ҳазил-хузул қилишга ҳам тиришади. Эртаси куни эрталаб ҳамма билан бирга ишга кетади, лекин пешиндан кейин, доимо бир вақтда, қалтироқ уни яна келиб топади. Яна олишув. Унинг дарди аён – иситма-безгак. Бу касаллик ҳақида кўп гапирдилар, жуда яхши биладилар. Иситма ва ичбуруғ хасталиги билан кўп одамлар, болалар ҳам кўп олишдилар, ўлдилар.

Жавоир хаста бўлганда, бригадир уч кун далада кўринмади. Тўртинчи куни келди. Унинг кўриниши ойлаб тўшакда ётган хастага ўхшар эди. Чехраси сўлғин, кўзлари сўник. Ҳатто овози ҳам ўзгарган. Аслида унинг ташқи кўринишига уйғун бўлмаган, ойна каби тиник, биллур каби тоза овози бор эди. Бир куни оқшом табелчини кидириб, “Набижон!” – деб бир неча бор кичкирди, унинг саси даланинг у бошидан-бу бошигача янграб эшитилди. Қизлар, хотинлар шошиб қолдилар. Жавоир қулимсиради.

– Хатижа хола, бригадиримизнинг овози сизникидан ҳам ўткир. Иккин-гиз кўшилиб, бир қўшиқ айтсангиз, бутун қишлоқни оёққа турғизардингиз, – деди.

– Уруш битсин, одамларимиз келиб, ҳаммамиз бирга Қримга қайтаётганда, Ўрмонжон ака билан иккимиз “Қутлуғ бўлсин”, “Кўзойдин” қўшиғини айт-тармиз, – деб жавоб берди Хатижа.

Бригадир Жавоирнинг хаста бўлганини эшитганда, бирдан нафаси ичига тушди, ўйга толди.

– Бизда иситма тутган одамга, ҳарорати кўтарилганда, совуқ сувга тушиш-ни тавсия этадилар, Жавоир бундай қилмасин, – деди у Хатижага.

Жавоир оташлана бошлаганда, бригадир қайгадир кетди. Кўп ўтмай бир хотинни олиб келди. Чақноқкўз, тўла мучали хотин Жавоирга диққат билан боқди. Қизнинг ёнида турган хотинларга бир оғиз ҳам гапирмади. Бироз нарироқда ўтирган бригадирнинг ёнига борди.

– Иситма-безгак. Ҳам энг оғир тури экан. Ундан ташқари, Ўрмонжон ака, – деди жиддий оҳангда, – унга назар теккан, кўзга яқин қиз экан, – деди.

– Иситма бўлганини биламиз, аммо, табиб хоним, – деди бригадир, – лекин қизни бу балодан қандай қутқариш мумкин?...

Хотин унга хаёлчан қаради:

– Модомики, бу ерга келдимми, демак, чорасини топаман, албатта, – деди. Хирқасининг чўнтагидан бир сариқ дори олди. – Чораси – мана шу дори. Ҳозир буни қизга ичирамиз, дори иситма чорасини топади. Назардан давосини эса, ўзим топаман. Кинна солиш керак, вассалом! – деди.

Хотин семиз вужудига уйғун бўлмаган бир чакқонлик билан бориб, чой қайнаётган ўчоқдан пиёлага кул тўлдирди. Уни рўмолнинг ичига олди. Атрофини йиғиштириб, ўнг қўлида сиқиб ушлади.

Рўмолга ўралган кул тўла пиёлани охиста-охиста Жавоирнинг манглайига, бошига теккизиб-теккизиб олди:

– Чик, чик! Ошидан, кўзидан кирган бўлсанг, чик! – деди. Кичкина оғзини

катта-катта очиб, давомли-давомли эснади. Кўз ёшлари тўк ёноқлари устидан думалай кетди. Пиёла ўраган рўмолининг учи билан кўзёшларини артди. Бундай ҳаракатларини бир неча карра такрорлади. Жавоирнинг юзига, устига “тупу”, “тупу” деб, туплаган каби бўлди. Сўнг рўмолни эҳтиёткорлик билан очди. Пиёладаги кул бир тарафга уюрилган эди. Хотин бошини чайқади:

– Вой, вой, оначам, бу қиз жуда ёмон кўзга учраган. Уни бу дарддан биттада кутқариб бўлмайди, шунинг учун киннани уч карра солиш керак, – деди.

Лекин, афсуслар бўлсинки, бу тадбирлар қизнинг хасталигига малҳам бўлол-мади. Хасталик давом этаверди. Кимдир касалхонага бориш зарурлигини айтди. Ҳароратли дудоклари шишган, ёрилган Жавоир Абибулла оғани хотирлади.

– Йўк, Хатига холажоним, мени уерга оборманглар, – деди ёлворувчи овоз билан. – Мен ўзим тузаламан. Баданимдаги оғриқлар пасая бошлади, – қиз туриб ўтирди-да, кулишга уринди.

Кўрқувданми ё тасодифми, икки кундан сўнг Жавоир тушлик вақтида қалтирамади. Ўзини аввалгидай яхши ҳис этди.

Оқшом чоғи Жавоир ётган пашшахона ёнида бошига бола кўйлаги ўраб олган, ўрта бўйли хотин билан ёш йигит пайдо бўлди.

– Бизга Жавоир керак эди, – деди йигит ариқ ёнида чой қайнатаётган Лейлага қараб. Лейла уни англамади. Елкаларини қисди. Жавоир ётган еридан пашшахонанинг бир четини кўтариб қаради. Унга кўзи тушган йигит бошда кулимсиради, сўнгра, унга нима бўлди, дегандай, Лейлага савол назари билан қаради.

– Хасталанди, – деди Лейла, – иситма...

Йигит қизга қараб олди, ўзи билан келган хотинга бир нарсалар айтди. Хотин аввал Лейлага хуркак кўз билан боқди. Сўнг пашшахона томон юрди. Унинг кўрқувли, кийик боқишли кўзлари Жавоирнинг ажабланган кўзлари билан тўқнашди.

Хотиннинг хуркак чиройли кўзлари бўйнига арқон боғлаб келтирилган охуни эслатар эди.

Жавоир меҳмонни қаршилаб олиш учун, дарҳол қаддини кўтарди.

– Хуш келибсиз! – деди.

Хотиннинг кийик боқиши юмшагандай бўлди.

– Салом алайкум, Пошшахон, – деди.

– Алайкум салом. Ичкарига ўтинг, ўтиринг, – Жавоир унга ўтириш учун жой таклиф қиларкан, оқ бўздан уйча каби қилиб тикилган бу нарсани пашшахона дейдилар, мен нима учун Пашшахон бўлар эканман, деб дилидан ўтказди у.

– Менинг отим Жавоир, – деди қиз, хотинга кулимсираб қараркан.

– Менинг отим эса Кимёхон, – у, бир оз ўйлади, кўк кўйлагининг этакларини тузатди. Катта-катта кўкракларини ва инжа белини сиқиб турган камзулининг кичкина чўнтагидан рўмолчасини чиқарди, терли манглайини артди. Атрофга райхон ҳиди ва яна қандайдир ёқимли хид тарқади. – Онангизнинг, укаларингизнинг соғлиқлари яхшими? – деди.

– Бир навилар. Мен хасталанмасдан бир-икки кунча олдин, онам келиб кетган эди.

Хотиннинг қора, узун қошлари тубидаги бодом каби кийик кўзлари, ҳам ўйчан, ҳамда шубҳа билан боқарди. Бурни бирозгина пучуқроқ бўлганига қарамай, бежиримгина. Оғзи тугмадеккина. Тишлари садаф каби оппоқ. Уст дудоғининг ўнг тарафида қора холи бор.

Кимё ҳам Жавоирга ўйчан боқиб қолганини ўзи сезмади.

– Жавоир, Пашшахонани кўйиб турайлик, – деди уларнинг ёнига келган Лейла. – Чой ҳам қайнади.

– Мен ўзим... – Кимё кутилмаганда чакқонлик билан ўрнидан турди. Пашшахонанинг чеккасини йиғиб, авайлаб томи устига қўйди. Мана, шуям иш бўптими, дегандай қизга кулимсираб қараб қўйди. Лейла сўрининг усти-

ни йиғиштирди. Дастурхон ўрнини босган бир лахтакни ўртага ёйди. Куяли рух кумғончадан пиёлаларга чой сузди. Дастурхонга чақирилган Аҳмаджон қўлтиғи тагидаги бўғчани ўртага қўйиб, очди. Тўрт дона кип-қизариб пишган зоғора, бир ҳовуч туршак ва сариқ майиз.

Йигит икки зоғорани ушатди, сўл қўли кўксида, ўнг қўли билан дастурхонга ишорат қилди:

– Олинглар, марҳамат!

Жавоирнинг ҳечам ҳоли бўлмаса-да, узаниб, бир бурда зоғорани олди. Хуш бўй, ёғлиқ ва пиёзли нон. Ғоят лаззатли.

– Буни қандай ёпдингиз? – деб сўради Кимёхондан.

– Уни ёпиш жуда осон. Сизга ҳам ўргатаман. Индинга сизни, онангизни, укаларингизни, Лайлохонни ва Хатижани уйимизга меҳмонликка чақирамиз. Аслида, бу ерга келишдан мақсадимиз ҳам шу эди, – деди.

Жавоир кутилмаганда келган меҳмоннинг таклифига нима деб жавоб беришни, билмай, жим бўлиб, ўйлаб қолди. Бошини кўтарганда Аҳмаджон иккисининг кўзлари тўқнашди. Йигит унга боладай ёлворувчи назар билан қараб турарди.

– Эртага тушлиқдан сўнг уйингизга бормоқчи эдик. Демак, буни сизга...

– Жавоир Лейлага қаради.

Лейла кулимсиради:

– Бўпти, ҳозир иш тиғиз эмас. Лекин тездан пахта терими бошланади. Одамларнинг айтишича, у вақт бош қашишга ҳам вақт етишмас экан...

– Демак, таклифимизга рози бўлдингиз? Соғ бўлинг, – Кимё, муҳим бир ишни базўр битирган одамдай, укасига қараб олди, кулимсиради. Лекин чиройли юзида хушнудлик билан бирга руҳий азоб аломатлари ҳам кўринди.

Жавоир буни ҳис қилди, лекин сабабини англаб ололмади, индамади.

Меҳмонлар кўп ўтирмадилар. “Иншоолоҳ, ортиқ иситма нималигини билманг, омин!” – деди Кимёхон. Ҳаммалари қўллари билан бетларини сийпадилар.

Улар кетгандан сўнг, Жавоир ўйга толди: “Булар қандай меҳмонлар? Бу – ерли халқ билан биринчи кўришув, биринчи танишувми? Кимёхон менга нима учун икки сўзнинг бирида “Пашшахон” деди? Улар чивинни пашша дейдилар. Мен нима учун Пашшахонман? – деб ўйлади. – Бу – бир хирахандон, ёмон махлук. Уларнинг отини инсонга айтиш мумкинми?”

Бу ерда чивинларнинг бир маромдаги “ғинг-ғинг”ига, қонли визиллашларига чидашнинг ўзи бўлмайди. “Дод” десанг ҳам дарахт соясидан, сув бўйларида аримайди. Келиб, яна бир ерингга қўнаркан, аввал рангсиз, бир тирнокдай кўринган чивин, кўз юмиб очгунча семиради, катталашади, кип-қизил махлукка айланади. Тегмасанг, тонггача талон-тарож қилиб, жонингни оладилар. Улардан қутулмоқнинг бирдан-бир чораси – шу пашшахона. Унинг ичида тинч ўтириш мумкин. “Пашша”, “пашшахона”, “Пашшахон – бу сўзларнинг бир-бири билан қандай олди-бердиси бор экан? Олдинги иккитаси маълум, учинчиси нима дегани?”

– Учинчиси, тахмин қилишимча, жуда яхши сўз. Кимёхон одамга ёмон сўз айтадиган хотинга ўхшамайди, Табиати ҳам ўзи каби гўзал эканлиги кўриниб туради. Самимий, очиқ кўнгилли, марҳаматли аёл – деди Лейла.

*Қрим-татар тилидан  
Миразиз АЪЗАМ  
таржимаси*

## АЗОБЛАРНИНГ БАХТЛИ КЕЛИНИ

Талабалик пайтларимда бир кун газетада севимли шоирим Ойбекнинг Анна Ахматовага бағишланган шеърини ўқиб қолдим. Ўшанда биринчи марта Ахматова ҳақида ўйладим: шўро мафқураси тушкунликда айблаб келган бу шоирага Ойбекдек буюк адиб таъзим билан шеър битибдими, демак, у улуг одам – уни топиб ўқишим керак, деган хулосага келдим.

Орадан икки йил ўтди, 1970 йилнинг куз ойлари эди, “Гулистон” журналинда ишлардим, бир пайт Ойдин Ҳожиева кўнғироқ қилиб (у ўша пайтда “Шарқ юлдузи” журналининг шеърият бўлимини бошқарарди), ёнига бир кириб ўтишимни сўради. Ўтдим. Ойдинхон қўлимга Н.Пушкарёванинг “Анна Ахматова Тошкентда” деган мақоласини тўтқазиб: “Шуни таржима қилиб беринг”, деди. Мақоланинг ичида кичик шеърлар ва шеърий парчалар бор эди, уларни ҳам таржима қилдим. “Бююртма”ни келтириб бергач, бир-икки ҳафта ўтиб, яна “Шарқ юлдузи”га йўлим тушди. Ойдинхон мени кўрасолиб жонланиб кетди: “Абдуллажон, Ахматованинг шеърлари сизда чиқибди, шоира қизларимиз уриниб, таржима қила олишмаган эди”, деди андак ҳайрат ва хайрихоҳлик билан. Ярим йилдан кейин, “Шарқ юлдузи”нинг 1971 йилги 3-сонида таржимам босилиб чиқди. Бир кунги Фафур Фулом номидаги нашриётнинг ўша пайтлардаги бош муҳаррир ўринбосари, машҳур танқидчимиз Иброҳим Фафуров кўнғироқ қилиб қолди: “Абдуллажон, Анна Ахматовани ўқидим, чиройли таржималар бўлибди, бизга беи босма табақлик китоб қилиб беринг, – деди ва қўшиб қўйди: – Бир ўтганингизда талабнома ташлаб кетарсиз”. Мен нашриётга талабнома ташлаб қўйиб, таржимага тайёргарлик кўра бошладим: “Югурик вақт” (“Бег времени”) китобини машинкада кўчиртириб олиб, мутулаага тушдим, В.Жирмунский, Б.Эйхенбаум каби атоқли рус олимларининг Ахматова ижодига бағишланган китоб ва мақолаларини ўқиб, Ахматова руҳига киришига уриндим. Кейинроқ таржимага киришиб кетгач, шартнома тузиш мақсадида нашриётга ўтдим. Шеърият бўлимининг мудири Омон Матжон гапимни эшитгач, истеҳзоли-тантанавор илжайиб: “Миртемирнинг китоби учун қоғоз йўғ-у, сизнинг Ахматовангизга йўл бўлсин. Чиқара олмаймиз, иложимиз йўқ”, – деди. Мен қоғоз борлигини, қолаверса, қоғоз масаласини бўлим мудири ҳал қилмаслигини ҳам билардим. Лекин меники “тутиб” қолди: “Талабномани бу ёққа беринг!” дедим. Омон папкаларини кавлаштириб, топиб берди, мен уни олиб, икки бўлдим-да, чиқишқутига ташлаб, ҳеч кимга ҳеч нарса демай чиқиб кетдим. Нима қилай, Худо мени аризабозлик ва хушомадгўйлик “истеъод”идан маҳрум қилган бўлса! Қизиги шундаки, талабномам ҳатто рўйхатдан ўтказилмаган эди. Шу воқеадан кейин Ахматованинг китобини чиқаришдан умид узган бўлсам ҳам, унга бўлган муҳаббатим сусаймади – кечикиб ёқланган диплом ишим Ахматова шеърияти ва унинг таржималарига бағишланди. Ҳимоя кунги “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири устоз Ғайбулла ас-Салом раҳбарлик қилган, кафедра ўқитувчиси шоир Тилак Жўра оппонент бўлган бу кичик илмий ишим катта баҳоланди, ҳатто ҳаммамизга маълум ва машҳур “нигилист” Маҳмуд Саъдий уни номзодлик диссертацияси билан тенг даражадаги иш деб, кўпчиликни ҳайрон қолдирди. Бироқ мен билардим: бу мақтовлар диплом ишимдан кўра Анна Ахматова ижоди ва шахсига бўлган улкан муҳаббатимга берилган баҳо эди. Шу муҳаббатим туфайли бу буюк шоирни қўлдан қўймай мутулаа қилардим. Ҳар мутулаа жараёнида таржима қилиш истаги тугилар, лекин ўша захоти саҳифалар оралаб шеърият бўлимининг мудири Омон Матжоннинг истеҳзоли-

тантанавор илжайган қиёфаси пайдо бўлар ва мен китобни ёпиб қўяр эдим.

Шу тахлит қирқ йилдан ортиқ вақт ўтиб, росмана ёзувчилар ҳам Ёзувчилар уюшмасига борадиган замонлар келди ва мен шундай кунлардан бирида, кейинги йигирма йил мобайнида илк марта уюшманинг Халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгаши мажлисида иштирок этдим, унда икки оғиз гапириб, Анна Ахматованинг бир шеърини аввал аслиятда, кейин ўз таржимамда ўқиб бердим. Мажлис тугагач, “Жаҳон адабиёти” журналининг бош муҳаррири Шўхрат Ризаев ёнимга келиб: “Абдулла ака, вақт топиб, журналга бир ўтинг, гап бор”, деди. Салдан кейин журналга ўтдим. Бош муҳаррир гапни узоқдан бошлади. Кейинги пайтларда шеърини таржимага санъат сифатида қараши сусайганлигини, енгил-елли таржималар кўпайиб бораётганидан шеърини ихлосмандлари норози бўлаётганини, айниқса, XX аср рус шеърини аксарият таржимонлар томонидан юзаки таржима қилинаётганини гапириб, муддаога ўтди: “Тунов кунини уюшмада ўқиб берган таржимангиз яхши чиқибди, журналимизга Ахматовадан бир туркум шеърлар тайёрлаб берсангиз яхши бўларди”. Мен шунчаки, ҳамсуҳбатимнинг кўнгли учун розилик билдирдим, чунки аҳвол боя айтганимдек эди.

Бир оз фурсат ўтиб, Дўрмондаги ижод боғимизга борадиган бўлдим. Одатдагидек, ўзим билан Ахматованинг китобини олволдим. Уйга қайтгач ҳам Дўрмондаги мутолаани давом эттирдим ва менда дабдурустан яна таржимага иштиёқ тугилди. Ёниб-ловиллаб ишга киришиб кетдим: энди тантанавор-истеҳзоли илжайган қиёфа халақат бермасди. Таржима жараёнида Анна Ахматова шеърларини ўз таржимамда китоб қилиши нияти яна пайдо бўлди, Ахматовага бағишлаб шеър ҳам ёздим. Орада ўйлаб қолдим: “Мени кўпчилик иродаси мустаҳкам одам деб ҳисоблайди, мен эса бир гапдан шунча йил ўзимга келолмай юрдим, бу қанақаси бўлди”, дедим андак ҳайрат ва андак хижиллик билан. Шунда бирдан кўп йиллар муқаддам шоирлик феъли ҳақида ёзган шеъримнинг қўйидаги банди ёдимга тушиди:

Болафеълдир, “Паҳлавон!” десанг, –  
У тоғларни қилади талқон,  
Ерга уриб, “Нотавон!” десанг, –  
Дунёда йўқ ундай нотавон...

Хуллас, “Жаҳон адабиёти”нинг даъвати билан мен яна суюкли шоиримнинг бағрига қайтдим. Эътибор қилган бўлсангиз, мен “шоира эмас”, “шоир” деяпман. Чунки Анна Ахматова катта ҳарфлар билан ёзиладиган ШОИР эди, шунинг учун ҳам “шоира” сўзини ёқтирмасди, доимо: “Шоира дегани нимаси, шоир – шоир-да!” дерди. Дарҳақиқат, рус адабиётида мана шундай инжа табиатли, нафақат шеърларидан, балки сувратларидан ҳам сеҳрли назокати кўриниб турадиган, буюк Атоийнинг “Ғояти нозуклугундин сув била ютса бўлур”, деган таърифига ҳар жиҳатдан мос бу аёл буюк ирода эгаси, бутун бошли бир тузумни хаёлан ўзидан нари суриб ташлаб, кўнгли буюрганини ёза олган қаҳрамонларнинг қаҳрамони эди. Унинг елкасига ортилган жабрнинг юки ҳар қандай тоққа ҳам оғирлик қиларди. Лекин Ахматова ҳаммасини кўтарди: шўролар тузуми унинг эрини, улкан истеъдод эгаси ва ниҳоятда чиройли йигит – Николай Гумилёвни қатл этди. Ёлғиз ўғли, кейинчалик дунёга машҳур бўлган тарихчи Лев Гумилёвни турмадан-турмага ташлаб, сургундан-сургунга қувиб, саргардон қилди. Урушдан кейин анча вақт Анна Ахматованинг китоблари нашр этилмади, ҳатто ёзувчилар уюшмасидан чиқаришди. Мустабид тузум жаҳоннинг энг нуфузли адабий эътирофларидан бўлмиш Италиянинг “Этна Таормина” халқаро мукофотини олган, Оксфорд университетининг фахрий профессорлигига сайланган буюк шоир номига тинмай турли хил мафкуравий тамгалар босиши, уни мунтазам камситиши билан шуғулланди. Ўша йилларда Анна Ахматова таржималар эвазига базўр кун ўтказарди. Лекин бу буюк инсон ҳаммасига чидади, Ватанини тарк этмади, ўзи камбағал кун кечирди,

лекин рус элини, рус тилини Пушкин ва Лермонтовдек бойитиб яшади. Аслида Ахматова ёлғиз эмасди, бир шеърда у, биз тўрттамыз, дейди. Ҳа, унинг улуг маслакдошлари Борис Пастернак, Осип Мандельштам, Марина Цветаева бор эди. Шунданми, гоҳида улар ҳам Ахматованинг ёнида туриб, менга жилмайиб, хайрихоҳлик билан қараётгандек туюлади. Шунда мен: “Биз бештамыз!” дегим келади. Йўқ, бу гапим ўзимни буюклар сафига тикиштиришига уриниш эмас, балки уларга бўлган улуг муҳаббат ҳиссининг, шоирона қисматдошлик туйғусининг жунбуши, холос...

Анна Ахматова рус шеърятини ўзига хос тарзда янгилаган шоир, унинг шеърларида сўзларнинг қурчлиги ва жарангдорлиги биринчи ўринда туради: бирорта супринди сўзни учратмайсиз, ҳар бир сўз маҳорат билан дирижёрлик қилинаётган оркестрдаги чолғу асбобига ўхшаб бетақрор жаранг таратиб туради, ана шу жаранг маънони бўрттиришига хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, Ахматова ўхшатиш ва сифатлашлардан кўра жонлантириш билан истиорадан кўпроқ фойдаланади. Натижада унинг шеърларидаги оҳанг ҳеч кимникига ўхшамайди, мисраларидан шоир олаётган ҳар бир нафасни ҳис қилиб турасиз. Дарвоқе, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, бизда Ахматовани кўпроқ интим шеърлар ёзадиган нозиктаъб аёл – шоира деб туйғунишади, аслида эса, у залворли маънавий-ижтимоий юкни шеърятга айлантира олган довжорак шоир. Таржималаримда унинг ўша жиҳатларини ҳам назардан қочирмасликка ҳаракат қилдим.

Анна Ахматова Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентда яшади, баракали ижод қилди: Ўзбекистонга бағишланган “Ой – найза бўйи” туркумини, машҳур “Қаҳрамонсиз дoston”ини, қатор гўзал шеърларини ёзди. Унинг Тошкентга, тошкентликларга, ўзбек тупроғига бўлган муҳаббати, самимий миннатдорчилиги чексиз эди. Ўз юртига қайтиб кетганидан кейин ҳам буюк шоир Тошкентни унутмади, уни шеърларида муҳаббат билан тақрор-тақрор эслади. Тошкент ҳам уни унутмади, у келганида қандай меҳр ва ҳурмат кўрсатилган бўлса, ана шундай муносабатни бизда ҳозир ҳам кўриш мумкин. Унинг шеърлари шоирларимиз томонидан доимо таржима қилиб келинди. Тошкентдаги ҳаёти тўғрисида мақолалар, хотиралар ёзилди, Тошкентнинг Сирғали туманида Анна Ахматова кўчаси бор...

Муҳаббатим изҳори бўлган ушбу сўзбошимнинг якунида мени севимли шоирим оламига қайтарган “Жаҳон адабиёти” журналига яна бир бор миннатдорчилик билдириб, демоқчиман: “Азиз журналхон! Бу улуг шоирнинг шеърларига диққат билан эътибор қилинг, улардан:

Чиқиб келар Улуғвор Алам,  
Азобларнинг Бахтли Келини,  
Бардошини алқаб Худо ҳам  
Унга берди булбул тилини.

У аскардай ўпди тиз чўкиб  
Шеърятнинг кутлуғ туғини,  
Бор қўрини сўзларга тўкиб,  
Ловиллатди Пушкин чўғини!”

Тўймепа,  
15-16.02.2014

Абдулла ШЕР

## Анна АХМАТОВА

### ШЕЪРЛАР

\* \* \*

Сигинаман дарча нурига, –  
Гўё рангпар назокатдир ул.  
Тонгдан гарқман сукут сирига,  
Юрак эса чилпарчин буткул.  
Мен жўмракка қарайман: обдон  
Кўкиш тусга кирмиш сариг мис.  
Жилваланар унда нур ҳамон,

Ҳар боқишда уйғонар бир ҳис.  
Гарчи оддий, шунчаки у нур  
Тун сукути қўйнида, аммо  
Бўм-бўш гўшам аро у – сурур,  
Рухим учун гўёки байрам  
Ва ширин бир тасалло.

1910

\* \* \*

Ярим очиқ эшикдан  
Жўкилар бўй уфура.  
Кўлқотинг хивчин билан  
Стол устида турар.

Эртага тонг отажак,  
Сочиб қувонч, олтин ҳал.  
Оқил бўлсанг-чи, юрак,  
Боқ, ҳаёт қандай гўзал!

Шитирлайди нимадир,  
Чироқ – сарғиш доира.  
Нега сен кетдинг, ахир,  
Тушунолмайман сира...

Айт, не учун бу “чим-чим”,  
Ҳар уришинг бўғиқ уҳ...  
Биласанми, ўқувдим  
Улмайди сира деб руҳ.

1911

\* \* \*

Пайванд эмас юракка юрак,  
Истасанг – кет, йўлингни берсин.  
Кулиб боқар бахт-иқбол, бешак,  
Ким йўлини танласа эркин.

Арз қилмасман ёш тўкиб ҳеч вақт,  
Бахтли бўлмоқ насибам эмас.  
Упма мени, бу ҳорғин, карахт –  
Ғамдийдани ўлим ўпар, бас.

Чексиз азоб кунларин бир-бир  
Яшаб ўтдим мен қиши билан.  
Бироқ нечун, сен нечун, ахир,  
Айт, яхшисан танлаганимдан?

1911

### ҚЎШИҚ

Кун чиқар пайти ёлғиз  
Йиқни қўшиқ қиламан,  
Томорқада чўкиб тиз,  
Шўраларни юламан.

Фалокатнинг чинқириқ  
Сасидан титрар ўйим.  
Тобора анқир илиқ  
Ўлик шўранинг бўйи.

Олиб отаман сўнгра –  
Уволи менга, нетай?  
Ана, бир қизча ҳўнграр  
Четанга босиб манглай.

Бўлгай ёвуз мукофот  
Нон ўрнига чақир тош.  
Бошимда гунг самовот,  
Фақат овозинг йўлдош.

1911

\* \* \*

Мен шунчаки бу ерга келдим,  
Фарқсиз – қайда зерикмоқ бу кун!  
Дунда мудрар елтегирмон жим.  
Йиллаб бунда жим қолмоқ мумкин.

Бақасалла, ўт хуружидан  
Кенг қўл саёз – на кўрк, на чирой.  
Тоғтеракнинг титроқ учиди  
Ялт этади енгил тўлин ой.

Қовжираган печакдан илинж –  
Майин қанот қоқар болари;  
Сув парисин чорлайман, қўл – тинч,  
Биламанки, ўлган у пари.

Бари янги туюлар бу чоқ,  
Теракларда намчил ҳид турғун.  
Мен жим. Жимман. Жимман, эйтупроқ,  
Яна сенга айланмоқ учун.

1911

\* \* \*

Қорбўрондан, аёздан келиб,  
Исинмоқлик гулханда не бахт.  
Бироқ кимдир секин эгилиб,  
Юрагимни олди ўша вақт.

Янги йилнинг базми зап қувноқ,  
Хуш ёқади гуллар атири.  
Эшитилмас кўксимда, бироқ,  
Ниначининг энди питири.

Таниб қолдим ўғрини, ё-ху! –  
Уни менга фош қилди кўзи.  
Энг ёмони шуки, тезда у  
Ўлжасини қайтарар ўзи.

1914

\* \* \*

Қани энди, “частушка”лар айтсам мен шўх-шан,  
Сен жўр бўлсанг сал хирилдоқ гармонинг билан!

Сулипоя ортига сўнг ўтсак кучишиб  
Ва сочбогим ўша кунни йўқолса тушиб .

Қани энди, ўзилчангни аллалаб ҳар кун  
Мен тутқазсам бир сўлкавой сенга харж учун.

Йўқлов кунни мозорбошдан вақтлироқ қайтсам,  
Эгам берган ёруғ кунга шукрона айтсам.

1914

\* \* \*

Азиз йўлчим, олиссан бугун,  
Гаплашяпман сен билан лекин.  
Шамларини ёққанча гардун  
Ғарб ёлқинин кузатди секин.

Унинг зори эркака тош тўсиқ,  
На шафқат бор ва на қонун бор.  
Айтмасин деб мени ҳеч қўшиқ,  
Қамчин билан дўқ қилар девор

Азиз йўлчим, сен ўнга тезроқ  
Қарат ёруғ юзингни, зеро:  
Унда яшар айёр, бадқовоқ  
Ҳукмдорим менинг аждарҳо.

Ва қанотли махлуқ қутуриб,  
Шукронага мени ўргатар:  
Кулмасин дер қаҳқаҳа уриб,  
Бўлсин дея сипо-ю камтар.

Азиз йўлчим, элт йўллар оша  
Сўзларимни олис шаҳарга, –  
Мен кимни деб яшасам, ўша  
Тинглаб туриб ботсин ғамларга.

1921

## СЕРГЕЙ ЕСЕНИН ХОТИРАСИГА

Одамлар кетади ҳаётдан бир кун  
Тинчгина, озриқсиз тугатиб йўлин.  
Лекин Россиянинг шоири учун  
Насибмас бунақа нуроний ўлим:

Қанотли қалб учса фалакка томон  
Қўпинча қўрғошин солган йўлакдан,  
Гоҳ бўғиқ хирилдоқ нафас ногаҳон  
Ҳаётни чиқариб ташлар юракдан.

1925

\* \* \*

Нега сувга қўшдингиз заҳар  
Ва нонимни қордингиз лойга?  
Нега сўнгги эркимни баттар  
Беркитдингиз энг ифлос жойга?

Бу – хорланиб дўстлар ўлганда  
Қилмаганим учунми байрам?  
Эки қолиб шурбахт Ватанда  
Дард чекканим учунми ҳамдам?

Жаллод билан кундани кутиб  
Яшар экан шоирлар ҳар чоқ;  
Бизга қисмат йиглаб, шам тутиб  
Гуноҳкорлик жуббасин киймоқ.

1935

\* \* \*

Тагин ёнгинамда бари намоён:  
Лоҳаслик, қизиган туннинг мавжлари  
(Осиё алаҳлар – туши саратон),  
Булбул Ҳалиманинг тенгсиз авжлари,  
Беҳиш нарғисларин хандон боқиши...  
Ва кўзлар илғамас зойиб олқиши  
Ел каби шивирлар ўлкада шодон.

Тошкент,  
1943

\* \* \*

Ҳилол Чоржўй қовунининг тилими монанд  
Деразамга қўнганида, димиққанда тун,  
Осмон зангор япроқ каби ўз сеҳрига банд –  
Этиб уйни, яширганда қўйнига бутун,  
Сопол коса муздек сувдан жунжиккан палла,  
Болаликда ёнганидек қўмсаб парвона –  
Тунни қувиб порлаганда шамим мардона,  
Сукут қаҳ-қаҳ урганида тингламай сўзим –  
Ногоҳ недир ўрлаб чиқиб, йўқолур шу зум  
Рембрандтнинг руҳи ҳоким қора бурчакдан,  
Аммо бундан на дил чўчир, на титрайди тан...  
Қора мушук юз йилларнинг кўзидек боқар,  
Танҳоликнинг тутқунида юрагим балқар,  
Ёрдам бермас, ойнадаги аксим ҳам турғун.  
Ширингина ухлагайман, хайрли тун, тун.

Тошкент,  
1944

## ГУЛЛАЁТГАН ТОШКЕНТ

*Мисли қудрати-ла олий фармоннинг  
Тўсатдан шаҳарга қўйилди нурлар –  
Ҳаёлий шарпадек ҳар хонадоннинг  
Қону ўпкасига сингиди улар.*

*Уларнинг нафаси сўзу имодан  
Аниқроқ, баъзиси маҳкум бирпасда  
Зангори оловдек ёнган самодан  
Ариқлар тубига чўкмоққа аста.*

\* \* \*

*Мангу олқиш нурига шоён  
Ул серюлдуз азиз гўшани  
Ва қирққокил жувонлар шодон  
Аллалаган чақалоқларни  
Унутмагайман.*

1944

\* \* \*

*“Ва буюрди деб менга кимдир:  
Қани гапир! Неки борини...”  
Леон Фелипе*

*Эшитгайдир қачондир ҳар ким,  
Одамлардан қолмагай пинҳон:  
Қамоқларда чириди ўғлим,  
Қамчилардан илҳом бўлди қон.*

*Қимлар кетди, ким бор, ким келар –  
Мен ҳаммадан кўра айбдор...  
Менга ётмоқ бахтдек туюлар  
Жиннихона катида бедор.*

## ОНА ТУПРОҚ

*Биздек ўжар ва биздек хоксор,  
Йиғи билмас халқ йўқ дунёда.* 1922

*Муқаддас тумордек кўкракда асраб,  
Унга шеър битмаймиз кўтариб қий-чув,  
Аламли тушларга бўлмас у сабаб,  
Ё жаннат богидек туюлмайди у.  
Уни кўнглимизда қилмаймиз асло  
Олди-сотди учун қимматбаҳо мол.  
Уни унутамиз эслашни ҳатто  
Бағрида гоҳ бемор, гоҳ бахтсиз, беҳол.  
Ҳа, у ковушидаги лойдир биз учун,  
Ҳа, у тишимизда гичирлаган чанг.  
Биз эзиб-топтаймиз, қиламиз кукун  
Ҳеч бир гуноҳи йўқ шу хокни, қаранг.  
Унга айланамиз, лекин, бир қуни,  
Шу сабаб меники деймиз биз уни.*

1961

*Рус тилидан  
Абдулла ШЕР  
таржималари*



*Жейн ОСТИН*

## АНДИША ВА ҒУРУР

Роман<sup>1</sup>

XVIII БОБ

Незерфилд меҳмонлари орасидан мистер Уикхемни қидира бошламагунча, йигит бу ерга келмаслиги мумкин-ку, деган фикр Элизабетнинг хаёлига ҳам йўламаганди. У билан балда учрашиш қиз учун шунчалик табиий туюлаётгандики, йигитнинг бу ерга келишига монелик қиладиган сабаблар тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаганди. Қиз жуда берилиб ясанган ва ишонч билан бугун бир кечанинг ўзидаёқ йигитнинг юрагини тўлиқ забт этишга тайёргарлик кўрганди. Лекин залга кирган заҳоти ахир мистер Бингли дўсти мистер Дарсининг кўнглига қараб Уикхемни таклиф қилинганлар рўйхатига киритмагандир, деган шубҳага борди. Сабаби бу бўлмаса-да, мистер Уикхемнинг йўқлигини унинг дўсти мистер Денни тасдиқлади:

– Албатта, унинг бу ерда иштирок этаётган маълум бир жентельмен билан учрашишдан қочаётганлигини ҳисобга олмасак, ишонаманки, ҳеч қандай иш уни шундай кунда бу ерга келишдан ушлаб қололмасди.

Мистер Денни қочиримининг маъносини фақат Элизабет тушунди. Режалари поймол бўлган Элизабет мистер Дарсини шундай ёмон кўриб кетдики, у билан сўрашиш учун яқинлашган Дарсининг саломига мулозамат билан жавоб беришга ўзини зўрға мажбур қилди. У Дарси билан суҳбатдан ўзини олиб қочишга ҳаракат қилди, ҳатто мистер Бингли билан сўзлашаётганда ҳам ғазабини тийиб тура олмади: Бинглининг дўстига шунчалик боғланиб қолганлиги ҳам энди унга кечириб бўлмас гуноҳдек туюлаётганди.

Шундай бўлса-да, Элизабет ғам чекиб ўтирадиганлар тоифасидан эмасди. Бир ҳафтадан ошиқ кўрмаган дугонаси Шарлоттага ичидагиларни тўкиб солди, уни ўзининг амакиваччаси билан таништирди. Мистер Коллинз билан тушилган биринчи рақс унинг таъбини бутунлай хира қилди: мистер Коллинзнинг ҳаракатлари кўпол, рақс тушишни умуман билмас, дам ўтмай узр сўрар эди. Рақс ахири тугаганда Элизабет энгил нафас олиб, дугонасининг ёнига борди ва у билан суҳбатлашаётиб, олдига Дарси келиб уни рақсга таклиф қилганини ҳам сезмай қолди. Бу таклифни кутмаган Элизабет ўзини йўқотиб қўйиб, розилик бериб юборди. Қилиб қўйган ишидан кайфияти бузилган Элизабет дугонаси билан ёлғиз қолди. Шарлотта уни юпатишга ҳаракат қилди:

– Менимча, у рақсда жуда яхши шерик.

– Худо сақласин! Ёмон кўришга тайёр турган одамим билан рақс тушсам-а!

Рақс бошлангач, Дарси уларнинг олдига келиб, Элизабетнинг қўлидан тутар экан, дугонаси секингина, Уикхемни деб ундан ҳам обрўлироқ одамнинг олдида паст кетмасдан, ўзини ақллироқ тутишни шипшитиб қўйди.

Бир қанча вақтгача улар чурқ этмай рақс тушишди. Элизабет, ҳатто, охиригача шундай индамай рақс тушсак керак деб ўйлай бошлади ва бу

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда.

жимликни бузишни ҳам хоҳламади. Лекин бир-икки дақиқа давом этган сукутдан сўнг, йигитга деди:

– Мистер Дарси, гапириш сиздан.

Йигит жилмайиб қўйди ва қиз нимани хоҳласа шу тўғрисида гапиришга тайёр эканлигини билдирди.

– Мана, яхши бўлди, – деди қиз. – Бу давр учун сиз етарли гапирдингиз. Балки, бироздан сўнг мен хонадонларда ўтказиладиган баллар жамоада ўтказиладиган баллардан яхшироқлиги тўғрисида гапирарман. Лекин ҳозирча жим турганимиз маъқул.

– Сиз рақс тушаётиб гаплашишга ўрганганмисиз?

– Ҳа, баъзан. Ахир жимликни бузиб ҳам туриш керак-ку, тўғрими? Агар икки киши ярим соат бирга ўтириб, бир оғиз гапирмаса, кулгили кўринади-ку. Лекин нима бўлганда ҳам, иккаламиз иложи борича камроқ гаплашсак, кимгадир жуда яхши бўлади.

– Бу билан сиз менинг хоҳишимни кўзда тутаяпсизми ёки бу ўзингизга маъқулми?

– Униси ҳам, буниси ҳам, – тўғри жавобдан қочди қиз. – Иккаламизнинг фикр юритишимиз бир хил эканлигини анчадан бери сезаман. Иккаламиз ҳам камгапмиз, мабодо ҳаммани ҳайрон қолдирадиган бирор ажойиб гапми, кейинчалик оғиздан-оғизга авлодларга кетадиган ҳикмат айтишгами тўғри келмаса, кўп гапиришни ёқтирмаймиз.

– Сизнинг табиатингизга келсак, жуда ҳам тўғри таърифламадингиз. Мени қанчалик тўғри таърифлаганингизга эса мен баҳо беролмайман. Таърифингиз ўзингизга ёкса керак-да.

Кейинги рақс давомида Дарси киздан опа-сингиллар Меритонда тез-тез бўлиб туришларини сўрамагунча, бир-бирлари билан гаплашмадилар. Тасдиқ жавобини бераркан, Элизабет ўзини тўхтата олмай, қўшиб қўйди:

– Яқинда ўша ерда сиз билан кўришиб қолганимизда, эндигина янги таниш орттирган эдик.

Бу гапларнинг таъсири ўша заҳотиёқ кўринди: Дарсининг юзида манманлик ифодаси пайдо бўлди. Лекин у ҳеч нарса демади. Бироз ўтиб, совуққина қилиб деди:

– Уикхем шундай келишган ва ажойиб одатларга эгаки, жуда тез дўст орттира олади. Лекин мени доим шубҳага соладиган нарса шуки – у бу дўстларини ушлаб қола оладими ё йўқми?

– Унинг айтишича, сиз билан дўстлигини узган экан, – маъноли қилиб давом этди Элизабет. – Балки бу бир умрга унинг юрагида жароҳат қолдиргандир.

Дарсининг суҳбат мавзусини ўзгартиришни хоҳлаётгани кўришиб турарди. Шу пайт уларнинг олдида рақс тушаётганларнинг орасини ёриб ўтиб Уильям Лукас пайдо бўлди. У мистер Дарси билан жуда берилиб сўрашди ва ўша заҳотиёқ унинг рақсини ҳамда у билан бирга рақс тушаётган қизнинг гўзаллигини мақтай кетди:

– Сэр, рақсларингизни кузатиб маза қилдим. Бунчалик назокат билан рақс тушадиганлар жуда кам. Сиз билан ҳозир бирга рақс тушаётган қиз, менимча, сизга жуда мос ва умид қиламанки, бундан буён ҳам тез-тез бундай ажойиб рақсларни кўриб тураман. Албатта, интиқиб кутилаётган ҳодиса рўй бергандан сўнг, тўғрими, мисс Элиза? – Бу сўзларни айтаётиб у Бингли ва Жейн томонга қараб қўйди.

Сэр Уильямнинг дўсти борасидаги эҳтимоли мистер Дарсига таъсир қилди: юзи жиддий тус олиб, сал нарида рақс тушаётган Бингли билан Жейнга тикилиб қараб қўйди. Бироз ўтгач, ўзига келиб, Элизабетга деди:

– Мистер Уильям суҳбатимизга халақит берди.

– Менимча, биз гаплашмаётган эдик. Иккаламиз бирор-бир мавзуда гапиришга ҳаракат қилдик, холос. Мана энди нима ҳақида гаплашишни ўйлаяпман.

- Сиз китоблар ҳақида нима дея оласиз?
- Китоблар ҳақида? Йўқ, мен аниқ биламанки, биз иккаламиз бир хил китобларни ўқимаганмиз. Жуда бўлмаганда, ўқиётиб бир хил нарсани ҳис қилмаганмиз.
- Афсус, бекорга бундай ўйлаяпсиз. Лекин сиз ҳақ бўлган ҳолда ҳам гапириш учун мавзу топиш мумкин эди. Фикрларимизни таққослашимиз мумкин-ку.
- Йўқ, мен балда китоб ҳақида гапиришни ёмон кўраман. Бундай жойларда хаёлимга бошқа нарсалар келади.
- Ва улар ҳар доим сизнинг атрофингиздагиларга тегишли, тўғрими?
- иккиланиброк сўради Дарси.
- Ҳа, доимо, – ўйламай жавоб берди Элизабет. – Биласизми, мистер Дарси, ҳаётда бирортасини ҳеч ҳам кечирмаслигингизни айтганингиз эсимда. Демак, сизни бир марта хафа қилиб қўйган одам кечиришингизга умид қилмаса ҳам бўлади. Бундан келиб чиқадики, сиз доим арзимаган нарсаларга хафа бўлмасликка ҳаракат қиласиз
- Ҳа, албатта, – ишонч билан деди мистер Дарси.
- Бировга билмай салбий баҳо бериб, ҳечам айбдор бўлиб қолмайсизми?
- Умид қиламанки, бундай бўлмайди.
- Бировларнинг фикри билан ҳеч ҳам ҳисоблашмайдиганлар, айниқса, ҳамма нарсани олдиндан эҳтиёт бўлишлари керак.
- Сиз нимани кўзда тутаётганингизни билсам бўладими?
- Шунчаки сизнинг табиатингизни яхшилаб билиб олишга ҳаракат қиляпман, – ўзини бепарво тутишга ҳаракат қилиб деди қиз.
- Қўлингиздан келяптими?
- Элизабет бошини тебратди:
- Зиғирча ҳам. Сиз ҳақингиздаги эшитганларим шунчалик ранг-баранги, нима деб ўйлашга ҳам ҳайронман.
- Сизга айтишган фикрлар бир-бирига бутунлай зид эканлигини тасаввур қиляпман, – жиддийлик билан деди мистер Дарси. – Менга қолса, ҳозирча аслида қандайлигимни тасаввур қилишингизни истамайман. Чунки натижадан на мен, на сиз қониқамиз.
- Лекин асосий нарсани ҳозир айтмасам, кейин қулай фурсат келмаслиги мумкин.
- Сизга ёқиши мумкин бўлган нарсага халақит бергим келмаяпти, – совуққина жавоб қилди Дарси.
- Элизабет индамади. Рақс тугагач, иккаласи ҳам кўнгилда ғашлик билан бир-бирларидан узоклашишди. Шундай бўлса-да, мистер Дарси аллақачон юрагида Элизабетга нисбатан интилиш ҳис қилаётгани сабаб, қиздан хафа бўлмади.
- Шундан сал ўтиб, Элизабетнинг олдига мисс Бингли келди-да, калондимоғлик билан гап бошлади:
- Демак, мисс Беннет, сиз Жорж Уикхемдан ҳайратда экансиз-да? Менга буни Жейн айтди. Лекин унинг гапларидан шуни англадимки, бу йигит ўзи ҳақида гапираётиб, марҳум мистер Дарсиникида ҳовли оғаси бўлиб ишлаган Уикхемнинг ўғли эканлигини айтишни унутибди. Унинг мистер Дарси ҳақидаги ҳамма гаплари ёлғон. Аксинча, мистер Дарси унга нисбатан мисли кўрилмаган мардлик қилган. Жорж Уикхем эса, мистер Дарсига нисбатан номардларча иш тутди. У бекорга Жорж ҳақида эшитишни ҳам истамайди. Акамга Уикхемни бошқа зобитлар қатори таклиф қилмаслик жуда ноқулай бўлиб турганда, унинг ўзи таклифдан бош тортиб қолди. У бу ерларда пайдо бўлишининг ўзи мисли кўрилмаган безбетлик. Қандай қилиб бунга ҳадди сиғдийкин! Мисс Элиза, янги танишингизнинг башарасини очиб ташлаш менга жуда оғир. Лекин унинг келиб чиқишини ҳисобга оладиган бўлсак, ундан бошқа нарсани кутиб ҳам бўлмасди.

– Мисс Бингли, сўзларингиздан англаганим шу бўлдики, мистер Уикхемнинг айби унинг келиб чиқишида, – кескин жавоб берди Элизабет. – Сиз унга отаси ҳовли оғаси бўлганлигидан бошқа ҳеч қандай айб қўя олмадингиз. Лекин, сизни ишонтириб айтаманки, буни унинг ўзи менга айтган.

– Узр сўрайман, – ундан узоқлашар экан, кесатиб деди мисс Бингли. – Аралашганим учун кечирасиз, яхши ниятда гапиргандим.

“Қандай юзсизлик! – ўзига ўзи гапирди Элизабет. – Лекин сиз, хонимча, бу йўл билан менинг юрагимга тегаман, деб хом ўйлаяпсиз. Бу билан ўзингизнинг нақадар пасткашлигингиз ва мистер Дарсининг аблахлигини яна бир марта исботладингиз, холос”.

Элизабет мистер Бингли билан берилиб суҳбатлашаётган Жейнни кидирганча кетди. Кечадан жуда мамнун Жейн синглисини чиройли жилмайиш билан қарши олди. Жейннинг юз ифодасидан унинг нималарни ўйлаётганини тахмин қилган Элизабет мистер Уикхем ҳақидаги гаплари ҳозир опасининг қулоғига ҳам кирмаслигини сезди:

– Сендан мистер Уикхем ҳақида бирор нарса била олдингми, деб сўрамоқчи эдим. Сен фақат биттагина одам ҳақида ўйлаб вақтни жуда яхши ўтказаяпсан, шекилли. Шундай бўлса сендан хафа эмасман.

– У бутунлай ёдимдан чиқиб кетибди, – жавоб берди Жейн. – Лекин, очиги, сенга бирорга яхши гап айтолмайман. Мистер Бингли бу ҳақда жуда оз нарса билар экан.

– У мистер Уикхемни танир эканми?

– Йўқ, Меритонда учрашгунча бирор марта ҳам кўрмаган.

– У ҳолда унинг Уикхем ҳақидаги фикрлари Дарсидан ўтган экан-да? Тушунарли. Черков приходи ҳақида нималар билар экан?

– Бу ҳақда дўстидан кўп марта эшитган бўлса-да, нималар бўлганини аниқ билмайди. Приход, менимча, Уикхемга шартли қилиб берилган.

– Мен мистер Бинглини самимийлигига шубҳа қилмайман, – иложи борича юмшоқлик билан деди Элизабет. – Албатта, мистер Бингли содиқ дўст сифатида Дарсининг тарафини олади. Лекин бу воқеанинг баъзи томонлари унга номаълумлигини, билганлари эса фақат мистер Дарсидан эшитганлари эканлигини ҳисобга олган ҳолда мен бу икки йигитга ҳам бир хил муносабатда бўлишда давом этаман.

Опа-сингилларнинг ёнига мистер Бингли яқинлашгач, Элизабет уларни ёлғиз қолдириб Шарлоттани кидириб кетди. У дугонасининг охирги рақсга бирга тушган шериги ҳақидаги саволига жавоб берар экан, уларнинг олди-га мистер Коллинз келиб қўшилди ва ҳозирнинг ўзида бир янгилик кашф қилганини айтди:

– Тасодифан мен бу ерда бекамнинг жуда яқин қариндошини учратиб қолдим. Ҳозиргина у шу кечанинг безаги бўлган қиз билан рақсга тушаётиб қариндоши мисс де Бёр ва унинг онаси леди Кэтриннинг номларини тилга олди. Ҳаётда нималар бўлмайди!

– Мистер Дарсига ўзингизни танитмоқчимисиз?

– Албатта. Мен бу ишни илгарироқ қилмаганим учун ундан кечирим сўрайман.

Элизабет иложи борича уни бундай қилмасликка кўндирмоқчи бўлди. Нотаниш одамнинг мурожаатини Дарси ўзининг холасига ҳурмат белгиси деб эмас, балки ўзбошимчалик деб ҳисоблашини, бу ерда улар бир-бирларига эътибор беришлари шарт эмаслигини ва агар улар учрашишлари керак бўлиб қолган тақдирда ҳам, бу қадамни жамиятда мавқеи баландроқ бўлган Дарси қўйиши кераклигини тушунтира бошлади.

– Азизам мисс Элизабет! Ўзингиз яхши биладиган нарсалар тўғрисида тўғри фикр юритишингизга катта ҳурмат билан қарайман. Лекин оддий одамлар билан худо йўлида хизмат қилувчиларнинг инсоний муносабатлари меъёрлари ўртасида катта фарқ бор. Шунинг учун менга бурчим деб ҳисоблаганимни қилишга ижозат беринг.

Мистер Коллинз қизга эгилиб таъзим қилганча, уни қолдириб тўғри мистер Дарси томонга қараб кетди. Қиз Дарсига бу қандай таъсир қилишини хавотирланиб кута бошлади.

Мистер Коллинзнинг биринчи сўзлариданоқ Дарсининг юзида ажабланиш аломатлари пайдо бўлди. Мистер Коллинз гапини қаттиқ йўталиб кўйишдан бошлади. Унинг сўзлари қизга эшитилмаётган бўлса-да, лабларининг қимирлашидан Элизабет “кечирасиз”, “Хансфорд” ва “леди де Кэтрин” деган сўзларни эшитаётгандек эди. Коллинз ахири гапидан тўхтаб Дарсига гапириш учун шароит туғдирганда, у совуққина жавоб берди. Лекин бу Коллинзни хижолат ҳам қилмади ва гапида давом этди. Гапини тугатганда Дарси индамай бош силкиди-да, нарироққа кетди. Коллинз эса Элизабетнинг ёнига қайтиб келди:

– Мистер Дарсига менинг муомалам ёқди. Мен билан жуда самимий гаплашди ва ҳатто, леди Кэтриннинг инжиқлигини билишини ва унинг хурматига фақатгина ҳақиқий инсонгина мушарраф бўла олишини айтди.

Балдах ўзи учун кутадиган ҳеч нарса қолмагани сабаб Элизабет бутун диққатини мистер Бингли ва опасига қаратди. Бу нарса унда яхши фикрлар уйғотди ва у ўзини худди Жейндек бахтли сеза бошлади. Лекин бирдан онасининг леди Лукасга баланд овозда мистер Бингли ва қизи Жейннинг яқин орада бўладиган тўйлари тўғрисида гапираётганини эшитиб қолди. Сухбат мавзуси шунчалик қизик эдики, миссис Беннет бу жуфтликнинг келажакдаги афзалликларини гапириб чарчамасди. Биринчи навбатда уни хурсанд қиладигани – мистер Бингли шундай келишган, шундай бой ва Лонгборнга жуда узоқ бўлмаган жойда яшайди. Бундан сўнг у яна берилиб мистер Бинглининг опа-сингиллари Жейнни қанчалик ёқтириб қолишгани ва улар бундай қариндошчиликдан мамнун бўлишлари мумкинлиги ҳақида гапирди. Асосийси, бу никоҳ унинг кичик қизларига ҳам бой оилаларга йўл очиб бериши мумкин. Гапининг охирида миссис Беннет леди Лукасга ҳам яқин келажакда ўзидек бахтли бўлишини тилади. Ҳамма гапларни эшитиб турган Элизабет онасини жим қилишга беҳуда уринди, чунки бу гаплар онасининг рўпарасида ўтирган мистер Дарсига ҳам эшитилаётган эди. Унинг бу уринишлари онасининг жаҳлини чиқарди:

– Нега кўрқишим керак? Мистер Дарси ким бўлибди? Нима, биз ундан қарздормизми, унга ёқмайдиган бирор нарса дейишга кўрқишимиз керак?

– Онажон, худо ҳаққи, секинроқ гапиринг. Мистер Дарсини ҳақорат қилишнинг нима кераги бор? Бу билан унинг ўртоғида қандай таассурот қолдирасиз?

Элизабетнинг гаплари онасига таъсир қилмади. Миссис Беннет ҳаммага эшиттириб ўзининг орзулари ҳақида гапиришда давом этди. Элизабет эса хавотири асосиз эмаслигини аниқлаш учун вақти-вақти билан Дарси томонга яширинча қараб кўярди. Дарси миссис Беннет томонга қарамаётган эса-да, диққати аёлга қаратилгани сезилиб турарди. Борган сари унинг юз ифодаси ўзгара бошлади: аввалбошда нафрат сезилиб турган бўлса, охирига бориб унинг юзида қатъий қарор ифодаси пайдо бўлди.

Ахири миссис Беннетнинг гап халтаси бўшаб, эсноғини зўрға босганча, унинг гапларига кўшилиб ўтирган леди Лукас олдиларига кўйилган товук гўштидан татиб кўриш имконига эга бўлди. Элизабет ўзига кела бошлагандек эди. Лекин нафас ростлаши жуда қисқа вақтга экан: овқатланиб бўлишгач мусика тўғрисида гап кетди ва ҳамма йиғилганлар Мэридан ўз санъатини кўрсатишни илтимос қила бошлашди. Элизабет кўз қараши билан сингисини бундай қилишдан тўхтатмоқчи бўлди, лекин бефойда. Ўзининг бор-йўқ санъатини кўрсатиб қўймоқчи бўлган Мэри ҳеч нарсани тушунишни хоҳламади ва фортепьяно ёнига ўтирди. Элизабет мистер Бинглининг сингиллари томонга қаради, уларнинг бир-бирларига ва мистер Дарсига қараб имо-ишора билан масхара қилиб ўтирганларини кўриб қолди. Элизабет ахири отаси томонга ялинганнамо қараб кўйди: агар отаси

аралашмаса, Мэри ўзининг кўшиғини тонггача чўзиши мумкин. Отаси қизи нима демокчи бўлаётганини сизди ва Мэрига қараб деди:

– Қизалоғим, етар энди. Қулоқларимиз маза қилди. Энди бошқа қизларга ҳам йўл бер.

Мэри ўзини отасининг гапларини эшитмаганга солган бўлса-да, барибир, бироз ноқулайлик сизди.

Элизабет эса ҳам синглиси учун уялиб, ҳам отасини ноқулай аҳволга солиб кўйганидан куйиниб, нима қилишни билмасди. Бу орада энди ким кўшиқ айтишини кутишаётганди.

– Агар менда мусиқага қобилият бўлганда эди, ария айтиб берган бўлардим, – гап бошлади мистер Коллинз. – Чунки мен мусиқани черков ходими ҳам машғул бўлса зарар қилмайдиган кўнгилхушлик деб биламан. Албатта, мусиқага жуда кўп вақт сарфлашимиз керак деб ўйламайман, диққатимизни жалб қиладиган ишларимиз ошиб-тошиб ётибди. Шундоғам қолган вақт черков таомилларини бажариш, ўз хонадонинг тўқислигини таъминлашга зўрға етади. Бундан ташқари, яна атрофдагиларга, айниқса, ўзининг жамиятдаги ўрнини учун кимдан миннатдор бўлсанг, ўшаларга ҳам ғамхўрлик қилиш муҳимдир. Мен ҳам ўзимни бу мажбуриятдан олиб қочолмайман ва бекаси билан қариндошлик ришталари бўлган шахсга ҳурмат кўрсатиш мажбуриятидан ҳам четда туролмайман.

Шу билан у мистер Дарси томонга қараб таъзим қилар экан, йиғилганларнинг ярми эшитадиган қилиб гапирган нутқини тугатди. Кимлардир мистер Коллинзга тикилиб қаради, мистерларди кулиб қўйди. Лекин унинг нутқи бошқаларга мистер Беннетга таъсир қилганчалик кулгили туюлмади. Айни вақтда эса миссис Беннет уни маъқуллаб турар экан, қўшнисиди леди Лукасга мистер Коллинзнинг нақадар ақлли ва ўқтам эканлигини гапириб берди.

Элизабетга, агар унинг барча оила аъзолари ўзларини кулгига қўйишга қарор қилишган бўлса, бу кун энг қулай фурсатдек туюлаётганди: мистер Бинглининг сингиллари ва мистер Дарси учун унинг қариндошлари устидан маза қилиб кулишга имкон яратиб берилаётган эди.

Кечанинг қолган қисми унга ҳеч қандай хурсандчилик олиб келмади. Мистер Коллинз рақс тушишга ўзи кўндиролмасан-да, қизнинг бошқалар таклифини қабул қилишга ҳам халақит бераётган эди. Элизабетнинг уни залдаги хоҳлаган қиз билан таништириб қўйишга уриниши бекор кетди. Мистер Коллинз ҳар сафар ўзи рақсни ёқтирмаслигини ва бунинг ўрнига қимматли амакиваччасига меҳрибонлик кўрсатишни хоҳлаётганини айтди. Бубилан у Элизабетга ўзини кўрсатиб қўйишга уринар эди. Шу сабаб, охиригача қизнинг олдидан кетмасликни афзал кўрди.

\*\*\*\*\*

Охириги бўлиб залдан Лонгборнлик меҳмонлар чиқишди. Миссис Беннетнинг айёрлиги сабаб уларнинг экипажи ҳамма кетиб бўлгандан сўнг чорак соат ўтгач келди. Бу незерфилдликлардан бири уларнинг кетишини қандай сабрсизлик билан кутаётганини билишга ёрдам берди. Опа-сингил Бинглилар ўзларини тутишлари билан тезроқ ёлғиз қолгилари келаётганини кўрсатишар экан, нақадар чарчаганларини айтиш учунгина оғиз очишарди. Бу вазиятни мистер Коллинзнинг мистер Бингли ва унинг опаларига ёғдираётган мақтов сўзлари, зиёфатнинг тўла-тўқислиги, уй эгаларининг меҳмондўстлиги тўғрисидаги гаплари юмшатиб турарди. Мистер Дарси жим эди.

Ахири ҳаммалари кетишга отланганларида миссис Беннет незерфилдликлар агар вақт топиб Лонгборнга боришса, жуда хурсанд бўлишларини билдирди. Асосан мистер Бинглига қараганча ўз насибаларини ҳеч қандай расмиятсиз у ва унинг яқинлари билан баҳам кўришдан мамнун

бўлажакларини айтди. Бингли дилдан миннатдорчилик билдирар экан, эртаси куни Лондонга иш юзасидан қилмоқчи бўлган қисқа сафаридан қайтгач, имконият туғилиши билан уларникига боришга ваъда берди.

Миссис Беннет бўлиб ўтган балдан жуда мамнун эди. Незерфиллдан жўнаб кетар экан, катта қизининг тўй сарполарини тайёрлашга, уй жиҳозлашга ва янги экипажлар сотиб олишга кетадиган уч-тўрт ойдан сўнг бу ерга кўчиб ўтишига катта умид боғлаётганди.

## XIX БОБ

Эртаси мистер Коллинз мистер Беннетнинг иккинчи қизи қўлини сўраб расмий таклиф қилди. Нонуштадан сўнг миссис Беннет Элизабет ва яна кичик қизларидан бири билан ўтиришганини кўриб, уй бекасига қуйидаги савол билан мурожаат этди:

– Хоним, агар гўзал қизингиз Элизабетга ёлғиз суҳбатлашишни таклиф қилсам, сиз унга ўз гапингизни ўтказасизми?

Миссис Беннетнинг жавобидан Элизабет ҳатто қизаришга ҳам улгурмади:

– Вой, худойим! Албатта! Албатта! Мен ишонаманки, Лиззи сизнинг гапларингизни бажонидил эшитишга тайёр. Унинг ҳеч қандай қаршилиги бўлиши мумкин эмас.

Бу гапларни гапира туриб миссис Беннет тикаётган нарсаларини олиб хонадан чиқишга ҳозирланар экан, Элизабет уни тўхтатишга ҳаракат қилди:

– Илтимос, бу ердан кетманглар. Мистер Коллинз мени кечирсин. У менга бу уйдаги одамлар эшитиши мумкин бўлмаган ҳеч нарса айтмайди. Яхшиси, мен ўзим кетаман.

– Қандай тентаклик! Менга сенинг бу хонада қолишинг керак. – Миссис Беннет ўзини йўқотиб қўйган қизи чиндан ҳам чиқиб кетиши мумкинлигини кўриб, қўшиб қўйди: – Лиззи, мен сенинг шу хонада қолиб мистер Коллинзнинг гапларини эшитишингни талаб қиламан!

Буйруқни бузишга Элизабетнинг юраги бетламади. Бироз ўйлаб кўргач, бу ишни тезроқ ва ортиқча шовқин-суронсиз ҳал қилиш маъқулроқлигини тушуниб, қайта жойига ўтирди. Унинг ҳам йиғлагиси, ҳам кулгиси келаётган эди. Миссис Беннет ва Китти хонадан чиқишлари билан мистер Коллинз гап бошлади:

– Азизам мисс Элизабет, ишонинг, камтарлигингиз менда ёмон таассурот қолдирмаяпти, аксинча, мақтовга лойиқ инсон эканлигингиздан дарак беряпти. Агар суҳбатга розилик билдирмаганингизда, ҳозиргидек жозибали кўринмасдингиз. Фақат бир нарсани олдиндан айтиб қўйишга рухсат беринг: мен сиз билан гаплашиб олишдан олдин онангизнинг рухсатини олганман. Уятчанлигингиздан келиб чиқиб, менинг мақсадимни яхши тушунмасиз. Аслида эса, танловимни яққол сездиришга ҳаракат қилдимки, буни сезмаган бўлишингиз мумкин эмас. Ижозатингиз билан ўзимга умр йўлдоши танлаш учун нега айни Хартфордширга келганим сабабларини айтиб ўтсам.

Демак, биринчидан, менга ўхшаган молиявий жиҳатдан ўзига тўқ ҳар бир черков ходими ҳамма учун оилапарвар ҳам бўлиши керак. Иккинчидан, аниқ ишонаманки, бу қўйилаётган қадам мени яна ҳам бахтлироқ қилади. Учунчидан, ўзимнинг бекам деб атайдиган олижаноб бир аёлнинг маслаҳатларига қулоқ соляпман. У аёл икки марта бу масала юзасидан ўз фикрларини айтди. Бу ерга келишим арафасида леди Кэтрин менга: “Мистер Коллинз, сиз каби черков ходими, албатта, уйланган бўлиши керак. Ақл билан ўзингизга мосини танланг. Тарбияли, тоза эркатой бўлмаган ва берилиб ишлайдиган, кам ойликни ҳам рўзгорга етказа оладиган қиз бўлиши керак. Тезроқ ўзингизга мосини топинг”, деди. Шу ўринда, азиз қариндош, леди Кэтрин де Бёрнинг менга эътибори ва ҳурматини сизга ҳозир қўш-қўллаб топширмоқчи бўлган бошқа нарсаларнинг охирига қўймоқчи эмасман. Умидим шуки, унинг юқори табақадаги ўрни қаршисида

анчагина юмшайдиган ўткирлигингиз ва ҳаракатчанлигингиз унга ёқади. Энди яна бир нарсани, яъни мен ўзимга жуфт танлаш учун айнан бу ерга келганим сабабини айтиш қолди. Гап шундаки, сизнинг ҳурматли отангиз вафот этгач (албатта, ҳали кўп яшасин!) ер-мулки менга мерос қолади. Бу борадаги андишамдан келиб чиқиб, қизларидан бирига уйланишга қарор қилдим. Хохлардимки, оила аъзоларингиз ушбу, айтиб ўтганимдек, ҳали-бери келмайдиган ғамгин воқеа содир бўлган ҳолда ундан жуда ҳам азоб чекишмасин. Энди сизга бўлган чуқур ҳиссиётларимга ишонтириш қолди. Пул борасида отангизга сира тама қилмайман, чунки биламанки, фойдаси йўқ. Яна шундан хабардорманки, сизнинг бор-йўқ меросингиз ҳурматли онангизнинг ўлимидан кейингина эгалик қилишингиз мумкин бўлган бир йилда тўрт фоиз фойдадан келадиган бир минг фунтгинадир. Мен бу борада балиқдек соқов бўламан ва бир умр ҳеч қандай таъна эшитмайсиз.

Мистер Коллинзни нима қилиб бўлса ҳам шу ерда тўхтатиш керак эди.

– Сэр, сиз шошиляпсиз! – жаҳл билан деди Элизабет. – Ҳали сизга розилик бермаганимни унутдингиз, шекилли. Сэр, менга кўрсатган эътиборингиздан жуда миннатдорман. Бу таклифингиз мен учун қанчалик шараф эканлигини жуда яхши тушунаман, лекин мен рад этишга мажбурман.

– Мен ёш қизларнинг қўлини биринчи марта сўрашганда, ичида рози бўлиб турса-да, рад жавоби беришлари тўғрисида кўп эшитганман. Сизнинг жавобингиздан хафа эмасман ва умид қиламанки, яқин келажақда сизни муқаддас меҳробга олиб бораман.

– Аммо рад жавобимдан сўнг яна умид қилишингиз менга асослидек кўринмаяпти. Жавобим қатъий. Мени бахтли қила олмайсиз ва менимча, дунёдаги қизлар ичида айни мен сизни бахтли қила олмайман. Айтишим мумкинки, агар леди Кэтрин мени яхши билганда, танловингизни маъқулламаган бўларди.

– Наҳотки леди Кэтрин сизга шундай муносабатда бўларди? – жиддийлик билан деди мистер Коллинз. – Мен сиз зоти олияларига ёқмаслигингизни тасаввур қила олмайман. Бемалол ишонишингиз мумкинки, уни учратганимда камтарлигингиз, уй ишларига укувингиз зўрлиги ва бошқа ижобий сифатларингизни ошириб айтаман.

– Йўқ, мистер Коллинз, менинг шарафимга айтадиган мақтов сўзларингиз бекор кетади. Такдиримни ўзим ҳал қилишимга ижозат беринг. Менинг розилигимни сўраётиб, оиламиз борасидаги ўз андишангизни йиғиштириб қўйсангиз бўларди.

Шу сўзлар билан Элизабет хонадан чиқар экан, мистер Коллинз яна гапириб қолди:

– Келаси сафар яна бу мавзуда гапиришга муяссар бўлганимда, умид қиламанки, ҳозирги жавобингиздан кўра яхшироқ жавоб оламан. Сиз менга умид бағишладингиз.

– Сэр, мени жуда қизиқ аҳволга қўйяпсиз, – ҳаяжон билан деди Элизабет. – Агар бу сизга умид бағишлаган бўлса, сизни ўзимнинг рад жавобимга ишонтириш учун нима дейишим кераклигини тасаввур ҳам қила олмайман.

– Азизам, сиз менга фақат оғиздагина рад жавоби бердингиз, деб ўзимни ишонтиришга руҳсат этинг. Қисқасини айтганда, мен бир қанча сабабларга кўра бунга аминман: сизнинг бор ажойиб фазилатларингизга қарамай, сизда бундан буён турмушга чиқишга бошқа имкон бўлмаслигини тушунишингиз керак. Сепингизнинг арзимаслиги ижобий сифатларингиз кучини камайтиради. Жавобингиз барча келишган аёлларга хос олифтарчилик билан менинг ҳиссиётларимни яна ҳам ёлқинлатиш хоҳиши, деб ўйлайман.

– Сэр, мен сизнинг ҳиссиётларингизни ўйин қилиб муваффақиятга эришмоқчи эмасман. Самимийлигимга ишонаверинг. Мен яна бир марта эътиборингиз учун миннатдорчилик билдираман, лекин таклифингизни қатъий қабул қила олмайман. Менга сизни ўзига қаратишга уринаётган эркатой қизга қарагандай қарашни бас қилинг.

– Жуда ажойибсиз, гап йўқ! Ота-онангиз таклифимни маъқуллашганда, сиз бунга хайрихоҳлик билан қарайсиз, ишонаман.

Элизабет мистер Коллинзнинг қарорини ўзгартиришга кучи етмаслигини тушунди. Агар кейин ҳам унинг жавобини нотўғри тушунишда давом этаверса, отасига айтиб беради.

## XX БОБ

Мистер Коллинз муҳаббат бобидаги хаёлларига ортиқ берила олмади: кираверишдаги хонада миссис Беннет орада бўлиб ўтган суҳбатнинг натижасини кутиб ўтирарди. Мистер Коллинз суҳбатни миссис Беннетга ипидан игнасиғача айтиб берди ва суҳбатдан қониқиш ҳосил қилганини билдирди. Чиндан ҳам, у амакиваччасининг рад жавобини қиз қалбининг нозиклигидан, деб тушунаётган эди.

Бу хабар онани хавотирга солиб қўйди. Қизи мистер Коллинзнинг ҳиссиётларини янада ёлқинлантириш учун рад жавоби берган, деган гапга ишонгиси келаётган бўлса ҳам, ўзи бунга ишонмаётган ва ўз хавотирини ҳам яшира олмаётган эди.

– Ишонаверинг, азизим! – деди у. – Мен унинг ақлини киргизиб қўяман. Ҳозирок бориб у билан очикчасига гаплашаман.

– Кечирасиз, шу ерда сизнинг гапингизни бўлишимга тўғри келади. Агар қизингиз ростдан ҳам ўжар ва инжиқ бўлса, бу никоҳдан оилавий хотиржамлик кутаётган менинг даражамдаги одамга тўғри келмайди. Қўрқаманки, бундай қусурлар билан у мени бахтли қилга олмайди.

– Сэр, мени нотўғри тушундингиз, – шоша-пиша деди хавотирга тушиб қолган миссис Беннет. – Лиззи фақат шундай ҳоллардагина ўжар бўлиб қолади. Бошқа пайтларда эса дунёдаги энг юмшоқ қиз. Ҳозир мистер Беннет билан гаплашаман ва мана кўрасиз, ҳамма нарсани ижобий ҳал қиламиз.

Мистер Коллинзнинг жавобини ҳам кутмай, у эрининг олдига югура кетди ва кутубхонанинг эшигиданоқ гап бошлади:

– Азизим, сиз менга ҳозирок ёрдам беришингиз керак! Ҳаммамиз ўзимизни йўқотиб қўйдик. Чопинг тез, Лиззини мистер Коллинзга турмушга чиқишга кўндининг, чунки у буни асло хоҳламаяпти. Агар бу ишга ҳозирок киришмасангиз у айниб қолиши мумкин.

– Азизам, афсуслар бўлсинки, мен сиз айтаётган гапларнинг моҳиятини тушунмаяпман. Нима ҳақида гапираяпсиз?

– Мистер Коллинз ва Лиззи ҳақида. Лиззи унга турмушга чиқмаслигини айтди. Мистер Коллинз эса энди унга уйланмаслиги тўғрисида гапираяпти.

– Хўш? Мен нима қилишим керак? Бу ишдан ҳеч нима чиқмайдиганга ўхшайди.

– Сиз Лиззига гапиришингиз керак. Ундан Коллинзга турмушга чиқишини талаб қилинг.

– Яхши, қани, уни чақиринг-чи. Мен унга ўз фикримни айтаман.

Миссис Беннет кўнғирокни чалиб, Элизабетнинг кутубхонага келишини сўради.

– Қизим, қани, бу ёққа кел-чи, – деди отаси қизи киргач. – Сени муҳим бир иш юзасидан чақиртирдим. Мистер Коллинз унга турмушга чиқишинини сўраяпти. Шундайми?

Элизабет тасдиқ ишорасини қилди.

– Яхши. Сен эса рад қилдингми?

– Ҳа, сэр.

– Яхши. Энди асосий гапга ўтамиз. Онанг сен бу таклифга кўнишинини талаб қиляпти. Шундайми, миссис Беннет?

– Ҳа, шундай. Йўқса, менинг бундай қизим йўқ!

– Демак, қизим, шароитинг ҳозир жуда оғир. Шу дақиқадан бошлаб сен ёки мендан ёки онангдан айрилсан. Агар сен Коллинзга турмушга

чикмайдиган бўлсанг, онанг сендан кечади, агар унга турмушга чиқадиган бўлсанг, мен сени кўришни истамайман.

Элизабет шундай тантана билан бошланган суҳбатнинг бундай туггани учун ўзини жилмайишдан тутолмади. Лекин эри ўзининг ёнини олишига ишончи комил бўлган миссис Беннет нима қилишни билмай қолди:

– Мистер Беннет, бу билан нима демоқчисиз? Ахир сиз менга, қизингизни унга турмушга чиқишга мажбур қиламан, деб ваъда бермаганмидингиз?

– Азизам, – жавоб берди мистер Беннет, – менинг сизга иккита кичкина илтимосим бор. Биринчидан, мени ўз қароримдан қайтаришга уринманг, иккинчидан, хонамда ёлғиз қолишни истайман. Агар кутубхонани тезроқ бўшатиб қўйсангиз, жуда хурсанд бўлардим.

Эридан ҳафсаласи пир бўлса-да, миссис Беннет кўл кўтаришни хоҳламасди. Бу орада мистер Коллинз ёлғиз ўзи бугун эрталаб содир бўлган воқеани таҳлил қилиб кўрди. У рад жавобининг сабабини тушунишга қодир эмас эди, ўзини жуда юқори баҳоларди. Рад жавоби ҳамиятига теккан бўлса-да, хафа бўлмади: унинг Элизабетга бўлган муносабати ўз тасаввури махсули эди.

Шарлотта Лукас уларникига келганда миссис Беннетнинг оиласида жанжал авжида эди. Йўлакда уни Лидия кутиб олар экан, Шарлоттага қаттиқ шивирлаб деди:

– Яхшиям келдинг. Уйимизда шундай ишлар бўляптики! Биласанми, бугун эрталаб нима бўлди? Мистер Коллинз Элизабетдан ўзига турмушга чиқишини сўради, у эса рад қилди!

Шарлотта жавоб беришга улгурмай, худди шу янгиликни айтиб хонага Китти кириб келди. Қизлар нонуштага ўтирганда, миссис Беннет яна шу мавзуда гап очди. У Шарлоттанинг ёрдамига умид қилиб, дугонасини оила орзусига қарши чимасликка кўндиришга ундади.

– Худо ҳаққи, азизам мисс Лукас, шундай қилгин, – эзилиб қўшиб қўйди. – Ҳеч кимнинг менга раҳми келмаяпти, ҳамма шафқатсизлик қиляпти. Бирортаси тамом бўлган асабларимни ўйласа-чи!

Жейн ва Элизабетларнинг хонага кириб келиши Шарлоттанинг миссис Беннетга жавоб қайтаришига ҳалақит берди.

– Мана, унинг ўзи. Парвойи фалак. Фақат унга тегмасак бўлди! Лекин, азизам мисс Лиззи, айтиб кўяй, бундан буён ҳам кўлингизни сўрайдиган йигитларнинг ҳаммасини рад қилаверсангиз, ҳеч қачон эрга тега олмайсиз! Бу ҳақда сизга кутубхонада айтгандим – энди мен сиз билан гаплашмайман. Яхшиликни билмайдиган қиз билан гаплашишнинг нима ҳожати бор! Менинг қандай азоб чекаётганим билан ҳеч кимнинг иши йўқ!

Хонага Коллинз кириб келмагунча миссис Беннет ўз тақдирдан нолишда давом этди. Йигит аввалгидан ҳам кеккайиб олган эди. Уни кўриб, миссис Беннет қизларига қараб, деди:

– Энди мен мистер Коллинз билан дилдан гаплашиб олмоқчиман. Ҳаммангиз, ҳа, ҳа, ҳаммаларингиз тилингизни тийиб ўтиринг ва бизга ҳалақит берманг.

Элизабет хонадан чиқиб кетар экан, Жейн ва Китти ҳам унинг ортидан эргашишди, Лидия эса гапга кулоқ солиш учун ўрнидан жилмади. Шарлотта бўлса ундан бутун қариндошлари ва ўзининг аҳволини сўраган мистер Коллинзнинг саволларига жавоб бериш учун ушланиб қолди ва яна қизиқиши устун келиб, ўзини у ердан ҳеч нарса эшитилмайдигандек тутиб ўтирди.

Миссис Беннет эзилган товуш билан ўйлаб қўйганлар гапира бошлади:

– Мистер Коллинз!

– Хоним, – деди йигит, – бу мавзуга бошқа қайтмаймиз. Мен қизингизнинг гапларига хафа бўлишдан йироқман, – йигитнинг гап оҳангидан норозилиги барибир сезилиб турарди. – Ҳамма кўнгилсизликларга бош эгиш – бизнинг бурчимиздир. Менинг хаёлимга бир фикр келди – агар қизингиз рози бўлган тақдирда ҳам, мен у билан бахтли бўлармидим? Ҳар ҳолда, менинг режа-

ларим яхшилик йўлида эди. Мен ўзимга ақлли умр йўлдоши танламоқчи ва айни пайтда, сизларнинг оилангизга ҳам яхшилик қилмоқчи эдим.

## XXI БОБ

Мистер Коллинзнинг совчиликка келиши билан боғлиқ хаяжонлар ниҳоясига етди. Элизабет энди фақатгина бу воқеадан кейинги ғашлик ва онасининг гоҳ-гоҳ минғирлаб қўйишларидан сиқиларди. Мистер Коллинзнинг ўзига келсак, у бўлиб ўтган ҳодисалардан хафага ҳам ўхшамасди ва амакиваччасидан ўзини олиб қочишни хаёлига ҳам келтирмас, куни бўйи бутун диққатини мисс Лукасга қаратганди. Шарлотта эса йигит билан суҳбатлашиб ўтириб, дугонасига ва бутун оилага тенгсиз яхшилик қилаётган эди.

Нонуштадан сўнг қизлар Уикхемни кўриш ва у нега Незерфилддаги зиёфатга бормаганини билиш учун Меритонга жўнаб кетишди. Йигит уларни шаҳар четида учратиб қолиб, бирга миссис Филипсникига борди. Элизабет билан бўлган холи суҳбатда нега балда бўлмагани сабабини бироз ошириб гапирганини айтди:

– Балга бир неча кун қолганда, у ерга яхшиси бормаслигим кераклигини тушундим, – деди Уикхем. – У билан бир хонада узоқ ўтира олмасдим. Бу унга ҳам, менга ҳам яхшилик келтирмасди.

Мистер Уикхем ва унинг яна бир дўсти қизларни Лонгборнга кузатиб қўйишар экан, йўлда йигит Элизабетга алоҳида эътибор кўрсатиб кетди. Унинг қизни уйигача кузатиб қўйишга тайёрлиги Элизабетни икки томонлама хурсанд қилаётган эди: биринчидан, бу унга ёқаётганди, иккинчидан, Уикхемни уйдагилар билан таништириш учун қулай фурсат келган эди.

Улар қайтиб келишгандан бироз вақт ўтгач, Незерфилддан Жейн хат олди. Хат ўша заҳотиёқ очилди. Конвертда аёл кўли билан оппоқ қоғозга чиройли қилиб битилган хат бор эди. Опаси хатни ўқир экан, Элизабет унинг юзи ўзгариб бораётганини сизди. Хатни ўқиб бўлган Жейн уни яшириб қўйиб, ўзини қўлга олганча суҳбатга қўшилди. Лекин хат Элизабетни шунчалик қизиқтириб қўйгандики, Уикхемни ҳам унутди. Йигитлар жўнаб кетиши билан, Жейн кўз қирида сингисини хонасига чақирди-да, киришгач, хатни олиб, деди:

– Хат Кэролайндан. Очиғи, ҳайратдаман. Улар Лондонга жўнаб кетишибди ва бу ерга бошқа қайтиб келишмас эмиш. Мана, эшит, бу ерда нима деб ёзилган.

Хатнинг опа-сингиллар акалари кетидан Лондонга кетишга қарор қилганликлари ҳақидалигини айтиб, бугун мистер Хёрстнинг Гровнор-стритдаги уйида тушлик қилмоқчиликлари тўғрисидаги жойини ўқиб берди. Давоми эса бундай эди: *“Азиз дугонажон, Хартфордширдан кетаётиб сиздан узоқлашаётганимгагина ачинаяпман. Умид қиламанки, кун келиб сиз билан яна кўришамиз. Ҳозир эса айрилиқнинг оғригини тез-тез хат ёзиб туриш билан энгамиз. Сиздан хат кутиб қоламан”*. Элизабетни Бинглиларнинг тўсатдан жўнаб кетишлари ҳайрон қолдираётган бўлса-да, бу хатда хавотир оладиган ҳеч нимани кўрмади. Бундан мисс Бингли ва миссис Хёрстларнинг йўқлиги йигитнинг Незерфилдга келишига халақит беради, деган фикр чиқмасди.

– Албатта, улар билан хайрлашмай қолганинг ачинарли, – деди у бироз сукутдан сўнг. – Лекин мисс Бингли айтаётган бахтли учрашув у фараз қилаётганидан тезроқ бўлиши мумкин эмасми? Ахир, улар Бинглини Лондонда ушлаб қолишмас?

– Кэролайн улардан ҳеч ким бу киш Хартфордширга қайтиб келмаслигини аниқ ёзаяпти. *“Акам кетаётиб, Лондонга боришини тақозо қилаётган ишни ниҳоятини уч кунда битиришини айтганди. Лекин бундай эмаслигини яхши биламиз. Унинг шаҳардан қайтиб келишга шошилмаслигини билиб, ёлғиз*

бир ўзи меҳмонхонада ўтирмаслиги учун унинг ортидан боришга қарор қилдик. Менинг кўп танишларим қишини ўтказиши учун шаҳарга кетишмаяпти. Дугонажсон, сизнинг ҳам улар қаторида бўлишингизни хоҳлардим, лекин, эсиз, бунинг иложи йўқ”.

– Гапларидан кўриниб турибдики, бу киш у қайтиб келмайди.

– Бу гаплардан у мисс Бинглининг фикрича қайтиб келмаслиги кўриниб турибди, – деди Элизабет.

– Лекин сен нега бундай ўйлаяпсан? Бу унинг иши, ўзига ўзи хўжайин, демоқчимисан? Сен ҳали ҳаммасини эшитганинг йўқ. Ҳозир менга қаттиқ теккан жойини ўқиб бераман. Сендан ҳеч нарсани яширмақчи эмасман:

“Мен ҳеч ким Жоржана Дарси билан чирой, на нозиклик ва на бошқа фазилатларда беллаша олмайди, демоқчимасман. Лекин у бизда уйготган меҳрга асосланиб, кун келиб биз билан опа-сингил бўлади, деб умид қиламиз. Ўзимизнинг режаларимиз ҳақида гапирганмизми-йўқми, ёдимда йўқ, лекин биз сизга бу нарсани айтмасдан кетишни хоҳламасдик, ишонаманки, бизни нотўғри тушунмайсиз. Акам олдин ҳам мисс Дарсидан ҳайратда эди. Энди эса унда бемалол учрашиб туриши имкони бўлади. Унинг ҳамма қариндошлари ва акамнинг қариндошлари ҳам шуни хоҳлашади. Мен ҳам Чарльз ўзи хоҳлаган аёл кўнглини забт эта олишига ишонаман. Ҳеч бир халақит берадиган нарса бўлмагани, бу никоҳни таъминловчи ҳамма шароит мавжудлигини ҳисобга олиб, кўпчиликка бахт келтирадиган бу нарсадан умид қилишим мумкинми?”

– Лиззи, азизам, бунга нима дейсан? – хатни буклар экан сўради Жейн. – Ахир у мени сингил қилишни хоҳламаётгани, бу бўлиши мумкин эмаслигини очиқ айтмаяптими? Акасининг менга бефарқлигига аниқ ишониб ва менинг акасига бўлган туйғуларимни сезиб, мени огоҳлантириб қўймоқчими? Буни бошқача тушуниб бўладими?

– Ҳа ва жуда осон. Мен, масалан, бошқача ўйлапман. Нималигини айтайми?

– Худо ҳақки, айтақолгин.

– Қисқагина қилиб айтишим мумкин. Мисс Бингли акаси сени ёқтириб қолганини кўриб турибди, лекин унинг мисс Дарсига уйланишини хоҳлайди. Акасини Лондонда ушлаб тура олишига умид қилиб унинг ортидан кетади, сенга эса бунақа хат ёзади.

Жейн бош ирғаб қўйди.

– Жейн, жонгинам, ишон! Икковингизни бирга кўрганлардан ҳеч ким унинг сенга бўлган туйғуларига шубҳа қилмайди. Синглисининг ҳам бунга ақли етади. Агар ўзи мистер Дарсида шундай туйғунинг заррасини сезганида, аллақачон никоҳ қўйлагига буюртма берган бўларди. Гапнинг индаллоси шуки – биз улар учун етарли даражада бой ва тагли-зотли эмасмиз. Мисс Бинглининг акасини мисс Дарсига уйлантиришдан мақсади, ўзининг мақсадига етиш учун осонгина йўл очиш. Унинг йўлини леди де Бёр тўсмаганида, бу режа балки амалга ошган бўларди. Ахир, унинг акаси мисс Дарсини шунчалик ёқтирса ҳам, унинг сени қадрлаши сешанба куни балдан кейин хайрлашган пайтдагидан камайиб қолган, деб ўйламаётгандирсан? Мистер Бинглининг кимни севиши синглисининг кўлида эмасдир, ҳар ҳолда!

– Лекин, Элизабет, азизам, яхши нарсага умид қилайлик. Опа-сингиллари ва дўстлари бошқа қизга уйланишини хоҳлаётган йигитга турмушга чиқиб, бахтли бўла олармидим?

– Бу сенинг ишинг, агар ўзинг яхшилаб ўйлаб кўриб, турмушга чиқиб бахтли бўлганингдан кўра ўзгаларнинг норозиликлари кўпроқ аҳамиятли, деб ҳисобласанг, яхшиси, рад жавобини берганинг маъкул.

– Шундай дейишга қандай тилинг борапти? – зўрға жилмайиб деди Жейн. – Ахир, уларнинг норозилиги қанчалик хафа қилмасин, мен қандай жавоб беришим мумкинлигини ўзинг яхши билиб турибсан-ку.

– Бунга ишончим комил. Шунинг учун ҳам қайғунгни юрагимга яқин олмаяпман.

– Лекин у қиш ичи қайтиб келмаса, жавоб беришимга ҳам ҳожат қолмас. Олти ой ичида минг хил нарса бўлиши мумкин.

Мистер Бинглининг Незерфилдга қайтиб келмаслиги ҳақидаги тахмин Элизабетга асоссиздек туюларди. Кэролайн қанчалик усталик қилмасин, Бингли бунга кўнади, деган фикрни хаёлига ҳам келтиришни хоҳламасди.

Улар оналарига йигитнинг режалари ҳақида ҳеч нарса демай, фақат қизларнинг жўнаб кетишганини айтишга келишиб олишди. Лекин шу ҳам миссис Беннетнинг кайфи бузилишига, оиласи эндигина қариндош бўлай деганда мисс Бингли ва миссис Хёрстни кетишга мажбур қилган сабабдан тўхтамай қарғанишга олиб келди.

## XXII БОБ

Беннетлар оиласи Лукасларникига тушликка таклиф қилинган эди. Мисс Лукас ҳали ҳам шундай сермулозамат эдики, кун бўйи мистер Коллинзнинг дил изҳорларини индамай эшитди. Пайтдан фойдаланиб Элизабет дугонасига миннатдорчилигини билдириб қўйди.

– Сен билан гаплашаётганда унинг кайфияти жуда яхши бўлади, – деди у дугонасига. – Сендан шундай миннатдорманки...

Шарлотта аслида дугонасини нафақат мистер Коллинз дардидан кутқармоқчи, балки уни бутунлай ўзига қаратиб олмоқчи эди. Унинг бу ҳаракатлари шунақанги муваффақият билан кетаётган эдики, агар Коллинзнинг сафари бунчалик тез тугаб қолмаганда, қиз ўз мақсадига тезда етган бўларди. Лекин қиз Коллинз феълидаги тезкорликни пайқай олмаган эдики, шунга кўра мистер Коллинз эртаси кун тонгданок Лонгборндан қизнинг оёқларига йиқирилиш учун Лукасларникига қараб жўнади. У режаси ҳали рўёбга чиқмай хабардор бўлиб қолишларидан хавфсираб, уйдан ҳеч кимга билдирмай чиқиб кетишга ҳаракат қилди. Режаларининг ҳал бўлишига ишониб турган бўлса-да (асоссиз эмас, чунки Шарлоттанинг ўзи уни рағбатлантирганди), барибир бироз гумони бор эди.

Иккаласининг фикри бир жойдан чиқиб, ёшлар мистер Коллинзнинг сўзасмоллиги йўл қўйганчалик фурсатда ҳамма нарса тўғрисида келишиб олишди. Улар уйга киришар экан, мистер Коллинз қиздан ўзини бахтли қиладиган кунни айтишини ёлвориб сўради. Қиз ҳозир аниқ жавоб беришга қодир бўлмаса-да, йигитнинг гапларига бепарво қарамаётган эди. Ўз ҳаётини йўлга қўйиш учунгина турмушга чиқаётган мисс Лукас учун унинг ўйлаганлари айнан қачон рўёбга чиқишининг фарқи йўқ эди.

Тезлик билан сэр Уильям ва леди Лукасларнинг розилиги сўралди, ўша заҳотиёқ розилик берилди. Чунки мистер Коллинзнинг айни пайтдаги мавқеи уларнинг қизлари учун айни муддао эди. Хуллас, бутун оила хурсандчилигининг чеки йўқ эди. Укалари Шарлотта қари қиз бўлиб қолади, дея кўркмай қўйишди. Қиз ўз мақсадига эришган бўлиб, ҳаммаси ҳақида энди яхшилаб ўйлай бошлади. Мистер Коллинзни, албатта, на келишган, ва на ақли деб бўларди; у билан бирга бўлиш оғир эди, қизга нисбатан туйғулари эса сўзсиз, ҳавойи эди. Лекин нима бўлса-да, у энди қизга уйланаётганди. Турмушга чиқиш эса қизнинг асосий мақсади эди. Чунки турмушга чиқибгина ўқимишли-ю, аммо камбағал қиз жамиятда ўз ўрнини топар, бахтли бўлмаса ҳам, чорасизликдан ҳимояланарди. Ҳозир у бу ҳимояни топган, лекин Элизабет энг яқин дугонаси бўлгани учун унинг бу никоҳга қандай қараши қизнинг юрагини ғаш қилаётганди. Бу дугонаси учун қутилмаган иш бўлиб, балки Шарлоттани гуноҳкор ҳам санар... Шунинг учун бу янгиликни дугонасига ўзи айтмоқчи бўлди ва Коллинзга Лонгборнга қайтганида ҳеч кимга ҳеч нима айтмасликни тайинлади. Коллинз сир сақлашга сўз берган бўлса-да, ваъдага вафо қилиш осон бўлмади.

Мистер Коллинзнинг эртаси куни Лонгборндан жуда вақтли жўнаб кетиши мўлжалланаётгани учун, Беннетлар билан хайрлашув маросими кечкурун уйқуга ётишдан олдин бўлди. Шу ўринда миссис Беннет мулойимлик ва юмшоқлик билан, мистер Коллинзга яна вақти бўлган заҳоти уларникига келса, хурсанд бўлишларини айтиб ўтди.

– Таклифингиздан ғоят миннатдорман, чунки худди шуни кутаётгандим. Хотиржам бўлишингиз мумкин, иложи бўлиши биланоқ бу таклифингиздан фойдаланаман.

Мистер Коллинзнинг бунчалик тез қайтиб келиши ҳеч ҳам ёқмаётган мистер Беннет эса шоша-пиша деди:

– Бу билан леди Кэтриннинг ғашига тегиб қўймайсизми? Ўз бекангизни хафа қилиб қўйгандан кўра қариндошлардан кечиб қўя қолинг.

– Дўстона маслаҳатингиз учун ташаккур, – жавоб берди мистер Коллинз. – Албатта, мен зоти олияларининг рухсатисиз бир қадам ҳам босмайман. Билиб қўйингки, яқин кунлар ичида бу ердалигимда менга кўрсатилган ҳамма ҳурмат-эътибор учун миннатдорчилик хатини ёзиб юбораман. Менинг гўзал амакиваччаларимга келсак, яқин кунларда Лонгборнга қайтиб келишим аниқ бўлса-да, уларнинг ҳаммасига, шу жумладан, мисс Элизабетга ҳам соғ-саломатлик ва тинч-омонлик тилайман.

Бу гаплардан аёлларнинг бари хайратга тушган бўлсалар-да, одатда, шундай пайтда айтиладиган гаплар билан хайрлашишди. Миссис Беннет йигитнинг шаъмасини унинг кичик қизларидан бирига кўз тикканига йўйди. Қизларидан Мэри унинг таклифини қабул қилиши мумкиндек кўринди. Мэри йигитнинг қобилиятига опаларига қараганда юқорироқ баҳо берган, баъзан унинг чуқур мулоҳазаларидан ҳатто хайратга тушган эди. Лекин эртаси куни эрталаб ҳамма умидлар пучга чиқди: нонуштадан сўнг уларникига мисс Лукас келди ва Элизабетни четга тортиб, унга бўлажак унаштирув ҳақида айтди.

Мистер Коллинз ўзини Шарлоттани севиб қолганга солиши мумкинлиги Элизабетнинг хаёлига келганди. Лекин дугонаси буни қабул қилиши мумкин эмасдек туюлганди. Шунинг учун унинг хайрати шу даражада эдики, кичкириб юборди:

– Мистер Коллинз билан унаштирув? Шарлотта, бундай бўлиши мумкин эмас!

Элизабетнинг таънасини эшитиб, шу вақтга қадар ўзини бамайлихотир тутиб турган мисс Лукас, нима дейишни билмай қолди. Лекин Элизабетнинг хайрати кутганидан баттар бўлмагани учун, ўзини тезда тутиб олиб, деди:

– Наҳотки, бу нарса сени шунчалик хайратга солаяпти, Элиза? Сендан ҳеч нарса чиқмаган бўлса, мистер Коллинзнинг бошқа бир қиз билан омади келиши мумкин эмасми?

Элизабет ўзини қўлга олиб, дугонаси билан қариндош бўлаётганидан хурсандлигини айтди ва унга ҳамма яхши тилакларни тилади.

– Нимани ҳис қилаётганингни яхши тасаввур қилаяпман, – деди Шарлотта. – Сен жуда ҳайрон қолаётган бўлсанг керак. Ахир, мистер Коллинз яқиндагина сенга уйланмоқчи бўлаётган эди. Лекин ҳаммасини бир бошдан ўйлаб кўрсанг, тўғри қилаётганимга ўзинг амин бўласан. Менга бошпана керак. Мистер Коллинзнинг феъли яшаш тарзи ва жамиятдаги ўрни ҳақида ўйлаб кўриб, менинг ҳам бахтли оила ҳақида орзу қилишга ҳақим бор, деган қарорга келдим.

Элизабет секингина “Ҳа, албатта”, – деб жавоб берди.

Шарлотта Лонгборнда кўп бўлгани йўқ ва у кетгандан сўнг Элизабет эшитганлари тўғрисида яна бир марта ўйлай бошлади. Унинг ушбу никоҳ тўғрисидаги фикрга кўникишига анча вақт кетди. Дугонасининг тинчгина яшашни хоҳлагани учун энг нозик нарсаларни ҳам қурбон қилиши мумкинлигини ақлига сиғдирма олмаётган эди.

## XXIII БОБ

Сэр Уильям Лонгборнга ташриф буюрганда Элизабет онаси, опа-сингиллари билан ўтирар ва яқиндагина эшитган янгилигини уйдагиларга айтиши керак ёки йўқлиги тўғрисида ўйларди. Шарлотта отасини ўзининг Беннетлар қариндоши бўлмиш йигит билан унашуви тўғрисидаги хабарни айтиш учун юборган эди. У иложи борича чиройли тарзда уларнинг оиласи билан қариндош бўлаётганидан хурсандчилигини таъкидлаб, хайрон ўтирганларга янгиликни етказди. Миссис Беннет беписандлик билан бунинг мумкин эмаслигини айтар экан, доимо бетгачопар бўлган Лидия хайрат билан деди:

– Вой, ўлай! Сэр Уильям, сиз мистер Коллинз Лиззига уйланаётганини билмайсизми?

Бундай бетгачопарликка чидаш учун ўта совуққон бўлиш керак. Сэр Уильям феъл-атвори эса бу сифат етарли эди. Элизабет уни ноқулай вазиятдан чиқаришни ўзининг бурчи деб билди, бу янгиликни у Шарлоттадан анча илгари эшитганлигини айтиб, сэр Уильямнинг айтганларини тасдиқлади ва ортиқча гап-сўзларга барҳам бериш учун, сэр Уильямнинг ўзини ҳам бу янгилик билан табриклади, бу табрикка Жейн ҳам кўшилди.

Миссис Беннет чиндан ўзини йўқотиб қўйди ва сэр Уильям жўнаб кетгунча оғзини ҳам очмади. Лекин меҳмон жўнаши билан ўзини қўйиб юборди. Биринчидан, бундай бўлиши асло мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтди. Иккинчидан, мистер Коллинзни аҳмоқ қилишгани, бу никоҳ яхшилик келтирмаслигига ҳаммани ишонтирмакчи бўлди. Унинг жаҳли бир кунда ўтиб кетмади. Мистер Беннет эса бу ходисага анча совуққонлик билан қаради. Унинг айтишича, бу нарса унга ҳатто ёқибди ҳам.

Жейн мистер Коллинзнинг унашуви ўзини хайратга солганини беркитиб ўтирмади. Лекин у бу ҳақда келин ва куёвга бахту омад тилакларидан кўра камроқ гапирди. Ҳатто Элизабет ҳам уни бу никоҳнинг омадсиз кечиши мумкин эмаслигига ишонтира олмади. Элизабет ва Шарлотта ўртасида эса кўринмас девор пайдо бўлди. Энг яқин дугонасидан кўнгли қолган Элизабет опаси Жейнга олдингидан кўпроқ боғланиб қолди. Кунлар ўтган сайин опасининг бахти хусусида кўпроқ хавотирланарди: мистер Бингли жўнаб кетганига бир ҳафтадан ошганига қарамай ҳеч қандай хабар йўқ эди.

Жейн Кэролайннинг хатига тезда жавоб ёзиб, энди ундан мактуб кутиб ўтирар эди. Мистер Коллинздан эса сешанба куни хат олишди. Хат мистер Беннетга аталган бўлиб, миннатдорчилик сўзлари билан тўла эди. Мистер Коллинз мисс Лукасининг розилигини олганидан бахтиёрлигини ҳавойи сўзлар билан ифодалаб, шароит бўлса икки ҳафталардан сўнг яна Лонгборнга келишга қарор қилганини ёзган эди. Унинг Хартфордширга келиши энди миссис Беннетни ортиқ қувонтирмас, аксинча, кутилмаган ташрифдан норози эди. Вақти-вақти билан мистер Бингли ҳам йўқ бўлиб кетганини аламли гапириб қўярди.

Жейн билан Элизабет ҳам бу ҳолатдан хавотирда эдилар. Кунлар ўтар, йигитнинг энди Незерфилдга келиш нияти йўқлиги тўғрисида Меритонга тарқалган ғийбатларни ҳисобга олмаса, мистер Бинглидан хабар йўқ эди. Ҳатто, Элизабет ҳам хавотир ола бошлади – мистер Бинглининг безътиборлигидан эмас – йигитнинг сингиллари уни Лондонда ушлаб қололмаган бўлишлари мумкинлигидан. Қиз Жейннинг бахтсизлигига сабабчи бўладиган ва у танлаган йигитнинг мардлигига соя соладиган бу фикрни ўзидан ҳайдашга уринса-да, миясига қаттиқроқ ўрнашиб борарди.

Жейннинг ўзига келадиган бўлсак, албатта, мавҳумлик Элизабетдан кўра уни кўпроқ эзаётган эди. Лекин қиз ҳиссиётларини атрофдигиларга билдирмасликка уринарди. Онаси эса, дам ўтмай Бингли ҳақида гапирар, ушланиб қолиши сабабларини ўзича изоҳлар ёки бўлмаса, ҳатто Жейндан, агар йигит қайтиб келмаса, у алданиб қолганлигини бўйнига олишини талаб қилар эди.

Мистер Коллинз кетганидан икки ҳафта ўтиб, яна қайтиб келди. Меҳмонни у биринчи марта Лонгборнга келганичалик хурсандчилик билан кутиб олишмади. Лекин йигит хаёллари билан шунчалик банд эдики, ортиқ эътиборларига муҳтож эмас ва бутун вақтини Шарлотта билан ўтказаётган эди.

Миссис Беннетнинг аҳволи чиндан ҳам ачинарли эди. Мистер Коллинзнинг уйланиши тўғрисидаги арзимас гап ҳам кайфиятининг бузилишига олиб келар, аксига олиб, ҳамма ерда фақат шу ҳақда гап борарди. Шарлоттани кўришнинг ўзиёқ аёлнинг ғазабини кўзғатар эди. Агар қиз Коллинз билан суҳбатлашаётган бўлса, тасавурида улар аёлнинг ўзи ва қизларини мистер Беннетнинг ўлимидан сўнг чиқариб юборишни режалаштиришаётгандек туюларди.

– Ўзингиз ўйланг, азизим, – бир куни эрига деди у, – кун келиб Шарлотта Лукас бу ерда хўжайин бўлишини тан олиш қандай аламли. Мен эса уни бу ерда кўриб туриб индамай кетишга мажбурман!

– Азизам, ёмон хаёлларга берилаверманг. Келинг, ёқимлироқ бирор нарса тўғрисида ўйлаймиз ва мен мистер Коллинздан кўра узоқроқ яшайман, деб умид қиламиз.

Эрининг бу гаплари миссис Беннетни бутунлай хотиржам қилолмади:

– Уй-жойимиз шу одамларга ўтиб кетишига ҳеч чидай олмаяпман. Агар бу ер уларга эр томондан мерос бўлиб ўтмаганда ҳам майли эди...

– Қандай қилса рози бўлардингиз?

– Бошқа нима қилса ҳам рози бўлардим!

– Бундай мавҳумликдан асрагани учун худога шукур қилишимиз керак.

– Мистер Беннет, эр томондан мерос борасидаги нарсаларнинг бирортаси учун ҳам худога шукур айтолмайман. Ер эгасининг қизларига қарашли ерни тортиб олишга қандай одамларнинг виждони йўл кўяди, ҳеч тушунмайман. Ва яна бу қандайдир мистер Коллинзни деб бўлса! Бирорта ўтказиб кўйган жойи борми?

– Саволингизга ўзингиз жавоб бера қолинг, – деди мистер Беннет.

## ИККИНЧИ КИТОБ

### I БОБ

Мисс Бинглидан ҳамма гумонларни йўққа чиқарадиган хат келди. Хатнинг бошидаёқ Бингли ва сингиллари бутун киш Лондонда қолишлари айтиб ўтилган эди. Хатнинг давомида эса акалари у ердан жўнаб кетиш олдидан хартфордширлик дўстлари билан хайрлаша олмаганидан афсусда эканлиги ёзилганди.

Тамом, ҳеч қандай умид қолмаган эди. Хат, асосан, мисс Дарсини макташга қаратилганди. Унинг ҳамма яхши сифатлари тўлиқ санаб ўтилган эди. Кэролайн ўзлари билан қиз ўртасида яқинлик пайдо бўлгани ва у олдин Жейнга айтган нарса ростга айланар, деган умидни англатарди.

Икки кунгача Жейннинг синглиси билан ўз туйғулари ҳақида гаплашишга юраги дов бермади. Бир куни миссис Беннет Незерфилднинг хўжайини тўғрисидаги ҳар хил гапларни гапириб, қизларни ёлғиз қолдириб хонадан чиқар экан, Жейн ўзини тўхтата олмади:

– Онамиз сал ўзини тута билса эди! Бингли ҳақидаги гап-сўзлари билан қанчалик азоблаётганини наҳот тушунмайди! Менинг ташвишга тушишга ҳаққим йўқ. Яқинда ҳаммаси тугайди! Уни ҳаммамиз унутамиз ва аввалгидек яшай бошлаймиз.

Элизабет опасига ишонқирамасдан қараб кўйди, лекин бирор оғиз сўз демади.

– Сен менга ишонмаяпсан-а? – қизариб, хитоб қилди Жейн. – Бекор қиляпсан. Ахир бир яхши таниш сифатида хотирамда қолиши мумкин

эмасми? Мен умид қиладиган ҳеч ким йўқ, кўрқадиган нарсам ҳам йўқ ва ҳеч кимдан гина ҳам қилмайман.

Бироз ўтиб, у янада дадилроқ овоз билан деди:

– Жуда бўлмаса, бу воқеалар ҳаёлимда бўлди, деб ҳисоблайман ва улар ўзимдан бошқа ҳеч кимга зарар келтирмайди.

– Жейн, азизам, шунчалик кўнгилчансанки! Оқилалигининг чегараси йўқ. Уйлашимча, ҳеч ҳам қадрингга етмаган эканман ва сени етарлича яхши кўрмаган эканман. Мана шу охири кунлардаги иккита нарса менга яхшигина мактаб бўлди. Биттаси ҳақида гапиришни хоҳламайман. Иккинчисини эса дугонам Шарлоттадан олдим. Ҳарна қилсам ҳам, иккинчисига ҳеч ақлим етмаяпти.

– Лиззи, азизам, бундай ҳисларга эрк берма. Ахир, юрагинг эзилиб кетади. Сен ҳаётгий шароитларни ва ҳар бир инсоннинг характерини ҳисобга олмаяпсан. Уйлаб кўргин-а, мистер Коллинзнинг жамиятда қандай муносиб ўрни бор ва Шарлотта қандай совуққон ва узокни кўра билади. Ўзинг ўйлаб кўр, нечта ака-синглиси бор ва унинг турмушга чиқиши оиласининг ночор ахволига қандай ёрдам берган бўларди.

– Сен учун ҳамма нарсага тайёр бўлсам керак. Чиндан, кимдир мени Шарлоттанинг Коллинзда кўнгли бор, деб ишонтира олса, у ҳақда багтар ёмонроқ фикрга борардим. Жейн, ўзинг ҳам Коллинзнинг тентак, ҳиссиз, ўзига бино қўйган, субутсиз одам эканлигини яхши биласан, унга тегаётган қиз яхши ниятлар билан тегмаётганига ақлинг етади. Шунинг-чун ҳам Шарлоттани оклашга ҳаракат қилмай кўя қол.

– Жуда қатъий ҳукм чиқараяпсан, – жавоб берди Жейн. – Умид қиламанки, уларнинг ҳаёти изга тушиб кетгач, ўзинг ҳам бунга ишонасан. Сен ўзингга мактаб бўлган икки нарса тўғрисида гапира туриб, яна бир одамга тил теккизиб ўтдинг. Лиззи, азизам, уни айбдор қилиб, у сенинг назарингдан қолганини гапириб, менга азоб берма, илтимос. Ахир ёшгина йигитдан, у жуда эҳтиёткор бўлиши ва ҳар бир қадамини ўйлаб босиши кераклигини талаб қилиб бўлмайди.

– Эркаклар эса уларнинг бу ҳаракатидан фойдаланишади.

– Агар бу ҳолда эркак ҳамма нарсани ўз манфаати юзасидан қилса, уни оқлаб бўлмайди. Лекин мен ҳамма одамлар ҳам фақат ўз манфаати учун ҳаракат қилишига ишонмайман.

– Мен мистер Бинглининг ўзини тутиши манфаат юзасидан, деган фикр-ни айтишдан йироқман, – деди Элизабет. – Лекин ёмонлик қилмай туриб ва бировни бахтсиз қилмай туриб ҳам, хато қилиш ва юрагига ниш уриш мумкин. Яъни, оддийгина енгилтаклик билан, етарлича эътибор бермай ва бўшанглик қилиб.

– Бу сифатлар унда ҳам бор, демокчимисан?

– Бошидан охиригача. Ҳозир сен учун азиз одамлар ҳақида гапира бошласам, сени хафа қиламан. Шунинг учун кеч бўлмасдан мени тўхтатишинг мумкин.

– Ҳали ҳам унга сингиллари таъсир ўтказаяпти деб ўйлайсанми?

– Ҳа, ўртоғи ҳам.

– Асло ишонгим келмайди. Уларга бу нима учун керак? Аксинча, бахт тилашлари керак-ку. Агар у мени чиндан севиб қолган бўлса, бошқа бирорта аёл билан бахтли бўла олмайди.

– Гап бош мақсад нимадалигида. Акаларининг бахтли бўлишидан ташқари яна бошқа мақсадлари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, унинг бойлигини кўпайтириш, жамиятдаги мавқеини ошириш ёки пули кўп таг-зотли оиланинг қизига уйлантириш.

– Албатта, улар мисс Дарсини танлаган бўлишарди, – деди Жейн. – Улар мисс Дарси билан мендан олдинроқ танишишган. Шунинг учун уларнинг яқинроқ эканлиги тушунарли. Лекин нима ўйлаган тақдирларида ҳам мистер Бинглининг интилишларига қаршилик қилишмайди-ку. Агар акаси

мени севади, дея билишса, бизни айиришмаган бўлишарди. Мени бунга ишонтириб баттар азобга қўймагин.

Элизабетнинг бунга кўнмай иложи йўқ эди. Шу пайтдан бошлаб опасингил ўртасида мистер Бингли ҳақида бошқа гап кўтарилмади.

Миссис Беннет ҳамон мистер Бингли келмаётганидан ўзини кўярга жой топомасди. Ўзи ишонмаса ҳам Элизабет онасини мистер Бингли Жейн билан бироз вақтихушлик қилиш учунгина дўстлашганига, улар бир-бирларидан узоқлашишлари ҳамон уни ёдидан чиқарганига ишонттира бошлади. Элизабетнинг ўзини эса, мистер Бингли ёзнинг бошларида Незерфилдга албатта келади, деган фикр овунтираётган эди.

Мистер Беннетнинг фикри бу борада бутунлай бошқача эди:

– Шундай қилиб, Лиззи, англашимча, опангнинг юраги бироз яраланди, – деди у бир куни. – Ёш қизларда вақти-вақти билан шундай бўлиб туради, худди турмушга чиқишгани каби. Бу уларни фикрлашга ундайди ва бошқа қизлардан ажратиб туради. Сенинг навбатинг қачон келади энди? Бунинг пайти келди. Бу ердаги ҳамма қизларнинг бошини айлантириш учун Мери-тонда зобитлар етарли. Сен Уикхемни танлаб кўрмайсанми?

– Миннатдорман, сэр, менга бундайроғи ҳам бўлаверади. Ҳамманинг ҳам Жейнчалик омади келавермайди-ку.

– Бу рост, – деди мистер Беннет. – Айниқса, бундай ҳолларда ҳеч нарсани кўздан қочирмайдиган ғамхўр онанг бўлса...

## II БОБ

Шанба куни етиб келди. Мистер Коллинз севги изҳор қилиш билан ўтказган бир ҳафтадан сўнг ўз Шарлоттаси билан хайрлашишга мажбур бўлди. Беннетлар билан ҳам худди ўтган сафардагидек тантанали хайрлашди.

Келаси душанба миссис Беннет одатлари бўйича рождество байрамини Лонгборнда нишонлашга ўрганган акаси ва унинг хотинини кутиб олди. Мистер Гардинер синглисига нисбатан анча ақлли ва яхши хислатларга эга инсон эди. Лонгборнлик аёлларга савдо билан шуғулланувчи ва омборхонаси яқинида яшовчи одамнинг шунчалик тарбияли, дилкаш инсон бўлиши қизиқ кўринарди. Ақлли, хушсуҳбат ва келишган миссис Гардинер миссис Беннет ва миссис Филипедан анча ёш бўлиб, Лонгборнлик жиянлар уни жуда яхши кўришарди. Унинг келиши билан қилган иши олиб келган совғаларини улашиш ва марказдаги охирги урфлар билан таништириш бўлди. Буларни тугатгач у тингловчига айланди. Миссис Беннет уларга бўлиб ўтган кўнгилсизликларни айтиб берди.

– Жейнни ҳеч нарсада айблай олмайман, – давом этди у. – Иложи бўлса у мистер Бинглига теккан бўларди. Лекин Лиззи! Сиз тасаввур ҳам қила олмайсиз, агар табиати бундай аҳмоқона бўлмаганда у аллақачон миссис Коллинз бўларди. Энди леди Лукасинг қизи менинг қизларимдан аввал турмушга чиқаяпти! Лонгборн эса эрим тарафдан меросга ўтиб кетади. Бу Лукаслар жуда айёр, ўзиникини қўймайди!

Элизабет билан ёлғиз қолгач, миссис Гардинер яна бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида гап бошлади.

– Айтиб беришингизга кўра бу чиндан Жейн учун муносиб номзод бўларди, – деди у. – Унинг хафа бўлиб қолгани чатоқ бўлибди. Одатда, бундай йигитлар яхши қизларни осонлик билан севиб қоладилар. Кейин эса бирор жойга кетишадую осонгина эсдан чиқарадилар. Бундай ишлар ҳар кадамда учрайди.

– Сиз тасвирлаган ҳолат учун жуда яхши овунч, – деди Элизабет. – Лекин бизнинг шароитимизга тўғри келмайди. Биз тасодифан бу аҳволга тушмадик. Баъзан дўстларнинг аралашуви оқибатида мустақил бўлган ёш йигит ўзи севиб қолган қиз ҳақида мутлақо ўйламай қўйиш ҳоллари кам бўлса-да, учраб туради.

– Элизабет, азизам, мистер Бингли ростдан Жейнни жуда ёктириб қолганмиди?

– Бунақасини ҳеч кўрмагандим. У атрофидагиларга ҳатто қайрилиб ҳам қарамай қўйди. Кўзлари фақат Жейнни кўрарди. Ҳар сафар учрашганлари сайин бу яққол кўрина бошлаганди. Уйига меҳмонга чакириб туриб кизларни рақсга таклиф этмай, ҳатто хафа ҳам қилиб қўйди. Атрофдагиларга эътиборсизлик севиб қолганликнинг очик аломати эмасми?

– Ҳа. Бечора Жейн! Ачиниб кетаяпман. У табиати билан ҳали бери ўзига кела олмайди. Уни биз билан Лондонга бирга кетишга кўндира олармиканмиз? Шароитни алмаштириш ва рўзғор ташвишларидан бироз дам олиш унга яхши таъсир қилган бўларди.

Бу таклиф Элизабетга жуда ёкиб тушди. Таклиф Жейнга ҳам ёқишига амин эди.

– Жейн бу саёҳатни у йигит билан боғламаса керак, албатта, – давом этди миссис Гардинер. – Биз шаҳарнинг у чеккасида турамиз ва улар билан умумий танишларимиз ҳам йўқ. Кўчага камдан-кам ҳолларда чиқамиз, учрашиб қолиш эҳтимоли жуда оз, мабодо йигитнинг ўзи Жейнни кўргани келиб қолмаса.

– Бундай бўлиши эҳтимолдан йироқ. У доим дўстининг назорати остида. Мистер Дарси бунга йўл қўймайди. Бу фикр қаердан хаёлингизга келди? Мистер Дарси Грейсчёрч-стрит ҳақида балки эшитгандир? Лекин у ўшандай ерларга борадиган бўлса, унга ёпишган чанглари кетказиш учун бир ой керак бўлади, деб ҳисобласа керак.

Жейн миссис Гардинернинг таклифини бажонидил қабул қилди.

Гардинерлар Лонгборнда бир ҳафта бўлишди. Миссис Беннет акаси ва унинг хотинини хурсанд қилишга шунақа уриндики, бирор кун ҳам меҳмонсиз ўтмади, улар бирор кун ҳам зерикиб қолишмади. Лонгборнда ҳар куни албатта бир нечта зобит бўлар, улар орасида, шубҳасиз, мистер Уикхем ҳам бор эди. Элизабетнинг бу офицер ҳақидаги юракдан чиқариб гапирган гаплари миссис Гардинерга шубҳали туюлиб, у йигитга ва жиянига диққат билан эътибор бера бошлади: улар очикчасига бир-бирларига интилаётганлари аёлни ташвишга солди ва жўнаб кетиш олдидан киз билан гаплашиб олишни ўйлаб қўйди

### III БОБ

Миссис Гардинернинг Элизабетни огоҳлантириб қўймоқчи бўлгани ёдидан чиқмаган эди ва биринчи имкон туғилиши биланоқ ўзи хавотири ҳақида гап очди:

– Лиззи, сени огоҳлантириб қўйишгани сабаб, атайдан севиб қолмаслик учун сен етарли даражада ақллисан. Шунинг учун ростини айтаман. Жуда хушёр бўлишингни хоҳлайман. Ўзинг берилиб кетмагин ва уни ҳам йўлдан урма. Иккалангизнинг ҳам етарлича маблағингиз йўқлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу ақлдан бўлмайди. Албатта, у жуда келишган йигит. Шунинг устига бой ҳам бўлганида, сени кўллаб-қўлтиклаган бўлардим.

– Холажон, сиз шунақанги жиддий нарсалар тўғрисида гапираясиз!

– Албатта. Сенинг ҳам бу гапларни жиддий қабул қилишингга ишонаман.

– Бу ҳолда мендан хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Мен ўзим ва мистер Уикхем ҳақида ўйлаб кўраман. Агар мен халақит бера олсам, у ўлса ҳам мени севиб қолмайди.

– Элизабет, сен ҳазилга олаяпсан.

– Узр. Бошидан бошлайман: мен ҳозир мистер Уикхемни севиб қолмаганман. Лекин, шубҳасиз, у мен учратган йигитлар ичида энг келишгани. У мени ростдан ёктирганида эди... Менимча, бундай бўлмагани маъқул. Отам бўлса мистер Уикхемни ёктиради. Қисқаси, холажон, ҳеч кимни хафа

килиб қўйишни хохламайман. Лекин биз кунига қанчадан-қанча севишганлар ҳеч қандай тўсиқларсиз бир-бирларига етишганларининг гувоҳи бўламиз-ку! Қандай қилиб, бу борада тенгдошларимдан ақллироқ бўламан, деб сўз бера оламан? Шунинг учун, мен фақат шошмасликка ваъда бера оламан.

– Унга бу ерга кўп келмаслигини секингина айтиб қўйиш керакмасмикин? Жуда бўлмаганда, ўзинг уни таклиф қилишни онангнинг ёдига солма.

– Кечаги ишимни айтаяпсизми? – қизариб сўради Элиза. – Ҳа, нотўғри иш қилдим. Лекин сиз у доимо бизникида экан, деб ўйламанг. Бу ҳафта уни сизлар шу ерда эканлигингиз учунгина таклиф қилдик. Ахир, онам меҳмонларни яхши кўришини ўзингиз биласиз-ку. Рост, нима тўғри туюладиган бўлса, ўшани қилишга сўз бераман. Энди хурсандмисиз?

Элизабет унинг ғамхўрлиги учун миннатдорчилик билдирди, ниҳоят меҳмонлар хайрлашишди.

Мистер Коллинзнинг тўй куни пайшанбага белгиланган эди, чоршанба куни эса мисс Лукас хайрлашиш учун Лонгборнга келди. У қайтиб кетаётганида онасининг қиз билан совуққина хайрлашганидан уялган Элизабет дугонасини кўчагача кузатиб чиқди:

– Элизабет, тез-тез хат ёзиб тураман деб менга ваъда бер.

– Ишон, албатта ёзиб тураман.

– Яна бир нарсани илтимос қиламан. Мени кўргани борасан-а?

– Хартфордширда тез-тез учрашиб турамиз, деб умид қиламан.

– Яқин орада Кентдан чиқа олмасам керак. Шунинг учун менга Хансфордга бораман, деб ваъда бер.

Элизабет дугонасига рад жавобини бера олмади.

– Мартда отам ва Мария меникига боришмоқчи, – давом этди Шарлотта. – Улар билан борсанг бўлади. Элизабет, рости, борсанг жуда хурсанд бўламан.

Никоҳ ўқилгач, ёшлар черковдан тўппа-тўғри Кентга жўнаб кетишди ва одатдагидек, никоҳ тўғрисида роса гап-сўзлар бўлди. Тез кунда Элизабет дугонасидан хат олди. Шундан сўнг улар, тез-тез хат орқали бир-бирлари билан гаплаша бошлашди.

Жейн бориши биланоқ синглисига Лондонга эсон-омон етиб келишганини ёзиб юборди. Элизабет у кейинги хатида Бинглилар тўғрисида бирор нарса ёзиб қолар, деб умид қилди. Тез орада сабрсизлик билан кутилган хат келди. Лондонда бир ҳафта бўлиб Жейн Бинглини учратмабди ва у ҳақда ҳеч нарса эшитмабди.

*“Холаммиз, – давом этибди Жейн, – эртага шаҳарнинг ўша қисмига бормоқчи, мен ҳам вақтдан фойдаланиб, Гровнор-стритга бормоқчиман”.*

Жейннинг кейинги хати у Гровнор-стритга бориб, мисс Бинглини кўрганидан сўнг ёзилган эди:

*“Менимча, Кэролайннинг кайфияти йўқроқ эди, лекин мени кўрганидан жуда хурсанд бўлди ва Лондонга келаётганимни хабар қилмаганим учун роса гина қилди. Демак, унга ёзган хатим қаердадир йўқолган бўлса керак, деганим рост экан. Албатта, мен ундан акасининг соғлиги ҳақида сўрадим. Мен улар билан кўп бўла олмадим, чунки Кэролайн ва миссис Хёрст қаергадир шошилишаётган эди. Яқин кунларда уларни бизникида кўрамиз, деб умид қиламан”.*

Хатни ўқиб бўлгач, Элизабет бошини чайқаб қўйди. Мистер Бингли Жейннинг шаҳарга келганини фақат тасодифан билиши мумкин эди.

Жейннинг Лондонга келганига тўрт кун бўлса-да, ҳали мистер Бинглини кўргани йўқ эди. Жейн бунинг учун ҳеч ҳафа эмасман, деб ўзини ишонтиришга уринса-да, мисс Бинглиларнинг ўзига нисбатан безътиборлигини сезмасликнинг иложи йўқ эди. У ҳар куни нима дейишни ўйлаб, мисс Бинглини кутиб икки ҳафтани ўтказганда, ахири, Гардинерларникига Кэролайн кириб келди. Унинг жуда қисқа вақтга киргани ва қуруққина гап-сўздан Жейн энди ўзини ортиқ алдай олмаслигини тушунди.

*“Азизам Лиззи! Мисс Бинглининг дўстона муносабатда бўлганини чин*

кўнгилдан, деб ўйлаб қаттиқ янглишганимни эшитиб устимдан тантана қилмасан. Лекин, сингилжоним, ҳаёт ҳақлигини исботлаган бўлса-да, мен ҳатто ҳозир ҳам унинг ўша пайтдаги ўзини туттишидан келиб чиқиб, унга нисбатан менинг ишончим сен унга гумон билан қараганиндан кўра табиийроқ эди, десам мени ўжарликда айблама. Лекин нима учун мен билан яқинлашишига ҳаракат қилгани номаълумлигича қолаяпти. Кэролайн келганида учрашувимиздан хурсандлиги сезилгани йўқ. У шу пайтгача кўришга келмагани учун совуққина узр сўраб қўйди, келгусида кўришиб турмоқчи эканлиги тўзрисида бирор оғиз ҳам сўз айтмади. Афсуски, уни айдор қилмасдан иложим йўқ: мен билан ўртоқ тутунишининг кераги йўқ эди – ишонтириб айтманки, ҳар сафар яқинлашиши учун унинг ўзи қадам қўйган эди. Унинг бу хатти-ҳаракати акасининг тақдирига бепарво қарамаётганидан бўлса керак. Бундан бошқача тушунтиришининг иложи йўқ. Иккаламиз Кэролайнинг хавотирига асос йўқлигини билсак-да, шуни ҳис қилаётган экан, бу унинг менга бўлган муносабатининг сабабини англатади. Бунинг устига, акаси унинг меҳрига муносиб ва сингисининг унга гамхўрлик қилиши ҳам табиийдир. Лекин унинг мендан кўрқishi ҳайрон қолдираяпти, ахир ҳали ҳам акасининг ёдида бўлганимда аллақачон учрашган бўлардик. Лондонга келганимни билади, менинг бунга ишончим комил – мисс Бинглининг ўзи бир айтганди. Шундай бўлса-да, унинг гап оҳангидан, акаси мисс Дарсини севади деб, худди ўз-ўзини ишонтиришига уринаётганга ўхшайди. Шу нарсани тушунмаяпман. Агар қаттиқ кетишдан кўрқмаганимда эди, бу ерда икки ёқлама ўйин кетаяпти, деган бўлардим...

*Сенинг Жейнинг”*

Хатдан Элизабетнинг кўнгли оғриди. Лекин опасининг жуда бўлмаганда мисс Бинглига алданиб қолмаслигини ўйлаб, бироз енгил тортди. Қиз Бингли билан мисс Дарсининг тўйи бўлиб ўтишини чин дилдан тилади: бу Жейнга осойишталик, йигитнинг ўзига эса жазо бўларди, чунки Уикхемнинг айтганлари рост бўлса, Жоржиана ўз феъл-атвори билан тез кунда Бинглини тавбасига таянтирарди.

Шу кунларда Элизабет миссис Гардинердан ҳам хат олди. У хатида қизга Уикхем ҳақидаги ваъдасини эслатиб, янгиликларни ёзиб юборишни сўраган эди. Элизабетнинг ёзганлари ўзидан ҳам кўра ҳоласига ёқимлироқ эди: Уикхемнинг ўзига нисбатан бўлган қизиқиши сўниб, бошқа қизга қараб кетган эди. Йигит ҳозир кўнглини олишга ҳаракат қилаётган қизнинг ундан юқорилиги шунда эдики – у бирданига ўн минг фунтга эга бўлиб қолган эди. Элизабет, Шарлотта билан кечган воқеадан фарқли ўларок, Уикхемга мустақилликка бўлган интилиши учун таъна қилмади ва бу иккаласи учун тўғрилигига ўзини ишонтириб, Уикхемга бахт-омад тилади.

Элизабет миссис Гардинерга ёзар экан, давом этди:

*“Холажон, мен ростакам севиб қолмаганимга амин бўлдим. Чунки агар мен бундай самовий ва тоза туйғуларни ҳис қилганимда эди, ҳозир унинг но-мини эшитиб оқ сакраб тушган ва унга ёмонликлар тилаб ўтирган бўлардим. Мен эса нафақат унинг ўзига, балки мисс Кингга ҳам дўстона муносабатдаман. Агар ростакамизга севиб қолганимда атрофдагилар учун жуда қизик бўларди, лекин бу воқеадан гамга ботиб ўтирибман дея олмайман. Мендан кўра Китти билан Лидия унинг хоинлигини юракларига яқин олишиди”.*

#### IV БОБ

Қиш ойлари Беннетлар оиласи учун бирор янгиликсиз ўтди. Баъзан гоҳ музлаган, гоҳ лой бўлиб ётган кўчаларда айланиб келишларни ҳисобга ол-маса, кунлар бир хил эди. Март ойида Элизабет Хансфордга бориши керак эди. Аввалига у бу саёҳат ҳақида жиддий ўйламаётганди. Лекин ўйлаб-ўйлаб Шарлотта чиндан ҳам кутаётганлигига ишониб, бу саёҳатга албатта бўлиши

лозим бўлган нарсасидек қарай бошлади. Бу саёҳат унга Жейнни кўриб келиш имкониятини ҳам берар эди. Хуллас, ҳеч қандай қаршилик юзага келмади ва ҳамма нарса Шарлотта аввалдан режалаштиргандек ҳал этилди: Элизабет сэр Уильям ва Мария билан йўлга чиқадиган бўлди. Бир кеча Лондонда бўлиш таклифи ҳам ҳаммага ёқди.

Элизабетнинг хурсандчилигига раҳна солаётган нарса фақат отаси билан айрилиқ эди. Қизининг уйда йўқлиги айниқса отасига билинарди. Жўнаш вақти келганда мистер Беннетнинг қизини кўйиб юборгиси келмади ва албатта хат ёзиб туришни буюрди. Уикхем билан хайрлашув эса дўстона бўлди.

Тушликкача Грейсчёрч-стритга етиб келиш учун вақтлроқ йўлга чиқишди. Улар мистер Гардинернинг уйига яқинлашганларида Жейн меҳмонхона деразасидан қараб, келишларини кутаётган эди. Қиз меҳмонларни кираверишда кутиб олди.

Учрашув жуда ёқимли бўлиб, кун марокли ўтди: куннинг биринчи ярмида дўкон айланишди, иккинчи ярмида эса театрга боришди.

Элизабет ахири миссис Гардинер билан гаплашишга эришди. Уларнинг илк суҳбати Жейн ҳақида бўлди. Элизабет бир қанча сўраб-суриштиришлардан сўнг Жейн ўзини қўлга олишга ҳаракат қилаётган бўлса-да, гоҳи пайтларда эзилиб кетаётганини эшитиб, куйинди.

Миссис Гардинер мистер Уикхемнинг хиёнати ҳақида Элизабетга ҳазиллашиб, уни бу хиёнатни мардонавор ўтказгани билан табриклаб, деди:

– Айтганча, мисс Кинг кимлигини биласизми? Ёш дўстимиз фақат ўз манфаатини ўйлаб иш кўришига ишонишни хоҳламасдим.

– Лекин уйланиш ва турмушга чиқиш масалаларида ўз манфаати учун ёки ақл билан иш қилиш ўртасида аниқ чегара бормикин? Уйлаб иш қилиш қаерда тугаб, очкўзлик қаерда бошланишини ким билади? Сал бурун сиз у ақлдан озиб менга уйланишидан қўрқаётган эдингиз. Энди эса, ўн минг фунт пули бор қизга уйланаётгани учун уни бошқа нарсада айбляпсиз.

– Агар мисс Кинг қандай қизлигини айтсанг, у тўғрида хулоса айтоламан.

– Менимча, жуда ажойиб қиз. Бирорта ёмон гап айтолмайман.

– Лекин буваси ўлиб, пулларга эга чиқмагунча йигит унга ҳатто қайрилиб ҳам қарамаган-ку?

– Йўқ, нега экан? Агар камбағаллигим учун менга қайрилиб қарамаган экан, нега энди унга ёқмаган бўлса ҳам мендан бойроқ бўлмаган худди шундай қизнинг орқасидан юриши керак?

– Унинг қиз мерос олиши билан эътибор қила бошлагани ҳаёсизликдек туюлмаётими?

– Етишмовчиликлар орасида яшаётган одамга ҳамма учун мажбурий бўлган одатларга доим ҳам амал қилиш қийин. Агар қизнинг ўзи қарши бўлмаса, бизга нима?

– Мисс Кингнинг кўнгилчанлиги мистер Уикхемни оқламайди. Бу фақат унинг ақли калталиги ёки бефаросатлигидан дарак беради.

– Майли, сиз айтганча бўла қолсин: у – юлғич, қиз эса – тентак.

– Лиззи, бу нарсанинг менга ҳеч ҳам кераги йўқ. Наҳотки, дербиширлик йигит ҳақида ёмон ўйлагим келмаётганини тушунмаётган бўлсанг?

– Ҳааа, мана гап нимада экан! Агар гап шунда бўлса, менинг у ерлик йигитлар ҳақидаги фикрим жуда ҳам юқори эмас. Хартфордширда яшайдиган дўстлари ҳам улардан қолишмайди. Худога шукурлар бўлсинки, эртага бирорта ҳам ижобий фазилатга эга бўлмаган, на ақли ва на хатти-ҳаракатлари билан ажралиб турмайдиган одамни кўраман. Узи фақат тентаклар билан муомала қилиш керак экан.

– Лиззи, эҳтиёт бўл! Гапларингдан ҳамма нарсадан ҳафсаланг пир бўлганга ўхшайди.

Спектакль тугаш арафасида мистер ва миссис Гардинерлар Элизабетга уларнинг мамлакат бўйлаб саёҳатлари даврида бирга бўлишни таклиф қилишди:

– Ҳали қаерларгача боришни ҳал қилганимизча йўқ. Балки Кўллар ўлкасигача борармиз.

Бошқа ҳеч бир нарса Элизабетни шунчалик хурсанд қилмаган бўларди. У таклифни миннатдорчилик билан бажонидил қабул қилди.

– Азизам, меҳрибоним, холажоним, – ҳаяжон билан хитоб қилди у. – Қандай яхши! Сиз менга янги ҳаёт бағишладингиз!

## V БОБ

Эртаси куни саёҳат давомида Элизабетнинг диққатини тортган ҳамма нарса янги ва қизиқ туюлиб, юраги хурсандчиликдан гурс-гурс урарди.

Кареталари катта йўлдан Хансфордга олиб борадиган лой кўчага бурилар экан, йўловчилар ҳар бир муюлишда бўлиши мумкин бўлган пасторнинг уйини кўзлари билан қидира бошлашди. Улар Розингс-парк ёнидан ўтишар экан, Элизабет бу ернинг одамлари тўғрисида эшитганларини эслаб, жилмайиб қўйди.

Ахири, мистер Коллинзнинг уйи ҳам кўринди. Ичкаридан уйи кўришиб турган, йўлга тутшиб кетган боғ, яшил тўсиқ, лавр бутаси – ҳаммаси кутилган маррага етиб келинганини билдириб турарди. Эшикда кулиб ва таъзим қилишиб мистер Коллинз билан Шарлотта кўринишди. Келганлар ўша заҳоти каретадан тушиб, уй эгалари билан кўришишар экан, Элизабет уйланиш мистер Коллинзни ҳеч ҳам ўзгартирмаганини дарров сезд.

Киз мистер Коллинзнинг ҳақиқий қиёфасини рўй-рост кўришга олдиндан тайёрланиб келган эди. Мистер Коллинз уйининг ичларини, жиҳозларни, деразадан ташқариларни кўрсатар экан, Элизабетга худди турмушга чиқмай нималардан куруқ қолганини кўрсатиб қўйиш учун фақат унга қараб гапираётгандай туюлди. Мистер Коллинз уларни боғдан тўғри даласига олиб бормоқчи эди, лекин аёлларнинг оёқ кийимлари ҳали эриб битмаган қорда юришга ноқулай бўлгани учун у билан фақат сэр Уильям бирга кетди. Шарлотта эса, эри йўқлигидан фойдаланиб, синглиси ва дугонасига уйни кўрсатиб чиқмоқчи бўлди. Уй катта эмас, лекин қулай ва пухта ўйлаб қурилган эди. Бу ерда ҳамма нарса дид билан жиҳозланган бўлиб, Шарлоттанинг яхши бекалик қобилиятидан дарак бериб турарди.

Элизабетга леди Кэтриннинг ҳали ҳам Лондонга кўчиб ўтмагани маълум эди. Тушлик устида бу тўғрида гап кетар экан, суҳбатда иштирок этаётган мистер Коллинз деди:

– Ҳа, мисс Элизабет, яқшанба куни сиз черковда леди Кэтрин де Бёрни кўриш шарафига муяссар бўласиз ва ундан қанчалик ҳайратланишингизни айтиб ўтиришимнинг ҳожати йўқ. Яна иккиланмасдан айтаманки, у хотиним Шарлоттага нисбатан ҳам жуда эътиборли.

– Леди Кэтрин ростдан ҳам оғир-босиқ, бамаъни аёл, – эрининг гапларини тасдиқлаб деди Шарлотта. – Жуда эътиборли қўшни ҳам.

– Тўппа-тўғри, азизам, мен ҳам худди шундай демоқчи эдим. Бундай инсонга нисбатан ҳурмат ҳеч қачон ҳаддан ташқари бўлиши мумкин эмас.

Кечкурун асосан Хартфордширдаги янгиликлар ҳақида гаплашиб ўтиришди. Элизабет дугонасининг ўз тақдирдан қанчалик розилиги, эрига муносабатларида қандай йўл тутаётгани тўғрисида ўйлаб кўриб, у ҳамма нарсани тўғри қияпти, деган хулосага келди.

Эртаси куни Элизабет айланиб келиш учун кийинаётганида пастдан шовқин-сурон эшитилиб қолди. Аста қулоқ солар экан, кимдир уни чақириб зинадан чиқиб келаётганини сезд. Эшикни очаётиб, ҳансираб келаётган Марияни кўрди:

– Элиза, азизам, худо ҳаққи, тезроқ! Ошхонага югуринг. Деразадан кимни кўришингизни билсангиз эди! Ўзим ўлсам ҳам айтмайман! Тезроқ, тезроқ, бўла қолинг!

Дераза олдига келиб, улар уйнинг эшиги олдида тўхтаган файтонда ўтирган иккита аёлни кўришди.

– Шугинами? – хитоб қилди Элиза. – Мен эса бокқа чўчка кириб қолибди, деб ўйлабман, булар атиги леди Кэтрин билан қизи экан-ку.

– Лиззи, нималар деяпсиз! – деди Мария унинг янглишганидан жаҳли чиқиб. – Қанака леди Кэтрин? Кекса аёл – бу миссис Женкинсон, ёшроғи эса мисс де Бёр! Яхшилаб қаранг. Жуда кичкина-я?! Уни шунақа озгин ва кичкинагина деб ҳеч ўйламагандим.

– Менга унинг кўриниши ёқди, – деди Элизабет, бўлган воқеалар эсига тушиб. – У касалманд ва асабийга ўхшайди. Жуда яхши, унга муносиб хотин бўлишга арзийдиган қиз.

Эшик олдида эр-хотин Коллинзлар файтондаги аёллар билан гаплашиб туришарди. Охири гаплари тугагач, файтон жўнаб кетди ва эр-хотин уйга киришди. Коллинз қизларни кўриши билан уларга янгиликни айтиб, табриклади. Шарлоттанинг айтишича, янгилик эртанги кунга уларни Розингсга меҳмонга таклиф қилишганидан иборат экан.

## VI БОБ

Мистер Коллинз таклифдан жуда мамнун эди. Унинг меҳмонларга бекасининг олийнасаб, хурматга сазовор, ўзи ва хотинига нисбатан эътиборини кўрсатиб қўйгиси келаётганди. Таклифнинг жуда тез билдирилганини ҳисобга олса, ростдан ҳам бу леди Кэтриннинг унга бўлган яхши муносабатидан дарак берарди.

– Тан оламан, – деди у, – зоти олиялари бизни дам олиш куни чойга таклиф қилса ҳам эриш туюлмасди. Лекин у бизга шунчалик эътибор беради, деб кутмагандим!

– Мени бу ҳеч ҳайратга солмади. Худога шукур, жамиятдаги нуфузим сабаб юкори табақа одатлари билан бироз танишман, – деди сэр Уильям.

Уша куни ва эртанги куннинг биринчи ярми зоти олиялариникига бориш ҳақида бўлди. Мистер Коллинз меҳмонлар катта залларни, ҳисобсиз хизматкорлар ва ажойиб ясатилган дастурхонни кўрганларида ўзларини йўқотиб қўймасликлари учун, уларни Розингсда нималар кутаётганига тайёрлади.

Аёллар ясаниш учун хоналарига тарқалишар экан, у ўзича маслаҳат бериш мақсадида Элизабетни тўхтатди:

– Кийимингиз борасида безовта бўлмасангиз ҳам бўлади. Мен сизга шунчаки сал байрамона бир қўйлак кийишингизни маслаҳат берардим. Сизни ишонтириб айтаманки, соддагина кийинсангиз, леди Кэтрин сиз ҳақингизда ёмон ўйламайди. Аксинча, қайтага жамиятдаги ўрнингиз ажралиб тургани унга ҳатто ёқади.

Меҳмонлар уй олдига яқинлашишар экан, Мария кўрқа бошлади, ҳатто сэр Уильям ҳам хотиржам эмасди. Элизабет эса, аксинча, ҳеч қандай кўркувни ҳис қилмади. У илгари леди Кэтриннинг бирор истейдоди ёки бир бошқа хислатлари ҳақида эшитмаган, бойлик ва ҳаммага таниқлилиқ ҳақида эса, ҳаяжонланиш шарт эмас, дея ҳисобларди.

Улар хизматкорлар кегидан миссис де Бёр ва миссис Женкинсон ўтирган хонага киришди. Леди Кэтрин уларни кутиб олиш учун ўрнидан туришни ўзига эп кўрди. Шарлотта меҳмонларни бекага ўзи таништиришини эри билан келишиб олгани учун таништирув маросими ортиқча гап-сўзларсиз, самимийгина ўтди.

Леди Кэтрин бир пайтлари чиройли бўлгани сезилиб турган баланд бўйли, тўладан келган аёл экан. Уикхем айтгандек, унинг ҳар бир гапида ўз шахсининг қандай улуғлигини таъкидлаш оҳанглари сезиларди. Элизабет леди Кэтриннинг ҳаракатлари ва юзида мистер Дарси билан қандайдир ўхшашлик борлигини сизди. Қизига қараб эса унинг Мария Лукас каби ориқлигидан ҳайрон қолди: она ва қизи ўртасида ҳеч қандай ўхшашлик

йўқ эди. Мисс де Бёр рангпаргина бўлиб, касалманд кўринарди.

Тушлик, ҳақиқатан ҳам, ажойиб бўлиб, ўтириш давомида мистер Коллинз айтгандек ажойиб идиш-товоқлар ва хизматкорларни кўришди. Беканинг хоҳиши бўйича йигитга беканинг рўпарасидан жой ажратилди. У пичоқ-қошиқни усталик билан ишлатар ва ҳар бир берилаётган овқатдан завқланар эди. Овқатлар ҳақида ўз фикрини аввал мистер Коллинз айтди, унинг кетидан анча ўзига келиб қолган сэр Уильямс куёвининг сўзларини қайтарди. Овқат пайтида суҳбатлашишмади.

Аёллар меҳмонхонага қайтиб келишгач, кофе келтиргунларича Элизабет уй бекасининг гапларини эшитиб ўтирди. Леди Кэтриннинг гап оҳангидан ўзига гап қайтаришларига ўрганмаганлиги сезилиб турарди. У Шарлоттадан уйи ҳақида батафсил сўраб, ҳар хил маслаҳатлар берар экан, Элизабет бу аёл учун унинг назаридан четда қоладиган, айниқса, агар улар бировни ўқитиш учун хизмат қиладиган бўлса, майда-чуйда нарсанинг ўзи йўқлигини тушунди. Миссис Коллинз билан суҳбатини тугатгач, леди Кэтрин ҳар хил саволлар билан Элизабетдан нечта опа-синглиси борлигини, улар турмушга чиқишадими ёки йўқми, гўзалми ва қаерда тарбияланишганини сўраб олди. Элизабет саволларнинг юзсизларча берилаётганини хис қилиб турса-да, тўла-тўқис жавоб берди. Леди Кэтрин давом этди:

– Мен уй-жойларингиз ота томонидан мерос эканлигини ва кейинчалик мистер Коллинзга ўтишини эшитгандим. Бу ҳолда, миссис Коллинз, сизнинг қизиқшларингиздан келиб чиқиб хурсанд бўлмай иложим йўқ, – деди у Шарлоттага қараб. – Мисс Беннет, сиз бирор нарса чалиб, ашула айта оласизми?

– Бироз қўлимдан келади.

– Унда бирор кун сизни эштамиз. Менда зўр мусиқа асбоби бор. Ўзингиз тан берасиз. Опа-сингилларингиз ҳам мусиқа асбоби чалиб, ашула айтишадими?

– Ҳа, биттаси.

– Нега фақат биттаси? Ҳаммаларини ўргатиш керак эди. Мистер Уэббнинг ҳамма қизлари мусиқа билан шуғулланишади, уларнинг отаси эса сизнинг отангиздан ҳам кам топади. Сиз расм соласизми?

– Афсуски, йўқ.

– Гувернанткаларингиз кетиб қолганми?

– Бизнинг ҳеч қачон гувернанткамиз бўлмаган.

– Гувернанткангиз бўлмаган? Ақл бовар қилмайди! Бешта қиз гувернанткасиз ўсган! Бунақасини эшитмаганман! Онангиз сизларга қарайман деб тинчини йўқотгандир?

Аёлни хато ўйлаганига ишонтираётди, Элизабет кулиб юборишдан ўзини зўрға тийди.

– Унда билим олишларингиз билан ким шуғулланган?

– Бизнинг ўқишимиз учун керакли нарсаларнинг ҳаммаси бор эди. Бизни доим китоб ўқишга рағбатлантиришарди ва биз учун керак бўлган ўқитувчиларимиз ҳам бор эди. Албатта, бирортамиз дангасалик қилсак ҳам гап эшитмасдик.

– Бунга ҳайрон бўлмайман. Гувернанткалар айнан шу нарсага қарашади. Агар мен онангиз билан таниш бўлсам, унга албатта гувернантка олишни маслаҳат берган бўлардим. Мен кўп марта айтганман: кундалик тиришқоқлик билан қилинган машқларсиз билим олиб бўлмайди, бу эса гувернанткасиз асло мумкин эмас. Мисс Беннет, опа-сингилларингиз меҳмондорчиликларга бориб туришадими?

– Ҳа, ҳаммалари.

– Қандай ҳаммалари? Бир йўла бешаловими? Қизиқ! Сиз оиладаги иккинчи қизсиз! Катталари турмушга чиқмай туриб, кичкиналари меҳмондорчиликларга юришади! Сингилларингиз жуда ёш бўлса керак?

– Ҳа, энг кичкинаси ҳали ўн олтига ҳам тўлмаган. Балки у ростдан ҳам

меҳмондорчиликка боришга кичкиналик қилар. Лекин виждонан айтадиган бўлсак, ҳали катталари турмушга чиқмагани учунгина кичкиналарини ўйнаб-қулишдан маҳрум қилиш уларга нисбатан бағритошлик. Бу ҳолда, менимча, опа-сингиллар ўртасида аҳиллик ва қариндошликнинг бошқа яхши фазилатларига умид қилиб бўлмайди.

– Улай агар, ёш қиз учун сиз жуда жиддий гапларни айтаяпсиз.

– Қизиқ, неча ёшдасиз?

– Кап-катта сингилларим борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, наҳотки сиз мени ёшимни айтади, деб ўйласангиз? – жилмайиб деди Элизабет.

Леди Кэтрин саволига қутилган жавобни ололмай шошиб қолди ва Элизабет ўзининг шундай мағрур аёлга қарши чиқишга жазм қилганларнинг биринчиси бўлиши мумкинлигини тахмин қилди.

Чойдан сўнг қарта столига ўтиришди. Леди Кэтрин, сэр Уильям ва Коллинзлар кадрий ўйнашни бошлашди. Мисс де Бёр казино ўйнашни хоҳлагани учун эса қизлар ва миссис Жекинсон унга қўшилишларига тўғри келди. Уларнинг столи олдида жимлик ҳукм сурарди. Нариги стол атрофидагилар эса берилиб ўйнашарди. Леди Кэтрин гоҳ шерикларининг хатоларини кўрсатса, гоҳ уларга ўз ҳаётдан бирорта нарсани айтиб бериб, тўхтамай гапирар эди. Сэр Уильям эса кам гапириб, эшитган латифалари ва аслзодаларнинг номларини ёдлаб қолишга ҳаракат қилиб ўтирарди.

Уйга қайтишар экан, у ердан узоқлашмаслариданоқ, миссис Коллинз Элизабетдан унинг Розингс ҳақидаги таассуротларини сўради. Уртоғининг хурмати учун қиз ўзининг ҳақиқий таассуротларини сал юмшатиброк айтишга ҳаракат қилди.

## VII БОБ

Сэр Уильям Хансфордда атиги бир ҳафтагина бўлди. Лекин шу бир ҳафта ичида қизининг шундай эрга тегиб бахтли эканлигига ва унинг камдан-кам учрайдиган шундай яхши қўшнига эга бўлганига ишонч ҳосил қилиб, уйига қайтиб кетди.

Мистер Коллинзнинг Розингсга бормайдиган куни жуда кам бўлиб, хотини уни ҳар сафар кузатиб қўйишни ўзининг бурчи деб биларди. Шарлоттанинги ўз вақтини нега шунга кетказишини Элизабет яқинда леди Кэтриндан черковда бўш ўринлар бўлиб қолишини эшитмагунча тушунмай юрди.

Меҳмонлар ҳафтасига икки марта Розингсда тушлик қилиш шарафига эга бўлишди. Элизабет вақтини хушнуд ўтказаятган эди. У вақти-вақтида дугонаси билан ҳузурланиб суҳбатлашар, эрта баҳорга хос бўлмаган илиққина об-ҳаво эса унга ҳар куни маза қилиб айланиб келиш имконини берарди. Ҳамма Розингсга кетганида қиз кўпинча паркка туташиб кетган дарахтзорга борар, қуюқ ўсган дарахтлар орасида унга ёқиб қолган, назарида фақат ўзигина унинг ажойиблигига тан берган йўлка бўйлаб айланиб юрар ва бу ерда ўзини зоти олияларининг ўтқир нигоҳидан ҳимоялангандай сезар эди.

Қизнинг Кентда ўтказган дастлабки икки ҳафтаси ҳеч қандай ҳодисаларсиз тинчгина ўтди. Пасха байрами яқинлашиб келаётган эди ва байрамга бир ҳафта қолганида Розинг гавжум бўлиб қолди. Элизабет Хансфордга келганидан сал ўтмай яқин кунлардаги мистер Дарсининг ташрифи ҳақида эшитди.

Дарси келгани ҳақидаги хабар Хансфордда тезда маълум бўлди. Эртаси куни эрталаб мистер Коллинз келган меҳмонларга ўз хурматини билдириш учун Розингсга шошди. Унинг саломига леди Кэтриннинг икки жияни бараварига алик олишди: мистер Дарси билан Розингсга унинг амакиси, лорднинг кичик ўғли полковник Фицуильям ҳам келган эди. Мистер Коллинз уйига иккала йигит билан бирга қайтиб келиб, ҳаммани хайрон қолдирди. Шарлотта уларни кўчани кесиб ўтишаётганида кўриб қолиб, югуриб меҳмонхонага кирди-да, қизларга янгиликни айтди:

– Бу эътиборга мен сен туфайлигина сазоворман, Элиза. Мистер Дарси менинг ўзимни бунақа тез йўқламаган бўларди.

Элизабет буни рад қилар-қилмас, меҳмонлар келганини билдириб қўнғироқ чалиндию, хонага учта эркак кириб келди. Хонага биринчи бўлиб кирган полковник Фицуильямга ўттиз ёшлар бериш мумкин эди. Мистер Дарси эса уни Хартфордширда кўришганда қандай бўлса, худди ўшандай эди. У ўзига хос тақаллуфсизлик ила миссис Коллинз билан саломлашди, унинг дугонасига нисбатан қандай муносабатда бўлмасин, қизнинг қарашларига ўзини тутиб жавоб берди. Элизабет ҳам енгилгина таъзим қилди.

Полковник Фицуильямнинг яхши тарбия кўргани унинг осонлик билан суҳбатга аралшиб кетганидан кўриниб турарди. Мистер Дарси бироздан сўнг мулойимлик билан Элизабетдан оиласининг соғлиғи ҳақида сўради. Одатан айтиладиган жавобларни берган Элизабет, бироз сукутдан сўнг сўради:

– Менинг опам охириги уч ойни Лондонда ўтказаётган эди. Мабодо уни учратмадингизми?

Қиз инкор жавоб бўлишини олдиндан биларди. Лекин йигит бирор ҳаракати билан Бинглилар оиласи ва Жейн ўртасида бўлган гаплардан хабари борлигини билдириб қўймасмикин, деб қизикаётган эди.

## VIII БОБ

Полковник Фицуильямнинг ўзини тутиши аёлларда хуш таассурот қолдирди ва йигитнинг келиши билан уларнинг Розингсга боришлари ҳам энди қизикарлироқ бўлишини ҳис қилдилар. Розингсга таклиф қилгунларича бир неча кун ўтди. Леди Кэтрин жиянлари уникида экан, меҳмонларсиз ҳам куни бемалол ўтаётган эди.

Фақат пасханинг биринчи куни, йигитлар келгандан бир ҳафта ўтгач, Коллинзларни меҳмонга чақиришди. Албатта, таклиф бажонидил қабул қилинди. Леди Кэтри хурсандчилик билан қарши олган бўлса-да, келишларини унга олдингичалик кутмаётгани сезилиб турарди

Коллинзлар таширидан энг хурсанд одам Фицуильям эди. Унга Розингсда зерикишни енгилга ёрдам бераётган ҳамма нарса ёқаётганди. Бунинг устига, миссис Коллинзнинг келишган дугонаси унинг бошини айланттириб қўйганди. Уларнинг бемалол, берилиб суҳбатлашишлари леди Кэтрин ва мистер Дарсининг диққатини тортди. Уй бекаси уларнинг суҳбатига қизикаётганини яшириб ўтирмади ва сўрашдан ҳам тоймади:

– Фицуильям, нималарни айтаяпсан? Нималар ҳақида гапиряпсизлар? Сен мисс Беннетга айтаётган нарсаларни биз ҳам эшитсак бўладими?

– Хоним, биз мусиқа ҳақида гаплашяпмиз.

– Мусиқа ҳақида? Агар болалигимда мени мусиқага ўқитишганда эди, буюк мусиқачи бўлардим. Соғлиғи яхшироқ бўлганда Энн ҳам шундай бўларди. Унинг чалиши ҳаммамизга ёққан бўларди. Дарси, Жоржиананинг бу борада ишлари қандай?

Мистер Дарси синглисининг муваффақиятлари тўғрисида гапирди.

– Нима ҳам дердим, жуда хурсандман, менинг номимдан унга айтиб қўйгин: берилиб ишламасдан туриб ҳеч нарсага эриша олмайди.

– Сизни ишонтириб айтаманки, у бундай огоҳлантиришга муҳтож эмас, – жавоб берди Дарси. – Етарлича берилиб ўқияпти.

Кофе ичиб бўлишиб полковник Элизабетга ваъдасини эслатгач, қиз фортепьяно ёнига ўтирди. Йигит қреслосини яқинроққа сурди. Леди Кэтрин чалинаётган куйни ярмигача тинглагач, яна аввалги сафардагидек, Дарсининг олдига бориб, унга гапира бошлади, йигит эса яқинроққа борди-да, қизнинг юзи яхшироқ кўринадиган ҳолатда ўтириб олди. Элизабет буни сезди ва қулай фурсат туғилган заҳоти унга айёрлик билан қулиб қўйди:

– Бунақа диккат билан эшитишга тайёрланиб, мени уялтириб кўймоқчи бўлдингиз-а? Лекин сизнинг синглингиз қанчалик зўр чалмасин, мен барибир сиздан кўркмайман.

– Мен нотўғри ўйлаётганингизни исботлаб ўтирмоқчи эмасман. Мени шу нарсага қодир, деб ўйламаётгандирсиз?

Ўзи ҳақидаги бу гапдан Элизабет маза қилиб кулди ва полковникка қараб, деди:

– Мистер Дарси сизни бирорта гапимга ҳам ишонмасликка ўргатиб, табиатимни сизга яхшигина ошқор қилгандир. Ўзи, омадим юришмаган-да: яхши ном қозониб оламан, деган жойимда ҳамма сирларимни фош қиладиган одамни учратиб қолдим. Мистер Дарси, мен ҳақимдаги Хартфордширда эшитган ҳамма ёмон гапларни айтиб беришингиз яхши эмас. Яна кўшиб кўяй: бу сиз томондан эҳтиётсизлик бўлади, чунки мен ҳам сизга қарши бирор нарса айтиб қўйишим мумкин.

– Мен бундан кўркмайман, – кулиб жавоб берди йигит.

– Худо ҳаққи, айтинг, уни нимада айблаш мумкин?! – хитоб қилди полковник. – Мен ахир унинг ўз уйдан ташқарида нималар қилиб юрганини билишим керак.

– Бўпти, буни билиб оласиз! Лекин даҳшатли нарса эшитишга ҳозирланинг. Мен сизларга мистер Дарси билан биринчи марта Хартфордширда балда уришганимни айтиб кўяй. Сизнингча, у бу балда бошқалардан нимаси билан ажралиб турганди? Еш йигитлар етишмагани ҳолда, у фақатгина тўрт марта рақсга тушди. Яна кўпгина қизлар шерик етишмагани учун рақсга туша олмай ўтирганларида! Тўғрими, мистер Дарси?

– Уша кеча мен билан бирга келган аёлларни айтмасак, у ердагиларнинг бирортасини танимасдим.

– Албатта-да. Ахир, сизни бирортаси билан таништиришнинг ҳеч иложи йўқ эди! Полковник, энди нимани чалай? Бармоқларим сизнинг амрингизни кутиб турибди.

– Агар мени бирортасига таништиришларини истаганимда, мен тўғримда яхшироқ ўйлаган бўлардингиз. Лекин бошқаларга ўзимни мажбуран тикиштиришни ёқтирмайман. Менда чиндан ҳам баъзи бир одамлардек, танимаган одамим билан бирданига чиқишиб кета олиш қобилияти бўлмаса керак. Гаплашаётган одамимнинг фикрига кўшилиб кетиш ёки ўзимни унинг ишларига қизиқаётганга солиш, мен учун жуда қийин.

– Бармоқларим фортепьянонинг клавишлари устида бошқа уста мусиқачиларда кузатганимдек усталик билан югурмайди. Менинг чалишимда на тезлик, на усталик бор. Бунинг сабабини етарли даражада шуғулланганимда деб биламан. Бунга бармоқларим айбдор, деган фикр ҳеч қачон ҳаёлимга келмаган.

Дарси жилмайиб, деди:

– Бу гапга кўшиламан. Сизга берилган вақтдан жуда унумли фойдалангансиз. Сизнинг чалганингизни тинглаганлар камчилигингизни сезишмаган ҳам бўлса керак.

Шу ерга келганда леди Кэтрин улар нима тўғрисида гапиришаётганларига қизиқиб, суҳбатларини бўлди. У қизнинг чалаётганига бироз вақт кулоқ солиб туриб, Дарсига деди:

– Агар мисс Беннет кўпроқ шуғулланиб, лондонлик устозлардан дарс олганида яхшироқ чалган бўларди. Унинг тезлиги етарли, лекин унга Энн-дагидек дид етишмаяпти. Соғлиғи йўл кўйганида, менинг қизимдан ажойиб мусиқачи чиққан бўларди.

Элизабет бу гапларга қанчалик қўшилишини билиб олмоқчидек, Дарсининг юзига тикилди: йигитда жиянига нисбатан кўнгли борлигини сездирадиган бирор нарсани сезмади. Мистер Дарсининг ўз жиянига муносабати мисс Бинглини қувонтирадиган даражада эди: мисс де Бёрнинг йигитга турмушга чиқиши қанчалик мумкин бўлса, мисс Бинглида ҳам шунчалик имтиёз бор эди

## IX БОБ

Эртаси куни эргалаб Элизабет ёлғиз ўзи опасига хат ёзиб ўтирганда, биров келганидан дарак бериб, кўнғироқ жиранглади ва эшик очилиб, мистер Дарси кириб келди. Меҳмон қизнинг хонада ёлғиз ўтирганини кўриб ўнғайсизланди ва узр сўраб, хонада барча аёлларни кўришни кутганини айтди. Иккаласи ўтиришди. Элизабетнинг леди Кэтриннинг ҳол-аҳволи ҳақидаги саволларидан сўнг узоқ чўзилиши мумкин бўлган жимлик бошланди. Сухбат учун тезда мавзу топиш керак эди. Шу пайт қизнинг ёдига Дарсини ўшанда Хартфордширда қай ҳолатда кўргани тушди ва нима учун ўшанда бундай тез жўнаб кетганини билгиси келди:

– Мистер Дарси, сиз ноябрь ойида бизнинг жойлардан кутилмаганда кетиб қолдингиз. Мистер Бингли сизларни шундай узоқ айрилиқдан кейин яна кўришдан жуда хурсанд бўлган бўлса керак. Унинг ўзи ҳам сиздан бир кун олдин жўнаган эди-а? Сиз Лондондан жўнаб кетаётганингизда унинг ўзи ва опа-сингиллари соғ-саломат юришганмиди?

– Раҳмат, жуда яхши эди.

Қиз мистер Дарсининг бошқа ҳеч нарса айтмаслигини сезиб, яна давом этди:

– Менга айтишдики, мистер Бингли энди у ерларга қайтишни хоҳламаётган эмиш-а?

– Мен унинг бундай деганини эшитмадим. Лекин эндиликда кўп вақтини у ерда ўтказмаслик эҳтимоли кўп. Дўстлари бисёр, у эса ҳозир дўстларининг сони ва ўзининг бандлиги кундан-кунга кўпаядиган ёшда.

– Дўстингиз Незерфилдда яшамоқчи эмас экан, унинг у ерлардан бутунлай жўнаб кетиши кўшнилари учун яхши бўларди. У ҳолда у ерга бошқа оила кўчиб келарди.

– Агар Бингли ўзига муносиб бошқа уй чиқиб қолиб, Незерфилддан кетадиган бўлса, хайроқ қолмасдим.

Элизабет индамади. Йигитнинг дўсти ҳақидаги сухбатни давом эттиришидан кўрқиб, тағин нима дейишни билмай, сухбатни давом эттиришни Дарсига юклаб қўя қолди. У қизнинг ишорасини тушунди ва деди:

– Бу уй жуда шинам экан. Мистер Коллинз кўчиб келганда леди Кэтрин уйнинг устида кўп ишлаган бўлса керак.

– Сиз ҳақ бўлсангиз керак. Ишонаманки, мистер Коллинзга яхшилик қилиб жуда тўғри иш қилган.

– Мистер Коллинзга уйланиб омад келган экан.

– Бўлмасам-чи. Дугонамнинг турмушга чиқишга рози бўлиб, уни бир умрлик бахтга сазовор қилишидан дўстлари ҳам кувонишса арзийди. Дугонам етарлича ақлли.

– Уйи ота-онаси ва дўстларидан узоқда эмаслигини ҳисобга олса, айниқса яхши.

– Сизнингча, бу ердан Меритонгача шунақа “яқин”ми? Ахир ораси эллик милядан ортиқ-ку?

– Йўл яхши бўлса, эллик миля нима деган гап? Ярим кунлик йўл. Менимча, унча узоқ эмас.

– Никоҳнинг омадли эканлигини милялар билан ўлчаш хаёлимга ҳам келмаган бўларди. Мен миссис Коллинз ота-онасига яқин жойга тушган, деб ўйламайман.

– Бу сизнинг Хартфордширга жуда боғланганлигингизни кўрсатади. Лонгборнга яқин бўлмаган ҳамма жой сизга узоқ туюлади.

– Турмушга чикқач қизлар ота-онаси билан орасидаги масофани жуда узоқ деб билишади, демоқчи эмасман. Яқинлик ва узоқлик – булар шароитдан келиб чиқадиган нисбий тушунчалардир. Бойликдан келиб чиқиб йўлқира ҳеч қийинчилик келтирмайдиган жойда масофа ҳеч нарса эмас. Лекин бизнинг мисолимизда бундай эмас. Коллинзларнинг етарлича даромадлари бор,

лекин бу тез-тез у ёқ-бу ёқларга бориб келиш учун етарли даражада эмас.

Мистер Дарси стулини унга яқинроқ суриб, деди:

– Туғилган жойларга бунчалик ёпишиб олиш керак эмас. Ахир бир умр хаётингизни Лонгборнда ўтказмайсиз-ку!

Элизабет унинг сўзларидан ҳайрон бўлди. Лекин бирдан Дарсининг кайфияти ўзгарди, стулини орқага суриб кизга юқоридан қаради-да, совуқкина қилиб деди:

– Кент сизга ёқдими?

Шундан сўнг улар қисқагина қилиб бу ерлар ҳақидаги ўз фикрларини айтишди. Уларнинг суҳбатини улар ёлғиз юзма-юз ўтиришганидан ҳайратга тушган Шарлотта ва сингисининг кириб келиши бўлди. Мистер Дарси ўзининг янглишиб келиб қолгани ва мисс Беннетнинг ҳам ишига халақит берганини айтиб, бироз ўтиргач, индамай жўнаб кетди.

– Нима гап экан-а? – у чиқиб кетиши билан ҳайрон бўлиб сўради Шарлотта. – Элиза, азизам, сени севиб қолган бўлса керак – акс ҳолда ўлса ҳам бу ерга ўзи келмасди.

Аммо дугонасидан йигитнинг жуда кам гапирганини эшитгач, айтган гапига ўзи ҳам ишонмай қолди. Иккаласи Дарсининг келиши ҳақида турли сабабларни айтиб ўтишгач, шунчаки вақт ўтказиш учун келган, деган фикрда тўхташди. Иккала йигит ҳам бу уйга тез-тез келиб турадиган бўлишди. Улар одатда эрталаб келишар, баъзан алоҳида, баъзан бирга, баъзан эса улар билан леди Кэтрин ҳам келарди.

Лекин мистер Дарсининг Хансфордга бунчалик кўп келишининг сабаби нималиги номаълум эди. У суҳбатдошга муҳтож эмаслиги аниқ кўриниб турарди, чунки кўп ҳолларда анча вақтгача бир оғиз ҳам сўз айтмай ўтирар эди. Миссис Коллинз нима дейишга ҳам ҳайрон эди. Йигит кўпинча Элизабетга тикилиб турса-да, унинг юз ифодасини кўп нарсага йўйиш мумкин эди. Шарлотта бир-икки марта дугонаси билан Дарси уни ёқтириб қолган бўлиши мумкинлиги тўғрисида гаплашмоқчи бўлди, лекин қиз гапни ҳазилга айлантириб юборди. Шарлотта ҳам, яна рўёбга чикмайдиган умид туғилиб қолмасин деб, гап-сўзларни бас қилди. Лекин дугонасига чин дилдан яхшилик истаётгани учун гоҳо унинг полковник билан топишиши ҳақида ҳам ўйлаб қоларди. У жуда ажойиб инсон, жамиятда ўз ўрнига эга, Элизабет ҳам унга ёқади. Дарси барибир моддий томондан ундан юқорироқда турарди.

## Х БОБ

Парқда сайр қилиб юрар экан, Элизабет бир неча марта мистер Дарси билан тўқнаш келди. Кейинги сафар бундай тушунмовчиликлар бўлмадлиги учун, йигитга доим шу ерда айланишини айтиб қўйди. Кейинги тўқнашувлар қанақасига рўй берди, тушунарсиз эди. Уни агайдан қилаяпти, деб ўйлаш мумкин эди. Чунки у кизни кўриши билан унга бир-икки оғиз бирор нарса деб ўтиб кетишнинг ўрнига, олдига келиб, қиз билан бирга кета бошларди. Улар учинчи марта учрашиб қолишганида Элизабет унинг бераётган саволлари сира бир-бирига қовушмаётганига эътибор берди.

Яна шундай сайр кунларининг бирида, Жейннинг охири хатини ўқиб, опасининг хафалиги яққол билиниб турган сўзлар устида ўйлар экан, орқадан қадам товушлари эшитилди. Бироқ, қайрилиб қараб, мистер Дарсини эмас, полковник Фицуильямни кўрди. Хатни беркитиб, ўзини зўрлаб жилмайди-да, йигитга деди:

– Мен сизни бу ерларда кўраман, деб ўйламагандим!

– Мен бир йилда бир марта паркни тўлиқ айланиб чиқаман, – деди полковник. – Ҳозир эса Хансфордга кирмоқчи эдим.

Полковник қиз билан руҳонийнинг уйи томон бирга кета бошлади.

– Сизлар ростдан ҳам шанба кuni жўнаб кетаяпсизларми? – сўради Элизабет.

– Ҳа, агар Дарси яна гапидан қайтиб қолмаса. Мен унга бўйсуннишга мажбурман.

– У ўзи хоҳлаганини қиладиган хўжайинми, бошқаларни ўзига бўйсундириб роҳатланадими?

– Ҳа, у ўз тақдирига ўзи хўжайин бўлмоқчи, – жавоб берди Фицуильям. – Лекин бу ҳар бир инсонга хос нарса-ку. Дарсининг фарқи шундаки, буни амалга ошириш учун унинг имкониятлари кўпроқ.

– Мен эса графнинг кичик ўғлига униси ҳам, буниси ҳам бегона деб ўйлаган эдим. Тўғриси айтинг, сиз бу нарсани кўп кўрганмисиз? Пулингиз йўқлиги сабаб бирор нарсани сотиб ололмай ёки ўйлаб қўйган саёхатингизга боролмай қолган пайтларингиз кўп бўлганми?

– Булар ҳаммаси оилавий ҳаётга тегишли. Балки бундай қийинчиликларни кўп кўрганман, дейишга ҳақим йўқдир. Лекин каттароқ ишларда маблағ етишмаслиги жиддий хафагарчиликларга олиб келади. Масалан, кичик ўғиллар ўзига ёққан қизга уйлана олмадилар.

– Одатда улар билан бўлганидек, бой меросхўр қиз уларга ёкмаган тақдирда.

– Ўзи истагандек яшаш одатларимиз бизни пулга қарам қилиб қўяди. Атрофимдаги одамлар ичида кейин бемалол ишлатишлари мумкин бўлган маблағ ҳақида ўйламай, хоҳлаган қизига уйлана оладиган довьораклар жуда кам.

“Наҳотки бу гаплар менга тегишли бўлса?” – ўйлади қизариб кетган Элизабет. Лекин ўзини қўлга олиб деди:

– Менга айтинг-чи, унда графнинг кичик ўғиллари нархи қанча? Агар акаси гуллаб-яшнаётган бўлса, кичкинаси эллик мингча турса керак?

Йигит ҳам шу руҳда жавоб берди ва шу ерда суҳбат тугади. Бироз ўтиб, Элизабет йигитнинг унинг шамаси таъсирида, деб ўйлаши мумкин бўлган сукутни бузиш учун деди:

– Амакиваччангиз сизни худди бировнинг устидан бошқариб юриш учунгина олиб келганга ўхшайди. Лекин мен, нима учун у уйланиб бир умрга ўзига шундай қулайликни яратмаётганига тушунмаяпман. Балки бу мақсад учун синглиси ҳозирча етарли бўлса керак-да. Қизнинг ёлғиз ғамхўри акаси – у синглисига хоҳлаганча буйруқ бериши мумкин.

– О, йўқ, – деди полковник. – Бу ҳуқуқни у мен билан бўлишига тўғри келади. Мисс Дарсининг тақдири учун Дарсининг бўйнида жавобгарлик қанча бўлса, менинг жавобгарлигим ҳам шунча.

– Ростданми? Хўш, жавобгарлигингизни қандай амалга ошираёпсиз? У сизга кўп иш орттирадимми? Унинг ёшидаги қизларни эплаш бироз қийинроқ. Бунинг устига, табиати ҳам акасидек, ўзининг айтганини қилдирадиган керак.

Бу гапларни айта туриб, Элизабет йигитнинг ўзига диққат билан қараб қўйганини сезд.

– Хавотир олманг. Бошқа бирор қиз ҳақида мисс Дарсичалик кўп гапиришмайди, деб ҳисобласам-да, у ҳақида ҳеч қандай ёмон гап эшитмаганман. Мисс Дарси икки танишим – миссис Хёрст ва мисс Бинглиларнинг жону дили. Уларни кўрганман, деб айтгандингиз, шекилли?

– Уларни бироз танийман. Уларнинг акаси – Дарсининг яқин дўсти, ажойиб йигит.

– Ҳа, гап йўқ, – хўмрайиб деди Элизабет. – Мистер Дарси мистер Бинглига нисбатан ўта кўнгилчан ва доим у ҳақда қайғуради.

– Қайғуради? Рост, мен ҳам шундай ўйлайман. Бингли айни шунга муҳтож бўлиб турганда у ўртоғига қаттиқ ғамхўрлик қилган. Тўғрироғи, бу менинг гумоним. Чунки дўсти ким эканлигини минг сўрамай, Дарси номини айтмаганди. У буни ҳамма билиб кетишини хоҳламасди. Агар бу гап бир қизнинг оиласининг қулоғига етса, катта нохушлик бўларди.

– Хотиржам бўлаверинг, ҳеч кимга айтмайман.

– Ёдингиздан чикмасин, у бутунлай Бинглини кўзда тутмаган бўлиши мумкин. Унинг айтган гапи шу бўлдики, ўртоғини бир қизга ўйламай ўйланиб қолишдан қутқариб қолгани учун ўз-ўзидан хурсандлиги эди.

– Нима учун ўртоғининг ишларига аралашшига тўғри келганининг сабабини Дарси сизга айтдим?

– Тушунишимча, қизга нисбатан қаттиқ қаршиликлар бор эди.

– Мистер Дарси уларни қандай ажрата олибди?

– У менга бу ҳақда айтмади, – жилмайиб деди Фицуильям. – Сизга ўзимга маълум бўлган ҳамма нарсани айтдим.

Қиз ҳеч нарса демади. Бироз ўтиб, йигит ундан нега жим бўлиб қолгани сабабини сўради.

– Ҳозиргина айтганларингизни ўйлаяпман, – жавоб берди Элизабет.

– Дўстингизнинг хатти-ҳаракати менга ёқмади. У ким бўлибдики, ўзини қозидек тутати? Дўстининг танловини тўғрими баҳолашга нима ҳаққи бор? Бингли ким билан бахтини топади – у қаердан билади? Лекин, – бироз ўзини тутиб олиб, давом этди Элизабет, – аниғини билмасдан туриб уни айблай олмаймиз. Балки йигит билан қизнинг муносабатлари жуда чуқур кетмагандир.

– Худди шундай! Гарчи бу Дарсининг хизматига тўғри баҳо бўлмаса-да.

Йигитнинг бу сўзлари ҳазил оҳангида айтилган эди. Элизабет ўзини сотиб қўйишдан кўрқиб, гапни бошқа мавзуга бурди. Фицуильям кетгач хонасида қамалиб олиб, ҳозиргина эшитган гаплари ҳақида ўйлай бошлади. Дунёда мистер Дарсининг таъсири остида иккита одам бўлиши мумкин эмасди. Бингли ва Жейннинг ажралиб кетишига оид воқеаларда унинг қўли борлигини у олдин тахмин қилган эди. Энди маълум бўлишича, агар Дарсини ўзининг шухратпарастлиги алдамаган бўлса, айнан у, унинг манманлиги ва ўзбилармонлиги Жейннинг ғам-ғуссалари сабабчиси экан. Полковник айтдики “Қизга нисбатан қаттиқ қаршиликлар бор эди!” – бу қаршиликлар унинг бир амакиси савдогар, бошқаси қишлоқи ходим бўлгани учундир-да.

“Жейннинг ўзига қарши эса бирор-бир нарса деёлмаган бўларди! – ўйларди Элизабет. – Отамизга қарши ҳам бирорта ёмон гап айтиб бўлмайди. Қизиқ-қизиқ одатлари бўлса ҳам, хатто мистер Дарсининг ўзи унинг етук ақли ва ғоятда батартиблигидан кўз юма олмайди”. Онаси ёдига тушиб, Элизабетнинг ишончи бироз сўнди. Дарсининг ғурури, дўсти ақли ноқисроқ эмас, балки ўзидан пастроқ табақадаги одамлар билан қариндошчилик қилса топталгандек бўлади, шекилли.

Бугунги эшитган нохушликлари унинг йиғлаши ва боши оғришига олиб келди. Дугонасининг мазаси йўқлигини кўриб турган миссис Коллинз уни Розингсга бирга боришга мажбур қилмади.

*Рус тилидан  
Муҳаббат ИСМОИЛОВА  
таржимаси*

(Давоми бор)



Сэмюэл БЕККЕТ

ГОДОНИ КУТИШ

(Пьеса)<sup>1</sup>

П о ц ц о. Жуда соз. Ҳамма шу ердами? Ҳамма менга қараб турибдими? (Лакига қарайди, арқоннинг учини тортади. Лаки бошини кўтаради.) Менга қара, ярама! (Лаки унга қарайди.) Жуда соз. (У муштукни чўнтагига солиб, кичкина пуркагични олади-да, бўйнига сепади, кейин чўнтакка жойлаб, йўталади, тупиради, яна пўркагични олиб, томоғига сепадида, уни қайта жойлайди.) Мен тайёрман. Ҳамма кулоқ солаяптими? (Лакига қарайди, арқон учини тортади.) Бу ёққа кел! (Лаки унга яқинлашади.) Шу ерда! (Лаки тўхтайдми.) Ҳамма тайёрми? (У учаласига ҳам навбат билан кўз ташилаб, охирида Лакида тўхтайдми. Арқон учини тортади.) Нима гап? (Лаки бошини кўтаради.) Мен беҳудага гапиришни истамайман. Яхши. Бўпти. (Уйга толади.)

Э с т р а г о н. Мен кетдим.

П о ц ц о. Ўзи мендан нимани сўрагандиларинг?

Э с т р а г о н. Нима учун у...

П о ц ц о (қаҳри келиб). Гапимни бўлманг! (Сукут. Бир оз юмшаб.) Агар ҳаммамиз бирданига гапирадиган бўлсак, ҳеч ким бир-бирини эшитмайди. (Жимлик.) Мен нима деётган эдим? (Жимлик. Баландроқ товушда.) Нима деётган эдим?

Владимир оғир юк кўтариб олган одамдек, мункайиб олади. Поццо унга ажабланиб тикилиб қолади.

Э с т р а г о н (зўриққандек). Нарсаларни! (Бармоғи билан Лакига ишора қилади.) Нима учун кўтариб олган? (Мункайган, зўрга нафас олаётган одамни тасвирлайди.) Ерга қўймайди. (Кўлларини ёзиб, қаддини тиклаб, енгил нафас олади.) Нима учун?

П о ц ц о. Тушунарли. Олдинроқ айтиш керак эди. Нима учун у ўзига ортиқча ташвиш орттирган? Тушунишга ҳаракат қиламиз. Бунга унинг ҳаққи борми? Ҳа. Демак, унинг ўзи истамайди. Тушунарлими? Нима учун истамайди дейсизми? (Жимлик.) Жаноблар, ҳозир сизларга айтаман.

В л а д и м и р. Диккат!

П о ц ц о. Унга шафқат қилишим учун менинг эътиборимни қозонмоқчи бўлаяпти.

Э с т р а г о н. Қанақасига ахир?

П о ц ц о. Эҳтимол, тушунтириб бера олмаётгандирман. Уни ташлаб қўймаслигим учун менинг раҳимимни келтирмоқчи. Йўқ, бу бутунлай бошқа нарса.

В л а д и м и р. Ундан қутулиш ниятидамисиз?

П о ц ц о. У мени лақиллатмоқчи бўлаяпти, бироқ мен ҳам анойилардан эмасман.

В л а д и м и р. Ростдан ундан қутулишни истайсизми?

П о ц ц о. У агар яхши ҳаммоллик қилсам, кейинчалик ҳам менинг хизматимдан фойдаланади дея хомхаёл қилаяпти.

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда.

В л а д и м и р. Энди у сизга керак эмасми?  
 П о ц ц о. Аслида-ку, эшшакдек юк кўтаради. Бирок бу иш унга тўғри келмайди.

В л а д и м и р. Ундан қутилишни истайсизми?

П о ц ц о. Агар юк кўтариб чарчамаслигимни кўрса, хўжайин ўз қарорини ўзгартиради деган хаёлда. Бутун ўй-хаёли шу. Гўё ундан бошқа ишчиларим йўқдек! (*Учаласи ҳам Лакига қарайди.*) Юпитер ўғли, Атлас! (*Сукут.*) Мана шундай. Ҳамма саволларингизга жавоб бердим, деб ўйлайман. Яна саволларингиз борми? (*Пуркагич билан ҳаракатни яна такрорлайди.*)

В л а д и м и р. Ундан қутулишни истайсизми?

П о ц ц о. Барака топгур, агар тақдир шуни раво кўрмаганида мен унинг, у эса менинг ўрнимда бўлиши мумкин эди. Ҳар кимнинг ўз қисмати бор.

В л а д и м и р. Ундан қутулишни истайсизми?

П о ц ц о. Нималар деяпсиз?

В л а д и м и р. Ундан буткул қутулишни истайсизми?

П о ц ц о. Тўғри. Бирок, бунинг ўрнига, яъни ҳайдагандан кўра, нима ҳам қилишим мумкин? Айтмоқчидиманки, орқасига бир тепиб, кўчага ҳайдамай, раҳм қилиб, муқаддас Халоскор бозорига олиб бораман. Ўйлайманки, у ерда унга бирон нарса насиб этади. Ростини айтсам, бунга ўхшаганларни ҳайдаб юбориб бўлмайди. Яхшиси уларни ўлдирган маъкул.

*Лаки йиғлашга тушади.*

Эстрагон. У йиғлаяпти.

П о ц ц о. Ҳатто итнинг ҳам ғурури бундан баландроқ. (*Эстрагонга рўмолчасини тутлади.*) Шунчалик раҳмингиз келаётган бўлса, юпата қолинг. (*Эстрагон иккилазиб қолади.*) Олинг. (*Эстрагон рўмолчани олади.*) Унинг ёшларини артинг. Узини бунчалик хўрланган ҳисобламасин.

*Эстрагон бир қарорга келолмай иккиланади.*

В л а д и м и р. Бу ёққа бер, буни мен қиламан.

*Эстрагон рўмолчани бергиси келмайди. Болаларча мунғаяди.*

П о ц ц о. Шошилинг. Тез орада йиғлашдан тўхтайти. (*Эстрагон Лакига яқинлашиб, кўз ёшларини армтоқчи бўлади. Лаки зарб билан унинг оёғига тепади. Эстрагон рўмолчани тушириб юборади, қочиб, оғриқдан чинқириб, чўлоқланиб, айлана бўйлаб югура бошлайди.*) Рўмолча. (*Лаки жамадон ва саватни ерга қўйиб, рўмолчани олади, яқин келиб уни Поццога тутқзади, ортга чекиниб, жамадон ва саватни қўлига олади.*)

Эстрагон. Ярама! Аблах! (*Иитонини шимаради.*) У мени майиб қилди!

П о ц ц о. Бегоналарни ёқтирмайди, деб сизларни огоҳлантирдим-ку.

В л а д и м и р. (*Эстрагонга*). Кўрсат-чи. (*Эстрагон унга оёғини кўрсатади. Поццога, газаби келиб.*) Оёғидан қон оқаяпти!

П о ц ц о. Бу яхшилик аломати.

Эстрагон (*оёғини осилтириб турганча*). Энди юра олмайман шекилли?!

В л а д и м и р (*ҳамдардлик билан*). Сени ўзим кўтариб оламан. (*Жимлик.*) Ростдан ҳам юролмайдиган бўлсанг.

П о ц ц о. У йиғидан тўхтади. (*Эстрагонга.*) Қайсидир маънода унинг ўрнини сиз эгалладингиз. (*Завқи келиб.*) Одамнинг кўз ёши булоқдай гап. Бирор жойда биров бошласа, бошқа ерда кимдир йиғидан тўхтайти. Кулги ҳам шундай. (*Кулади.*) Давримиз ҳақида ёмон гапларни гапирмайлик, олдингига қиёслаганда унчалик хатарли эмас. (*Сукут.*) Уни мақтамаганимиз ҳам маъкул. (*Жимлик.*) У ҳақида умуман гаплашмаймиз. (*Сукут.*) Ҳа, содда одамлар ростдан кўпайганга ўхшайди.

В л а д и м и р. Юришга уриниб кўр. (*Эстрагон чўлоқланиб юра бошлайди, Лаки олдида тўхтаб, унга тупириб, парда кўтарилишидан олдин ўтирган жойига бориб чўқади.*)

П о ц ц о. Биласизми, буларнинг барини менга ким ўргатган? (*Жимлик. Бармоги билан Лакига шиора қилиб.*) У!

В л а д и м и р (*осмонга кўз ташлаб*). Қачон қоронғу тушар экан?

П о ц ц о. Усиз менинг кечинма ва фикрларим касбим тақазосидан келиб чиқиб, хаёлий нарсалар билан банд эди. ... дарвоқе, бу муҳим эмас. Гўзаллик, меҳрибонлик, олий ҳақиқат – буларнинг бари илгари бир хаёл эди. Шунда мен ўзимга қизиқчи ёлладим.

В л а д и м и р (*беихтиёр осмонга тикилишдан тўхтаб*). Қизиқчи?

П о ц ц о. Бунинг давом этаётганига ҳам олтмиш йилча бўлиб қолди... (*Хаёлан санай бошлайди.*) ...ҳа, ҳадемай олтмиш йил. (*Қаддини гоз тутиб.*) Мени бу ёшда деб ўйламайсизлар, тўғрими? (*Владимир Лакига қарайди.*) Унинг ёнида мен ёшгина йигитга ўхшайман, тўғрими? (*Жимлик. Лакига.*) Шляпа! (*Лаки ерга саватни қўйиб, бошидан иляпасини олади. Оппоқ, қалин сочлар уни кекса қилиб кўрсатади. У иляпани қўлтигига қистириб, саватни қўлига олади.*) Энди эса қаранглар. (*Поццо ўз иляпасини олади<sup>1</sup>. Тап-тақир боши кўринади. Шляпани кияди.*) Кўрдингизми?

В л а д и м и р. Қизиқчи нима дегани?

П о ц ц о. Бу ерлик эмасмисизлар? Қайси асрда яшаяпсизлар? Илгари одамлар масхарабоз ёллашарди, энди қизиқчиларни. Албатта, бунга имконияти бўлганлар.

В л а д и м и р. Энди уни ҳайдамоқчи бўлаяпсизми? Шундай кекса ва содиқ хизматқорни-я?

Э с т р а г о н. Аҳмоқ!

*Поццо лаҳза сайин асабийлаша бошлайди.*

В л а д и м и р. Бор ҳақиқатни билиб олганингиздан кейин, уни худди... (*сўз тополмай қийналади*) ...банан пўчоғидай ташлаб юбормоқчимисиз? Инкор қилманг, сиз уни...

П о ц ц о (*бошини қўллари орасига олиб, зорлана бошлайди*). Ортиқ тоқат қилолмайман... чидай олмайман... у нима қиляпти ... тушунмаяпсиз ... даҳшат ... у кетиши керак (*қўлини кўкка қилиб*) ...ҳозир ақлдан озаман... (*ҳолсизланиб, бошини қўллари орасига олади.*) Бунга ортиқ чидай олмайман... чидай олмайман...

*Сукут. Ҳамма Поццога тикилади. Лакига жон киргандек бўлади.*

В л а д и м и р. У ортиқ чидай олмайди.

Э с т р а г о н. Бу даҳшат.

В л а д и м и р. У ақлдан озаяпти.

Э с т р а г о н. Жуда беъмани.

В л а д и м и р (*Лакига*). Қандай ҳаддингиз сиғди? Уят эмасми? Шундай оқибатли одамни-я?! Шунчалик ҳам хўрлайдими? Шунча йиллик кадрдон экансизлар! Ишонгинг келмайди!

П о ц ц о (*хўрсиниб*). Илгари... у яхши эди... менга ёрдам берарди... мени кулдирадди... кўнглимни олишга интиларди... энди эса... мени тириклай гўрга тикмоқчи...

Э с т р а г о н (*Владимирга*). Уни бошқасига алмаштирмоқчимми?

В л а д и м и р. Қанақасига?

Э с т р а г о н. Тушунолмай қолдим, нима қилмоқчи? Бошқасига алмаштирмоқчимми ёки ҳеч кимни ёнига яқинлаштирмоқчи эмасми?

В л а д и м и р. Бундай деб ўйламайман.

<sup>1</sup> Ҳамма қахрамонлар идиш (кичик қозонча) олиб юришади.

Эстрагон. Қанақасига?  
 Владимир. Билмадим.  
 Эстрагон. Сўраб кўриш керак.  
 Поццо (*хотиржам*). Жаноблар, мени нима жин урганини билмайман. Сизлардан кечиришингизни сўрайман. Барчасини унутинг. (*Аста-секин босиқ оҳангда*.) Нималар дедим, аниқ ёдимда йўк. Бироқ ишончингиз комил бўлсинки, айтганларимда зигирча ҳам ҳақиқат йўк. (*Қаддини ростлаб, кўксига муштлиайди*.) Нахотки, афти ангорим азоб чеккан одамникига ўхшаса? Қаранглар! (*Чўнтақларини титкилайди*.) Муштугимни қаерга қўйдим?  
 Владимир. Ажойиб оқшом.  
 Эстрагон. Унутилмас.  
 Владимир. Ҳали оқшом тугагани йўк.  
 Эстрагон. Шунақа шекилли.  
 Владимир. У энди бошланаяпти.  
 Эстрагон. Даҳшат.  
 Владимир. Худди кинодагидек.  
 Эстрагон. Циркдагидек.  
 Владимир. Мусиқали томошадагидек.  
 Эстрагон. Циркдагидек.  
 Поццо. Муштугимни қаерга қўйдим экан?  
 Эстрагон. Кулгили! Эрмагини йўқотиб қўйибди! (*Қаҳ-қаҳ отиб кулади*.)  
 Владимир. Ҳозир келаман. (*Парда орқасига йўл олади*.)  
 Эстрагон. Йўлакдан, чапга.  
 Владимир. Мендан кейин навбат олиб қўй. (*Чиқади*.)  
 Поццо. Мен чилимимни йўқотиб қўйдим!  
 Эстрагон (*қаҳ-қаҳадан ўзини тўхтатолмай*). Кула-кула ўламан!  
 Поццо (*бошини кўтариб*). Мабодо кўзингиз тушмадимми... (*Влаמידирнинг йўқлигини сезади. Ажабланиб*.) Э! У кетдимми!.. Хайрлашмасдан-а! Бу одобдан эмас! Уни тўхтатиб қолишинингиз керак эди.  
 Эстрагон. Уни тўхтатиш шарт эмас.  
 Поццо. Э! (*Сукут*.) У ҳолда майли.  
 Эстрагон (*ўрнидан тураётиб*). Бу ёққа келинг.  
 Поццо. Нима учун?  
 Эстрагон. Ҳозир кўрасиз.  
 Поццо. Урнимдан туришимни хоҳлаяпсизми?  
 Эстрагон. Бу ёққа... бу ёққа... тезроқ.

*Поццо ўрнидан қўзғалиб Эстрагон томон йўналади.*

Эстрагон. Қаранг!  
 Поццо. Вой-бў!  
 Эстрагон. Шуни айтинг.

*Владимир қовоғи солинган ҳолда сахнага қайтади. Курсини оёғи билан ағдариб юбориб, Лақини туртиб ўтади. Асабий у ёқдан бу ёққа юра бошлайди.*

Поццо. Нимадандир хафами?  
 Эстрагон (*Владимирга*). Зўр томошани кўрмай қолдинг. Афсус.

*Владимир юришдан тўхтаб, курсини тўғирлайди-да, яна у ёқдан бу ёққа юра бошлайди, бироқ энди анча босиқ кўринишида.*

Поццо. Секин тинчланаяпти. (*Атрофга аланглайди*.) Ҳаммаёқ тинчланаётганга ўхшайди, кўнглим сезаяпти. Осойишталик ва сукут забтига олаяпти. (*Кўлини кўтаради*.) Жаноб ухляяпти.

Владимир (*юришдан тўхтаб*). Қачон коронғу тушар экан?

## Учаласи ҳам осмонга қарайди.

По ц ц о. Эртароқ кетишни истамайсизми?

Э стра г о н. Гап шундаки, ҳалиги... ўзингиз яхши биласиз...

По ц ц о. Ҳижолат бўлманг, ҳижолат бўлманг... Мен билан ҳам учрашув белгиланган бўлганида, ҳалиги Годами... Годими... Годоми... хуллас, ким ҳақида гапираётганимни биласизлар, кетмасдан, ярим тунгача бўлса ҳам кутган бўлардим. (*Курсига қарайди.*) Яна жуда ўтиргим келаяпти. Бирок, қандай удалашни билмайман.

Э стра г о н. Сизга ёрдамлашсам бўладими?

По ц ц о. Бўлади, фақат яхшилаб илтимос қилсангиз...

Э стра г о н. Нима?

По ц ц о. Мендан ўтиришимни илтимос қилинг.

Э стра г о н. Бу сизга ёрдам берадими?

По ц ц о. Афтидан, шундай.

Э стра г о н. Бўпти. Илтимос, ўтира қолинг, жаноби олийлари.

По ц ц о. Йўк, йўк. Ҳожати йўк. (*Жимлик. Шивирлаб.*) Ёлвориб сўранг...

Э стра г о н. Бўла қолсангиз-чи, тик туришнинг нима кераги бор? Ша-моллаб қолишингиз мумкин.

По ц ц о. Шундай деб ўйлайсизми?

Э стра г о н. Эмасам-чи, албатта.

По ц ц о. Майли, сизнинг айтганингиз бўлсин. (*Ўтиради.*) Раҳмат, азизим. Мана, яна ўтириб олдим. (*Эстрагон ўтиради. Поццо соатига кўз ташилайди.*) Бирок, кеч қолишни истамасам, энди кетишим керак.

В л а д и м и р. Вақт тўхтаб қолди.

По ц ц о (*соатга қулогини қўйиб*). Бундай хаёлга борманг, тақсир, бундай хаёлга бора кўрманг. (*Соатни чўнтагига солади.*) Истаган хаёлга боринг, фақат бундай деманг.

Э стра г о н (*Поццога*). Бугун ҳамма нарса унинг кўзига тескари бўлиб кўринаяпти.

По ц ц о. Осмондан бошқаси. (*Қойиллатиб ҳазиллашганидан мириқиб кулади.*) Тинчланинг, ҳаммаси яхши бўлади. Ҳаммаси менга беш қўлдай аён-ку. Сизлар бу ерлик эмассизлар, оқшомларимиз қандай бўлишини билмайсизлар. Истасангиз, айтиб беришим мумкин? (*Жимлик. Эстрагон ва Владимир аланглайди, бири – шляпага, иккинчиси – бошмоққа тикилади. Лаки шляпасини тушириб юборганини сезмай ҳам қолади.*) Сизларни бир хурсанд қилиш ниятидаман. (*Пуркагич билан бўлган ҳаракат яна такрорланади.*) Эътиборингизни менга қаратинг. (*Эстрагон ва Владимир ўз ишларида давом этишади. Лаки мизгий бошлайди. Поццо қамчини силкитади, бироқ қамчининг овози тузук-қуруқ эшитилмайди.*) Бу қамчига нима бўлди? (*Қамчини яна кўтариб силкийди, бу гал қаттиқ овоз чиқади. Лаки сесканиб тушади. Эстрагон ва Владимирнинг қўлидан бошмоқ билан шляпа тушиб кетади. Поццо қамчини ерга ташлайди.*) Бу қамчининг ортиқ менга кераги йўк. (*Иккала тингловчига қарайди.*) Нима деётган эдим?

В л а д и м и р. Кетамиз.

Э стра г о н. Бундай турманг, акс ҳолда шамоллаб қоласиз.

По ц ц о. Тўғри (*Ўтиради. Эстрагонга.*) Исми-шарифлари нима эди?

Э стра г о н (*сукут сақламай*). Катулл.

По ц ц о (*эшитмай*). Ҳа-я, оқшом. (*Бошини кўтаради.*) Бир оз эътиборли бўлсангиз, йўкса, гапимиз қовушадиганга ўхшамайди. (*Осмонга тикилади.*) Қаранглар. (*Яна мизгий бошлаган Лакидан бошқа ҳамма осмонга қарайди. Поццо буни сезиб қолиб, арқонни тортади.*) Осмонга қарашни истамайсанми, тўнғиз! (*Лаки бошини кўтаради.*) Бўпти, етарли. (*Улар бошларини туширишади.*) Хўш, нимаси ғалати? Мана шу оқшомнинг? Оқшом пайти бошқа осмонлар қандай бўлса худди шундай бир оз ёруғ ва рангпар. (*Жимлик.*) Мана шу кенгликларда. (*Жимлик.*) Об-ҳаво яхши пайтлари. (*Оҳангдор*

қилиб давом этади.) Бир соат олдин (*соатиға кўз ташлайди, жарангдор ёки шунга яқинроқ шоирона оҳангга ўтади*), эрталабки саот ўндан буён бизга нур сочиб турган ёруғлик, аста-секин рангини йўқотиб, хиралашиб бораверади (*қўлини кўтариб, аста-секин тушира бошлайди*), бораверади, оз-оздан, оз-оздан, токи (*чуқур жимлик, қўлини кенг ёзиб*), хўп. Албатта! Энди ортиқ ҳаракатланмайди. (*Сукут.*) Бирок (*тантанавор қўлини кўтаради*), бироқ, бу жимлик ва осойишталикнинг қатида (*Лакидан бошиқа ҳамма унга эргашиб ҳаракат қилади, осмонга кўз ташлайди*) тун шитоб билан бостириб келади-да, (*унинг овози титраб чиқади*) бизни бағрига олади (*бармоқларини қарсиллатади*) кўз очиб юмгунча! Мана шундай. (*Тантанавор оҳанг уни тарк этади.*) Ҳеч биримиз мутлақо кутмаган бир пайтда. (*Жимлик. Қаҳрли овоз билан.*) Бу кўхна дунёда ҳаммаси ана шундай кутилмаганда юз беради.

### Узоқ жимлик.

Э с т р а г о н. Ҳаммасини олдиндан билсанг.  
В л а д и м и р. Кутаверишинг мумкин.  
Э с т р а г о н. Кутаётганингни биласан.  
В л а д и м и р. Ҳеч нарсдан ташвишга тушмайсан ҳам.  
Э с т р а г о н. Фақат кутиш керак.  
В л а д и м и р. Биз бунга кўникканмиз. (*Шляпасини олиб, ичига қарайди. Қоқиб, қайта кияди.*)  
П о ц ц о. Менга қандай баҳо берасизлар? (*Эстрагон ва Владимир ҳайрон бўлиб унга тикилади.*) Яхши? Урта? Бир нав? Уртача? Ростдан ҳам ёмонми?  
В л а д и м и р (*гап нимадалигини пайқаб*). Э, жуда зўр. Қойилмақом.  
П о ц ц о (*Эстрагонга*). Сиз-чи, тақсир?  
Э с т р а г о н (*инглизча талаффуз билан*). Жуда яхши, жуда, жуда ҳам яхши.  
П о ц ц о (*ҳиссиёт аралаш*). Раҳмат, жаноблар! (*Жимлик.*) Далдангиз кўнглимни кўтарди. (*Уйлайди.*) Охирроғида бир оз ўзимни йўқотиб қўйгандим. Сизлар буни сездиларингми?  
В л а д и м и р. Бир озгина, холос.  
Э с т р а г о н. Буни атайлаб қилдингизми, деб ўйлабман.  
П о ц ц о. Гап шундаки, менинг хотирам чаток.

### Жимлик.

Э с т р а г о н. Кутганингда ҳеч нарса юз бермайди.  
П о ц ц о (*хафсаласи тир бўлиб*). Сизларга зерикарлими?  
Э с т р а г о н. Очиғи, шундай.  
П о ц ц о (*Владимирга*). Сизга-чи, тақсир?  
В л а д и м и р. Бундан қувноқроқ бўлган пайтлар ҳам бўлган.

### Жимлик. Поццо ўзидан тоқатсизлана бошлайди.

П о ц ц о. Жаноблар, олдингизда жуда хижолатлиман.  
Э с т р а г о н. Э, қўйсангиз-чи.  
В л а д и м и р. Нималар деяпсиз!  
П о ц ц о. Ҳа, ҳа. Сизлар сир бой бермадиларинг. Ўзимга ўзим шундай савол бердим... ҳозир зерикиб турган бу олижаноб одамлар учун мен нима қилишим керак?  
Э с т р а г о н. Беш берсангиз ҳам, жон дердик.  
В л а д и м и р. Биз тиланчилар эмасмиз.  
П о ц ц о. Қандай нафим тегса экан, қандай қилсам булар вақт ўтганини сезмай қолади дея ўзимдан сўраяпман? Уларни анча овутидим. У ёқ-бу ёқдан гаплашдик, оқшом ҳақида сўзлаб бердим, буларнинг бари тушунарли. Мен

бу билан тўхтаб қолмоқчи эмасман. Бироқ шунинг ўзи кифоя қилармикан, мени қийнаётган нарса мана шу, шу кифоя қилармикан?

Эстрагон. Арзимаган чойчақа.

Владимир. Бас қил!

Эстрагон. Бу менинг ишим.

Поццо. Шу етарли бўлармикан? Албатта. Бироқ мен саховатли одамман. Менинг табиатим шунақа. Бугун. Қийин-қийин, менга қийин. *(Арқон учини тортади. Лаки унга тикилади.)* Чунки, албатта, бу менга азоб беради *(Ўрнидан турмасдан, букчайиб, қамчини кўтаради.)* Сизларга қайсиниси маъкул? У рақсга тушсинми, қўшиқ айтсинми, ҳикоя қилиб берсинми ёки ўйлаб...

Эстрагон. Ким?

Поццо. Ким! Нима, биз ҳам бунга қодирмиз демокчимисиз?

Владимир. Унда ўй борми?

Поццо. Албатта. Овоз чиқариб. Илгарилари ёмон фикрламасди, мен уни соатлаб эшитиб ўтирардим. Ҳозир... *(Бехос сесканиб кетади.)* На чора, кун кундан баттар. Демак, бирон нарса ҳақида унинг фикрини билмоқчисизлар?

Эстрагон. Менга қолса, рақсга тушсин. Бу қизиқарли бўларди.

Владимир. Мен эса унинг фикрини эшитишни истайман.

Эстрагон. Балки у олдин рақс тушиб, кейин фикрлар. Бу албатта унга қийин бўлмас.

Владимир *(Поццога)*. Бунинг иложи борми?

Поццо. Албатта. Бу жуда ҳам осон. Дарвоқе, бу унинг одатий иши. *(Мазах қилиб кулади.)*

Владимир. У ҳолда рақсга тушсин.

*Жимлик.*

Поццо *(Лакига)*. Эшитдингми?

Эстрагон. У ҳеч қачон йўқ демайдими?

Поццо. Буни сизларга кейин тушунтираман... *(Лакига.)* Рақсга туш, ярамас!

*Лаки ерга жамадон ва саватни қўйиб, бир оз олдинга юриб, Поццо томон қайрилади. Эстрагон яхшироқ кўриши учун ўрнидан туради. Лаки ўйнай бошлади. Тўхтади.*

Эстрагон. Бўлдими?

Поццо. Яна!

*Лаки яна ҳаракатларини такрорлаб, тўхтади.*

Эстрагон. Қойилман, оғайни! *(Лакининг ҳаракатларини такрорлайди.)* Бу менинг ҳам кўлимдан келади. *(Лакининг қилигини қиламан, деб йиқилиб тушай дейди, ўтиради.)* Бир оз машқ қилишим керак.

Владимир. У чарчади.

Поццо. Илгарилари у яқка дейсизми, жуфтми, испанчами, бошқами, барини қойиллатарди. Сакраб ўйнади. Энди шундан бошқасига ярамай қолган. Биласизларми, у буни нима деб атайди?

Эстрагон. Ҳолдан тойган ҳаммолнинг ўлими.

Владимир. Упка саратони.

Поццо. Тўр ичидаги рақс. Унинг наздида у тўр ичида ўралашиб қолган.

Владимир *(бир оз букилиб)*. Бир оз ўхшаб кетаркан...

*Лаки яна ўз жойига бориб турмоқчи бўлади.*

Поццо (*худди отни тўхтатгандек*). Дирррррр!

*Лаки тўхтайди.*

Эстрагон. У ҳеч қачон рад қилмайдими?

Поццо. Ҳозир сизларга тушунтираман. (*Чунтакларини қовлаштиради.*)  
Шошманг. (*Чунтак титкилайди.*) Пуркагичимни қаерга қўйдим? (*Титкилайди.*) Ҳа, мана! (*Бошини қўтариб, доводирайди. Хириллаган овоз билан.*)  
Пуркагичимни йўқотибман, шекилли?

Эстрагон (*зўрға овоз чиқариб*). Чап ўпкамни қаттиқ шамоллатганман.  
(*Енгил йўталади. Ғўлдираган овозда.*) Бироқ ўнг ўпкам ҳали жуда бақувват!

Поццо (*ўртача овозда*). Ҳа, майли. Бир гап бўлар. Нима деётган эдим.  
(*Ўйлайди.*) Шошманг! (*Ўйланади.*) Ҳа, топдим! (*Бошини қўтариб*) Менга ёрдам берсангиз-чи!

Эстрагон. Мен ўйлаб кўраман.

Владимир. Мен ҳам.

Поццо. Шошманглар.

*Учаласи ҳам шляпасини олиб, қўлини пешонасига олиб боради-да, бир муддат тек қотиб туришади. Узоқ жимлик.*

Эстрагон (*тантанавор*). Ҳа!

Владимир. Энди эслади.

Поццо (*шошиб*). Нимани эслади?

Эстрагон. Нега қўлидагиларни ерга қўймайди?

Владимир. Э, йўк!

Поццо. Ишончингиз комилми?

Владимир. Ахир, бу гапни сиз ҳалигина айтдингиз-ку.

Поццо. Буни сизларга айтдимми?

Эстрагон. Ростдан буни бизга айтдимми?

Владимир. Бунинг устига у қўлидагиларни ерга қўйди.

Эстрагон (*Лакига кўз ташлаб*). Ростдан ҳам. Қўйса нима бўпти?

Владимир. Зотан қўлидагиларни ерга қўйган экан, нега қўймаяпсан деб сўрай олмаймиз.

Поццо. Тўшпа-тўғри!

Эстрагон. Нима учун у ерга қўйди?

Поццо. Шундай денг.

Владимир. Рақсга тушиш учун.

Эстрагон. Ҳа-я.

*Узоқ жимлик.*

Эстрагон (*ўрнидан тураётиб*). Ҳеч нарса юз бермаяпти, ҳеч ким келмаяпти.

Владимир (*Поццога*). Унга ўйлашни буюринг.

Поццо. Шляпасини бериб юборинг.

Владимир. Шляпасини?

Поццо. У шляпасиз ўйлай олмайди.

Владимир (*Эстрагонга*). Унга шляпасини узат.

Эстрагон. Менми? Шунча қилғилигидан кейинми? Ҳеч қачон!

Владимир. У холда мен олиб бераман. (*Жойидан қимир этмайди.*)

Эстрагон. Ўзи ола қолсин.

Поццо. Яхшиси олиб берган маъқул.

Владимир. Ўзим олиб бераман.

*Шляпани ердан олиб, қўлини чўзиб, Лакига узатади. Лаки қимир этмайди.*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

П о ц ц о. Бошига кийдириб кўйиш керак.  
 Э с т р а г о н (*Поццога*). Унга айтинг, ўзи олсин.  
 П о ц ц о. Кийдириб кўйиш керак.  
 В л а д и м и р. Мен унга кийдирмайман.

*У эҳтиёткорлик билан Лакини айланиб ўтиб, унга орқа томонидан яқинлашади, шляпани унинг бошига кийдириб, тезда ортга тисарилади. Лаки қимирламайди. Жимлик.*

Э с т р а г о н. Биз нимани кутаяпмиз?

П о ц ц о. Ундан узокрок туринг. (*Эстрагон ва Владимир Лакидан узоқлашади. Поццо арқон учини тортади. Лаки унга қарайди.*) Уйла, тўнғиз! (*Жимлик. Лаки рақсга туша бошлайди.*) Тўхта! (*Лаки тўхтайди.*) Шошма! (*Лаки Поццонинг олдига яқинлашади.*) Шу ерда! (*Лаки тўхтайди.*) Уйла! (*Жимлик.*)

Л а к и. Бошқа томондан олиб қараганда...

П о ц ц о. Тўхта! (*Лаки жим бўлиб қолади.*) Ортга! (*Лаки ортга чекинади.*) Шу ерда! (*Лаки тўхтайди.*) Хўш! (*Лаки улар томонга юзланади.*) Уйла! (*Эстрагон ва Владимирнинг диққати оша бошлайди. Поццо тутақиб, юзи жирканиш тусини олади.*)

Л а к и (*бир хил оҳангда*). Худонинг мавжудлиги исбот талаб этилмайди Штамп ва Ватман тадқиқотларида бу қандай ёритилган қақақақандай оксоч қанқандай замон ва масофаларга бўйсунмай ўзининг бекиёс хафсаласизлиги билан бекиёс хафсаласизлиги билан чексиз муҳаббат билан бизга боғланган сабабини тушунтириб бериш мушкул қайғу ва азоб келар муқаррар мисли илоҳа Миранданинг ташрифи каби ким билан ва не учун билмассиз асло дўзах оловида ёнмоққа бизда имкон бор кимки қилса бунга шубҳа, ёқишар аланга кўкка туташган кўм-кўк булутларни куйиб кул қилгай баъзида ўзининг сокин ва охисталиги-ла шундай сокинликки чеки-чегараси йўқ бироқ уни кутишар илҳақ сув кўрмай этик ечмайлик ва ҳадемай ошкор этилар ниҳоясига етмаган тадқиқот натижалари Берндаги Бресса Антропометрия Акакадемиясининг гулчамбарига ўралган Думбул ва Телбанинг (*Эстрагон ва Владимир санай бошлашади. Поццонинг изтироби ортиб боради*) ишларида айрим ноаникликларга қарамай бехато исботлаб берилган Думбул ва Телбанинг ниҳоясига етмаган тадқиқот натижаларига кўра исботлаб берилган берил шундан шундан шундан келиб чиқадиган бўлсак олдиндан хулоса чиқаришга эрта чунки Штамп ва Ватман изланишларидан кейин шу нарса ойдинлашдики ойдинлашдики Фартов ва Белькерларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли тугалланмаган тугалланмаган Думбул ва Телбага номаълум томонлари аниқланмоқда Брессдаги Думбул ва Телбанинг одами қисқача қилиб айтганда қисқача айтганда одамзот нафси учун еб-ичишида тараккётга эришганига қарамай ўз ҳалокати томон яқинлашмоқда шу билан (*Эстрагон ва Владимир тинчланиб, яна тинглай бошлашади. Поццо эса дақиқа сайин асабийлашиб, инграй бошлайди.*) бир вақтда бизга сабаби номаълум ҳолатда жисмоний машқ ва маданиятнинг ривожланиши ҳали теннис ҳали футбол ҳали мотоспорт ва велоспорт ҳамда сув спорти чавондозлик авиаспортнинг юксалиши тенниснинг оммалашуви муздаги ва асфальтдаги чанғи спорти ўт устидаги сувдаги қуруқликдаги ўйинлар пенициллин ва унга издош дорилар хуллас қисқароқ қилиб давом этадиган бўлсам шунинг билан бир вақтда теннис бўлишига қарамай сабаби номаълум равишда қисқариб бормоқда хуллас сўзимда давом этаман авиаспорт тўққиз ўн саккиз чуқурчалик гольф ўйини муздаги теннис хуллас Сене Сене-и-Уазе Сене-и-Марне Марне-и-Уазенинг сўзининг маъноси номаълум шу билан бир вақтда ҳалокат кучайиб бораётганлиги сабаби номаълум давом этаман Уаз Марнда хуллас Вольтернинг ўлимида катта йўқотиш бўлган ўртача ҳисобда тахминан икки дном юз граммдан жон бошига Нормандиянинг бор будини шилиб олиб сабаби

номаълум хуллас бу муҳим эмас қисқаси муҳим фактлар тасдиқлаб турибди бошқа томондан олиб қараганда жуда муҳим ҳисобланган (*Эстрагон ва Владимир хурсанд. Поццо ирғиб туриб, арқонни тортади. Лаки арқонни ўзига тортиб, довдираб, қичқира бошлайди. Ҳамма Лакига ташиланади, у улардан қутулиб, сўзида давом этади.*) буткул унутилган Штейнвег ва Петерманнларнинг тажрибаларидан маълум бўлаяптики тоғдаги қишлоқда денгиз қирғоқларида сув ҳавзаларида олов таркибида ҳаво бир хил дарвоқе тупрок ҳаво ҳам тупрок ҳам гўё музлаб қолган бу бевафо дунё ғамхонага айланган еттинчи асрда уларнинг эрасида ер таркиби денгиз бевафо зийнатлар тенгсиз чуқурликдаги чидаб бўлмас қаҳратонда денгиз ва курукликда дунёнинг нарига бурчагида нима учун давом этаяпман сабабини билмайман теннисга қарамай фактлар айтиб турибди нима учун давом этаяпман сабаби номаълум кейингиси қисқарок ниҳоят афсуски бевафо зийнатлар бунга ким ҳам шубҳа қиларди мен давом этаман сув кўрмай этик ечмайлик мен давом этаман ўша дамда шу билан бир қаторда сабаби номаълум теннисга қарамай оловнинг кейинги алангаси тошлар йиғиси мовий ва сокин бахтга қарши бошим билан бошим билан бошим билан бошим билан Нормандияда теннисга қарамай унутилган ниҳоясига етмаган тадқиқотлар тошлар хуллас мен давом этаман бахтга қарши бахтга қарши тугалланмаган қаровсиз бошим билан бошим билан Нормандияда теннисга қарамай бошимга бахтга қарши тош Телба, Телба (*Йиқилиб тушади. Лаки яна бир неча бор овоз чиқаради.*) Теннис!.. Тош!.. Ўзингизни босинг!.. Телба!.. Ҳали ниҳоясига етмади!

П о ц ц о. Шляпа!

*Владимир гапиршидан тўхтаб, қулаб тушаётган Лакининг шляпасини тутиб қолади. Жимлик. Иккаласи оғир-оғир нафас олади.*

Э с т р а г о н. Роса хуморимдан чиқдим.

*Владимир Лакининг шляпасини ағдариб, ичига кўз ташлайди.*

П о ц ц о. Уни менга беринг! (*Владимирнинг қўлидан тортиб олиб ерга ирғатади-да, тепкилай бошлайди.*) Энди у бошқа ўйламайди!

В л а д и м и р. У юра оладими?

П о ц ц о. Ўзим етаклаб юраман. (*Лакини оёғи билан туртади.*) Тур! Тўнғиз!

Э с т р а г о н. Балки, ўлиб қолгандир?

В л а д и м и р. Бечорани ўлдириб қўясиз.

П о ц ц о. Турилсин! Улакса! (*Арқонни тортиб, Лакини бир оз жойидан кўзгатади. Эстрагон ва Владимирга.*) Менга ёрдамлашинглар.

В л а д и м и р. Қандай қилиб?

П о ц ц о. Уни кўтаринглар!

*Владимир ва Эстрагон Лакини оёққа турғизиб, бир муддат ушлаб туради-да, кейин қўйиб юборишади. Лаки қулаб тушади.*

Э с т р а г о н. Атайлаб шундай қилаяпти.

П о ц ц о. Уни кўтариш керак. (*Жимлик.*) Қани, қани, кўтаринглар!

Э с т р а г о н. Жонга тегди.

В л а д и м и р. Бўла қол, яна бир марта уриниб кўрайлик.

Э с т р а г о н. У бизни ким деб ўйлаяпти.

В л а д и м и р. Бўла қол.

*Лакини тик қилиб, ушлаб туришади.*

П о ц ц о. Уни қўйиб юборманглар! (*Эстрагон ва Владимир довдирай*

бошлашади.) Кимирламанг! (Поццо жсамадон ва саватни олиб, Лакининг ол-дига келади.) Маҳкамроқ ушланглар! (Жамадон тутқичини Лакининг қўлига тутқзади. Лаки ушламай, ташлаб юборади.) Уни кўйиб юборманглар! (Яна ҳаракатини такрорлайди. Аста-секин Лакининг бармоқлари жсамадонни хис қилиб, қўлига жон киргандек бўлиб, тутқични маҳкам ушлаб олади.) Хали кўйиб юборманглар! (Сават билан ҳам худди шу ҳолат такрорланади.) Мана бўлди, энди кўйиб юборсаларинг ҳам бўлади. (Эстрагон ва Владимир қоқилиб, сал бўлмаса йиқилай деб доводираётган, бироқ оёқда тик турганча жсамадон ва саватни ушлаб олган Лакидан узоқлашади. Поццо ортга чекиниб, қамчини силкитади.) Олдинга! (Лаки олдинга юради.) Ортга! (Лаки ортга юради.) Угирил! (Лаки орқа томонига ўгирилади.) Ҳаммаси жойида, у энди юра олади (Эстрагон ва Владимирга юзланиб) Раҳмат, жаноблар! Энди ижозатингиз билан... (чўнтақларини ковлаштиради) сизларга эзгу тилак... (чўнтақларини титкилаб) ...сизларга эзгу... (титкилашда давом этади) ...соатимни қаерга кўйгандим? (Яна титкилайди.) Ҳа, мана! (Бошини кўтариб, асабийлашиб.) Ҳақиқий чўнтак соат, жаноблар, сонияни ҳам кўрсатади. Бунни менга бобом совға қилган. (Чўнтагини титкилайди.) Чўнтагимдан туширганга ўхшайман. (Владимир ва Эстрагон билан ердан излай бошлайди. Поццо Лакининг шля-пасини оёғи билан ағдариб кўради.) Қаёққа ғойиб бўлди экан!

В л а д и м и р. Балки у нимчангизнинг чўнтагидадир?

П о ц ц о. Шошманглар-чи. (Эгилиб, бошини қорни устига кўйиб, қорнига қулоқ туттади.) Ҳеч нарсани эшитмаяпман! (Уларга яқинроқ келинлар шшорасини қилади.) Ўзларинг қаранглар-чи. (Эстрагон ва Владимир яқин келиб, унинг қорнига бошини эгиб, қулоқ туттишади. Жимлик.) Назаримда, чиқиллаши эшитилиши керак эди.

В л а д и м и р. Жим! (Эгилиб, эшита бошлайди.)

Э с т р а г о н. Менга нимадир эшитилгандек бўлди.

П о ц ц о. Қаерда?

В л а д и м и р. Бу юрак.

П о ц ц о (хафсаласи тир бўлиб). Жин урсин!

В л а д и м и р. Жим! (Қулоқ солади.)

Э с т р а г о н. Ҳойнаҳой тўхтаб қолган бўлса керак. (Қаддини тиклайди.)

П о ц ц о. Қўланса хид қайси бирингиздан келаяпти?

Э с т р а г о н. Унинг оғзи сасиган, менинг эса оёғим.

П о ц ц о. Майди, яхши қолинглар.

Э с т р а г о н. Ён соатингиз нима бўлади?

П о ц ц о. Афтидан уни кўрғонда қолдириб келганман.

Э с т р а г о н. У ҳолда хайр.

В л а д и м и р. Хайр.

Э с т р а г о н. Яхши боринг.

*Жимлик. Ҳеч ким қимир этмайди.*

В л а д и м и р. Хайр.

П о ц ц о. Хайр.

Э с т р а г о н. Хайр.

*Жимлик.*

П о ц ц о. Раҳмат.

В л а д и м и р. Сизга раҳмат.

П о ц ц о. Бекордан бекоргами?

Э с т р а г о н. Йўқ, бекорга эмас.

П о ц ц о. Кўйсангиз-чи.

В л а д и м и р. Йўқ, сабаби бор.

Э с т р а г о н. Йўқ, кўйсангиз-чи.

*Жимлик.*

Поццо. Хеч қўлимдан келмаяпти... *(иккиланади)* кетиш.  
Эстрагон. Буни ҳаёт дейдилар.

*Поццо ўгирилиб, Лакидан узоқлашиб парда томонга юради-да, арқонни секин бўшата бошлайди.*

Владимир. Сиз бу томонга эмас.

Поццо. Менга қўп жой керак. *(Арқонни охиригача бўшатиб, яъни парда ортига ўтиб тўхтайди. Угирилиб бақиради.)* Йўлимдан қоч! *(Эстрагон ва Владимир сахна тўрига чекинишади-да, Поццо томонга тикилишади. Қамчи овози.)* Олдинга! *(Лаки қимир этмайди.)*

Эстрагон. Олдинга!  
Владимир. Олдинга!

*Қамчи овози. Лаки базўр ўрнидан тура бошайди.*

Поццо. Тезроқ! *(Парда ортидан пайдо бўлади, Лакининг ортидан сахнага чиқади. Эстрагон ва Владимир ишляпасини бошидан олиб, қўли билан хайрлашади. Лаки парда ортига зойиб бўлади. Поццо арқон ва қамчи билан унга етиб олади.)* Тезроқ! Тезроқ! *(Парда ортига зойиб бўлишдан олдин Поццо тўхтаб, ўгирилади. Арқон тортилади. Лакининг қулаб тушигани эшитилади.)* Тезроқ, курси! *(Владимир курсини олиб Поццога тутқзади, у курсини Лаки томон отиб юборади.)* Хайр!

Эстрагон, Владимир *(қўлини силкитиб)*. Хайр! Хайр!

Поццо. Тур, тўнғиз! *(Лакининг тургани эшитилади.)* Олға! *(Поццо зойиб бўлади. Қамчи овози.)* Олға! Хайр! Тезроқ! Ярамас! Қани! Хайр!

*Жимлик.*

Владимир. Вақт ўтганини билмай қолибмиз.  
Эстрагон. Усиз ҳам барибир вақт ўтарди.  
Владимир. Ҳа. Бироқ бунчалик тез эмас.

*Сукут.*

Эстрагон. Энди нима қиламиз?  
Владимир. Билмайман.  
Эстрагон. Кетдик.  
Владимир. Бундай қила олмаймиз.  
Эстрагон. Нима учун?  
Владимир. Годони кутишимиз керак.  
Эстрагон. Э, ҳа.

*Жимлик.*

Владимир. Улар жуда ўзгариб қолишди.  
Эстрагон. Кимлар?  
Владимир. Анави иккаласи.  
Эстрагон. Ҳа, кел, бир оз гаплашайлик.  
Владимир. Гапим тўғрими, улар анча ўзгаришди.  
Эстрагон. Эҳтимол. Бироқ бизда ўзгариш сезилмаяпти.  
Владимир. Эҳтимол? Бу кундек равшан-ку. Уларга яхшилаб разм солдингми?  
Эстрагон. Шундай ҳам дейлик. Лекин мен уларни деярли танимайман.

В л а д и м и р. Йўқ, уларни танийсан.  
 Э с т р а г о н. Э, кўйсанг-чи.  
 В л а д и м и р. Сенга айтаяпман-ку, биз уларни танитаймиз деб. Ҳамма нарсани дарров унутаяпсан. *(Жимлик.)* Агар у ўшалар бўлса.  
 Э с т р а г о н. Улар бизни танишмайди, шу исбот эмасми?  
 В л а д и м и р. Бу ҳеч нарсани билдирмайди. Мен ҳам ўзимни уларни танитайдиган қилиб кўрсатдим. Бунинг устига бизни ҳеч ким танитайди ҳам.  
 Э с т р а г о н. Етар. Энди нима қиламиз... Вой! *(Владимир қимирлай олмайди.)* Вой!  
 В л а д и м и р. Агар у ўшалар бўлса.  
 Э с т р а г о н. Диди! Иккинчи оёғим! *(Чўлоқланиб, нарда кўтарилгандан кейин ўтирган жойи томон юра бошлайди.)*

П а р д а о р т и д а н о в о з. Таксир!

*Эстрагон тўхтайди. Иккаласи ҳам овоз келган томонга тикилишади.*

Э с т р а г о н. Яна бошланди.  
 В л а д и м и р. Болакай, бу ёққа кел-чи.

*Чўчиган қиёфада бола кириб келади. Тўхтайди.*

Б о л а к а й. Жаноб Альберт?  
 В л а д и м и р. Бу менман.  
 Э с т р а г о н. Бирон нарса керакми?  
 В л а д и м и р. Бу ёққа кел-чи.

*Болакай қимир этмайди.*

Э с т р а г о н *(буйруқ оҳангида)*. Сенга бу ёққа кел дейилаяпти.

*Болакай чўчиброқ яқинлашади-да, тўхтайди.*

В л а д и м и р. Нима гап?  
 Б о л а к а й. Жаноб Годо... *(Жим бўлиб қолади.)*  
 В л а д и м и р. Албатта. *(Жимлик.)* Келақол.

*Болакай жойида қимирламайди.*

Э с т р а г о н *(буйруқона)*. Бу ёққа кел, деяпман! *(Болакай чўчинқираб яқинлашади-да, яна тўхтайди.)* Нима учун бунча кеч келдинг?  
 В л а д и м и р. Сени жаноб Годо юбордимми?  
 Б о л а к а й. Ҳа, таксир.  
 В л а д и м и р. Қани, гапир унда.  
 Э с т р а г о н. Нима учун бунча кеч келдинг?

*Болакай кимга жавоб беришини билолмай гоҳ бирига, гоҳ иккинчисига тикилади.*

В л а д и м и р *(Эстрагонга)*. Уни ўз ҳолига қўй.  
 Э с т р а г о н *(Владимирга)*. Мени тинч қўй. *(Болага яқинлашиб)* Соат неча бўлганини биласанми?  
 Б о л а к а й *(ортга тисарилиб)*. Мен айбдор эмасман, таксир.  
 Э с т р а г о н. Балки, мен айбдордирман?  
 Б о л а к а й. Таксир, мен кўрқдим.  
 Э с т р а г о н. Нимадан кўрқдинг? Бизданми? *(Жимлик.)* Жавоб бер!

В л а д и м и р. Гап нимадалигини мен биламан. Болакайни улар кўрқитишган.

Э с т р а г о н. Келганингга анча бўлдимиз?

Б о л а к а й. Кўп эмас, тақсир.

В л а д и м и р. Қамчидан кўрқиб кетдингми?

Б о л а к а й. Ҳа, тақсир.

В л а д и м и р. Бақирганданми?

Б о л а к а й. Ҳа, тақсир.

В л а д и м и р. Иккала одамданми?

Б о л а к а й. Ҳа, тақсир.

В л а д и м и р. Сен уларни танийсанми?

Б о л а к а й. Йўқ, тақсир.

В л а д и м и р. Шу ерликмисан?

Б о л а к а й. Ҳа, тақсир.

Э с т р а г о н. Бунинг бари ёлғон! *(Болакайнинг елкасидан тутиб, силкита бошлайди.)* Бизга ҳақиқатни гапир!

Б о л а к а й *(тиграб)*. Бу ҳақиқат, тақсир.

В л а д и м и р. Уни ўз холига қўйсанг-чи! Сенга нима бўлди? *(Эстрагон болани қўйиб юбориб, чекинади, қўлини юзига олиб боради. Владимир ва бола бир-бирига қарашади. Эстрагон қўлини тушириб, бўжмайган афтини кўрсатади.)* Сенга нима бўлди?

Э с т р а г о н. Мен жуда бахтсизман.

В л а д и м и р. Қўйсанг-чи! Қачондан буён?

Э с т р а г о н. Ёдимда йўқ.

В л а д и м и р. Хотира бизга қаттиқ панд бера бошлади. *(Эстрагон нимадир демоқчи бўлиб, ўйланади; чулоқланиб чекинади; ўтириб, бошимогини еча бошлайди. Болакайга.)* Хўш, кейин-чи?

Б о л а к а й. Жаноб Годо...

В л а д и м и р *(болакайнинг гапини бўлиб)*. Сени илгари кўрганман, гапим тўғрими?

Б о л а к а й. Билмадим, тақсир.

В л а д и м и р. Сен мени танимайсанми?

Б о л а к а й. Йўқ, тақсир.

В л а д и м и р. Бу ерга кеча ҳам келмаганмидинг?

Б о л а к а й. Йўқ, тақсир.

В л а д и м и р. Бу ерга биринчи марта келаяпсанми?

Б о л а к а й. Ҳа, тақсир.

### Жимлик.

В л а д и м и р. Истаганингни гапиришинг мумкин. *(Жимлик.)* Яхши, давом эт.

Б о л а к а й *(чайналиб)*. Жаноб Годо сизга шуни айтиб қўйишимни таяинладики, у бугун кела олмасмиш. Бироқ эртага албатта келар экан.

В л а д и м и р. Бори шуми?

Б о л а к а й. Ҳа, тақсир.

В л а д и м и р. Сен жаноб Годонинг хизматкоримисан?

Б о л а к а й. Ҳа, тақсир.

В л а д и м и р. Нима иш қиласан?

Б о л а к а й. Эчкиларга қарайман.

В л а д и м и р. У сенга меҳрибонми?

Б о л а к а й. Ҳа, тақсир.

В л а д и м и р. У сени калтакламайдими?

Б о л а к а й. Йўқ, тақсир. Мени эмас.

В л а д и м и р. У кимни калтаклайди?

Б о л а к а й. У менинг акамни калтаклайди, тақсир.

В л а д и м и р. Ҳа-а, демак, сенинг аканг бор.  
 Б о л а к а й. Ҳа, тақсир.  
 В л а д и м и р. У нима иш қилади?  
 Б о л а к а й. Қўй боқади, тақсир.  
 В л а д и м и р. Нима учун акангни уради?  
 Б о л а к а й. Билмайман, тақсир.  
 В л а д и м и р. Ҳойнаҳой, сени яхши кўрса керак?  
 Б о л а к а й. Билмайман, тақсир.  
 В л а д и м и р. У сени яхши боқадими? *(Болакай иккиланади.)* У корнингни яхши тўйғазадими?  
 Б о л а к а й. Нолимайман, тақсир.  
 В л а д и м и р. Сен бахтиёрмисан? *(Болакай иккиланади.)* Гапимни эшитдингми?  
 Б о л а к а й. Ҳа, тақсир.  
 В л а д и м и р. Ҳўш, нима дейсан?  
 Б о л а к а й. Билмадим, тақсир.  
 В л а д и м и р. Бахтлиимисан ёки йўқми, билмайсанми?  
 Б о л а к а й. Йўқ, тақсир.  
 В л а д и м и р. Худди менга ўхшаб. *(Жимлик.)* Тунаш жойинг қаерда?  
 Б о л а к а й. Молхонада, тақсир.  
 В л а д и м и р. Аканг биланми?  
 Б о л а к а й. Ҳа, тақсир.  
 В л а д и м и р. Сомон устидами?  
 Б о л а к а й. Ҳа, тақсир.

*Жимлик.*

В л а д и м и р. Яхши, боравер.  
 Б о л а к а й. Тақсир, жаноб Годога нима деб кўяй?  
 В л а д и м и р. Унга айтки... *(Иккиланади.)* Унга бизни кўрганнингни айт.  
 Ахир бизни кўрдинг, шундайми?  
 Б о л а к а й. Ҳа, тақсир. *(Ортга чекиниб, каловланади, ўгирилиб, қочиб қолади.)*

*Бирдан ёруғлик хира тортади. Атрофга қоронғулик тушади. Тун кўйнида ой балқиб, юксакликка кўтарила бошлади. Саҳнага кумуш нурларини элаб, бир муддат кўкда туриб қолгандек бўлади.*

В л а д и м и р. Ниҳоят! *(Эстрагон ўрнидан туради, иккала қўлида бошмогини кўтариб Владимирнинг олдига келади. Саҳна олдидаги чироқлар устига бошмогини қўйиб, қаддини ростлаб ойга тикилади.)* Нима қилаяпсан?  
 Э с т р а г о н. Сен нима қилаётган бўлсанг, шуни. Ойни томошо қилаяпман.  
 В л а д и м и р. Бошмоқларингни назарда тутган эдим.  
 Э с т р а г о н. Уларни шу ерда қолдираман. *(Жимлик.)* Кимдир келиб қолиши мумкин, худди... худди... менга ўхшаб оёғи кичик ўлчамли бўлса, бошмоқни кўриб хурсанд бўлиб кетади.  
 В л а д и м и р. Бироқ, сен оёқ яланг кета олмайсан-ку.  
 Э с т р а г о н. Исо оёқ яланг юрган.  
 В л а д и м и р. Исо! Топган гапингни қара! Ўзингни унга тенглаштир-масанг керак?  
 Э с т р а г о н. Бир умр унга ўхшашга ҳаракат қилдим.  
 В л а д и м и р. Бироқ у пайтлар иссиқ бўлган! У пайтлар яхши бўлган.  
 Э с т р а г о н. Ҳа. Шунинг учун чормих қилишган.

*Жимлик.*

В л а д и м и р. Бу ерда қиладиган бошқа ишимиз қолмади.  
 Э с т р а г о н. Жумладан бошқа жойда ҳам.  
 В л а д и м и р. Қулоқ сол, Гого, сен бундай тажанг бўлма. Эртага ҳаммаси  
 яхши бўлади.  
 Э с т р а г о н. Қанақасига?  
 В л а д и м и р. Болакай нима деганини эшитмадингми?  
 Э с т р а г о н. Йўқ.  
 В л а д и м и р. У айтдики, Годо эртага албатта келар экан. *(Жимлик.)* Бу  
 қандай хулоса беришини биласанми?  
 Э с т р а г о н. Демак, уни шу ерда кутишимиз керак.  
 В л а д и м и р. Нима, ақлдан оздингми! Бирон бошпана топиш лозим.  
*(Эстрагоннинг қўлидан тутлади.)* Кетдик. *(Уни тортқилайди. Эстрагон*  
*аввалига унга эргашади, кейин қаршилик қилади. Улар тўхташади.)*  
 Э с т р а г о н *(дарахтга тикилиб)*. Афсус, бизда арқон йўқ.  
 В л а д и м и р. Кетдик. Совуқ туша бошлади. *(Уни тортқилайди. Ҳаракат*  
*яна айнан такрорланади.)*  
 Э с т р а г о н. Эртага арқон олиб келишни менга эслат.  
 В л а д и м и р. Яхши. Кетдик. *(Уни тортади. Ҳаракат яна такрорланади.)*  
 Э с т р а г о н. Қанчадан буён сен билан биргамиз?  
 В л а д и м и р. Билмадим. Эҳтимол, эллик йилча.  
 Э с т р а г о н. Дюрансга қаттиқ ташланган куним эсингдами?  
 В л а д и м и р. Биз тоқзорда ишлаётган эдик.  
 Э с т р а г о н. Мени сувдан тортиб олгандинг.  
 В л а д и м и р. Ҳаммаси тўғри ва ҳаммаси аллақачон унутилган.  
 Э с т р а г о н. Кийимимни қуёшда қуритган эдик.  
 В л а д и м и р. Бу ҳақида энди ўйлама. Кетдик. Юр. *(Ҳаракат яна айнан*  
*такрорланади.)*  
 Э с т р а г о н. Шошма.  
 В л а д и м и р. Совуқ қотаяпман.  
 Э с т р а г о н. Ўз-ўзимга савол бераяпман, яхшиси, ҳар ким ўз йўлидан  
 иккига ажралиб кетганимиз яхши эмасмикан? *(Жимлик.)* Иккаламиз бирга  
 яшаш учун яратилмаганмиз.  
 В л а д и м и р *(аччиқланмай)*. Бу ҳали маълум эмас.  
 Э с т р а г о н. Ҳа, ҳеч нарса маълум эмас.  
 В л а д и м и р. Агар шундай қилсак, яхши бўлишига кўзинг етса, ҳали  
 ҳам ажралишимиз мумкин.  
 Э с т р а г о н. Энди бунинг аҳамияти йўқ.

*Жимлик.*

В л а д и м и р. Рост, энди бунинг аҳамияти йўқ.

*Жимлик.*

Э с т р а г о н. Нима қилдик, кетдикми?

В л а д и м и р. Кетдик.

*Улар йўлга тушишади.*

## ПАРДА ИККИНЧИ САҲНА

*Эртаси кун. Ўша соат. Ўша жой.*

*Эстрагоннинг бошмоқлари олд саҳна чироқлари олдиди ётибди, товонла-  
ри бир жойда, қўнжси ажралган. Лакининг иляпаси эски жойида. Дарахтда  
бир неча япроқлар.*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

*Владимир шошиб кириб келади. Тўхтаб узоқ вақт дарахтга тикилиб қолади. Кейин эса бирдан саҳнада у ёқдан бу ёққа юра бошлайди. Бошмоқлар олдидан тўхтайди, эгилиб бир пойини олади-да, кўздан кечиради, ҳидлаб, яна жойига қўяди.*

*Яна у ёқдан бу ёққа тез-тез юра бошлайди. Ўнг томондаги парда олдидан тўхтайди. Қўлини пешонасига соя қилиб олисларга узоқ тикилиб қолади. У ёқдан бу ёққа юради. Чап томондаги парда ёнида тўхтайди. Илгариги ҳаракати яна такрорланади. У ёқдан бу ёққа юради. Бирдан тўхтаб, қўлини кўксига айри қилади. Бошини орқага ташлаб бор овозда куйлай бошлайди.*

В л а д и м и р. Бор эди роҳибнинг...

*Овози пастлигини англаб, тўхтаб йўталиб олади-да яна баландроқ овозда куйлай бошлайди.*

*Бор эди роҳибнинг кучуги  
Яхши кўрарди уни.  
Кучуги еб қўйгач бир парча гўштин,  
Терисин шилиб олди.  
Танасин ерга кўмиб,  
Қабри устига ёзди*

*Тўхтаб, кучини тўплаб яна куйлай бошлайди.*

*Танасин ерга кўмиб,  
Қабри устига ёзди шуни...  
Бор эди роҳибнинг кучуги  
Яхши кўрарди уни.  
Кучуги еб қўйгач бир парча гўштин,  
Терисин шилиб олди.  
Танасин ерга кўмиб,  
Қабри устига ёзди...*

*Тўхтайди. Саҳна такрорланади.*

*Танасин ерга кўмиб,  
Қабри устига ёзди...*

*Тўхтайди. Саҳна такрорланади. Паст овозда.*

*Қабри устига ёзди...*

*Жим бўлиб қолади. Бир муддат қимир этмай туриб қолади, кейин асабий ҳолатда саҳнада юра бошлайди. У ёқдан бу ёққа юради. Дарахт, бошмоқ олдидан у ёқдан бу ёққа юриб, чап саҳна пардаси томон югуради, узоқларга кўз ташлайди. Шу пайтда Эстрагон чап томондан боши эгик ҳолда яланг оёқ кириб келади; саҳнада оҳиста қадамлар билан юра бошлайди. Владимир ўгирилиб уни кўриб қолади.*

В л а д и м и р. Яна келдингми! (Эстрагон бошини кўтармай тўхтайди. Владимир у томонга юради.) Кел сени бир бағримга босай!

Э с т р а г о н. Менга тегинма!

*Владимир ранжигандек ҳаракатдан тўхтайди. Жимлик.*

В л а д и м и р. Бу билан менга кет, демокчимисан? (Сукут.) Гого! (Сукут.)

*Владимир диққат билан уни кўздан кечиради.) Сени калтаклашдимми? (Жимлик.) Гого! (Эстрагон илгаридек бошини эгган кўйи лом-лим демайди.) Сен тунни қаерда ўтказдинг? (Сукут. Владимир унга яқин келади.)*

Э с т р а г о н. Менга тегинма! Мендан ҳеч нарса сўрама! Ҳеч нарса дема! Мени ташлаб кетма.

В л а д и м и р. Бирон марта сени ташлаб кетганманми?

Э с т р а г о н. Кетишимга қаршилиқ қилмадинг.

В л а д и м и р. Менга қара! *(Эстрагон қимир этмайди. Гумбирлаган овоз билан.)* Менга қара деяпман, сенга!

*Эстрагон бошини кўтаради. Улар яқинлашиб, кейин яна узоқлашиб бир-бирларига тикилишади, санъат асари олдида тургандек бошини эгиб, титроқ аралаш бир-бирига талпинишади, кейин бир-бирларининг бағрига отилиб, қучоқлашиб, елкаларига қоқишади. Қучоқлашишдан тўхтайдилар. Владимирнинг бағридан чиққан Эстрагон сал бўлмаса йиқилиб кетай дейди.*

Э с т р а г о н. Бу қандай кун бўлди.

В л а д и м и р. Сени ким калтаклади? Менга айта қол.

Э с т р а г о н. Мана яна бир кун ўтди.

В л а д и м и р. Ҳали ўтмади.

Э с т р а г о н. Нимаики юз бермасин, мен учун бугун ўтди. *(Жимлик.)* Қўшиқ куйлаётганмидинг, ҳали эшитиб қолдим.

В л а д и м и р. Ҳа, эсимда бор.

Э с т р а г о н. Биласанми, бу кўнглимни ўртаб юборди. Ўзимга ўзим: у ёлғиз, мени бутунлай кетиб қолди дея азоб чекаяпти, шунга қўшиқ куйлаяпти, дедим.

В л а д и м и р. Кайфиятга буюра олмайсан. Кун узоғи ўзимни яхши ҳис қилдим. *(Жимлик)* Кечаси бир марта ҳам ўрнимдан турмадим.

Э с т р а г о н *(маъюсланиб)*. Кўрдингми, мен ёнингда бўлмасам, яхши ўхлайсан.

В л а д и м и р. Сени жуда соғиндим, бироқ барибир жуда мамнун бўлдим. Қизикарли, шундай эмасми?

Э с т р а г о н *(жаҳли чиқиб)*. Мамнун бўлдинг?

В л а д и м и р *(уйланиб)*. Балки, ҳолатимни бошқачароқ сўз билан ифодалашим керакмиди?

Э с т р а г о н. Энди-чи?

В л а д и м и р *(ширин хаёлдан тўхтаб)*. Эндими... *(қувонч билан)* сен яна ёнимдасан... *(одатий оҳангда)* Яна шу ердамиз... *(қайғули оҳангда)* Мен яна шу ердаман.

Э с т р а г о н. Кўрдингми, ёнингда бўлсам сенга ёқмайди. Мен ҳам ёлғиз қолсам ўзимни яхши ҳис қиламан.

В л а д и м и р *(бир оз ўзига келгандек)*. У ҳолда нега келдинг?

Э с т р а г о н. Билмайман.

В л а д и м и р. Мен эса биламан. Чунки сен ўзингни ҳимоя қила олмайсан. Ёнингда бўлганимда сени калтаклашиб кўймасдим.

Э с т р а г о н. Сен уларга халақит бера олмасдинг.

В л а д и м и р. Нима учун?

Э с т р а г о н. Улар ўнта эди.

В л а д и м и р. Йўғ-е, наҳотки?! Мен айтмоқчи эдимки, жанжал чиқаришингга имкон бермаган бўлардим.

Э с т р а г о н. Мен ҳеч нарса қилмадим.

В л а д и м и р. Унда нега калтаклашди?

Э с т р а г о н. Билмадим.

В л а д и м и р. Йўқ, биласанми, Гого, шундай нарсалар борки, уларни сен тушунмайсан, бироқ мен тушунаман. Буни сен англашинг керак.

Э с т р а г о н. Сенга айтаяпман-ку, ҳеч нарса қилганим йўқ деб.

В л а д и м и р. Эхтимол, ростдан қилмагандирсан. Бирок муҳими нимада эмас, қандай, қандайлигида. Агар сенга ўз жонинг азиз бўлса. Бўпти, бу ҳақида бошқа гапирмаймиз. Сен қайтиб келдинг, мен эса бундан хурсандман.

Э с т р а г о н. Улар ўнта эди.

В л а д и м и р. Тан олавер, сен ҳам кўнглингнинг туб-тубида мамнундирсан?

Э с т р а г о н. Нимадан мамнун бўламан?

В л а д и м и р. Яна бирга эканлигимиздан.

Э с т р а г о н. Шундай деб ўйлайсанми?

В л а д и м и р. Ёлғон бўлса ҳам сен рост деявер.

Э с т р а г о н. Мен нима дейишим керак?

В л а д и м и р. Мен мамнунман, деб айт.

Э с т р а г о н. Мен мамнунман.

В л а д и м и р. Мен ҳам.

Э с т р а г о н. Мен ҳам.

В л а д и м и р. Биз мамнунмиз.

Э с т р а г о н. Биз мамнунмиз. (*Жимлик.*) Энди нима қиламиз, иккимиз ҳам мамнунмиз?

В л а д и м и р. Биз Годони кутаяпмиз.

Э с т р а г о н. Ҳа, дарвоқе.

### Сукут.

В л а д и м и р. Кечадан буён бу ерда нимадир ўзгарганга ўхшайди.

Э с т р а г о н. Бордию у келмаса-чи?

В л а д и м и р (*бирдан тушуна олмай*). Кўрамиз. (*Жимлик.*) Мен айтаяманки, кечадан буён бу ерда нимадир ўзгарибди.

Э с т р а г о н. Ҳамма нарса ўзгарувчан.

В л а д и м и р. Дарахтни кўздан кечирайлик-чи.

Э с т р а г о н. Бир ахлатни икки марта босиб бўлмайди.

В л а д и м и р. Дарахтга қара, деяпман, дарахтга қара.

### *Эстрагон дарахтга қарайди.*

Э с т р а г о н. Кеча у бу ерда эмасмиди?

В л а д и м и р. Э, йўқ. Нима, дарров унутдингми? Дарахтга ўзимизни ошишга бир баҳя қолганди. (*Ўйланиб.*) Ҳа, тўғри. (*Сўзларни айро-айро талаффуз этиб.*) Узи-миз-ни о-сиш-га бир баҳя қол-ган-ди. Бирок бу фикр сендан чиққанди. Эсингдан чиққанди?

Э с т р а г о н. Туш кўргандирсан.

В л а д и м и р. Наҳотки буни унутишинг мумкин бўлса?

Э с т р а г о н. Бўлганим шу. Ё бирдан унутамаман, ёки умуман унутмайман.

В л а д и м и р. Поццо ва Лакини-чи, уларни ҳам унутдингми?

Э с т р а г о н. Поццо ва Лаки?

В л а д и м и р. У ҳаммасини унутибди!

Э с т р а г о н. Қандайдир бир аҳмоқ оёғимга тепгани эсимда. Ғирт телбанинг ўзи эди.

В л а д и м и р. Бу Лаки эди!

Э с т р а г о н. Бу нарса эсимда. Бирок бу қачон бўлганди?

В л а д и м и р. Иккинчисини-чи, унинг бўйнидан боғлаб олганни?

Э с т р а г о н. У менга суяк берганди.

В л а д и м и р. Бу Поццо эди!

Э с т р а г о н. Сен буларнинг бари кеча бўлганди демоқчимисан?

В л а д и м и р. Ҳа, албатта.

Э с т р а г о н. Мана шу ердами?

В л а д и м и р. Албатта-да! Бу ерни эслай олсанг керак?

Э с т р а г о н (*бирдан жаҳли чиқиб*). Эслаш эмиш! Нимасини эслайман? Мен бир умр ғурбатда яшадим. Энди сен мендан у кунларни эслашимни

сўраяпсанми? Мана бу разолатга бир карагин! Мен бу балчикдан ҳеч қачон қутула олмаганман!

В л а д и м и р. Ўзингни бос, ўзингни бос.

Э с т р а г о н. Шундай экан ҳар хил манзараларни мендан сўрайверма! Яхшиси, оёқларимиз тагида нима бор, шундан гапир!

В л а д и м и р. Шунга қарамай сен бу ерни (*ишора қилиб*) Аросатхона дея туриб олмассан! Уларнинг орасида қатта фарқ бор.

Э с т р а г о н. Аросатхона! Аросатхонанинг бунга нима алоқаси бор?

В л а д и м и р. Аҳир сен Аросатхонада бўлгансан-ку.

Э с т р а г о н. Йўқ, мен ҳеч қачон Аросатхонада бўлмаганман. Сенга айтаяпман-ку, захар-заққумга тўла ҳаётим мана шу ерда ўтди деб. Шу ерда! Ахлатхонада!

В л а д и м и р. Шундай бўлса-да, сен билан бирга Аросатхонада бўлганмиз, қасам ичишим мумкин. Бирга узум терганмиз, ҳа, Бонелли ва Руссильоне деган одамларникидан.

Э с т р а г о н (*ҳовуридан тушиб*). Эҳтимол. Мен умуман эътибор қилмаган эканман.

В л а д и м и р. Бироқ у ерда ҳамма нарса қизил эди!

Э с т р а г о н (*тутуқиб, гаши келиб*). Айтдим-ку, эътибор қилмаган эканман.

*Жимлик. Владимир чуқур нафас олади.*

В л а д и м и р. Сен билан яшаш оғир, Гого.

Э с т р а г о н. Яхшиси, ажралганимиз маъкул.

В л а д и м и р. Сен доим шундай дейсан. Яна барибир қайтиб келаверасан.

*Сукут.*

Э с т р а г о н. Амалга ошиши учун, мени ҳам ўлдириш керак, худди бошқалар каби.

В л а д и м и р. Бошқалар деганинг нимаси? (*Сукут.*) Қанақа бошқалар?

Э с т р а г о н. Бошқа миллионлар каби.

В л а д и м и р (*баландпарвоз оҳангда*). Ҳар ким ўз умрини яшайди. (*Хўрсинади.*)

Э с т р а г о н. Кел, кутаётган эканмиз, хотиржам гаплашиб оламиз. Жим туриш қўлимиздан келмаса.

В л а д и м и р. Ҳа, биз жим тура олмаймиз.

Э с т р а г о н. Бу ўйламаслигимиз учун.

В л а д и м и р. Бизга баҳона тайёр.

Э с т р а г о н. Бу эса эшитмаслик учун.

В л а д и м и р. Бизда сабаб ҳам тайёр.

Э с т р а г о н. Овозлар аллақачон сўниб бўлган.

В л а д и м и р. Худди қанотлар шовқинидек.

Э с т р а г о н. Япроқларникидек.

В л а д и м и р. Қумникидек.

Э с т р а г о н. Япроқлардек.

*Сукут.*

В л а д и м и р. Уларнинг бари бирданига гапиришяпти.

Э с т р а г о н. Ҳар бири ўз тилида.

*Сукут.*

В л а д и м и р. Шивирлашаётганга ўхшайди.

Э с т р а г о н. Минғирлашаётганга.

В л а д и м и р. Шитирлаяпти.  
Э с т р а г о н. Минғирлаяпти.

*Сукут.*

В л а д и м и р. Улар нима ҳақида гапиришяпти?  
Э с т р а г о н. Ўз ҳаётлари ҳақида.  
В л а д и м и р. Яшашнинг ўзи уларга кифоя эмас.  
Э с т р а г о н. Улар гапириши керак.  
В л а д и м и р. Уларга ўлим ҳам писанд эмас.  
Э с т р а г о н. Бунга қаноат қилишмайди.

*Сукут.*

В л а д и м и р. Худди патлар шитирига ўхшайди.  
Э с т р а г о н. Япроқларнинг.  
В л а д и м и р. Қулнинг.  
Э с т р а г о н. Япроқларнинг.

*Узоқ жимлик.*

В л а д и м и р. Бирон нарса десанг-чи!  
Э с т р а г о н. Мен ўйлаяпман.

*Узоқ жимлик.*

В л а д и м и р (*ташвишланиб*). Бирон нарса дегин.  
Э с т р а г о н. Энди нима қиламиз?  
В л а д и м и р. Биз Годони кутаяпмиз.  
Э с т р а г о н. Ҳа, тўғри.  
В л а д и м и р. Бунчалик қийин бўлмаса!  
Э с т р а г о н. Қўшиқ айтсанг қандай бўлади?  
В л а д и м и р. Йўқ, йўқ. (*Ўйлайди.*) Кел бошидан бошлаймиз.  
Э с т р а г о н. Ростини айтсам, назаримда бу жуда мушкулга ўхшайди.  
В л а д и м и р. Қийини – бошлаш.  
Э с т р а г о н. Истаган нарсадан бошлаш мумкин.  
В л а д и м и р. Ҳа, нимадан бошлашни ҳал қилиш лозим.  
Э с т р а г о н. Ҳа, тўғри.

*Сукут.*

В л а д и м и р. Менга ёрдам бер!  
Э с т р а г о н. Мен ўйлаяпман.

*Сукут.*

В л а д и м и р. Излаётган одам сергак бўлади.  
Э с т р а г о н. Ҳа, тўғри.  
В л а д и м и р. Бу эса халакит беради.  
Э с т р а г о н. Худди шундай.  
В л а д и м и р. Бу ўйлашга халакит беради.  
Э с т р а г о н. Бироқ барибир ўйлайверасан.  
В л а д и м и р. Э, йўқ, бу мумкин эмас.  
Э с т р а г о н. Мана, гапимиз ҳеч тўғри келмайди.  
В л а д и м и р. Иложи йўқ.  
Э с т р а г о н. Шундай деб ўйлайсанми?  
В л а д и м и р. Энди ўйлашга таваккал қила олмаймиз.  
Э с т р а г о н. У ҳолда биз нимадан норозимиз?

В л а д и м и р. Ўйлаш – бу унча кўркинчли эмас.  
 Э с т р а г о н. Албатта, албатта. Шунинг ўзи катта гап.  
 В л а д и м и р. “Шунинг ўзи катта гап” деганинг нимаси?  
 Э с т р а г о н. Бу бир қадар кичикроқ дегани.  
 В л а д и м и р. Албатта.  
 Э с т р а г о н. Бу қанақаси? Омадимиз келди деб ўйласак нима бўларди?  
 В л а д и м и р. Ҳаммасидан ҳам даҳшатлиси ўйлаш.  
 Э с т р а г о н. Бизда бу ҳол содир бўлдимми?  
 В л а д и м и р. Бу майитлар қаердан келди?  
 Э с т р а г о н. Одам жасадлари.  
 В л а д и м и р. Ана.  
 Э с т р а г о н. Албатта.  
 В л а д и м и р. Афтидан, бир оз ўйлаганга ўхшаймиз.  
 Э с т р а г о н. Бошида, бир оз.  
 В л а д и м и р. Бир тўда жасадлар, бир тўда жасадлар.  
 Э с т р а г о н. Бунга қараб бўлмайди.  
 В л а д и м и р. Нигоҳингни ютиб юборгудек.  
 Э с т р а г о н. Ҳа, рост.  
 В л а д и м и р. Шунчаси ҳам етарли, аслида.  
 Э с т р а г о н. Фикру хаёлимизни яна табиатга буришимиз керак.  
 В л а д и м и р. Бунга уриниб кўрдик.  
 Э с т р а г о н. Ҳа, тўғри.  
 В л а д и м и р. Э, буниси ҳали ҳолва, албатта.  
 Э с т р а г о н. Энди нима бўлади?  
 В л а д и м и р. Ўйлаш керак.  
 Э с т р а г о н. Албатта.  
 В л а д и м и р. Бирок, бусиз ҳам бир амалладик шекилли.  
 Э с т р а г о н. У ҳолда нима истайсан?  
 В л а д и м и р. Тушунарли, тушунарли.


*Сукут.*

Э с т р а г о н. Ёмон суҳбат қурмадик.  
 В л а д и м и р. Ҳа, бироқ энди бошқа бир нарса ўйлаб топиш керак.  
 Э с т р а г о н. Ўйлаш керак.  
 В л а д и м и р. Ўйлаш керак.  
 Э с т р а г о н. Ўйлаш керак.

*Ўйлашади.*

*Рус тилидан  
 Жаббор ЭШОНҚУЛ  
 таржимаси*

(Давоми бор)





# ЖАҲОН БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИ

Россия

Корней ЧУКОВСКИЙ

## АРАЛАШ

Мушукларнинг дили гаши:  
Жонга тегди миёвлаш.  
Бизда битта орзу бор –  
Чўчқа мисол хур-хурлаш.  
Улардан сўнг ўрдаклар,  
Дерлар: “Бизнинг истаклар” –  
Бамисоли қурбақа –  
Десак эди “вақ-вақ”.  
Миёвлайди чўчқалар,  
Товуқлар дер:  
– Қағ-қағ-қағ.  
Шу пайт чумчуқ келди-ку  
Сўнгра сизир каби у  
Мулади: “Мў-мў-мў”.  
Айиқ келди югуриб,  
Шундай деди бўкириб:  
– Қо-қо-қо-қо.  
Шохга қўнади какку:  
– Демайман энди ку-ку.  
Қани, кучукдек дарров  
Вовуласайдим: “вов-вов”.  
Фақатгина куёнча  
Мулойим экан анча,  
Миёвламас,  
Хур-хурламас,  
Карам тагида ётар,  
Куёндайин сўз қотар.  
Ва ақсиз ҳайвонларга  
Ўргатар:  
– Чирқиллашга яралганлар,  
Миёвланглар!  
Миёвлашга яралганлар,  
Чирқилланглар!  
Қарга бўлолмас сизир,  
Бақа учолмас, ахир.  
Аммо ҳайвонлар шодон,  
Чўчқаю айиқполвон,  
Шўхликлари ҳеч қолмас,  
Куёнга қулоқ солмас.  
Балиқлар дала кечар,  
Бақалар кўкда учар.

Сўнгра қопқонга боплаб,  
Жойлаб қўйдилар улар.  
Тўполончи тулкилар  
Гузуртни қўлга олиб  
Денгиз томонга бориб,  
Унга қўйдилар олов,  
Ва денгиз ёнди лов-лов.  
Кит денгиздан чиқади,  
Тиңмай фарёд чекади:  
“Ут ўчирувчилар, ҳов,  
Ёрдамга келинг дарров!”  
Жуда-жуда ҳам узоқ  
Ўтни ўчирди тимсоҳ.  
Бу ишга бўлди керак  
Кўзиқориндан туршак.  
Зарур бўлди яна, воҳ,  
Ширидан-ширин қўймоқ,  
Икки товуқ қу-қулар,  
Бочкадан сепиб сувлар.  
Икки қилтомоқ балиқ,  
Сув септи чўмич олиб.  
Қурбақалар овора,  
Сувлари бир тоғора.  
Ўчиришар – ўчмайди,  
Сув сепишар – тўлмайди.  
Капалак бунга боқди,  
Қанотларини қоқди,  
Ўча бошлади денгиз,  
Ва учиб қолди виз-виз.  
Қувонар барча ҳайвон,  
Қўшиқ айтишар шодон,  
Қулоқлари шақиллар,  
Оёқлари тақиллар.  
Дарров овозин созлар,  
Ҳоздек га-галар гозлар:  
– Га-га-га.  
Мушуклар-чи, миёвлар:  
– Миёв-миёв!  
Қушлар чирқиллай бошлар:  
– Чирқ-чирқ!  
Ўрдаклар гақиллар,  
Ғақ-ғақ.

Чўчқалар хуриллар,  
Хур-хур.  
Мурочкани аллалай,

Ухлаб қолгин, айланай.  
Аллаё, алла,  
Аллаё, алла.

Кавсар ТУРДИЕВА  
таржимаси

## Борис ЗАХОДЕР

### НИМА ГЎЗАЛ ДУНЁДА?

Бехосдан бериб савол,  
Болапақир қилди лол:  
– Нима гўзал дунёда,  
Ҳаммасидан зиёда?

Мана сизга масала!  
Роса қилдим ҳафсала.  
Варақлаб кўп китобни,  
Тополмадим жавобни.

Ҳар нарсадан зиёда,  
Нима экан, изландим.  
Кезиб пою пиёда,  
Табиатга юзландим.

Дарахтлар қилди хитоб,  
Майсалар деди:  
– Офтоб!  
Қуёш нури дунёда,  
Ҳаммасидан зиёда!

– Зулматдан зўри йўқ-ку! –  
Хув-хувлаб деди Укки.  
Япалоққуш, Кўрсичқон  
Уни қўллашди шу он.

Бўри, Тулки қад кериб,  
Деди:  
– Бепоён ўрмон!  
Бургут кўкда чарх уриб,  
Деди:  
– Мусаффо осмон!

– Менимча, бу жой денгиз, –  
Дея Дельфин пишиқирди.  
– Думим дунёда тенгсиз! –  
Деб Тустовуқ қичқирди.

Капалакдан сўрасам,  
– Гулчечак, камалак, – дер.  
Гулчечакка қарасам,  
– Албатта капалак, – дер.

Кимдир улуғлар кўлни,  
Ким абадий музларни.  
Ким тоғларни, ким чўлни,  
Ким олис юлдузларни.

Ўйлаб қарасам асли,  
Уларнинг бариси ҳақ.  
Қушлар, ҳайвонот насли,  
Дарахт, майса ҳақ мутлақ.

Мушикул саволга, афсус,  
Жавоб йўқ, алаҳусус.  
Нима гўзал дунёда,  
Ҳар нарсадан зиёда?

### САВОЛ

Мош итни кўрган маҳал,  
Доим бошланар жанжал.  
Ит мошни кўрса агар,  
У ҳам жанг билан тугар.

Оҳ, нимага,  
Оҳ, нечук,  
Улар доим  
Ит-мушук?

### МОШНИНГ ҚАЙҒУСИ

Йўлакда йиғлайди мош:  
– Хўжайиним бағри тош.  
Сосискадан бермайди,  
Ўғирлашга қўймайди!

## БАҚАЛАР ҚЎШИҒИ

Бақага дедим секин:  
– Кўнгилга олма лекин,  
Ботқоқларда яйрайсиз,  
Нималар деб сайрайсиз?

Бақавой деди:  
– Тингла,  
Қўшиғимизни англа.  
Шаффофдир ҳовузимиз,  
Шундан шўх овозимиз!

## Югославия

### Мира АЛЕЧКОВИЧ

#### ЦИРК

Бизга келди кўчма цирк,  
Кувончларга бердик эрк.  
Ҳамма югуриб-елди,  
Циркни кўришига келди.

Кўтариб шовқин-сурон,  
Ёпирилди оломон.  
Мана, очилар ҳозир  
Қирмизи-мовий чодир!

Саҳнада – қора кўппак,  
Билагон, сара кўппак.  
Кувноқ акиллаб шу он,  
Ненидир қилар эълон.

Йўртиб чиқар оқ лайча,  
Тишлаб олган чўп найча.  
Оркестрга юз бурар,  
Қаддин тутиб гоз турар.

Сўнг ҳурмат қилар изҳор,  
У – таниқли дирижёр!  
Бундан ҳамма, албатта,  
Оғиз очар ҳайратда.

Сўнг дўмбира гумбурлар,  
Сочилар рангли нурлар.  
Саҳнага чиқар мамнун  
Уч жуфт ясанган маймун.

Маймунчада зар нимча,  
Ёнбошида хонимча.  
Кўп шоёндир таърифи,  
Макаки исм-шарифи!

Маймунлар ўйнар шодон,  
Мухлислар кулар хандон.  
Осиёча рақслар соз,  
Ҳамма унга ишқибоз!

Гумкарнай янграр гум-гум,  
Фил чиқар – узун хартум.  
У баҳайбат ва азим,  
Барчага қилар таъзим.  
Сўнг бир оёқда турар,  
Рақсга тушиб кулдирар.

Велосипедда шу чоқ  
Чиқиб келди қўш маймоқ.  
Кийим-боши пўрим, шай,  
Гир-гир айланар тинмай.

Шовқин-суронга мойил  
Мухлислар қолар қойил.  
Кейин ҳамма урар оҳ,  
Бир гилдиракли маймоқ!

Бу ҳам, майли, энгашиб,  
Бир-бирига мингашиб,  
Икки айиқ шайланар,  
Аренани айланар.  
Мўъжиза! Энг кераги,  
Йўқ улар гилдираги!

Ана, тўртта акробат,  
Кутиб туришар навбат.  
Улар эпчил ва абжир,  
Айланишади гир-гир.  
Ҳавозада учишар,  
Бир-бирини тутишар.

Қўзбойлогич, чавандоз,  
Ўйинчи, масхарабоз,  
Арслон ўргатувчи,  
Томоша кўрсатувчи,  
Не истасанг бари бор,  
Кулгили, мўъжизакор!

Бақалоқ масхарабоз,  
Кийиб чиқди папоқни.  
Ҳаммага салом берди,  
Бошдан олиб қалпоқни.

Кимдир эшик ортидан,  
Итти чақриб қолди.  
Лайча кетди югуриб,  
Зумда кўздан йўқолди!

Бир пайт қалпоқ остидан  
Кўринди кулранг лайча.  
Яна бу не муъжиза?  
Хайратга тушиди барча.

Барча излар лайчани,  
Лол бўлиб нағмасидан.  
Масхарабоз ур-сурда  
Айрилди тугмасидан.

Ҳаяжонда оломон  
Дер:  
– Лайчани кўрди ким?  
Кечир, дўст,  
Излаб мен ҳам,  
Орқасидан югурдим!

## Франция

Алэн БОСКЕ

### САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР

– Бобожон, айтинг, нега  
Соқолингиз кўп катта?  
– Уҳ-ҳў, унга қаранглар,  
Дейиши учун албатта!

– Юлдузлар кўкда гужгон,  
Оймома керак нега?  
– У бизларни кузатиб,  
Боқиб туради Ерга.

– Чақмоқ чақади нега,  
Ёмгир ёгади нечун?  
– Болажоним, кемачанг  
Сувда сузмоги учун!

– Айтинг, вақт бу – нимадир?  
– Тиним билмас кемадир!  
Улгайганда вақт келиб,  
Барин оласан билиб.

Сўнг демассан ҳар кунни,  
“Уҳ-ҳў, қаранглар уни!”  
Сен вояга етган дам,  
Савол бўлмас, соқол ҳам!

Робер ДЕСНОС

### ЧИГИРТКА

Чигирткадан сўрадим:  
– Сенда тиним борми ҳеч?  
Мудом сакраб юрасан,  
Майсазорда эрта-кеч?

Чигиртка деди:  
– Билсанг,  
Сакраида бордир унум.  
Қанчалик кўп сакрасам,  
Шунча тез ўтар куним!

## Бельгия

*Морис КАРЕМ*

## БУҒУ

*Мен чорлаганим йўғ-у,  
Эшикдан келди буғу.  
Ишонмадим кўзимга,  
Салом берди ўзимга.*

*Гуллар буфет новдаси,  
Стол – тўнка бўпқолди.  
Олмахон қандилда шод,  
Буғу ўтириб олди.*

*Ногоҳ стул, каравот,  
Тўлди яшил япроққа.  
Қайдандир келди қушлар,  
Хона тўлди сайроққа.*

*Менга боқди ҳайратда,  
Дўст бўлмоғимиз тайин.  
Лекин эртак – эртак-да!  
Унга ишонини қийин.*

## Венгрия

*Эдит МАРКУШ*

## ҚАРҒАВОЙ ЧЎМИЛГАНДА

*Қарғавой чўмилтирди  
Митти қарғаболани.  
Кўзига совун кирди,  
У бошлади нолани.*

*Шунча ювди, кетмади,  
Полапоннинг қораси.  
Аввалдан қора эди  
Қарғавойнинг боласи!*

## Норвегия

*Турбьёрн ЭГНЕР*

## СИЧҚОНБИБИ АЛЛАСИ

*Эрка сичқончам, алла,  
Кўзи чўлпончам, алла.  
Парвонагинам, алла,  
Ҳамма ухлар бу палла.*

*Ширин туш кўрар ари,  
Мудрайди паиша пари.  
Ухлаб қолди тулки ҳам,  
Сен ҳам ухлайқол, болам!*

## Япония

*Ито МАСАО*

## ҚОПДАГИ ҚЎШИҚЛАР

*Барча қушлар куйини,  
Қўшиқ, шовқин ўйинни  
Қизил қопга жойлайман.  
Дала чечакларини,  
Сирли эртакларини  
Мовий қопга жойлайман.  
Оқшом қоронғу, сокин,  
Ситаман қоплар чокин.  
Шунда қўшиқ-куй бўлар,  
Дунё шовқинга тўлар!*

## Чехия

## Франтишек ГРУБИН

## ҚОР ТЕПАДА

Қорда шодон учамиз,  
Кий-чув қилиб тушамиз.  
Оталар ҳам илгари,  
Бўлган биздек сингари.

Боболар шу ўринда,  
Қорда учган қоринда.  
Бувилар уйга қамаб,  
Иштонин қўйган ямаб!

## ХАЗОНРЕЗГИ

Қизил, сариқ япроқлар,  
Елда учиб ўиноқлар.  
Тўкилиб кетса бари,  
Кейин нима бўлади?  
Боглар қўйни оппоқ қор –  
Парқу билан тўлади!  
Фақат қуёш ол баркаш,  
Кўкдан тўкилар оташ.

## Мўғулистон

## Жамвин ДАШДОНДОҒ

## ОНАМ

Онам ўради  
Рангли дуррача.  
Онам дуррада  
Тамом ўзгача.

Мен-чи, чизаман  
Онам расмини.  
Рангли дуррача  
Ҳамда аксини.

Яшил либоси,  
Рангин дурраси.  
Қозғозга тушар,  
Ҳамма-ҳаммаси.

Қўлида эса,  
Сув тўла челак.  
Ҳамма-ҳаммасин  
Чизишим керак.

Сочлари узун,  
Кўзлари қийиқ.  
Қозғозга тушар,  
Ҳар битта чизиқ.

Мен-ку чизаман,  
Чирой сеҳрини.  
Қандай чизайин  
Онам меҳрини?!

Нуруллоҳ ОСТОН  
таржималари



## ИТАЛИЯ РЕСПУБЛИКАСИ

Ташкил топган санаси:  
1946 йил 2 июнь

Пойтахти: Рим

Майдони: 309 547км<sup>2</sup>

Аҳолиси: 61 482 297 нафар

Расмий тили: италян  
тили

### Адабиёт

Италян тилида ёзилиб, бизгача етиб келган бадиий адабиётнинг илк намуналари XII – XIII асрларга тааллуқли ҳисобланади. Унғача эса италян адабиёти лотин тилида яратилиб, улар асосан солномалардан, диний мазмундаги матнлар, шеърлардан иборат бўлган. Италиянинг биринчи миллий шоири – черков отахони авлиё Франциск Ассиздир. Унинг диний лирикадан иборат тўплами XII аср охирларида ёзилган бўлиб, “Авлиё Франциск гуллари” деб аталади.

XIII асрнинг биринчи ярмида Сицилия оролида назм мактаби шаклланди. Бу мактаб вакиллари ўша пайтларда кенг шуҳрат қозонган трубадурларга тақлидан шеърлар ёзганлар. Бу адабиётда пайдо бўлган бадиий насрнинг илк намуналари ҳам асосан ўша пайтда қоғозга туша бошлаган (масалан, муаллифи номаълум бўлган “Новеллино” тўплами). XIII аср охирларида италян адабиётида “янги ширин услуб” – янғича йўналишдаги шеърий услубда ёзилган назм намуналари кенг ёйила бошлади.

XIII – XIV асрларда қалам тебратган кўпсонли шоирлар (улар орасида ёш Данте ҳам бор эди)нинг лирик асарларидаги “янги ширин услуб” ўрта асрлар лирикасининг асосий муаммоларини ўзига хос тарзда ҳал қилиши билан ажралиб турар, уларда “заминий муҳаббат” билан “самовий муҳаббат”нинг ўзаро муносабатлари ёритиларди. Яъни, шоирлар наздида муҳаббат стихияли қудрат сифатида фикр қилинар ва бу талқин шеърларда ўз аксини топарди. “Кўз орқали ўтиб, қалбга кириб борадиган” бу қудрат инсон юрагида “мўъжизалар содир эта оладиган умидларни уйғотиш учун самодан ерга инган куч” деб қаралар эди. Ишқий муносабатларнинг янғича шакллари, тавсифланаётган севимли маҳбуба-аёл сиймосида аслзода хонимларга хос қилиқларнинг йўқлиги, лирикада фалсафий мазмуннинг чуқурлашуви – мана шулар Уйғониш даври бўсағасида турган Италиянинг янғича шаҳар маданияти савиясини ифодаловчи хусусиятга айланди.

Италиядаги Илк уйғониш даврининг энг юксак бадиият намунаси – Дантенинг “Илохий комедия”сидир. Асарда эскича ва янғича дунёқараш унсурлари, Данте тафаккуридаги қарама-қаршилиқларни жамлаган ҳолда, муштарак талқин қилинганини кўрамыз. Бир томондан, ердаги ҳаёт – келажакдаги, у дунёдаги мангу ҳаётга тайёргарлик даври сифатида тасвир-

ланса, иккинчи томондан, жамиятда одамлар онгидаги хурофот, инсоний хис-туйғуларни чекловчи черков талаблари танқид остига олинади. Данте итальян адабий тили шаклланишига асос солган улуғ ижодкордир.

Уйғониш даври адабиёти – дунёни инсонпарварлик нуқтаи назаридан талқин қилиш, инсоннинг ўзини Парвардигор яратган энг олий ва маҳбуб жонзод сифатида тасдиқлаши, одамзоднинг куч-қудратига ишонч, хурфикрлик, хурофотларга нафрат омили сифатида дунёга келди. Уйғониш даври адабиётининг марказий намояндалари Франческо Петрарка ва Жованни Боккаччолардир. Петрарка лотин тилини Урта асрларда пайдо бўлган вульгар сўз қатламларидан тозалади, дейиш мумкин. Унинг сонетларида ярақлаб кўринган тил жилolari ёзма итальян тилининг адабий меъёрлари учун асос бўлиб хизмат қилди. Боккаччо эса насрда адабий тилнинг яратувчиси бўлди – унинг “Декамерон” асари ўша даврга хос бўлган кундалик ҳаётнинг турфа саҳналарини акс эттирди, бойиб, кўрк очиб келатган ёзма итальян тилини (гарчи у лотин тили таъсиридан бира тўла қутулиб олмаган бўлса-да) халқнинг жонли сўзлашув тилига яқинлаштирди.

Италиядаги Уйғониш даврининг энг гуллаб-яшнаган вақти XVI асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Ягона итальян адабий тилининг шаклланиш жараёни айна шу даврда яқунланиб, мамлакатда гўзал ва мукамал, соф ва бой итальян тили қад тиклади, дунёга юзланди.

XVI аср охирига келиб инсонпарварлик дунёқараши ғояларини талқин қилишда турғунлик ҳолатлари кузатила бошланди. Шу билан бирга, адабиётда илгари кўрилмаган турли адабий жанрларнинг ривожланиш йўлига кирганини кўрама – бу борада, айниқса, қахрамонлик поэмалари (Л.Ариосто, Т.Тассо), маиший комедия (Л.Ариосто), ахлоқий комедия (П.Аретино), тарихий ва мемуар адабиёт (Б.Челлини), утопик роман (Т.Кампанелла) жанрларини ўша пайтдаги замонавий адабиётнинг қалдирғочлари сифатида санаб ўтиш мумкин. XVII аср – итальян адабиёти тарихида муваққат турғунлик даври ҳисобланади. Бу пайтда Италиянинг катта қисмини испанлар босиб олди, адабиётда ва санъатда барокко услуби илғорлик қила бошлади (бу услубнинг характерли хусусияти – мазмундан кўра шаклга эътиборнинг кучайганида, ички гўзалликдан кўра, ташқи ҳашаматга урғу беришда кўринади).

XVIII асрдаги маърифатпарварлик ғоялари итальян саҳнасида ислохотчилик анъаналари ила кўзга кўринган венециялик улуғ драматурглар: Карло Гольдони ва Карло Гоцци ижодида янги рангларда намоён бўлди. Улар ўз асарлари орқали итальян театрини сохта, ўйлаб топилган ҳажвий лавҳалардан тозаладилар, ижод қилинган ва халқ руҳига яқин бўлган комедик асарларнинг янги-янги намуналарини яратдилар.

XVIII асрнинг 70-йиллари мамлакат тарихида чет эл мустамлакачилик ҳаракатига қарши итальян халқининг миллий-озодлик курашлари, итальян заминини бирлаштириш учун кечган курашлар авжга минган давр сифатида намоён бўлиб, бу ҳаракатлар “Рисоржименто” номи остида тарихга кирди. Ушбу даврда адабиётда ватанпарварлик мавзуси илғор ўринга чиқди, мамлакатнинг чет қабилалар томонидан истило қилинишига чек қўйиш, мустамлакачиларнинг халқ бошига солган хўрликлари, босқинчиларга қарши юртдошларни фаол курашга чорлаш ғоялари кенг тарғиб қилинди. Рисоржименто даври ғоялари айниқса романтик шоир Ж.Леопарди ижодида ўзининг авж нуқтасига етди.

XIX асрда Ғарбий Европада, шу жумладан, Италияда ҳам адабиётда романтизм йўналишига хос мавзуларга, оҳангларга, ғоя ва шаклларга мурожаат кучайган эди. Романтик адиблар ўз асарлари учун фантастик (хаёлий-уйдирма) воқеаларни ёки қадим замонларда бўлиб ўтган воқеаларни мавзу қилиб олдилар – шу тарихи адабиётда тарихий роман жанри пайдо бўлди (Д.Мандзони). Мазкур аср ўрталаридан эътиборан адабиётда романтизм билан бирга турли жанрларда реализм руҳидаги асарлар ҳам ёзила бошлади. Бунга мисол қилиб лирик шеърлари инқилобий ғоялар билан суғорилган шоирлар – М.Меркантини, А.Алеарди асарларини, Рафаэл Жованьолининг насрий ижодини (“Спартак” романи) келтириш мумкин. Айниқса, “Спар-

так” романи ватанпарварлик, инсонпарварлик, озодлик ва тенгликка бўлган муҳаббатни улуғлаши билан дунё китобхонларининг меҳрини қозонди.

1870-йилларда мамлакат адабиётида реализмнинг яна бошқача бир кўриниши – веризм кучая бошлади. Веризм йўналишининг ғоялари Италиядаги ижтимоий вазиятни яхшилашга имкон топилмаганда ҳам мазлум халқ аҳволига чуқур ачиниш, келажакдаги бахтли ҳаётни ўйлаб яшаш руҳи билан боғлиқ эди. Верист адибларнинг роман ва новеллалари (Ж.Верга, Л.Капуана), драмалари (Ж.Роветта), шеърлари (О.Гуэррини, Ж.Чена) ана шу жиҳатлари билан адабиётда янгилик бўлди. Веризм ғоялари таъсирида кейинчалик символизм ва неоромантизм йўналишлари ҳам ниш бера бошлади. 1909 йили адиб Ф.Т.Маринетти футуристларнинг дастурий баённомасини эълон қилди (футуризм – Европадаги авангардизм йўналишининг бир кўриниши сифатида дастлаб Италия ва Россияда пайдо бўлган оқим).

Иигирманчин асрда ўзининг насрий ва драматик китоблари билан дунё китобхонларининг тафаккурига, бадиият оламига кучли таъсир эта олган адиб – Пиранделло яшаб ижод қилди. Унинг асарларида ўткир ижтимоий муаммолар ҳаёлга сиғмайдиган фантастик воқеалар заминида, парадоксал образ ва шаклларда ёритилади. Пиранделло қаламига мансуб “Олти персонаж (иштирокчи) муаллифни излайди” пьесаси мутахассислар томонидан модернистик йўналишда яратилган драматургик асарлар орасида энг эътиборга лойиғи деб баҳоланди. Мамлакат ҳарбий қўшинларининг Биринчи жаҳон уруши савашларида иштирок қилиши, шундан кейин мамлакатда ҳукм сурган 20 йиллик фашистлар диктатураси адабиётда, бир томондан, сиёсий жиҳатдан сийқаси чиққан мавзуларнинг авж олишига, иккинчи томондан, муҳолиф руҳдаги қаламкашларнинг фаолиятида цензуравий тақиқларнинг кучайишига сабаб бўлди. 40-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, мамлакатда фашистик ҳукуматга муҳолифатда бўлган Қаршилиқ кўрсатиш ва демократик маданиятни қўллаб-қувватлаш ҳаракати оёққа туриб, кучга кира бошлади. Бунинг замирида эса итальян неореализми ўсиб чиқди (П.Пазолини, Э.де Филиппо, Ж.Родари). Бу янги реализм ижтимоий адолатга, демократизмга интилиши, ёвузликка қарши норозилик билан ажраллиб турарди. Бу оқимга мансуб адибларнинг асарларида ифода содда, халққа яқинлиги, лўндалиги, тушунарлилиги билан эътиборни тортади. Бу борада адабиётнинг оёққа туриб олиши, халқ ичига сингиб кетиши учун кинематография ҳам салмоқли ҳисса қўшди (Ф.Феллини, Т.Пазолини ва бошқалар).

1960 йиллардан бошлаб, итальян адабиётида инсон ички олами-кечинмаларини янада ёрқинроқ очиб беришга интилиш кучайди ва бу ҳаракатлар айниқса А.Моравианинг маиший-психологик мавзулардаги романларида ёрқин ифодаланди. “63лар гуруҳи” деб ном олган ижодий бирлашмага мансуб адиблар асарларида авангардизм услуб ва ғояларига мойиллик устун кела бошлашини айнан шу даврнинг хусусияти деб қараш керак.

70-йилларда итальян адабиётида реалистик анъаналар билан модернизм ўртасида кураш пайдо бўлди. Кейинчалик “постмодернизм” номини олган турли адабий оқимлар ушбу қарама-қаршилиқнинг синтези ўлароқ вужудга келган эди. Постмодернчи адиблар итальян ва жаҳон адабий меросидан иқтибослар келтиришга интилдилар, уларнинг асарларида юксак заковатли китобхонларга, шу билан бирга оммавий савиядаги китобхонларга мўлжалланган саҳифаларни ҳам топиш мумкин. Сўнгги 20-30 йил ичида дунё бўйлаб бекиёс шуҳрат қозонган адиб Умберто Эконинг ўткир сюжетли романлари ҳам айнан чуқур мазмуни, жаҳон маданиятининг келажакдаги тақдири борасидаги мулоҳазалари билан китобхонларнинг ўй-хаёлини эгаллаб олмоқда. Айни пайтда У.Эконинг “Атиргул исми” романи ва Дантенинг ўлмас “Илоҳий комедия” поэмаси итальян адабиётининг жаҳон бўйлаб энг кўп ўқиладиган асарлари сифатида илғор ўринларни банд қилаётгани тасодиф эмас.

*Музаффар АҲМАД  
тайёрлади*

## Муסיқа

Италия муסיқа санъати илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Апеннин оролида бешинчи асрда юзага келган Қадимги Рим маданияти ўзининг бой ва серкирра анъаналари билан жаҳон илми, муסיқа, театр санъати ривожига катта улуш қўшди. Хусусан, бизгача етиб келган муסיкий фольклорнинг илк намуналари итальян халқининг ёрқин ва бетакрор муסיқа санъатидан дарак беради.

Маълумки, тўртинчи асрларга келиб, Италиянинг черков муסיқа санъати – амвросий айтимлар кенг тарқалган. Сўнгги паллада Рим папаси Григорий I номи билан аталувчи машхур Григорян хорал санъати ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Италияда XI асрда яшаб ижод қилган тосканиялик руҳоний, муסיқашунос-назарийгчи Гвидо де Арещо томонидан илк бор тўртта чизикка асосланган нота ёзуви кашф қилиниб, муסיкий санъат асарларини мухрлаш, муסיкий – назарий билимларни тарғиб қилиш ва ривожлантиришда бениҳоя катта ҳисса қўшган.

Шуни таъкидлаш жоизки, кўплаб муסיкий жанрларнинг серкирра кўринишлари Италияда вужудга келиб, етук намуналарини итальян ижодкорлари яратдилар. Кўп овозли полифоник муסיқа санъати намуналари XVI асрда яшаб ижод қилган Жованни Пьерлуиджи да Палестрини, Джованни Габриели асарларида мухрланиб қолган бўлса, мусобақавий руҳга асосланган, симфоник муסיқа жанрларининг эволюциясида муҳим ўрин тутган “кончерто грорсо”, чоғу концерт шакллари буюк итальян композиторлари Антонио Вивальди ва Арканджело Корелли ижодида юксак чўққиларга кўтарилди. Ота-ўғил Алессандро ва Доменико Скарлатти итальян симфоник муסיқаси, клавесин (клавишли муסיқа асбоби) ижрочилигида ёрқин из қолдирди.

Италия жаҳон муסיқа санъатида етакчи жанр бўлмиш операнинг ватанидир. Айнан XIX асрга келиб опера санъати, бетакрор ижрочилик анъаналари энг юкори чўққиларга кўтарилди. Буюк опера композиторлари – Жоаккино Россини, Гозтано Доницетти, Венченцо Беллини, Жузеппе Верди, Жакомо Пуччини итальян опера санъатини юксалтириб, бетакрор *bell canto* ижрочилик санъати ривожига ҳисса қўшдилар. Бугунги кунда ҳам дунё опера театри сахналарида “Риголлетто”, “Травиатта”, “Аида”, “Отелло” каби мумтоз опералар етакчи мавқеини сақлаб келмоқда.

Пьетро Маскани, Риджеро Леонкавалло, Каберто Джордино, Джакомо Пуччини каби итальян композиторлари ижодида опера санъати муҳам ўрин эгаллади.

XIX-XX аср бошларида Италияда дунёга келган буюк пианист, композитор ва дирижёр, муסיқашунос Феруччо Бузони фортепиано ижрочилик амалиётига катта ҳисса қўшди. У ўз даврида Бах, Бетховен, Лист каби машхур композиторлар асарларининг бетакрор талқинчиси сифатида шуҳрат қозонган. 1949 йилдан унинг шарафига Италиянинг Больцано шаҳрида ҳар йили Ф. Бузони номидаги Халқаро пианистлар танлови ўтказиб келинади.

XX асрда юзага келган янги муסיкий оқим ва йўналишлар итальян импрессионизми намояндалари – Отторино Респиги, футуризм оқими вакили – Балилла Прателла, қадимги муסיқа санъатини тиклашда ўз ҳиссасини қўшган – Рафаэлли Казимири ижодларида ёрқин ифодасини топди.

Италия мамлакати машхур дирижёрларни дунёга келтирди. Артуро Тосканини, Туллио Стефани, Джино Маринуцци, Альфредо Казелла, Виктор Де Сабата, Вилли Ферреро, Фернандо Превитали каби етук дирижёрларнинг номи замонавий дирижёрлик мактабининг асоси ҳисобланади.

XX аср Италия муסיқа санъати ранг-баранг жанрларда ривожланди. Опера санъати дурдоналарини асраб-авайлаган ҳолда замонавий муסיқачилар ижодига ҳам катта эътибор қаратилади. Италиян композиторлари симфоник,

камер ва чолғу мусика, опера, вокал жанрларида самарали ижод қилиш билан бир қаторда даврнинг илғор техноген санъат турлари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Жумладан, бу даврда яратилган кинофильмларни мусикасиз тассавур қилиб бўлмайди.

Нино Рота – итальян композитори бир қатор опера, балет, оратория, 4 симфония, фортепиано асарлар муаллифи бўлишига қарамай, биринчи навбатда машхур кинорежиссёрлар – Ф.Феллини, Л.Висконти, Ф.Дзеффирелли, Ф.Коппола фильмларига яратган мусикалари билан тингловчилар қалбида ўз ўрнини топди. Нино Рота билан бир қаторда кино санъатида самарали ижод қилган композиторлардан Эннио Маррикониеннинг 400 дан ортик фильмлар учун мусикалар яратди.

Италия мусика санъатининг замонавий босқичида асрлар давомида ривож топиб келаётган композиторлик билан бирга эстрада мусика санъатининг ҳам катта ўрни бор. Хусусан, бу борада айнан итальян “поп мусика” санъати ўзининг ёрқин миллий колорити, жозибаси билан бутун дунёга машхур бўлди. Ҳозирда итальян мусикасининг замонавий вакиллари машхур композитор ва хонандалар – Доменико Модуньо, Андриано Челентано, Тото Кутуньо, Мина, Джанни Моранди, Эрос Рамаццотиларнинг ижрочилик санъатидан ибрат олиб ижод қилмоқдалар.

*Гулишаной ТУРСУНОВА,  
Ўзбекистон давлат Консерваторияси доценти*

## Театр

Италияда театрнинг пайдо бўлиши Юнонистондаги каби ҳосил байрамлари билан боғлиқ. Бундай байрамларда улар фесеценнинлар деб номланган хушчакчак кўшиқлар куйлаганлар. Римда комик руҳдаги томошалардан яна бири ателлана деб номланган. Бу томошани улар Жанубий Италияга қилган юришларида кўрганлар ва ўзлари ҳам шундай томошаларни сахналаштирганлар. Ателланада тўрт персонаж иштирок этиб, улар бу томошаларнинг доимий қахрамонлари бўлганлар. Бундан ташқари томошалар бадиҳага асосланган бўлиб, актёрларнинг ижролари чегараланмаган эди.

Римда ҳам адабий драмага эҳтиёж сезила бошлади. Римликлар адабий драмани юнонлардан қандай бўлса шундайлигича олдилар ва уни лотин тилига ўгирдилар. Лекин бундай асарлар Рим томошабинлари учун тушунарсиз эди. Шундан сўнг, Римда драматурглар юнон драматургларининг асарлари асосида ўзлари пьеса ярата бошладилар. Улар адабий комедияни паллиата деб атайдилар. Рим сенатлари театрни ҳам доимо назорат остига олганлар. Шу сабабли у ерда Аристофан комедиялари каби сиёсий комедиялар яратилишига йўл қўйилмаган. Невий бу даврда шуҳрат қозонган комедиянавис драматурглардан бири эди. У биринчилардан бўлиб контаминация усулини, яъни икки юнон асари сюжетини қўшиш орқали ўзининг пьесасини яратади. Лекин Невий фақат юнон воқеаларидан фойдаланмай, ўзининг қарашларини ҳам пьесага киритади. Невийдан сўнг унинг ишини Плавт давом эттирди. У ўз пьесаларида кўшиқ ва интермедиялардан фойдаланади. Унғача кўшиқ ва интермедиялар спектакллар ўртасидаги танаффусларда қўлланиларди. Римда комедиянавис драматурглар билан бир қаторда трагедиянавис драматурглар ҳам бор эди. Улар ҳам ўз трагедияларини яратишда юнон драматурглари Софокл, Еврепид ва бошқаларга таянганлар. Шундай драматурглардан бири Сенека ҳисобланади. Сенека асарлари орқали энди драматургияга янғича ёндашиш, юнон асарларига янғича назар билан қараш пайдо бўлди. У Еврепиднинг “Медея” асари асосида ўзининг “Медея” номли пьесасини яратади. Лекин унинг “Медея”си Еврепиднинг асаридан мутлақо фарқ қилар эди. Сенека пьесалари сахна учун эмас, балки аслзодалар хонадонида ўқиш учун мўлжалланган эди.

Римда актёрлик санъати ҳам аста-секинлик билан ривожлана бошлайди. Лекин у ерда актёрларга Юнонистонда бўлганчалик хурмат кўрсатмайдилар. Юнонларнинг ўзлаштирилган асарлари римликлар учун бегонадек эди. Шу сабабли ҳам уларда трагедияга нисбатан комедияга бўлган қизиқиш кўпроқ эди.

Уйғониш даврига келиб, илк театр бинолари айнан Италияда қад кўтаради, опера санъати ҳам айнан шу ерда дунёга келади. Бундан ташқари, уйғониш даврида Италия театрининг камолот чўққиси бўлиб, “комедия дель арте” (“comedi del’arte”) ривожланди. “Комедия дель арте”нинг никоблари уч гуруҳга бўлинган бўлиб, булар малайлар, сипоҳлар ва ошиқлар никоблари. Бу никобларда роль ижро этувчи актёрлар ўз қаҳрамонлари характериға мос либос кийганлар, бундан ташқари улар шу қаҳрамонлар қиёфасини умри давомида ижро этганлар. Никоблар театри сайёр труппаларда намойиш этилар эди. Бу труппалар доимо таъкиб остида бўлганлиги туфайли улар қўшни давлатларда ҳам ўз спектаклларини намойиш этардилар. Уларнинг гастроллари натижасида Парижда “Комеди Итальяни” театри ташкил этилади. Мольер ижодининг дастлабки босқичига ҳам айнан “комедия дель арте” таъсир кўрсатади.

Маърифатпарварлик даврида “комедия дель арте” ўз ижтимоий аҳамиятини бироз йўқотган эди. Драматурглар Гольдони ва Гоцци бу давр театрига ўз қарашларини билдирганлар. Гольдони ўз ижодининг илк даврида “комедия дель арте” никоблари асосида, шевада пьесалар яратади. Кейинроқ эса муаллиф никоблардан воз кечиб, инсоний қиёфаларни кирита бошлайди. Унинг пьесалари секин ривожланиб, шева ўрнини адабий тил, бадиҳани эса адабий матн эгаллай бошлайди. У ўз пьесалари билан хулқ-атвор комедиясини яратди. Айни чоғда Италия театр санъати майдонига Гоцци чиқади ва у Гольдонининг фикрига қарши тарзда фаолият юртишни бошлайди. Гоцци Италия театри мавжуд экан, бадиҳа комедияси йўқолмайди, дейди ва у бу санъатни Италиянинг шон-шухрати сифатида баҳолайди. Гоцци театрни анъанавий усулда қўнгилочар майдонга айлантиришни истайди. Лекин у ўзи англамаган холда янги театр жанрини яратди. Энди унинг пьесалари бадиҳавий эмас, балки ёзма асар эди. У ўзининг фьяблири, пьесалари билан романтизм даври ижодкорлари учун йўл очиб берди.

Романтизм даврига келиб Италия театрида романтик драматургияни намойиш этиш учун романтик актёр зарур эди. Бундай актёрларни тарбиялашда Густаво Модена мактаби етакчилик қилди. У тарбиялаган актёрлар классицизмнинг сохта кўтаринки жазавасига, намойишқорона ижро усулларига қарши курашдилар. Росси, Томаззо Сальвини, Элеанора Дузе ва бошқа актёрлар шу мактаб анъаналарини давом эттирдилар ва итальян актёрлик санъати ривожи, унинг кейинги босқичлари учун асос вазифасини ўтади.

Биринчи жаҳон уруши даврида Италия театри ҳам бошқа театрлар каби қаттиқ назорат остига олинади. Бу эса ўз навбатида итальян театрининг танглик ҳолатини кескинлаштиради. Италияда мавжуд “комедия дель арте” театри анъаналари асосида яна шева театри ривожланади. Шева театри актёрлари анъанавий никобларни замон руҳига мослаштирадилар. Улар эндиликда ёзма адабий асарга асосланиб долзарб муаммоларни кўрсатишга интилдилар. Бундан ташқари улар Гоцци ва Гольдони асарларига мурожаат қилиб, уларнинг янги талқинларини яратишга интилдилар. Профессинал театр сахнасида бир қатор актёр ва актрисалар етишиб чиқдилар. Улар психологик ижро мактабида роллар яратардилар. Опа сингил Ирма ва Эмма Граматикалар шундай актрисалардан эди. Улар Ибсен, Гауптман, Гольдони, Шекспир ва бошқа драматурглар пьесаларида роллар ижро этди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Италияда “Пикколо ди Милано” деган биринчи италян стабиле-театрлар пайдо бўлади. Бу театрининг ташкил этилишида режиссёр Жорж Стрелернинг ўрни катта. Театр ташкил этилгандан

бошлаб унинг репертуаридан нафакат миллий драматургия намуналари, балки жаҳон мумтоз драматургияси намуналари ҳам кенг ўрин олган эди. Гольдонининг “Икки бойга бир малай” асари билан ушбу театрда доимий яшовчи спектакль дунёга келади ва бу спектакль “Пикколо ди Милано”нинг рамзий спектакли бўлиб қолди. 1951 йили театр қошида очилган театр мактаби ҳозирда Рим ўқув юртларидан бири сифатида фаолият юритиб келади.

Бугунги кунда Италия театрларида турли жанрда спектакллар намоиши этилади. Рим опера театрлари спектакларини кўриш учун, актёрларнинг ижро маҳоратидан баҳра олиш учун Римга минглаб сайёҳлар ташриф буюрадилар. Улар бугунги кун Италия театри актёрлик мактаби анъаналарини баҳолашлари ва унинг ўзига хос ижро мактабини кўришлари мумкин.

*Шахло ҲАМИДОВА,  
ЎзДСМИ ўқитувчиси*

### **Тасвирий санъат, меъморчилик, ҳайкалтарошлик**

Италия тасвирий санъати жуда қадимий бўлиб, унинг шаклланиши ва ривожланишининг дастлабки даври узоқ – антик даврга бориб тақалади. Маълумки, қадимги юнонлардан кейинги антик маданиятнинг катта қисми италияликлар – этрусклар, қадимги римликлар томонидан яратилган. Шу мамлакат худудида яшовчи халқнинг маданий ҳаётида қадимги Юнонистон халқи эришган барча ютуқлар ғоят муҳим аҳамият касб этди. Аммо, италияликлар юнонлар меъморчилиги, театри, тасвирий ва амалий санъатини айнан ўзлаштирмадилар, унга ижодкорона ёндашиб, ўз маданиятларини яратдилар. Эрамиздан аввалги VII асрдан то янги эранинг V асрига қадар бўлган ўн икки аср мобайнида италияликлар санъати ва бадиий маданияти ўзининг гуллаган даврини бошидан кечирди. Меъморчилик, ранг-тасвир, амалий безак санъатининг шаклланиши бевосита этруск қабиласи ва шу номдаги маданият билан боғлиқ.

Ранг- тасвирда портрет жанри кенг ривожланди. Реалистик портрет, тарихий мавзудаги рельеф яратиш, мозаика, амалий санъат борасида новаторлик намуналарини кўрсатдилар. Этруск монументал ранг-тасвир санъати равнақи сағана деворларига ишланган суратларда ўз ифодасини топган. Бу суратларда этрусклар ҳаётига оид воқеалар, мифологиядан олинган сюжетлар тасвирланган. Амалий-декоратив санъат, айниқса, заргарлик санъати кенг ривож топган. Меъморчиликда синчдан кенг фойдаланилган. Улар тошлардан катта-катта иморатлар солганлар, тошдан гумбаз ва аркалар, ибодатхоналар ишлаганлар. Ҳайкалтарошликда бронзадан унумли фойдаланиб, асосан ҳайвон ва фантастик жониворлар, одам бош қисми акс этган ҳайкаллар яратиш кенг тарқалган. Ҳайкалтарошликда реалликка нисбатан шартлиликка асосий эътибор қаратилади. Бу даврда ижод қилган йирик ҳайкалтарошлардан бири сифатида Вулка номини келтириш мумкин. Умуман, этруск маданияти даврида Италия санъати ўзига хос ривожланиш босқичига кўтарилди ва римликлар маданияти шаклланишига ниҳоятда катта таъсир кўрсатди. Қадимги римликлар даврида меъморчилик юнон ва этруск ҳамда шарқ меъморлик санъати анъаналари асосида ривож топди. Ҳашаматли бинолар қуриш орқали давлатнинг қудрати акс эттирилди. Айниқса, бетоннинг ихтиро қилиниши, арк, кубба ва эгри равоқнинг эркин ва кенг қўлланилиши фақат Рим меъморчилигидагина эмас, балки жаҳон меъморлик санъатининг ҳам ҳақиқий тараққиёти бўлди. Рим империясининг биринчи императори Октавиан Август ҳукмронлиги даврида санъат ва маданият ниҳоятда юксалиб, шаҳар қурилиши авж олди. Ижтимоий ва маъмурий бинолар қурилиши, шаҳарсозлик жиддий ривожланди. Рим меъморлигида I асрнинг охири ва II аср бошларида энг катта меъморлик

комплекслари яратилди, кўп қаватли бинолар вужудга келди ва шаҳар қиёфасини белгилади. Қадимги Римнинг шу даврда яратилган энг катта меъморий обидалари сифатида Колизей амфитеатри, Пантеон худолар қасрини келтириш мумкин.

Тасвирий санъатда римликларнинг портрет жанридаги ютуқлари, айниқса каттадир. Республика даврида реалистик портрет ривожланди ва антик дунё санъатида етакчи ўринни эгаллади. Портретда тасвирланаётган инсоннинг фақат ташқи қиёфасини акс эттиришдан ташқари, уни идеаллаштириш, ички дунёсини ҳам ифодалаш тенденцияси пайдо бўлди. Юнон классикасидаги улугворлик ва тантанаворлик пафоси римликлар ҳайкалтарошлигида ҳам сақланиб қолди, бироқ, унга мазмун беришда идеаллаштириш, характерли, аниқ туйғулар ва муайян кайфиятни ифодалаш йўлидан борилди. Рассомлик ва амалий санъатда монументал тасвирлар кенг тарқалиб, асосан, сарой ва задогонларнинг уйлари деворларига суратлар, полларига мозаикалар ишланган. Римнинг гуллаган шаҳарлари Помпей ва Геркуланумдаги бой зодагонларнинг уйлари деворларига ишланган суратлар Рим рассомлиги ҳақида маълумот беради. IV-VII асрларда Римнинг варварлар томонидан таланиши санъатнинг равақини тўхтатиб қўйди. Рим санъати антик дунё санъати тараққиётига яқун ясади. Римнинг қулаши билан антик дунё санъати тарихи ҳам тугалланди. Лекин бу ерда бошланган анъаналар ўрта аср санъатида давом этди. Италия тасвирий санъатининг бундан кейинги босқичлари бир неча даврларга – роман, готика, уйғониш даври, илк уйғониш даври ва юқори уйғониш даврларига бўлинади. X-XII асрларни ўз ичига олган Роман даври санъатида меъморчилик етакчи ўрин тутди. Италия меъморлик санъати Қадимги Рим анъаналарини сақлаб қолади ва бу асосан Ғарбий Европада роман услуби сифатида тарқалади. (Роман – “римликларники” маъносини англатади.) Роман услубидаги бино бирмунча паст, кўриниши жиддий ва оғир, деворлари ҳам қалин ва мустаҳкам, эшик, дарвоза ва деразалари энсиз. Роман меъморлигига хос бўлган бу хусусиятлар унинг ўзига хос кўриниши, характери ва кишига берадиган психологик таъсирини белгилайди, аммо бу давр Италия меъморлигида аниқ услубий бирлик сезилмайди. Мамлакатнинг турли худудларидаги бинолар қурилишида бошқа маданиятларнинг таъсири бўлганлиги учун яхлит бир услубни учратиш қийин. Роман даври меъморлигининг яна бир хусусияти унинг ички деворларида текис юзанинг кўплиги монументал ранг-тасвирнинг ривожланишига имконият яратади. XI асрда бу санъат ўзининг энг гуллаган даврини бошидан кечиради. Витраж ҳам меъморликнинг ажралмас қисмига айланди. Бу даврда ҳайкалтарошлик меъморлик билан боғлиқ ҳолда ривожланди.

XII асрга келиб ижтимоий қарашларнинг ўзгариши натижасида Ғарбий Европа маданиятида ҳам ҳаётининг мавзудаги асарлар юзага кела бошлади, шаҳар ҳаётининг кундалик турмуши, ишқ-муҳаббат мавзусидаги асарлар пайдо бўлди. Бундай асарларда ижодкорнинг ҳиссий кечинмалари, воқеликка бўлган муносабатлари ўз ифодасини топа бошлади. Бу – готика услуби эди. Бу даврда тасвирий санъат ва меъморликда ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Италия меъморлигида готика услуби XIII асрнинг охирида кириб келди. Лекин дастлабки пайтларда роман меъморлиги принципларига таъсир қилмади. XIV асрда готика услуби принциплари тасвирий ва амалий санъатда ҳам, ҳайкалтарошлик, меъморчиликда ҳам тўлиқ кўрина бошлади. Уйғониш даврида эса капиталистик муносабатлар Италия маданиятида жуда катта бурилишлар ясади. Инсонпарварлик руҳи адабиётда ҳам, тасвирий санъатда ҳам ўз аксини топди. Бу хусусият дастлаб ҳайкалтарошликда Никола Пизано, рассомликда Чимабуэ, Дуччо ди Буонинсеньялар ижодида намоён бўлди. Арнольфо ди Камбио, Жованни Пизано, Жотто ди Бондоне, Симоне Мартини, Амброджо Лоренцетти каби тасвирий санъат усталари шу даврда ижод қилди ва диний мавзудаги асар-

лари билан бирга ҳаётӣй воқеаларга бағишланган асарлар яратди.

XIV-XV асрда Мазаччо, Донателло, Брунеллески ва уларнинг издошлари ўз ижодларида Уйғониш даври санъати принципларини намоён этдилар. Инсонга ишонч, инсонийликни улуғлаш каби қарашлар шу давр рассомларини реалистик санъатнинг янги ифода ва тасвир воситаларини излашга даъват этди. Бу давр Италия санъат тарихини ўрганишда илк уйғониш даври деб аталади. Италияда ҳайкалтарошлик ўзининг энг гуллаган даврини шу босқичда бошидан кечирди. Қатор етук ҳайкалтарошлар реалистик ҳайкалтарошлик санъати тараққиётига хизмат қилди. Лоренцо Гиберти, Донателло, Яконо делла Кверчи каби машҳур ҳайкалтарошлар шулар жумласидан.

XV аср ўрталаридан бошлаб, кватроченто санъати принциплари Италиянинг бошқа шаҳарларида ҳам тарқала бошлади, ўзига хос Умбрия, Падуя, Венеция рассомлик мактаби ва йўналишлари юзага келади. Пьетро делла Франческа, Лука Синьорелли, Пьетро Перуджино, Мантенья сингари йирик рассомлар ва уларнинг издошлари Италия тасвирий санъатига катта ҳисса қўшади. Италияда юқори уйғониш даврида эса бу санъат ниҳоятда кенг кулоч ёйди ва Италия санъати тараққиётининг “олтин асри” ҳисобланади. Шу даврда яшаб, ижод этган буюк рассомлар Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Микеланжело, Тициан ўз баркамол асарлари билан Италия санъатини энг юқори поғоналарга кўтардилар. Ана шундай шонли босқичларни ўтаган Италия тасвирий санъати бугунги кунга қадар манъеризм, барокко, рококо, классицизм, футуризм, метафизик ранг-тасвир, трансавангард сингари ранг-баранг замонавий услубларда ривожланиб келди. Ван Дейк, Рубенс, Анжело Бронзино, Франческо Сольвиате, Жокомо Черути, Пьетро Гонзага, Сегантини, Жованни Болдини, Умберто Боччони, Карло Карра, Жино Северини ва бошқа мусаввирлар ижоди XVI асрдан XX асргача бўлган Италия тасвирий санъатининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берди.

Италян рассомлари ҳозирда ҳам турли авангард жанрларда жаҳонда етакчи мавқега эга. Бугунги кунда фаолият юритаётган “Арт Италия” галерияси ягона классик мактаб саналади. Амитрано Лучио, Априле Винченцо, Марко Бузони, Гианлуца Мантовани, Гиротто Валтер, Гвидо Ведонато, Жино Северини, Грасси Алфонсо, Грасси Марко, Ломбардо Спартак сингари замонавий мусаввирлар қизғин ижод қилиб, Италия санъатининг қадимий етакчилиқ позициясини давом эттиришга, ўзига хос анъана ва хусусиятларини сақлашга интиломқда.

*Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА  
тайёрлади*



## Леонардо да ВИНЧИ

*Итальян рассоми ва олим, кашшоф, ёзувчи, Уйғониш даври санъатининг ёрқин намояндаси Леонардо да Винчи 1452 йили Флоренция яқинидаги Винчи шаҳарчасида туғилган. Гарчи у ўзини ёзувчи деб ҳисобламаса-да, умри давомида итальян тилини лотин тили билан муқояса қилиб, унинг афзалликларини исботлашга интилган. Асарларининг асосини дидактика ташкил этади, болалар адабиётида унинг ёзувчи сифатидаги ўрни яна-да яққол кўзга ташланади. “Тасвирлар ҳақида*

*асар” тўплами унинг вафотидан кейин дўсти Франческо Мельци томонидан нашрга тайёрланган.*

### ҚОПЛОН

– Ойи! – деди дарахтнинг учига чиқиб олган маймун боласи, ҳансираб қичқирганча. – Анови она шерни кўряпсизми? У бағоят гўзал экан!

Она маймун ўлжасини пойлаётган йиртқични кўздан пана қилаётган новдани секин суриб, унга разм солди.

– Бу шер эмас, қоплон-ку, – изоҳ берди она. – Терисининг ранггига қара.

– Ажабо, жудаям чиройли экан! Кўз узолмайсан-а, – хитоб қилди маймун боласи. – худди қора атиргуллар сочилганга ўхшайди.

Чиндан ҳам олисдан жазирама офтоб тиғида сарғайган ўт орасида кутилмаганда ажиб пахмоқ гуллар ўсиб чикқандай туюларди.

– Қоплон ўзининг қанчалар мафтункорлигини билади ва бундан тузук сифатида фойдаланади, – давом этди она маймун. – Нотаниш жониворнинг ёрқин териси жилосини кўрганлар унинг ортидан эргашадилар ва йиртқичнинг ўлжасига айланадилар.

Гўзаллик баъзида ёвузлик учун хизмат қилади.

### АЙИҚЧА ВА АРИЛАР

Она айиқ ишига андармон бўлиб, орқасини ўгиришга улгурмаган маҳал жонсарак ўғли, волидаси томонидан бетайин шўхлиги учун жазо тариқасида уйда ўтиришга маҳкум қилинганини нутиб, ён-верига қарамасдан ўрмонга отилди. Бу ерда ўзига тортувчи ифорлар бор! Ҳарқалай, табиат қўйни дикқинафас кулба эмас. Қувончдан терисига сиғмай кетаётган айиқчанинг ғайрати жўшиб, то бурунни қитиклайдиган ёкимли хид анқиб турган дарахт ковагига дуч келмагунга қадар капалаклар ортидан қувиб юраверди.

Атрофга олазарақ нигоҳ ташлаган айиқча кўз илғар-илғамас учиб юрган ариларга дикқат қилди. Баъзилари ковак атрофида юракка гўлгула соладиган овоз билан худди соат милидай гўнғиллаб айланар, баъзилари инларига тўлиб-тошиб қайтар, лип этиб, ковакка кириб кетарди-да, тагин ортага қайтиб ўрмон томон ошиқардилар. Бу манзарага мафтун айиқчанинг қизиқиши устунлик қилиб, ўзини гуноҳдан тийиб туролмади. Тезроқ ковак ичкарисида нималар юз бераётганини ўз кўзи билан кўрмоқликка шошди. Аввалига айиқча бурнини сукиб хидлади, сўнг қўлини узатиб, иссиқ ва ёпишқоқ нарсани ҳис қилди. У қўлини тортиб олганида панжалари асалга бўкканди.

Қўлидаги ширин болни ялаб, хузурланишга улгурмаган ҳам эди, кутурган арилар галаси бурни, оғзи, кулоғи демай ёпирилишди... чидаб бўлмас оғриқдан дарғазаб айиқча панжалари билан ариларни ҳайдаб, ноилож ўзини ҳимоя

қилмоқликка уринди. Бундан уларнинг баттар вазоҳати кўзиб, айиқчага аямай, найза санчишди. Азоблаётган дард дастидан бечорагина нима қиларини билмай, ерга думалади ва оғриқдан халос бўлмоқликка интилди, бироқ бу ёрдам бермади.

Кўрқувдан буткул ўзини унутиб, уйи томон тум-тарақай қочди. У йиғлаганча она бағрига отилди. Она айиқ қулоқсиз боласини шўхлиги учун тартибга чақириб, хўжакўрсинга бир койиган бўлди-ю, тагин оналик меҳри ийиб, ари чакқанидан шишиб, ачишаётган жойларига лой суртиб қўйди.

Ўшандан берики, айиқча ширин болнинг аччиқ бадали борлигини яхши билади.

## ДАҲШАТЛИ ҲАЙВОН

Ўрмондаги ҳатто энг жасур ва дадил жониворлар тушкунликка тушиб, анчадан бери кенг қулоқ ёйган қалин, қари дарахт ёнидан ўтганларнинг бари нега ақл бовар қилмас балоларга гирифтор бўлаётгани ҳақида ўйлаб-ўйлаб ўйларига етолмас ва бу жумбокни ечолмай гаранг эдилар.

Бир-биридан даҳшатли миш-мишлар ўрмалаб қолганди. Айтишларича, ўрмонда бутун жониворларга қирон келтирадиган махлуқ пайдо бўлганмиш.

Бутун ўрмон аҳли машваратга йиғилиб, тулкига мурожаат этди:

– Тулқижон, орамизда энг айёри ва эпчили ўзингсан. Илтимос, бунда қандай синоат яширин? Сендан ўзгаси қари дарахтда ким ин қуриб олганини билишни уdda қилолмайди.

Бундай ҳурмат-эътибордан боши кўкка етган тулкихон кўп ялинтириб ўтирмади. Гарчанд таклифга бажонидил кўнган бўлса-да, эл манфаати учун ўз жонини қурбон қилмоқликни асло хоҳламасди.

Бироз бош қотирган малла муттахам машъум дарахт ёнига қадрдон дугонаси тиниб-тинчимас қаргани юборишга қарор қилди.

Дарахт гирдидан айланган қарға қалин баргллар орасидан икки алангани, ора-орада тез-тез қанотларини қоқиб кўяётган махлуқни илғади.

Тулқи ўша ондаёқ барчани йиғиб, янгиликни эълон қилди:

– Бошимизга қулфат ёғилибди, дўстларим. Бу махлуқнинг номи аждаҳо деб аталади. Ҳали ҳеч ким унинг сўйлоқ тишларини кўрмаган ва ёввойи чинқиригини эшитмаган. Бу аччиқ қисматни мен татиб кўришни истамасдим, сизга ҳам маслаҳат бермайман, – дея кўшни ўрмонга яшагани кетибди. Унинг ортидан индамай бошқалар ҳам эргашибди.

Азим дарахтнинг қалин шохлари орасига сингиб кетган катта кўзли укки гўё барча жониворлар қирилиб кетгандай, ўрмоннинг нега жим-жит бўлиб қолганига ҳеч ақли етмай қунишиб ўтирарди.

Ҳа, кўрққанга кўша кўринар, деб тўғри айтган экан.

## ОНА ШЕР

Ўткир учли найзаларини маҳкам ушлаганча оёқ учида илдамлаётган овчилар тўдаси тобора ўлжага яқинлашиб келарди. Болаларини эмизаётган она шер нотаниш исни дарҳол олди ва хатар яқинлигини сизди. Бироқ кеч бўлганди. Овчилар аллақачон уни ўраб олишганди.

Қуролланган одамларни кўрган она шер шошиб қолди. Қочиб қолмоқчи бўлди-ю, бироқ бу ниятидан қайтди: гўдақларининг овчиларга осон ўлжа бўлишини ўйлаб, уларни кўзи қиймади.

Она болаларини ўз ҳаёти эвазига қутқариб бўлса-да, асраб қолишга қарор қилди. Жонивор ўзига қараб отилган ўткир найзалардан довдирамаслик учун бошини эгди ва одамлар томон дадил сақради, гўё ўзини қочаётган қилиб кўрсатиб, овчиларни бошлаб чалғитди.

Пиравардида, ожиз шерваччаларнинг жони омон қолди.

*Рус тилидан  
Шаҳноза Раҳмонова  
таржимаси*



## Карло Эмилио ГАДДА

*Итальян ёзувчиси Карло Эмилио Гадда 1893 йили Римда таваллуд топган. Унинг “Биринчи Жаҳон уруши кундалиги”, “Мерулан кўчасидаги бахтсизлик” детектив романи, “Италия фашизми” каби бир қатор роман-эсселари наир этилган. Адиб ижодидаги ўзига хослик пародия, жанрлар уйғунлиги, итальян ва латин классикларидан иқтибослар, жаргонлар, сўзлашув тилига кенг муножаат каби бир неча жиҳатларда ўз аксини топади.*

### ТУГАЛЛАНМАГАН ЛАВҲАЛАР

#### I. Рапаллолик кўкатфуруш

Таърифига тил ожиз кўкатфуруш ҳиркироқ товушда нола чекишдан тўхтади ва уйкуга тўймаган кўзларини менга тикди: у одатдагидай эрта тонгда уйғонганди.

Бу инобатга олишим шарт бўлган жиҳат эди.

Оғзидаги ўчиб қолган тамаки мен ёктирадиган бовизанча услубда лаб бурчида осилиб турар, тор пешонасидан қалин жингалак сочлари тўкилиб тушган. Бўйнига рўмол ўраб олган, ўмрови офтобда тобланган, ранги унникиб кетган қизил майка остида бақувват кўкрак мушаклари бўртиб турарди.

Растаси ортида ялпайиб ўтирган кўкатфуруш эътиборга арзимаيدиган, қизиғи йўқ жонзотга қарагандай менга бошдан-оёқ разм солиб чикди; қовок харид килишга тайёр эмасдим.

Қирғийбурун, қуёшда хўп тобланган юз, вужудидан соғломлик уфуради. Ва тобора кучайиб бораётган мудроқлик.

Бирдан у: “Қовокларим дуч келганга мўлжалланмаган, ҳақиқий мутахассисгина уларнинг асл қийматини била олади, бундай ҳаваскорларга йўл бўлсин!” – дея кичкиришга тушди. Турфа эътиқодсиз бандаларга нафратини изҳор қилувчи бир қанча иборани юмшоққина кўшиб қўйди.

Кўкатфурушнинг кўпроқ замонавий дорийчада<sup>1</sup> янграган Литурия лаҳжасидаги мушоҳадалари қудратли ва бой синтактик асосга эга эди. Шу ондаёқ кўпгина нотиклару одамларни тўғри йўлга чорлайдиган даъватчилар унинг олдида сариқ чақага ҳам арзимаслигига амин бўлдим.

#### II. Муножот

Девон ишлари билан шуғулланишим кераклиги, бунинг устига, тобим йўқлигига қарамасдан, сизлар ҳақингизда жуда кўп ўйладим, о, бечора марҳумлар!

Ҳар қандай ишда ҳафсала талаб қилингани учун ишимни давом эттиришдан бошқа чорам қолмаганди, шу боис ҳаётимнинг мазмуни ва асоси бўлиб туюлган, ният қилганим буюк қайғуни сизларга изҳор эта олмасдим.

Энг тоза ўй-фикрларимни жамлаб, сизларга чексиз таскин бахш этиши учун, ҳамма нарсани ҳал қилувчи Зотга қаратилган муножотни яратмоқчи бўлдим. Аммо сизлар чароғон нурда яшаётган, мен эса сояда сўлаётганим

<sup>1</sup> Дорийча лаҳжа – грек тилининг қадим спарталиклар сўзлашган лаҳжаси, ҳозир Сицилиянинг баъзи жойларида истифода этилади.

учун яхши тушунаман: менинг туссиз кепатам сизлардаги чароғонликка, табиийки, бирор фойда келтира олмайди. Бунинг устига, овозим янграмаётган бўлиши, демакки, қулоғингизга бориб етмаслиги ҳам мумкин.

Нима қилсам экан? Юриб кетаётганимда, бундай қилмаслигим керакдай туюлади. Сўзлаётганимда худога шак келтираётгандай бўлавераман; қоқ туш маҳали ўсимликлар нур эмаётганида эса айбдорлик ва уят ўтида қовриламан.

Мени афу этинглар!

Мен сизлардан ўртак олишга ва ортларингдан эргашишга интилган эдим, аммо сизлар қабул қилмаган эдингиз. Жиддий хатоларга йўл қўйганим аниқ эди ва шу боис сизларнинг Легионларингизга ёзилишим насиб қилмаганди.

Бу мени эсдан оғдирди. Аммо мен сизлар ҳақингизда ўйлайман, азиз дўстларим, мархумлар.

Ана, узок, тунд тоғлар, тоғ ва ўрмонлар устида эса орзу ёки фикр кўринишидаги булутлар сузмоқда.

### III. Мангу ҳақиқат

Йирик чумоли у ёқдан-бу ёққа зир югуради, фақат иш ҳақида ўйлайди, ингичка асабий панжалари орасида хасни тутамлаганча омборига кириб-чиқаверади: бизнинг меҳнаткаш деҳқонимиз хўжалик қурилишларидан уйга қараб кетиб бормоқда.

Чумоли новда топиб келиб, уюм устига кўяди, сўнг уйдан челак билан чиқиб, уни тўқади, мана, у асбоб-ускуналари билан яна далада, кейин сават билан қайтиб келади ва бир четга кўяди. Кейин янчиши керак, кейин тўқиши керак. Кейин сиқиши керак, кейин суғориши керак; кейин тўқиши, кейин тўшаши, кейин дасталаши керак. Кейин кўзгаши, кейин йиғиши, кейин аралаштириши; кейин анави маҳмадана билан кушларга дон олиб бориши ҳам; кейин соғиши, кейин ёпиши, кейин ўрнини алмаштириши керак.

Ва у ташийди, ўрнини алмаштиради, шу тарзда куни ўтиб кетади.

Кун товушлари худди комедиядаги каби ўз навбати билан учиб ўтаверади.

У буларни ҳатто эшитмайди ҳам.

Кун товушлари ўз қайғуларини куйлаб бўлган. Бошқа ҳеч нарса йўқ.

Фақат тер ва ёлғизлик.

Кўнғироқ овозигина жаранглаб, ўз вақтини белгилаш маросимини адо этади. У эски минорадан мангулик ҳақидаги қадимги фикрдай жаранглайди.

Кулранг чодирларга соя туша бошлагани туннинг қурилишга қараб энгашаётганини билдиради. Иш уюмларида ҳеч нарса кўринмай қолганидан кейин эса танаффус қилиш мажбурий бўлиб қолади.

### IV. Марказий Италияга тезюрар поезд

Кузатувчининг уйчаларида болалар яшайди: қалпоқча ва соч тасмали, кўзлари чарақлаган, ўзига катта ичкийим-калта иштончаларда – улар юбкадан ҳам узун, она нон ва нўхатнинг ўстирувчи кучини олдиндан билади. Бугун ер супуриб юрган ичкийимлар эртага калта бўлиб қолади.

Дарё устида кўприк бор, дарёдан канал оқиб чиққан. Кўм-кўк сув сирли буйруққа бўйсуниб тўхтаб қолган ва тайёр ҳовузга айланган кўринади.

Локомотив темирларини ҳорғин ҳаракатлантирганча (бурилишда кўриниб туради) кўприкка чиқади, ёлғиз электростанция устидан ўтиб кетади. Водийни қоплаб олган қуюқ зулматда уни ҳеч ким пайқамай қолади: на ҳозиржавоб дипломатлар, на-да хонимлар. Ҳов анави буталар соясининг фуқароси бор, у ерда иккита кўз, ёвуз ёнартош яшайди: бу қоронғиликдан одам болаларини эмизиш учун келган урғочи бўридир; ўжар генераторлар елкасидаги кўринмас юкни тортқилайди, далаларда қотиб қолган сукут ичра сув оқимлари шиддат билан чархпалакни айлантиради.

Ғалати тақинчоқлар ва симли асосни тутиб турган ёлғиз гигантлар кенг

очилган кўллари билан арзимас тоғларни ошиб ўтади.

У ёқда эса целлюлоза заводлари, пахта фабрикалари ва бошқа корхоналар бор. Аммо улар кўринмагани учун таърифлаб ўтириш бефойда.

## V. Эски базилика<sup>1</sup>

Кавалер Ло Йодиче, бош бригадир Ди Маттео ва кидирув бўлимининг яна икки ходими беш кундан буён уни бешафқат таъкиб этиб келишаётганди.

Бардан-барга, кварталдан-кварталга, бу дунёдан – у дунёга! Америкада эканидаёқ улфатидан ўғирлаб олгани тўшпончани сотиб юборган, икки кун олдин еган кечки овқати сўнггиси бўлиб турибди.

У ҳолдан тойганча манави тош ўриндиққа судралиб келди: эски газеталар, боғичлар, олтингугурт қутилари, сотувчи эса кўринмайди. Уриндиқ четидан анқиётган шиптир хиди ҳар қандай итнинг орзуси – нақ димокни ёради.

Олисларда қолган, йитиб кетган нарсаларни бирдан қўмсади: онаси ёдига тушди.

Кўз ўнгида майдон, бандаргоҳ, черков кад ростлади. Эски қаср устунлари қум қагламини ёпиниб олган – буни Тичино дарёси Пенин ғорлари билан келишган ҳолда амалга оширган. Тунд булутлар орасида Монтероза тоғ тизмалари кўзга ташланади.

Қаср устунлари чўккан қатлам остида қайноқ кулдан то Дезио ва Парабьяго<sup>2</sup> ғала-ғовурларига қадар бўлган ўз йўлларини босиб ўтган авлодлар хоки ётибди.

Вақт гўзаллигидан айирган тўртбурчак минора совуқ туманларни кутаётгандай. Дарахтлар совуқдан қунишиб қолган, қўнғироқлар овози кишини бесамар ўй оғушига ташлайди.

Улуғвор чирой! Коринфча ва аралаш турдаги тарновлар, токчалар, хўкиз бошини ва азамат жавонмард совутини ёдга солувчи нақшлар, ёрқин ярқирок мармарлар!

Нега ломбард ўлкасида бундай бебаҳо нақшларга мафтун бўлишмайди? Тўртбурчак устунга таянган ғиштин арк қўпол кўринади. Қўл остига империя ҳукмронлигига ёки одамлар юрагига ин курган илонга қарши чиққанларни жамлаган хоч – суллола белгиси саналади.

Ёт ўлкаларда ёғоч черковларини руҳ маъданининг тўлқинли барглари худди бандаргоҳ омборлари каби қоплаб ётган, док<sup>3</sup>лар орасидан қора рангли тезюрар поездлар кўринадиган шаҳарлар бор.

Юк вагонлари текис тахланган оғир параллелепипед<sup>4</sup>ларни ортмоқлаганча елади. Қордай оқ кийимли бош официант тушлик қилинадиган вагон марказида жойлашган столга энгашганча ҳамма ўтиш кўрсаткичларида силкиниб-чайқалаётган бир дамда ҳаракатсиз кетаётган хўрандаларга бенуксон хизмат кўрсатмоқда. Мувозанат сақлашнинг буюк устаси! Спагетти ўрамлари ҳар бир ликопа тартиб билан солинади, ортидан помидорли қайла қуйилади.

Кейин поездлар билимдон муҳандислар Кастильяно ва Максвелл назариясини қўллаган ҳолда ҳисоблаб чиққан эҳромлар бирикмасида тўхтади. Вокзалнинг кенг майдонига одамлар тўдаси ёпирилади: ишлаб чиқарувчи, транспортга тегишли ва оддийгина йўловчи бўлган ғаройиб хонимлар, жиддий эркаклар.

*Рус тилидан  
Муҳайё ЙЎЛДОШЕВА  
таржимаси*

<sup>1</sup> Тўғри бурчаклари тоқ сонли бино, луғавий маъноси “қаср”.

<sup>2</sup> Ломбардия учун нотинч дамлар Дезио (1277) ҳукмронлиги даврида Висконти ва Торриани сулолалари орасида кечган жангда яқун топан. Висконтилар ўз устунликларини Парабьяго (1339) даврида Болонья амир (синьори) Таддео Пеполига қақшатқич зарба бериш орқали мустақамлаб олишди.

<sup>3</sup> Док – кема тўхтайдиган жой.

<sup>4</sup> Олти бурчакли шакл.



## РАНГЛАР ЙИҒЛАМАС

### ИТАЛИЯ ШЕЪРИЯТИ<sup>1</sup>

#### Жўсуэ КАРДУЧЧИ

(1835–1907)

Жўсуэ Кардуччи (Giosue Carducci) – машхур итальян шоири, Тўскана вилоятида туғилган. Флоренцияда мактабни битиргач, Пиза университетининг адабиёт факултетида ўқиди. 1860–1904 йилларда Бўлўнция университетида дарс берди. У 1890 йилда бир умрга сенатор этиб сайланган. Ун ёшидан шеърлар ёзган шоирнинг илк китоби “Қофиялар” номи билан 1857 йилда босилган. “Шайтонга мадҳия” тўпламидаги шеърлар итальян жамиятидаги эски тушунчали кимсалар ва риёкор диндорларни фош этгани туфайли муаллифга шуҳрат келтирди. “Ямблар ва эподиялар”, “Янги шеърлар”, “Қасидалар”, “Шеърий оҳанглар” каби китоблари билан у XIX аср итальян шеъриятининг энг машхур вакилига айланган. 1906 йилда унга Нобель мукофоти берилган. Асарлари дунёнинг бир қатор тилларида таржима қилинган. Меркурий юлдузидаги бир ёнартоғ унинг номи билан аталади.

#### ЭСКИ ДАРД

Ўшанда у маъсум қўлларинг ила  
Тегаркансан анор шохиға  
Бирдан қип-қирмизи гуллар очилди

Энди сен қуриган бир дарахтимсан  
Қуриган ул оғочимнинг чечаги  
Маъносиз умримнинг сўнги тилаги

Яшилланди у кун ҳар томон яна  
Танҳо дарахтзор ҳам сурурга тўлди  
Ҳар жон бот жонланди ёз неъматидан  
Ҳар ёнга ёз тортиқлари сочилди

Совуқ тупроқ ичрасан энди  
Ёлғиз қора ерда қоронғи ерда  
На қуёш севинчи кўринар сенга  
На шиқнинг қўллари  
Уйғотар сени

#### БЎРОНДА

Шовуллаб ўқирад ҳайбатли денгиз,  
Писта пўчоғидек кемамиз сузар.  
Қалдироқ гумбурлар, оламни бузар,  
Барча ҳолдан тойган, денгиз шафқатсиз.

Қиргоқ қайда дея кўзларим тикиб,  
Қанча қарамайин, тўлқинлар тўсар.  
Кемачи умидсиз, мингирлаб қўяр,  
Даҳшат қоронғида қўрқувга чўкиб.

Шунда мағрур Даҳом кўринар порлаб,  
Денгиз ўртасига ёғилар нурлар,  
Гурлаб эшитилар ботир товуши:

– Туманли томонга сузинг! Қўрқмангиз!  
Оқариб кўринган ёққа ташланг кўз,  
Унут бир қўналга ундадир, шошинг!

<sup>1</sup> Шеърлар таржимасида итальян, турк, рус тилларидаги манбалардан фойдаланилди (тарж.).

# Алдў ПАЛАЦЦЕСКИ

(1885–1974)

Алдў Палаццески (Aldo Palazzeschi) – атоқли шоир ва ёзувчи, Флоренцияда туғилган. 1904 йилдан шеърлари нашр этила бошлаган, футурист шоир сифатида танилган. “Достонлар”, “Қосид” (1910) шеърий тўпламлари, “Опа-сингил Матерассилар” (1934) романи унга шуҳрат келтирган. Сўнара “Ёмчилар мусобақаси” (1937) ҳикоялар тўплами, иккинчи жаҳон уруши мавзусидаги “Юзага чиқмаган уч империя”, “Ака-ука Куккўлилар”, “XX аср бемаъниликлари” асарлари ва “Рим” романи босилган. Умрининг сўнги даврида таржимаи ҳолига оид “Хотира роҳати”, “Майнабозчилик” ҳикоялар тўплами, “Дўж”, “Стефанинў”, “Бир дўстлик тарихи” романлари, “Юрагим”, “Юз юлдуз йўли” каби шеърий китоблари нашр этилган.

## ТЎТИҚУШ

Кун нурида қушининг патлари  
Турли рангда порлар, ўзгарар.  
Юз йилдир, у ойнадан қараб,  
Санар гўё ўтган-кетганни.

Эшитилмас – сайрарми-сўйлар,  
Бу қуш нима қиляпти, дея,  
Ўткинчилар тикилиб, ўйлаб,  
Ўзларича кукулаб қўяр.

У эса жим.  
Толиққанича  
Тўлиб-тўлиб боқар жимликка.

## ИККИ ГУЛ

Ғариб аскар,  
Ёстигингга босиб чаккангни,  
Оппоқ гулни ўпётгандек  
Жимиб қоласан.

Ичингда бир оловли гул.  
Ғамга толасан.

Эй, жаҳаннам ўтларига  
Отилган инсон,  
Дардингни айт,  
Сени ёққан у оловни от!

## ОНА

- |                                |                                  |
|--------------------------------|----------------------------------|
| – Она, ўглинг алдар сени ҳам.  | – Она, ўглинг турмада, бор, кўр. |
| – Қўй, қўявер, у менинг болам. | – Қўй, қўявер, у менинг болам.   |
| – Она, ўглинг кўп ёмон одам.   | – Она, ўглинг жинни бўлибдир.    |
| – Қўй, қўявер, у менинг болам. | – Қўй, қўявер, у менинг болам.   |
| – Она, ўглинг ўзрилиқ қилди.   | – Она, ўглинг қочиб қолибдир.    |
| – Қўй, қўявер, у менинг болам. | – Қўй, қўявер, у менинг болам.   |
| – Она, ўглинг разил қотилдир!  | – Она, ўглинг йўлда ўлибдир...   |
| – Қўй, қўявер, у менинг болам. | – Қўй, қўявер, у менинг болам.   |

**Жузеппе УНГАРЕТТИ**

(1888–1970)

Жузеппе Унгаретти (Giuseppe Ungaretti) – таниқли италян шоири. У Мисрдаги Искандария шаҳрида туғилган. Бу ерда француз мактабини битиргач, Парижда, Сорбонна дорилфунунда ҳуқуқ, адабиёт, фалсафадан таълим олган. Биринчи жаҳон уруши бошлангач, Миланга борган, урушда қатнашган. Урушдан сўнг Римда газеталарда, университетда ишлаган. 1939–1942 йилларда Бразилиядаги Сан-Пўлў университетда дарс берган. Сўнгера Италияга қайтиб, Римдаги университетда хизмат қилган.

Шоир ва олим сифатида 1932 йилдан бошлаб бутун Оврўпога танилди, 1962 йилда Оврўпо Ёзувчилар уюшмаси раиси бўлган. Унгаретти француз символизмидан илҳом олиб, ўз даврини тимсоллар орқали чуқур ифодалай олган шоирдир. Шеърият соҳасидаги урта маҳаллий ва халқаро мукофот билан тақдирланган. Асосий китоблари: “Юкка ботган лиман”, “Оқшомлар қувончи”, “Уруш”, “Замон туйғуси”, “Изтироб”, “Ваъда қилинган дунё”, “Бир инсоннинг ҳаёти”.

**ОЧИҚ КУН**

Эски туман тарқалгач  
бирин-кетин кўринди  
порлоқ юлдузлар

Мовий кўкка қараганча  
симираман  
салқин ҳавони

Шу мангулик  
чархи кажрафтор  
ичинда  
бир адашган  
шошган  
ҳорғин руҳман мен

**ЖОНТАЛАШ**

Кўр лайчадай гингишиб ингиллаб  
яшагандан кўра  
тўрғайдек  
саробларга боққанча чанқоқ  
ўлган яхшироқ

Итдан баттар бўлиб мингиллаб  
кун кўргандан  
битбилдиқ каби  
уча-уча тоғ оша овлоқ  
бир бўзқирда ўлган яхшироқ

**АСКАРЛАР**

Совуқ кузда  
огочлардаги  
аранг турган  
япроқдир улар

**САН-МАРТИНЎ БИНОЛАРИ**

Вайрон бўлди уйлар  
бинолар  
аянч йиқик  
парча-пурчадан  
бошқа ҳеч не қолмади бунда

Сухбатдошлар  
мактубдошлар ҳам  
бир-бир ўтиб  
қолмади кимса

Аммо қолди ҳар бир юракда  
санчилганча бир мозор хочи

Шу юрагим  
энг эзилган  
энг хароб ўлка

## ХАЙҚИРИШНИ ТҰХТАТИНГ

Ұликларни ўлдирманг ортиқ  
хайқирманг бас  
жим бўлинг энди

Улар ҳақда сўзлаб  
урманг дўқ  
эшитилмас жавоб  
улар йўқ  
сўниб битди улар товуши

қадам етмас қабрлар узра  
ўсган ўтлар шивирлашига  
улар товиши кетмиши қовушиб

## БОШҚА БИР ТУН

Қора туннинг ич-ичида  
муздай қўлларимнинг учи-ла  
пайпаслайман  
юзимни

Тасаввур этурман  
ўзимни  
чексизликнинг ичи-ичида

## Эженйў МҰНТАЛЕ

(1896–1981)

Эженйў Мўнтале (Eugenio Montale) – Италиянинг атоқли шоири, ёзувчиси, публицисти, адабиётшуноси, бир умрга сенатор қилиб сайланган давлат арбоби, Нобель мукофоти совриндори (1975). Биринчи жаҳон урушида қатнашган. 1925 йилда илк шеъррий тўплами “Мураккаббалиқнинг суяклари” нашрдан чиқди. Унда шоир замон фожиаларини, аччиқ ҳақиқатларини имоли сўзлар воситасида санъаткорона тасвирлаган. 1939 йили босилган “Ҳолу ҳолат” шеърлар китобида Оврўподаги зулм даврини тимсолий, ишора сўзлар билан шафқатсизларча фош эта олган. 1938 йилда итальян фашистлар партиясига кирмагани учун тазйиққа учраган. Ҳаётида ва ижодида ҳақиқат, адолат, халқчиллик йўлини тутди. Унинг шеърлари мазмун, маъно жиҳатидан халқ онига ва жонли тилига жуда яқин. Импрессионист шоир фожиалар дунёсидаги инсоннинг ёлғизлигини теран тасвирлаган. “Пақаналар совути”, “Ҳолат”, “Финистерра”, “Бўрон”, “Сузгич”, “72–73-йиллар кундалиги”, “Тўрт йил дафтари” каби китоблар муаллифи.

## ИСТАМА

Шу бичимсиз руҳимизга бичим бўлажак  
Сўзлар менда йўқдир, уни истама мендин.  
Ўт қилиб ёқ у сўзларни, кулини совур!  
Махмургулдай эшакнози қилма, бас энди.

Шу одам, кўр, бошқаларга ва ўзига дўст.  
У ўзига ишонади. Ўз кўланкасин  
Ит кунининг қуёши шу тўқик деворга  
Уришидин кўрқмас,  
Кўрқмас совуришидин!

Ойни олиб беришимни истама мендин.  
Қуруқ бутоқ каби сўзлар менинг бор-йўғим.  
Бироқ биз ким бўлолмадик,  
Нега етмадик –  
Бунни сенга айта олгум, шу бас, қарогим.

## ТАМАЛ ТОШИ

*Дунёнинг асоси тўртта моддадир,  
Тўрт тамал тошидир.*

*Ўйлашимча, мужрим малаклар  
Қитъаларга қувгин этилмиш.  
Биз уларни туя олмасмиз.  
Туярилас қушлар биздан-да,  
Ҳаттоки энг зийраклари-да  
Малакларнинг ташириф замонин  
Қай чоғлигин англата олмас.  
Биз ҳам аниқ сўйлай олмаймиз,  
Архимеднинг таянч нуқтасин  
Улар айтиб турса-да ҳатто,  
Ҳақиқатни таъкид этса-да,  
Бунни кимса кўрмас ва туймас.  
Шу одамнинг турган-битгани.*

*Асли бизга бошқа кўз керак.  
Биз кўролмас бўлиб қолдик-ку.*

*Ҳақиқат бор ахир бу Ерда,  
Уни кўрмай яшаи мумкинмас.  
Уни яксон қилай деб минг йил  
Нафрат билан яшаи мумкинмас.*

*Оёқни бош, эгрини тўғри,  
Ростгўйларни ёлгончи, ўғри  
дея яшаи мумкинми ортиқ?*

*Аён ахир,  
ниқоблар йиртиқ,  
Цу риёкор муҳитингизда  
Утмиш, бугун тилкаланмишидир,  
Қелажак-да бўлибдир чўпчак.  
Узингизни тоғларга бўйлаб  
Кун кечирмоқ масхарамасми?*

*Анланг – дунё тамали сизмас,  
У мукаммал яратилмишидир:  
У собитдир, емрилмас, тўзмас.*

## Чезаре ПАВЕЗЕ

(1908–1950)

Чезаре Павезе (Cesare Pavese) – машҳур шоир ва адиб. Тўринў вилоятидаги бир қишлоқда туғилган. Тўринў университетини битиргач, мактабда адабиётдан дарс берди. Дустининг нашриётида ишлади. Илк шеърий тўпламларида итальян қишлоқлари, кенг қирларни тасвирлади, ўз замонининг фожиаси бўлган фашизмни лаънатлади ва 1935 йили бир муддат қамоқда ўтирди. Бу йиллардаги ҳаёти, муҳити ва замон манзаралари “Турма” романида, 1935–1950 йилларда ёзган “Тирикчилик” кундаликлари тўпламида теран акс этган. Кўп оғирчилик кўрган, бахти чопмаган адиб 1950 йилда ўзини ўзи ўлдирган. Унинг “Августдаги таътил” ҳикоялар тўплами, “Ой ва базм гулханлари”, “Гўзал ёз”, “Сенинг қишлоқларинг”, “Тепадаги уй”, “Тепадаги шайтон”, “Ёлғиз хотинлар орасида”, “Уртоқ” романлари машҳур ва кўплаб тилларга таржима қилинган.

## ЎЛИМНИНГ КЎЗЛАРИ

*Ажал келар бир куни  
Кўзи кўзингга боқар*

*Ногоҳ келар у эски виждон азоби каби  
Бахтиқора етимнинг қора хўрлиги каби  
Ҳар кимда ҳам бўлгувчи бемаза одат каби  
Ортимиздан қувалаб юрган бир офат каби  
Ажал келар бир куни  
Кўзи кўзингга боқар*

*Бўм-бўш бўлар у кўзлар  
Маъно ранг туйғу бўлмас  
Ойнада кўрганигдай қувонч ё қайғу бўлмас  
Қотиб қолган ҳайқириқ  
Сукутга тўла бўлар  
Эй умид-орзу-ҳавас  
Анлармиз у кун сенинг  
Бир ҳаёт бўлганингни  
Бир ҳечлик бўлганингни*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

171

Ўлим учун ҳамма бир  
 Унинг учун ҳамма тенг  
 Ҳар кимнинг ҳам олдига бир ажал келиши бор  
 Арвоҳ юзин кўзгуда кўриб қолгандай ногоҳ  
 Ногоҳ нохуш бир феълдан тамом қутулган каби  
 Тош қотган дудоқларга қараб маъно туйгандай  
 Тубсиз қора гирдобга жим-жим бота кетгаймиз

## ИЗТИРОБ

Кўчаларда сайр этурман роса чарчаб толгунча  
 фикрим ётиб қолгунча  
 отиб қолмоқ яшамоқ  
 ким дуч келса ҳар кимнинг кўзига тик боқаман  
 томиримда қайнар қон  
 қоронгини ёқаман

Ҳар тонг аввал яшанмаган бир ҳис-ла уйғонаман  
 ўзимни вужудимдан кўра кучли туяман  
 ҳар тонг совуқ бир титроқ билан титраб қўяман

Йигирма ёшимдаги тонглар қолди узоқда  
 Йигирма бир яна неча йиллар бари тузоқда  
 Бари ер-кўк орасида шув этди ўтди-кетди  
 Эрта мени инсонлар янги кўз билан кўрар  
 Бир расмга боққандай кўз ташлаб кетар нари  
 Бир расмга боққандай кўз ташлаб ўзим сари  
 Ўйлайман  
 Ҳа ёш эдим ёшлигимни билмасдим  
 У олтин кунларимга кўрдай парво қилмасдим

Худди заиф бир бола йилларча давом этган  
 йигили алаҳсиган уйқусидан уйғонди  
 Ҳа энди у йигилар ҳечам бўлмагандайин  
 Фақат ранглар қолди бу қаршимдаги дунёда  
 Ранглар эса йиғламас  
 Ранглар уйғотар мени  
 Хотинлардай қизлардай кўчага чиқар ранглар  
 Ҳар бир вужуд бир рангдир  
 Болалар ҳам бир рангдир

Сўлгинликдан сўнг шу оч-қизил кийимлик тана  
 Янгидан қовушажак ўз ҳаётига яна  
 Теграмдан менга боққан кўзларни ҳис этаркан  
 Мен-да ўз борлигимни англаб руҳан яйрайман  
 Одамлар орасида кезиб йўлга қарайман  
 Ҳар тонг йўлга чиқаман рангларни ахтарганча

Тоҳир ҚАҲҲОР таржималари



## Эдуардо де ФИЛИППО

Эдуардо Де Филиппо (1900–1981) – бутун ҳаётини театрга бағишлаган машҳур италиялик санъаткор. “Шарпалар”, “Биринчи рақамли кўркүв”, “Оилам”, “Санита тумани ҳокими”, “Мен – меросхўр” каби пьесалар муаллифи.

### НЕАПОЛЬ – МИЛЛИОНЕРЛАР ШАҲРИ

(Уч пардали комедия)

#### ҚАТНАШЧИЛАР:

Женнаро Йовине  
Амалия – унинг хотини  
Мария Розария – уларнинг қизи  
Амедियो – уларнинг ўғли  
Эррико Хушрўй  
Пеппе Домкрат  
Риккардо Спазиано – ҳисобчи  
Федерико  
Доктор  
Паскуалино – бўёқчи  
Поп  
Чаппа – карабинерлар бригадири  
Айғоқчилар  
Аделаида Скьяно  
Ассунта – Аделаиданинг жияни  
Донна Пеппенелла  
Тереза  
Маргарета

*Биринчи парда воқеалари Иккинчи жаҳон урушининг  
иккинчи йили охирларида;  
бошқа пардаларнинг воқеалари эса инглиз – америка  
қўшинлари келганидан кейин  
Неаполда кечади.*

#### БИРИНЧИ ПАРДА

*Донна Амалиянинг биринчи қаватдаги кенг, ивирсиган ва ис босган хонаси. Саҳнанинг тўрида – арксимон йўлакда қўчага чиқиши учун ойнаванд эшик ўрнатилган. Томошабинлардан ўнг тарафда – яна эшик. Унинг қаршисида*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

173

– томошабинлардан сўл тарафда йўнилмаган тахталардан ясалган яна бир эшик бор. Унга тажрибасиз одамнинг гализ бир хатида: “Ховлига чиқиш” деб ёзиб қўйилган. Саҳнанинг ўнг тарафидаги узоқ бурчакда қўлга тушган нарсалардан омонат қилиб ясалган ёғоч тўсиқ тўртбурчакли тор хужра ҳосил қилган. Хужрачадаги мўъжазгина тўшак ва ночор хобхонанинг бошиқа анжомлари кўриниб турибди. Саҳнада албатта бўлиши лозим бўлган нарсалар: сўл тарафда мисдан ясалган, қорайиб-яшил тортиб кетган икки кишилик каровот; кийим-кечак турадиган ҳамда кийим-кечак илинадиган жавонлар; уларнинг устида авлиёларнинг ҳайкалчалари, ишишадан ясалган қалпоқлар; қўполгина стол ва синиқ стуллар. Қолган мебелларни ўтган асрнинг дидсиз йўсинида режиссёрнинг ўзи танлайди ва шу тарзда жойлаштирадими, диққат-эътибор мудом “яширин қаҳваҳона” очган катта оила тортаётган ноқулайлик ва торликда бўлади. Столнинг устида катта-кичик қаҳва қуйиладиган чашкалар, гуллар ва идишлар чайиладиган жом туради. Эрта тонг. Саҳнанинг тўридаги ойнаванд эшикдан кўча ва қарама-қарши уйнинг пастки қаватидаги ёпғичлари бекитилган икки деразаси кўринади. Бу тор кўчада яшайдиган ҳудожулар томонидан ўрнатилган Мадонна дел Карминенинг мрамар ҳайкалчаси деразалар ўртасидаги токчада турибди. Ҳайкалча олдида кичик лампача йилтираб ёнади.

Воқеалар урушининг иккинчи (1942) йили охирларида кечаяпти. Саҳна ўртасидаги стол ёнида Мария Розария турибди. Эғнида арзонгина кўйлак. У кир қаҳва идишларни юйиб-чайиб, стол устига териб қўйяпти. Кўчадан жанжаллашаётган одамларнинг тушунуксиз бақирёқ-чақириқлари эшитилади. Аста-секин жанжал авжига чиқиб, баъзи бир товушларни ва бақирёқларни тушунса бўладиган даражага етади. Гоҳо Амалия Йовиненинг товуши бошиқалар овозидан баландроқ, авжлироқ эшитилади. Сўл тарафдаги эшикдан ҳозиргина уйқудан уйғонган Амедио киради. Эснаб керишганча, эринибгина саҳнанинг тўрига қараб юради. Иигирма бешларга кирган бу ориқ, қорачадан келган, истараси иссиқ йигит чаққонгина кўринса ҳам, бақувват эмас. Эғнида у ер-бу ерига ямоқ теккан, дагал жундан тўқилган, занг рангли илма-тешик свитер. Ўнг қўлида латтани эслатувчи сочиқ.

А м е д и о (синглисига). Озроқ қаҳва ичсак мумкинми?

М а р и я Р о з а р и я. Уни аввал тайёрлаш керак.

А м е д и о. Элайми?

М а р и я Р о з а р и я. (“ҳали узоқ кутиб турасан” деган оҳангда). Кечадан қолган қаҳва қуйқасини қайнатса ҳам бўлаверади.

А м е д и о (норози). Э, бу нима дегани! Эрталаб ҳам қаҳва ичолмасанг! Кунимиз итнинг кунидан баттар!

*Мария Розария жавоб бермайди.*

Онам қаерда?

М а р и я Р о з а р и я. Кетди.

А м е д и о. Отам-чи?

М а р и я Р о з а р и я. Уйғонгани йўқ.

Хужрачадан антиқа – хириллашга ўхшаш овоз қулоққа чалинади, сўнг Женнаронинг бўшаишган, уйқудан хирқи тортган овози эшитилади: “Уйғонганман, уйғонганман... Соат бешда оналаринг уйғотди. Бу уйда тўйиб ухлагани қўйишадими...” Кўчадаги жанжал янада авжига чиқади. Айниқса, Амалиянинг овози баралла эшитилади.

Ж е н н а р о (хужрадан). Вой-бўй!.. Эшитаяпсизми?.. Черковдаги хордан ҳам ўтди-ку!

А м е д и о (*Мария Розарияга*). Онамми?

М а р и а Р о з а р и я. Ҳа. Донна Виченца билан гаплашаяптилар.

Ж е н н а р о. Гаплашаяптилар?... Ҳозир онам уни ямламай ютиб қўяди-ку!

А м е д и о. Бу алғов-далғов ўтган ҳафтадаги воқеа туфайлими?

М а р и я Р о з а р и я. Донна Виченца сурбет, ёлғончи, ғаламис аёл. У уймизга кирганда онам уни қаҳва билан меҳмон қиларди, ҳатто маймун-башара қизига эски пальтоми, айнамаган тухумми – бир балолар ҳадя этарди... Тавба, онам баъзан ер тагида илон кимирласа билади, баъзан қўйнига кирган илонга ҳам парво қилмайди... Донна Виченца бизга қаҳва сотадиган одам билан танишиб олибди. Энди қаҳвани олибсотар унга ташияпти... Донна Виченца қаҳвахонамиз яқинида ўзиникини очгани етмагандай, устига устак бир чашка қаҳвани икки ярим лирага сотаяпти. Биздан ярим лира арзон.

Ж е н н а р о (*ҳужрадан*). “Гран кафе Италия” “Гамбринус” билан рақобат қилаяпти.

М а р и я Р о з а р и я (*унга эътибор бермай*). Яна ҳаммага, бизнинг қаҳвамизни қалбаки, деб гап тарқатиб юрибди.

Ж е н н а р о (*ҳужрадан*). Шошма... Нега ”бизнинг” экан, сизларнинг қаҳва. Мен бу ишга бош қўшмаганман. Сизларнинг қилмишларинг деб, полицияни, карбинерлару фашистларни қалтираб кутиб ўтиришга тоқатим йўқ...

М а р и я Р о з а р и я. Қўйсангиз-чи!.. Сизнинг гапингизга кирганимизда, очдан ўлиб кетардик!

Ж е н н а р о. Бошқачароқ айт – ҳалол яшардик де...

М а р и о Р о з а р и я. Нима, қаҳва сотиш ҳалоллик эмасми?

А м е д и о. Биз бу ишни қилмасак, қиладиганнинг сони мингта!.. Мана, Виченца ҳам қаҳвахона очибди.

Ж е н н а р о. Ўтган ҳафта Понте ди Молада бир одам тўртинчи қаватдан ўзини ташлабди...

А м е д и о. Осмондан тушгандай гапирасиз?

Ж е н н а р о. Сен ҳам ўзингни ташласанг бўларди.

А м е д и о. Ота, сиз баъзи нарсаларни умуман тушунмайсиз... Сиз ўтган аср одамисиз.

*Мария Розария акасига: “Дадамга эътибор берма” дегандай имо-ишора қилади.*

Аммо отам барибир тўғри айтади.

Ж е н н а р о. Тўғри айтаяпман, шундайми? Сенга синглинг: “Отамни ҳам эшитиб ўтирасанми...”, деб ишора қилди. Чунки мен жонларингдан безор қилганман, ҳеч нарса тушунмайман... Бечора болалар... Адо бўлган авлод... (*Бироз сукунат*). Мен сендан бир нарса сўрайман... Қаҳванинг пиёласини уч лирадан сотасиз. Сизларга олиб келадиган олибсотар уни қаердан олади? У бу иши билан касалхоналардаги беморларни қаҳвадан маҳрум қилиб қўймаймими?

А м е д и о. Дада, жим бўлинг... Доим қаёқдаги гапларни гапирасиз. Ҳозирги гапингизни-ку чақалоқ ҳам тилига олмайди... Уғри молларни тўппа-тўғри катталарнинг уйдан сотишади. Кеча етмиш лирадан беш кило қаҳвани ким келтирди? Фашистлар офицери! Ҳатто онам ҳам бирор иш-калчи эмасми деб, чўчиб кетди. Сиз бўлса “маҳрум қилади” дейсиз... Агар тепадагиларда виждон бўлганда эди, энг ярамас одам ҳам сиз билан мен сўзлашгандай гаплашолмасди. Аммо намуна кўрсатадиган зотлар бир тўда қаллоблар эканлигини сезганидан кейин одамлар нима дейди? “Ҳақиқатни билиб қўй” дейди... “Сенлар ёрилгунча қоринларингга тикасизлар, мен очдан ўлайми?” дейди. “Сенлар ўғирлаяпсан? Мен ўғирламай қараб турайми!” дейди. “Ҳамма иложи етганча кун кўради-да!” дейди!

Женнаро Йўқ, мен бу уйда яшар эканман, сен ўғирлик қилмайсан.  
Амеддио Мен кези келганда айтаяпман...

*Кўчадаги сурон деярли тинган.*

Қахва ичиб, бирор нарса тамадди қилиб олай-чи. *(Кийим осиладиган жавондан устига ликоб тўнтарилган това, қошиқ ва бир бурда қотган нон олади).*

*Мария Розария унга ёмон қараб қўяди.*

*(Буни сезиб, кескин тарзда)* Нега бундай қарайсан? Бу кеча ўзимдан қолган макарон.

Мария Розария Сенга ҳеч нарса деётганим йўқ!

Амеддио *(Стол ёнига келиб ўтиргач, овқат ейишга ҳозирланади, аммо ликобни кўтариб, това йўқлигини кўради).* Менинг макароним қани?

Мария Розария. Қаердан биламан?

Амеддио *(газабда).* Кеча кечкурун, эрталаб ейиш учун атайлаб қолдирган эдим... *(Женнаронинг хужраси тарафга шубҳа билан қарайди.)* Ким еди? Ота, сиз едингизми?

Женнаро. Макарон меники эмас эдими?

Амеддио *(иложсизликда).* Бу уйдан охири кетаман деб айтганман!.. Кетаман!.. Бунақа овқатланишда ўлиб кетиш ҳеч гап эмас! *(Женнарога).* Кеча ўзингизнинг овқатингизни еган эдингиз-ку!

Женнаро *(ўзининг ҳақлигига имони комил бўлиб).* Мендан нима истайсан? Эсимда йўқ. Меники... Сеники... Ҳар ким иложи бориша кун кўради!

Амеддио. Тушунмаяпман... Сиз кечаси ҳам овқатланасизми?.. Овқатланиш учун махсус уйғонасизми?

Женнаро *(гаши келиб).* Қанақа хира боласан! Қанча умр кўришга ҳозирлик кўраяпсан? Ҳа, мен махсус уйғонаман! Бу кеча қандай роҳат қилиб уйғонганимни билсанг эди... Сен тревогани эшитмадингми? Икки ярим соат ертўлада ўтирдим. Совуқдан қақшаб, уйга келдим... қорним очлигидан кўз юмолмадим... Жавонда озгина макарон борлиги эсимга тушди: кимники эканлигини қаердан билай? Менинг ҳам худди шундай макароним бор эди!

Амеддио. Худди шундай! Мана ҳозир ишга боришим керак. Оч кетавераманми? *(Жаҳли чиқиб.)* Менинг овқатимга қўл теккизишларини истамайман! Жин урсин! *(Столга мушт уради.)* Ким бу ишни қилаётгани энди тушунарли! Мен бировнинг овқатига тегинаятганим йўқ-ку! Ҳозир ҳамма нарса ни майдалаб ташлайман!

*Хужранинг пардаси кўтарилиб, шимга тиқилмаган кўйлақда, елка тасмалари осилиб ётган Женнаро чиқиб келади. У элликларга кирган; гўшtsiz юзи суякка ёпишган, аммо кўриниши йўқчиликни ва азоб-уқубатни кўрган ҳар қандай тоза одамники каби ёруғ.*

Женнаро. Бўлди, бас қил. Нималар деб лақилляяпсан. Мен ҳақиқатан ҳам эслай олмайман. Сен бўлса, нақ дoston қилиб ўтирибсан!

Амеддио. Дoston қиламан. Мен очман, ахир!

Женнаро. Макарон мана шунчагина эди... *(қанчалигини қўли билан кўрсатади.)*

Амеддио. Йўқ, ликоб лик тўла эди! *(Кескин ҳаракатлар билан лик тўла эканлигини кўрсатади.)*

Женнаро бу орада бурда нонни олиб, кемиришга тутинади. Амедио уни отасининг қўлидан юлиб олади.

Менинг ноним!

Ж е н н а р о (*таъбиридан адашиб*). Сеники бўлса, ола қол... Мана, фарзанднинг меҳру муҳаббати!

А м е д и о. Нима, сиз макаронимни оталик меҳри билан еб қўйдингизми? Мана, нондан қолгани! (*Бурда нонни кимгадир намойиш қилади.*) Кўрдингизми? Бу бурда нон билан тушликкача кун ўтказишнинг ўзи бўладими? (*Сўнг аввалдан ўйланган қарор эсига тушигандай.*) Йўқ, кетаман, кетаман бу уйдан! (*Жаҳл билан эшик тарафга йўналар экан.*) Бу ерга бирор нарсани яшириб ҳам бўлмайди!

Ж е н н а р о (*бироз ранжиган қўйи*). У ҳақ... Аммо ҳеч нарса тушунмаяпман... (*Хўжрасига киради.*)

*Эшик ортида товушлар. Амалиянинг овози: “Кечирасиз донна Пеппенелла, сизга айтмаганмидим?” Пеппенелланинг овози: “Сиз жуда тўғри иш қилдингиз!”*

*Мария Розария ўнгдаги эшикка кириб кетади. Шу пайт кўча тарафдан Амалия, унинг ортидан Пеппенелла киради. Амалия – ўттиз саккизларга кирган, ҳали ҳам чиройли. Унинг гапириш тарзи, оҳанги ва ҳаракатларидан бу аёл феълнинг дадиллиги ва ҳаммани бошқаришни хуш кўриши шундоқ кўриниб турибди. Кийимлари оддий, ортиқчалик йўқ. Фақат тоза ипакли пайпоги унга мақтанчоқлик ёт эмаслигидан дарак бериб туради. Зийрак кўзлари ҳамма нарсага эътиборини қилади ва ҳамма нарсани кўради. Расм бўлган қонун-қоида мезонларини бузишига тўғри келганда ҳам, ўзига ҳисобот бериб туради. Бу аёл ишга тегишли ҳар бир нарсада ҳасис ва ён бермас; ўзининг норозилигини бирор-бир илтифотли сўз билан яшириб турса ҳам, кинояли қараши билан тескари фикрни билдириб туради. Ҳозир у ҳаяжонланган, газабланган кайфиятда.*

А м а л и я. Бу аёл уйимдан нари кетмасди... Мендан қанча яхшилик кўрди! (*Таъкидли киноя билан санай бошлайди.*) Гоҳ янги тухум... гоҳ пишган гўшт туюри... гоҳ ликобча тўла макарон... Худо шоҳид, арзимаган емишнинг нархи осмонда, бунинг устига уни топишнинг ўзи бўлса экан! (*Ўзининг сахийлигига ўзи истиғфор келтириб.*) Қизига бир ярим метр мовут... (*Мария Розарияга*). Куйка қайнадими, йўқми?

*Эшик ортидан Мария Розариянинг овози: “Ҳозир қайнади!”*

Ма, қаҳвани ол! (*Донна Пеппенеллага, ундан қутулиш учун кескин оҳангда.*) Донна Пеппенелла, шошмай турунг!

П е п п е н е л л а (*Ғарибгина кийинган, ёши ўтинқираган аёл. Итоат-корона хушоматда сўзлайди*). Ташвишланманг, ташвишланманг. (*Ўрнидан қўзғолмайди.*)

А м а л и я (*икки кишилик каравот матрасини кўтариб, каноп ип билан боғланган пакетни олгач, Пеппенеллага узатди*). Кеча сўраганингиз, ярим кило ун... Сиздан қирқ лира.

П е п п е н е л л а (*кўзлари ола-кула бўлиб*). Бир кило уннинг нархи саксон лира бўлдими? Яна ўн лирага қимматлашдимми?

А м а л и я. Хоҳласангиз олинг, хоҳламасангиз – ана, катта кўча! Агар ўша одам келса, сиз учун яна топиб қўяман... Сизга яхшилик қилиб, балоларга дуч келишдан тоймасаму... Ўзи бундан ҳемири орттирмайман, чунки бундай ишларнинг менга қизиғи йўқ.

Ж е н н а р о (*Хўжрадан бош чиқариб*). Билиб қўйсам бўладими, бу қаллобликларга нимага аралашиб юрибсан?.. Ун керак одам ўзи изласин!.. (*Пеппенеллага*.) Нима, ўзингиз тополмайсизми?

П е п п е н е л л а (*алам билан*). Сизга нима десам экан? Биз ун тополмаяпмиз.

Ж е н н а р о. Тополмасангиз, бу ерга ун деб келаверар экансиз-да! Биз-

нинг тегирмонимиз борми? Ёки эшигимизга макарон фабрикаси деб ёзиб қўйилибдими? (*Хотинига.*) Сен бўлса, ўз гапингдан қолмайсан. Бу ишда ҳеч вако ишлаб ололмайсан, чунки уйимизда савдо билан шуғулланишларига мен йўл қўймайман.

Пеппенелла. Хотинингиз кўнгилчан... Менга озроқ ун кераклигини эшитиб, топиб келтирди... (*Идраб қолган сумкачадан пул олиб, Амалияга узатар экан, унга нафрат билан қарайди.*) Мана, сизга қирк лира.

*Женнаро хужрага зойиб бўлади.*

Амалия (*Пеппенелланинг ёмон қарашини сезиб, кам бўлмаган назарда унга қарайди.*) Катта раҳмат.

Пеппенелла (*сумкачасини бекитаркан, ўз-ўзига гапиргандай*). Агар ярим кило ловия учратиб қолсангиз...

Амалия (*кескин зарда билан*). Энди йўқ, қимматли донна Пеппенелла!.. (*Бирдан муомалалироқ бўлиш эсига тушиб қолиб.*) Ун келтирган ўша одам, икки кило ловия келтираман деб йўқ бўлиб кетди... Агар келса...

Пеппенелла (*итоаткорона*). Бизни назарга олиб кўярсиз...

Амалия. Хўп, фақат келса... Энди устамаси бўлади...

Пеппенелла (*уф тортиб*). На илож, устамаси билан ҳам олавераманда! (*Амалияга тешигудай бўлиб тикилар экан.*) Яхши қолинг!..

Амалия (*яширин таҳдидни сезиб, ўнг енгини шимарар экан*). Яхши боринг!..

Пеппенелла (*ташқарига йўналаркан*). Саломат бўлинг, дон Женнаро!

Женнаро (*хужрасидан, қуруққина*). Марҳамат кўрсатиб, бошқа келмасангиз ҳам бўлаверади!

Пеппенелла (*кетаркан, алам билан*). Албатта, сиз ҳақсиз...

*Мария Розария киради.*

Мария Розария (*остонада тўхтаб*). Қаҳва...

Амалия (*матрасни кўтариб, тўйилган қаҳва пакетини олиб, қизига беради*). Мана, ол.

*Мария Розария кетмоқчи бўлади, аммо онаси уни чақиради.*

Бу ёққа кел... Бошқа ҳеч қачон...

*Мария Розария яқинлашади.*

(*дагаллик билан*) ...кечаси сандирақлаб юрма! (*қизнинг юзига тезкорлик билан шапалоқ туширади ва кескин бурилиб, ўз иши билан овора бўлади.*)

Мария Розария (*юзини кафти билан ушлаб тураркан; у онасининг қилмишидан унча ҳайрон қолмаган, афтидан, бу оддий ҳол бўлса керак, овози қағтий ва газабли*). “Рома”га икки дугонам билан кинога тушгандик...

Амалия (*эътирозга ўрин қолдирмайдиган, лекин авжни пасайтириб*). Бормаслик керак эди. (*Ўзи билан ўзи гаплашгандай*). Ҳамма жой қопқоронғу, сен бўлсанг бирдан ўн бешта ўтганда уйга келдинг... қўшнилар нима дейди? Кеча бир маҳал бўлгани учун, индамадим... Ўзингни тутиб юрмасанг, терингни шилиб оламан! Бор, қаҳва тайёрла, ҳадемай мижозлар келади.

*Нафсониятига теккан, озроқ газабланган Мария Розария чиқиб кетади.*

Женнаро (*хужрасидан чиқади. У ҳануз ўзини тартибга келтириб улгурмаган, қўйлаги шимига тиқилмасдан турибди. Кейинги саҳнада эса соқолини олмоқчи бўлиб, хужра деворига осиглиқ кичкина ойна қаршисида*

юзига совун уради). Бу курғур кизлар!.. Ёшлардан бир зум ҳам кўз узмай, назорат қилиб туриш лозим!

*Амалия жавоб бермайди. Матрас тагидан халтача олади-да, ундан бир бурчакда турган хумчага ловия ағдаради. Женнаро буни пайқамайди.*

А м а л и я (*ташқаридаги қизига*). Қахвани тайёрлаганингдан сўнг, мана бу ловияни қайнат... (*Ташқарига қараб юради ва кириб келаётган Мария Розарияга хурмачани тутқзади. Қиз чиқиб кетади.*)

Ж е н н а р о. Демак, ловиямиз бор экан-да?

*Амалия жавоб бермайди.*

Мен сўраяпман!

*Кўчадан Аделаиданинг овози эшитилади: “Ассу, иккита ўтин ёқиб кўй, бироз ёвзон шўрпа пиширамиз...” Аделаида киради. У кўринашдан оддийгина, ўрта ёшли, айёр, серган аёл. Унинг қўлида егуликлар билан тўла, кўкатлар кўришиб турган хўжалик сумкаси.*

А д е л а и д а. Донна А м а л и я, мен Ритуччини мактабга кузатиб кўйдим, инжиклик қилмагани учун йўл-йўлакай ширинликлар ҳам сотиб олиб бердим... Қандай яхши қизалоғингиз бор! Бир антиқа фикр юритади!

*Чилангар-газчининг кийимида ўнг тарафдан Амадио киради ва жавондан чўткани олиб, ўзи билан олиб кирган фуражкани тозалай бошлайди. У Аделаиданинг сўнги сўзларини эшитган ва сингилчасининг мақталаётганидан хурсанд.*

У ўзини худди катта одамдай тутади! Ёши нечада?

А м е д и о (*гапга аралашиб*). Бешга кирди!

А д е л а и д а (*майин*). Худди кампиршолардай одобли! Фикрлашини айтмайсизми? Қандай тоза гапирди! Мен атайлаб: “Кимни яхши кўрасан?” деб сўрадим. У менга: “Онамни”, дейди.

Ж е н н а р о. У ҳақиқатдан ҳам онасини яхши кўради.

А д е л а и д а. “Отангни-чи” десам, ”У аҳмоқ”, дейди. Шунақа тоза гапирди, шунақа тоза гапирди... “Ре”ни шунақа ўрнига келтириб айтидики... (*Гапини Амалия билан давом эттиради.*)

*Аделаиданинг гапларидан аччиги чиққан Женнаро унга, шунингдек, бу аёлнинг лақиллашлари хуш ёққанини фаҳмлаб, хотини ва ўғлига жаҳл билан қарайди.*

Ж е н н а р о (*озгина сукутдан сўнг, айтаётган гапларининг ишончли чиқаётганига ўзи ҳам ишонмай*). Мен қизалоқнинг гапини жиддий қабул қилмайман. Ҳали ёши бешда бўлса... Ўргилдим унинг гапидан! (*Амедиаго, озриниб.*) Сизлар унга ҳар хил гапни ўргатаверманглар.

А м е д и о. Биз унга ўргатаёпмизми? Ўзи кўчада эшитади.

Ж е н н а р о (*сабрини йўқота бориб*). Йўк, сен ўргатаёпсан! Уйда ҳар бало деб лақиллайсан, кизлар эса такрорлаб туришаверади.

А м е д и о. Мен? Ақлингизни еб кўйибсиз!

Ж е н н а р о. Майли, агар сизларга шу ёкса...

А м е д и о. Худди шундай!

Ж е н н а р о. Сизлар билан гаплашишни ҳам истамайман!..

А м е д и о. Нега бўлмаса, гаплашаяпсиз?

Ж е н н а р о (*ўзининг хатосини англаб*). Чунки доим гаплашмаслик эсимдан чиқиб қолади.

А д е л и а д а (*тотувликка чақирган оҳангда*). Дон Женнаро, сиз бунга аҳамият берманг... (*қизалоқни назарда тутиб*) Фариштанинг оғзидан чиққан гаплар... (*қизалоқнинг гапи ва ҳаракатларига тақлид қилиб, куйлайди*). “Отам – аҳмоқ! Отам – аҳмоқ!”

Ж е н н а р о (*аччиқланиб*). Йўқ, у бу гапларни кўчадан эшитгани йўқ. Унга онаси ўргатапти.

*А м а л и я эрининг шамасини тушунмаётгандай қиёфада, елка қисиб кўяди.*

Аммо отаси аҳмоқ эмас! Тўғри, баъзан пойинтар-сойинтар гапириб кўяди... Чунки ўн тўртинчи йилги жаҳон урушидан қайтганидан кейин бошига бир бало бўлди!.. Бир нарса қиламан дейман – эсимдан чиқади. Бир нарса ўйлайман, беш дақиқадан сўнг нималиги хотирамдан кўтарилади... Мана, Амедионинг макаронини ҳам ўзимники деб еб кўйибман...

А м е д и о (*ўша кинояли оҳангда*). А м е д и о эса оч қолди!

*Федерико киради. У Амедионинг дўсти – чилангар-газчи. Қўлтигида нонушта ўралган тугунча.*

Ф е д е р и к о. Амедио, кетдикми?

А м е д и о. Шошма, бир култум қаҳва ичиб олай.

Ф е д е р и к о. Мен ичиб келяпман. (*Амалияга маънодор қараб*.) Виченца... Биласизми, донна Амалия Виченца қаҳва учун ярим лира кам олаяпти.

А м а л и я (*Федериконинг гапи қаттиқ теккани учун, совуқ оҳангда*). Виченцаникидан қаҳва ича қолинг.

Ф е д е р и к о. Лекин сизнинг қаҳвангиз тотли... Мен унга ҳам шундай дедим.. (*Атрофдагиларга гапи ёқмаганини сезгач, ўртадаги совуқликни кўтариш учун Женнарога гап қотади*.) Соқол олаяпсизми, дон Ж е н н а р о?

Ж е н н а р о (*совуққон*). Йўқ! қадоқларни кесаяпман! Нима, соқол олаётганимни кўрмаяпсизми? Сўраганингизни қаранг! Ғирт бемаъни савол бердингиз! Бекорга куч сарфлаб гапиргандан кўра, гап сўрашларини кутиб ўтирсангиз бўларди!

Ф е д е р и к о. Яхши, айб менда. (*Ҳазил аралаш*.) Дон Женна, нима дейсиз? Ҳаётимизни қачондир эпакага келтироламизми?

Ж е н н а р о. Сенга ҳазил бўлса!.. Агар вазир бўлсам, билмайман қайси соҳа бўйича, чунки бу муаммо қайси вазирликнинг измида эканлигини тушунмайман, аммо кўз очиб юмгунча ечиб ташлар эдим!

Ф е д е р и к о (*эрмакка унга олов бериб*). Хўш, мол етишмаслигига нима сабаб деб ўйлайсиз?

Ж е н н а р о. Мол етиб ортади! Ун, ёғ, пишлок, кийим, пойабзал – ҳамма нарса бор! (*Ишонч билан хулоса қилади*.) Етишмайди деганлари – эски кўшиқ.

Ф е д е р и к о. Бу гапни қандай тушунса бўлади?

Ж е н н а р о (*юзига совун ураркан*). Сен жуда ёшсан – эслай олмайсан... Ҳозир аввалги урушдагидек аҳвол такрорланаяпти. Ушанда ҳам ҳеч нарса топиб бўлмасди, нарх-наво осмонга чиққанди, товар изидан қуриганди... Сенингча, нима учун урушни кўзгайдилар?

Ф е д е р и к о. Хўш, нима учун?

Ж е н н а р о. Молни яшириб кўйиш учун!

*Ҳамма уни қўллаб кулади.*

(*Берилиб, соқол олишни унутгунча*.) Белгилаб кўйилган баҳолар-чи?

Хозир бу оддий иш бўлиб туйилапти! Мен сенга айтсам, белгилаб қўйилган баҳо ҳамиша одамларни хонавайрон қилади. Бир қарасанг, номи чиройли: белгиланган нарх. Гўё сенинг мавқеинг ҳам белгилаб қўйилгандай. Қайдан!.. Ҳамма касофатнинг боши – белгилаб қўйилган нарх! Ҳукумат нархни белгилаб қўйиб, чакана ва улгуржи савдогарларни хийла-найрангга ундайди... Найрангбозлик бошланади... (Сўнги сўзларига “ўғирлик” маъносига ишора бергувчи қўл ҳаракатларини қўшади.) Бечора истеъмолчига эса учта йўл қолдиришади: ё очдан ўлиш, ё гадолик қилиш, ё камоққа тушиш...

*Кувноқ қўллаб-қувватлашлар.*

Менинг режам, қонунимнинг лойиҳаси, агар менга боғлиқ бўлганда...

*Кўчадан Эррико Хушрўй ва Пенне Домкрат кирадилар. Бу икки ҳайдовчи йигит автоулов қатнови тақиқлангани учун бекорчиликни касб қилиб юрибди. Иккови ҳам бир аҳволда кийинган. Эррико Хушрўйнинг лақабини унинг ташқи кўриниши ҳам айтиб турибди. Неаполь кўчаларининг дидига мос ҳусну қомати бор. У ўттиз беиларга кирган, бақувват, қорача сочлари жингалак, кўзлари ўйнаб турувчи, ҳаракатчан йигит. Иштиёқ билан кўнғилдан чиқариб, лекин атрофдагиларга ҳомийлик кўрсатгандай қулади. Ёқимтойгина қаллоб – “қўлидан ҳамма иш келадиган йигит”. Пенни Домкрат – дагалроқ ва у қадар айёр эмас, аммо кучли: кенг кўкрак, бўйни ҳўкизникидай, гилдиракни ечиши лозим бўлганда, автомобилни бир елкасида кўтаради. Шунинг учун ҳам у Домкрат лақабини олган. Қўлларини деярли ҳаракатлантирмай гапирди. Кўпроқ эшитади ва эшитганини жимгина ҳазм қилади. Секин юради. Секин гапирди.*

Э р р и к о. Салом!

*Алик олишлар эшитади.*

Дон Женна, бизни ҳам қонун лойиҳаси билан таништиринг!

Ж е н н а р о (қуруқ). Қаҳва ичгани келдиларингми? Ичинглар–да, ишларингга равона бўлинглар!

П е п п е. Нега энди биз эшитишимиз мумкин эмас?

А м а л и я (бетоқатлик билан, ташқарига қараб). Қаҳванг тайёр бўлдимми?

*Мария Розалиянинг овози: “Яна икки дақиқа!”*

Э р р и к о (Женнарога). Хўш, эшитамизми?

Ж е н н а р о. Энди... менинг қонунимнинг лойиҳаси... (Қисқача тушунтира бошлайди.) Гап товарнинг етишмаслигида... Мен: товарлар етарли, аммо белгиланган нархлар уларнинг ғойиб бўлишига сабаб бўлмоқда, деб таъкидлайман... Биласизми... Белгиланган нархлар – мураккаб нарсалар... Уни бирданга, тонг сахардан, мана бундай лакқиллаб тушунтириш қийин... Йўқ! Бу лаънати белгиланган нархларни англамоқ учун қанча йиллару қанча ойлар керак... Белгиланган нарх нима, у қандай қўлланилади... Агар бирор кимса у ҳақда китоб ёзмокчи бўлса бутун дунёнинг ва бор оламнинг сиёҳи камлик қиларди...

Э р р и к о. Қисқарок... мумкинмасми?

Ж е н н а р о. Халақит берма. Гапираяпман-ку.

П е п п е. Дон Женна тоқатим тоқ бўлаяпти. Сиз хафа бўлманг, аммо кимдир узоқ гапирса, жонимга тегади-да, кетаману қоламан.

Ж е н н а р о. Биров ушлаб тургани йўқ. Кета қол!

Э р р и к о (Пеннега). Эшитайлик энди!.. Давом этинг, Дон Женна.

Ж е н н а р о. Хуллас, бу изланишларга қанча-қанча йилларни сарфлаш лозим. Сизларнинг қимматли вақтларингизни олмаслик ҳамда Пеппе Домкратнинг жонига тегмаслик учун, қисқача тушунтиришга ҳаракат қиламан, ҳолбуки, мен ёзувчи эмасман ва сиёсатга тишим ўтмайди; аммо одамларнинг мусибатларию норозиликлари мендай шўрпешона фуқарони ва ўтган урушда Ватанга сидқидилдан хизмат қилган аскарни бу йўлга қадам қўйишга ўргатди! Мана, аскарликдан бўшатилганим ҳақида қоғоз! *(Женнаро қоғозни келтириши учун қўзғалади, аммо уни “сизга ишонамиз”, “ҳеч ким шубҳа қилаётгани йўқ”, “худо ҳақи” деган маъноларни бергувчи имо-ишоралар билан тўхтатишади.)* Демак... Белгиланган нархлар... Менимча, белгиланган нархлар фақат уларни яратган одамларнинг манфаатлари йўлида яратилган... Улар фақат ёзишни биладилар. Ўзларининг фойдаларию бизнинг зараримиз учунгина профессорлик қиёфасига кирганлар. Маънавий ва моддий зарар; авваламбор маънавий, сўнг моддий... Ҳозир тушунтираман... Белгиланган нархлар амалда ”Яшашни билмасанг, оёқ тагида ўралашма, мен сенга қандай яшашни ўргатиб қўяман” деган маънони билдиради. Аммо биз, яъни халқ яшашни билмаслигимиз ёлғон... Халқ саводсиз, онгсиз, етилмаган деган гапларни улар ўз фойдалари учун ўйлаб топганлар... Ўзлари эса ҳамма жиловларни қўлларига олиб, аста-аста хўжайин бўлиб оладилар. Профессорлик қиёфасига бу сафар фашистлар кирдилар... *(Бирдан тўхтаб қолади; қўрқиб, ҳаммага.)* Йигитлар, ташқарига қаранглр... Эшитиб қолишса, бу гапларим учун соғ қўйишмайди.

Э р р и к о. Дон Женна, гапираверинг. Профессорлар ҳали ухлаб ётибди...

Ж е н н а р о. Аммо уларнинг малайлари бор.

Ф е д е р и к о *(Саҳнанинг тўрига бориб, ташқарига қарайди)*. Гапираверинг, гапираверинг... Ташқарида ҳеч ким йўқ...

П е п п е *(асабий.)* Қай аҳволга тушганимизни Мадоннанинг ўзи кўриб турибди. Ортиқ бундай яшаб бўлмайди!

Ж е н н а р о. Биз... Нимага тўхтаган эдик?.. Ҳа, жиловни қўлларига киритиб, улар хўжайин бўлиб олишмоқда. Хўжайинлар бу ишларни бизга яхшилик қилиш учунгина амалга ошираётганларини – аввал манефест, сўнг нутқ, кўрkitиш, қонун, буйрук, курол билан уқтираяптилар... Одамларни шу аҳволга солганларки... худди ҳозир сизу биздай *(бундай сўзларни гапирилганда сақланиши лозим бўлган ҳозиргидай қўрқув аралаши эҳтиёткорликни кўзда тутиб.)* хатто гапиришдан ҳам қўрқади!

*Ҳамма маъқуллайди.*

А д е л а и д а. Парвардигори олам! Оғзимизни бекитиб қўйишди-я!

Ж е н н а р о. Халқ ва профессорлар ҳамма ишни бир-бирларига қарама-қарши қиладилар. Профессорлар ўз чораларини кўрадилар, халқ ўз чораларини ўйлаб топади. Ва аста-аста ҳеч нарса сенга тегишли эмаслигини – бу кўчалар, саройлар, уйлар, боғларда ҳам сенинг ҳақинг йўқлигини англаб борасан. Ҳамма нарса – профессорларнинг мулки. Улар ҳамма нарсдан хоҳлаганча ҳузурланиб фойдаланадилар, сен эса сўқир тошга ҳам тегинолмайсан. Худди мана шундай шароитда уруш бошланади. “Урушни ким бошлади? – Халқ!” – дейди профессорлар. “Урушни ким эълон қилди? – Профессорлар!” – дейди халқ. Агар урушда ютказилса, халқ ютказган бўлиб чиқади. Ютса, профессорлар ютган бўлади. Бу гапларнинг суҳбатимизга нима алоқаси бор, деб сўрашларинг мумкин. Бор! Чунки белгиланган нарх – халқни ерга уришнинг бир шаклики, у одамларни қарамликда ва мутеликда ушлаб туради. Менинг қонуним лойиҳаси бўйинча, ҳамма зиммасига қандайдир бир масъулият олади. Агар бу масъулиятлар бир жойга жам этилса, иззат-ҳурмату азобу-укубат, фойдаю зиён, ўлиму ҳаёт тенг бўлинадиган Ягона Улкан Масъулият пайдо бўлади. Ушанда мен етилганману, халқ етилмаган, деган гапларга ўрин қолмайди.

*Ҳамма Женнарони диққат билан эшитмоқда, ҳамма тушунгандай, фақат...*

**П е п п е** (*чин кўнгилдан*). Дон Женна, мен ҳеч нарса тушунмадим...

**Ж е н н а р о**. Агар сен тушунганингда, бунақа кунга қолиб ўтирмаган бўлар эдик.

**А м а л и я** (*у бутун суҳбат давомида гапга аралашмай, ўз иши билан андармон, аммо ҳозир эрини чалгитиши учун гап ташлайди.*) Соқол олишни тугат-да, кийин!

*Женнаро яна иягига совун ура бошлайди.*

**П е п п е**. Дон Женна, бензинсиз юрадиган машина хусусида бирор нарса ўйлаб топмадингизми?

**Ж е н н а р о** (*ҳазил аралаш*). Бу энди бошқа қонун лойихаси. Ҳар бир автомобилнинг тўққиз шофёри бўлади: биттаси рулда, қолгани моторнинг ўрнида, машинани итаради.

*Ҳамма кулади. Кўчадан Рикардо киради.*

**Р и к к а р д о** (*У бадавлат хизматчи. Камтарин, лекин ўз қадрини биллади. Бошдан-оёқ қора кийимда, пенне таққан. Қўлида газета, уни доим ўқишга ҳаракат қилади*). Хайрли кун!

*Ҳамма ҳурмат билан алик олади.*

**А м а л и я**. Хайрли кун, синьор. Бир дақиқадан кейин қаҳва тайёр бўлади. Янги қаҳвадан тайёрланган.

**Р и к к а р д о**. Раҳмат, раҳмат.. Бу кеча мижджа қоқмадим. Бошим ёрилгудай оғрияпти... Хотиним тревога сиренасининг чинқириғини эшитса, ўзини йўқотиб кўяди. Болалар билан бир ярим соат ертўлада ўтириб, бир маҳал қайтдик. Уйку қаерда! Хотиним бечора қалтирагани қалтираган, тиши тишига тегмайди...

**П е п п е**. Ҳа, роса бомба ташлашди.

**Р и к к а р д о** (*газетани кўрсатиб*). Маргарита чорбоғи ёнида икки уйни, Каподимонтда қандайдир бир иморатни вайрон қилишибди.

**П е п п е**. Ҳа, трамвай депосининг қаршисида!

**Э р р и к о**. Улар (*осмонни кўрсатаркан, бомбардимончи самолётларни кўзда тутиб*) роса авжига чиқариб, бомбардимон қилишни бошлади.

*Ўнг тарафдан, улкан қаҳва идишини кўтарганча, Мария Розария киради.*

**А м а л и я** (*Амедиога*). Эшикларни ёпиб, ташқаридан кузатиб тур!

*Амедио онасининг айтганини бажаради. Амалия ҳаммага қаҳва қуяди. Ҳамма қаҳвани ичиб бўлгач, пул тўлайди.*

**Э р р и к о** (*тилини таққиллатиб*). Табриклайман, донна Амалия! Бугун қаҳва ажойиб!

**Ж е н н а р о** (*соқол олаётиб Федерико билан гаплашаётган гапининг хулосасини айтади*). Тўппа-тўғри! Бу гап яна бир қонун лойихаси бўлиши мумкин!

**П е п п е**. Бу кеча кўркувдан ўлиб қолаёздим!

**А д е л а и д а**. Мен бўлса, сиренанинг овозини эшитгандан, ҳамма нарсани ташлайман-да, мана буни (*чўнтагидан тасбеҳ олиб кўрсатади*) олиб, бомбапана ертўлага чопаман!

Ж е н н а р о. Менинг аъзойи баданим увишиб, қорним шундай оғрий бошлайдики, тўғри ҳожатхонага югуришдан бошқа чорам қолмайди. Қўрқоқлигимни тан оламан... Сиренани эшитдимми... югураман...

П е п п е (*Риккардога*). Синьор, сиз нима дейсиз? Бу уруш қачон тугайди?

Р и к к а р д о. Э, ким билади...

П е п п е. Янада кучлироқ бомбардимон бўлармиш, шаҳарларимизни вайрон этмоқчи эмишлар... Нима деб ўйлайсиз, синьор, бизнинг ҳаммамизни йўқ қилишадими?

Э р р и к о. Янада кучлироқ бомбардимон қилади дейсанми?

Ф е д е р и к о. Бизни йўқ қилармиш!

А д е л а и д а. Улар заҳар ташлайди, деган гаплар ҳам юрибди.

Ж е н н а р о (*соқоли олинган юзини артар экан, бошқалар бараварида*) Бизни йўқ қилармиш?

П е п п е. Бу мардона уруш эмас. Ахир, оиланинг нима дахли бор, уйнинг нима дахли бор?

Р и к к а р д о (*газетада бир жойни нуқаб*). Мана қаранглар, улуғ ёшдагиларни ҳам армияга чақириш эълон қилинибди!

А д е л а и д а. О, Мадонна делла Либера!

А м а л и я. Нима деб ўйлайсиз, синьор? Заҳирадагиларни ҳам чақирадими? Ўғлим Амедио учун жуда ташвишдаман. Нима деб ўйлайсиз?

Р и к к а р д о. Э... Ким билади!

Ж е н н а р о (*газбага тўлиб, қарийб жирканган кўйи Риккардога қарайди*). Нега ҳеч нарса билмайсиз, синьор? Яна газета ҳам ўқийсиз!.. Одам тинчлантиришингизни сўраяпти, шунчаки бўлса ҳам, кўнглини кўтаринг.

Р и к к а р д о (*ҳамдардлик билан, юмшоқ овозда*). Сизни мамнун этмоқ учун, энди бомба ташлашмайди, армияга чақиришмайди, яна автомобилларда бемалол юришга рухсат беришади, дейишим лозим эдими? Бу гапларни мен қаердан топай?

Ж е н н а р о. Тўғри... Аммо сиз қора костюмдасиз...

Р и к к а р д о (*қизикқонлик билан*). Нима бўпти? қора кийган одам, сизнингча, уруш қачон тугабинию қачон бомба ташланиб, қачон ташланмаслигини биладими?

Ж е н н а р о (*кутилмаган ҳурматда, жанжални силлиқлаш учун*) Йўқ... Ҳар ҳолда идорада... юқоридагилар билан гаплашиб турасиз...

Р и к к а р д о (*қўрқувини яшириш учун, дадиллик билан*). Ҳеч ким билан гаплашмайман. Ҳеч нарса билмайман.

П е п п е (*Эррикога*). Яхши... Кетдик... Бу синьор ҳеч ким билан гаплашгиси келмаяпти. Ким билсин, бизни ким деб ўйлаяпти. (*Риккардога*.) Тўғри қиласиз. Бундай замонда тилни тишлаб юрган яхши.

А д е л а и д а. Худди шундай. Бизнинг нима ишимиз бор? Бизга ҳеч ҳам дахли йўқ.

П е п п е. Саломат бўлинглар! Сен ҳам кетасанми, Федри?

Ф е д е р и к о. Ҳа. Кетдик Амедио.

А м е д и о (*у ҳозир кўчадан кирган*). Менга қачон бир културм қаҳва берасизлар? (*Шошиб ичади. Сўнг ҳаммага мурожат этади.*) Саломат бўлинглар! (*У Федерико ва Пенне билан ниманидир сўзлашиб чиқиб кетади.*)

*Эррико кўчада тўхтаб чекади, кутилмаган хатардан хавотирга тушайётган одамдай, атрофга аланглайди.*

А д е л а и д а (*хайрлашаркан*). Ҳали кўришамиз, донна Амалия. Мен бориб ишەкмас жиянимни уйғотишим керак.

Ж е н н а р о (*ҳужрасига кирар экан, Риккардога*). Биз билан

гаплашсангиз бўлаверади. Ишончли одамлармиз. Биз ҳам худди сиздай фикрлаймиз. *(Хужрага киради.)*

**Р и к к а р д о** *(овозини пасайтириб, эҳтиёткорлик ила).* Донна Амалия, ёғ тополдингизми?

**А м а л и я.** Кейинроқ келинг. Бир одам ваъда берган эди... Биласизми, баъзан бўладигандай... қимматроқ оладиган харидор чиқиб қолса, у ўшанинг этагини тутиб кетаверади... Аммо олиб келса, ёғ сизники. Биласиз, биз ёғ истеъмол қилмаймиз. Биринчидан, бизга ёқмайди, иккинчидан... у жуда қиммат... Харид қилишга кимнинг ҳам кучи етади...

**Р и к к а р д о** *(кесатиб).* Ҳа, ёғ сотиб, сиз бир чақа ҳам фойда кўрмайсиз!

**А м а л и я** *(оғир олиб, лекин юқоридаги оҳангдан чиқмай).* Синьор... Агар бундай гапларни гапирсангиз, муносабатларни давом эттиролмайман... Болаларингиз борлиги туфайли сизга ёрдам бериб келдим. Аммо ўзим фойдамни ўйлаганим йўқ! Агар ўйлаган бўлсам, мадонна, майли...

*Шу пайт Женнаро хужрадан чиқади. У кийинган – галстук таққан, жилетда. Стулнинг орқасига осиб қўйилган пиджагини олгани саҳнанинг тўрига юради. Амалия қўлларини баланд кўтарган – тор кўчада ўрнатилган мадонна ҳайкали қаршиисиди нима деб қасам ичишини билмай турибди. У бироз иккиланиб тургач, кўзи эрига тушади-да, бирдан хитоб қилади.*

Майли, мадонна эримга қайтиб назар солишни насиб кўрмасин!

*Женнаро тўхтайдиган ва хотинининг қасамини эшитган жойда бир зум тошдай қотиб туради. Сўнг итоткорлик ройишида тушуниксиз нималарнидир гудурлаб, хотинининг қасамидан норозилиги биллиниб турган кўйи, пиджагини олиб, хужрасига кириб кетади. Бу пайт Амалия матрас тагидан тугунларни олиб, Риккардога узатади.*

Мана бу сўраганингиз қант. Бу шокалад. *(Учинчи тугунчани кўрсатиб.)* Бу тугунчада оқ ундан қилинган вермишель бор... Бунинг ҳаммаси... *(Ҳисоблашга уриниб, аммо ўзини ичида ҳисоблай олмайётган қилиб кўрсатиб.)* Шошманг... ҳалиги одам келтирган қоғоз бор; ҳализамон у пул сўраб келиб қолади. *(Жавон ичини пайпаслаб, қоғоз олади, ўзини ўқийётганга солади.)* Икки кило қанд... Бир кило какао... Ун кути вермишель... Ҳа, ўтган ҳафтадан қолган қарзлар... Ҳаммаси бўлиб... роса уч минг беш юз лира!

**Р и к к а р д о** *(Ранги оқаради; бир лаҳза довдираб туради. Ўзини тўтиб олгач, тилёғламалик билан)* Биласизми, донна Амалия!.. *(у ўзининг ночорлигидан хижолатда ва гапига хушмуомалалик оҳангини бермоқчи.)* Ҳозирги пайтда қўлимда пул йўғроқ. Хотиним касал ётди... қанчага тушгани бир менга аён... Учта боламиз... *(Маъюс тортиб.)* Ойнинг охирида бирдан сочин оқаради. Маош ўша-ўша... Бу қимматчиликда йиғиб қўйган уч-тўрт сўммимиз шамолга учгандай ғойиб бўлди... Билсангиз, шу кунларда...

**А м а л и я** *(Риккардонинг қўлларидан тугунларни олар экан, бепарвогина).* Ҳар қалай сизнинг кўчмас мулкингиз бор...

**Р и к к а р д о.** Ҳозирги яшаб турган уйчам... Мен уни банкдан қарз кўтариб, сотиб олган эдим; йиллаб бош кўтармай ишлаб ва энг зарур нарсалардан ҳам воз кечиб... Яна Манокаваллода ҳам иккита квартирам бор... Биласизми, уларнинг ижарасидан қанча оламан? Бирдан ойига икки юз, яна бирдан уч юз... Сотилганга кўзим қиймайди... Болаларимни насибасидан жудо қилишга журъат қилолмайман. *(Пешонасини артади, сўнг қурбонликка бораётган одам қатъиятида чўнтагидан ленталар билан чиройли қилиб ўралган кичкина қутича олади. Уни эҳтиёткор бир меҳрда очади.)* Мана, хотинимнинг сирғасини олиб келдим. Биладиганлар баҳосини беш минг лира деб баҳолади...

**А м а л и я** *(Бефарқлигини кўрсатиши учун сочини тўзатар экан).* Бир жуфтми?

Р и к к а р д о (*хавотирланиб*) Йўқ. Бир донаси. Иккинчисини гаровга қўйганман. (*Уялиб ерга қарайди.*)

А м а л и я. Майли... бир дона бўлса ҳам... колдиринг. Халиги одамга кўрсатаман. У шундан рози бўлса керак.

Р и к к а р д о. Уч минг беш юз қарзим бор эди... Бир ярим минг қолади. Қолганини ўзингиз яшириб қўйинг...

А м а л и я. Қолса... (*қутичани олиб кўксига яширади.*)

Р и к к а р д о. Менга, марҳамат этиб, озиқ-овқат берадиларми?

А м а л и я (*унга хушмуомалалик билан тугунларни тутқзади.*) Бўлмасачи... Ҳа, эртага бироз сигир гўшти келади... Сизга бир килоча олиб қўяман...

Р и к к а р д о. Ундай бўлса, эртагача... (*У тугунларни ўзи билан келтирган чарм портфелга жойлаб, устидан газета билан ўрайди.*)

А м а л и я. Янги тухум зарурмасми?

Р и к к а р д о. Бор бўлса... Болалар учун, биласиз...

А м а л и я. Эртага топишга ҳаракат қиламан...

Р и к к а р д о. Раҳмат ва кўришгунча!.. (*Кетади.*)

Ж е н н а р о (*ҳужрасидан чиқади. У кийинган. Бориб шляпасини деворга қоқилган михдан олади. Нимадир ҳақида оғир ўйлар сураркан, саҳнанинг ўнг тарафига ўтиб ўтиради.*) Бир нарсани тушундим, Амалия ... Менга бекор эртақлар айтиб бераяпсан... Биз бир пиёла қахва учун хатарга тўла, ҳозир қамокка олишларини кутиб, ҳаёт кечараётганимиз йўқ... Эртадан кечгача уйимизда бегоналарни кўраман... Ёғ, гуруч, оқ ун, ловия... Амалия...

А м а л и я (*гапни бўлиш учун илдам оҳангда*). Бу нарсалар меники эмас деб, сенга неча бор айтганман... Менга мол олиб келишади, мен эса у-бу танишларимга қўмак бераман, холос...

Ж е н н а р о. Шунчаки, чиройли кўзлари учунми?

А м а л и я (*қичқириб*). Мен бу ишдан ҳеч қанақа фойда кўрмайман!

Ж е н н а р о (*у ҳам қичқириб*). Ундай бўлса, биз қандай қилиб кун кўраяпмиз? Тушунтир, қандай мўъжиза туфайли? Картошкага қорин тўйдираяпмизми? Ким ишонади? Бу гапга фақат беимон одамгина ишониши мумкин... Картошкага кун кўраётган эмишимиз... Аллақачон қуриган гаварага айланиб қолган бўлардик... Мен мояна олаётганим йўқ, чунки аста-аста ҳамма трамвайларни тўхтатиб қўйишди... “Учинчи”ни ҳам, “Бешинчи” ҳам... “Ун олтичи”ни ҳам... Ишдан бўшатиш, кутиш... Трамвайчиларнинг ярми ишсиз...

А м а л и я. Унда биз нима қилишимиз керак?

Ж е н н а р о. Сен мени гапиргани қўймайсан... Бир нарсани тушундим деб айтдим-ку... Ҳозир эсимдан чиқди... Айнан ҳозир... (*Эсга туширмоқ учун тўхтаб, қаттиқ уйга толади, сўнг бирдан*) Ҳа карточка... карточка... Агар картошкага кун кўра олмасанг... (*Яна эсидан чиқариб қўяди, ўйлаб топмоқчи бўлиб қийналади, ниманидир пичирлайди.*) Денгизнинг авлиё хомийлари, тушундим... Бу лаънати олибсотар бозорсиз ҳам одамлар яшаш учун нима қилмоқлари кераклигини тушундим... (*Эсига тушиб.*) Ҳа!.. Агар картошка билан яшай олмасанг, бу олибсотар бозорга бориш керак! Қамашади деб, қамокка тушаман деб, титраб-қалтираб яшамок керак! (*Гапнинг мантиғи қайларга олиб кетаётганини англамайди; муқаррарликка ён бериб, қутилмаган юмишқоқ бир тарзда гапни тугатади.*) Амалия, жуда эҳтиёт бўлишимиз даркор... (*Кетишига чоғланиб, қўзғалади.*)

А м а л и я. Нима қилмоқчисан, кетасанми?

Ж е н н а р о. Кўчада бироз лақиллаб келаман... Тоza ҳоводан нафас олмасам... Бу кеча ертўлада совукдан роса қалтирадим... Нам суягимгача ўтиб кетди... Керак бўлсам, чақирарсизлар...

Э р р и к о (*бўлиб ўтган гап-сўзни эшитиб, билиб турибди. У остонада Женнарони тўхтатади.*) Шошмай туринг... Утган кеча икки центнер қахва келтирган эдим...

Ж е н н а р о (*кўрқиб кетиб*). Икки центнер?..

Э р р и к о (*кўчага қараб олгач*). Ҳа... Донна Амалия марҳамат кўрғазиб, уни... (*“Яшириб қўйганини” ҳаракат билан кўрсатади.*)

Ж е н н а р о (*таъна билан*). Дон Эрри, биз энди нобуд бўлаемиз! Мени охири қамокқа ўтиргизасиз... Ахир мен... Сиз сўққабосиз, мен оилали одамман... Албатта, бундай оғир пайтда бир-биримизга ёрдам даркор бўлса, яхши, ёрдам берайлик... Аммо сиз ҳамма нарсани бу ёққа судраб келаяпсиз... Бир марта, майли, икки марта... Дон Эрри, мен кўрқаман... Уларга сургун қилиш, қамокда йўқ қилиш ҳеч гап эмас. Ҳатто ким ҳақ, ким ноҳақлигини суриштириб ҳам ўтирмайдилар... (*У ҳоқимиятни кўзда тутиб гапираяпти. Сукунат. Пешонасини артиб, атрофга аланглайди. Сўнг Амалияга*) қаҳвани қаерга яширдигинг?

А м а л и я. Каравотга. Пастки кўрпани қаҳва билан тўлдириб қўйдим.

Ж е н н а р о (*каравотнинг ёнига келиб, кўрпаларни пайпаслаб кўради*). Парвардигорнинг ўзи сақласин! Каравотнинг тагида ҳам нимадир бор... ун, ёғ, пишлоқ... (*Бирдан эсига тушиб*) Дон Эрри ҳали келтирган пишлоқингизни... тезроқ сотиб юборса, бўлмайдими?.. Кечаси ҳидидан ухлаб бўлмаяпти.

Э р р и к о. Дон Женна, озгина сабр қилинг. Шу пишлоқ туфайли ўзи кўрадиганимни кўрдим!

Ж е н н а р о (*қатъий*). Эҳтимол олди-сотдисида озроқ йўқотарсиз... Аммо соғлиққа фойда... Биласиз, кечаси салқин бўлаяпти, эшикни бекитсанг, ҳиддан димиқиб қоласан. Ҳудо ҳақи, кечаси баъзан сирена овозини эшитиб, “нажот ҳам бор экан-ку” деб юборасан.

Э р р и к о. Қайтариб айтаман, озгина сабр...

Ж е н н а р о (*суҳбатнинг бошига қайтиб, каравотни кўрсатар экан*). Қант, ун... чўчка ёғи... Бус-бутун улгуржи омбори! (*Яна ташиқарига йўналади.*)

Э р р и к о (*қатъий*). Шунинг учун узоққа кетиб қолманг. Агар бир гап бўлиб қолса, буларни (*“яшириш лозим” деган ишора қилади.*) бир ёқлик қилиш керак.

Ж е н н а р о. Яна парвардигорнинг раъйига қарши боришга тўғри келади. Майли, меҳнат қиламиз... Аммо, дон Эрри, ҳамма молингизни уйимдан олиб кетинг... (*Хотинига.*) Ҳув, бурчакда тураман... Агар тревога бўлса, мени ўйламанглар... Ҳамма ўзини ўйлайди, парвардигор ҳаммани... Бирор гап бўлса, топиб олишади... (*Кетади.*)

А м а л и я. Мен сизга қанча беришим керак?

Э р р и к о (*галстугини тўғриларкан, назокат билан*). Ташвиш тортманг.

А м а л и я (*унга тикилиб*). Бу нимаси? Пулларингизни менга совға қиляпсизми?

Э р р и к о. Бундай совғалар қилиш имконияти ҳозирча менда йўқ... Аммо сизга ҳаётимни ҳам берардим... Бироқ қўлингиздан пул олишни истамайман. Сотилгандан сўнг, тушумни ҳисоблаб кўрасиз. Фойданинг ҳаммаси сизники...

А м а л и я (*ваъда қилинган фойдадан кўра, Эррико гапларининг оҳангига мафтун бўлиб*). Нима кераги бор... Фойдасининг ярми сизники... (*Олмос кўзли сирға қутисини чиқариб.*) Мана бу сирғага қаранг.

*Эррико биладиган одам назари билан сиргани ёруққа солиб қарайди.*

Э р р и к о. Ёмон эмас.

А м а л и я. Қанча туради деб ўйлайсиз?

Э р р и к о. Унисини ҳам кўрсатинг.

А м а л и я. Униси йўқ... Гаровхонада...

Э р р и к о. Унисини ҳам сотиб олиб, иккаласининг кўзи ҳам олмосми, йўқми – текшириб қараш керак экан... Гаров қоғози борми?

А м а л и я. Афсус!.. Йўқ... Шошманг, бугун қандай кун?

Э р р и к о. Душанба.  
 А м а л и я (*ишонч билан*). Пайшанбада, албатта, топиб қўяман.  
 Э р р и к о. Жуда яхши. Иккаласини ҳам сотиб олгандан кейин, нархини қўяверамиз!  
 А м а л и я. Тўрт-беш минг лира турадимиз?  
 Э р р и к о. Туради... қахвани ички матраснинг тагига тикдингизми?  
 А м а л и я (*каравот ёнига келиб, кўрпани кўтариб кўрсатади*). Мана, қаранг. Борлиги билинмайди... Ўзиям роса уриндик... Матрасга иккита молния тикишга тўғри келди. Лозим бўлганда, “шир” эткизиб очаману, керагича олавераман... Қўл тикасану...

*Бу пайт Эррико Амалиянинг ортидан келади-да, унинг қўлларини оҳиста силаб, маҳкам ушлайди.*

...оласан. (*дастини мулойимлик билан ажратиб, Эрриконинг қўлларни нарига суриб қўяди.*)

Э р р и к о (*қаътий*). Керак бўлганда, яна қўл тикасан! (*Амалияни қучоқлаб, ўпмоқчи бўлади.*)

А м а л и я (*Ийгитнинг қучоғидан сирғалиб чиқаркан, қўзғалиб кетган эракнинг аҳволини тушуниб.*) Дон Эрре... қўйсангиз-чи!.. Сиз аввал бундай эмас эдингиз...

Э р р и к о (*бироз тушгандай, аммо Амалияни қўйиб юбормай*). Донна Амалия, мени афв этасиз!.. Сиз мени кечирмагунча, қўйиб юбормайман.

А м а л и я. Майли, ҳеч киси йўқ... Ҳамма ҳам тирик жон!..

Э р р и к о. Раҳмат, донна Амалия, раҳмат... (*Аёлнинг қўлини қайта-қайта ўпади.*)

*Саҳнанинг ўнг тарафидан кириб келган Мария Розария бу ҳолни қўлларини белига тираб, норози бир қиёфада кузатади. Эррико қизни кўриб қолади, Амалиядан ўзини тортиб, бепарвоҳол тарзга киради. Амалия Эрриконинг ўзини туттишдаги ўзгаришларни сезиб, беихтиёр ўғрилади ва қизига кўзи тушади. У довдирайди, аммо бир пасда ўзига келиб, сочларини тузатади-да, қизига ўқрайиб қарайди.*

А м а л и я. Сенга нима керак?

М а р и я Р о з а р и я (*киноя билан, совуққина*). Ловияга бир бош саримсоқ керак.

А м а л и я. Нима, ўзинг ололмайсанми?

М а р и я Р о з а р и я. Тугади.

А м а л и я. Донна Жованинадан ол.

М а р и я Р о з а р и я (*секин таиқарига чиқа бошлайди. Остонада тўхтайдди, сўнг қаътийлик билан*). Бугун кечкурун кинога бораман. (*Кетади.*)

А м а л и я (*Эррикога таъна билан*). Кўрдингизми?.. Худо билади, бу қизалоқнинг бошида нима бор...

*Кўчадан “Мен унинг тумишугини ёраман!” деган Амедионинг серҳаяжсон овози эшитилади. Уни “қўявер!.. Майда-чўйда иш... қўявер!..”, деб тинчлантираётган Аделаиданинг овози ҳам эшитилиб турибди. Амедио киради, унинг ортидан Аделаида кўринади. У остонада тўхтайдди.*

А м е д и о (*кўчадагиларга*). Сизларга кўрсатиб қўяман!..

А м а л и я. Нима бўлди, Амедио? Нега бу вақтда бу ерда юрибсан?

А м е д и о. Палючелланинг жияни бор-ку... Этикдўз Эдижионинг кизини олиб қочган жияни... Биз у билан дўстмиз. У менга бир соат олдин донна Виченцаникига қаҳва ичгани кирганини айтди... Виченца сиз билан жанжал

қилганидан биров кейин... Донна Аделиада ҳам ўша жойда экан... Донна Аделиада, сиз гапириб беринг...

*А д е л а и д а (Амалиянинг ёнига келаркан, хушомад билан, аммо оловга ўт бермасликка ҳаракат қилиб).* Донна Виченца сиз ҳақингизда озроқ гапирди... *(Саҳнанинг ўртасига туриб олиб, воқеани аниқ кўрсатиши учун, Виченцанинг овозига ва ҳаракатларига тақлид қилади.)* “Буни қаранг-а! Фақат у патент олибдими? Фақат у қахва сотар эканми? Мен қахва билан савдо қилмасам, у ҳам қилмайди!.. Ундай... Бундай... Унинг танишлари бўлса, менинг ҳам танишларим бор!.. Агар бугуноқ уни бир балога дучор этмасам, Виченца исмимни бошқа кўяман!..” Кейин шол рўмолини елкасига ташлади-да, уйини кулфлаб, югурганича кетди.

*А м е д и о.* Албатта, у карбонерлар бригадирига чаққани кетган.

*А м а л и я (ташқи сокинликни сақлаб).* Майли, биласанми, ҳозир сен нима қиласан... Уйни тинтув этгани келишса...

*А м е д и о.* Биламан... Мен сизларни хабардор қилдим.

*А м а л и я.* Яхши иш қилдинг. Бор, отангни айтиб кел. Ҳу, муйилишда турибди.

*А м е д и о (кўчага югуриб чиқиб, чақиради).* Ота!... Уйга келинг! Ҳа, уйга!.. *(Амалияга)* Сичқондум донна Фортунатанинг уйи ёнида турибди. Агар у трубка чекса, карбонерлар кўчага бурилган бўлади.

*А м а л и я.* Сен уйда бўлиб тур!

*М а р и я Р о з а р и я (остонадан).* Мана, битта саримсоқ. Икки лира...

*А м а л и я.* Яхши. Энди сочларингни ёй-да, бошингга шарфингни ташлаб ол... *(қутини суриб, қора шол рўмолини олади-да, елкасига ташлайди).*

*М а р и я Р о з а р и я.* Ҳозир деганингиз қачон?

*А м а л и я (кескин).* Ҳозир деганим, ҳозир! Эртага эмас! Тезроқ бўл!

*М а р и я Р о з а р и я (шарфни олиб, ўнг тарафга юради).* Керак бўлсам, чақирарсизлар *(Кетади.)*

*А м е д и о (кўчани кўрсатиб).* Мен кўчада бўламан. Сичқондум трубка чекса, сизларни хабардор қиламан... *(қоровуллик қилиши учун эшикдан чиқиб туради.)*

*Женнаро киради.*

*Ж е н н а р о (ҳеч нарсадан хабари йўқ.)* Нима бўлди, а?

*А м а л и я.* *(эътирозларга ўрин қолдирмайдиган жиддий овозда).* Ҳозирлик кўр!

*Ж е н н а р о (воқеалар кескин тус олганини тушуниб, қўрқувда).* Йўғ-э? Ана холос! *(Эррикога.)* Дон Эрри, сизга нима деган эдим... Ҳаммамиз қамаламиз! *(Шошганча, хужрасига қараб юради.)*

*А м а л и я (ҳаяжонланиб, Амедиога).* Сувоқчи Паскулино билан Попни айтиб кел.

*А м е д и о.* Бу ёққа келишда уйига кириб, иккаласини ҳам айтиб келдим.

*Э р р и к о (у бежавотир ва бундай пайтларда ўзини қандай тутишини билади. Амалияга).* Донна Амалия, хавотир олманг!.. *(Кўтаринки оҳангда.)* Мен кетмайман! Сизларнинг тақдирингиз – менинг тақдирим. *(Кўрсатиб.)* Мен, мана, бу ерда ўтираман. Ҳўш... қариндошларингман!

*А м е д и о.* Сичқондум трубка чекди!

*Ж е н н а р о (хужрадан бош чиқариб).* Трубка чекди!

*А м е д и о.* Ифлос донна Виченца айтганини қилди! *(Ташқарига мўралаб, енгил тортади.)* Хайрият! Сувоқчи Паскулино ва Поп келаяпти.

*Рус тилидан  
Усмон АЗИМ таржимаси*

(Давоми бор)

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

189



## Умберто ЭКО

*Итальян файласуф-олими, адабий танқидчи, адиб Умберто Эко 1932 йили Италиянинг Алессандрия шаҳрида таваллуд топди. У “Атиргул исми”, “Фуко тебратғичи”, “Лоан маликасининг сирли ёлқини”, “Прага қабристонни” каби романлар, “Ўрта асрлар эстетикаси ривожини”, “Яланғоч асар” сингаги илмий-фалсафий китоблар муаллифи. Ёзувчи ўзининг ижоди тўғрисида шундай дейди: “Кўпчиликнинг фикрича, ёзганларимнинг бари фантастика. Аммо улар қаттиқ янглишадилар, асарларим чин маънода реалистик асарлардир”.*

### КЎНГИЛОВЛАР АДАБИЁТ

Менда китобхон кўнглини овлаш истаги туғилиб қолди. Лекин бу ўзимни хурсанд қилганимдан кам бўлмаслиги керак. Айтмоқчи бўлганимиз ўта муҳим масала ва бизнинг роман ҳақидаги тасаввурларимизга бироз зидга ўхшайди.

Кўнгилик очилган – чалғиш ё муаммолардан чекиниш дегани эмас. Робинзон Крузо ўзининг энг намунали китобхонларини овутишни истади ва улар қаршисига уддабурон “иктисодчи инсон”га хос ҳисоб ва кундалик машғулотларни териб ташлайди. У худди Робинзонга ўхшаш Робинзонни ўзида кўриб овунар экан, бу бошқа бировга айланишни кенгроқ маънода тушуниши лозим. Кўнгилик очилган, у ўрганган. Уқувчи олам ё тил ҳақида қандайдир янгиликни билишга муваффақ бўлади. Бу поэтиканинг ўзига хос, моҳияти ҳеч қачон муҳокама этилмайдиган ҳикоя қилиш жиҳати.

Шунингдек, кўнгилик овлаш бу – тарихий тушунча. Романнинг ҳар бир даврида кўнгилик овлаш ва кўнгилик овлатмоқнинг ўз йўли бўлган. Замоनावий роман ҳар доим кўнгилик овлашнинг мураккаб сюжет чизиғини босиб ўтишга ва кўнгилик овлаш турларини мудом янгилаб боришга интилади. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Аристотель поэтикасининг мендай ашаддий ўқувчиси ҳар доим ўйлаганман: ҳеч нарсага қарамасдан роман ўқувчининг кўнглини овламоғи керак, айниқса, унинг мураккаб сюжетлари шунга хизмат қиломоғи лозим.

Шу нарса аёнки, агар роман кўнгиликни овласа, ўқувчига манзур бўлади, унга далда бўлади. Ахир, қачонлардир мана бундай фикрлашган: агар роман жамоатга манзур бўлса, бу – яхши эмас. Агар роман ўқувчиларнинг олқишига сазовор бўлса, демак, унда ҳеч қандай янгилик йўқ, у ўқувчига ўзи нимани хоҳлаётган ва қутаётган бўлса, шуни тақдим этган. Мен шуни айтишни истардимки, “агар роман ўқувчига қутилган ниманидир бераётган бўлса, демак, унга маъқул бўлаяпти” ва “агар роман манзур келган бўлса, демак, у қутилган асардир”.

Иккинчи фикр ҳар доим ҳам ҳаққоний эмас. Шу ўринда Дефо ё Бальзакни, кейин эса “Тунука ноғора” ёки “Елғизликнинг юз йили”ни эслаш кифоя.

Балки, кимдир айтган: бизнинг бир қанча баҳс ва тортишувларимизга асос бўлган тенглик “манзурлик – идеалнинг мавжуд эмаслиги”; муваффақиятли китоб, мурасосоз китоб билан бараварлашади. Мурасосоз роман – сюжетли романга тенглашади. Эксперимент тарзида яратилган, можаробоп ва ўқувчи юз бурган асарлар шохсупага чиқади. Биз булар ҳақида гапирдик ва тўғри қилдик, деб ўйлайман. Айнан ана шу фикрлар яхши ниятли ёзувчиларни ўнғайсиз аҳволга солади, айнан уларни солномачилар эсдан чиқармаган. Бу мутлақо ҳақиқат – ахир айнан шу учун бу ҳақда сўз юритилди. Ва бу борада биз анъанавий, мурасосоз романларнинг моҳияти ҳақида шундай фикрга келдикки, ўтган аср романи муаммолари билан солиштирсангиз, ғаройиб топилмаларсиз

ҳеч нима юзага келмаслигини тушунасиз. Албатта, гуруҳбозликлар бўлган ва унинг чекига дам-бадам ўзимиз ёки бегоналар тушишган. Буларнинг ҳаммаси кўнгилисизлик билан яқунланган. Ёдимда, Лампедуза, Бассани ва Кассола авангард ёзувчиларнинг ашаддий душманлари эди. Ҳозир шахсан мен улар ўртасидаги қилдан ҳам нозик фарқни кўрсатиб ўтмоқчи эдим. Лампедуза яхши роман ёзди, бироқ у ўз вақтида туғилмаганди. Ушанда жуда кўпчилик унинг Италия адабиётида янги даврни бошлаб берганлиги ҳақидаги мақтовларга қарши фикрлар билан чиқишди. Аслида у романчиликдаги эски даврни тантанали равишда ёпиб берди. Менинг Кассола ҳақидаги фикрларим ўзгарганича йўқ. Бассани ҳақида эса бирмунча эҳтиёткорроқ фикр юритмоқчиман: 1963 йилларда мен уни ўзимга адабий ҳамроҳ деб билардим. Муаммо эса умуман бошқа нарса ҳақида.

Айни пайтда 1965 йилги воқеалар хусусида ҳеч ким эсламайди. Мана, гап нима ҳақида кетяпти! Ушанда бутун гуруҳ Палермода экспериментал романлар муҳокамасига йиғилдик.

Мунозара пайтида жуда ғаройиб нарсалар ойдинлашди. Ренато Бариллининг кириш сўзи, айниқса, қизиқарли бўлди. У пайтлар Барилли аллақачон экспериментал романлар назариётчиси сифатида донг таратган эди. Энди унинг қаршисида Роб-Грийе, Грасс, Пинчон турибди (шуни унутманг: бугунги кунда Пинчонни постмодернизм асосчилари билан бир сафга қўйишади. Дарҳақиқат, у пайтларда постмодернизм атамасининг ўзи ҳам бўлмаган, ҳарқалай, Италияда. Ҳаммаси Америкада Жон Бартдан чиққан). Барилли Русселяни қайта кашф этар экан, ўзига ёққан Верни эсга олади, Борхес ҳақида бир оғиз ҳам сўз демайди – уни қайта баҳолаш бошланмаган эди. Барилли шу қабилдаги гапларни гапирган эдими? Ҳанузгача, асосийси – воқеани, сюжетни рад этишдай, насрда янги давр воқеа-ҳодисаларни қайта баҳолашдан бошлангандай туюлади.

Мен Баруцелло ва Гриффининг томоша қилганимиз “Ноаниқ текширув” киноколлажи қандай таассурот қолдирганини эсладим. У сюжетли бўлакчалардан, бир хил қолипдаги вазиятлардан, хусусий кино парчаларидан таркиб топган. Шунини илғадимки, томошабинлар кинофильмнинг шундай жойларида завқу шавққа тўлишдики, бу бир неча йиллар олдин ҳеч қандай ҳайрат уйғотмаган бўларди, анъанавий воқеалардаги мантиқ ва вақт сабабиятини барбод қилишади, кутганлари пучга чиқди. Авангард оддий ҳолга айланди. Олдин нотўғри деб қабул қилинган йўл энди эшитиш аъзоларимизни (ёки кўриш қобилиятимизни) эркалай бошлади. Булардан битта хулоса чиқариш мумкин. Номувофик хабар экспериментал наср (ва бошқа санъат турлари) учун муҳим ўлчов бўлмай қолди, балки, номувофиқлик дилкашликка айланмоқда. Эсладимки, футуристларнинг шеърят кечалари тингловчиларнинг ҳуштакларисиз ўтмас, “ҳозирги бахслар шу ҳақдаки, кимда-ким экспериментни ўпирилаётган, муваффақиятсизликка учраган деб ҳисоблаётган бўлса, шунинг ўзиёқ у тамомила нормал воқеа сифатида қабул қилинаётганлигини кўрсатади: айни ёндошув ёшини яшаб бўлган ўз авангардининг қимматли тузилмасига қайта мурожаат этишни англатади. Бу каби ҳолатларда эҳтимол, авангард адабиёт танқидчиси Маринеттининг кечиккан ихлосманди бўлиб чиқади. Шунга эътибор қаратиш керакки, номувофик ахборот тингловчи учун талабчан тарихий лаҳзаларда қиймат учун қафолат берапти. Уйлашимизча, ғараздан юз ўгиришга тўғри келади, бизнинг доимий баҳс-мунозараларимизда иштирок этаётган, – яхши асар томошабин ёки ўқувчини ғазаблантириши шарт эмас. Худди шунингдек, тартиб ва тартибсизликни зид қўйиш умумталаблардаги ва новатор асарларда олдингидай адолатли бўлиб қолмоқда, унга бошқа куз билан қарамоғимиз керак, холос. Бошқача айтадиган бўлсак, бир қарашда талабларимизга мос бўлган асарларда узилиш ва баҳсли ўринлар кўзга ташланади. Ва аксинча, баъзи бир новатор асарлар шунақанги ғазаблангизни кўзгатадики, моҳиятан новатор бўлмаган асарга айланади. Шу кунларда бир одам билан учрашиб қолдим. Унга бир асар қаттиқ ёқиб қолган ва ундан пайдо бўлган безовталиқ уни шубҳа ёқасига бошлаган...”

1965 йил. Поп-арт пайдо бўлган экспериментал, оммавий, баён, тасвирий ва нотасвирий санъатлар сабаб анъанавий тарзда яратилган санъат асарларига

қарашлар кескин ўзгарган вақтлар. Пуссёр менга “Битлз” ҳақида гапирганди: “Улар биз учун ишлайдилар”. Холбуки, ўзи ҳам улар учун ишлаётганини англамаганди.

## ПОСТМОДЕРНИЗМ, КИНОЯ, МАМНУНИЯТ

1965 йилдан то ҳозирги кунга қадар икки хил қараш очиқ-ойдин кўзга ташланарди. Бошқа ҳикоя қилинаётган адабиётда сюжет ичидан сюжет излаш ва у ҳикоя қилинувчи сюжетдан кўра кўпроқ мурасасоз сюжет мавжуддек туюларди. Демак, исёнкорлик руҳида ҳам етарлича муаммоларга бой ва албатта, ёқимли роман ёзиш мумкин экан.

Америка постмодерниزم назариётчиларининг фикрича, нафақат сюжет излаш, балки асар кўнги овланган вазиғасини ҳам бажариши даркор.

Афсуски, “постмодернизм” атамасини қандай маъқул бўлса, шундай – исталган нарсага нисбатан қўллашмоқда. Гоҳо унинг маъносини ўтмишга олиб бориб тақашга уринишмоқда. Холбуки, постмодернизм аввало баъзи ёзувчи ва санъаткорлар ижодида кейинги йигирма йил ичида кўрина бошлади. Кейин аста-секинлик билан аср боши, кейинроқ эса олис ўтмишга бориб тақалди. Яна олислашда давом этмоқда. Ҳатто Ҳомернинг ўзини ҳам постмодернист деб аташмоқда.

Умуман, постмодернизм шундай бир йўналишки, уни аниқ бир давр ёки замонга тақаб бўлмайди. Бу руҳий даража, аниқроғи, санъатга кучли иштиёқ, таъсир қилиш усули. Шунини айтиш мумкинки, ҳар бир даврнинг ўз постмодернизи мавжуд, худди шунингдек, ҳар бир даврнинг ўз услуби менимча, постмодернизм кўпроқ – манъеризм<sup>1</sup>нинг замонавий муқобили бўлиб кўринади. Шундай ўйлашга тўғри келяптики, Ницшеннинг “Бевақт туғилган мулоҳазалар” асарида тасвирланганидек, ўтмиш ва ҳар қандай давр изланишларида инкирозли лаҳзалар юз кўрсатяпти. Ўтмиш бизга талаблар қўяди, бизни эса қўйиб юбормайди, дўқ-пўписа қилади. Утган давр авангардизми ўтмиш билан ҳисоб-китоб қилишга уринади. Футуристларнинг шиори “Ой шуъласи йўқолсин!” – хоҳлаган авангарднинг типик дастури, ой шуъласини фақат бирор-бир арзийдиган нарсага алмаштирсагина бўлади. Авангард анъанавий образлиликни парчалайди: “Авиньонлик қиз” – типик авангардча ишора. Бундан сўнг авангард образларни парчалаб, тугатиб, мавҳумлик, шаклсизлик, тилка-пора бўлган бўз мато чегараларига ача илгарилаб кетди. Меъморчиликда бу деворларни тўлдирадиган, ёдгорлик тоши кўринишидаги бино, асил параллелепипед кўринишидадир. Адабиётда бу нутқий камчилик оқими тўлиқ сукунат ёки тоза қоғозгача давом этмоқда. Мусиқада эса ноохангдошлиқдан шовқингача, яъни тамомила жимликкача у намоён бўлмоқда.

Шундай лаҳзалар бўлдики, авангард (модернизм)га ҳеч қаерга бориш мумкин бўлмаганда, у ўзининг шахсий ва имконсиз нутқини яратди ва унда имкониятдан ташқари матнлар юзага келди. Постмодернизмнинг модернизмга жавоби ўтмишнинг тан олишдадир: кундан юз бурмаслик лозим, ана ўшанда биз тўлақонли жимликка эришамиз, гўллик билан эмас, унга кинояли тарзда қараб иш кўрамиз. Постмодернизмга муносабат худди инсонга, севимли инсонга муносабатдек бўлмоғи зарур. “Мен сизни телбаларча севаман”, деб айтолмаслигини билди. Яна у билдики, Лиала аллақачон шундай деб ёзган. Барибир чорасини топса бўлади. У айтиши мумкин эди: “Лиала айтганидек, мен сени телбаларча севаман”. Худди шундай ёлғон маъсумлик ҳақида очиқ фикр юрита туриб айтиши мумкин, энди маъсум суҳбатлар қуролмаймиз. У ўшандаёқ аёлга уни севишини, йўқотилган беайб вақт билан севишини айтганди. Агар аёл ўйинни давом эттира олса, бу тан олинган севги изҳори, деб қаралади. Ҳеч ким ўзини айбдор ҳис қилмайди. Иккаласи ҳам бунини ўтмиш даъвати, ким томондандир айтилган ва енгилмас даъват деб билди. Иккаласи ҳам ақлу ҳуш ва мамнуният билан кинояни давом эттиради. Уларда яна муҳаббат мавзусида суҳбатлар қуриш имкони бор.

Киноя, нутқий ўйин, тўртбурчак оралаб ҳикоя қилиш. Шунинг учун ҳам модернизмда ким ўйин қоидасини билмаса, ўйинга кўшилолмайдиган ва оқибатда

<sup>1</sup> Манъеризм – адабий оқим. XX асрда ўрта асрлар шеърини руҳида шеър ёзган шоирлар шу оқимга мансуб деб ҳисобланган.

инкор қилишга ўтади. Постмодернизм қондасига кўра ўйинни тушунмасдан ҳаммасини жиддий қабул қилиш зарур. Бу, шунингдек, киноянинг ҳам муҳим фазилатидир. Пикассо, Хуан Грис, Брак асарлари модернизмга хос. Шунинг учун ҳам уни оддий ўқувчи қабул қила олмайди. Макс Эрнест асарлари постмодернизмга дахлдор. У XIX аср ўйма нақшларидан парчалар яратди. Уларни фантастик ҳикоя тарзида ўқиш, ўйма нақшлар қиссаси ва ҳатто айтиб берилган туш эканлиги ҳам англамаслиги мумкин. Агар булар модернизм саналса, нимага Стерн ва Рабле постмодернизм намояндаси, Борхес очикдан-очик шу йўналишга мансуб деб қаралади-ю, бошқа бир санъаткорда муроса қилишга тўғри келади, модернизм ва постмодернизм элементлари алмаштирилади. Мана, Жойсда нималар юз берганига эътибор қилинг. Унинг уриниш тарзида ёзилган “Портрет” и модерн руҳида. “Дублинликлар” ундан олдин ёзилишига қарамай, модернга яқинроқ. “Улисс” қайсидир чегарада. “Финнеган хотиралари” эса постмодернизм, кўпроқ постмодернизмнинг бошланиши. Уни инкор қилишдан олдин киноявий фикрларини тўғри тушуниш лозим.

Постмодернизм ҳақида аввалбошданок ҳамма фикрлар айтилган эди (Жон Бартнинг “Адабиёт ва ниҳоя” очерки, 1967 йил). Албатта, ҳаммаси ҳам постмодернизм назариясига тўғри келавермайди, ахир ёзувчи ва санъаткорларга бу постмодернизмга тўғри келади, буниси тўғри келмайди деб ёрлик илиб чиқиш шарт эмас. Мени унга хос бўлган қоидалар, постмодернизм назарияси сифатида олиб чиқилаётган фикрлар қизиқтиради: “Менинг идеал ёзувчим постмодернни таг-туби билан кесиб ташлашга уринмайди ва йигирманчи аср адабиётига мансуб оталарини, ўн тўққизинчи асрдаги боболарини инкор этмайди. Эҳтимол, бу ёзувчи Жеймс Мичинер ва Ирвинг Уоллес ўқувчиларининг эътиборини жалб этишни орзу қилмас. Улар оммавий фикрлар билан китобхон қалбига упа-элик суриб, пардозлаб бўлишган. Бироқ улар китобхон меҳридан, янада каттароқ аудиторияни камраб олишдан умидвор бўлмоғи лозим. Бу каби санъат ишқибозларини Томас Манн илк насронийлар деб атайди...”. Идеал постмодерн роман реализм ва нореализм, формализм ва сюжетлилиқ, “адабиёт адабиёт учун” ва “таклиф адабиёти”, сара ва оммавий адабиётлар ўртасидаги кескин танқидни бардош билан энгиб ўтиши керак. Мен яхши жаз ва мумтоз мусиқани таққослаб кўрган бўлардим: қайта тингланаётганда ёки партитура ўқиладиганда олдинги гал илганмаган жиҳатлар юзага чиқади. Бироқ энг биринчи галги тинглашни такрорига мослаштиришга тўғри келади. Бу мутахассис ва шинаванда учун ҳам бирдай ҳақиқатдир”. Барт 1980 йилда бу мавзуга ана шундай ёндошган эди, энди бу мақолани “Мукамал адабиёт” деб номлади. Албатта, Лесли Фидлер каби бу мавзуга чуқурроқ ёндошиш, шубҳа билан қараш ҳам мумкин. “Калибано” журналининг 1981 йилги худди ўша сонидан унинг очерки эълон қилинган, “Сояли чизиклар” журналида унинг бошқа америкалик муаллифлар билан қилган мунозараси ўрин олган. Албатта, Фидлер уларга таклиф киритади. У “Сўнгги могиқанлик”ни, саргузашт, готик услубдаги адабиётларни алқайди, танқидга нисбатан нафрат кўзгашини, бироқ афсона яратувчилар жуда кўп ўқувчилар авлодининг ўй-хаёлини банд этаётганига эътибор қаратади. Ошхона, меҳмонхона ё болалар хонасида бирдай қизиқиш ила мутолаа қилиш учун қачонлардир “Том тоғанинг қулбаси”нинг бошқачаси яратиладими, деб савол ташлайди. У Шекспирга шунинг учун ҳам дахлдорки, ким агар кўнгиш овлаш иқтидорига эга бўлса, асарни “Шамолларда олиб кетилган” билан бир сафга қўя олади. У жуда зийрак танқидчи сифатида танилган, афсуски, ўзи ҳам бунга инонади. У шунчаки, санъат ва кўнгиловлар адабиётлар ўртасидаги деворни бузиб ташлашни хоҳлайди. Айни пайтда кенг китобхон оммаси эътиборини жалб этиш ва уларнинг орзулар мундарижасини бойитиш – демас, авангардчасига ёзмоқ демаклигини тушуниб туради. У бизга шундай имконият яратиб бермоқдаки, китобхон орзулар мундарижасини бойитиш – муросасозлик дегани эмас. Айтиш мумкинки, бу китобхонни янаям муккадан кетишга чорловдир.

*Рус тилидан  
Гўзал БЕГИМ  
таржимаси*



## ФЕДЕРИКО ФЕЛЛИНИ

Италия кинематографиясининг жаҳон киносаноатида ўзига хос ўрни бор. Биз Бернардо Бертолуччи, Микеланжело Антониони, Сержио Леоне, Франческо Рози каби итальян кино арбобларини яхши биламиз. Улар орасида маҳоратли режиссёр Федерико Феллини алоҳида мавқега эга. Феллини фақат ва фақат кино учун дунёга келган. Ҳаммага аёнки, кино усталарининг ишига кўпинча, “Оскар” мукофоти ёки бошқа кинофестиваллар мукофотлари билан баҳо беришади. Бу – дарҳақиқат яхши мезон. Шу нуқтаи назардан Федерико Феллинининг ижоди баҳоланса, у жуда кўп мартаба “Оскар” мукофотини қўлга киритган киноижодкор экани ойдинлашади.

Федерико Феллини 1920 йил 20 январда Италиянинг Римини шаҳарчасида Урбано Феллини ва Ида Барбианилар оиласида дунёга келган. Федерико болалигида жуда кўп бетоб бўларди. Шифокорлар унга “юррак етишмовчилиги” деб нотўғри ташхис қўйганлар. Болакай ота-онасининг у ҳақида қайғуришларини жуда яхши кўрганлиги боис кўпинча, уларга ўзини бемор қилиб кўрсатарди...

Федерикога коллежда ўқитиладиган фанларнинг ҳеч бири ёқмасди. У кўп вақтини томошалар учун ниқоб ва либослар тайёрлашга, кўғирчоқларни турли ранглар билан

бўяшга сарфлар эди. Айниқса, Римини гастрол сафари учун ташриф буюрган циркчиларнинг томошалари болакайнинг ҳаётида ёрқин из қолдиради ва кейинчалик яратган фильмларининг кўпчилигида цирк мавзуси асосий ўринга кўтарилади. Федерико 12 ёшида циркчилар труппасига кўшилиб уйдан қочиб кетганлиги ҳақида гаплар мавжуд. Бирок, кейинчалик Феллини болаликдаги хотираларини ёдга олар экан, ҳар доим воқеаларни бўрттириб айтиб беришни яхши кўрганлигини тан олади. У бир муддат Рим университетининг ҳуқуқшунослик факультетида ҳам ўқиган. Айтиш жоизки, у университетда ҳуқуқшуносликка қизиққанлиги учун эмас, балки армияда хизмат қилишни истамаганлиги учун ўқиган экан.

Шундай қилиб, у 1937 йили Флоренцияга келади ва репортёрлик билан шуғуллана бошлайди. “Фебо” фирмасига карикатурист бўлиб ишга қиради. Кейинроқ Рим шаҳрида чиқадиган газета ва журналларга расмлар чизиб, рекламалар учун матнлар тайёрлайди. 1938 йилдан 1942 йилгача антифашистик руҳдаги “Марк Аврелий” ҳажвий журналида қарийб етти юзта асари эълон қилинганидан сўнг, унга сценарий ёзиш таклифи тушади. 1943 йили Феллини ҳаётидаги асосий воқеа содир бўлади. У Рим радиоси учун тайёрлаган Чико ва Полина ишқу муҳаббатига оид ажойиб эшиттиришини экранга кўчириш таклифини олади. Ана шу воқеа Феллинини кинематография соҳасига олиб кирди. У режиссёр Роберто Росселини таклифига кўра, эшиттиришни киносценарийга айлантиради. Фильмни суратга олиш асносида дилбар актриса Жульетта Мазинага кўнгил қўяди ва у билан умрининг охиригача бирга яшайди. Улар фарзанд кўрмаганлар. Шу боис Феллини ўзи яратган фильмларини

“менинг фарзандларим”, дея атайди.

Уруш йиллари. Римга иттифокчилар қўшини кирган. Феллини олдида дўсти Роберто Росселлини келиб, немис фашистлари томонидан отиб ташланган руҳоний Морозини ҳақида фильм олиш ниятида эканлигини айтади. Феллини ушбу фильмнинг сценарийсини ёзиб беради. Фильм “Рим – очик шаҳар” номи билан катта муваффақият қозонди ва шу билан кино санъатида неореализмга асос солинди. 1950 йили Феллини Альберто Латтуада билан ҳамкорликда ўзининг илк фильми “Варьете чироқлари”ни яратади. 1952 йили “Оқ шайх” номли фильм сценарийсини ёзади. Фильм режиссёри Микеланжело Антониони бўлиши керак эди, лекин у бундай сценарий асосида фильм яратишдан бош тортгач, Феллинининг ўзи режиссёрлик қилади. Лекин бу фильм муваффақият қозонмайди. Аммо “Онажонисининг ўғилтойлари”, “Шаҳардаги ишқ” фильмлари кино мухлислари ва мунаққидлар томонидан яхши кутиб олинди. “Онажонисининг ўғилтойлари” Венеция кинофестивалининг “Кумуш арслон” мукофотини олди, сўнгра 1953 йили энг яхши оригинал сценарий номинацияси бўйича “Оскар” мукофотига тавсия қилинди.

Феллинига ҳақиқий муваффақиятни 1954 йилда экранга чиққан “Йўл” фильми олиб келди. Фильмдаги бош ролни рафиқаси ижро этишини хоҳлаган Феллини беш йил давомида тасвирга тушириш ишларини бошлаш учун продюсер топа олмаганди. “Йўл” – дайди цирк артистлари ҳақидаги ғамгин фильм бўлиб, унда кўпол полвон ва ҳар доим ўзи билан бирга олиб юрадиган ёрдамчиси содда, оккўнгил қишлоқ кизи ҳамда қувноқ дорбоз тақдирлари ҳақида хикоя қилинади. Режиссёр фильмнинг аксарият қисмини табиат қўйнида тасвирга туширган. Бош ролларни рафиқаси Жульетта Мазина ва актёр Энтони Куиннлар ижро этишган. Фильм нафақат Феллинига, балки актёрларга ҳам оламжаҳон машҳурлик олиб келди. Жульетта Мазина бугунги

кунда ҳам “Юпка кийган Чаплин” деб ёдга олинади. Фильм барча қийинчилик ва чекилган азоблар эвазига режиссёрга элликдан ортиқ турли мукофотлар келтирди. Режиссёр мазкур фильмда реализмдан чекиниб, рамзий ривоятларга ўтди, бу билан кино соҳасида катта бурилиш ясади. Фильмда Эзгулик ва Ёвузлик ўртасидаги муросасиз кураш мистика орқали ўта таъсирчан талқин қилинган. 1957 йили Феллини Мазина билан ҳамкорликда навбатдаги фильми “Кабирия тунлари”ни яратди. Мазкур фильмда ҳақиқий муҳаббатни орзу қилувчи исловотхонадаги аёл ҳаёти гавдалантирилган. Мазина қахрамони ўзининг соддалиги, ишонувчанлиги ва ҳамшиша тўғри сўзлиги, ҳаётга бўлган чексиз ишончи сабабли томошабинлар, танқидчиларнинг кўнглини забт этди. Фильм Феллинига режиссёрлик иши, Мазинага эса актёрлик маҳорати учун кўплаб мукофотларни келтирди. Уч йил ичида Феллинининг иккинчи фильми энг яхши хорижий фильм номинациясида “Оскар” мукофотини қўлга киритди.

1960 йилда суратга олинган “Ширин ҳаёт” фильмини ханузгача кино мухлислари ҳайрат билан тилга олишади. Бу фильм кўпчилик руҳонийлар, Ватикан аҳолиси томонидан рад этилди. Матбуотда фильмни “жирканч ҳаёт”, дея танқид остига олдилар. Аммо кўп ўтмай, бу фильм Италия киносида янги даврнинг рамзи сифатида тилга олинандиган бўлди. Марчелло Маттронининг бош ролга таклиф этилиши фильмнинг муваффақиятини таъминлади. Маълум вақтдан сўнг фильм Канн фестивалининг “Олтин пальма новдаси” мукофотини қўлга киритди. Фильмни тақиқлаш тўғрисидаги шов-шувлар томошабинлар кизикишини орттириб юборди ва картина катта маблағ тўплади.

Аслида Феллинининг ҳар битта фильмини кино санъатида катта ҳодиса десак, муболаға бўлмайди. Масалан, 1963 йилда яратилган “Саккиз ярим” номли фильмни олайлик. Бу фильм режиссёрнинг ўз кечинмалари ҳақида бўлиб, унда

Гвидо исмли режиссёрнинг ижоди ва ҳаётида юз берган инқироз, унинг ички кечинмалари, ҳақиқат йўлида чеккан изтироблар курашлари ҳақида ҳикоя қилинади. “Саккиз ярим” фильми бир қатор совринлар, жумладан, “Оскар” ва Москва кинофестивалининг асосий мукофотини қўлга киритди. 1965 йили Феллини ўзининг илк “Жульетта ва арвоҳлар” рангли фильмини яратди. Сценарий Мазина учун махсус ёзилган бўлиб, унда хиёнаткор эр туфайли азият чекаётган аёл қисмати очиб берилган. Ушбу фильмдан сўнг режиссёр барча фильмларини рангли тасмаларга тушира бошлади. 1967 йили Федерико оғир хасталикка чалинади, бир йилдан сўнг “Ўлим руҳи” фильмини суратга олади.

Режиссёр 1969 йили Петроний романи мотиви асосида қадимги Рим тўғрисида “Феллини-Сатирикон”, 1972 йили замонавий Рим тўғрисида “Феллинининг Рими” номли картиналар яратди. Замонавий Рим тўғрисидаги фильм Канн фестивалининг мукофотиغا сазовор бўлди.

1974 йили Феллини “Оскар” тақдимотида энг яхши хорижий фильм номинацияси бўйича мукофотни қўлга киритган тўртинчи ва сўнгги картинаси “Амаркорд”ни суратга олди. Мазкур фильмда режиссёр яна болаликдаги унутилмас таассуротларини ўзида акс эттирувчи цирк мавзусига қайтди.

Феллини 1980 йилларга келиб, фильмларига продюсер топа олмай, телевидение учун реклама роликларини тайёрлаш билан шуғуллана бошлайди. Режиссёр ижодининг сўнгги йилларида “Федерико Феллини Казановаси” (1976), “Оркестр репетицияси” (1978), “Аёллар шахри” (1980), “Кема ҳамон сузмоқда...” (1983), “Жинджер ва Фред” (1986), “Интервью” (1987) фильмларини яратди.

1990 йили Феллини ўзининг сўнгги картинаси “Ой овози”ни тасвирга туширди. Бош қаҳрамон ролини италиялик комик актёр Роберто Бениньи ижро этди.

Федерико Феллини 1993 йил март ойида кино санъатига қўшган

улкан ҳиссаси учун сўнгги бор фахрли “Оскар” мукофоти билан тақдирланди. Шу йили 74 ёшли Федерико Феллини инсульт хасталигидан вафот этди. Режиссёрнинг садокатли рафиқаси ва илҳом париси Жульетта Федерико вафотидан сўнг атиги беш ой умр кўрди.

Федерико Феллини режиссурасининг ўзига хос томонларини бевосита неореализм йўналиши ва унинг фильмларда қай тарзда акс этганлиги билан боғлиқ ҳолда кўриш мумкин. Икккинчи жаҳон урушидан сўнг, Италия киносига “Неореализм” йўналиши пайдо бўлди. Неореализм аслида танқидий реализмнинг янги шакли бўлиб, у фашизм тазйиқидан озод бўлган мамлакат ҳаёти шароитида юзага келди. Аввалига ушбу йўналишда яратилган фильмлар уруш ва урушдан кейинги йилларни акс эттирган. Мазкур фильмлар қисқа ва лўнда, сунъий гўзалликдан буткул холилиги билан ажралиб турарди. Одатда оқ-қора рангларда тасвирга туширилаётган неореализм фильмлари халқнинг ҳақиқий яшаш шароитини намойиш этади. Ғариб қишлоқлар, шаҳар харобалари, жазирамада тош йўллардан юриб бораётган, иши ва уйларида ажралган одамлар ва ҳоказо. Деталларнинг аниқлиги реал ҳаётнинг асл кўринишини очиб беришга ҳизмат қилади. Неореализм фильмларида профессионал актёрлар билан бир қаторда ҳаваскорларнинг роль ўйнаши ҳам кўп кузатилади. Режиссёрлар адабий итальян тилидан воз кечиб, воқеа содир бўлаётган ҳудуднинг шеваларидан фойдаланганлар. Буларнинг бари неореализм даври фильмларига ўзгача ҳаётийлик бахш этган.

Феллини режиссураси унинг илк фильмлариданоқ неореализм йўналишининг бошқа вакиллари ижодидан фарқ қилади. Унинг фильмлари қаҳрамонлари одадий эмас. Улардаги индивидуаллик бўрттириб кўрсатилган. Фильмларда сюжетдан кўра ёрқин деталларга кўпроқ аҳамият берилган. Цирк ва буффонада мавзулари ҳам илк фильмларидаёқ кўзга ташланган.

Феллини ижоди инсонларни бир-бирини тушунишга, ёлгонлар гирдобидан қутулиб, ҳаёт мазмунини қидиришга ундаши билан ўзига хос. “Йўл” фильми экран юзини кўргач, Италияда танқидчилар муаллифнинг неореализмдан оғиб универсализмга ўтиб кетганлигини, фильмнинг сатирадан кўра кўпроқ эртакка ўхшаб қолганлигини айтиб Феллинини кучли танқид остига олдидлар. Бунга жавобан режиссёр: “Мен ўзимни маълум бир чекловлардан, яъни боши, ўртаси ва финали бор воқеалардан озод қилишга ҳаракат қиляпман. Менимча, фильм ўзининг ритми ва ўлчамига эга достон бўлмоғи керак”, дейди. Феллини ўз фильмларида янгидан-янги ифода воситаларини кашф қилиб кино санъати тилини метафоралар билан

бойита олди. Феллини ижодининг сўнгги йилларида кўплаб мукофотларни қўлга киритиш билан бир қаторда томошабинлар орасидаги машҳурлигини йўқотиб борди. Танқидчилар режиссёр ижодида ўз-ўзини такрорлаш ва реалликдан четлашиш ҳолати кузатилаётганини таъкидладилар. Феллини фильми намоёниши бўлаётган бўм-бўш кинотеатрда: “Менинг томошабиним ўлди” – деб айтган эди. Шунга қарамай, Федерико Феллини узок йиллик машаққатли меҳнати билан кино санъатида ўчмас из қолдира олди. У яратган фильмлар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган, бетакрор режиссураси эса, ёш кино режиссёрлар учун ханузгача дастурул амал бўлиб хизмат қилмоқда.

*Шоқаҳҳор САЛИМОВ,  
Музаффар КАРАБАЕВ*

кинематографияси санами” дея эътироф этилмаган.

1934 йилнинг 20 сентябрида Италиянинг Рим шаҳрида таваллуд топган София Лорен буваси ва бувисининг қарамоғида пойтахтга яқин мўжазгина Пиццуоли қишлоғида ўзининг оғир болалик йилларини ўтказди. Ун беш ёшида маҳаллий гўзаллик танловида қатнашган София “Энг истарали қиз” номинациясига лойиқ кўрилади дея эътироф этилади. Кўп ўтмай, Римда ўтказилган гўзаллик кўрик-танловида, 1950 йилда эса “Мисс Италия” танловида ғолибликни қўлга киритади. Шундан сўнг, Софияга кино санъатининг эшиклари очила бошлайди. Айниқса, машҳур итальян актёри ва режиссёри Виттория Де Сика билан танишуви унинг ҳаёти ва ижодида жуда муҳим роль ўйнайди.

София Лорен ва Виттория Де Сиканинг йигирма йиллик ижодий ҳамкорлиги давомида мухлислар хотирасига муҳрланган ўн тўрт

## СОФИЯ ЛОРЕН

**Ж**аҳон кинематографияси тарихида дунёга донғи кетган актрисалар орасида София Лорен (Софи Лорен) нинг ҳам алоҳида ўрни борлигини эътироф этамиз. У фильмларда ижро этган роллари билан кўплаб томошабинлар кўнглини забт эта олган истеъдодли актрисадир. Мухлислари уни бежизга “Жаҳон

фильм экран юзини кўрди. Улар яратган “Олтин Неапол”, “Чочара”, “Алтонлик зоҳидлар”, “Итальянча никоҳ” сингари фильмлар бадиий савияси билан жаҳон кино мутахассислари ва томошабинларнинг юқори баҳосига сазовор бўлади. Хусусан, “Чочара” фильмида яратган Сезира образи учун 1961 йилда Канн кинофестивалининг мукофотини олади, бир йил ўтиб, “Оскар” ва Британия академияси мукофоти-га ҳам лойиқ кўрилди.

Актрисанинг оилавий ҳаёти у қадар кўнгилдагидек эмасди. У продюсер Карло Понтига турмушга чиққан, бироқ Понтининг биринчи хотини уларнинг яшашларига тўсқинлик қиларди. Мексикада ўтган пинҳона никоҳлари ҳам тезда оммага маълум бўлади. Шунга қарамай, у ижодий фаолиятини бир зум тўхтатмайди.

София Лорен касбига жиддий қарар, қандай ролни ижро этмасин, бор маҳоратини ишга солишга, қаҳрамонлари дарди билан яшашга интилар ва албатта бунинг уддасидан чиқарди. У яратган образлар шунинг учун ҳам эскирмайди, такрор-такрор намоиш этилса-да, томошабинлар назаридан қолмайди. Актриса суратга тушган “Тонгконгдан келган хоним”, “Кеча, бугун, эртага”, “Писталар”, “Шанба, Якшанба, Душанба”, “Ҳозирланган кўйлак”, “Боқаччо-70”, “Кассандра кўприги”, “Сафар”, “Оқ, қизил ва...”, “Ламанчлик киши” сингари фильмлардаги роллари унга мислсиз шон-шухрат келтирди ва жаҳон кинематографиясининг энг ёрқин юлдузларидан бирига айланди.

София Лорен 1957 йилдан бошлаб, Голливудда ижодий фаолиятини давом эттирди. Унинг Френк Синатр ва Кэри Грант билан ҳамкорликда тайёрлаган Голливуддаги илк фильми “Ғурур ва даҳшат” ҳисобланади. Шундан


сўнг, кетма-кет “Қизил трикодаги маккор”, “Қайрағоч тагидаги ишқ”, “Қора архидея”, “Бу Неаполда бошланганди”, “Миллионерлар”, “Рим империясининг қулаши” сингари фильмларда роллар ижро этади. 1965 йилда режиссёр Виттория Де Сиканинг “Итальянча никоҳ” (1964) фильмида ижро этган Филлумена Мартуран образи учун “Энг яхши аёл роли” номинациясида иккинчи бор нуфузли “Оскар” ва “Олтин глобус” мукофотларини қўлга киритади.

1991 йили актриса “Бой, хотирадан ўчмас роллари, кинематографиядаги ёрқин фаолияти” учун яна бир бор “Оскар” мукофоти билан тақдирланди. 1995 йилда Роберт Олтменнинг “Қимматбаҳо мода” фильмидаги роли учун эса саккизинчи бор “Олтин глобус”га муносиб кўрилди.

Бугунги кунга қадар София Лорен юздан ортиқ фильмда суратга тушди, тинимсиз меҳнати, бетакрор ижоди йигирма марталаб жаҳоннинг турли кино мукофотларига сазовор бўлди. Ҳозирда актриса 80 ёшда. Аммо у ҳали ҳам ижоддан тўхтаган эмас. Актриса ўз ижоди, ҳаёти давомида англаганларини жамлаб, “Ҳаёт ва ишқ”, “Тўзаллик сири” номли автобиография китоб ёзди.

Охириги йилларда режиссёр Роб Маршаллнинг “Тўққиз” (2009) мюзикл фильмида Гвидо она образида намоён бўлди. “Уолт Дисней” студиясида яратилган “Замбилғалтак 2” (2011) анимацион фильмида қаҳрамонларидан бири Тополино холага овоз берди. Жаҳон киносининг порлоқ юлдузи София Лореннинг кизғин, самарали ижодий фаолияти шундай давом этаётир. Унинг фарзандлари ҳам санъат йўлидан боришмоқда. Жумладан, ўғли Эдуардо Понти режиссёрлик ишлари билан шуғулланмоқда.

*Олим ЖУМАБОВ  
тайёрлади*



## АНДРЕА БОЧЕЛЛИ

Сехрли овоз камдан-кам инсонларга ато этилади-ган улуғ неъматларнинг биридир. Машҳур италян хонандаси Андреа Бочелли шундай сехрли овози билан жаҳон мусиқа санъатида ўзининг бекиёс ўрнига эга бўлган санъаткордир. У 1958 йил 22 сентябрда Италиянинг Тоскана шаҳрида дунёга келган. Ёшлигидан мусикага меҳр кўйиб, 6 ёшидаёқ фортепианога куй ижро этишни ўрганади. 7 ёшида флейта ва саксафон чолғуларида чалишни ўрганади ва ушбу чолғуларда мурраккаб мусиқий асарларни ижро эта бошлайди. Аммо кичик Андреанинг кўзлари оғир хасталикка чалинади. Қилинган муолажалар кор қилмай, унинг кўзлари тора хиралашиб бораверади. 12 ёшга кирганда Андреа бутунлай кўришдан маҳрум бўлади. Шунга қарамай, у тушкунликка тушмайди, аксинча, бор кучини санъатга бағишлаб, дунёни мусиқа орқали англашга ҳаракат қилади. Вужудда катта истеъдод яширинган болакай тез орада ўзи ўқийдиган мактабдаги хор жамоасининг яккахон хонандасига айланади ва кўплаб мусиқий танловларда кетма-кет ютуқларни кўлга кирита бошлайди. 1970 йилда “Margherita d’Oro” конкурсда “Osole mio” кўшиғи билан қатнашади ва ғолиб бўлади. Хор мактабини тамомлагач, Пиза

университетининг юридик факультетида таҳсил олиб, юрист дипломини кўлга киритади. Бироқ, опера санъатига бўлган меҳри шу қадар баланд эдики, оқибатда Бочелли хукукшунослик мартабасидан хонандаликни устун кўяди. У дунёга машҳур тенор бўлишни, худди Дел Монако ва Франко Корелли сингари бетакрор ижрочилик чўққиларига эришишни орзу қилади. Орзуларини амалга ошириш мақсадида Италиянинг энг номдор санъаткорлари етишиб чикқан Турин шаҳрига келиб, машҳур Франко Корелли билан учрашади. Ёш Бочеллининг овозидаги ноёбликни ва унинг санъатга бўлган қайноқ мухаббатини кўрган Корелли уни ўзига шогирдликка олади. Шу тариқа Андреа Бочелли классик ижрочилик йўналиши билан жиддий шуғулланади. Турин шаҳрида ҳеч кими бўлмаганлиги учун, Андреа ўзини-ўзи моддий жиҳатдан таъминлаши керак эди. Шу сабабли кундузи ўқиб, кечалари пул топиш мақсадида ресторанларда кўшиқ куйлайди. У классик ашулалардан ташқари, Фрэнк Синатра, Шарл Азнавур ва Эдит Пиаф сингари машҳур эстрада хонандаларининг кўшиқларини ҳам маромига етказиб ижро этади. Кўп ўтмай, классика ва эстрада йўналишларида бирдек бетакрор кўшиқлар куйлайдиган янги юлдузнинг доврўғи Италия сарҳадлари оша бутун дунёга тарқала бошлайди. 1994 йилда Андреа Бочелли Сан-Ремо шаҳридаги халқаро мусиқа фестивалида қатнашиб, улкан муваффақиятга эришди. Бочелли ушбу фестивалда “Янги ижрочи” йўналиши бўйича олий мукофот билан тақдирланади. 1994 йилнинг сентябрь ойида эса Лучано Паваротти Андреа Бочеллини ўзининг “Pavarotti Internatsional” деб номланган катта концертга таклиф этади. Бу Бочелли учун жуда катта шараф эди. Чунки Моден шаҳрида бўлиб ўтган ушбу концертда Андреа Бочеллига буюк Лучано Паваротти билан ёнма-ён туриб куйлаш бахти насиб этганди. 1995 йилнинг ноябрь ойдан бош-

лаб Андреа Бочелли Европа бўйлаб ўзининг яккахон концертларини ташкил қилади. У Нидерландия, Белгия, Германия, Англия, Испания ва Франция саҳналарида миллионлаб кишиларнинг олқишига сазовор бўлди. Бир сўз билан айтганда, Андреа Бочелли ўсмирлик чоғидаги орзуларига эриша бошлади. Унинг мусиқий альбомлари миллионлаб нусхаларда Европа, Осиё ва Америка қитъаларида қўлма-қўл бўла бошлади. Бугунги кунда Бочеллининг дунё бўйлаб тарқалиб кетган компакт-дискларининг сони 65 миллиондан ошиб кетган ва у ҳозирда дунёдаги энг кўп нусхада мусиқий альбомлар чиқарувчи ва энг кўп мухлисга эга санъаткорлардан бири саналади. Италия опера саҳналаридаги “Богема” (Пуччини асари, 1995 йил), “Тоска” (Пуччини асари, 2001 йил), “Трубадур” (Верди асари, 2003 йил), “Вертер” (Массне асари, 2004 йил), “Кармен” (Бизе асари, 2005 йил), “Масхарабозлар” (Леонкавалло асари, 2006 йил), “Қишлоқ

фидойиси” (Масканьи асари, 2006 йил), “Андре Шенье” (Жордано асари, 2010 йил) сингари операларнинг муваффақиятида Бочелли ижро этган партияларнинг ҳиссаси катта.

Дунё мусиқачилари Андреа Бочеллини Лучано Павароттидан кейинги энг буюк тенор сифатида баҳолашмоқда. Кўзи ожизлигига қарамай, Бочелли санъат оламида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлди ва ҳаётлигидаёқ ўз номини абадиятга муҳрлай олди. Андреа Бочелли 1996 йилда “Италия Республикасига кўрсатган буюк хизматлари учун”, 2009 йилда Доминика Республикасининг “Жаҳон санъати ва маданиятига қўшган улкан ҳиссаси учун” орденлари билан тақдирланган. 2010 йилнинг иккинчи мартада эса Андреа Бочеллининг номи Голливуддаги “Шараф йўлкаси”га муҳрланди ва унинг шарафига олтин юлдуз ўрнатилди. Буюк санъаткор учун энг олий мукофот албатта, дунё мусиқа санъати ихлосмандларининг муҳаббатидир.

*Ҳуснида ҚОДИРОВА  
тайёрлади*

## ҲАЛОВАТ ВА ХАВОТИР

Замонавий ўзбек ранг-тасвир санъати шаклий-услубий жиҳатдан ҳам, мазмун-мундарижасига кўра ҳам ўсиб-кенгайиб борапти. Мусаввирларимиз дунё тасвирий санъатининг ном қозонган вакиллари ижоди билан бўйлашишга лойиқ, моҳиятан умуминсоний ғояларни тараннум этувчи асарлар яратаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ранг-тасвир санъатининг жаҳоний микёсдаги етакчи тенденцияларини ўз ижодида синаб-тажриба қилиб кўришга интилаётган рассомларимизнинг изланишлари бесамар кетмаётгани уларнинг турли кўرғазмаларда намойиш этаётган асарларида яққол кўринади. Айни чоғда ҳар бир рассом дунёга ўзига хос, бошқалардан фарқли нигоҳ ташлаши шубҳасиздир. Кимдир ўз ижодида оламнинг яралишидан тортиб ҳозиригача бўлаётган кечмишлардаги илоҳий тартиб ва инсониятнинг бу қудратдан туядиган ҳаловатини акс эттирмоққа уринса, бошқа биров бугун дунё ахлокида юзага келаётган хаос, путур етаётган минг йиллик анъаналар тақдиридан хавотирда эканини тасвирламоққа жазм этади.

### Миллий оҳанглар жилоси

Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нурнинг “Ҳис ва хаёл” деб номланган кўрғазмасида (28 май–28 июн) томошабин нафақат ранг-тасвир санъати жилоларидан, айни чоғда шеърят сеҳридан ҳам баҳраманд бўлади. Зотан, картиналар моҳиятидан келиб чиқиб танланган шеърлар томошабин-ўқувчининг таассуротини янада бойитишга хизмат қилади.

Рассомнинг кўп йиллик ижодий изланишларини акс эттирувчи мазкур кўрғазма Акмал Нур ижодининг ҳам қамров, ҳам мажоз, ҳам маҳорат жиҳатидан кенгайганини кўрсатиши баробарида ўзбек ранг-тасвир санъатининг ҳам тобора юксалиб бораётганидан далолат беради. Кўрғазмани бир бошдан, синчиклаб томоша қилган киши рассомнинг ижодий ўсишига гувоҳ бўлиши шубҳасиз. Бизнингча, йиллар Акмал Нур ижодида рамзий-тимсолий услубнинг устуворлик касб этиши билан из қолдирибди. Масалан, бундан чорак асрча олдин чизилган “Учар юлдузлар”, “Работ. Оқ шаҳар”, “Илтижо қилаётган авлиё” каби суратларда аниқ, ҳаётий образлар бор ва томошабин ана шулар замирига рассом сингдирган маъноларни излайди. “Қурбонлик” (1998) картинасидаги тўрт оёғи куликланган кўй, унинг муте ва маъно ҳолатига уйғун ранг кишининг этини жимирлатиб юборадиган даражада таъсирчан. Бироқ тимсолларга таянадиган санъат тасаввурнинг чекланиб (масалан, “Қурбонлик”да кўй ва қурбонлик образлари билан кифояланиб) қолишидан қаноат ҳосил қилмайди, билъакс, ҳайрат ва тафаккурнинг ҳад билмас қувватларини уйғотишга ҳаракат қилади. Шу маънода Акмал Нурнинг борган сари аниқ, яққол штрихлардан воз кечиб, абстракт деталларга кўпроқ мурожаат қилаётгани томошабин тасавури учун янада кенгрок имкон яратади.

Рассом ижодининг ўзига хос хусусиятларидан бири, бизнингча, унинг миллий колорит белгиларини моҳирлик билан қўллашидадир. Нон, олма, анор, чархпалак, курок каби деталлар умуминсоний ғояларни ифода этувчи картиналар образлар тизимининг муҳим таркибий қисмига айлантирилган. Масалан, инсониятнинг давомийлиги ҳомиладор аёл тимсолида кўрсатилган “Абадият” (2014) картинасида ҳомиладор аёл, олма, анор, чархпалак, сув, анор донасини еяётган қуш образларининг ҳар бири ортида муайян тарих, аниқроғи, халқнинг тажриба ва дунёқарашини ўзида акс эттирувчи ривоят ва афсоналар ётади. “Илоҳий нур”да ёш келин-куёв бешик ёнида тасвир этилган. Бешиқдан таралаётган нур аноргулли кўйлақдаги, сочи ер супурадиган келин ва беқасам тўндаги йигитнинг юзинигина эмас, бутун оламни ёритаётгандай тасаввур уйғотадики, бу рассомнинг ота-оналик саодати, фарзанд неъматини оламнинг яратилиш моҳияти билан тенг кўрганидан далолатдир.

Юзаки қараганда оддийгина, маиший турмушдан бир лавҳа сифатида

кўринадиган картиналарда ҳам қахрамонлар рухияти нозик талқин этилади. Масалан, “Беданалар сайрамоқда” (2012) суратида бедананинг сайроғига ишқибоз ота титрабгина турган қушни кўлида тутганича қафасларда бир-бирига жўр бўлаётган паррандалар сайроғига маъс: юмилган кўзлари, чеҳрасидаги мамнунлик, завқ шундан далолат беради. Уғлини эса бедананинг сайрашидан кўра у билан яқинлик хурсанд қилади.

“Мен ва нур” (2014) картинаси ҳам тасаввурга бойлиги билан томошабин ёдида қолади. Ёлғиз кишининг чўнқайиб ўтириши изтиробда, ўйда эканини англатса, теваракка чўккан зулмат, ҳаммаёқни қоплаган тош бу мазмунни янада кучайтиради. Аммо одамзод доим илинж билан тирик. Улуғ олмон шоири Ҳёте таъбири билан айтганда, “Ҳатто қабр ёқасида ҳам умид яшайди”. “Мен ва нурда” ҳам айни рух ифодаси кўрамиз. Дарчадан тушаётган бир тутам нур нафақат зиндонни, балки кўнгилни мунаввар этишга ҳам қодирдир. Зеро, бу нур эркинлик, озодлик, хуррият тимсолидир; алишиб бўлмас, тенгсиз, ўзликдан кечиб-да ундан кечиб бўлмас мақсаддир. Рассом картинасига жо қилган маъно сурат ёнидаги оловқалб шоиримиз Чўлпоннинг шеъри билан янада таъсирчанлик касб этган:

*Ўзимни унутган тунларим бўлди,  
Дунёни, борлиқни унутта билдим.  
Кўнглимда кўп излар буткул йўқ бўлди,  
Сени унутмоқдан мен ожиз бўлдим.*

“Фаришта” (1990) сурати рассом ижодидаги етук босқичлардан бири саналади. Оқ ва қора ранглар асосида ишланган мазкур картина азал ва абадга дохил мангу мавзу – яхшилик ва ёмонлик курашини ифода этади. Тарозини тенг тутган оппоқ фаришта ва қоп-қора шайтон-иблис образлари бир-бирининг фонида янада яққолроқ-ёрқинроқ кўринади.

Акмал Нур бирор буюм ёки мевага биттагина образни жо қилиб, ўзини чеклаб, томошабинни ҳам шунга ўргатиб қўймайди. Масалан, кўпгина асарларда узвийлик, насл-насабнинг давомийлиги, барака маъносини англатадиган анор турли ўринда турфа тилсолга айланади. “Чилим чекувчи” (2008) суратида анор бангининг орзу-хаёлларини акс эттиради.

## Ижтимоий ҳайқирик залвори

Яна бир истеъдодли рассом Жамол Усмоновнинг “Ривоят” кўрғазмаси (29 май–29 июн) ҳам санъатсеварлар учун ўзига хос совға бўлди. Рассом мазкур кўрғазмасида олам-жаҳон мазмунни имкон қадар мўъжаз воситаларда ифодалашга интилган. Кўрғазманинг очилишида муаллиф “Экспериментларсиз санъат ривожланмайди”, деб таъкидлади. Дарҳақиқат, “Ривоят” Жамол Усмоновнинг аввалги ижодидан буткул фарқ қилади. Даствавал шуни айтиш керакки, мазкур композиция сўз, тасвир, ҳайкалтарошлик, инсталляция, видеоэффект ва мусиқа уйғунлигидан иборат. Улар бири иккинчисини истисно этмайди, балки тўлдириб-бойитади. Бошқача айтганда, бу деталлар алоҳида-алоҳида эмас, балки яхлит қабул қилингандагина ижодкорнинг ниятини илғаш сари қадам қўйилади.

Томошабин дастлабки бекатда ривоятларга дуч келади. Қисқагина бу матнларда Адолат ва Саодат исмли фаришталарнинг бугунги дунёга – сизу биз яшаётган Ер куррасига экскурсияси мазмуни баён этилган. Қолган манзилларда ана шу ривоят турли воситалар орқали ифодаланади. Жумладан, матндаги “хаёт, поклик рамзи бўлган сув”, “бевадек ёлғиз, кўзёшлари қуриб қолган” чархпалак, шаҳарларни қамраб олган “ўргимчак инини эслатувчи йўллар”, “темирдан ясалган махлуқлар” сингари тимсоллар ё сурат, ё ҳайкаллар ёки инсталляциялар ёхуд видеоэффектлар орқали акс эттирилган. Дейлик, сув ҳам суратда, ҳам видеоэффект ёрдамида ҳосил қилинган бўлса, замонавий тараққиёт тимсоли бўлган ахборот-коммуникация воситалари компьютер қисмларидан иборат инсталляцияларга жо қилинган.

Хўш, “Ривоят” композицияси нима ҳақида ҳикоя қилади?

Дунёмиз борган сари ўзгармоқда. Ижтимоий-сиёсий, ҳукукий-иқтисодий

сингари замон талабига мувофиқ янгиланувчи жабҳалар ўзгариши-ку, майли, тараққиётга хизмат қилади, аммо инсонийлик жавҳари билан боғлиқ сунъий “янгиликлар”га нима дейсиз? Турли-туман “исботу далиллар” ёрдамида ўзларининг умуминсоний қуноққонга сиғмайдиган хатти-ҳаракатларини асослаётган кимсалар аслида минг йиллик тартиботга дахл қилмоқда. Шу боис рус ижтимоийшунос олими Дмитрий Дёмушкин “Янгича дунё тартиботи” сарлавҳали мақоласида ёзади: *“Бутун бошли қитъаларни бўйсундириши ва халқларни йўқ қилиши учун бугун катта қўшин ё кучли қурол-яроғга ҳожат қолмади. Аҳолига ётпасига мафқуравий таъсир ўтказилса, бўлди. Жинсининг ва жинсий мойиллигининг тайини йўқ, эркакликдан ва ахлоқий негиздан кесилган қўллар насли етиштирилса, етади. Ватанпарварликни суймайдиган, фақат ўзини ўйлайдиган, ота-боболаридан, умуман, ўтган аждодларидан алоқасини узган миллат етиштирилса, бас”* (<http://nurulloh.uz/adib-ijodi/maqolalar/tarjima-maqolalar/yangicha-dunyo-tartiboti.html>). Таассуфки, бугун бундай “авлод” шаклланиб улгурди. Албатта, бу ўринда муайян давлат, масалан, Канада, Франция, Нидерландияда “аждодларидан алоқасини узган миллат” пайдо бўлди, дейиш фикридан йироқмиз, зотан, бу ҳақиқатга ҳам у қадар мувофиқ эмас, аммо бутун дунёда ўзаро “ҳамфикрлар авлоди” юзага келганини ҳам инкор этиш қийин. Масалан, бугунгидай ахборот технологиялари шароитида Парижнинг қай бир пучмоғида ўзининг қўтир нафси истагига юраётган кимсанинг қилмиши соат ўтмай Куала-Лумпур ёки Мехикодаги яна бир нафс бандасининг қўл телефони ё компьютерида акс этиши ҳеч гап эмас ва энг ачинарлиси, шундай бўлмоқда ҳам. Бинобарин, адабиётшунос Шухрат Ризаевнинг “Глобаллашув ва Гўлдирак момо” мақоласида (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2014 йил, 6 июнь) таъкидланганидек, *“Глобаллашув жараёнининг самараларидан ҳар қанча баҳраманд бўлмайлик, айти чогда унинг меҳрсизлик, оқибатсизликни урчитаётган, миллий маънавий қадриятларга дахл этаётган, юқувчанлиги билан жами инсониятга хавф солаётган хунук моҳияти”* фикр эгаларини ўйлатаётгани бежиз эмас.

Рассом Жамол Усмонов Адолат нигоҳи орқали урбанизация туфайли хувиллаб қолган қишлоқнинг бефайз манзарасини, Саодат кўзи билан эса тараққиётнинг ҳадди аълосига етган шаҳардаги “қучоқлашиб турган йигитлар жуфтлиги”, “шу алпоздаги қизлар жуфтлиги”ни кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу билан глобаллашув жараёнининг талотўмлари баҳонасида тобора кўнглидан узоқлашаётган, бунинг оқибатида инсонийлик қиёфасини унутаётган кимсалар қилгилигидан одамзодни огоҳ этмоқчи бўлади. Дунёда “оломончилик кайфияти”нинг сўниши эмас, кучайишидан манфаатдор, ўзларининг ғаразини рўёбга чиқариш учун одамзоднинг руҳиятини бошқаришдек калтис амаллардан ҳам тап тортмайдиган кучларнинг борлиги, уларнинг устмонликлари натижа-сида “ҳар қандай одатни ҳаётга сингдириш”, “жамият ахлокига буткул ёт ғоялар ҳам ахлатхоналардан чиқарилиб, ювиб-тозаланиб, сўнгра қонунлаштирилиши” мумкинлиги (“Увергун туйнуги” (“Окно Овертона”) модели) ҳам рассомнинг “ижтимоий ҳайқириғи” (Ш. Ризаев таъбири) нечоғлик муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатади.

\* \* \*

Ҳар икки кўргазмани томоша қилган киши мустақил коллекцияларнинг моҳиятан умумий мояга эга эканига амин бўлади. Зотан, Акмал Нур ҳам, Жамол Усмонов ҳам инсоният насл-насабининг давомийлиги, узвийлиги, минг йиллар чиғиригидан ўтган анъаналарнинг бардавомлиги одамдек яшашнинг энг асосий шарти эканини ўзига хос тарзда ифода этадилар. Бирининг асарларидан ҳаловат топган инсон иккинчисини ташвишлантираётган ҳодисалардан хавотирга тушиши табиийдир. Бу эса, ижодкорларнинг асл мақсади юзага чиқаётганини кўрсатади.

Отабек САФАРОВ

## ПЬЕТРО ПЕРУЖИНО

XV-XVI аср Италия уйғониш даврининг кўзга кўринган, ёрқин намояндаларидан бири Пьетро Перужино ўзининг шоҳ асарлари билан дунёга машҳур бекиёс истеъдод соҳибидир. Маълумотларга қараганда, мусаввирнинг асл исми Пьетро ди Кристофоро Ваннуччи бўлган. У 1446 йили Перужа шаҳридан 35 км. наридаги Читта-делла-Пьеве худудида таваллуд топган. Мусаввир бўлиш орзуси унда жуда

эрта уйғонади. Шунинг учун ҳам, гарчи унинг оиласи камбағал ва ночорликда кун кечиршига қарамай, тажрибали бир рассомга шогирдликка тушиб, мусаввирлик сир-саноатларини кунт билан ўрганишга астойдил киришади. Кўплаб рассомларнинг ижодий фаолияти билан танишиш жараёнида, аста-секин ўзининг санъатдаги йўлини топишга ҳаракат қилади. Айниқса, ўз замонасининг машҳур рассомларидан бўлмиш Пьеро делла Франческа ҳамда Луки Синьореллилар ижоди унинг келгуси фаолиятига катта таъсир ўтказади. Пьетро Перужино 1470 йили Флоренцияда мусаввир Андрея дель Вероккьо қўлида ишлай бошлайди. Кейинчалик, маҳорат ва тажрибаси ортгани сари, унинг ўзига хос ижодий қиёфаси шакллана боради. Натижада Перужада катта устахона очади (унинг тахаллуси ҳам шундан келиб чиққан).

Рассом Италиянинг кўплаб шаҳарларида бўлгани боис, у чизган пейзажларда ҳаёт ва табиат уйғунлиги акс этар, айниқса, Умбриянинг мафтункор манзараларини тасвирлаш унга хуш ёқарди. Вақти келиб, унинг номи таниқли рассомлар қаторида тилга олина бошлайди. Тез орада у Римга – Ватиканга йўл олади ва Рим Папаси Сикст VI нинг топшириғи билан Сикстин капелласини безашга киришади. 1480-90 йиллар давомида Перужино Италиянинг энг машҳур рассомларидан бирига айланади.

Перужино ўз асарларида турли ижодий йўналишларни мужассам этиб, ўзига хос индивидуал услуб ярата олди. Жўшқинлик, фалсафий теранлик, бадий яхлитлик унинг асарларида ҳамиша устувор бўлиб келган.

Перужино портрет жанрида ҳам кўплаб ажойиб асарлар яратган. Сураатларида замондошлари ёки тасавуридаги инсонлар қиёфалари рангин бўёқларда маҳорат билан тасвирланади. Шулардан “Франческо делле Опере”, мазкур сонда ўқувчиларга ҳавола этилаётган “Ўсмир портрети” сингари қатор портретлар жуда машҳур бўлиб, неча асрлардан бери санъат ихлосмандларини ўзига махлиё қилиб келади.

Перужино 1524 йили Перужа шаҳрида вафот этади. Ундан кўплаб юсак санъат асарлари ҳамда истеъдодли шогирдлар қолди. Энг машҳур шогирдларидан бири Рафаэль ўзининг ноёб асарлари билан ҳамон инсониятни хайратга солиб келмоқда.

*Аброр УМАРОВ  
тайёрлади*



## УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР...

### 2 ИЮНЬ

**1840-1928 йиллар. Томас Харди**, инглиз ёзувчиси. “Кўринмас Жуд”, “Минорадаги икки киши”, “Оғир йўл”, “Мэр Кэстербридж”, “Бир жуфт мовий кўзлар”, “Труба-мажор”, “Энг суюкли” сингари романлар муаллифи.

### 5 ИЮНЬ

**1913-1963 йиллар. Назира Аҳмедова**, Ўзбекистон халқ артисти, опера хонандаси. “Фарход ва Ширин”, “Гулсара” мусикий драмалари, “Лайли ва Мажнун”, “Эр Таргин”, “Кармен”, “Евгений Онегин”, “Риголетто” ва бошқа операларда ижро этган етакчи партиялари билан ўзбек опера санъати ривожига катта ҳисса қўшган.

### 7 ИЮНЬ

**1848-1903 йиллар. Эжин Анри Поль Гоген**, француз мусаввири, постимпрессионизм намояндаларидан бири. “Гул кўтарган аёл”, “Бошқа ҳеч қачон”, “Сарик Исо”, “Тикаётган аёл”, “Сен мени қизғонасанми?”, “Жонсиз рух мудрамайди”, “Қаердан келдик, киммиз, қайга кетяпмиз?”, “Мева туган аёл”, “Хутбадан кейинги рўёлар” каби асарлар муаллифи.

## ТАҚВИМ

### 8 ИЮНЬ

**1916-2007 йиллар. Луиджи Коменчини**, италиялик машҳур кинорежиссёр. “Кўғирчоқ”, “Комиссар”, “Италиянча разведка”, “Келинчак Бубе”, “Менинг ёрим”, “Нон, муҳаббат ва рашк”, “Римлик нозанин”, “Муҳаббатли уч кеча”, “Хайрли тун, хонимлар ва жаноблар”, “Тарих” каби фильмлари, қатор теле-сериаллари билан танилган.

### 11 ИЮНЬ

**1864-1949 йиллар. Рихард Штраус**, немис композитори. “Саломея”, “Электра”, “Даная муҳабвати” опералари, “Дон Жуан”, “Қаҳрамон ҳаёти” симфоник поэмалари, кўплаб кўшиқ, концерт ва камер чолғу асарлари билан шуҳрат қозонган.

### 13 ИЮНЬ

**1865-1939 йиллар. Уильям Батлер Йейтс**, ирландиялик шоир, драматург. Нобель мукофоти лауреати (1923). “Минора”, “Парракли нарвон”, “Шеърлар”, “Сирли атиргул”, “Қамишзор шамоли”, “Она юрт, орзули юрак” ва бошқа ўнлаб шеърый китоблар муаллифи.

### 14 ИЮНЬ

**1899-1972 йиллар. Ясунари Кавабата**, япон ёзувчиси. Нобель мукофоти лауреати (1968). “Мингқанот турна”, “Қорли ўлка”, “Эски пойтахт”, “Тоғлар ноласи”, “Мэйдзин”, “Қалб” романлари, “Ун олти йиллик кундалик”, “Идзулик раққоса”, “Етимлик ҳисси”, “Туғилган жой”, “Ота номи”, “Қуёш ботиши”, “Ухлаётган гўзаллар” сингари кўплаб ҳикоя ва қиссалар муаллифи.

## 15 ИЮНЬ

**1843-1907 йиллар. Эдвард Григ**, норвегиялик композитор. “Қишлоқ ҳаётидан лавҳалар”, “Тролляхаугенда тўй”, “Норвегия рақслари”, “Пеър Гюнт”, “Лирик пьесалар”, “Куз” каби муסיкий асарлар, шунингдек, фортепиано скрипка, учун кўплаб концертлар, соната, романс, симфониялар ижодкори.

## 19 ИЮНЬ

**1909-1948 йиллар. Осаму Дадзай**, япон ёзувчиси. “Аёллар дуэли”, “Янги Ҳамлет”, “Югур, Мелос”, “Алвидо”, “Богаётган кўёш”, “Олча”, “Қишги мушақбозлик”, “XX аср байроқдори”, “Ўқувчи” каби асарлари шуҳрат келтирган.

## 21 ИЮНЬ

**1905-1980 йиллар. Жан-Поль Сартр**, француз файласуфи, экзистенциализм намояндalarидан бири, адиб. Нобель мукофоти лауреати (1964). “Адабиёт нима”, “Экзистенциализм – бу гуманизм”, “Тасаввур”, “Картезианча эркинлик”, “Миф ва театр ҳақиқати” каби илмий-фалсафий, “Сўз”, “Фрейд”, “Ифлос кўллар”, “Озодлик йўллари” сингари бадиий асарлари, “Чивинлар”, “Тобутсиз майит”, “Фақат ҳақиқат”, “Иблис ва Худо”, “Хурматли суюқоёқ” пьесалари билан машҳур.

## 23 ИЮНЬ

**1910-1987 йиллар. Жан Ануй**, француз драматурги. “Оқсичқон”, “Эвридика”, “Репетиция ёхуд жазо-

ланган муҳаббат”, “Антигона”, “Юксиз йўловчи”, “Коломба”, “Муаллиф ҳаётидан эпизод”, “Тўрғай”, “Медея”, “Азиз Антуан ёхуд омадсиз севги”, “Оркестр” сингари кўплаб асарлар муаллифи.

## 25 ИЮНЬ

**1941 йил. Дени Аркан**, канадалик кинорежиссёр. “Оскар” ҳамда Канн киномукофотлари соҳиби. “Ғарбга йўл”, “Волейбол”, “Империя”, “Муҳаббат ва бебақо жисм”, “Лаънати пул”, “Овидий Плуф жиноти”, “Юлдузлик касали”, “Аср зулмати” каби фильмлари муваффақият келтирган.

## 28 ИЮНЬ

**1577-1640 йиллар. Питер Рубенс**, фламандиялик мусаввир, барокко даври ижодкорларидан бири. “Тўрт файласуф”, “Герцог Лерма”, “Елена Фурман”, “Елена Фурман болалари билан”, “Самсон ва Далила”, “Муҳаббат боғи”, “Изобелла Брант билан автопортрет”, “Қизалоқ Клара”, “Қайнисингил Сусанна” каби портрет, манзара, тарихий жанрларда асарлар яратган.

## 30 ИЮНЬ

**1911-2004 йиллар. Чеслов Милош**, поляк шоири, Нобель мукофоти лауреати (1980). “Уч қиш”, “Она Европа”, “Номсиз шаҳар”, “Дарё қирғоғида”, “Ов таквими”, “Марварид ҳақида мадҳия”, “Метефизик танаффус”, “Чаёнлар орасидаги киши”, “Танишув боғи”, “Нажот” ва бошқа кўплаб китоблари билан машҳур.

Мафтуна  
МУҲАММАДАМИНОВА  
тайёрлади

---

## RESUME

 July's issue of the magazine is devoted to Italy. Stories, the chosen verses from poetic heritage of great Italian poets, articles on literature, culture and art, fragments from life and creativity of the well-known persons of this fantastic country are published.

 Due to the 215th anniversary since the birth of A.S.Pushkin samples from little-known works of the great poet are published. Also to fans of poetry are provided remarkable verses of Anna Akhmatova by whom this year 115 years since birth are executed.

 In the column "Prose" you can read the end of the novel "Faust, His Acts and Overthrow in a Hell" and continuation of the novel "Pride and prejudice" by Dzheyn Austen. The novel of the Crimean-Tatar writer U. Edemova "At the bright night" is for the first time published in the same section in journal option.

 In the heading "Dramatic art" – the comedy of the Italian playwright Eduardo de Filippo "Naples – the city of millionaires" and continuation of the play of Samuel Beckett "Waiting for Godo".

---

## РЕЗЮМЕ

 Июньский выпуск журнала посвящается Италии. Публикуются рассказы, избранные стихи из поэтического наследия великих итальянских поэтов, статьи по литературе, культуре и искусству, фрагменты из жизни и творчества знаменитых личностей этой сказочной страны.

 В связи с 215 летием со дня рождения А.С.Пушкина публикуются образцы из малоизвестных произведений великого поэта. Также любителям поэзии предоставляются избранные стихи Анны Ахматовой, которой в этом году исполняется 115 лет со дня рождения, в переводе узбекского поэта Абдуллы Шера.

 Завершение романа «Фауст, его деяния и низвержение в ад» и продолжение романа Джейна Остина «Гордость и предубеждение» можно прочесть в рубрике «Проза». В этом же разделе впервые публикуется роман крымско-татарской писательницы У. Эдемовой «В Ясную ночь» в журнальном варианте.

 В рубрике «Драматургия» – печатаемая комедия итальянского драматурга Эдуардо де Филиппо «Неаполь – город миллионеров» и продолжение пьесы Сэмюэля Беккета «В ожидании Годо».

---

---

# Жаҳон АДАБИЁТИ

2014 йил июнь сони

**Обуначилар  
диққатига!**

*Журнални обуначига  
етказилишида муаммолар  
пайдо бўлса, қуйидаги манзилга  
муурожаат қилинг.*

*Тошкент шаҳар, Амир Темура  
1-тор кўча, 2-уй. Тел: (8371)  
233-67-98,*

---

Навбатчи муҳаррир С.АЛИЖОНОВА  
Техник муҳаррир М.АЛИЕВА  
Мусаххих Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи А.УМАРОВ

**Жаҳон адабиёти, 2014**

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босиш-  
да ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинмиши шарт.

**Таҳририят манзили:**

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.

Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)

E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 01.07.2014 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Адади 3450 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, “SHARQ” НМАКда чоп этилди.  
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41 уй.

© Жаҳон адабиёти, 2014 й.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

208